

Тун яқинлашмоқда. Буюк Британия бош вазири ўз хизмат хонасида танҳо ўзи, узундан-узоқ меморандумни ўқиб ўтирибди-ю, олис давлат президентининг қўнғироқ қилишини кутаётгани боис, мияси бирон-бир маъно ўқмаяпти. Айни вақтда у, ниҳоятда чўзилиб, чарчатиб юборган нохуш ҳафта давомида рўй берган ҳодисалар билан боғлиқ, миясида бошқа нарсаларга жой қолдирмаган хотиралардан халос бўлишга уринмоқда.

- Қачон қўнғироқ қилишни лозим топар экан, анави жин ургур жаноб. Фикрини меморандум матнига жамлашга қанчалик ҳаракат қилса, кўз ўнгида сиёсий мухолифларидан бирининг қабих башараси шу қадар аён гавдаланмоқда. Ўша ярамас бугунги янгиликларда пайдо бўлиб, ҳафта давомида юз берган ҳалокатларни, худди эслатиш шартдай санаб ўтиб, бу ҳам камлик қилгандай, ушбу бахтсизликларнинг барига амалдаги ҳукуматнинг айбдорлигини батафсил изоҳлаб ўтди.

Ўша айбловлар ҳақидаги ўйнинг ўзи Бош вазирнинг юрак уришини тезлатиб юборди.

- Ёлғон ва ноҳақлик! Қандай қилиб ҳукумат, шаҳар кўпригининг кўприк вайрон бўлишига йўл қўймаслиги, бундай ҳолатнинг олдини олиши мумкин эди? - ўзига ўзи савол берди у, - Кўприк сақлаш тадбирлари охиригача молиялаштирилмаганлигига оид фитна солувчи шамаларини қаранг-а?! Фойдаланишга топширилганига ўн йил ҳам бўлгани йўқ-ку ҳали! Энг сара мутахассис-экспертларнинг боши қотиб қолди. Нега энди туппа-тузук турган кўприк ўнлаб автомобилларни дарё тубига йўллаганча, дабдурустдан икки бўлиниб кетади? Оғиздан-оғизга ўтиб кетган сўнги иккита қотиллик полициячилар сони етишмаётганлиги сабабли содир этилди дегани-чи?! У ҳам майли, Ғарбий графликда юз бериб, катта моддий зарар келтирган, одамлар орасида кўплаб талафот ила якун топган ғалати довулни қай тарзда олдиндан кўра билиш мумкин? Маҳкамада фаолият юритаётган кичик вазирлардан бири Герберт Чортли айнан шу ҳафтада тутуриқсиз баёнот қилган бўлса, менинг айбим нима? Оиласига кўпроқ вақт ажратиши керак эди эмиш. Бош вазир бироз ўйга толди.

- Мамнун иржайишини яширишга истар-истамас уринган бўлса-да, мамлакат аҳолиси орасида нохуш кайфият қарор топди, дегани, афсуски рост, - хаёлдан ўтказди у, - Буни ўзим ҳам кўриб турибман. Одамларни одатдагидан кўра кўпроқ ғам-ғусса босган. Об-ҳаво ҳам киши нафратини кўзғатади. Июль ойининг қоқ ўртасида бундай совуқ туман тушиши... Ҳамма нарса ғайритабиий, бари нотўғри...

Меморандумнинг иккинчи саҳифасини варақлаб, яна қанча ўқиш кераклигини кўрган Бош вазир таслим бўлиб, ҳужжатни четга суриб қўйди.

- Ўқиб, уқмагач, нима фойдаси бор.

У қўлини кўтариб, керишиб олди-да, хонага ғамгин нигоҳ-ла кўз югуртириб чиқди. Хона чиройли. Ажойиб мрамор камин ва унинг қаршисидаги, тавақалари икки ёққа сурилиб очиладиган, бироқ ёз мавсумига хос бўлмаган ғайритабиий совуқ туфайли ёпиб қўйилган дераза хонага янада кўрк бермоқда. Эти жунжикиб кетган Бош вазир ўрнидан туриб, деразага яқин борди-да, ойнага ёпишиб қолган қалин туманга бақрайиб қолди. Хонага орқа ўгириб турар экан, кимнингдир аста йўталиб қўйганини эшитди.

Муқаддам эшитган бўлиб, ким йўталганини англаган Бош вазир чўчиб кетган аксига қараганча, серрайиб қолди. Хонада ҳеч ким йўқ.

- Ким у? - иккиланиб сўради у, сохта дадил овозда.

Саволга жавоб эшитмасликка қисқа фурсат умид қилишга журъат этган Бош вазир, таассуфки, олдиндан тайёрланган баёнот ўқиб эшиттириляётган каби, овоз соҳибининг қатъий оҳангда янграган узук-юлуқ сўзларини эшитди. Ушбу овоз бошига кумуш тусли парик ташлаб олган бўлиб, башараси бақага ўхшаб кетадиган киши тасвирланган кичик ўлчамли, бироз кир портретдан чиқаётганини Бош вазир илк фурсатда идрок этиб бўлган.

- Магларнинг Бош вазирига. Шошинч учрашув уюштириш лозим. Зудлик билан жавоб беришингизни сўрайман. Яхши тилаклар ила, Фуж. Портретда тасвирланган киши Бош вазирга савол назарида қараб қолди.

- Э-э-м... қулоқ солинг... - ғудуллади Бош вазир, - Ҳозир мавриди эмас... Мен ўта муҳим қўнғироқ кутяпман... президент... э-э-м...

- Қўнғироқни кечиктириш мумкин, - гапни кесди портрет.

Айнан шундай жавоб эшитишдан чўчиган Бош вазирнинг юраги орқага тортиб кетди.

- Бироқ бу қўнғироқ чиндан ҳам...

- Президент қўнғироқ қилиш кераклигини унутиб, эртага кечқурун эслайди. Биз буни уюштирамиз, - маълум қилди портретда тасвирланган киши, - Илтимос қиламан, мистер Фужга зудлик билан жавоб беринг.

- А-а... э-э-м... яхши, - бўшашган овоз-ла, пўнғиллади Бош вазир, - Учрашганим бўлсин, Фуж билан.

У юрган йўлида бўйинбоғ тўғрилаганча, ёзув столига яқинлашди.

Эндигина ўтириб, юзига бепарво қиёфа берган бўлди ҳам-ки, каминнинг мрамор токчаси остидаги бўм-бўш ўчоқда яшил тусли ёрқин олов ярқиради. Қўрқув ҳиссини базўр идора қилиб ўтирган Бош вазир олов тили орасида пайдо бўлган аллақандай буралувчан каноп бир зумда тўладан келган, басавлат кишига айланиб қолганини кўрди. Яна икки сония ўтгач, қўлига сарғиш яшил қозон шляпа ушлаб, узун, йўл-йўл ридосининг енгидаги кулни қоқаётган меҳмон антиқий камин гиламчасига оёқ қўйди.

- О, Бош вазир жаноблари, - хитоб қилди Корнелиус Фуж, қўлини олдинга

узатганча, мезбон томон қатъий одимлаб, - Сизни боз кўрганимдан бағоят хурсандман.

Самимий жавоб қайтара олмаган Бош вазир индамасликни афзал кўрди. Фужнинг ташрифидан у мутлақо хурсанд эмас. Зеро, ҳар замонда кўрқинчли тарзда пайдо бўладиган ушбу шахс навбатдаги нохушлиқдан дарак бергани келади холос. Бунинг устига, кўзлари киртайиб, оқарган сочи сийраклашган, ҳорғин юзи ташвиш қиёфасини касб этган Фужнинг соғлиги яхши эмасга ўхшайди. Сиёсатчиларнинг бундай юзларини кўп кўрган Бош вазир, кишининг ушбу аҳволи хушxabар аломати эмаслигини яхши билади.

- Хўш, хизмат? - сўради у, меҳмоннинг қўлини қисиб қўяр экан, ёзув столининг қаршисидаги қаттиқ курсига имо қилиб.

- Нимадан бошлашни ҳам билмай қолдим, - ғудуллади, курсига ўтириб, яшил тусли қозон шляпасини тиззасига қўйган Фуж, - Бунақанги ҳафтани ҳали кўрмаганман...

- Сизда ҳам шу аҳволми, дейман? - қуруқ қизиқди Бош вазир, бошқа бировнинг муаммоларисиз ҳам, ташвиши етарлидан ортиқ эканлигига шама қила олганига умид қилиб.

- Албатта, - жавоб қайтарди кўзини ҳорғин ишқалаб, суҳбатдошига бақрайган Фуж, - Сизни қийнаётган муаммолар бизни ҳам ташвишга солади, муҳтарам Бош вазир. Ўша Брокдейл кўприги... Боунс билан Вансни ўлдириб кетишгани... Фарбий графликда кўтарилган даҳшат ҳақида-ю, гапирмаса ҳам бўлаверади...

- Сиз... э-э-м... сизлар... айтмоқчиман-ки, ораларингдан кимдир дахлдорми... бўлиб ўтган ҳодисаларга?

- Албатта, - жавоб берди Фуж, Бош вазирга қатъий нигоҳ ташлаб, - Нима гап эканлигини тушуниб етгансиз, деган умидда эдим. Ёки ундай эмасми?

- Мен... - эсанкираб қолди Бош вазир.

Айнан шунинг учун ҳам Фужнинг ташрифини ёқтирмайди у. Бу қанақаси ахир? Бош вазир-ку, у, ҳар қалай. Нега энди у, ўзини, худди уйга берилган вазифани бажармай келган ўқувчидай ҳис этиши керак. Афсуски, илк бор учрашгандан буён шу аҳвол. Ҳаётининг сўнгги соатигача унутиши амри маҳол бўлган ўша учрашувни худди кеча ўтгандай яхши эслайди.

Эндигина сайланган Бош вазир ўшанда ҳам, ушбу хонада танҳо ўзи, кўп йиллик кураш ва қийинчиликлардан сўнг, қўлга киритилган ғалабадан мириқиб турган эди. Худди бугунгидай, дафъатан эшитилган йўтал чўчитиб юборган, ортга ўгирилиб, анави гапирувчи бадбашарадан, қаранг-ки, аллақандай сеҳргарлик вазири танишиш учун ташриф буюрмоқчи бўлганини билган эди.

Табиийки, ўшанда у, қути ўчиб, томи бироз жилиб қолган, деган хаёлга борди. Ҳазилакам гапми ахир, узоқ давом этган сайловолди тадбирлари,

тарғибот-ташвиқот ишлари, хусусан сайлов... Буларнинг бари ҳар қандай кишини руҳан ва жисмонан зўриқтириб, толиқтиради, албатта. Портрет кутилмаганда тилга кириб, ўларча қўрқитиб юборгани, каминдан сакраб чиқиб, қўл сиқишга ошиққан сеҳргар олдида ҳеч гап эмас. Жони чиқиб кетишига сал қолган Бош вазир тили калимага келмай ўтирар экан, Фуж, мамлакат ҳудудида сеҳргарлар элатининг кўплаб вакиллари азалдан яшаб келаётгани, бироқ улар борасида қайғуриш шарт эмаслиги, негаки Буюк Британия Сеҳргарлик вазирлиги бундай ҳолатни сеҳргар бўлмаган жамиятдан сир тутиш масаласини ўз зиммасига олганини, аммо супургидан фойдаланиш қоидаларини жорий этишдан тортиб, токи аждар сонини назорат қилиб боришга қадар сир тутишни таъминлашга доир ниҳоятда кенг қамровли тадбирлар ижроси осон кечмаслигини хушмуомалалик-ла тушунтириб ўтирди.

- Хавотир олманг, - қўшиб қўйди Фуж, аждарлар ҳақида эшитиб, столга қапишиб қолганча, ўзига кела олмай ўтирган Бош вазирнинг елкасига оталарча уриб қўйиб, - Биз қайта кўришмаслигимиз ҳам мумкин, агар сеҳргарлар дунёсида бирон-бир ўта жиддий, магларнинг, яъни айтмоқчиман-ки, сеҳргар бўлмаган жамиятнинг ҳаётий фаолияти ва фаровонлигига нисбатан хавф туғдирадиган ҳодисалар юз бермаса, албатта. Умуман айтганда, биз: «Ўзинг ҳам яша, бошқаларга ҳам тинчлик бер» тамойилига амал қиламиз. Таъкидлаб ўтишим жоизки, Сиз, эски Бош вазирга нисбатан ўзингизни анча вазмин тутмоқдасиз. У мени қарши кучлар томонидан юборилган ғаламис сифатида эътироф этиб, деразадан улоқтириб юбормоқчи бўлган эди.

- Демак сиз... ғаламис эмассиз? - умид-ла сўради, ниҳоят тилга кирган Бош вазир.

- Йўқ, - мулойим оҳангда жавоб берди Фуж, - Ўйлайман-ки, йўқ. Мана қаранг.

Фуж Бош вазирнинг ёзув столи устида турган чашкасини оғмахонга айлантди.

- Бироқ, - аста пичирлади Бош вазир, собиқ чашкаси илк нутқининг матни битилган қоғоз бурчагини кемиришга киришганини кўриб, - Нима учун... нима учун менга ҳеч ким ҳеч нима демади бу ҳақда...

- Сеҳргарлик вазири магларнинг фақат амалдаги Бош вазирига таништириб ўтади ўзини, - деди Фуж, сеҳрли таёқчасини киссасига жойлаб, - Махфийликка амал қилиш масаласига жиддий қараймиз.

- Ундай бўлса, - маъраган овоз чиқарди Бош вазир, - Нима учун эски Бош вазир менга ҳеч нима демади?

Фуж хандон отиб юборди.

- Муҳтарам Бош вазир жаноблари, ўзингиз-чи, мен ҳақимда бирор-бир кишига айтиб берган бўлармидингиз?

Кулишдан тўхтамаган Фуж каминга аллақандай кукун ташлаб, гуриллаб ёнган зумрад рангли оловга қадам ташлади-да, шитирлаган товуш

чиқарганча, кўздан ғойиб бўлди. Ерга қоқилган қозик сингари турган жойида қотиб қолган Бош вазир, ушбу учрашув ҳақида ҳеч қачон, ҳеч кимга чурқ этмаслик борасида ўзига ўзи сўз берди. Айтган тақдирда ҳам, қайси аҳмоқ ишонади унинг гапига?

У анча вақтгача ўзига кела олмай юрди. Дастлаб, Фуж чиндан ҳам, сайловолди кунларида кечган уйқусизлик туфайли рўй берган галлюцинация эканлигига ўзини ишонтиришга уринди. Ноқулай хотирадан халос бўлишга уринганча, оғмахонни жиянига совға қилиб, бахтиёр айлади. Шахсий котибига эса Фужнинг ташрифини маълум қилган анави бадбашаранинг портретини ечиб, хонадан олиб чиқишни амр этди. Энг ёмони, ушбу портретни ечиб олишнинг иложи бўлмади. Бир неча дурадгор, икки нафар қурувчи, санъатшунос ва ғазначилик канцлери минг чиранмасин, деворга маҳкамланган лаънати портретни ечиб олишга муваффақ бўлишмади. Тақдирга тан берган Бош вазир бадбашара тасвирини ўз ҳолига қўйиб, токи ҳукумат бошида бўлар экан, портрет қайта тилга кирмаслигига умид боғлади. Бироқ онт ичишга тайёрки, баъзан у, кўз қири билан, бадбашаранинг эснагани, бурнини қашлагани, бир-икки бор эса кир матони бўм-бўш қолдирганча, қаёққадир ғойиб бўлганини кўрди. Шундай бўлса ҳам, Бош вазир, зарурат бўлмаса, портрет томон қарамасликка одатланди. Агар ғалати ҳолатни пайқаб қолса ҳам, уни кўз алданиши сифатида қабул қиладиган бўлди.

Орадан уч йил ўтгач, Бош вазир худди бугунгидай оқшом маҳал танҳо ўзи ўтирган пайтда портрет боз тилга кириб, сеҳргарлик вазирининг қутулиб бўлмайдиган ташрифи ҳақида маълум қилди. Хаёл ўтмай, уст кийимининг шалаббоси чиққан Фуж камин ичидан ваҳима ила сакраб чиқди. Хона соҳиби қадимий камин гиламчасини ҳўл қилиш шарт эмаслиги ҳақида фикр билдирмоқчи бўлиб, эндигина оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, Фуж, энтикиб-энтикиб Бош вазир ҳаётда эшитмаган Азкабан қамоқхонаси, Сири Ус Блэк исмли аллақандай даҳшатли маҳбус, қандайдир «Хогварц» мактаби ва Гарри Поттер исмли ўқувчи бола ҳақида, умуман айтганда, тушунарсиз бемаъ依ликлар тўғрисида гапира кетди.

- ... ҳузурингизга тўғри Ўрта денгизнинг қоқ ўртасида жойлашган Азкабандан келяпман, - ҳансиради Фуж, қозон шляпасига тўлган бир челақ сувни полга тўкиб, - Қандай парвоз эканлигини тасаввур қилинг... Дементорлар исён кўтарган... - деди у, ўз гапидан ўзи сесканиб, - Белгиланган сарҳадлардан муқаддам чиқмаган улар... Илож қанча, тўғри шу ерга, ҳузурингизга келишга тўғри келди. Ўша Блэк кўплаб магларнинг ёстиғини қуритгани боис, донғи кетган қотил саналиб, Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши тарафдорларининг сафига қўшилиш эҳтимоли бор... айтгандай сиз, Ўзингиз-Биласиз-Кимнинг ким эканлигини билмайсиз-ку, а?! - сўради Фуж, Бош вазирга умидсиз бақрайиб, - Ўтиринг, ўтириб олсангиз-чи... вискидан ичинг... мен ҳозир сизга бор гапни айтиб бераман...

Ажойиб, Бош вазирга ўз хонасида ўтириш, ҳатто ўз вискисини ичишга ижозат берилди! Кайфияти эътирозли бўлса-да, креслосига ўтириб олди. Фуж эса сеҳрли таёқчасини чиқариб, ҳавода, қаҳрабо тусли суюқлик тўлдирилган иккита катта стакан яратди-да, биттасини ҳайратдан оғзи очилиб қолган Бош вазирнинг қўлига тутқазди, курсини яқинроқ тортиб, ўзи ҳам астойдил жойлашиб олди.

Фуж бир соатдан ортиқ гапирди, исмлардан бирини эса талаффуз этишдан бош тортиб, пергамент парчасига ёзди-да, Бош вазирнинг бўш қўлига тутқазди. Ниҳоят, гапи тугаб, ўрнидан турди-да, кетишга тараддудланди. Бош вазир ҳам ўрнидан турди.

- Демак, сизнингча... - деди у, кўзини қисиб, пергамент бўлагига қарар экан, - Лорд Воль...

- Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши! - бақариб юборди Фуж.

- Маъзур сананг... ҳа, Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши ҳали тирик эканда, а?

- Дамблдорнинг сўзларига қараганда, ҳа, тирик, - жавоб берди Фуж, йўл-йўл ридонинг ияги остидаги тугмасини қадаб, - Фақат биз уни топа олмадик. Агар менинг фикрим қизиқтирадиган бўлса, биров кўмак бермас экан, у ҳеч қандай хавф солмайди. Лекин Блэк ташвиш келтириши мумкин. Демак, жамоатчиликни, ушбу жинойтчи ҳақида воқиф қиласиз, шундайми? Жуда соз. Хўп, майли. Умид қиламан-ки, қайта кўришмаймиз. Хайрли тун.

Бироқ иккаласи боз кўришди. Бир йил ўтар-ўтмас, Фуж, худди ҳаводан тўқилгандай пайдо бўлиб, Квидиш бўйича жаҳон чемпионатида «тўқнашув» рўй бергани ва ушбу можарога маглар ҳам «аралашиб» қолгани ҳақида маълум қилди.

- Хавотирга ўрин йўқ, - деди ўшанда Фуж, - Ўзингиз-Биласиз-Кимга қарашли Ажал белгиси яна пайдо бўлгани, ҳали ҳеч нимани англатмайди. Ишончим комилки, бу яқка бир ҳолат холос. Маглар билан алоқа департаменти эса жабрланган маглар хотирасини ўзгартириш ишларини айни фурсатда якунига етказмоқда. Ҳа, айтгандай, унутиб қўйишимга сал қолибди, - қўшимча қилди Фуж, - Уч сеҳргар беллашувини ўтказиш манфаатларида хориждан учта аждар ва битта сфинкс келтирилган. Бу оддий тадбир, бироқ вазирликнинг Сеҳрли махлуқлар устидан назорат бўлими, жорий қоидаларга асосан, мамлакат ҳудудига ўта хавфли махлуқ олиб келинган ҳар бир ҳолат ҳақида сизни хабардор қилишимиз шарт эканлигини таъкидлаб, мендан ўз мажбуриятимни бажаришни талаб қилиб туриб олди.

- Мен... нима... аждар? - чийиллади Бош вазир.

- Ҳа, учта, - бош ирғиди Фуж, - Сфинкс ҳам бор. Хўп, майли, омон бўлинг.

Бош вазир аждарлар-у, сфинксдан баттар нарса бўлиши мумкин эмаслигига жуда умид қилган эди. Афсуски, янглишган экан. Орадан

икки йил ўтмай, Фуж яна каминдан сакраб чиқиб, Азқабан маҳбусларининг оммавий равишда қочиб қолганини маълум қилди.

- Оммавий равишда қочишибди? - хириллаб сўради Бош вазир.

- Ташвиш тортманг, бунинг қўрқинчли ери йўқ! - бидирлади бир оёғи билан оловга кириб олган Фуж, - Биз ўша аблаҳларни тез орада қўлга оламиз! Маълумингиз учун хабар бергани келдим холос!

Бош вазир «Йўқ, шошманг!» дея қичқирмоқчи бўлди-ю, улгурмади. Яшил учқунлар фавворасини сачратган Фуж кўздан ғойиб бўлди.

Матбуот-у, муҳолифлар нима демасин, Бош вазир калтафаҳм киши эмас. Илк бор учрашганда қайта кўришмасликка ишонтирган, бироқ тез-тез ташриф буюриб турган Фужнинг юзи тобора ташвишли қиёфа касб этиб бораётганини кўриб турибди. Гарчи, мағллар ҳукуматининг раҳбари, ўз таъбири ила айтганда, ўзга дунёнинг Бош вазири ҳақидаги ўйлардан ўзини ўзи тийишга уринса-да, янги, янада қайғули хабарлардан хавфсирамай қолмади. Айнан шу боис ҳам, Фужнинг бугунги тўзғиган, асабийлашган ва ташрифининг боисини Бош вазир билмагани учун бироз ҳайратланган ҳолатда пайдо бўлгани – мисли кўрилмаган даражада оғир кечган ҳафтанинг энг мудҳиш ҳодисаси бўлди.

- Нега энди мен... э-э-м... сеҳргарлар дунёсида нима бўлаётганини билишим керак? - аччиқланди Бош вазир, - Мен ўз давлатимни бошқармоқданман. Сизларсиз ҳам, ташвишим бошдан ошиб ётибди...

- Ташвишимиз умумий, муҳтарам Бош вазир, - гапни бўлди Фуж, - Брокдейл кўпригининг вайрон бўлиш сабаби кўприкнинг эскирганида эмас. Довул ҳам, аслида довул эмас. Қотилликлар мағллар томонидан содир этилмаган. Герберт Чортлининг оиласи эса ҳозирча ўз боқувчисини кўрмагани маъқул. Айни фурсатда, Чортлини Муқаддас Резги касалхонаси – ғалати жароҳат ва патологиялар институтига олиб ўтиш чоралари кўрилмоқда.

- Нималар деяпсиз... мен тушуна олмаяпман... нима?! - ўшқирди Бош вазир.

- Бош вазир жаноблари, - оғир хўрсинди Фуж, - Афсус ва надомат-ла маълум қилишим керакки, у, яъни Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши ҳаётга қайтди.

- Қайтди? «Ҳаётга қайтди», деганингизни қандай тушуниш керак?... Тирилди-ми? Яъни...

Бош вазир хотирасига зўр бериб, сеҳргарлар элатининг кўплаб мудҳиш жиноятлар содир этган, ўн беш йил муқаддам ғойиб бўлган анави даҳшатли вакили ҳақидаги уч йил олдин ўтган суҳбатни безовталаниб эслади.

- Ҳа, тирилди, - тасдиқлади Фуж, - Гарчи... билмадим... ўлдириб бўлмайдиган шахсга нисбатан бундай тушунчани... Тўғриси айтсам, ушбу масалаларни мен у қадар теран англай олмайман, Дамблдор эса тушунтириш бермаяпти... Нима қилган тақдирда ҳам, унинг танаси бор,

оёқда юради, гапиради, одам ўлдиради... Шундай экан, суҳбатимиз мавзусига боғлайдиган бўлсак, яна тирилди десак ҳам, бўлаверади. Бош вазир нима деб жавоб беришни билмай қолди-ю, пухта воқифлик қиёфасига эга бўлишдек, азалий истакка итоат қилганча, муқаддам ўтган суҳбатлардан эслаб қолган айрим маълумотларга аниқликлар киритиб олишга аҳд қилди.

- Сири Ус Блэк-чи, анави... э-э-м... Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши тарафдорларининг сафига қўшилди-ми?

- Блэк? - сўради, хаёли қочган Фуж, бармоқлари билан қозон шляпасининг четларини чертиб, - А, Сириус Блэки сўраяпсиз-ми? Йўқ, Мерлин соқоли. Блэк ўлди. Аниқланишича, биз, Блэк масаласида бироз... э-э-м... янглишган эканмиз. У айбдор эмас экан. Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Кишининг тарафдори ҳам бўлмаган, яъни... - ўзини оқлаган оҳангда қўшимча қилди Фуж, шляпасининг четини янада кучли эгиб, - Барча далиллар унга қарши эди... эллик нафарча гувоҳлар томонидан берилган шохидлик... майли, энди буларнинг аҳамияти йўқ. Блэк ўлди, аниқроқ айтиладиган бўлса, ўлдирилди. Вазирлик биносида. Айтгандай, ушбу ҳолат юзасидан тергов тадбирлари тайинланган... Бош вазир суҳбатдошига ачинаётганини ҳис этиб ўзидан ўзи бироз ҳайратланди-ю, бироқ каминма-камин сакраб юриш ҳавосини олмаган бўлса-да, у бошчилик қилаётган вазирлик биносида қотиллик, ҳар қалай бугунги кунга қадар, содир этилмаганидан ғурурланиб, ирим қилганча, бармоғи билан ёғоч столни сездирмай чертиб қўйди.

- Хўп, майли. Блэк масаласини четга қўя турайлик. Гап шундаки, сеҳргарлар дунёсида уруш бошланди. Тегишли чора-тадбирлар кўриш лозим.

- Уруш? - чўчиб кетди Бош вазир, - Бу, муболаға, албатта, шундайми?

- Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Кишининг январь ойида Азкабандан оммавий равишда қочиб кетган малайлари ўз соҳибига қайта қўшилиб олишди, - шоша-пиша маълум қилди Фуж, қўлидаги қозон шляпасини ниҳоятда тез айлантириб, - Энди улар очикдан-очик чиқишмоқда, мисли кўрилмаган даҳшат бошланди. Брокдейл кўприги... муҳтарам Бош вазир, бу ўшанинг иши. Агар ён бермайдиган бўлсам, магларни оммавий равишда қира бошлаши ила дўқ-пўписа қилмоқда.

- О Худо, одамлар ўлимига сиз айбдор экансиз-да! Мен эса кўприк конструкциясининг занг босгани, бир-биридан ажраб кетган ҳарорат чоклари ва яна аллақандай жин билмас нарсалар учун ўзимни ўзим оқлашга мажбур бўлиб юрибман?! - эътироз билдирди Бош вазир.

- Мен айбдорман?! - жавобан эътироз билдирди Фуж, - Айтмоқчисиз-ки, менинг ўрнимда бўлганингизда дўқ-пўписага ён берган бўлар эдингиз, шундайми?

- Эҳтимол ён бермаган бўлар эдим, - деди ўрнидан турганча, хона бўйлаб у ёқ, бу ёқ юра бошлаган Бош вазир, - Бироқ пўписа қилган ўша шахсни

ёвузлик содир этишига йўл қўймай, қўлга олиш борасида саъй-ҳаракат қилган бўлар эдим!

- Фикрингиз-ча, қўл қовуштириб ўтирибман-да, мен, а? - қизишиб кетди Фуж, - Уни, малайлари билан биргаликда, вазирликнинг жамики аврорлари қидиришди, ҳозир ҳам қидиришмоқда! Гап, жамики жаҳоннинг сеҳргар элати орасидаги, ўтган замонларда бўлмаган энг қудратли афсунгари, мана ўттиз йилдир-ки, одил жазодан қочиб қутулишга муваффақ бўлаётган сеҳргар тўғрисида бормоқда! Ҳамма бало шунда!
- Мабодо, Фарбий графликда бўлиб ўтган довулни ҳам, ўша шахснинг қилмиши, демоқчи эмасмисиз? - дарғазаб оҳангда сўради Бош вазир, ҳар дақиқа ўтган сари қизишиб.

Нақадар бемазагарчилик! Мана ниҳоят, барча бахтсизликлар сабаби ойдинлашди. Бироқ буларнинг барини кенг омма эътиборига ҳавола этиб бўлмайди! Давлат ҳукуматининг айбдорлигидан ҳам беш баттар-ку, бу!

- Ҳеч қандай довул бўлмаган, - аста маълум қилди Фуж.

- Шошманг, бир дақиқа! - ўкириб юборди Бош вазир, Фуж томон шахдам қадам-ла, яқин бориб, - Илдизи билан қўпорилган дарахтлар, учириб юборилган бино томлари, мудҳиш жароҳатлар...

- Ўлимдан мириқувчиларнинг қилган иши бу, - деди Фуж, - Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Кишининг малайлари ўзларига шундай ном берган. Бундан ташқари... гигантларнинг изи ҳам яққол кўзга ташланмоқда.

- Нималарнинг излари? - сўради Бош вазир, худди кўринмас деворга урилгандай, юришдан кескин тўхтаб.

Фужнинг юзи заҳмат чекаётган кишининг юзидай буришиб кетди.

- Илгари у, алоҳида ҳолатларда, одамлар орасида ваҳима кўтариш мақсадида, ўз жиноий қилмишларига гигантларни ҳам шерик қилган.

Вазирликнинг Ёлғон хабарлар тарқатиш департаменти аслида нима бўлганини кўрган магларнинг хотирасини ўзгартириш борасида кун-у, тун тиним билмай меҳнат қилмоқда. Ҳодиса жойига хотира ўчирувчилар йўлланган. Сомерсет графлигига эса Сеҳрли махлуқлар устидан назорат бўлимининг жамики ходимлари ташланган. Бироқ бугунги кунга қадар гигантларни қидириб топишга эришилмади... даҳшат.

- Йўғе! - кесатди Бош вазир, дарғазаб оҳангда.

- Яширмайман, вазирлик ходимлари орасида руҳий тушкунлик қарор топган, - иқроп бўлди Фуж, - Бўлиб ўтган ишларнинг бари... Бунинг устига, Амалия Боунсни йўқотганимиз...

- Кимни?

- Сеҳрли ҳуқуқни муҳофаза қилиш департаментининг раҳбари Амалия Боунсни. Ҳеч ким бас кела олмайдиган, ниҳоятда кучли афсунгар аёл эди, раҳматли. Фикримизча, уни Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Кишининг шахсан ўзи ўлдирган... Бечора аёл сўнгги кучи қолгунга қадар жанг қилгани яққол билиниб турибди, - деди Фуж, зўриқиб йўталганча, қозон шляпасини тек қўйиб.

- Бу ҳақда газеталаримизда ёзишган эди, - эслади Бош вазир, ғазабини унутиб, - Амалия Боунс... Ҳа, тўғри, ёлғиз яшаган кекса аёл. Қандайдир... жуда мудҳиш қотиллик содир этилган, шундайми? Бизнинг дунёимизда қаттиқ шов-шув кўтарилган, полициянинг боши қотиб қолган эди ўшанда.

- Бу табиий, - оғир хўрсиниб қўйди Фуж, - Уни ичкаридан қулфланган хонада ўлдиришган. Биз-ку, қотил кимлигини жуда яхши биламиз, бироқ воқифлигимиз, қотилни қўлга олишимизга ёрдам бермайди-да... Эммелина Ванс ҳам... У ҳақда сиз эшитмаган бўлишингиз мумкин...

- Нега энди эшитмас эканман! - хитоб қилди Бош вазир, - Қотиллик шу яқин ўртада, кўча муюлишида содир этилди. Газета ходимлари учун ҳақиқий байрам бўлди: «Бош вазирнинг бурни остида қонунийлик ва тартибнинг оёқости қилиниши»...

- Бу ҳам камлик қилгандай, - давом этди Фуж, Бош вазирнинг сўзларига деярли қулоқ тутмай, - Ҳамма жойда дементорлар ғиж-ғиж қайнамоқда! Одамларга ҳар томондан ҳамла қилишмоқда. Илгариги бахтиёр кезларда Фужнинг ушбу сўзлари Бош вазирга соғлом одам ўзлаштириши ниҳоятда қийин кечадиган, ўта мураккаб хитой хат-саводидай туюлган бўлар эди. Лекин бугунги кунга келиб у, анча нарсани тушуниб етадиган бўлиб қолди.

- Дементорлар Азкабанни қўриқлашади, деб ўйлар эдим, ё ундай эмасми?- аста сўради у.

- Қўриқлашар эди, - толиққан овозда жавоб берди Фуж, - Энди эса йўқ. Улар қамоқхонани тарк этиб, Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши томон ўтиб кетишди. Тўғриси айтсам, бундай ҳолат биз учун кутилмаган зарба бўлди.

- Ўзингиз айтган эдингиз-ку, ўша махлуқлар одамлар қалбидан қувонч-у, умидни сўриб, озиқланади, деб? - сўради, вужудини даҳшат қамраб олган Бош вазир.

- Худди шундай. Бунинг устига, улар кўпайишмоқда. Атрофни туман қоплаганининг сабаби ҳам, айнан шунда. Тиззаси бўшашиб кетган Бош вазир креслолардан бирига ўтириб олди. Шаҳар ва қишлоқлар бўйлаб сузганча, сайловчиларини ғам-ғуссага ботириб, умидсизлик кайфиятини уйғотадиган кўзга кўринмас махлуқлар ҳақидаги ўйдан хушини йўқотиб қўйиш даражасига етди.

- Қулоқ солинг, Фуж... бирон чорасини кўрсангиз-чи, ахир! Сеҳргарлик вазири сифатида сиз бунга мажбурсиз!

- Қадрли дўстим, шунча ишдан сўнг, наҳотки мен ўз ўрнимни сақлаб қолсам? Уч кун муқаддам лавозимдан четлаштирилганман! Дарғазаб сеҳргарлар жамияти икки ҳафта давомида истеъфога чиқишимни талаб қилиб, туриб олди. Ҳокимият тепасида шунча йил турар эканман, улар бирор маротаба бўлсин, бундай яқдилликни намоён этишмаган! - хитоб қилди Фуж, кулишга мардонавор уриниб.

Бош вазир маълум вақт тилдан қолиб, аҳмоқона ҳолатга келтириб

қўйилганига аччиқланмай, аксинча, рўпарасида ўтирган кишига бироз ачинган бўлди.

- Ҳамдардлигимни қабул қилинг, - деди у, ниҳоят, - Сизга қандай ёрдам беришим мумкин?

- Миннатдорман, Бош вазир жаноблари, аммо энди менга ёрдам бериб бўлмайди. Бугун менга ҳузурингизга келиб, сўнгги янгиликлардан сизни бохабар қилиш ва айтилиш вақтида, янги вазир билан таништириб ўтиш вазифаси топширилди. Аллақачон етиб келиши керак эди, бироқ ўзингиз тушунасиз, ҳозир... шунча ҳодисалар бўлиб ўтаётган фурсатда у жуда банд.

Фуж бошига узун жингалак парик ташлаб олган, пакана бўйли, пат-қаламни қулоғига тиқиб, қашлаётган бадбашаранинг портретига қараб қўйди.

- Ҳа демай келиб қолади, - деди Фужнинг нигоҳини пайқаган портрет, - Дамблдорга хат битяпти, ҳозир тугатади.

- Фойдаси йўқ! - деди Фуж, аламли оҳангда, - Ўтган икки ҳафта давомида кунига иккитадан хат йўлладим. Дамблдор эса бирортасига бўлсин жавоб йўлламади. Агар Дамблдор болани кўндиришга рози бўлганда эди, мен ҳозир бўлса ҳам... майли, балким Скримжнинг омади чопиб қолар.

Фуж юраги эзилган ҳолатда чуқур ўйга чўмди-ю, бироқ кутилмаганда расмий оҳангда тилга кирган портрет хаёл суришига халал берди:

- Магларнинг Бош вазирига. Шошилинич учрашув уюштириш лозим. Зудлик билан жавоб беришингизни сўрайман. Сеҳргарлик вазир Рифус Скримж.

- Ҳа, ҳа, яхши, - жавоб берди хаёли қочган Бош вазир.

Ўчоқдаги олов яна яшил тус олиб, баланд кўтарилган бўлса ҳам, чўчимайди. Олов ўртасида гир айланаётган сеҳргар бир неча сония ўтар-ўтмас, антикий камин гиламчасига сакраб тушди. Фуж ўрнидан турди. Гиламча устида рост туриб, атрофга аланлаганча, қора кийимидаги кулни қоқётган янги меҳмондан кўзини узмаган Бош вазир ҳам, маълум фурсат иккиланиб, оёққа турди.

Рифус Скримж қаъри шерга жуда ўхшаб кетиши Бош вазирнинг хаёлига келган биринчи тутуриқсиз фикр бўлди. Скримжнинг қалин малла-жигар ранг сочи-ю, бароқ қошига оқ оралаган. Сим гардишли кўзойнаги ортидан сарғиш кўзи қараб турибди. Сезилар-сезилмас каловланиб қадам босиш ҳаракатида эса равон назокат кўзга ташланмоқда. Бир қарашдаёқ, ушбу киши ўткир ақл соҳиби ва айтилиш вақтида, қаҳри қаттиқ эканлиги билиниб турибди. Сеҳргарлар элати қарор топган бугунги хавфли даврда ҳокимият абзалини Скримжга топширганини Бош вазир тўғри идрок этгандай бўлди.

- Хуш келибсиз, - хушмуомала кўришди Бош вазир, қўл узатиб.

Скримж хонага кўз югуртирганча, бош вазирнинг қўлини қисқа сиқиб қўйди-да, сеҳрли таёқчасини чиқариб, чиқиш эшиги томон одимлади.

- Фуж бор гапни айтиб берди-ми сизга? - сўради у, таёқчаси билан қулф тешигига уриб қўйиб.
- Э-э-м... Ҳа, - жавоб берди қулфнинг шиқиллаганини эшитган Бош вазир, - Агар қарши бўлмасангиз, эшик очик туришини афзал кўраман.
- Мен эса гапим бўлинмаслиги, мени мўралаб кузатмасликларини афзал кўраман, - қисқа қилди Скримж, таёқчасини деразалар томон ўқтаб, пардаларни тортор экан, - Жуда яхши. Ишим кўп, шу боис, гапнинг пўскалласига ўтиб қўя қоламан. Авваламбор, сизни муҳофаза қилиш масаласини ҳал этишимиз даркор.
- Бош вазир қадини рост тутиб олди.
- Раҳмат, бироқ муҳофаза тадбирларига оид эътирозим...
- Бизда эса бор, - гапни бўлди Скримж, - Бош вазири Қарам қилиш қарғишининг таъсири остида бўлса, магларнинг шўри қуриб қолиши муқаррар. Сизнинг янги котибингиз...
- Кинсли Кандальерни ҳеч қачон ишдан бўшатмайман, агар сиз шунга шама қилмоқчи бўлсангиз! - қизишиб бақирди Бош вазир, - Унинг ижрочилик савияси ўта юқори бўлиб, бошқаларга нисбатан икки чандон тез ва кўп иш қилади...
- Тўғри, чунки у сеҳргар, олий тоифали аврор, - жиддий қиёфа ила маълум қилди Скримж, - Сизни муҳофаза қилиш учун тайинланган.
- Шошманг! - тўраларча хитоб қилди Бош вазир, - Сиз мен раҳбарлик қилаётган маҳкамага ҳеч кимни тайинлай олмайсиз. Ушбу масалани шахсан ўзим ҳал қиламан...
- Ҳозиргина Кандальердан мамнун бўлиб турган эдингиз, шекилли? - гапни бўлди Скримж.
- Ҳа... тўғриси айтсам, шундай...
- Демак, муаммо йўқ, шундайми? - сўради Скримж.
- Мен... агар иши шундай беқусур давом этар экан... - пўнғиллади Бош вазир.
- Кейинги масала, - деди, Бош вазирнинг сўзларига эътибор қаратмаган Скримж, - Яъни ёлғон-яшиқ гаплар билан жамоатчиликни бироз ўйнатган кичик вазирингиз Герберт Чортли масаласи.
- Унга нима қилибди? - сўради Бош вазир.
- Ёмон ижро этилган Қарам қилиш қарғишининг таъсирида қолган, - маълум қилди Скримж, - Миясига жиддий жароҳат етган. Сизга нисбатан хавф туғдириши мумкин.
- Бечора томоқ қириб юрар эди холос! - заиф оҳангда эътироз билдирди Бош вазир, - Бироз дам олса... спиртли ичимлик миқдорини қисқартирса... эҳтимол тузалиб...
- Айни вақтда у, Муқаддас Резги касалхонасининг табиблари томонидан тиббий хулосали текширувдан ўтказилмоқда. Улардан уч нафарини бўғишга уриниб ҳам кўрди, - деди Скримж, - Фикримча, уни маглардан яккалатиб қўйган маъқул ҳозирча.

- Мен... бироқ... у тузалиб кетадими? - хавотир-ла сўради Бош вазир. Камин томон йўл олган Скримж елка қисиб қўйди.

- Айтар гапим шу эди, - деди у, - Ишлар ҳолатидан сизни бохабар қилиб бораман, Бош вазир... агар банд бўлиб, ўзим кела олмасам, ҳузурингизга Фужни йўллайман. У вазирликда консультант сифатида қолишга розилик берди.

Фуж кулиб боқишга уринди-ю, қиёфаси худди тиши оғриётган кишининг юзидай, сохта чиқди. Скримж оловга яшил тус берадиган кукун чиқариш учун қўлини киссасига солган эди ҳам-ки, вужудини умидсизлик қамраб олган Бош вазир иккала сеҳргарга қараб, бутун оқшом давомида айтмасликка уринган сўзларини бақириб юборди:

- Бироқ сизлар... э Худойим... сеҳргарсизлар-ку! Сеҳр-жоду қўллай оласиз! Нимани-ки истасангиз, шуни қилишингиз мумкин-ку!

Скримж аста ортга ўгирилди. Фуж иккаласи бир-бирига ҳайрат-ла, қараб қўйди.

- Гап шундаки, муҳтарам Бош вазир, - бу сафар самимий кулиб юборди Фуж, - Қарши курашаётган томон ҳам, сеҳр-жоду қўллай олади.

Иккала сеҳргар ёрқин ёнаётган яшил оловга бирин-кетин кириб, кўздан ғойиб бўлди.

II БОБ. БОШИ БЕРК ТЎҚУВЧИЛАР КЎЧАСИ

Бош вазирнинг деразасига ёпишиб қолган муздай туман мутлақо бошқа жойда, хусусан, чакалак ўсиб, чиқинди босган икки қирғоқ орасида базўр оқаётган анҳор устида ҳам кўтарилган. Сал нарида шамол тегирмоннинг баҳайбат синчи қорайиб кўринмоқда. Ифлос сувнинг шалдирашига эътибор қаратилмаса, теварак-атрофда бирон-бир овоз эшитилмайди. Ушбу мудҳиш манзарага, одатда, қовурилган балиқли картошка солинадиган эски халтани умид-ла ҳидлаётган, танаси чўп-устухон бўлиб кетган тулкигина бироз жон бағишламоқда.

Қўққисдан қарс эшитилиб, анҳор бўйида, эгнига қайтарма қалпоқли плаш ташлаб олган хушбичим қоматли одам пайдо бўлди. Бундай кутилмаган, ғалати ҳолат тулкини турган жойида қотиб қолишга мажбур қилди. Пайдо бўлган киши хаёлини жамлаб олди шекилли, маълум фурсат тек тургач, енгил қадам ташлаб, узун плаши ила майсани шитирлатганча, қаёққадир қатъий одимлай кетди.

Боз қарс янграб, ҳавода яна бир киши пайдо бўлди.

- Шошмасанг-чи!

Чакалак ичида ерга деярли қапишиб олган тулкини ушбу хириллоқ чақириқ баттар ҳуркитиб юборди. Жонивор ўз паногоҳидан сакраб чиқиб, соҳилдан нари, боши оққан томон қочди. Шу заҳоти яшил тусли яшин чақнади. Жони узилган тулки ерга қулади. Ҳавода пайдо бўлган иккинчи

киши яқин келиб, ботинкасининг учи билан ҳайвон танасини онтарди.

- Тулки экан-у, - эшитилди қайтарма қалпоқ остидан аёл кишининг овози,
- Аврор, деб ўйлабман... Цисса, шошма!

Бироқ тақиб қилинаётган шахс яшил яшин чақнаган томон қиё боқиб
қўйиб, ҳозиргина тулки сакраб чиққан қияликка тирмашганча, йўлини
давом этиб, юқорига кўтарилмоқда.

- Цисса! Нарцисса! Қулоқ солсанг-чи!

Иккинчи аёл биринчи аёлга етиб олиб, қўлидан ушлади.

- Ортинга қайт, Белла! - деди биринчи аёл, қўлини тортиб олиб.

- Гапимни эшитсанг-чи, ахир!

- Эшитдим. Бўлди, қарорим қатъий, тек қўй мени!

Нарцисса анҳор билан тор тош йўлни ажратиб, тўсиқ вазифасини
ўтаётган эски панжарага қадар кўтарилди. Иккинчи, Белла исмли аёл
ҳам, унга етишиб олиб, иккаласи ёнма-ён турганча, путурдан кетган ғишт
уйларнинг охири кўринмайдиган қаторига қараб қолишди.

- Шу ерда яшайди-ми, у? - сўради Белла, хира ёришган деразалар томон
жирканч-ла имо қилиб, - Магларнинг ифлос маконида-я? Бу ерга
орамиздан биринчи бўлиб қадам босган биз бўлсак...

Нарцисса қулоқ солмай, занг босган панжарадаги рахнадан ўтиб, кўча
бўйлаб тез одимлай кетди.

- Цисса, шошма! - эргашди, плаши шамолда ҳилпираган Белла.

Нарцисса уйлар орасидан шиддат-ла ўтиб, ҳеч нарса билан фарқ
қилмайдиган қўшни кўчага чиқди. Кўча фонусларининг муайян қисми
сингани боис, иккала аёл дам ёруғликка чиқиб, дам қоронғиликка кириб
боришмоқда. Навбатдаги муюлишга етганда, тақиб қилиб келаётган Белла
Нарциссанинг қўлидан маҳкам ушлаб тортганча, ўзига юзлаштириб олди.

- Цисса, фикрингдан қайт, илтимос, унга ишониб бўлмайти...

- Ёвуз Лорд ишонади-ку?

- Ёвуз Лорд... назаримда, янглишяпти, - ҳансиради Белла, қалпоғи остида
ярақлаётган кўзлари ила атрофга аланглаб, - Нима қилган тақдирда ҳам,
режа ҳақида ҳеч кимга чурқ этмаслик буюрилган. Қилаётган ишинг Ёвуз
Лордга нисбатан хоинлик...

- Қўйиб юбор, Белла! - ғазаб-ла, хитоб қилди Нарцисса, плаши остидан
сеҳрли таёқчасини чиқарганча, ҳамроҳининг юзига ўқтаб.

- Цисса! Туғишган синглингни-я? - кулиб юборди Белла, - Журъат эта
олмайсан...

- Энди журъат этаман! - ўшқирди, жазаваси тутган Нарцисса, сеҳрли
таёқчасини ханжар каби силтаб.

Кўзни қамаштирадиган яшин чақнади. Белла худди қўли куйган каби,
опасини қўйиб юбориб, нари қочди.

- Нарцисса!

Бироқ опаси ўз йўлини давом этиб, ғиштли уйлар лабиринтига кириб
кетди. Қўлини ишқалаган Белла эса Нарциссанинг кетидан, энди масофа

сақлаб, эргашди. Таҳдид солаётган баҳайбат бармоқ каби кўринаётган шамол тегирмон уйлар орасида қад кўтариб турибди. Тўқувчилар кўчаси, деб номланган боши берк кўчага кириб қолган Нарцисса тош ётқизилган йўл бўйлаб пошнасини тақиллатганча, деразасига тахта қоқилган ёки ойналари синган бир қатор иморатлар ёнидан ўтиб, энг охирги уйга яқинлашди. Биринчи қават деразаларига тортилган пардалар ортида хира ёнаётган чироқ кўринди.

Нарцисса эшик тақиллатди. Тинмай пўнғиллаётган Белла, опасини тўхтатиб қолишга улгурмади. Тез-тез нафас олаётган иккала аёл остонада, эшик очилишини кутиб, тек қотди. Енгил эсаётган шабадада ифлос анҳорнинг қўланса ҳидини олиб келмоқда. Кўп ўтмай, ичкаридан кимнингдир ҳаракатланаётгани эшитилиб, эшик қия очилди. Ҳосил бўлган тирқишда ўртасидан фарқ очилган узун сочи сарғиш юзининг икки томонига осилиб тушган эркакнинг бир жуфт қоп-қора кўзи кўринди.

Рангпар, гўё қоронғида ёришиб тургандай оқариб кетган Нарцисса бошидаги қалпоғини ортга ташлади. Белига қадар тушган узун оқ-сарик сочи аёлнинг юзига, сувдан олиб чиқилган киши қиёфасини бермоқда.

- Нарцисса! - хитоб қилди уй соҳиби, эшикни кенг очиб.

Ичкаридан чиққан ёруғлик иккала аёлнинг юзини ёритди.

- Қандай кутилмаган дилкаш янгилик!

- Северус, - зўриқиб пичирлади Нарцисса, - Сен билан гаплашиб олсам бўладими? Бу жуда муҳим ва шошилиш.

- Албатта бўлади, - деди орқага чекинган Северус, Нарциссани ичкарига киритиб.

Таклиф қилинишини кутмаган сингил ҳам, ичкарига кирди.

- Снегг, - деди у, уй соҳибининг ёнидан ўтар экан, қалпоғи ечилмаган бошини ирғиганча кўришган бўлиб.

- Беллатрикс, - жавоб қилди, ингичка лабини қийшайтирган Снегг, эшикни ёпар экан, истехзоли кулиб.

Кичкинагина қоронғи меҳмонхона шаҳар касалхонасининг девори қопланган алоҳида хонасини эсга солади. Токчалар қора ва жигар ранг чарм муқовали китобларга тўлиб-тошган. Шамли қандил ҳосил қилган хира ёруғлик тўгарагида тақрири чиққан диван, эскириб кетган кресло ва лиқилдоқ столча бир-бирига яқин турибди. Уй қаровсиз, одам турмайдиган ўхшайди.

Снегг Нарциссага диванга ўтиришни имо ила таклиф қилди. Плашини ечиб четга ташлаган аёл титраётган қўлини тиззаси устида қовуштириб, оппоқ бармоқларидан кўз узмай, ўтирди. Опасининг акси бўлган йирик қовоқли, қалин сочи қоп-қора, ияги бақувват Беллатрикс эса бошидаги қайтарма қалпоқни аста орқага ташлаб, нигоҳини уй соҳибидан узмай, Нарциссанинг орқа томонига ўтди.

- Хўш, хизмат? - гап бошлади Снегг, аёллар рўпарасидаги креслога жойлашиб.

- Биз... уйда бошқа ҳеч ким йўқми? - аста сўради Нарцисса.
- Йўқ, албатта, агар Чувалчангдум ҳисобга олинмаса. Ҳайвон одам ҳисобига кирмайди-ку, шундай эмасми?
- Снегг сеҳрли таёқчасини чиқариб, орқа томондаги китоб жавонига ўқтади. Шу заҳоти яширин яшик ланг очилиб, тор зинапоя, унинг устида эса бўйи пакана, рангсиз майин сочи тўзғиб кетган, тепакал одамча кўринди.
- Афтидан, уйга меҳмон келганидан хабар топган кўринадан, а, Чувалчангдум?
- Зинада туриб, тез-тез, узук-юлуқ нафас олаётган, бурни учли, миттигина кўзи серсув, нохуш юзи каззоблик қиёфасини касб этган, чап қўли билан худди кумуш қўлқоп тақилгандек ялтираётган ўнг қўлини тинмай тебратаётган киши букчайганча бир неча поғона пастга тушиб, хонага кирди.
- Нарцисса! - ғичирлади у, - Беллатрикс! Бағоят хурсанд...
- Агар истасангиз, - деди Снегг, - Чувалчангдум бизга ичимлик келтиргач, ўз хонасига кириб кетади.
- Чувалчангдум, худди устига нимадир сепиб юборишгандай, юзини буриштириб олди.
- Мен сизга хизматкор эмасман! - чийиллади у, кўзини Снеггдан олиб қочиб.
- Ростданми? Мен эса Ёвуз Лорд сени ҳузуримга ёрдам беришинг учун йўллаган, деб ўйлабман.
- Тўғри, ёрдам бергани... ичимлик узатиш-у, уйингни тозалаб, тартибга келтириш учун эмас.
- Қаҳрамонона фаолият билан шуғулланишни орзу қилаётганингни билмас эканман, Чувалчангдум, - тилёглама оҳангда жавоб қайтарди Снегг, - Буни уюштириш қийин эмас. Ёвуз Лорд билан гаплашиб кўраман...
- Ўзим ҳам гаплаша оламан, керак бўлса!
- Албатта, - тишининг оқини кўрсатди Снегг, - Унгача эса бизга ичимлик олиб кел. Айтайлик, эльфлар тайёрлаган қўлбола вино келтир. Пароканда ҳолатга тушиб қолган Чувалчангдум баслашишни ният қилгандай бироз тек турди-ю, шартта бурилиб, иккинчи яширин эшик томон йўл олди. Ичкаридан эшикчаларнинг тарақ-туруқи, шиша идишнинг жиринглагани эшитилиб, бир неча сония ўтгач, учта қадах билан, сиртини чанг қоплаган битта шиша терилган патнисни кўтариб чиқиб, лиқилдоқ столча устига зарда ила қўйди-да, китоб жавонига ўхшаган яширин эшикни қарсиллатиб ёпганча, кўздан ғойиб бўлди. Снегг қондай қизил винони қадахларга қўйиб, опа-сингилга узатди. Нарцисса бош ирғиб миннатдорлик изҳор этган бўлса, Беллатрикс уй соҳибига еб қўйгудай қарашини қўймади. Унинг қиёфаси Снеггни оз бўлса ҳам, хижолатга солаётгани йўқ, аксинча, кулгисини қистаяпти.
- Ёвуз Лорд учун, - эълон қилди қадах кўтарган Снегг, винони охиригача

симириб.

Опа-сингил ҳам ўз қадаҳларини бўшатишди. Снегг боз вино таклиф қилди.

- Северус, таклифсиз, бемаврид келганимиз учун маъзур санайсан-у, - тез гап бошлади қадаҳни қабул қилиб олаётган Нарцисса, - Сени кўришим керак эди. Фақат сен ёрдам беришинг мумкин менга...

Снегг аёлни имо ила гапдан тўхтатиб, сеҳрли таёқчасини яширин эшик томон яна ўқтади. Эшик ортида нимадир гумбурлади, чийиллади, сўнг, Чувалчангдумнинг юқорига югургани эшитилди.

- Узр, - деди Снегг, - Билмадим нима мақсадда-ю, лекин Чувалчангдум сўнгги вақтда яширинча қулоқ тутиш одатини чиқариб олган... Нима деб турган эдинг, Нарцисса?

Аёл энтикиб нафас чиқарди-да, гапини давом эттирди:

- Северус, бу ерга келишим мумкин эмаслигини яхши биламан. Ҳеч кимга ҳеч нарса айтмасликни буюришган менга, бироқ...

- Айнан шу боис ҳам, тилингни тийиб ўтир! - ўшқирди Беллатрикс, - Айниқса, бу ерда!

- «Айниқса бу ерда?» - истехзоли такрорлади Снегг, - Буни қандай маънода тушуниш керак, Беллатрикс?

- Сизга ишончим йўқлиги маъносида, Снегг, - деди Беллатрикс, - Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз!

Нарцисса қандайдир ғалати, кўз ёшисиз ҳиқиллаб, юзини қўли билан тўсиб олди. Снегг қадаҳни столча устига қўйиб, креслога ўтирди ва қўлини тирсакқўйгич устига ётқизганча, Беллатрикснинг дарғазаб юзига кулиб қаради.

- Нарцисса, ўйлашимча, беҳуда мунозараларга йўл қўймаслик учун дастлаб, нимадир демоқчи бўлгани аён кўриниб турган Беллатрикснинг фикр-мулоҳазасини тинглашга мажбурмиз шекилли. Гапиринг,

Беллатрикс, - деди Снегг, - Нима учун сиз менга ишонч билдирмайсиз?

- Юзлаб сабабларга кўра! - ўшқирди диван ортидан чиққан Беллатрикс, қўлидаги қадаҳни столча устига тарақлатиб қўйиб, - Қайси биридан бошлашни билмай, бошим қотди! Ёвуз Лорд қулаганидан кейин қаерда бўлганингизни изоҳлаб беринг? Нима сабабдан ғойиб бўлган соҳибни қидириб топишга уринмадингиз? Дамблдорнинг қўйнига кириб олиб, шунча йил давомида нима ишлар билан машғул бўлдингиз? Нима учун фалсафий тошга эга бўлиш масаласида соҳибга халал бердингиз? Нима учун Ёвуз Лорднинг ҳузурига, у ҳаётга қайтиши ҳамоно етиб келмадингиз? Бир неча ҳафта муқаддам, биз, башорат шари учун кураш олиб борганимизда сиз қаерда эдингиз? Ва нима учун, Снегг, Гарри Поттер беш йил ихтиёрингизда бўла туриб, ҳанузгача тирик, а?

Лунжи қизариб, кўкраги тез кўтарилиб тушаётган аёл нафас ростлаш учун тўхтади. Нарцисса кафтини юзига босиб олганча, ҳамон қилт этмай ўтирибди.

- Саволларингизга жавоб беришдан олдин, - кулиб қўйди Снегг, - Ҳа, ҳа, Беллатрикс, ажабланманг, жавоб бераман саволларингизга! Бировнинг орқасидан пичир-пичир қилишни ўларча ёқтирадиганларга сўзларимни етказишингиз, Ёвуз Лордга хоинлик қилганим ҳақидаги қабиҳ уйдирмаларни ҳам, оқизмай-томизмай, биратула айтиб беришингиз мумкин! Фақат ўз навбатида мен ҳам бир савол билан мурожаат қилмоқчиман. Сиз чиндан ҳам, Ёвуз Лорднинг ақли, ушбу саволларни менга беришга етмаган, деб ўйлайсиз-ми? Айтайлик, жавобларим уни қаноатлантирмади, нима деб ўйлайсиз, сиз билан биз ҳозир шу ерда бамайлихотир гаплашиб ўтирган бўлар эдик-ми?

- Биламан, у сизга ишонади, - саросимага тушиб қолди, Беллатрикс, - Бироқ...

- У қаттиқ янглишяпти, демоқчисиз-ми? Уни мен аллақандай тарзда алдай билдим, шундайми? Элатимиз орасида энг буюк сеҳргар ва тенги йўқ легалиментор саналадиган Ёвуз Лордни ёш болани алдагандай, лаққа туширдим, шундайми?

Беллатрикс индамади. Унинг юзида илк бор хижолат қиёфаси кўринди. Аммо Снегг мавзуни чўзиб ўтирмади. У қадаҳини боз қўлига олиб, вино хўплаганча, гапини давом эттирди:

- Ёвуз Лорд қулаганидан кейин қаерда бўлганимни изоҳлаб беришни сўрадингиз. Мени қаерга йўллаган бўлса, ўша ерда, яъни Сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактаби «Хогварц»да бўлдим. Соҳиб Альбус Дамблдорнинг кетидан жосуслик қилиб юришни буюрган менга. Лавозимимни Ёвуз Лорднинг кўрсатмасига биноан эгаллаганимдан хабарингиз бўлса керак, деб ўйлайман.

Беллатрикс сезилар-сезилмас бош ирғиб, эндигина оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, Снегг гапини давом этди:

- Нима сабабдан ғойиб бўлган соҳибни қидириб топишга уринмаганимни билмоқчисиз. Эйвери, Гнусли, Карроуз, Уолк, Люциус, - Нарцисса томон бош ирғиди Снегг, - Ва бошқалар нима сабабдан қидирмаган бўлса, мен ҳам шу сабаб қидирмадим. Соҳибни ўлди, деб ўйлаганман. Ўз хатомдан оз бўлса ҳам фахрланмайман-у, бироқ бу ҳақиқат... агар соҳиб, ўз ишончини йўқотганларни кечирмаганида, ҳозир унинг тарафдорлари жуда озчиликни ташкил этган бўлар эди.

- Соҳибнинг ўлганига ишонмаган, уни деб кўп йиллар Азкабанда ўтирган мендай садоқатли хизматкори бўлган! - эҳтирос-ла хитоб қилди Беллатрикс.

- Мисли кўрилмаган қаҳрамонлик, - лоқайд оҳангда жавоб қайтарди Снегг, - Қамоқда ўтириб, бирон наф келтирмаган бўлсангиз-да, ҳеч шубҳа йўқ-ки, мақтовга сазовор хатти-ҳаракат...

- Мақтовга сазовор хатти-ҳаракат?! - чийиллаб юборди ақл-хушини йўқотиб қўйган Беллатрикс, - Мени дементорлар қийнаётган бир вақтда, сиз Дамблдорнинг қўлга ўргатилган ҳайвонидай «Хогварц»да жон сақлаб

ўтириб, қўлингизни совуқ сувга урмай ўтиргансиз!

- Ошириб юбордингиз, - хотиржам эътироз билдирди Снегг, - Дамблдор мени ёвузлик кучидан ҳимоя фани ўқитувчиси лавозимига ўтказмади. Афтидан... жинояткорона фаолиятим янгиланиб, эски қилиғимни бошлаб қолишимдан чўчиган кўринади.

- Ёвуз Лордни деб бир умр орзу қилган лавозимингизни қурбон қилибсиз-да, а? - мазахли оҳангда сўради Беллатрикс, - Модомики, соҳибни ўлдига чиқарган экансиз, шунча йил нима қилдингиз у ерда? Дамблдорнинг кетидан беҳуда жосуслик қилиб юравердингиз-ми?

- Йўқ, - деди Снегг, - Ваҳоланки, ўз иш жойимни ташлаб кетмаганимдан хабар топган Ёвуз Лорд ниҳоятда хурсанд бўлди. Мен унга Дамблдор ҳақидаги ўн олти йиллик маълумотларни тақдим этдим. Бу эса соҳибга Азкабан даҳшатлари ҳақидаги хотираларга нисбатан анча қимматли тўхфа бўлди...

- Лекин сиз ўша ерда қолиб...

- Ҳа, Беллатрикс, қолдим ўша ерда, - жавоб қайтарди Снегг, илк бор жаҳл қилиб, - Азкабанда ўтиришдан кўра яхши ишни афзал кўрдим. Агар ёдингизда бўлса, Ўлимдан мириқувчилар таъқиб қилиниб, бирма-бир қўлга олинди. Дамблдорнинг ҳимояси туфайли қамоқ жазосидан қутулиб қолдим. Воқеалар бир-бирига омадли тўғри келиб қолди. Такрор айтаман, Ёвуз Лорднинг менга нисбатан ҳеч қандай эътирози йўқ, сизга нима ёқмаяпти, тушунмаяпман?

Беллатрикснинг эътироз билдирмоқчи бўлганини кўрган Снегг янада баланд овозда давом эттирди:

- Нима учун фалсафий тошга эга бўлиш масаласида соҳибга халал берганим қизиқтирди, шекилли сизни. Буни изоҳлаш осон. Ёвуз Лорд менга ишонч билдириш мумкин ёки мумкин эмаслигини худди сиз каби, билмаган. Дамблдорнинг хонаки кучукчасига айланиб қолганимга шубҳа қилмаган. Соҳиб жуда ночор аҳволда бўлиб, арзимас бир воситачининг танасига жойлашиб олган. Ўзини собиқ тарафдорига фош этишга журъат эта олмаган. Уни Дамблдорга ёки вазирликка сотишимдан кўрққан. Менга ишонч билдирмаганидан жуда афсусдаман. Уч йил олдин ҳаётга қайтган бўлар эди, агар ўшанда менга очилганида. Менинг кўзимга эса тошга эгалик қилмоқчи бўлган аллақандай ландавур кўринган холос. Шу боис, унга тўсқинлик қилиш учун қўлдан келганча ҳаракат қилдим.

Беллатрикснинг башараси, худди аччиқ дори ичиб олгандай, буришиб кетди.

- Шундай бўлса-да, соҳиб ҳаётга қайтгани ҳамоно, аниқроқ айтилса, қўлингиздаги Ажал белгиси илк бор қизиши билан сафга қайтмадингиз...

- Тўғри, мен икки соатдан кейин, Дамблдорнинг кўрсатмасига биноан қайтдим.

- Дамблдорнинг кўрсатмасига биноан?! - эътироз-ла қичқирди Беллатрикс.

- Ўзингиз ўйлаб кўринг! - деди Снегг, боз қизишиб, - Икки соат, атиги икки соат сабр қилиб, «Хогварц»даги жосуслик фаолиятимни давом эттириш имконини таъминладим! Ўзимни Ёвуз Лорднинг хузурига фақат Дамблдорнинг амри ила қайтаётган кўйга солар эканман, ҳозир ҳам, Дамблдор ва Қақнус ордени ҳақидаги маълумотларни етказиб туришим мумкин! Фикр тарозисидан ўтказиб кўринг, Беллатрикс: Ажал белгиси кундан кунга ёрқин тус олиб борган маҳалда, мен, бошқа Ўлимдан мириқувчилар каби, Ёвуз Лорд ҳа демай ҳаётга қайтишини англаб етганман. Нима қилиш, қандай иш тутиш кераклигини ўйлаб кўришга, Каркаров каби, чора топиб қутулиб қолишга вақтим бор эди, шундай эмасми? Гапимга ишонинг, Ёвуз Лорд кеч қолганим учун дастлаб аччиқланган бўлса-да, илгаригидай содиқ қолганимни англаб етгач, нафратини шафқатга алмаштирди, гарчи атрофдагилар ҳозир ҳам мени Дамблдорнинг одами, деб билишса-да. Ҳа, Ёвуз Лорд мен ҳақимда ёмон фикрга борган, бироқ адашганини кейинчалик тушуниб етди.

- Аммо қандай фойдали иш қила билдингиз? - жаҳлдор кулиб қўйди Беллатрикс, - Қандай қимматли маълумотларга эга бўла олдингиз?

- Ўша маълумотларнинг барини Ёвуз Лордга етказганман, - деди Снегг, - Агар лозим топса, сиз билан ўртоқлашади...

- У мен билан ҳамма нарсани ўртоқлашади! - шу заҳоти тутатиб кетди Беллатрикс, - Мени энг садоқатли, энг ишончли...

- Шунақа денг? - сўради Снегг, овозида ишонқирамаслик оҳанги ила, - Ҳалигача-я? Сеҳргарлик вазирлигидаги муваффақиятсизликдан кейин ҳам-а?

- Менинг айбим йўқ бунда! - қизариб кетди Беллатрикс, - Илгари Ёвуз Лорд кўнглида сақлаган сирини ишонар эди менга... Агар Люциус...

- Бас қил... айбни эримнинг гарданига юклашга журъат этма! - паст ва кўрқинчли овозда гапга аралашди Нарцисса, синглисига ўқрайиб.

- Ким ва қай даражада айбдор эканлигини аниқлашдан маъни йўқ энди, - яраштирган оҳангда фикр билдирди Снегг, - Бўлар иш бўлиб ўтди.

- Энг асосийси, сиз иштирок этмаган тарзда! - кесатиб ўшқирди Беллатрикс, - Бошқалар хавф остида қолганида, сиз, одатдагидай, думингизни ушлатмагансиз!

- Менга ўз жойимда қолиш буюрилган, - совуққина жавоб қайтарди Снегг, - Эҳтимол сиз Ёвуз Лордни ноҳақ биларсиз? Қақнус орденига қарши курашда Ўлимдан мириқувчилар томонига ўтиб олганимни Дамблдор сезмаган бўлар эди, деб ўйларсиз? Ҳа, айтгандай, хавф остида қолиш масаласи ҳақида... Мени маъзур сананг-у, билишимча, сиз олти нафар ўспиринга қарши чиққансиз, шекилли?

- Уларга Орден таркибининг тенг ярми қўшилганини яхши биласиз! - деярили қичқириб юборди Беллатрикс, - Ёдимдан кўтарилмасдан сўраб олай: Орден қароргоҳи қаерда жойлашганини ҳалигача аниқлай олмадингиз-ми?

- Мен Сир сақловчи эмасман ва шу боис, қароргоҳ манзилини айта олмайман. Қайси тилсим ҳақида гапираётганим ва у қандай ишлашини билсангиз керак? Орден ҳақида берган маълумотларим Ёвуз Лордни тўла-тўқис қаноатлантирган ва айнан шу маълумотлар туфайлигина, агар фаҳмлаган бўлсангиз, албатта, Эммелина Ванс қўлга олиниб, йўқ қилинган. Анави Блэкдан қутулишга ҳам эришилган. Тан олиш керакки, бу масалада шахсан сизнинг хизматингиз улкандир.
- Снегг бошини ён томон оғиб, Беллатрикс шарафига қадаҳ кўтарган бўлди. Бироқ аёл ҳовуридан тушмади.
- Сўнгги, Гарри Поттер тўғрисидаги саволимга жавоб бермадингиз, Снегг. Уни ўтган беш йилнинг ҳар қандай фурсатида асфаласофилингга йўллашингиз мумкин эди, аммо бу ишга қўл урмагансиз. Сабаб?
- Бу масалани Ёвуз Лорд билан муҳокама қилиб кўрдингиз-ми? - қизиқди Снегг.
- У... сўнгги вақтда биз... мен сиздан сўраяпман, Снегг!
- Агар Гарри Поттерни ўлдириб юборганимда Ёвуз Лорд унинг қонига эга бўлмаган, ҳаётга қайтмаган ва ҳозиргидай, енгилмас бўлиб олмаган бўлар эди...
- Айтмоқчисиз-ки, соҳиб боладан фойдаланишини олдиндан кўра билгансиз? - истеҳзоли кулиб юборди Беллатрикс.
- Йўқ, зиғирдай бўлсин, тасаввур қилмаганман. Ёвуз Лорд ўлган, деган хаёлга борганимни айтиб ўтдим, шекилли, эсингизда бўлса. Нима учун Поттернинг ҳамон тирик юргани Ёвуз Лордни қайғуга солмаганининг сабабини тушунтириб ўтишга уринмоқдаман холос...
- Хўш, нима учун ҳамон тирик, у?
- Сўзларимга қулоқ солиб, англаб етяпсиз-ми ўзи? Дамблдорнинг ҳимояси туфайлигина Азкабанга қамалмай қолдим! Энг ёқимли ўқувчисининг ўлими директорни мендан юз ўгиришига сабаб бўлиши хаёлингизга келмаяпти-ми? Бироқ Поттерни ўлдирмасликнинг бошқа, янада жиддийроқ сабаби бор-ки, ижозатингиз билан эслатиб ўтаман. Поттер «Хогварц» остонасини хатлаб ўтган кун олам турли миш-миш гапга тўлиб бўлган эди: гўё у буюк ёвуз сеҳргар бўлгани учунгина Ёвуз Лорд қўллаган қарғиш таъсиридан омон қолган. Ўша даврда, кўплаб сафдошларимиз орасида, Поттер, вақти келиб бизни ўз атрофида бирлаштирадиган сиймога айланади, деган ғоя илгари сурилган. Тан олишим керакки, бу ғоя менга ҳам қизиқ кўринган. Шу боис, қасрга эндигина кириб келган болани бир ёқли қилишга ошиқмадим. Бироқ кўп ўтмай, у ҳеч қандай фавқулодда қобилиятга эга эмаслигини тушуниб етдим. Ҳар қандай мушкул вазиятдан фақат иши бароридан келгани ва ёнидаги истеъдодли дўстларининг ёрдами билангина чиқишга муваффақ бўлиб келди. Поттер отаси каби димоғдор, манман бўлишига қарамай, аслида ғирт аҳмоқ, истеъдодсиз шахс. Уни «Хогварц»да таҳсил кўришга номуносиб топиб, мактабдан қувиб солишлари борасида кўп уриндим,

аммо уни ўлдириш ёки кўз ўнгимда ўлишига йўл қўйиш? Дамблдорнинг ҳузурида-я?! Агар бундай таваккалчиликка қўл урганимда, ўзимга ўзим душманлик қилган бўлар эдим.

- Демак, Дамблдор сиздан ҳеч қачон шубҳа қилмаганига бовар қилишимиз керак, шундайми? - сўради Беллатрикс, - Асл маслагингизни ҳали у идрок этмаган ва сизга батамом ишонади?

- Мен ролимни яхши ўйнайман, - жавоб берди Снегг, - Дамблдорнинг заиф томонини англаб етдингиз-ми? У одамлар ҳақида доимо яхши фикрда бўлишни афзал кўради. Мен, кечаги Ўлимдан мириқувчи бўла туриб, мактабга иш сўраб келганимда, қилмишимдан афсусланиб, тавба қилаётганимни ўхшатиб изҳор этганимнинг ўзи Дамблдор қулоч очиб, мени қарши олиши учун кифоя бўлди, гарчи, ёвуз сеҳр-жоду билан шуғулланишга, муқаддам айтганимдек, ижозат бермаган бўлса-да. Дамблдор давримизнинг буюк сеҳргарларидан бири бўлган... ҳа-ҳа, - деди у, вишиллаган Беллатриксга қараб, - Ёвуз Лорднинг ўзи буни тан олади. Аммо, маълум қилишдан мамнунман-ки, Дамблдорнинг қудрати аста барҳам топмоқда. Ёвуз Лорд билан ўтган дуэль уни синдирди, оғир жароҳатланиб, энди илгаригидай абжир бўлмай қолди. Лекин нима қилганда ҳам, ўтган йиллар давомида Снегг Северусга ишониб келган. Бу эса ўз навбатида, Ёвуз Лорднинг таъбири билан айтганда, мен, катта қимматга эга шахс эканлигимни англатади.

Беллатрикс ишонқирамай қарашни қўймаган бўлса-да, Снеггни яна нима билан илиб олишни билмай қолгани аён кўриниб қолди.

- Аммо сен... назаримда ёрдам сўраб келдинг, шекилли? - Нарциссага мурожаат қилди, фурсатдан фойдаланган Снегг.

- Ҳа. Северус, сен... - қайғули юзини кўтарди Нарцисса, - Бошқа ҳеч ким йўқ, Люциус қамоқда... Фақат сен ёрдам бера олишинг мумкин менга... Аёлнинг чирт юмиб олган киприклари орасидан иккита йирик кўз ёш томчиси сизиб чиқди.

- Ёвуз Лорд менга бу ҳақда гапиришни ман этган, - давом этди у, кўзини очмай, - Режасидан биров хабар топишини истамайди. Бу... қаттиқ сир тутилмоқда, лекин...

- Модомики, ман этган экан, айтма, - гапни бўлди Снегг, - Ёвуз Лорднинг амри – қонундир.

Нарцисса, худди биров устига муздай сув қуйиб юборгандай, қисқа оҳ уриб юборди. Беллатрикснинг юзи, уйга келганидан буён илк бор мамнун қиёфа касб этди.

- Кўрдинг-ми? - музаффарият оҳангида қичқирди у, опасига мурожаат этиб, - Ҳатто Снегг ҳам, шундай деяпти: мумкин эмас экан, демак тилингни тий!

Снегг ўрнидан туриб, дераза ёнига борди. Пардани бироз суриб, кўчага қаради-да, шу заҳоти ёпиб қўйди.

- Режадан хабарим бор, - паст овозда маълум қилди у, Нарцисса томон

жиддий қиёфа ила юзланиб, - Ёвуз Лорд ўз нияти билан ўртоқлашган озчилик одамларнинг бири мен бўламан. Шунга қарамай, Нарцисса, агар мулоҳаза юритилаётган махфий маълумотдан бохабар бўлмаганимда, ҳозир сен даҳшатли хоинликка йўл қўйган бўлар эдинг.

- Ўзим ҳам, шундай, деб ўйлаган эдим. Бор гапдан хабардор бўлсанг керак, деб, - енгил тортди Нарцисса, - У сенга шу қадар ишонадики, Северус...

- Режани биласиз? - сўради Беллатрикс, қувончи бир зумда эътирозга айланиб, - Сиз-а?

- Албатта, - тасдиқлади Снегг, - Бироқ қандай ёрдам тўғрисида гап боряпти, Нарцисса? Агар Ёвуз Лордни ниятидан қайтаришни сўрамоқчи бўлсанг, фойдаси йўқлигини ўзинг ҳам яхши биласан.

- Северус, - пичирлади юзидан кўз ёши шашқатор оқаётган Нарцисса, - Ахир у менинг ўғлим... якка-ю, ёлғиз болам-ку...

- Драко ғурурланиши керак, - деди Беллатрикс лоқайд оҳангда, - Ёвуз Лорд унга катта ишонч билдирди. Фикримни билмоқчи бўлсангиз: Драко ўз бурчини адо этишдан қутулиб қолишга ҳеч ҳам уринаётгани йўқ, аксинча, ўзини нимага қодир эканлигини намоён этиш имконидан хурсанд бўлиб юрибди, бундан ўзини бахтиёр ҳис этмоқда...

Ўтинч тўла нигоҳини Снеггдан узмаган Нарцисса ҳўнграб юборди.

- У эндигина ўн олти ёшга тўлди, олдинда нималар кутаётганини ҳали тасаввур қила олмайди! Нима айбимиз учун, Северус? Нега энди айнан бизнинг ўғлимиз? Тадбир ниҳоятда хавфли! Ишончим комилки, Люциуснинг хатоси учун шу тариқа қасос олмоқчи!

Снегг индамади. У ҳўнграётган Нарциссадан, худди уят нарсага орқа ўгиргандай, тескари ўгирилиб олди-ю, ўзини аёлнинг зорланишини эшитмаётган кўйга сола олмади.

- Шунинг учун у Дракони танлади-ми, а? - фиғонини давом этди Нарцисса, - Люциусни шу тариқа жазолаш учунми?

- Агар Драко топшириқ ижросини уддаласа, - деди Снегг, ҳамон четга қараб, - Ҳаммадан ҳам олий мукофотга сазовор бўлади.

- Лекин у уддалай олмайди! - бақриб юборди Нарцисса, - Қандай қилиб, агар Ёвуз Лорднинг ўзи...

Беллатрикс оҳ уриб юборди. Опаси ҳад чегарасидан чиқиб кетмоқда.

- Айтмоқчи эдим-ки... ҳали ҳеч ким... Северус... илтимос... сен доимо Драконинг энг яхши кўрган ўқитувчиси... Люциуснинг қадрдон дўсти бўлиб келгансан... ўтинаман сендан... Ёвуз Лорд сени ҳаммадан ҳам ортиқ қадрлайди, сенга катта ишонч билдиради... балким ҳузурига бориб, гаплашиб кўрарсан, а?...

- Мен ҳали у қадар миямни еб қўйганим йўқ, - ифодасиз оҳангда жавоб қайтарди Снегг, - Ёвуз Лордни фикридан қайтариб бўлмайди. Ва у, бекитмайман, чиндан ҳам Люциусдан жуда аччиқланган. Эрингнинг зиммасига жуда катта масъулият юкланган эди. У эса башоратни қўлга

киритиш ўрнига бошқаларга қўшилиб қўлга тушиб ўтирибди. Ҳа, Нарцисса, Ёвуз Лорд ундан аччиқланган, жуда аччиқланган.

- Демак мен ҳақ эканман, у Дракони хун олиш мақсадида танлаган! - деди Нарцисса, нафаси бўғилиб, - Драконинг топшириқни ижро этишини эмас балки ижро этишга уринаётиб ҳалок бўлишини истайди!...

Снеггнинг индамай тургани Нарциссанинг сабр косасини тўлдирди. У шартта ўрнидан турди-да, Снегг томон одимлаб, коржомасининг кўкрак соҳасидан чангаллаб олди. Яқин масофада турар экан, кўз ёши Снеггнинг кўкрагига тўкилди.

- Ўша ишни сен қилишинг мумкин! - бўғиқ овозда пичирлади аёл, - Драконинг ўрнига, Северус! Сен удралайсан, бунга шубҳа йўқ. Ва у сени муносиб тақдирлайди, осмон-у фалакка кўтариб юборади...

Снегг Нарциссанинг билагидан ушлаб, қўлини нари олди.

- Фикримча, охир-пировардида, у, айнан мендан умид қилади, - деди Снегг, аёлнинг кўз ёшдан нам бўлган юзига қараб, - Лекин дастлаб Дракони синаб кўрмоқчи. Тушуняпсан-ми, агар мисли кўрилмаган ҳолат юз бериб, Драко топшириқ ижросини удралай олса, мен яна муайян вақт «Хогварц»да жосус сифатида қолишим мумкин бўлади.

- Бошқача айтганда, Драко ҳалок бўладими, йўқми, унга мутлақо фарқи йўқ.

- Ёвуз Лорднинг роса жаҳли чиққан, - аста такрорлади Снегг, - У башоратни тинглашга эриша олмади. Унинг узрига сазовор бўлиш эса осон иш эмаслигини жуда яхши биласан, Нарцисса.

Нарцисса инграб зорланиб, ўзини Снеггнинг оёғига ташлади.

- Биттагина болам... Ёлғизгина ўғлим...

- Фахрланишинг керак! - аралашди бешафқат Беллатрикс, - Агар менинг ўғилларим бўлганда эди, Ёвуз Лорд хизматида бўлишганидан фахрланиб юрган бўлар эдим!

Сочини маҳкам чангаллаб олган Нарцисса паст овозда ўкириб юборди. Энгашган Снегг, аёлнинг қўлидан тутганча, оёққа турғизиб, диван томон етаклади. Қадаҳга вино қуйиб, аёлнинг қўлига мажбур тутқазди.

- Бас қил, Нарцисса, мана буни ичгин-да, гапимга қулоқ сол.

Аёл бироз тинчланган бўлиб, титроқ қўли билан қадаҳни лабига яқинлаштирганча, оз қисмини кўкрагига тўкиб юборди.

- Менимча, Дракога ёрдам бера олсам керак.

Аёл қаддини ростлаб, умидсизликка тўлган йирик кўзи, қоғоздай оқариб кетган юзини юқорига қаратди.

- Северус... о, Северус... сен унга ёрдам бера оласанми? Кўз-қулоқ бўлиб, кузатиб юрасанми? Унга зиён етишига йўл қўймайсан-ми?

- Уриниб кўраман.

Аёл кескин қўйган қадаҳ столча устидан сирпаниб тушди.

- Уни ҳимоя қилиш учун ёнида бўласанми?

Нарцисса Снегг қаршида тиз чўкиб, қўлини иккала қўли билан маҳкам

ушлаганча, лабига босди.

- Рост айтяпсан-ми, Северус? Бузилмас онт ичишга розилик берасанми?
- Бузилмас онт ичишга? - сўради, оҳанги-ю, юз қиёфасидан бирон маъно уқиб олишнинг иложи бўлмаган Снегг.

- Сен уни эшитмаган кўринадан, Нарцисса? - тантанавор хандон отиб юборди Беллатрикс, - Уриниб кўради у, албатта... Кўрмайпсан-ми, аравани қуруқ олиб қочаётганини... Ҳеч нарсага аралашмасликка оид одатий истак... Ёвуз Лорднинг амрига биноан, албатта!

Қоп-қора кўзини Нарциссанинг кўз ёшига лиқ тўлган мовий кўзидан узмаган Снегг Беллатрикс томон қиё ҳам боқмади. Аёл эса Снеггнинг қўлини маҳкам ушлаганча, қўйиб юборгани йўқ.

- Албатта ичаман Бузилмас онтни, Нарцисса, - аста жавоб қайтарди Снегг, - Умид қиламан-ки, синглинг Гувоҳимиз бўлишга рози бўлади. Беллатрикснинг оғзи ланг очилиб қолди.

Снегг Нарциссанинг қаршисига тиз чўкиб ўтирди. Иккаласи Беллатрикснинг чаноғидан чиқиб кетишига бир бахя етмай турган кўз ўнгида ўнг қўлларини қовуштириб олишди.

- Сизга сеҳрли таёқча керак бўлади, Беллатрикс, - совуқ оҳангда эслатиб қўйди Снегг.

Ҳалигача ҳушини йиғиб олмаган Беллатрикс қўлига сеҳрли таёқчасини олди.

- Бизга яқинроқ келишингиз даркор, - деди Снегг.

Беллатрикс бир неча қадам яқинроқ келди-да, сеҳрли таёқчасининг учини қовушган қўлларга тақди.

Нарцисса тилга кириб, гап бошлади:

- Северус, Ёвуз Лорднинг топшириғини бажараётган ўғлим Дракони эътиборсиз қолдирмасликка онт ичасанми?

- Онт ичаман, - жавоб қайтарди Снегг.

Сеҳрли таёқча учидан олмос тусли ёрқин оловнинг ингичка тили отилиб чиқиб, иккаласининг қўлига худди қизиган сим каби, чирмашиб олди.

- Сўнгги имконинггача уни ҳимоя қилишга онт ичасанми?

- Онт ичаман, - жавоб қайтарди Снегг.

Сеҳрли таёқча учидан оловнинг яна бир тили отилиб чиқиб, биринчисига қўшилганча, занжир ҳосил қилди.

- Агар зарурат туғилса... агар Драко топшириқ ижросини уддалай олмаслиги аён бўлиб қолса... - пичирлади Нарцисса, - Ёвуз Лорд томонидан ўғлим зиммасига юкланган топшириқ ижросини охирига етказишга онт ичасанми?

Снегг қўлини бироз силтади-ю, ажратиб олмади. Орага сукунат чўкди.

Кўзи тангадай очилган, таёқчасини иккаласининг кафтидан олмаган Беллатрикс бўлаётган ҳодисани ҳайрат-ла кузатиб турибди.

- Онт ичаман, - жавоб қайтарди Снегг.

Беллатрикснинг донг қолган башараси қизил тус касб этиб, хира ёришиб

кўринди: унинг сеҳрли таёқчаси оловнинг учинчи тилини чиқарди. Ушбу тил ҳам, дастлабки иккита тилга қўшилиб, Нарцисса билан Снеггнинг қовушиб турган қўлларини бир-бирига, худди арқондай, худди олов илондай, маҳкам боғлаб юборди.

III БОБ. ВАСИЯТ ВА МЕРОС

Гарри Поттер ўз хонасида, кўзойнаги ён томон оғиб, оғзи очиқ ҳолатда қаттиқ хуррак отмоқда. У, дераза ёнидаги креслода оқшом қоронғисининг қалинлашиб боришини кузатиб, деярли тўрт соат ўтирди ва ниҳоят, лунжи билан муздай ромга суюнганча, ухлаб қолди. Оғзидан чиқаётган нафаси дераза ойнасида кўча фонусининг нуридан малла ранг товланаётган доғ ҳосил қилган. Рангсиз ёруғлик Гаррининг қоп-қора қалин сочи остидаги юзини ўнгитиб, заъфарон тус берган. Хона полида бойқуш пати, олма қолдиқлари, қанд жилдлари сочилиб, атрофда буюмлар-у, аллақандай чиқинди қалашиб ётибди. Каравотда кийимлар билан афсун китобларининг аралаш уюми ҳосил бўлган. Ёзув столи устидаги шам ёруғида эса газета тўпи кўринмоқда. Улардан бирининг саҳифасида битилган сарлавҳа аниқ ажраб турибди:

ГАРРИ ПОТТЕР ЧИНДАН ҲАМ МУМТОЗ БОЛАМИ?

Сеҳргарлик вазирлигида бўлиб ўтган ўта сирли ва ниҳоятда нохуш ҳодиса ҳақидаги миш-миш гаплар ҳали-бери босилмайдиган кўринади. Маълумки, ушбу ҳодиса Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Кишининг дафъатан пайдо бўлгани билан боғлиқ бўлиб, кундан кунга ўз тасдиғини топмоқда.

- Бу масалани муҳокама қилиш бизга қатъиян ман этилган. Шундай экан, саволингизга жавоб бера олмайман, - деди, исми номаълум қолишини истаган, кеча оқшом сеҳргарлик вазирлигидан ниҳоятда ҳаяжонланган ҳолатда қайтаётган хотира ўчирувчилардан бири.

Ваҳоланки, ҳукуматнинг юқори лавозимларидан бирини эгаллаган танишимиз, мулоҳаза юритилаётган ҳодиса ҳайратомуз Башоратлар зали билан бевосита боғлиқ эканлигини тасдиқламоқда.

Вазирликнинг матбуот хизмати бундай залнинг мавжудлигини рад этаётганига қарамай, авом халқ орасида, бугунги кунда Азкабан қамоғида ётган Ўлимдан мириқувчилар тўдаси аллақандай башоратни ўғирлаб чиқиш мақсадида вазирлик биносига сингиб кирганига оид комил ишонч руҳидаги кайфият кенг тарқалмоқда. Ўша башорат мазмуни ҳозирча номаълум, лекин у, миш-миш гапларга қараганда Ўлдириш қарғиши таъсиридан омон қолган ягона инсон – Гарри Поттерга тааллуқли эмиш. Афтидан, Поттернинг ўзи ҳам, юқорида зикр этилган ҳодиса

иштирокчисига айланиб қолганга ўхшайди. Айримлар, ушбу ўспиринни «мумтоз», деб атамоқда. Негаки, уларнинг айтишича, айнан Поттер башариятни Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Кишидан халос этиши лозим экан.

Башорат ҳозир қаердалиги, агар у чиндан ҳам мавжуд бўлса, номаълумлигича қолмоқда, гарчи (мақоланинг давомини 2- саҳифанинг 5- устунида ўқинг).

Ушбу газета ёнида бошқаси ётибди. Унинг биринчи саҳифасини пахмоқ сочи қалин ўсган, юзи бирон-бир қиёфа касб этмаган кишининг оқ-қора рангли фотосурати деярли бутунлай эгаллаб олган. Фотосурат остидаги сарлавҳа ва қуйидаги мақола парчаси аниқ кўриниб турибди:

ФУЖ ЎЗ ЛАВОЗИМИНИ СКРИМЖГА БЎШАТИБ БЕРМОҚДА

Яқин кунларгача Сеҳрли ҳуқуқни муҳофаза қилиш департаменти Аврорлар идорасининг бошлиғи Руфус Скримж Корнелиус Фуж бўшатган сеҳргарлик вазири лавозимини эгаллади. Сеҳргарлар жамияти, лавозимга тайинланганига эндигина икки соат бўлган Скримж билан Оқил Суднинг Олий Қозилигига қайтадан сайланган Альбус Дамблдор ўртасида ихтилоф юзага келганига қарамай, ушбу янгиликни зўр ғайрат-ла, қарши олди. Скримж ҳузуридаги матбуот котибияти иккала мансабдор шахсининг учрашуви бўлиб ўтганини тасдиқлади, аммо, ушбу учрашув давомида қандай масалалар муҳокама этилганини изоҳлаб ўтишдан бош тортди. Маълумки, Альбус Дамблдор (мақоланинг давомини 3- саҳифанинг 2- устунида ўқинг)

Чап томонда яна битта газета ётибди. Унинг саҳифасида қуйидаги мақола чоп этилган:

ВАЗИРЛИК ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУТЛАҚ ХАВФСИЗЛИГИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ
Лавозимига эндигина тайинланган сеҳргарлик вазири Руфус Скримж янги ўқув йилидан эътиборан «Хогварц» ўқувчиларининг хавфсизлиги таъминланишига омил бўладиган қатъий чора-тадбирлар ҳақида хабар берди.

- Вазирлик томонидан соҳага оид хатти-ҳаракатларнинг қатъий режаси ишлаб чиқилган бўлиб, тушунарли сабабларга кўра, тафсилотлар билан ўртоқлаша олмаймиз, - баёнот қилди Скримж.

Айни вақтда, вазирликда фаолият юритадиган ишончли одамларимиздан бири таҳририят тахминини тасдиқлаб, мулоҳаза юритилаётган чора-тадбирлар ўз ичига ҳимоя қарғишлари, тилсимлар, қарғишга қарши қарғишларнинг ниҳоятда мураккаб комплекси қўлланишини, шунингдек, фақат «Хогварц» муҳофазаси билангина машғул бўладиган тезкор аврорлар отряди тузилиш кўзланганини мужассам этишини маълум

қилди.

Мақтаб ўқувчиларининг хавфсизлигига доир вазирлик томонидан эгалланган қатъий позиция жамоатчиликни қаноатлантирмоқда, албатта. Миссис Августа Лонгботтомнинг бу борада билдирган фикр-мулоҳазаларидан иқтибос келтирсак, ўринли бўлади: «Гарри Поттернинг қадрдон дўсти саналадиган, июнь ойида у билан ёнма-ён туриб, Ўлимдан мириқувчиларга қарши жанг қилган набирам Невилль...»

Мақоланинг қолган қисми чиройлигина бойқуш ўтирган қуш қафаси остида қолиб кетган. Оппоқ бойқуш ўзининг қаҳрабo тусли кўзи билан хонага виқор-ла назар ташлаб, бошини дамба-дам қаттиқ хуррак отаётган соҳиби томон бурганча, тумшуғини домангир қарсиллатиб қўймоқда. Бироқ тарашадек қотиб ухлаётган Гарри ҳеч нима эшитаётгани йўқ. Хона ўртасида қопқоғи очиқ, агар ичида пала-партиш ётган эски ички кийим, бир жуфт қанд, сиёҳдан бўшаган бир нечта шишача билан синган пат-қаламларни ҳисобга олмаганда, деярли бўш сандиқ турибди. Унинг ёнида эса матни ҳуснихат-ла битилган бинафша ранг эслатма ётибди.

Сеҳргарлик вазирлигининг буюртмасига биноан

ЎЗ ХОНАДОНИНГИЗ ВА ҚАВМ-ҚАРИНДОШЛАРИНГИЗНИ ЁВУЗ КУЧЛАР СЕҲРИ ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИНГ

Бугунги кунда «Ўлимдан мириқувчилар» деб ном олган ташкилот сеҳргарлар жамиятига таҳдид солмоқда.

Қуйида ўзингиз, оилангиз ва истиқоматгоҳингизни ҳимоя қилишга ёрдам берадиган оддий қоидалар санаб ўтилган.

1. Уйингизни қаровсиз қолдирманг.
2. Сутканинг қоронғи маҳалида ниҳоятда эҳтиёт бўлинг. Барча ишларингизни имкон қадар қуёш ботгунга қадар ниҳоясига етказинг.
3. Уйингиз қанчалик ишончли муҳофаза қилинганини текшириб кўринг. Оилангизнинг барча аъзолари ҳимояланишнинг шошилинич чоралари, хусусан, сапчителиш ва донг қотирилиш қарғишлари, балоғатга етмаган оила аъзолари эса бундан ташқари, кўзга кўринмай қолиш тилсимининг ижросини ўзлаштириб олишганига ишонч ҳосил қилинг.
4. Ҳамма қиёфа сиркасини ичиб, бошқа шахс қиёфасига кириб олган Ўлимдан мириқувчини фош этиш усуллари пухта ўйлаб, яқинларингиз билан мувофиқлаштириб олинг (2- саҳифага қаранг).
5. Агар оила аъзоларингиз, ҳамкасбларингиз, танишларингиз ёки қўшниларингиздан бирор-бири ўзини ғалати тутаётган бўлса, дарҳол Сеҳрли ҳуқуқни муҳофаза қилиш департаменти билан боғланинг. Негаки, бундай шахс Қарам қилиш қарғиши таъсирида бўлиши мумкин (4- саҳифага қаранг).

6. Башарти турар жой биноси ёки бошқа турдаги бино устида пайдо бўлган Ажал белгисини кўриб қолсангиз, асло ушбу бинога кирманг ва зудлик билан аврорлар идораси билан боғланинг.

7. Тасдиқланмаган маълумотларга қараганда, Ўлимдан мириқувчилар инфернийлардан фойдалана бошлаган (10- саҳифага қаранг).

Инфернийлар пайдо бўлган ва улар билан тўқнаш келинган барча ҳолатлар ҳақида кечиктирмай, вазирликка хабар беринг.

Тушида гапира бошлаган Гаррининг лунжи ойнадан пастга сирпаниб, кўзойнаги баттар оғиб кетган бўлса ҳам, уйғонмади. Токчадаги, бир неча йил муқаддам Гаррининг ўзи тузатган уйғотадиган соатнинг мили бир дақиқа кам йигирма учни кўрсатганча, қаттиқ чиқилламоқда. Унинг ёнида ингичка, қинғир-қийшиқ дастхат-ла ёзиб тўлдирилган, Гарри бўшашиб қолган қўли билан босиб олган пергамент бўлаги ётибди. Мактуб келганига уч кун бўлибди, бироқ у шу қадар кўп маротаба ўқилибди-ки, қоғознинг қалин ўрами тўла-тўқис текисланиб қолибди.

Қадрдоним Гарри,

Агар келаси жума куни кечки соат ўн бирда Одамовилар хиёбони, 4- уйга ташриф буюрсам, умид қиламан-ки, сени ноқулай аҳволга солиб қўймайман. Сен ёзги таътилнинг охиригача Бошпанага таклиф қилингансан. Шу боис, сени у ерга шахсан элтиб қўймоқчиман. Йўл-йўлакай бир ишни битириш масаласида ёрдамлашиб юборсанг, бағоят миннатдор бўлар эдим, агар розилик берсанг, албатта. У қанақанги иш эканлиги ва барча тафсилотларини учрашганимизда айтиб бераман.

Жавоб хатингни мазкур мактубни етказган бойқуш орқали йўллаганинг маъқул.

Жума куни учрашгунча.

Эҳтиром ила, Альбус Дамблдор

Гарри хатни аллақачон ёд олиб бўлган, лекин шунга қарамай, оқшом соат еттида, хона деразаси ёнидаги, Одамовилар хиёбони бутунича, худди кафтдай яққол кўринаётган постни эгаллаши ҳамано, гарчи ўз ҳаракатларининг маънисиз эканлигини идрок этаётган бўлса-да, хатдан деярили кўз узмай ўтирди. Илтимос қилингандай, Гарри, ушбу хатни олиб келган бойқушдан «розиман» жавобини йўллади. Энди Дамблдорнинг пайдо бўлиш-бўлмаслигини кутиш қолди холос.

Лекин Гарри нарсаларини йиғиштирмади. Дурслар хонадониди атиги икки ҳафта бўлиб, тарк этиб кетиш? Бундай ҳолат ақлга тўғри келмайдиган бахтга ўхшаб, Гаррини ҳар хил шубҳалар қийнади. Иш ўнгидан келмаслиги аниқ, хаёлдан ўтказди у, ё жавоб хатим етиб

бормайди, ё Дамблдор кела олмайди ёки буларнинг бари аҳмоқона ҳазил бўлиб чиқади. Сандиққа жойланган нарсаларини яна чиқаришга асаби бардош бера олмаслигини Гарри билади ва шу боис, Хедвигни қафасга қамаб қўйиш билангина чекланди.

Соатнинг дақиқа кўрсатадиган мили ўн икки рақамига ўтди ва шу заҳоти дераза ортидаги кўча фонуслари баралла ўчиб қолди.

Худди кутилмаганда қарор топган қоронғилик хавф аломати бўлгани каби, Гарри дарҳол уйғонди. Дераза ойнасига ёпишиб қолган лунжини кўчириб олиб, кўзойнагини тўғрилади-да, бурнини ойнага тақади. Қисиб олган кўзи билан пастга, кўчага қарар экан, боғ йўлагиди пайдо бўлган новча бўйли, эгнига узун, шамолда ҳилпираётган кишини кўрди.

Гаррини худди ток ургандай бўлди. У креслони онтариб юборганча ўрнидан туриб, полда сочилиб ётган нарсаларини тера кетди. Сандиқ ичига коржом, иккита афсун китоби, бир пакет чипс учиб тушган эди ҳам-ки, эшик қўнғироғи янгради.

- Қайси эшак келган бўлиши мумкин, ярим кечада? - эшитилди Вернон амакининг овози, биринчи қаватдаги меҳмонхонадан.

Бир қўлида мис телескоп, иккинчисиди кроссовка ушлаган Гарри турган жойида қотиб қолди. Даҳшат, Дамблдорнинг ташрифи ҳақида қариндошларига айтмабди-ку! Асабий кулгисини базўр тийиб олган Гарри сандиқ устидан ҳатлаб ўтиб, хона эшигини очиши билан, пастдаги овозларни эшитди:

- Хайрли тун. Сиз мистер Дурсль бўлсангиз керак. Умид қиламан-ки, жиянингиз хонадонингизга кириб ўтишим ҳақида сизни огоҳлантирган. Гарри катта қадам ташлаганча, зинапоя бўйлаб пастга югурди-ю, охирига етмай, тақа тўхтаб қолди. Бой ҳаётий тажриба амакидан нари туриш кераклигини яхши ўргатиб қўйган. Бўсағада мовий кўзи узун бурни устидаги ярим ой шаклига эга шиша кўзойнак ортидан ёрқин нурдай ярқираётган, илмоқсимон қайрилма бурни гўё кам деганда икки жойидан сингандай кўринаётган, кумуш тусли соч-соқоли белбоққа қисиб олгудай даражада узун, новча бўйли, озғин, эгнига қора рангли узун сафар ридосини, бошига чўққидор шляпа кийган киши турибди. Қизғиш-қўнғир халат кийган, қора мўйлови кутилмаган меҳмоннинг мўйловидан қолишмайдиган Вернон Дурсль ерга қоқилган қозиқ каби турганча, бир жуфт ёвуз митти кўзи ила Дамблдорга бақрайиб қолган.

- Таажжубингизга қараганда, Гарри менинг ташрифим ҳақида сизни огоҳлантириб қўйишни унутиб қўйган кўринади, - деди Дамблдор хушмуомала оҳангда, - Шунга қарамай, келинг тасаввур қилайлик, сиз мени ичкарига таклиф қилдингиз. Бизнинг нотинч давримизда кўча эшигини узоқ вақт очиқ қолдирсак, оқил иш қилмаган бўламиз.

У чаққонлик билан остона ҳатлаб ўтиб, эшикни ёпиб қўйди.

- Анча бўлди бу ерга келмаганимга, - давом этди Дамблдор, қирғий бурни узра Вернон амакига қараб, - Агапантусларнинг ўсиб кетганини қаранг-а!

Эси паст кишидай қараб турган Дурсль индамади, бироқ чаккасидаги қон томири хавфли тезлик-ла ҳаракатланаётганидан, гапириш қобилияти тез орада тикланиши билиниб турибди. Ҳозирча у, ё Дамблдорнинг ҳаддан ортиқ сеҳргарлик қиёфасидан эсанкираб қолгани, ё қаршисида қўрқоқлар тоифасига кирмайдиган киши турганини яхши англаб етгани боис, базўр нафас олиб турибди.

- Ана Гарри! Салом! - кўришди Дамблдор, ярим ой шаклига эга кўзойнаги узра болага қараб, - Жуда соз, жуда соз.

Ушбу сўзлар Вернон амакининг хушини жойига келтириб қўйди. Ким бўлишидан қатъи назар, Гаррини «жуда соз» деб топар экан, бундай киши ушбу хонадонга киришга муносиб эмас.

- Дағал кишидай кўринмоқчи эмасман-у... - қўпол оҳангда гап бошлади у.

- Лекин кўриниб бўлдингиз, - қатъий оҳангда фикрни яқунлади Дамблдор, - Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, биринчи маротаба эмас.

Қадрдоним, яхшиси жим турганингиз маъқул! Ана Петунья ҳам кўриниш берди.

Чиндан ҳам, ошхона остонасида тунги кўйлаги устига халат кийган, қўлига эса резина қўлқоп тақиб олган, уйқуга ётишдан олдин жамики юзаларни артиб чиқиш одатини канда қилмаган Петунья хола пайдо бўлди. Унинг от башарасини эслатадиган юзи ўта кучли руҳий путур қиёфасини касб этган.

- Альбус Дамблдор, - ўзини танитди, Вернон амакининг уйга келган кишини рафиқасига таништириш нияти йўқлигини фаҳмлаган меҳмон, - Қолаверса, ёзишмалар орқали танишмиз.

Битта Қичқирикномани ёзишма, деб бўлмайди, албатта, бироқ Петунья хола қўлланилган ушбу терминология борасида баҳслашмоқчи эмаслиги Гаррининг назаридан четда қолмади.

- Бу эса ўғлингиз Дудли бўлса керак?

Йўл-йўл пижама кийган Дудли меҳмонхона эшигидан йирик, оқ-сарик сочли, оғзи ланг очилган, худди ҳавода мустақил осилиб турган бошини чиқарди. Дамблдор уй соҳиблари бирон нима дейишларини кутиб, маълум вақт тек турди-ю, сукунат узоқ чўзилгач, кулиб юборди.

- Сизлар мени меҳмонхонага таклиф қилдингиз, деб фараз қилишни таклиф қиламан.

Дудли йўлдан даф бўлгач, Дамблдор ичкарига кирди. Ҳамон бир қўлида мис телескоп, иккинчисида кроссовка ушлаган Гарри зинапоядан ирғиб тушиб, директорнинг орқасидан эргашди. Дамблдор камин ёнидаги креслога жойлашиб, бошини айлантирганча, хонадаги, ўзининг мавжудлиги ярашмаган вазиятга катта қизиқиш-ла разм солиб чиқди.

- Кетар вақтимиз бўлмади-ми... сэр? - хавотирга тушиб сўради Гарри.

- Ҳа, ҳа, албатта, - жавоб берди Дамблдор, - Фақат, йўлга чиқишдан олдин мен бир нарсани муҳокама қилиб олмоқчиман. Бу ишни эса ёпиқ хонада амалга оширган маъқул. Амакинг билан холангнинг

меҳмондўстлигини бирозгина суиистеъмол қиламиз холос.

- Шунақа денг?

Хонага Вернон Дурслъ ёпирилиб кирди. Унинг кетида эса чўп-устухон танаси ила семиз Дудлини бекитиб олишга уринаётган ў Петунья хола кўринди.

- Ҳа, шунақа, - хотиржам жавоб қайтарди Дамблдор, сеҳрли таёқчасини яшин тезлигида чиқариб.

Гарри Дамблдорнинг ушбу ҳаракатини илғаб олишга улгурмай ҳам қолди. Таёқча бироз силкитилган эди ҳам-ки, диванни олдинга ҳаракатланиб, учала Дурслнинг тақимига урилди. Учовлон юмшоқ ёстиқлар устига ағанагач, боз силкитилган таёқча диванни шиддат-ла жойига қайтарди.

- Шундай экан, қулай жойлашиб ўтиришга нима етсин, - мулойим кулиб қўйди Дамблдор, таёқчасини киссага жойлаб.

Гарри Дамблдорнинг қўли, худди батамом куйиб, эти буришиб қолгандай қорайиб қолганига эътибор қаратди.

- Сэр, қўлингизга нима...

- Ҳозир эмас, Гарри, илтимос, ўтир.

Гарри руҳий ларзага келиб, тили калимага келмай қолган Дурсллар томон қарамасликка уринганча, иккинчи креслога жойлашди.

- Йўлдан келганим учун менга бирон-бир ичимлик таклиф қилинади, деган умидда эдим, - деди Дамблдор Вернон амакига қараб, - Бироқ сиздан бундай илтифот кутиш – аҳмоқликка яқин некбинлик эканлигини англаб етмоқдаман.

Сеҳрли таёқча учинчи бор силкитилгач, ҳавода сиртини чанг қоплаган шиша билан бешта қадаҳ пайдо бўлди. Шиша эгилиб, қадаҳлар тўқ яшил суюқликка тўлди-да, хонадагилар томон учиб тарқалди.

- «Уч супурги» қаҳвахонасининг соҳибаси Росмерта хоним ихтиёридаги энг сара, кўп йиллар давомида эман бочкаларда дамланиб турган асал ичимлиги, - эълон қилди Дамблдор, қадаҳни кўтарганча, Гаррига қараб. Гарри аллақачон ҳўплаб, муқаддам татиб кўрмаган ичимликнинг ажойиб таъмига баҳо беришга улгурди. Дурсллар бир-бирига чўчиб қараб, ўз қадаҳларини сезмаган кўйга тушиб олишди. Лекин ҳавода муаллақ осилиб турган қадаҳлар уларнинг лунжларига тақалмоқда. Гарри, ушбу манзара Дамблдорга хуш келаётганини сезмай қолмади.

- Шундай қилиб, - гап бошлади Дамблдор, Гарри томон юзланиб, - Биз, умид қиламизки, сен ҳал этиб берадиган мураккаб вазиятга тушиб қолдик. «Биз» бу, Қақнус ордени. Лекин, дастлаб, ижозатинг билан, ўтган ҳафта Сириуснинг васиятномани очиб ўқиш маросими ўтказилгани ва у жамики мол-мулкани сенга қолдирганини маълум қилмоқчиман.

Вернон амаки шу заҳоти қулоғини динг қилиб олди, аммо Гарри у томон қиё ҳам боқмади.

- А-а, тушунарли, - дея олди у, хаёлига дурустроқ гап келмай.

- Умуман айтиладиган бўлса, васиятнинг тушуниб етиши қийин кечадиган

жойи йўқ, - сўзлаб беришга киришди Дамблдор, - Гринготтсдаги ҳисоб рақамингга йириккина маблағ қўшилган ва Сириуснинг шахсий мулки сенинг ихтиёрингга ўтган. Ягона муаммо шундан иборатки...

- Унинг чўқинтирган отаси ўлди-ми? - диван томондан эшитилди Вернон амакининг баланд овози.

Дамблдор билан Гарри баравар Вернон амаки томон юзланди. Асал ичимлиги қуйилган қадаҳ унинг чаккасига урилмоқда.

- Ўлди-ми? Чўқинтирган отаси ўлди-ми? - такрор сўради Вернон амаки, кафти билан қадаҳни нари ҳайдашга уриниб.

- Ҳа, - тасдиқлади, нима учун бу ҳақда қариндошларига айтмаганини Гарридан сўрамаган Дамблдор ва худди гапи бўлинмаган каби, давом этди: - Муаммо шундан иборатки, Пинҳонийлик майдонидаги 12- уй ҳам сенга васият қилинган.

- Сен-а, уй мерос қилиб олдинг-ми? - сўради, кўзини суқлик билан қисиб қараган Вернон амаки.

Бироқ унинг саволи жавобсиз қолди.

- Орден қароргоҳи бўлганча қолаверсин, - пўнғиллади Гарри, - Менга бари-бир. Фойдаланинглар, менга ҳеч нарса керак эмас.

Ажал таҳдид қилса ҳам, ушбу жирканч, йўсин қоплаган уйни ўз зиндони деб билган Сириус ҳақидаги хотиралар тинимсиз таъқиб қиладиган Блэklar хонадонига қайтишни Гарри мутлақо истамайди.

- Олижаноб қарор, албатта, - деди Дамблдор, - Шунга қарамай, биз уни тарк этиб чиқишга мажбур бўлдик.

- Нега?

- Гап шундаки, - давом этди Дамблдор, бошига қадаҳ урилаётган Вернон амакининг ғудуллашига эътибор қаратмай, - Аньанага кўра, Блэklar авлодига мансуб ушбу уй, мазкур хонадоннинг эркак насабига қарашли вакилига қолиши лозим. Сириус хонадоннинг сўнгги эркак вакили бўлган. Унинг укаси Регулус Блэк эса илгарироқ ўлиб кетган бўлиб, иккаласининг ҳам фарзанди бўлмаган. Уй сенга васият қилингани васиятномада аниқ баён этилган, бироқ у тилсимлар билан муҳофаза қилинган бўлиб, фақат асилзот Блэккина уй соҳиби бўлиши мумкинлигини рад этиб бўлмайди.

Гарри шу заҳоти портрети даҳлизга маҳкамланган, доимо тупуриб, айюҳаннос соладиган Сириуснинг онасини эслади.

- Ҳа, шундай бўлиши ҳам мумкин, - пўнғиллади у.

- Ана шунақа, - бош ирғиди Дамблдор, - Агар чиндан ҳам муҳофаза қўлланилган бўлса, уй, Сириуснинг бугунги кунда барҳаёт юрган катта қариндошларидан бири, хусусан, унинг холаваччаси Беллатрикс Лестрангга насиб этиши эҳтимолдан холи эмас.

Нима қилаётганини идрок этмаган Гарри ўрнидан ирғиб турди. Унинг тиззасида ётган телескоп билан кроссовка полга думалаб тушди.

Сириуснинг қотили Беллатрикс Лестрангга насиб қилади?

- Йўқ, - пичирлади Гарри.

- Биз ҳам, уй ўша аёлга ўтишини истамаймиз, - деди Дамблдор хотиржам оҳангда, - Бироқ иш жуда мураккаб. Мисол учун, уй Сириусга тегишли бўлмай қолганидан кейин, биз қўллаган муҳофаза чоралари ўз кучини сақлаб қолиш-қолмаслигини билмаймиз. Ҳар қандай фурсатда остонада Беллатрикс пайдо бўлиб қолса-чи? Шу боис, ушбу ҳолатга аниқлик киритилгунга қадар, табиийки, биз у ердан кўчиб чиқдик.

- Уй чиндан ҳам меники бўлганлигини қандай қилиб билиб олишимиз мумкин?

- Буни текшириб кўриш, хайриятки, қийин эмас, - деди Дамблдор, қўлидаги бўш қадаҳни ёнидаги столчага қўйиб.

Лекин у ҳали бирон нима қилишга улгурмай, Вернон амакининг бақириви эшитилди.

- Эҳтимол, мана бу нарсаларни даф қиларсиз, жин урсин уларни?

Гарри Дурсллар томон ўгирилиб қаради. Учаласи қўли билан бошини ҳимоя қилиб ўтиришибди. Қадаҳлар эса улар устида, ичимликни бошига сачратганча, ҳавода тебранмоқда.

- Ҳа-я, маъзур сананг, айбдорман, - деди Дамблдор, сеҳрли таёқчасини кўтарганча, қадаҳларни даф қилиб, - Ичиб кўрганнингизда одоб сақлаган бўлар эдингиз.

Вернон амакининг юзи касб этган қиёфага қараб, тилининг учида ҳар хил заҳарли жавоблар айланиб турганини уқиб олиш қийин эмас. Лекин чўчка кўзини сеҳрли таёқчадан узмаган амакининг журъати хотини билан боласига яқинроқ ўтириб, диванга қапишиб олишга етди холос.

- Агар сен чиндан ҳам уйни мерос қилиб олиб, соҳибига айланган бўлсанг, - давом этди Дамблдор, худди ҳеч нарса бўлмаган каби, Гарри томон боз юзланиб, - Сенга яна бир мерос қолган бўлиши керак, у ҳам бўлса...

У бешинчи бор сеҳрли таёқчасини силтади. Қаттиқ қарс товуши янграб, меҳмонхонанинг туки пахмоқ гилами устида эгнига ифлос латта ўраб олган, бурни чўчқанинг тумшуғини эслатадиган, қулоғи кўршапалак қулоғи каби катта, бир жуфт катта-катта кўзидаги қонга тўла тарам-тарам қон томирлари яққол кўриниб турган уй эльфи пайдо бўлди. Топ-тоза гиламида бундай қабоҳат пайдо бўлганини кўрган Петунья хола қулоқни кар қилиб юборадиган даражада чинқириб юборди. Дудли яланг оёғини дарҳол полдан узиб, анави махлуқ пижама иштонининг пойлари орқали ичига кириб олишидан ҳадиксираганча, сал кам бошидан баландроқ кўтариб олди. Вернон амаки эса баланд бақириб юборди:

- Нима жин бу?

- Тараққос, - ниҳоят фикрини якунлади Дамблдор.

- Тараққос бормайди, бормайди, бормайди! - ғичирлаган, деярли Вернон амакидай баланд овозда валдирай кетди уй эльфи, узун, ғадир-будур оёқ кафтларини полга урганча, катта қулоқларини асабий тортиб, - Тараққос

мисс Беллатриксга хизмат қилади, ҳа-ҳа-ҳа, Тараққос Блэклар хонадонига хизмат қилади, Тараққос янги соҳибасининг ҳузурига боради, ҳароми Поттернинг ҳузурига бормайди, бормайди, бормайди!

- Кўриб турибсанки, Гарри, - деди баланд овозда Дамблдор, Тараққоснинг «бормайди»сини босиш учун, - Эльф сенинг тасарруфингга ўтишни истамаяпти.

- Тупурдим унга, - пўнғиллади Гарри, тиришиб, депсинаётган Тараққосга жирканч нигоҳ-ла қараб, - Қошим учиб тургани йўқ.

- Бормайди, бормайди, бормайди...

- Беллатрикс Лестранг ихтиёрига ўтиб кетишини истайсан-ми? Сўнгги бир йил ичида Қақнус ордени қароргоҳида яшаганини била туриб-а?

- Бормайди, бормайди, бормайди...

Гарри Дамблдорга қаради. Тараққосни Беллатриксга бериб бўлмаслиги тушунарли, албатта, бироқ... Сириусни сотган эльфнинг хўжайини бўлиш? Бундай хаёлнинг ўзи жирканч.

- Унга бирон-бир буйруқ бер, - таклиф киритди Дамблдор, - Агар у энди сенинг тасарруфингга ўтган бўлса, бўйсунмишга мажбур бўлади.

Бўйсунмайдиган бўлса, қонуний соҳибасининг ҳузурига қўймаслик чорасини кўришга мажбур бўламиз.

- Бормайди, бормайди, **БОРМАЙДИ!**

Эльфнинг қичқириқлари увиллашга ўтиб кетди ва Гарри беихтиёр дўк уриб юборди:

- Ўчир овозингни, Тараққос!

Кўзини чақчайиб қолган эльф, худди тикилиб қолгандай, оғзини очиб ёпганча, томоғини ушлаб олди. Бир неча сония давомида ютиниш амалини бажаришга уриниб тургач, ўзини юзи билан шартта гиламга ташлаб, унсиз бўлса ҳам жазавага тушганча, оёқ-қўлини полга ура бошлади. Буни кўрган Петунья хола инграб юборди.

- Хўш, иш ойдинлашди, - хурсанд бўлиб кетди Дамблдор, - Сириус нима қилаётганини яхши билган. Гарри, сен, Пинҳонийлик майдонидаги ўн иккинчи уйнинг, шу жумладан, Тараққоснинг қонуний соҳибсан.

- У... мен билан яшаши шартми? - сўради Гарри, оёғи остида тўлғаниб ётган эльфга қараб.

- Сен истамас экансан, шарт эмас, - деди Дамблдор, - Агар эътироз билдирмасанг, уни «Хогварц» ошхонасига юборишни таклиф қиламан. Ўша ерда бизнинг эльфларимиз назорати остида бўлади.

- Шундай қиламиз, - рози бўлди Гарри, енгил тортиб, - Э-м-м... Тараққос! «Хогварц»га жўнашинг ва бошқа эльфлар билан бирга ошхонада меҳнат қилишингни истайман.

Белида ётиб, оёқ-қўли билан ҳаво тепалаётган Тараққос ифода этиб бўлмас нафрат-ла Гаррига қараб, қаттиқ қарс товушини чиқарганча, кўздан ғойиб бўлди.

- Жуда соз! - деди Дамблдор, - Бироқ гиппогриф Отбургут ҳам бор.

Сириуснинг ўлиmidан сўнг жониворни Хагрид боқиб турибди. Энди у ҳам сенинг ихтиёрингда. Агар, ушбу жонивор масаласида бошқача режаларинг бўлса...

- Йўқ, - шу заҳоти жавоб қайтарди Гарри, - Хагрид билан қолаверсин.

Шундай қилсак, ўйлайман-ки, Отбургутга ҳам яхши бўлади.

- Хагрид роса хурсанд бўлади, - кулиб қўйди Дамблдор, - Ҳайвони билан боз юз кўришганидан завқланиб юрибди. Айтгандай, хавфсизлик нуқтаи назаридан Отбургутнинг лақабини вақтинча Товуққанот лақабига алмаштиришга қарор қилдик, гарчи вазирликдагилар бу айнан ўша, ўзлари ўлимга ҳукм қилган гиппогриф эканлигини фаҳмлашмаса-да. Ҳўш, Гарри, буюмларингни йиғиштириб қўйдинг-ми?

- Э-м-м...

- Ташрифим масаласида шубҳа қилдинг-ми?

- Мен ҳозир... бир пастда... - овоз кўтарди Гарри, ерда думалаб ётган телескопи билан кроссовкасини қўлига олиб.

Бисотини йиғиштиришга ўн дақиқадан сал кўпроқ вақт кетди. Ниҳоят Гарри каравот остида ётган кўринмас плашни олиб, ранг-баранг сиёҳли шишача қопқоғини бураб ёпиб, сандиққа солди-да, устидан қозонни жойлаб, қопқоғни базўр қулфлади. Шундан сўнг, бир қўли билан сандиқ тортиб, иккинчисига Хедвиг қамалган қафасни ушлаб, биринчи қаватга тушди.

Дамблдорни даҳлизда кўрмай, хафа бўлди. Яна анавиларнинг олдига, меҳмонхонага киришга тўғри келади.

У ерда жимжитлик қарор топган. Дамблдор ниманидир хиргойи қилиб, афтидан ўзини ниҳоятда яхши ҳис этмоқда. Умуман эса, хонада юзага келган вазият нимаси биландир тўнглаб қолган қайнатма кремни ёдга солади.

- Профессор, мен тайёрман, - деди қариндошлари томон қарашга ботина олмаган Гарри.

- Жуда соз, - жавоб қилди Дамблдор, - Бир гапни айтиш қолди холос, - деди у, Дурсллар томон юзланиб, - Сизларга маълумки, бир йилдан сўнг, Гарри балоғат ёшига тўлади...

- Йўқ, - эътироз билдирди Петунья хола, оқшом давомида илк бор тилга кириб.

- Тушунмадим? - деди Дамблдор, мулойим оҳангда.

- Тўлмайди. У Дудликдан бир ойга кичик. Дудлик эса икки йилдан кейин ўн саккиз ёшга тўлади.

- Шунақа денг, - мулойим оҳангини қўймади Дамблдор, - Бироқ сеҳргарлар ўн етти ёшда балоғат ёшга етишади.

- Тентаклар, - пўнғиллади Вернон амаки.

- Давом этамиз, - деди Дамблдор Вернон амакига эътибор қаратмай, - Ўзингизга маълумки, юртимизга машъум ном таратган Лорд Вольдеморт қайтиб келган. Сеҳргарлар жамиятида уруш кетмоқда. Вольдеморт

Ўлдиришга кўп мартаба уринган Гаррининг ҳаётига нисбатан хавф туғилган. Бугунги хавф, уни ўн беш йил муқаддам остонангизда, ёнида, ота-онасининг ўлими баён этилган хат билан қолдириб кетган куним юзага келган хавфдан ҳам катта таҳдиддир. Болага ўз болангизга ғамхўрлик қилган каби меҳр кўрсатасиз, деган умидимни билдирган эдим, ўша хатимда.

Дамблдор бироз сукут сақлади. У бир маромда, хотиржам, аччиқланмай гапирмоқда-ю, оҳанги совигани билинмоқда. Дурсллар бир-бирига янада жипс ўтириб олишгани Гаррининг эътиборидан четда қолмади.

- Сизлар эса менинг илтимосимни бажармадингиз. Гаррини ҳеч қачон ўз қариндошингиз сифатида кўрмадингиз. У сизлардан менсимаслик, аксарият ҳолларда эса жабр-жафодан бошқа бирон-бир рўшнолик кўрмади. Шундай бўлса-да, бир яхшилик қила олдингиз, у ҳам бўлса, сизлар Гаррига, иккалангизнинг ўртангизда ўтирган бадбахт болага қилган ёмонлигингиз каби зарар етказа олмадингиз.

Петунья хола билан Вернон амаки, худди ораларида Дудли эмас бошқа бола ўтириб олгани каби кескин бурилиб қарашди.

- Биз Дудликка? Э, нималар деяпсиз?... - дарғазаб оҳангда гап бошлади Вернон амаки, бироқ жимлик сақлашга имо қилаётган Дамблдорнинг кўтарилган бармоғини кўриб, унини ўчирди.

- Ўн беш йил муқаддам мен яратган сеҳрли муҳофаза Гаррининг хавфсизлигини, токи у сизнинг хонадонингизни ўз уйи, деб билар экан, таъминлайди. Гарри бу ерда бахтсиз, бировга керак бўлмаган ҳолатда, дилсиёҳликда ўсган бўлса-да, истар-истамас, унга жой бердингиз. Гарри ўт еттига тўлган, бошқача айтганда, эр киши бўлиб етилган фурсат етиши билан, юқорида зикр этилган муҳофаза ўз кучини йўқотади. Мен сизлардан фақат бир нарсани, Гаррига, у етти ёшга тўлиб олгунига қадар яна бир бор уйингизга қайтишига рухсат беришингизни илтимос қиламан. Дурсллар дамани чиқармай ўтиришди. Дудли, худди унга нима ёмонлик қилишганини англаб етишга уринаётгани каби, қошини чимириб олган. Вернон амакининг қиёфасидан, бўғзига бир нарса қадалиб қолганини уқиб олиш қийин эмас. Петунья холанинг ранги эса ғалати қизариб кетган.

Дамблдор, ўрнидан туриб, узун плашини тўғрилади.

- Хўш, Гарри... кетар вақтимиз етди. Кўришгунча, - деди у, Дурслларга мурожаат қилиб.

Учала Дурслнинг юзида кўришиш ҳеч қачон насиб қилмаслик истаги яққол ифодаланиб турган қиёфа касб этган.

- Кўришгунча, - тез хайрлашди Гарри, Дамблдорнинг кетидан эргашиб. Қария сандиқ билан Хедвиг қамалган қафас ёнида тўхтаб қолди.

- Бу бизга халал беради, - деди у, сеҳрли таёқчасини чиқариб, - Нарсаларингни Бошпанага йўллайман. Лекин, кўринмас плашингни ўзинг билан олганинг маъқул... ҳар эҳтимолга қарши.

Гарри сандиқ ичидаги тартибсизликни Дамблдорга кўрсатмасликка уринганча, бир илож қилиб, кўринмас плашни чиқариб олди-да, нимчасининг киссасига жойлади. Дамблдор сеҳрли таёқчасини силташи ҳамоно, сандиқ билан қафас кўздан ғойиб бўлди. Сеҳрли таёқча яна бир силтанган эди ҳам-ки, чиқиш эшиги ланг очилди. Эшик ортида туман қоплаган совуқ зулмат кўринди.

- Хўш, Гарри, анави беқарор шамолдай йўлдан оздирувчи таваккал ортидан олға!

IV БОБ. ГОРАЦИЙ ДИВАНГАРД

Сўнгги ҳафта давомида Гарри фақат Дамблдор ҳақида ўйлаб, у билан ўтадиган учрашув санасини кутиб юрди. Мана учрашув куни етгач, бола хижолат. Илгари улар асосан мактабда мулоқот қилишган бўлиб, одатда, иккаласини ёзув столи ажратиб турган. Охирги учрашув ҳақидаги хотиралар эса ноқулайлик ҳиссини бироз ошириб юбормоқда. Ўшанда Гарри овози борича қичқириб, Дамблдорнинг бир талай қимматли буюмларини чилпарчин қилган эди.

Афтидан, Дамблдорни ўша тўполон мутлақо ташвишга солмаган кўринади.

- Таёқчангни шай ҳолатда тутиб юр, Гарри, - хушчақчақ кайфиятда буюрди у.

- Мактаб ҳудудидан ташқари жойда сеҳр-жоду билан шуғулланиш мумкин эмас-ку, менга...

- Агар бизга ҳамла қилиб қолишса, - деди Дамблдор, - Миянгга келган ҳар қандай қарғишга қарши қарғишни қўллашга ижозат бераман. Ваҳоланки, бугун сен ҳеч нарсадан хавфсирамасанг ҳам бўлавереди.

- Нима учун, сэр?

- Чунки сен мен билан, - оддийгина жавоб берди Дамблдор, - Шунинг ўзи катта гап.

Одамовилар хиёбонининг муюлишига етган Дамблдор кескин тўхтаб, сўради:

- Ҳавода даф бўлиш бўйича имтиҳон топширганинг йўқми ҳали?

- Йўқ, - бош ирғиди Гарри, - Ўн етти ёшдан топширилади-ку.

- Тўғри айтасан, - деди Дамблдор, - Ундай бўлса, қўлимни маҳкам ушлаб ол. Чап қўлимни, агар эътироз билдирмасанг. Сизган бўлсанг керак, ўнг қўлимнинг мазаси сал қочган.

Гарри Дамблдорнинг қўлини ушлаб олди.

- Жуда соз, - деди Дамблдор, - Кетдик.

Гарри Дамблдорнинг қўли кафтидан чиқиб кетаётганини ҳис этиб, янада маҳкам чангаллаб олди. Кейинги фурсатда атроф қоронғилашди, уни нимадир ҳар томондан сиқиб, нафас олишини қийинлаштирди,

қовурғалари, худди кўкрак қафасига чамбарак қоқиб кийгизилгандек оғриди, кўз ва қулоғига қандайдир босим таъсир ўтказди, сўнг...
У тунги совуқ ҳаводан бир неча бор чуқур нафас олиб, ёшланиб кетган кўзини очди. Ўзини худди тор резина қувурдан сиқиб ўтказилгандай ҳис этиб, Одамовилар хиёбони узоқларда қолиб кетганини дарҳол сезмади. Дамблдор иккаласи ўртада ҳарбий ёдгорлик билан иккита узун курси ўрнатилган хилват қишлоқ майдонида пайдо бўлишди. Гарри хаёлини йиғиб олиб, ҳаётида илк бор ҳавода даф бўлиб, пайдо бўлганини идрок этди.

- Қалай ҳис этияпсан ўзингни? - қизиқди Дамблдор, - Бундай ҳаракатга кўникиш керак.

- Яхши, - деди, қулоғини ишқалаган Гарри, Одамовилар хиёбонини бу тарзда тарк этишни истамагани аён билиниб, - Лекин ростини айтсам, супургини афзал кўрган бўлар эдим.

Дамблдор кулиб, ёқасини зичроқ тортиб олди.

- Бу томон юрамиз, - деди у, бўш меҳмонхона билан аллақандай иморатлар олдидан ўтганча, тез одимлаб.

Қишлоқ черкови соатининг миллари тун ярмига етганини кўрсатмоқда.

- Айт-чи, менга, Гарри, чандиғинг оғриб турибди-ми? - сўраб қолди Дамблдор.

- Йўқ, - деди Гарри, пешонасидаги яшин зигзаги шаклидаги чандиқни ғайриихтиёрий равишда уқалаб қўйиб, - Ўзим ҳам ҳайрон бўлиб юрибман. Модомики, Вольдемортнинг қудрати ошиб борар экан, чандиқ менга тинчлик бермайди, деб юрган эдим.

- Мен эса аксинча ўйлаганман, - деди Дамблдор боланинг жавобидан мамнун бўлиб, - Фикр ва ҳиссиётларига сингиб киришдек зўр имконинг борлигини Лорд Вольдеморт ниҳоят тушуниб етиб, афтидан, окклюменция воситасида сендан сақланишга аҳд қилган кўринади.

- Тўғри қилади, - пўнғиллади Гарри.

Тунги алаҳсирашлар-у, Вольдемортнинг онгига сингиб кириш жараёнларини у мутлақо соғинмаган.

Икковлон муюлиш ортига ўтиб, телефон будкаси билан автобус бекати ёнидан ўтишди.

- Профессор... - кўз қири билан Дамблдорга қаради Гарри.

- Ҳа, Гарри.

- Биз... қаерга келиб қолдик ўзи?

- Бадли Баббертон, деб номланадиган ажойиб қишлоқчага.

- Нима учун?

- Ҳа-я, сенга айтмадим-ку, ҳали, а! - хитоб қилди Дамблдор, - Ушбу янгиликни ҳар йили эълон қилавериб, бу йил нечанчи маротаба маълум қилаётганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Қисқаси, мактабимиз яна ўқитувчисиз қолди. Бу ерга собиқ ҳамкасбимни пенсияни қўйиб, «Хогварц»га ишга қайтишга кўндиргани келдик.

- Менинг қандай нафим тегиши мумкин сизга, сэр?
- Асқатиб қолишинг шубҳасиз, - мубҳам жавоб берди Дамблдор, - Энди чап томон юрамиз, Гарри.
- Икковлон зич қурилган уйлар қатори орасидаги тикка кўтарилган тор кўча бўйлаб одимлаб кетди. Бирон жойда чироқ ёқилгани кўринмайди. Одамовилар хиёбонини икки ҳафтадан буён қамраб олган қалин туман шу ерда ҳам кўтарилган. Дементорларни ғайриихтиёрий равишда эслаган Гарри атрофга хавфсираганча аланглаб, киссасидаги сеҳрли таёқчасини маҳкам тутиб олди.
- Профессор, тўғри ҳамкасбингиз уйида пайдо бўлсак нима қиларди?
- Кириш эшигини бузиб киргандай иш қилган бўлар эдик, - тушунтириш берди Дамблдор, - Одоб билан муомала қилиш қоидалари мезбонга, агар у истамаса, меҳмонни қабул қилмаслик ҳуқуқи берилишини тақозо этади. Сеҳргарлар яшайдиган аксарият истиқоматгоҳлар эса, бундан ташқари, номатлуб бостириб кирилишидан муҳофаза қилинган. Масалан «Хогварц»...
- Қасрда ҳам, унинг ҳудудида ҳам ҳавода пайдо бўлиб бўлмайди, - бурро билдирув берди Гарри, - Гермiona Грэнжер айтиб берган менга.
- Тўппа-тўғри айтибди. Яна чап томон юрамиз.
- Орқада қолган черков соати тунги ўн икки бўлганини англантиб, бонг урди. Гарри нима учун Дамблдор бировнинг уйига тун ярмида меҳмонга боришни одоб қоидаларига зид, деб билмаслигини сўрамоқчи бўлди-ю, суҳбат меъёрий оҳангда бораётганидан фойдаланиб, муҳимроқ масалаларни муҳокама қилишни афзал кўрди.
- Сэр, «Башорат-у, каромат газетаси»да Фужнинг ишдан бўшатишганини ўқидим...
- Чиндан ҳам шундай бўлди, - жавоб берди Дамблдор, тикка юқорига кўтарилган кўчага бурилиб, - Унинг ўрнига, муқаддам аврорлар маҳкамасига раҳбарлик қилган Руфус Скримж тайинланганини ҳам билишингга шубҳа қилмайман.
- Нима деб ўйлайсиз, яхши одамми у?
- Қизиқ савол, албатта, - деди Дамблдор, - У кўп нарсаларга қодир. Шак-шубҳа йўқ-ки, Корнелиусга нисбатан қатъийроқ ва ғайратлироқ шахс.
- Ҳа, бироқ мен бошқа нарсани назарда тутган эдим...
- Нимани назарда тутаётганингни биламан. Руфус – муайян фаолият соҳиби. Деярли бутун ҳаёти давомида ёвуз кучларга қарши курашиб келган бўлиб, Лорд Вольдемортнинг нималарга қодир эканлигини яхши билади.
- Гарри ўзи сўрашга журъат этмади-ю, лекин Дамблдорнинг ўзи Скримж билан, «Башорат-у, каромат газетаси»да баён этилган келишмовчилиги ҳақида бирон нима дейишини кутди. Бироқ Дамблдор бу мавзунини очмади.
- Боунс хоним ҳақидаги хабарни ҳам ўқидим, сэр.
- Ҳа, - хотиржам бош ирғиди Дамблдор, - Мудҳиш йўқотиш бўлди. Мисли

кўрилмаган афсунгар аёл эди, раҳматли. Бу ёққа, юқорига кўтарилишимиз керак, менимча... вой, - мажруҳ кўли билан кўрсатди у.

- Профессор, кўлингизга нима қил...

- Ҳозир тушунтиргани вақт йўқ, - деди Дамблдор, - Кишини даҳшатга соладиган ҳодисани чалакам-чатти қилиб айтиб бергим йўқ. Дамблдор Гаррининг оғзига урмоқчи эмаслиги, бошқа саволлар бўлса, бемалол бериши мумкинлигини англатганча, кулиб боқди.

- Сэр... менга вазирлик томонидан ишлаб чиқилган, Ўлимдан мириқувчиларга қарши қўлланилиши лозим бўлган хавфсизлик чораларига оид варақа юборишибди...

- Мен ҳам олдим, ўша варақани, - боз кулиб қаради Дамблдор, - Бирон-бир фойдали маълумот олдингми ундан?

- Кўп эмас.

- Ўзим ҳам шундай, деб ўйлаган эдим. Мисол учун, қанақанги мураббони хуш кўришимни мендан сўрамадинг ва бу билан, мен қаллоб эмас чиндан ҳам профессор Дамблдор эканлигимга ишонч ҳосил қилмадинг.

- Мен... - дудуқланди Гарри, уни койишяпти-ми, йўқми, тушунмай.

- Айтгандай, билиб қўйганинг маъқул, малина мураббосини хуш кўраман. Табиийки, менинг қиёфамга киришдан олдин ҳар қандай Ўлимдан мириқувчи менга нима ёқиш-ёқмаслигини билиб олишга уринади.

- Э-м-м... албатта, - бош ирғиди Гарри, - Бироқ варақада аллақандай инферниялар тўғрисида айтилган эди. Ким ўзи улар? Матн тушунарсиз битилган эди.

- Мурдалар, - жавоб берди Дамблдор, пинаги бузилмай - Ўз ҳаракатини ёвуз сеҳрлар томонидан қўлланилган жоду таъсири остида амалга оширадиган сеҳрланган ўликлар. Улар пайдо бўлишмаганига анча бўлиб қолган, хусусан, Вольдеморт ўтган сафар ўз ҳукмини суриб юрган даврдан буён кўриниш беришмаган эди. Ўшанда шунчалик кўп одам ўлдирган эдики, ҳаммасини бир ерга жамласа, бутун бошли армия тузса бўлади. Ана бизга керакли уй, Гарри, бу ёққа...

Улар мўъжазгина боққа эга батартиб уйча ёнига яқин келишди. Гарри Дамблдорнинг инферниялар тўғрисидаги сўзларидан шу қадар таъсирланиб кетган эдики, ҳеч нарсага эътибор қаратмай, боғ эшикчаси рўпарасида кескин тўхтаган Дамблдорга урилиб кетгачгина, хаёлини йиғиб олди.

- О Худойим. Ўзинг асра, эй Парвардигор.

Гарри Дамблдорнинг нигоҳига эътибор қаратиб, юраги орқага тортиб кетди. Кириш эшиги биттагина ошиқ-мошиқда қийшиқ осилиб турибди. Дамблдор кўчанинг у бошидан бу бошига тез қараб чиқди. Атрофда ҳеч ким йўқ.

- Гарри, таёқчангни кўлингга олиб, орқамдан юр, - паст овозда буюрди Дамблдор.

У боғ эшикчасини очиб, сўз айтмай, батартиб йўлакча бўйлаб шиддат-ла

одимлаб кетди. Гарри ундан қолишмай эргашди. Дамблдор таёқчасини шай ҳолатда тутганча, кириш эшигини аста очди.

- Люмос.

Таёқча ёришиб, тор йўлак ва чап томонда очиқ қолган эшик кўринди. Таёқчасини баланд ушлаган Дамблдор меҳмонхонага кирди. Гарри унинг кетидан изма-из кирди.

Иккаласининг кўз олдида мутлақ хонавайронлик манзараси очилди. Оёқ остида полга ўрнатиладиган, корпуси дарз кетиб, циферблати пачақ бўлган, сал нарида эса, тебрангичи, худди тушириб юборилган шамшир каби думалаб кетган улкан соат ётибди. Ён томони билан онтарилган пианинонинг клавишлари атрофга сочилиб кетган. Пианино ёнида остин-устун қилинган чилчиноқ таёқча нуридан товланмоқда. Тит-пити чиқарилган ёстиқлардан патлар оқиб кетган. Атрофга шиша ва чинни парчалари билан упа қўйилгандай гўё. Дамблдор таёқчасини кўтариб, хона деворларини ёритди. Девор гулқоғозларига аллақандай елимшиқ, тўқ қизил суюқлик сачраган. Гарри аста оҳ уриб юборди.

- Мудҳиш манзара, - деди, Гарри томон юзланган Дамблдор ғамгин оҳангда, - Бу ерда қандайдир даҳшатли ҳодиса юз берган кўринади. У хона ўртасига аста келиб, оёқ остида ётган синган бўлақларга диққат билан разм солди. Дамблдорнинг ортидан юрган Гарри худди ишдан чиқарилган пианино ёки онтарилган диван ортидан даҳшатли нарса чиқадиган сингари, атрофга чўчиб қараб борди, лекин мурда ҳеч қаерда кўринмади.

- Эҳтимол ёқалашиб бўлишгач... уни ўзлари билан олиб кетишгандир? - пўнғиллаб тахмин қилди, девор ўртасигача сачраган қон қатраларига қараб, жароҳатнинг қанчалик оғир бўлгани ҳақида ўйламасликка уринган Гарри.

- Ўхшамайди, - ўйчан пичирлади Дамблдор, ёнбошлаб ётган юмшоқ креслога синчковлик билан назар солиб.

- Айтмоқчисиз-ки...

- Қаердадир шу ердами? Ҳа.

Дамблдор шартта эгилди-да, сеҳрли таёқчасининг учини кресло ўриндиғига санчиб олди. Кресло шу заҳоти чириллаб юборди.

- Хайрли оқшом, Гораций, - кўришди қаддини ростлаган Дамблдор. Гаррининг оғзи ланг очилиб қолди. Кресло ўрнида қорнини уқалаб, миттигина серсув кўзи билан Дамблдорга хафа бўлганча қараб, эмбрион ҳолатида ётган, мисли кўрилмаган даражада семиз, ялтирбош қария пайдо бўлди.

- Тешиб қўйишингга сал қолди-ку, - қийналиб бурилганча домангир пўнғиллади у, - Жонимни оғритдинг.

Чолнинг тоз боши, туртиб чиққан кўзи ва чўтка мўйлови сеҳрли таёқча шуъласида, худди нафармон тусли шойи пижамаси устида кийилган тўқ қизил бахмал нимчасининг сайқал берилган тугмаси каби ялтирамоқда.

- Хўш, нима билан ошкор этиб қўйдим ўзимни? - вайсаш оҳангида қизиқди уй соҳиби, қорин соҳасининг қуйи қисмини уқалашни давом этганча, инқиллаб ўрнидан турар экан. Унинг бўйи Дамблдорнинг иягига базўр етади, юзи эса ҳозиргина ўзини креслога ўхшатиб олган киши учун етарлича хотиржам қиёфа касб этган.

- Қадрдоним Гораций, - бироз истехзоли оҳангда жавоб берди Дамблдор, - Агар чиндан ҳам бу ерга Ўлимдан мириқувчилар ташриф буюришганида, уй узра Ажал белгиси муаллақ осилиб турган бўлар эди.

Гораций ўзининг лўппи кафти билан пешонасига уриб қўйди.

- Ажал белгиси, - пўнғиллади у, - Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Нимадир албатта... хўп майли. Бари-бир бунга вақтим етмас эди. Мен ўзимнинг қопламам устида ишни тугатмай, сизлар кириб келдингиз. Қария оғир хўрсиниб қўйди.

- Уйни тартибга солишга ёрдамлашиб юборай-ми? - сўради Дамблдор.

- Агар малол келмаса, - деди Гораций.

Бири новча, озғин, иккинчиси пастак, семиз икки нафар сеҳргар бир-бирига бели билан суянганча, сеҳрли таёқчаларини бараварига силтади.

Мебель шу заҳоти жой-жойига тарқаб учди, безаклар ва хона интерьерига оид буюмлар ҳавода янгитдан пайдо бўлди, тўкилган пат ёстиқ жилдларига текилиб тўлди, йиртилган китоблар токчаларга етиб бормай елимланиб, ўз ҳолига қайтди, ялтираётган кумуш рамкаларига қаттиқ шикаст етган фотосуратларнинг бой коллекцияси хона бўйлаб учиб ўтиб, ёзув столи устига бутун ҳолатда қайтди, тешик, рахна ва бўртиқлар шувалиб, тортилиб, деворлар тозаланди.

- Айтгандай, қанақа қон бу? - сўради Дамблдор, полга ўрнатилдиган соат тикланиб, қаттиқ ура бошлаганидан баланд овозда гапиришга мажбур бўлиб.

- Деворга сачраганми? Аждар қони, - жавобан қичқирди Гораций, - Сўнгги шишаси эди. Бугунги кунда нархи осмонда эканлигини ҳисобга олсак... ёки уни такрор ишлатса бўлаверади-ми?

Қария буфет томон оғир қадам ташлаб, кичкинагина биллур шишани қўлга олди-да, ёруғлик томон йўналтирди.

- Ҳм-м. Лойқаланибди.

Гораций шишачани жойига қўйиб, оғир хўрсиниб қўйганидан сўнггина Гаррини кўрди.

- Ўхў, - деди у, катта очилган кўзини Гаррининг пешонасидаги чандиққа қаратиб, - Эҳ-ҳа!

- Бу, - деди яқинроқ келган Дамблдор, иккаласини бир-бирига таништириб, - Гарри Поттер. Гарри танишиб қўй, менинг қадрдон дўстим ва ҳамкасбим Гораций Дивангард.

Дивангард диққат билан Дамблдорга разм солди.

- Шу билан мени эритмоқчи бўлибсан-да, а? Бари-бир жавобим ўша, Альбус: «йўқ».

Гаррини елкаси билан туртиб ўтган Гораций, васвасага берилмасликка қатъий аҳд қилган киши қиёфасини ясаб, нари қочди.

- Балким, лоақал ёшлик давримиз, яхши ўтмишимизни эслаб, қиттай-қиттай урармиз, а? - таклиф киритди Дамблдор.

Дивангард турган жойида журъатсиз қотиб қолди.

- Фақат бир ҳўпландан, - илтифотсиз розилик билдирди у.

Дамблдор кулиб, Гаррига, ўтириши учун яқиндагина Дивангард ўхшаб олган, яна ўт қаланган камин ёнида турган креслога имо қилди.

Ёнида мойчиноқ ёниб турган креслога ўтирар экан, Гарри кўринарли жойида бўлишини Дамблдор истаётганини англаб қолди.

Декантер ва қадаҳлар билан бироз овора бўлган уй соҳиби, хонага юзланиб, табиийки, нигоҳи Гаррининг нигоҳи билан тўқнаш келди ва худди кўзини куйдириб олишдан қўрққан каби, пишқирганча болага тескари қаради. (Декантер (ингл. Decanter) – винони декантация қилиб (яъни чўкиндидан ажратиб) узатиш учун мўлжалланган махсус шиша графин)

- Марҳамат, - деди у, таклифсиз ўтириб олган Дамблдорга ичимлик узатиб.

Шундан сўнг, тикланган диваннинг юмшоқ ёстиғига ўзини ташлаб, қовоғини осиб олганча, овоз чиқармай, калта оёғи полга етмай ўтирди.

- Ҳол-аҳволинг қалай, Гораций, қадрдоним? - мулоим оҳангда сўради Дамблдор.

- Ўрта миёна, - деди Дивангард, - Ўпкамнинг мазаси йўқ. Нафасим қисяпти. Бод ҳам қийнаб юборди, базўр ҳаракатланмоқдаман. Катта холамнинг ҳақи қолди-ми? Қаридим, ниҳоятда толиқдим.

- Ҳолбуки, бизнинг ташрифимизга ҳозирлик кўриш учун анча уринган кўринасан, гарчи ихтиёрингда атиги уч дақиқа вақт бўлган бўлса-да, - таъкидлаб қўйди Дамблдор.

- Икки дақиқа, - ғазаб билан ғурур уйғунлашган оҳангда аниқлик киритди Дивангард, - Ваннада ювинаётганим боис, сеҳр сигнализациясини эшитмай қолибман. Бироқ асл ҳолат аслигича қолади, Альбус, мен қари, толиққан кишиман. Ҳаётимнинг қолган қисмини тинч ва оз бўлса ҳам, қулай шароитда ўтказишни истайман.

Ҳа, нимаси йўқлигини билмайман-у, қулай шароитдан маҳрум эмаслиги аниқ, хаёлдан ўтказди Гарри, хонага яна бир бор назар солиб. Ҳавоси дим, бироз ивирсиган бўлса ҳам, хонада мавжуд шарт-шароитни ноқулай деб бўлмайди. Креслолар ҳам, оёқ тагликлари ҳам, китоблар, турли ичимликлар, шоколад қутилари-ю, юмшоқ ёстиқлар муҳайё. Агар уй соҳибини кўрмаганида, Гарри бу ерда аллақандай бой ва жуда инжиқ кампир яшайди, деган хулосага борган бўлар эди.

- Сен мендан ёшсан-ку, а, Гораций, - деди Дамблдор.

- Сенинг ҳам тинчгина дам оладиган вақтинг аллақачон етган, - беандиша жавоб берди Дивангард, крижовник кўзини Дамблдорнинг жароҳатланган

қўлига олиб ўтиб, - Кўрдинг-ми, хатти-ҳаракатинг ҳам тегишлича тезкор кечмайдиган бўлиб қолибди.

- Мутлақо ҳақсан, - деди Дамблдор, енгини силтаганча, ўзининг куйиб қорайган, Гаррини сескантириб юборган бармоқларини яшириб, - Ҳаракатларим илгаригига қараганда сустлашиб қолган, бироқ масалага бошқа томондан ёндашадиган бўлсак...

Дамблдор, кексаликнинг ўз гашти бор, демоқчи бўлгандай, иккала қўлини икки томон ёзди. Гарри шу заҳоти Дамблдорнинг соғ қўлида афтидан тилладан тайёрланган, йириккина, у қадар бежирим бўлмаган, ўртасидан дарз кетган каттагина қора тошли кўзга эга, муқаддам бўлмаган узук тақилганига эътибор қаратди. Пешонасида ингичкагина ажин пайдо бўлган Дивангарднинг нигоҳи ҳам узукка қадалиб қолди.

- Хўш, Гораций, мана бу эҳтиёт чоралар... Ўлимдан мириқувчиларга қарши кўрилган эдими ёки менга? - сўради Дамблдор.

- Ўлимдан мириқувчиларга бечораҳол кекса ногирон нимага керак бўлиши мумкин? - дағдаға қилди Дивангард.

- Айтайлик, зулм ўтказиш, қийноққа солиш ва қотиллик манфаатларида, ушбу қариянинг кўп қиррали истеъдодидан самарали фойдаланиш учун, - хотиржам жавоб берди Дамблдор, - Айтмоқчисан-ки, улар шу кунга қадар ҳали бирон мартаба бўлсин, сени ўз сафларига ёллашга уринишмаган? Дивангард Дамблдорга жанговар қиёфа ила қараб, пўнғиллади:

- Уларнинг бундай имкониятлари бўлмаган. Мана бир йилдир-ки, мен ҳали бир жойда бир ҳафтадан ортиқ вақт ўтирганим йўқ. Бир маглар истиқоматгоҳидан бошқасига кўчиб юрибман. Мана бу уйнинг эгалари ҳозир Канар оролларида дам олишмоқда. Шундай қулай жойни тарк этишни истамайман. Бу ишлар жуда осон кечади, агар қандай амалга оширилишини билсанг, албатта. Офатскоп ўрнида қўллашадиган аҳмоқона сигнализацияларини оддий афсун воситасида ишлатмай қўйиб, пианинони қўшниларга сездирмай олиб кириш кифоя.

- Ажойиб, - завқланиб кетди Дамблдор, - Бироқ қари, толиққан, ҳаётининг қолган қисмини тинч ва оз бўлса ҳам, қулай шароитда ўтказишга орзуманд бўлиб юрган киши учун жуда ҳолдан толиқтирадиган саъй-ҳаракат. Агар «Хогварц»га қайтишга розилик берсанг...

- Ғайратингни асраб, кучингни беҳуда сарф этма, Альбус! Мактабинг қанчалик зўр эканлигини тавсифлаб ўтирмасанг ҳам бўлаверади. Мен бадарға бўлган одамдай яшаётган бўлсам-да, Долорес Амбриж ҳақида эшитдим! Ўқитувчи билан ҳам шундай муомала қилинадими?!

- Профессор Амбриж кентаврлар билан чиқишмай қолди, - деди Дамблдор, - Ишончим комилки, Гораций, сен Ман этилган ўрмонга кириб, дарғазаб подани ифлос чала зотлар, деб ҳақорат қилмаган бўлар эдинг.

- Вой аҳмоқ, шунақа қилиқ қилди дегин! Эси паст аёл! Ҳеч қачон жиним ёқтирмаган эди ўша қанжиқни.

Гарри кулиб юборди. Дамблдор билан Дивангард хайрон бўлиб, болага

қарашди.

- Маъзур сананг, - тез тушунтириш берди Гарри, - Шунчаки... мен ҳам уни ёқтирмайман. Бор гап шу.

Дамблдор кутилмаганда ўрнидан турди.

- Кетяпсиз-ми? - умид-ла сўради Дивангард.

- Йўқ, ванна хонага кирмоқчи эдим, - жавоб берди Дамблдор.

- А, - деди, афтидан тарвузи қўлтиғидан тушган Дивангард, - Даҳлиз бўйлаб, чап қўлда, иккинчи эшик.

Дамблдор чиққан эшик ёпилгач, хонага сукунат чўкди. Нима билан машғул бўлишни билмай қолган Дивангард ўрнидан туриб, Гаррига ўғринча қараб қўйди. Сўнг, камин ёнига бориб, оловга тескари қараб турди-да, ўзининг кенг орқа томонини иситишга киришди.

- Сени бу ёққа нима мақсадда етаклаб келишганини билмайди, деб ўйлама.

Гарри жавоб бермай, нигоҳини Дивангарда қаратди. Дивангард эса серсув кўзини Гаррининг пешонасидаги яшин зигзаги шаклидаги чандиқдан юзига олиб ўтди.

- Отангга жуда ўхшар экансан.

- Ҳа, ҳамма шундай дейди, - жавоб қайтарди Гарри.

- Фақат кўзинг...

- Онамнинг кўзига ўхшайди, биламан.

Гарри кўзи ҳақида шу қадар кўп эшитганки, бундай гаплар кўнглига ура бошлади.

- Ҳм! Шунақа. Жуда соз. Ўқитувчига ўзи ёқтириб қолган ўқувчиларни ажратиб олиш мумкин эмас, албатта. Лекин у... Ойингни назарда тутяпман, - тушунтириш берди Дивангард, Гаррининг савол назаридаги нигоҳига жавобан, - Лили Эвансни. Энг истеъдодли ўқувчиларимдан бири бўлган. Жонли, ажойиб қиз! Мен унга доимо: «Сен менинг коллежимда таҳсил кўришинг керак», дер эдим. Табиийки, бунга жавобан қўрслик эшитганман.

- Сизнинг коллежингиз қайси бири бўлган?

- Мен «Слизерин» коллежининг мудури бўлганман, - жавоб берди Дивангард ва Гаррининг юзидаги ўзгаришни кўриб, йўғон бармоғи билан таҳдид қилди: - Ҳой! Ҳой! Журъат этма! Қаранг-а, лабини чўччайтириб олганини! Сен ойинг каби «Гриффиндор»да ўқийсан-ку, а? Одатда, бундай ҳолат оила таркибида кечади, бироқ истисно ҳоллар ҳам юз бериб туради. Сириус Блэк ҳақида эшитганмисан? Эшитган бўлсанг керак... Икки йилча олдин газеталарда ёзишган эди... У яқинда ўлди...

Аллақандай кўринмас қўл Гаррининг ичидаги бор нарсани тугиб юборди.

- Майли, ҳозир бунинг аҳамияти йўқ. Энг асосийси, отанг иккаласи қалин дўст бўлишган. Мен нима демоқчиман: Блэklarнинг ҳаммаси менинг коллежимда ўқишган, Сириус эса «Гриффиндор»га тушиб қолди! Шундай истеъдодли бола-я, фожа! Менга эса табиийки, унинг укаси Регулус

насиб қилди, лекин мен оила жамоасининг жамини ўқитмоқчи эдим... Дивангард худди аукцион савдосида ютқазиб қўйган муккасидан кетган коллекционердай куйиниб гапирди. У хотираларга берилганча, нигоҳсиз кўзини олдинга қаратиб олди. Фақат вақти-вақти билан орқаси бир текис исиши учун эринчоқ бурилиб бори.

- Ойинг маглар оиласида туғилганлардан бўлган, албатта... Илк бор эшитганимда бовар қилмаган эдим. Шундай қобилияти ила асилзода афсунгар бўлиши керак-ку.

- Менинг энг яқин дўстим ҳам маглар оиласида туғилганлардан, - таъкидлаб ўтди Гарри, - Ва айна вақтда тенгқурларимиз орасида энг ибратли ўқувчи қиз саналади.

- Шунаси ҳам бўлар эканда, а? Жуда ғалати... - эҳтиётсиз фикр билдирди Дивангард.

- У қадар эмас, - қуруққина жавоб қайтарди Гарри.

- Фақат мени магл фобиясида айблашнинг кераги йўқ! - хитоб қилди қоши кўтарилган Дивангард, - Ойинг мен ёқтириб қолган ўқувчилардан бири бўлганини айтмадим-ми? Яна ҳам маглар оиласида туғилганлардан Дирк Крессуэлл деган ниҳоятда истеъдодли ўқувчим ҳам бор эди. Ҳозир у Гоблинлар билан алоқа департаментининг раҳбари. Гринготтснинг ички ишларига оид фойдали маълумотлар бериб турибди менга!

Мамнун иржайган Гораций пошнасида тебраниб, кўплаб одамларнинг сон-саногини йўқ фотосуратлари терилган буфет томон имо қилди.

- Уларнинг ҳаммаси менинг ўқувчиларим, ўз қўллари билан дастхат қўйиб беришган. Қара, ҳў анави «Башорат-у, каромат газетаси»нинг бош муҳаррири Барнабас Бергабер. Доимо жорий ҳодисаларга оид фикр-мулоҳазаларимга қизиқиш билдириб юради. Мана буниси Канал Амброзий «Роҳат-луқум» қандолат дўконида ишлайди. Ҳар туғилган кунимга бир сават совға йўллайди. Чунки мен уни биринчи иш берувчиси Цицерон Херкисс билан таништириб қўйган эдим. Бўйнингни бироз чўзсанг, унинг орқасида турган «Граальхедлик гарпиялар» квидиш жамоасининг сардори Гвеног Жонсни кўрасан. Ниҳоятда довурак қиз! Гарбиялар билан бу қадар яқиндан таниш эканлигимдан одамлар ҳайрон бўлишади! Истаган вақтимда бепул чипта! (Гарпия – тропик ўрмонларда яшайдиган қарчиғайлар оиласига мансуб йирик йиртқич қуш. Афсоналарда аёл бошли йиртқич қуш қиёфасидаги довул илоҳаси сифатида тавсифланадиган довул қуши.)

Афтидан, ушбу фикрнинг ўзи Дивангардни чексиз қувонтирмоқда.

- Уларнинг бари сизни қаердан қидириш, совғаларни қаёққа юборишни билишадими? - ҳайрон бўлди Гарри.

Модомики, Дивангард сал кам ҳар куни сават-сават совға олар, унга чипталар юборилар, фикр-мулоҳазаларига қизиқиш билдириб, маслаҳатини олгани ҳузурига меҳмонлар келар экан, қизиқ, нега шунча вақтдан буён Ўлимдан мириқувчилар уни топа олишмади, хаёлдан

ўтказди Гарри.

Дивангарднинг юзидаги табассум, худди девордаги қон қатралари каби бир онда барҳам топди.

- Йўқ, албатта, - пўнғиллади у, - Бир йилдан буён ҳеч ким билан муомала қилмайман.

Дивангардни ўз айтган сўзлар ларзага келтирган кўринади, маълум вақт индамай қолди.

- Нима қилганда ҳам, - деди у елка қисиб, - Бизнинг замонимизда бекиниб юрган афзал. Дамблдор айтаверади... «Хогварц»га қайтиш Қақнус ордени аъзоси эканлигинг ҳақида оммага эълон қилиш билан баробардир! Уларнинг бари, ҳеч шубҳа йўқ-ки, мард кишилар, албатта. Бироқ... уларнинг ўлим билан якун топган фоиз ҳисобидаги сони менинг кўнглимга ёқмай турибди.

Форда яшашга мажбур бўлган Сириус каламуш еб кун кўрганини эслар экан, Гаррининг мана бу инжиқ Дивангардга ҳамдард бўлиши қийин кечмоқда.

- «Хогварц»да ўқитувчилик қилиш учун Орден аъзоси бўлиш шарт эмас, - деди у, истехзосини яхши бекита олмай, - Мактаб ўқитувчилари кўп эмас ва уларнинг ҳеч қайси бирини ҳали ўлдиришгани йўқ, Белкани ҳисобга олмасак, албатта. Лекин у ўзи айбдор – Вольдемортга ишлаган эди. Дивангард даҳшатли исмни эшитиб, кўрқиб кетадиганлар тоифасига мансуб эканлигига Гаррининг ишончи комил эди. Кутгандай бўлиб чиқди: сесканиб кетган бақалоқ қария эътироз оҳангида оҳ уриб юборди. Бироқ Гарри унга эътибор қаратмай, фикрини давом этди:

- Умуман айтганда, Дамблдор директор экан, мактаб ўқитувчилари ҳаммадан ҳам яхши ҳимояланган. Вольдеморт фақат Дамблдордан кўрқилини ўзингиз яхши биласиз.

Дивангард, афтидан эшитганини обдан ўйлаб кўрди шекилли, овоз чиқармай, аллақандай бўшлиққа қараб турди.

- Ҳа, тўғри айтасан, - истар-истамас пўнғиллади у, - Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши Дамблдордан доимо нари қочиб юрган... Яна шуни айтмоқчиман-ки, мен Ўлимдан мириқувчилар сафига қўшилмадим ва шу боис, Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Киши мени ўз дўсти, деб билмаслиги шубҳасиз... Демак, Альбуснинг ёнида бўлиш хавфсизроқ дегин... Қувлик қилмайман, Амелия Боунснинг ўлими чиндан ҳам мени руҳий ларзага келтирди... Вазирликда шунча таниш-билиши бўла туриб ҳам, у...

Хонага қайтиб кирган Дамблдорни кўрган Дивангард, худди у ҳам уйига ташриф буюрганини унутиб қўйгандек, сесканиб кетди.

- Ҳа, келдинг-ми, - деди у, - Нима бало, қорнинг оғриб қолди-ми?

- Магларнинг журналларига маҳлиё бўлиб қолибман, - жавоб қайтарди Дамблдор, - Тўқиш ишларида қўлланиладиган жимжимадор безакларни ниҳоятда ёқтираман. Гарри, Горацийнинг меҳмондўстлигини ҳаддан ортиқ

суиистеъмол қилиб юбордик, шекилли. Кетар вақтимиз бўлди. Гарри армон қилмай, ўрнидан ирғиб турди. Бироқ Дивангард бирмунча маъюсланиб қолди.

- Бир пастда-я?

- Ҳа, вақт бўлди. Хатти-ҳаракатларим зое кетаётганини кўриш қобилиятим яхши ривожланган.

- Зое кетаётганини?

Дивангард ҳаяжонлана бошлади. Дамблдор сафар плашининг тугмаларини қадаётгани, Гарри эса нимчасининг занжирсимон ёпқичини тортаётганига қараб турар экан, йўфон бош бармоқларини тараддуд-ла айлантира бошлади.

- Менинг таклифим сенда қизиқиш уйғотмаганига жуда ачинаман, қадрдоним Гораций, - деди Дамблдор, соғ қўлини узатиб хайрлашар экан,

- Биз сенинг «Хогварц»га қайтганингдан ниҳоятда хурсанд бўлар эдик. Агар меҳмон сифатида ташриф буюрмоқчи бўлсанг, марҳамат. Энг янги муҳофаза чоралари кўрилганидан қатъи назар, муносиб равишда кутиб оламиз.

- Ҳа... нима ҳам дер эдим... жуда яхши, албатта... олдин айтганимдек...

- Ундай бўлса, хайр.

- Хайр, - деди Гарри.

Икковлон эндигина чиқиш эшигига етган эди ҳам-ки, орқадан қичқириқ эшитилди:

- Хўп, яхши, яхши, розиман!

Дамблдор меҳмонхона остонасида ҳансираб турган Дивангард томон ўгирилди.

- Ҳаётининг қолган қисмини тинч ва оз бўлса ҳам, қулай шароитда ўтказиш истагини унутишга розимисан?

- Ҳа, ҳа, - сабрсиз бош ирғиди Дивангард, - Ақлимни еб қўяётган бўлсам ҳам майли, розиман.

- Жуда соз, - яшнаб кетди Дамблдор, - Ундай бўлса, Гораций, биринчи сентябрь куни учрашишга умид қиламан.

- Ҳа, албатта, - пўнғиллади Дивангард.

Боғ йўлакчасида кетаётган Гарри билан Дамблдорнинг қулоғига яна қичқириқ чалинди:

- Иш ҳақим оширилишини талаб қиламан!

Дамблдор қисқа хандон отиб қўйди. Боғ эшикчаси ёпилгач, икковлон қоронғилик ва паға-паға бўлиб буралаётган туман аро тепалиқдан пастга туша бошлашди.

- Баракалла, Гарри, - мақтади Дамблдор.

- Мен ҳеч нима қилганим йўқ-ку, - ҳайрон бўлди Гарри.

- Сен ниҳоятда катта иш қилдинг, Горацийга «Хогварц»га қайтадиган бўлса, қандай наф кўришини исбот қилиб бера олдинг. У ёқди-ми сенга?

- Э-м-м...

Гарри ушбу саволга бир маънода жавоб беришга қийинчилик ҳис этди. Дивангард ўзи ёқимли киши бўлгани билан, ҳаддан ортиқ шуҳратпараст бўлиб кўринди. Аксини ишонтиришга минг уринмасин, маглар оиласида туғилган сеҳргарларга нисбатан ноҳолис муносабатга эгадир. Хайриятки буларнинг барини ифода этишдан Дамблдорнинг ўзи халос этди.

- Гораций хотиржам ҳаёт кечиришни жуда хуш кўради, - сўзлаб беришга киришди у, - Шу жумладан, машҳур, маълум бир соҳада муваффақият қозонган ва ҳокимият абзалини қўлга киритган шахслар билан шахсан таниш бўлишни ҳам. Ўша шахсларга таъсир ўтказа олиши унга ҳузур бахш этади. Тахтга эгалик қилишга ўзи ҳеч қачон интилмаган. Фикрича, тахт орқасида ўтирган маъқул, зеро, ибора ила айтиладиган бўлса, ўша ерда бемалол оёқ узатиб ўтириш мумкин экан. «Хогварц»да у доимо муайян мақсадга интилувчан, ақлли, истеъдодли ёки бирон-бир жиҳати ила мафтун қила биладиган ўқувчиларни ёқтириб, қолганлардан ажратиб олган. Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, келгусида машҳур бўлиб кетадиган ўқувчиларни бехато кўра билиш қобилияти ғайритабиий ривожланган. Гораций ўзига хос фаворитлар клубини яратиб, фойдали танишлар орттириш масаласида, уларга ёрдам берган ва табиийки, бундан ўзи ҳам наф кўрган. Ушбу наф қандай шаклга эга бўлишининг, айтайлик, бепул келадиган бир қути ананас цукат бўлсин ёки Гоблинлар билан алоқа департаментига ўз одамини тавсия этиш имкони бўлсин, аҳамияти йўқ. (Цукат – шакарланган мева ёки мева пўстлоғи)

Шу заҳоти Гаррининг тасавурида индамай тўр тўқиб, каттагина, ширали чивинни ўзига яқинроқ келтириш учун вақти-вақти билан ип тортаётган йирик семиз ўргимчак гавдаланди.

- Мен бу гапларнинг барини сенда Горацийга нисбатан, айтгандай, энди уни профессор Дивангард, деб чақиритиб керак бўлади, қарши кайфият уйғотиш учун айтаётганим йўқ, - давом этди Дамблдор, - Огоҳ бўлишинг учун айтмоқдаман. Ҳеч шубҳа йўқ-ки, у сени энг қимматли шахс сифатида, ўз коллекцияси таркибига киритишга уриниб кўради. Ахир сен Омон қолган ёки нима деб аташади сени ҳозир, Мумтоз боланинг ўзи сан-ку.

Гаррининг эти туман таъсиридан эмас, бир неча ҳафта муқаддам ўзига хос мудҳиш оҳангда эшитилган башорат мазмунидаги сўзларни эслаганидан увушиб кетди.

... улардан бири, иккинчисининг қўлидан ажал топади, иккаласидан фақат бири жангдан омон чиқади...

- Назаримда, етади, - деди Дамблдор черков қаршисида тўхтаб, - Илтимос, қўлимни ушлаб ол.

Бу сафар Гарри ҳавода даф бўлишга руҳан ҳозирланиб олди, бироқ шундай бўлса-да, жараён унга ҳузур бахш этмади. Босим таъсири ўтиб, яна бемалол нафас ола бошлагач, Дамблдор иккаласи қалбини қувонтирадиган иккита жойдан бири Бошпана яқинида пайдо бўлиб

қолганини англаб, ўзини анча енгил ҳис этди. У ерда Рон... миссис Уэсли ва унинг жамики мазали таомлари бор.

- Агар эътироз билдирмасанг, Гарри, - деди Дамблдор, ҳовли эшигидан ўтишар экан, - Хайрлашишимиздан олдин сен билан холи гаплашиб олмоқчи эдим. Эҳтимол бу ёққа кирармиз?

Дамблдор Уэслилар оиласининг путурдан кетган супурги сақлаш саройчаси томон имо қилди. Бироз ҳайрон бўлган Гарри Дамблдорнинг кетидан бориб, ғижирлаб очилган эшик орқали остона ҳатлаб кирди. Саройчанинг ўлчами буфетдан кичикроқ. Дамблдор сеҳрли таёқчасини ёқиб, Гаррига кулиб боқди.

- Мавзунни чўзиб юборганимдан хафа бўлмайсан деган умиддаман-у, вазирликда рўй берган фожиадан сўнг, ўзингни тутта олишингдан мен нафақат мамнунман, балки сен билан фахрланаман ҳам. Ишончим комилки, Сириус ҳам сен билан фахрланган бўлар эди.

Ютиниб қўйган Гарри гапириш қобилиятини йўқотиб қўйгандек бўлди. Вернон амакининг: «Унинг чўқинтирган отаси ўлди-ми?» деб берган саволини эшитиш юрагига оғир ботган эди. Дамблдорнинг Сириусни йўл-йўлакай эсга олгани эса янада кучли оғриқ берди.

- Бир-бирингизни дурустроқ билиб олишга имкон бермаган тақдир сизларни сийламади, - деди Дамблдор мулойим овозда, - Иккалангизнинг муносабатларингиз, ҳеч шубҳа йўқ-ки, узоқ ва яхши давом этган бўлар эди.

Гарри Дамблдорнинг шляпасида ўрмалаб юрган ўргимчакдан кўзини узмай, бош ирғиб қўйди. Унинг ҳозирги ҳолати, ичидан нималар ўтаётганини Дамблдор билиб тургани аён. Ундан хат келгунга қадар Гарри овқатланишдан деярли бош тортиб, узоқ кунлар дераза ортидаги туманга маънисиз қараганча ётгани, қалбида эса дементорларга дуч келганда юз берадиган каби, бутун вужудини музлатиб юборадиган тубсиз бўшлиқ ҳис этганини ҳам фаҳмлаган бўлса, ажаб эмас.

- У энди менга ҳеч қачон хат йўлламаслигини тасаввур қилиш жуда қийин, - деди ниҳоят Гарри, паст овозда.

Унинг кўзи кутилмаганда ачишиб, киприк қоқди. У ўз иқроридан уялди, бироқ чўқинтирган отаси бўлган қисқа вақт давомида бу ёруғ жаҳонда Гаррини ўз ота-онаси каби қадрли биладиган яна бир киши борлигини билиб яшаш шуурига илиқлик бераётган эди... Энди эса бойқуш почтаси ҳеч қандай қувонч бахш эта олмайди...

- Сириус, сен муқаддам билмаган кўп нарсаларни бера олди, - давом этди Дамблдор, - Бу, ўрни қопланмайдиган йўқотиш, албатта.

- Лекин Дурсллар уйида ўтирар эканман, - гапни бўлди овози сал дадиллашган Гарри, - Ҳаммадан бекиниб олиш... руҳан синиб, таслим бўлиш мумкин эмаслигини англадим. Сириус бундай ҳолатга тушиб қолишимни истамаган бўлар эди, шундай эмасми? Умуман айтганда, умр шу қадар қисқа эканки... Боунс хоним, Эммелина Вансни олайлик...

кейингиси мен бўлишим мумкин-ку. Шундай бўлганда ҳам, - курашга шай оҳангда давом этди у, Дамблдорнинг сеҳрли таёқча шуъласида ярқираётган мовий кўзига тик қараб, - Ўзим билан имкон қадар кўпроқ Ўлимдан мириқувчилар-у, Вольдемортнинг ўзини олиб кетишга уриниб кўраман.

- Ўз ота-онасининг муносиб ўғли ва Сириус чўқинтирган бола лафзидан чиққан сўзлар! - деди Дамблдор, Гаррининг елкасига маъқуллаганча уриб қўйиб, - Агар устингга ўргимчаклар тўкилиб кетмаганида, қаршингда шляпамни ечган бўлар эдим. Энди Гарри, бугунги куннинг энг мавзусига ўтамиз. Тўғри тушунган бўлсам, сўнги икки ҳафта давомида сен «Башорат-у, каромат газетаси»да чоп этилган мақолаларни диққат билан кузатиб боргансан, шундайми?

- Ҳа, шундай, - деди юрак уриши тезлашган Гарри.

- Ундай бўлса, айрим маълумотлар ошкор бўлгани, аниқроқ айтиладиган бўлса, Башоратлар залида бўлиб ўтган ҳодисалар кенг омма эътиборига ҳавола этилгани ҳам, назарингдан четда қолмаган, албатта.

- Ҳа, - деди Гарри, - Энди ҳамма билади, мен...

- Йўқ, билмайди, - эътироз билдирди Дамблдор, - Бу ёруғ оламда ўша башоратда нима дейилганидан воқиф бўлган фақат икки киши яшайди холос. Ўша иккала киши ҳозир мана бу сассиқ, ўргамчиклар ўзига макон қилиб олган саройчада турибди. Бироқ кўпчилик чиндан ҳам, Ўлимдан мириқувчилар Лорд Вольдемортнинг амрига биноан башорат шарини ўғирлаб чиқишмоқчи бўлгани ва ўша башорат айнан сенга тааллуқли эканлигини фаҳмлаган. Қани энди менга айт-чи, башорат мазмунини билишингни ҳеч кимга айтганинг йўқми?

- Йўқ, айтганим йўқ, - жавоб берди Гарри.

- Фавқулодда тўғри қарор қабул қилибсан, - мақтади Дамблдор, - Бироқ ўз дўстларинг мистер Рон Уэсли ва мисс Гермiona Грэнжерга истисно тариқасида маълум қилишинг мумкин. Ҳа, ҳа, - бош ирғиди у, Гаррининг ҳайрон бўлганини кўриб, - Ўйлашимча, улар бохабар бўлишлари керак. Бундай муҳим маълумотни улардан сир тутиш адолатдан эмас.

- Мен истамаган бўлар эдим, уларни...

- Ташвишга қўйиб, чўчитиб юборишни-ми? - сўради Дамблдор, ғайриоддий кўзойнаги узра Гаррига синчковлик билан қараб, - Ёки ўзинг ҳам ташвишга тушиб, чўчиб кетганингга иқрор бўлишданми? Дўстларинг сенга керак, Гарри. Тўғри айтдинг, Сириус тарки дунё кайфиятида юришингни истамаган бўлар эди.

Гарри индамади. Дамблдор жавоб кутмаган шекилли, давом этди:

- Умуман айтганда, биринчи масала билан боғлиқ иккинчи масала ҳам бор. Фикримча, бу йил мен шахсан ўзим сен билан якка тартибда машғулотлар ўтишим керак.

- Мен билан? Якка тартибда?

- Ҳа. Сенинг таълим олишингда фаол иштирок этишим лозим бўлган вақт

етган кўринади.

- Нималарни ўргатмоқчисиз менга?

- Шунчаки, у бу нарсаларни, - беғам оҳангда жавоб қайтарди Дамблдор. Гарри бирон-бир тушунтириш эшитишга умид қилди-ю, Дамблдордан бу масалада садо чиқмади. Шунда Гарри ташвишга солаётган бошқа саволни берди:

- Модомики, сизнинг дарсларингизга қатнар эканман, демак Снегнинг окклуменция борасидаги машғулотларига қатнамайман, шундайми?

- Профессор Снегнинг, Гарри... йўқ, қатнамайсан.

- Жуда соз, - енгил тортиб, нафас чиқарди Гарри, - Чунки бу...

- Муваффақиятсизлик бўлди, десанг, тўғри бўлади, - бош ирғиди Дамблдор.

Гарри кулиб юборди.

- Бундан чиқди, энди профессор Снег билан камдан-кам юз кўришамиз! Чунки, агар мен МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш учун «Олий» баҳо олмаган бўлсам, олмаганлигимни эса биламан, сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани машғулотларига қатнаш менга таҳдид солмайди.

- Бойқушларни хат етказганларидан кейин санашади, - деди Дамблдор, қатъий оҳангда, - Хатлар эса таъкидлаб ўтмоқ жоизки, айнан бугун етказилади. Фақат сал кечроқ. Энди Гарри, хайрлашишдан олдин яна иккита муҳим масалани муҳокама қилиб олишимиз керак. Биринчидан, сендан илтимос, айти шу дамдан эътиборан кўринмас плашинг ҳатто «Хогварц»да бўлганинда ҳам, доимо ёнингда бўлсин. Ҳар эҳтимолга қарши, тушуняпсан-ми?

Гарри бош ирғиб қўйди.

- Иккинчидан, Бошпанада бўладиган вақтинг давомида бу жой сеҳргарлик вазирлиги тақдим эта биладиган жамики эҳтиёт чоралари ила муҳофаза қилинган. Бу Молли ва Артур учун бироз ноқулай кечади, албатта. Мисол учун, уларнинг жамики почта жўнатмалари текширувдан ўтказилади. Бироқ улар ушбу масалада эътироз билдиришгани йўқ. Негаки, биринчи навбатда сенинг хавфсизлигинг масаласида жон куйдиришмоқда. Шундай экан, Гарри, ушбу оиланинг парваришида бўла туриб, ҳаётингни хавф остига қўядиган хатти-ҳаракат бажарадиган бўлсанг, нонкўрлик қилган бўласан.

- Тушундим, - тез жавоб берди Гарри.

- Жуда соз, - деди Дамблдор, саройча эшигини туртганча, ҳовлига чиқиб,

- Ошхонада чироқ ёниқ. Озиб кетганинг борасида Моллига ваҳима кўтариш имконини берайлик.

V БОБ. КЕРАГИДАН ОРТИҚ ХЛОРКА

Гарри билан Дамблдор Бошпананинг орқа эшигига яқин боришди.

Атрофда, одатдагидай, резина этиклар-у, занг босган қозонлар сочилиб ётибди. Яқин ўртадаги товукхонадан уйқусираган товукларнинг аҳён-аҳён қақалаб қўйиши қулоққа чалинмоқда. Дамблдор уч маротаба эшик тақиллатган эди ҳам-ки, ошхона деразасида кимнингдир шарпаси кўринди.

- Ким у? - эшитилди миссис Уэслининг асабий овози, - Жавоб беринг!

- Бу мен, Дамблдор. Гарри иккаламиз келдик.

Эшик ланг очилиб, остонада Роннинг эгнига эски яшил халат кийган, паст бўйли гирдиғумгина онаси кўринди.

- Гарри, ёқимтойгинам! Альбус, ўларча чўчитиб юбордингиз, тонг маҳалдан эрта келмаймиз, деган эдингиз-ку!

- Омадимиз чопди, - деди Дамблдор, Гаррини ичкарига киргизиб, - Дивангард мен ўйлагандан ҳам кўра гапга тез кўнувчан бўлиб чиқди. Гаррининг шарофати билан, албатта. А, Нимфадора! Салом.

Гарри атрофга аланглади. Чиндан ҳам, вақт алламаҳал бўлганига қарамай, миссис Уэсли ошхонада ёлғиз эмас экан. Стол ортида катта кружкани иккала кафти билан қучиб олган, рангпар юзи юракча шаклидаги, сочи кул ранг қўнғир тусли ёш афсунгар аёл ўтирибди.

- Хайрли оқшом, профессор, - кўришди у, - Салом, Гарри.

- Салом, Бомс.

Бомс толиққан, тоби йўқ бўлиб, табассуми ясама чиқди. Сочига одатий пушти тус бермагани боис, қандайдир ўнгиган кўринди.

- Мен борай Молли, - шоша-пиша ўрнидан турди у, елкасига плаш ташлаб, - Чой учун ҳам, ҳамдардлик учун ҳам, раҳмат.

- Агар мен туфайли кетаётган бўлсанг, ташвиш тортма, - деди Дамблдор ўзининг мулойим оҳангида, - Мен узоқ қола олмайман. Скримж билан муҳокама қилинадиган шошилинич ишим бор.

- Йўқ-йўқ, мен чиндан ҳам кетишим керак, - жавоб қайтарди Бомс, кўзини Дамблдордан олиб қочиб, - Яхши қолинглар...

- Қадрдоним, эҳтимол дам олиш кунлари кечки овқатга келарсан? Рем билан Ўйноққўз ҳам келишади.

- Йўқ, Молли, ростдан ҳам кела олмайман... раҳмат... ҳаммага хайрли тун.

Бомс Гарри билан Дамблдорнинг ёнидан лип этиб ўтди-да, ҳовлига чиқиб, остонадан бир неча қадам нари узоқлашгач, жойида бир айланганча, кўздан ғойиб бўлди. Миссис Уэслининг ташвишли қиёфаси Гаррининг назаридан четда қолмади.

- Хўш, Гарри, демак, «Хогварц»да учрашгунча, - деди Дамблдор, - Омон бўл. Яхши қол, Молли.

Миссис Уэслига таъзим қилиб, ҳовлига чиққан Дамблдор ҳам Бомс ғойиб бўлган жойда ғойиб бўлди. Миссис Уэсли чиқиш эшигини ёпиб, Гаррини елкасидан қучиб олганча, чироқ остидаги ёруғ тўгарак томон етаклади.

- Рондан фарқ қилмайсан-а, - хўрсинди миссис Уэсли, Гаррига бошдан оёқ разм солиб, - Иккалангизга худди биров чўзиш тилсимини қўллаганга

ўхшайди. Ўртоғингнинг бўйи ҳам, унга сўнги бор кийим олганимизга нисбатан тўрт дюймча ўсиб кетди. Овқатланасанми, Гарри?

- Ҳа, - деди қорни оч Гарри.

- Ўтир, ёқимтойгинам, ҳозир бирон-бир егулик тайёрлаб бераман. Гарри ўтириши билан, тиззасига тўқ сариқ мўйнаси пахмоқ, юзи ясси мушук сакраб чиқди-да, хириллаганча, катта ёстиққа ўхшаб ётиб олди.

- Гермiona шу ердами? - қувонч-ла сўради Гарри, Маймоқоёқнинг қулоғини қашлаб.

- Ўтган куни келди, - жавоб берди, сеҳрли таёқчасини катта темир кастрюлга теккизган миссис Уэсли, - Ҳозир, турган гапки, ҳаммаси еттинчи тушини кўриб ётибди. Эрталаб келсанг керак, деб ўйлаган эдик. Кастрюль плита устига тарақлаб тушиши ҳамоно, қайноқ сувга тўлди.

- Хўш, мана тайёр...

Миссис Уэсли таёқчасини яна бир бор теккизган кастрюль ҳавога кўтарилиб, Гарри томон учди-да, оға бошлади. Миссис Уэсли эса абжирлик билан чуқур ликоплардан бирини етказиб, қайноққина қуюқ пиёз шўрвага тўлдирди.

- Нон кетадими, ёқимтойгинам?

- Раҳмат, миссис Уэсли, бир бўлак берсангиз бўлади.

Миссис Уэсли сеҳрли таёқчасини елка узра ортга ўқтади. Каттагина нон бўлаги билан пичоқ стол устига учиб келди. Пичоқ нонни чиройли бўлакчаларга кесиб, кастрюль ўз жойига қайтгач, миссис Уэсли Гаррининг рўпарасига ўтирди.

- Гораций Дивангардни «Хогварц»га қайтишга кўндира олибсан-да, а? Оғзига иссиқ шўрва олган Гарри гапира олмай, бош ирғиб қўйди.

- У бир вақтлар Артур иккаламининг ўқитган, - деди миссис Уэсли, - «Хогварц»да узоқ йиллар ўқитувчилик қилган. Адашмасам, ишни Дамблдор билан бир вақтда бошлаган. У сенга ёқди-ми?

Нон кавшаётган Гарри елка қисиб, бошини мубҳам силтаб қўйди.

- Нима демоқчи эканлигининг тушуниб турибман, - деди миссис Уэсли, доно қиёфа ясаганча, бош ирғиб, - Дивангард, агар истаса жозибатор бўла олади, бироқ Артур уни ҳеч қачон хуш кўрмаган. Вазирликка тош отсанг, Дивангард ёқтирган битирувчилардан бирининг бошига тушади. Доимо уларга ортиқча эрк бериб, раъйига қараб иш тутган. Артурни эса назарига илмаган. Узоққа бора олмайди, деб ўйлаган бўлса керак-да. Дивангард ҳам янглишиши мумкинлигига бир исбот холос бу. Рон сенга ёзиб юборган-юбормаганини билмадим-у, Артур яқинда юқори поғонага мансуб лавозимга тайинланди!

Аёл бу билан анчадан буён мақтанмоқчи эканлиги яққол сезилиб турибди. Гарри оғзидаги шўрвани шоша-пиша ютиб юбориб, томоғини куйдириб олди.

- Зўр-ку!

- Қадрдоним, - ийиб кетди миссис Уэсли, Гаррининг кўзидан чиқиб кетган

ёшни нотўғри англаб, - Руфус Скримж бугунги кунда қарор топган вазиятга қарши кураш учун бир нечта янги департаментлар яратди. Артур Сохта туморларни фош этиб, мусодара қилиш бўлими бошлиғи этиб тайинланди. Бу етарлича катта лавозим. Энди унинг бўйсунувида ўн киши ишлайди!

- Нима билан шуғул...?

- Ўзинг-Биласан-Кимнинг дастидан шунақанги ваҳима кўтарилди-ки, қўяверасан. Қисқаси, ҳамма жойда гўё ундан ва Ўлимдан мириқувчилардан сақлайдиган ҳар хил бемаъни нарсалар сотила бошланди. Нима ҳақида гапирётганимни тушунаётган бўлсанг керак: аслида буботубер фасодидан тайёрланган, турли сақлаш дамламалари ёки қўлланилганидан сўнг, киши қулоғи шалпайганча осилиб қоладиган ҳимоя тилсимларидан фойдаланишга оид йўриқномалар... Асосан бундай корчалонлик билан Мундугнус Флетчерга ўхшаган қаллоб, умрида бирор маротаба бўлсин, ҳалол меҳнат қилмаган, одамларнинг бошига ташвиш тушган фурсатдан фойдаланиб, мол-дунё орттиришга интиладиган каслар шуғулланади. Бироқ баъзан сохта нарсалар орасида жуда хавфли буюмлар ҳам дуч келмоқда. Куни кеча Артур бир яшик офатскоп мусодара қилди. Уларга қарғиш қўлланилган бўлиб, Ўлимдан мириқувчилар томонидан тайёрланганига ҳеч қандай шубҳа қилмаса ҳам бўлаверади. Шундай экан, бу иш ниҳоятда жиддий аҳамиятга эга. Артурга доимо таъкидлаб келаман: ўт олдириш свечалари, тостерлар ва шу каби, маглар буюмини қўмсаш ғирт аҳмоқликдан бошқа нарса эмас. Миссис Уэсли ўз нутқини, худди Гарри ўт олдириш свечаларини қўмсаб яшаш доно ишдир, деб туриб олгандай, етарлича жиддий қиёфа ила якунлади.

- Мистер Уэсли ҳали ҳам ишдами? - сўради Гарри.

- Ишда. Умуман айтганда, тун ярмида қайтишни ваъда қилган... аллақачон қайтиши керак эди.

Миссис Уэсли ўгирилиб, кийим саватидаги бир уюм чойшаб устида қийшиқ турган соатга қараб қўйди. Ушбу соат оила аъзоларининг сонига мос равишда тўққизта тилла милга эга бўлиб, одатда, меҳмонхонада осифлиқ туради. Бироқ афтидан, миссис Уэсли уни ўзи билан олиб юрадиган одат чиқарган кўринади. Ҳозир милларнинг бари «12» рақами ўрнидаги «Ҳалокат ёқасида» ёзуви битилган жойга тўпланган.

- Кўпдан буён шу аҳвол, - сохта бепарволик-ла тушунтириш берди миссис Уэсли, - Ўзинг-Биласан-Ким ҳаётга қайтган кундан. Энди нафақат оиламиз, ҳамма ҳалокат ёқасида бўлса керак... бироқ бундай соатга эга яна бирор кишини билмайман-ки, текшириб кўрсам... О! - кутилмаганда хитоб қилиб юборди у, соатга имо қилиб.

Мистер Уэслига тааллуқли мил «Йўлга чиқди» ёзувига сакраб ўтди.

- Ҳозир етиб келади.

Чиндан ҳам, бир сония ўтгач, эшик тақиллади. Миссис Уэсли ўрнидан

ирғиб туриб, эшик томон ошиқди. Дастанни ушлар экан, лунжини эшикка босиб, аста сўради:

- Артур, сен-ми?

- Ҳа, мен, - эшитилди мистер Уэслининг ҳорғин овози, - Аммо, азизам Молли, Ўлимдан мириқувчи бўлган тақдиримда ҳам, шундай деб жавоб берган бўлар эдим. Савол бер!

- Қўйсанг-чи...

- Молли!

- Яхши, яхши... кўнгилдаги орзуинг?

- Қандай қилиб самолёт осмонда, ерга қулаб тушмай, парвоз қила олишини билиш.

Миссис Уэсли бош ирғиб, эшик дастасини буради, аммо уни мистер Уэсли нариги томондан маҳкам ушлаб олган шекилли, эшик очилмади.

- Молли! Энди мен савол беришим керак!

- Бас қилсанг-чи, Артур. Буларнинг бари ғирт аҳмоқликдан бошқа нарса эмас.

- Ёлғиз қолганимизда сени нима деб чақиришимни ёқтирасан?

Фонус хира ёритаётганига қарамай, миссис Уэсли қанчалик кучли қизариб кетгани кўриниб турибди. Гаррининг ўзи ҳам бўйин соҳасидан қулоғигача қизиб кетганини ҳис этиб, қошиқни ликопга қаттиқ урганча, шоша-пиша шўрва ютишга киришиб кетди.

- Молли бўғирсоқ, - пичирлади тамом бўлган миссис Уэсли эшик тирқишига.

- Тўғри, - деди мистер Уэсли, - Ана энди очишинг мумкин.

Миссис Уэсли уйга озғин, малла сочи сийрак, мугуз кўзойнак таққан, эгнидаги сафар плашини чанг қоплаган эрини киритди.

- Ҳеч тушунмайман, нимага керак мана шу майнабозчилик! - хитоб қилди ранги ҳалигача қип-қизил миссис Уэсли плаш ечаётган эрига ёрдам берар экан, - Ахир Ўлимдан мириқувчилар қиёфангга кириб олишдан олдин сени қийнаб, ўсмоқчилаб билиб олишади-ку.

- Биламан, азизам, лекин вазирлик томонидан шундай тартиб жорий этилган. Мен эса ижрочилик бобида ҳаммага ибрат бўлишим керак.

Қанақанги мазали ҳид келяпти? Пиёзли шўрвами?

Мистер Уэсли умид-ла, стол томон ўгирилди.

- Гарри! Биз сени эрталаб келасан, деб ўйлаган эдик!

Иккаласи қўл сиқишиб кўришишгач, мистер Уэсли ўзини Гаррининг ёнидаги бўш курсига ташлади.

- Раҳмат, Молли, - деди у, миссис Уэсли узатган шўрвани олар экан, - Тун қийин бошланди. Тасаввур қиялсан-ми, аллақандай аҳмоқнинг миясига метаморф-медаль сотиш фикри келиб қолибди. Бўйнингга осиб олсанг бас, кимнинг қиёфасига киришни истасанг, кираверасан. Юз минг қиёфа, атиги ўн галлеон учун.

- Аслида-чи, нима экан у?

- Одамлар аксарият ҳолларда аллақандай жирканч малла тусга кириб қолишмоқда. Бир жуфт бадбахтнинг эса бутун танасини пайпаслагичга ўхшаб кетадиган узун-узун сўгал қоплабди. Худди Муқаддас Резги касалхонаси ходимлари бекор ўтиргандай!

- Эгизакларимизнинг қилиғига ўхшаб кетар экан, - фикр билдирди миссис Уэсли иккиланиб, - Ишончинг комилми?...

- Комил, албатта! - хитоб қилди мистер Уэсли, - Болалар бундай оғир дамларда, яъни одамлар умидсизликка юз тутиб, нима билан ҳимояланишни билмай қолган кунларда ўхшаш ишлар билан шуғулланмайди!

- Демак, ўша метаморф-медаллар туфайли кечикибсан-да, а?

- Йўқ. «Фил ва қаср»да ниҳоятда нохуш сапчима қарғиш қўлланилибди, деган миш-миш етиб келди бизга. Хайриятки, етиб боргунимизга қадар сеҳр-жодуга барҳам бериш отряди ишни ҳал қилиб бўлибди... Гарри оғзини кафти ила ёпганча, аста эснаб қўйди.

- Энди кириб ёт, - деди зийрак миссис Уэсли, - Мен Фред билан Жоржнинг хонасини тайёрлаб қўйганман, у тўла-тўқис сенинг ихтиёрингда.

- Улар-чи? Қаерда улар?

- Диагон хиёбонида. Иккаласи шу қадар бандки, дўкон устидаги хонадонда тунашади, - тушунтириш берди миссис Уэсли, - Таъкидлаб ўтиш жоизки, дастлаб мен бунга қарши чиқдим. Бироқ афтидан иккаласи жуда ишбилармон чиқиб қолишган кўринади! Юр, ёқимтойгинам. Сандиғинг юқорида.

- Хайрли тун, мистер Уэсли, - тилак билдирди Гарри, ўрнидан турар экан.

Унинг тиззасида ётган Маймоқоёқ полга енгил сакраб тушди-да, хонадан чиқиб кетди.

- Хайрли тун, Гарри, - жавоб қайтарди мистер Уэсли.

Ошхонани тарк этар экан, Гарри мистер Уэслининг кийим саватидаги соатга қараб қўйганини пайқайди. Соат миллари боз «Ҳалокат ёқасида» ёзуви битилган жойга тўпланган.

Эгизакларнинг хонаси иккинчи қаватда. Миссис Уэсли сеҳрли таёқчасини каравот ёнидаги фонусга ўқтаган эди ҳам-ки, хона кишига хуш келадиган тилла тусда ёришди. Дераза яқинидаги ёзув столи устига гул солинган каттагина ваза қўйилган-у, ҳиди хонага уриб кетган порох ҳидини боса олмабди. Полнинг аксарият қисмини муҳрланган қутилар эгаллаган. Улар орасида Гаррининг сандиғи ҳам бор. Қисқаси, хона муваққат омборни эслатмоқда.

Соҳибини кўриб, қувониб кетган Хедвиг гурсиллаб қўйди-да, деразадан ташқарига учиб чиқди. Бойқуши овга чиқиб кетишдан олдин ўз соҳибини кутиб ўтирганини Гарри дарҳол фаҳмлади. У миссис Уэслига хайрли тун тилаб, пижамасини кийиб олгач, каравотлардан бирига жойлашди-да,

қўли билан пайпаслаб кўрпа орасидан сариқ тусли ёпишқоқ ширинлик – қайт қилдириш чаноғини топиб олди. Ҳиринглаб қўйган Гарри ёнбошлаб, шу заҳоти уйкуга кетди.

Бир неча сония ўтар-ўтмас, ҳар қалай Гаррига шундай туйилди, эшикнинг тўп товушидай баланд гумбурлаб очилганидан уйғониб кетди. Гарри тез ирғиб, ётган ўрнига ўтириб олди. Пардалар кескин очилиб, кўзни қамаштирадиган қуёш нури кўзини оғритиб юборди. Бир кафти билан кўзини тўсар экан, иккинчи қўли билан кўзойнагини қидира кетди.

- Нима бўлди?...

- Етиб келганингдан хабаримиз ҳам йўқ экан! - қувонч-ла қичқирди кимдир, Гаррининг бошига бир тушириб.

- Нима қияпсан, Рон, урма уни! - койиб берди қиз овози.

Гарри ниҳоят кўзойнагини пайпаслаб топиб, тақиб олди. Бироқ ёруғ тусда кўзойнак ҳам кор бермади. Кўзини пирпиратаётган Гаррининг устида узун кўланка тебранмоқда ва кўп ўтмай, Рон Уэслининг қиёфаси ўз шаклига эга бўлди.

- Ишлар қалай? - сўради Рон, қувонч-ла иржайиб.

- Ҳозиргидан яхши бўлмайди, - деди Гарри, бошини ишқалаб қўйганча, ўзини боз ёстиққа ташлаб, - Ўзингнинг ишларинг-чи?

- Ёмон эмас, - жавоб берди, қутилардан бирини яқинроқ тортиб, устига ўтириб олган Рон, - Қачон пайдо бўлдинг? Ойим ҳозиргина айтди, сен ҳам уйимизда эканлигингни.

- Тунги соат бирда.

- Хўш, анави маглар қалай, кўп қийнашмади-ми, сени?

Гермиона каравотнинг бир четига жойлашиб олди.

- Одатдагидан кўп эмас, - деди Гарри, - Улар мен билан деярли мулоқот қилишмади. Шуниси ҳам маъқул. Сен-чи, Гермиона, қалайсан?

- Мен? Яхши, - деди Гермиона, худди касаллик аломатини қидираётган каби, Гаррига синчковлик ила назар солиб.

Гап нимада эканлигини Гарри дарҳол фаҳмлади ва Сириуснинг ўлими ва бошқа бахтсизликларни муҳокама қилишга зиғирдай бўлсин истаги бўлмагани боис, мавзу очилишининг олдини олди.

- Соат неча бўлди? Нонуштани ўтказиб юбормадим-ми, ишқилиб?

- Хавотир олма, ҳозир ойим патнис кўтариб келади. Унинг назарида сен очарчилик ҳукм сураётган юртдан келган кўринадан, - деди Рон, кўзини юқорига кўтариб, - Гапир, нималар бўлди?

- Айтарли ҳеч нима бўлгани йўқ. Қариндошларимнинг уйдан чиқмай ўтирдим.

- Қўйсанг-чи! - қичқирди Рон, - Дамблдор билан қаергадир борибсан-ку!

- Бунинг ҳеч қандай қизиқ жойи йўқ. У мендан Гораций Дивангард исмли аллақандай кекса ўқитувчини мактабга қайтишга кўндириш масаласида ёрдамлашиб юборишни сўради.

- Шу холос-ми, - деди ҳафсаласи пир бўлган Рон, - Биз эса...

Гермиона Ронга еб қўйгудек қараб қўйди.

- ... ҳа, шунга ўхшаш бирон-бир иш қилган бўлсанг керак, деган хаёлга борган эдик.

- Ростданми? - истехзоли кулиб қўйди Гарри.

- Ҳа-да... модомики, Амбриж бўлмас экан, бизга ёвузлик кучидан ҳимоя фанининг янги ўқитувчиси керак бўлади. А... э-м-м... турқи қанақа экан, унинг?

- Моржга ўхшаб кетади. Илгари «Слизерин»нинг мудури бўлган экан, - маълум қилди Гарри, - Гермиона, нима гап? (Морж (лот. *Odobenus rosmarus*) куракоёқлилар (лот. *Pinnipedia*) гуруҳига мансуб моржлар оиласининг (*Odobenidae*) бугунги кундаги ягона тури саналадиган сутэмизувчи денгиз ҳайвони. Етилган морж ўзининг яққол кўринадиган қозиқ тишлари ила фарқ қилиб туради. Тинч океанда яшайдиган етилган эркагининг вазни 1700 килограммга етиши мумкин.)

Қиз Гаррига худди ҳар қандай фурсатда аллақандай даҳшатли касаллик аломати пайдо бўлишини кутаётган каби қараб, аранг кулмоқда.

- Ҳеч нима! Демак... э-м-м... Дивангард, яхши ўқитувчи, шундайми?

- Тасаввур ҳам қила олмайман, - елка қисди Гарри, - Лекин Амбриждан баттар бўлиши мумкин эмас, тўғрими?

- Мен эса Амбриждан баттар одамни танийман, - эшитилди остона томондан овоз.

Хонага Роннинг юзи шишган синглиси кириб келди.

- Салом, Гарри.

- Сенга нима қилди? - сўради Рон.

- У мени адойи-тамом қилди, - деди, ўзини Гаррининг каравотига ташлаган Жинна маъноли оҳангда.

- Яна нима ҳунар кўрсатди у? - қизиқди Гермиона, ҳамдардлик оҳангида.

- Мен билан худди уч ёшли бола билан гаплашгандай муомала қилади!

- Тушунарли, - овозини пасайтирди Гермиона, - Бирам ўзига бино қўйган-ки.

Миссис Уэсли ҳақида бундай оҳангда гапиришаётганидан Гарри ларзага келди.

- Ҳой, хонимлар, беш сония бўлса ҳам, у ҳақда гаплашмай тура оласизми? - жаҳл қилди Рон.

- Ҳа, албатта, ҳимоя қилавер уни, - ўшқирди Жинна, - Уни кўрсанг ҳузур қиласан-ку, сен.

Наҳотки бундай гаплар Роннинг онаси ҳақида бўлса? Гарри ниманидир фаҳхламаётганини ҳис этиб, сўраб билишга аҳд қилди:

- Ким ҳақида гапиряп?...

Саволга жавоб ланг очилган эшикдан кириб келди. Гарри адёлни жағига шу қадар куч билан тортди-ки, каравотида ўтирган Жинна билан Гермиона полга қулаб тушди.

Хона остонасида ҳусни кўзни қамаштирадиган қиз пайдо бўлиб, шу

заҳоти ўлик сукунат қарор топди. Қўлига егуликлар терилган патнис ушлаган қиз новча бўйли, қомати расо бўлиб, узун оқиш сочи кумуш тусда товланмоқда.

- Гағғи! Кўғишмаганимизга ҳам анча бўлди! - деди, Гарри томон югурган соҳибжамол, кўкрак соҳасидан чиққан овози ила.

Унинг ортида домангир қиёфа касб этган миссис Уэсли кўринди.

- Патнисни кўтариб, овора бўлибсан. Ўзим келтирар эдим!

- Овоғаси йўқ, - жавоб берди Флёр Делакёр.

У патнисни Гаррининг тиззасига қўйиб, иккала лунжидан ўпа кетди.

Гаррининг лаб теккан ҳар бир жойи чўғдай қизиб кетди.

- У билан боз кўғишишни жуда оғзу қилган эдим. Гағғи, синглим Габриэль эсингдами? У юрган йўлида Гағғи Поттеғ тўғғисида гапиғади. Сени кўғса, багоят бахтиёғ бўлади.

- А! У ҳам шу ердами? - базўр сўради Гарри.

- Йўқ, йўқ, - деди Флёр, кўнғироқдай жарангдор овозда кулиб, - Мен янаги ёз фаслини назағда тутиб гапиғмоқдаман, биз... ие, афтидан, сен ҳали беҳабағ кўғинасан.

У йирик мовий кўзини кенг очиб, ўпка-гина ила миссис Уэсли томон қараб қўйди.

- Айтишга улгурганимиз йўқ ҳали, - пўнғиллаб қўйди миссис Уэсли.

Гарри томон юзланаётган Флёрнинг орқага ташланган сочи миссис Уэслининг юзига урилди.

- Билл иккаламиз туғмуш қуғмоқчимиз!

- А-а, - ифодасиз овоз чиқара олди Гарри, кўз қири ила миссис Уэсли, Гермиона ва Жинна бир-бирига қараб қўймасликка уринаётганини кўриб, - Жуда соз. Э-м-м... табриклайман!

Флёр бирдан энгашиб, боз Гаррини ўпиб қўйди.

- Билл ҳозир жуда банд, кўп ишлаяпти. Мен эса Гғинготтсга инглиз тили учунгина ярим ставкага ишга киғдим. Шу боис, у мени бу еғга, оиласи билан яқиндан таништиғиш учун икки-уч кунга олиб келди. Келганиндан жуда хуғсандман. Бу еғда қиладиган иш йўқ, агағ овқат тайёғлаш ва жўжа боқишга ишқивоз бўлмасанг, албатта! Хўп... майли, ёқимли иштаҳа, Гағғи. Флёр хиром айлаб бурилганча, хонани тарк этиб, эшикни аста ёпиб қўйди.

Миссис Уэсли «ҳм»га ўхшаш овоз чиқариб қўйди.

- Ойим уни ўларча ёмон кўради, - аста маълум қилди Жинна.

- Ҳеч ҳам ундай эмас, - кескин пичирлаб, эътироз билдирди миссис Уэсли, - Шунчаки, фикримча, унаштириш масаласида иккаласи салгина шошма-шошарликка йўл қўйишган, шу холос!

- Улар танишишган кундан эътиборан бутун бошли йил ўтди, - деди эс-хушини йўқотган Рон, ёпиқ эшикка қараб.

- Бу жуда қисқа муддат! Тушунаман, албатта, замон беқарор! Ўзингиз-Биласиз-Ким ҳаётга қайтган, ҳар қандай фурсатда ҳалок бўлиш

мумкинлигини одамлар билишади ва шу боис, илгари етти ўлчаб, бир кесилган бўлса, энди шошқалоқлик билан қарор қабул қилишади. Олдинги сафар ҳам шундай бўлган, одамлар кетини ўйламай турмуш қуришган...

- Шу жумладан, дадам иккалангиз ҳам, - қувлик-ла, таъкидлаб қўйди Жинна.

- Хўш, нима қилибди? Даданг иккаламиз бир-биримиз учун яратилганмиз. Шундай экан, нимани кутиб ўтиришимиз керак эди? - жавоб қайтарди миссис Уэсли, - Билл билан Флёр-чи... э-м-м... бир-бирига мос келадими? Аканг оддий ишчи киши, у-чи...

- Қўғирчоқ, - маъқуллаганча бош ирғиди Жинна, - Фақат бизнинг Биллимиз сиз айтганча содда эмас. Ахир у афсун таъсирига барҳам берувчи ходим бўлиб ишлайди, шундайми? Демак, таваккалчилик-у, ялтир-юлтир нарсаларга ишқибоз бўлади... Шу боис ҳам, ўзининг Флёрка-Хлоркасига хуштор бўлиб қолган.

Гарри билан Гермiona хандон отиб юборишди.

- Жинна, бас қил унга бундай ном беришни. Майли, мен борай. Гарри, қуймоқ совиб қолмасидан олдин еб ол.

Миссис Уэсли ташвишли қиёфа ила хонадан чиқиб кетди. Рон ҳалигача бошига урилган киши ҳолатида, худди қулоғига кириб кетган сувни чиқариб юбормоқчи бўлган итдай, бошини силкитиб ўтирибди.

- Ҳалигача унга кўника олмадинг-ми? Уйларида яшаётган бўлса ҳам-а?

- ҳайрон бўлди Гарри.

- Умуман кўникдим-у, бироқ мана бундай, кутилмаган тарзда ташланиб қолганида...

- Шармандалиқдан бошқа нарса эмас! - ғазаб-ла хитоб қилди Гермiona. У Рондан имкон қадар нари чекиниб, қарши томондаги деворга тақалгач, қўлини кўксида қовуштириб, боз Рон томон юзланди.

- Уни бир умр шу уйда яшашини истайсан-ми? - акасига кўзини чақчайтирди Жинна.

Рон елкасини мубҳам қисиб қўйди.

- Марҳамат! - деди Жинна, - Бироқ ойим бари-бир бунга чек қўяди.

- Қандай қилиб? - қизиқди Гарри.

- У доимо кечки овқатга Бомсни чақирмоқда. Мақсад аён – Билл Нимфадорага эътибор қаратсин. Умуман айтганда, мен ўзим ҳам Бомсни афзал кўрган бўлар эдим.

- Ҳозир, югуриб келади-да, эътибор қаратади! - истехзо қилди Рон, - Бирон-бир соғлом ақлга эга йигит ёнида Флёр туриб, Бомсга эътибор қаратмайди. Бомс ҳам ёмон эмас албатта, агар ўз сочи билан бурнини мазах қилишни бас қилса. Аммо...

- Бомс анави Хлоркадан минг чандон ёқимли, - баёнот қилди Жинна.

- Ва минг чандон ақлли, - қўллаб-қувватлади Гермiona, - Ахир у аврор-ку!

- Флёр ҳам аҳмоқ эмас, - деди Гарри, - У Уч сеҳргар беллашувида

иштирок этган.

- Буниси ҳам ўша томон йўл олди! - қўлини умидсиз силтади Гермиона.
- Сени «Гағғи» деб чақиргани ёқса керак-да, а? - чақиб олди Жинна.
- Йўқ, - ўзини оқлай кетди Гарри, гапга аралашганидан пушаймон еб, - Айтмоқчи эдим-ки, Хлорка... яъни Флёр...
- Қисқаси, мен Бомсни афзал кўраман, - гапни бўлди Жинна, - У билан кун қувноқ ўтади, ҳар қалай.
- Сўнгги вақтда у қадар қувноқ эмас, - эътироз билдирди Рон, - Қачон карама... қисқаси Дилгир Миртлдан фарқи қолмаяпти.
- Бу адолатдан эмас, - койиб берди Гермиона, - Бомс ҳали ўзига кела олгани йўқ... ўзинг яхши биласан... у холаваччаси бўлган эди!
- Гаррининг юраги орқага тортиб кетди. Мана, марҳамат, Сириусга ҳам навбат етди. Гарри қўлига санчқини олиб, суҳбатда иштирок этишни рад этганча, оғзига қуймоқ тўлдирди бошлади.
- Бомс билан Сириус бир-бирини дурустроқ танишмас эди ҳам! - қичқирди Рон, - Сириус деярли бир умр Азкабанда ўтирган. Унгача эса оилалар юз кўришмаган...
- Аҳамияти йўқ, - гапни кесди Гермиона, - У Сириуснинг ўлимида ўзини айбдор, деб билмоқда!
- Қаердан олди бундай гапни? - ўзи истамаган ҳолда сўраб юборди Гарри.
- У Беллатрикс Лестранг билан жанг қилаётган эди, эсингдами? Фикрича, агар ўша урғочи илонни ўзи ўлдирди билганида, Сириус ўлмаган бўлар экан.
- Бемаънилиқ, - деди Рон.
- Омон қолган кишиларни доимо айбдорлик ҳисси қийнайди, - ҳикмат қилди Гермиона, - Люпин у билан бу ҳақда гаплашиб кўришга уринганидан хабарим бор, бироқ Бомс ҳалигача эзилиб юрибди. Метаморфизм масаласида ҳам қийинчилик сезмоқда.
- Нима масаласида?
- У энди илгаригидек, ўз қиёфасини ўзгартира олмайди, - тушунтириш берди Гермиона, - Шок туфайли бўлса керак.
- Шунақаси ҳам бўлиши мумкинлигини билмас эканман, - ҳайрон бўлди Гарри.
- Мен ҳам, - бош ирғиди Гермиона, - Лекин афтидан, киши руҳан сиқилган ҳолатда...
- Эшик боз очилиб, миссис Уэслининг боши кўринди.
- Жинна, тезроқ пастга тушиб, тушлик тайёрлашга ёрдамлашиб юбор, - пичирлади у.
- Гаплашиб ўтирибман-ку! - эътироз билдирди Жинна.
- Тез бўл, - овоз кўтарди миссис Уэсли, кўздан ғойиб бўлиб.
- Хлорка билан ёлғиз қолишни истамайди! - вайсади Жинна.
- Қиз узун малла ранг сочини орқага ташлади-да, қўлини балетчасига икки

томон узатиб, Флёрга тақлид қилганча, виқор-ла суза кетди.

- Сиз, барнолар ҳам узоқ қолиб кетманг, - деди у, остонага етиб.

Гарри орага тушган сукунатдан фойдаланиб, нонуштани охирига етказишга аҳд қилди. Картон қутиларга разм солаётган Гермiona Гаррига ўғринча қараб-қараб борди. Рон патнисдаги тостлардан бирини олиб, кавшаганча, ғамгин нигоҳини эшиқдан узмай ўтирди.

- Мана бу нима? - сўради бироздан сўнг Гермiona, қўлига митти телескопга ўхшаш буюмни олиб.

- Билмадим, - елка қисди Рон, - Модомики Фред билан Жорж уни олиб кетишмаган экан, демак охиригача етказилмаган. Шу боис, эҳтиёт бўлган маъқул.

- Ойингнинг айтишича, уларнинг ишлари ёмон эмас экан, - эслади Гарри,

- Иккаласи жуда ишбилармон чиқиб қолишганга ўхшайди, деди.

- Аниқ таъриф бера олмабди. Иккаласи галлеонлар ичида чўмилиб юришибди! Уларнинг дўконини кўрадиган кунни кутиб, кўзларим тўрт бўлди! Биз ҳали Диагон хиёбонига борганимиз йўқ. Ойимнинг фикрича, бизга қўшимча ҳимоячи керак эмиш. Дадам эса жуда банд. Тезроқ кела қолса эди, ўша кун.

- Перси-чи? - қизиқди Гарри, Роннинг учинчи акаси оила аъзолари билан мулоқот қилмаганини эслаб, - Ота-онанг билан ярашиб олдимиз?

- Йўқ, - бош силтади Рон.

- Даданг Вольдеморт масаласида ҳақ бўлиб чиққанини билди-ку...

- Дамблдорнинг таъбирича, одамлар ҳақиқатни эмас хатони осон кечиришар экан, - деди Гермiona, - Бу гапни ойингга айтганини эшитган эдим, Рон.

- Дамблдорга хос бежамдор сўзлар, - фикр билдирди Рон.

- У мен билан якка тартибда машғулот ўтмоқчи, - гап орасида айтиб ўтди Гарри.

Рон текилиб қолди. Гермiona эса оҳ уриб юборди.

- Ва сен камтарона индамай ўтирибсан! - хитоб қилди Рон.

- Мен ҳозиргина эсладим, - рўйирост иқрор бўлди Гарри, - Бунга у, кеча кечаси, сизларнинг супурги сақлаш омборларингда айтди менга.

- Вой-бу!... Дамблдор билан якка тартибдаги машғулотлар! Зўр-ку! - ғудуллади ҳаяжонланиб кетган Рон, - Қизиқ, нега у?...

Роннинг гапи оғзида қолиб, Гермiona иккаласи бир-бирига қараб қўйди. Гарри қўлидаги пичоқ билан санчқини патнисга қўйди. Кўрпада хотиржам ўтирган бўлишига қарамай, юраги қутуриб кетгандай ура бошлади. Дамблдор иккаласига айтиб беришни маслаҳат берган эди... шундай экан, нега ҳозир эмас? Гарри қуёшда ялтираб турган санчқига термилганча, гап бошлади:

- Менга нимани ўргатмоқчи эканлигини аниқ билмайман-у, лекин ўйлашимча...

Дўстлари жим бўлиб қолди. Гаррининг назарида, иккаласи тошдай қотиб

қолган. Шундай бўлса ҳам, Гарри санчқига термилганча, гапини давом этди:

- Вазирликдан ўғирлаб чиқишга уринишган башорат туфайли бўлса керак.

- Ўша башорат нима ҳақида эканлигини ҳеч ким билмайди-ку, - шоша-пиша гап қистирди Гермiona, - Шар синган.

- «Башорат-у, каромат газетаси»да ёзилишича... - фикр билдирмоқчи бўлди Рон, бироқ Гермiona пишиллаб, тек ўтиришни амр қилди.

- «Башорат-у, каромат газетаси»да тўғри ёзилган, - деди Гарри, нигоҳини санчқидан узишга ўзини мажбур қилиб.

Гермiona чўчиб, Рон эса қизиқиб қарашмоқда.

- Синган шиша шар, ўша башоратнинг ягона ёзуви бўлмаган. Мен унинг матнини Дамблдордан тўла-тўқис эшитдим. Башорат унга баён этилган ва у менга айтиб берди. Дамблдорнинг сўзларига қараганда, - чуқур хўрсинди Гарри, - Вольдемортни асфаласофилинга йўллаши керак бўлган одам мен бўламан... Ҳар қалай башоратда, иккаламиздан фақат биримиз омон қолишимиз ҳақида айтилган.

Учовлон муайян вақт бир-бирига термилганча, жим қолди. Сўнг, даҳшатли гумбурлаш янграб, Гермiona тутун орасида кўринмай қолди.

- Гермiona! - баралла қичқириб юборди болалар.

Нонушта келтирилган патнис полга жаранглаб тушди.

Тутун тарқаб, қўлида телескоп ушлаган, кўзининг ости тўқ қизарган Гермiona боз пайдо бўлди.

- Бироз сиқиб юборибман, у эса... зарб берди! - хириллаганча бақирди Гермiona.

Чиндан ҳам, телескоп ичидан учига миттигина мушт маҳкамланган пружина чиқиб турибди.

- Хавотир олма, - деди Рон, хандон отиб юбормаслик учун бор кучини ишга солаётгани кўриниб, - Ойим майда жароҳат тузатиш ишларини эшиб...

- Бўпти, бўпти, ҳозир бунинг аҳамияти йўқ! - бетоқатлик-ла гапни бўлди Гермiona, яна каравотга ўтирар экан, - Гарри, о Худойим, Гарри...

Вазирликда ўтган ҳодисадан сўнг, ўйлабмиз-ки... сенга айтишни истамаган эдик, албатта... Люциус Малфойнинг оғзидан ўша башорат сен ва Вольдеморт ҳақида эканлиги чиқиб кетган эди. Биз ҳам ўхшаш хаёлга борган эдик... Гарри, Гарри...

Қиз Гаррига узоқ термилиб турди.

- Қўрқяпсан-ми? - сўради ниҳоят у.

- Илгаригидай эмас, - жавоб берди Гарри, - Эндигина эшитганимда, ҳа, қаттиқ қўрқиб кетган эдим... ҳозир эса худди мен, охири бориб иккаламиз яккама-якка олишишимиз кераклигини доим билгандай ҳис этипман ўзимни...

- Дамблдор ўзи сенга ҳамроҳ бўлишга отланганида, башорат ҳақида сенга

Ўзи айтиб бермоқчи ёки бирон нимани кўрсатмоқчи, деган хаёлга борган эдик, - завқ-ла, маълум қилди Рон, - Умуман олганда, ҳақ бўлиб чиқибмиз-да, а? Агар кунинг битганига ишончи комил бўлганда, вақтини беҳуда кетказиб, сенга дарс беришга аҳд қилмаган бўлар эди... Демак, унинг назарида, яна омон қолиш учун имконинг бор!

- Тўппа-тўғри, - маъқуллади Гермiona, - Қизиқ, нималарни ўргатмоқчи экан сенга, а? Энг олий ҳимоя сеҳри... қарғишга қарши қудратли қарғишлар... суқига қарши суқилар ижросини ўргатса керак...

Гарри қулоқ ҳам тутгани йўқ. Унинг вужудини аллақандай илиқлик қамраб олди. Йўқ, қуёш нурунинг тафти эмас бу, албатта. Юрагидаги маҳкам боғланиб қолган ғашлик тугуни аста-секин бўшашиб бормоқда. Рон билан Гермiona минг бекитмасин, қаттиқ чўчишганини жуда яхши фаҳмлаб турибди. Бироқ улар мохов ёки ақли ноқисдан нари қочган каби тисарилмай, аксинча, далда беришга уринишмоқда. Бу эса ҳар нарсадан қиммат туради.

- ... энг асосийси чап бериш найранги афсунини пухта ўзлаштириб олгин, - фикрини якунлади Гермiona, - Сен-ку, Рон иккаламиздан фарқли ўлароқ, бу йил нима билан банд бўлишингни биласан. Қизиқ, имтиҳон натижалари қачон келар экан, а?

- Яқин кунларда келиб қолса керак, - бир ой ўтди-ку, - деди Рон.

- Шошманг, - кутилмаганда, мактаб директори билан кеча ўтган суҳбатни кутилмаганда эслади Гарри, - Дамблдор айтгандай бўлган эди, имтиҳон натижалари бугун келишини!

- Бугун? - чийиллаб юборди ўрнидан ирғиб турган Гермiona, - Бугун? Нега сен шунча вақтдан буён... э Худо... айтиш керак эди... Бориб қарайчи, почта келдимикан...

Ўн дақиқа ўтгач, кийиниб олган Гарри қўлида патнис ушлаб пастга тушди. Ошхона столи ортида юзи пандага ўхшаб қолган, ўтирган ўрнида сапчиб-сапчиб қўяётган Гермionани кўрди. Қўлига сеҳрли таёқчасини ушлаб олган Миссис Уэсли эса ушбу ўхшашликка барҳам бериш учун қўлдан келганча уринмоқда.

- Бўлмаепти, - деди ташвишга тушган миссис Уэсли, «Табибга ёрдам», деб номланган маълумотнома мазмунидаги қўлланманинг «Кўкарик, тилиниш ва шилинишлар» бўлимини варақлаб, - Илгари кор қилар эди-ку. Ҳеч нимани тушунмаяпман...

- Кўкариқнинг қайтмаслиги Фред билан Жоржга кулгили туюлса керак-да, - фикр билдирди Жинна.

- Лекин қайтиши шарт! - чириллади Гермiona, - Шу аҳволда қолмайман-ку, ахир!

- Қолмайсан, қизим, ташвиш тортма, - овунтирган бўлди миссис Уэсли, - Чорасини топамиз.

- Биллинг айтишича, Фред билан Жоғж жуда ҳазилкаш йигитлағ экан! - беташвиш кулиб қўйди Флёр.

- Нимасини айтасан, кулавериб ичагинг узилади, - ўшқириб берди Гермиона, ўрнидан туриб, ошхонанинг у бошидан бу бошига юрганча.

- Миссис Уэсли, эрталаб бойқуш келмаганига ишончингиз комилми?

- Ишончим комил, қизгинам. Кўрган бўлар эдим, - вазмин оҳангда жавоб берди миссис Уэсли, - Соат энди тўққиз бўлди, олдинда ҳали вақт кўп.

- Қадимий руналар имтиҳонидан йиқилганимни аниқ биламан, - ўзи билан ўзи гаплаша бошлади Гермиона, - Бир нарсани мутлақо нотўғри таржима қилган эдим. Ёвуз кучлардан ҳимоя фанининг амалий қисми ҳам яхши ўтмаган. Бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фанидан ўтган имтиҳонни яхши топширдим, деган фикрда эдим. Энди бўлса...

- Гермиона, бир пас унингни ўчириб турсанг нима қилади, а? - ириллаб берди Рон, - Бўлса бўлмаса ўн битта «олий» олган...

- Гапирма, гапирма, гапирма! - жазава қилди Гермиона, - Биламан, барча имтиҳонлардан йиқилганимни аниқ биламан!

- Нима бўлади, агар ростдан ҳам йиқилсанг? - сўради Гарри ҳаммадан. Бироқ яна Гермиона жавоб берди:

- Буни ўқув йили охирида профессор Макгонагаллдан сўраб билган эдим. Келгуси ҳаётингни коллеж мудирин билан муҳокама қилишга тўғри келар экан.

Гаррининг қорин соҳаси уюшиб, нонуштага кўп овқат еб юборганига афсус қилди.

- «Бэльстэк»да бундай ишлағ бошқача кечади, - таъкидлаб ўтишни лозим топди Флёр, - Назағимда, сизнинг мактабингиздан кўга яхшироқ. Бизда имтиҳонлағ олти йиллик ўқишдан сўнг қабул қилинади. Бундан ташқари... Унинг сўзларини қўлини ошхона деразаси орқали осмонга узатган Гермионанинг ғайритабиий қичқириви босиб юборди. Фалакда учта нуқта қорайиб кўриниб, ҳар лаҳза ўтган сари йириклашиб бормоқда.

- Бойқушлар, - хириллади Рон, Гермионанинг ёнига сакраб келиб.

- Учта, - аниқлик киритди Гарри, уларга қўшилиб.

- Ҳар биримизга биттадан, - ҳовлиқиб пичирлади Рон билан Гаррининг тирсагидан маҳкам чангаллаб олган Гермиона, - Вой ойижон... вой ойижон... вой ойи...

Малла ранг кўркам бойқушлар Бошпана томон пастлаб, уй томон олиб келадиган йўлак узра парвоз қилишмоқда. Ҳар бирининг тумшугида катта конверт кўринди.

- Вой ойижон, - боз чинқирди Гермиона.

Миссис Уэсли болаларни нари суриб, ошхона деразасининг тавақаларини очиб қўйди. Учта бойқуш ошхонага кетма-кет кириб, бир текис шеренгага саф тортишди-да, ўнг панжаларини баробар кўтариб олишди.

Гарри почта бойқушларига яқин бориб, ўртадаги хат унинг номига келганини англаб, уни қуш панжасидан титраётган қўли билан ечиб бўшатишга киришди. Чап томонида турган Рон ҳам хат еча бошлади. Дағ-дағ қалтираётган Гермиона эса бечора қушнинг ҳам танасини титратиб

юбормоқда.

Ҳамма жим. Ниҳоят Гарри хатни бир амаллаб ечиб олди. Конвертни тез очиб, ичидаги пергаментни чиқарди.

«Хогварц»

Мутлақо оддий сеҳргарлик даражасининг зарурий савиясига эга бўлиш учун топширилган имтиҳон натижалари

Ўтадиган баҳолар:

Олий (О);

Кутилмаган ҳолат (К);

Яхши (Я).

Ўтмайдиган баҳолар:

Ёмон (Ё);

Даҳшат (Д);

Тролль (Т).

ГАРРИ ЖЕЙМС ПОТТЕРГА БЕЛГИЛАНГАН БАҲОЛАР:

Астрономия фанидан – Я;

Сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш фанидан – К;

Афсун ўқиш фанидан – К;

Ёвузлик кучидан ҳимоя фанидан – О;

Башорат фанидан – Ё;

Гербология фанидан – К;

Сеҳргарлик тарихи фанидан – Д;

Сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанидан – К;

Бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фанидан – К.

Гарри хатни бир неча бор такрор ўқиб чиқар экан, нафас олиш жараёни ҳар сафар енгиллашиб бораверди. Ҳаммаси жойида! Башорат ва тарих имтиҳонларидан йиқилишини шундоқ ҳам билар эди. Имтиҳон ўртасида ҳушдан кетиб қолганидан кейин, нима ҳам бўлар эди. Қолганларини эса талаб даражасида топширибди! Гарри бармоғини баҳолар устида юргизди. Бир нарсани бошқа нарсага айлантириш, гербология, сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанларидан «кутилмаган ҳолат» ва энг зўри ёвузлик кучидан ҳимоя фанидан «олий»!

У атрофга қаради. Гермiona орқа ўгириб олганча, бошини ҳам қилиб олган. Рон эша турган жойида яшнамоқда.

- Башорат билан тарихдан йиқилибмиз, аммо кимга ҳам керак ўша фанлар! - бахтиёр овоз-ла маълум қилди у, - Қани, кел-чи,

алмаштирайлик-чи...

Гарри Роннинг баҳоларини кўриб чиқиб, «олий» баҳо топа олмади.

- Ёвузлик кучидан ҳимоя фанидан ўзингни зўр намоён этишингни билар эдим, - Гаррининг елкасига уриб қўйди Рон, - Биз зўр йигитлармиз, а?

- Зўрсиз! - ғурур-ла ўғлининг сочини сийпалаб қўйди миссис Уэсли, - Еттита ўтадиган баҳо. Фред ва Жоржга белгиланган баҳоларнинг умумий йиғиндисидан ҳам юқори!

- Гермиона? - аста чақирди Жинна, Гермионанинг ўгирилиб қарамаётганини кўриб, - Сенда-чи?

- Ёмон эмас... - аста жавоб берди Гермиона.

- Қўйсанг-чи, - деди яқин борган Рон, Гермионанинг қўлидаги пергаментни чангаллаганча тортиб олиб, - Тўппа-тўғри... ўнта «олий» баҳо ва битта, ёвузлик кучидан ҳимоя фанидан «кутилмаган ҳолат». Умид қиламан-ки, кўнглинг ўксигани йўқ.

Гермиона индамай, бошини силтаб қўйди. Буни кўрган Гарри кулиб юборди.

- Бўлди, МОСД дан қутулдик. Олдимизда энди СМЖА! - иржайди Рон, - Ойи, сосискадан қолгани йўқми, мабодо?

Гарри ўз баҳоларини яна бир бор кўриб чиқди. Бундан яхши натижага умид қилмаса ҳам бўлаверар эди-ю, фақат бир нарсага ачинади киши, у ҳам бўлса аврор бўлиш орзуси билан хайрлашишга тўғри келиши. Сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанидан талаб этилган баҳо олишга эриша олмади. Бундай баҳо олишга умид ҳам қилмаган, албатта, бироқ қорайиб турган мана бу кичкинагина «К»га қараб, ичида нимадир узилаётган бўлди.

Қизиқ, яхшигина аврор бўлиб етишиши мумкинлиги ҳақида у илк бор ниқобланган бўлса ҳам, Ўлимдан мириқувчидан эшитган эди. Бироқ ушбу ғоя мияга ўрнашиб қолиб, бошқа вариантлар кўзга кўринмади. Бундан ташқари, бир ой муқаддам башоратни эшитиб, аврорлик касби шунчаки касб эмас қисмати эканлигига тўла-тўқис ишонч ҳосил қилган эди.

... улардан бири, иккинчисининг қўлидан ажал топади, иккаласидан фақат бири жангдан омон чиқади...

Вольдемортни топиб ўлдиришни ягона мақсад, деб билган юқори малакали сеҳргарлар сафида бўлмай туриб, пешонага ёзилган қисматни қандай қилиб муносиб кутиб олиш мумкин ахир?

VI БОБ. ДРАКОНИНГ СИРИ

Кейинги бир неча ҳафтани Гарри Бошпанадан чиқмай ўтказди. Кундуз куни болалар жуфтликларга бўлиниб: Гарри билан Гермиона, одатда, Рон билан Жиннага қарши квидиш ўйнашди. Гермионанинг ҳаракатлари

ниҳоятда дағал, Жиннанинг ўйини эса жуда яхши кечди. Шундай экан, кучлар тенг бўлди. Оқшом маҳали эса Гарри миссис Уэслининг эплаб-сеплаб тайёрлаган овқати билан овора бўлиб, нима-ки узатилса, уч порциядан туширди.

Таътилни яхши ўтяпти деса ҳам бўлар эди, агар «Башорат-у, каромат газетаси»да одамларнинг йўқолиб қолаётгани, сабаби номаълум ҳалокатлар ва одам ўлими билан якун топган турли ҳодисалар ҳақида ҳар куни хабар бериб турилмаганида. Баъзан бундай янгиликларни, ҳали матбуотда эълон қилинмай туриб, Билл билан мистер Уэсли олиб келишади. Гарри ўн олти ёшга тўлган кун ҳам, Рэм Люпин топиб келган шум хабар туфайли расво бўлди.

- Дементорлар томонидан яна бир нечта ҳамла уюштирилибди, - деди озиб-тўзиб кетган, илгаригидан ҳам баттар бадқовоқ, қўнғир сочи сийраклашиб, эгнидаги кийими батамом путур кетган Люпин, қаттиқ домангир бўлган миссис Уэслининг қўлидан Гаррининг туғилган кунига аталиб тайёрланган торт бўлагини олар экан, - Шимолдаги аллақандай фақирона, томи устида Ажал белгиси кўринган уйдан эса Игорь Каркаровнинг мурдаси топилибди... Ростини айтсам, таажжубдаман. Ўлимдан мириқувчилардан юз ўгирганидан кейин бир йил яшашга муваффақ бўлди у. Сириуснинг укаси Регулус эса бундай қилмишидан икки кун ўтар-ўтмас омонатини топширган эди.

- Ҳа, нимасини айтасан, - қовоқ солди миссис Уэсли, - Балки бошқа мавзуга ўтармиз...

- Флоран Фортескью ҳақида эшитдинг-ми, Рем? - сўради Билл, Флёрнинг қўлидан қўярга қўймай узатилаётган винони олиб, - Унинг...

- Диагон хиёбонида музқаймоқхонаси бор, - гапга аралашди нохушликни хис этган Гарри, - У мени бепул меҳмон қилган эди... Нима қилибди унга?

- Дўконининг ҳолатига қараганда, олиб кетишган кўринади.

- Қайси гуноҳи учун? - овоз кўтарди Рон.

Миссис Уэсли Биллга еб қўйгудек ўқрайиб қўйди.

- Ким билади дейсан? Бирор-бир ёмонлик қилгандир-да, уларга. Дилкаш одам эди.

- Ҳа, айтгандай, Диагон хиёбони, - деди мистер Уэсли, - Афтидан, Олливандер ҳам гум бўлган кўринади.

- Сеҳрли таёқчалар устаси-я? - ҳаяжонланиб кетди Жинна.

- Худди ўша. Дўкон бўм-бўш. Жанг аломати йўқ. Ўзи бекиниб олганми ёки ўғирлаб кетишганми, тушуниб бўлмайти.

- Энди қаердан сотиб оламиз... таёқчаларни?

- Бошқа усталар ҳам бор, - жавоб берди Люпин, - Лекин Олливандер энг моҳир уста. Агар қарши томон уни ўз манфаатларига мажбуран ишлатадиган бўлса, аҳволимизга маймунлар йиғлайдиган бўлди.

Бундай нохуш чойхўрлик ўтгач, кундуз куни «Хогварц»дан зарурий дарсликлар рўйхати илова қилинган хатлар, Гаррига эса бундан ташқари,

хушхабар ҳам келди: у квидиш жамоасининг сардори этиб тайинланибди.

- Энди сенга синфбошиларга бериладиган имтиёзлар ҳавола этилади! - қувонч-ла қичқирди Гермiona, - Атайин ажратилган ваннахона ва ҳоказо!

- Қара, Чарлида ҳам шунақаси бўлган, - деди Рон, сардорлик энгбоғини аста силаб, - Ақлдан озиб қолса бўлади, Гарри, энди сен менинг сардоримсан, агар жамоага қайтариб олсанг, албатта, ха-ха-ха...

- Диагон хиёбонига борадиган вақт етди. Ортиқ чўзиб бўлмайди, - оғир хўрсинди миссис Уэсли, - Келингллар, шанба куни бориб келайлик, агар дадангиз ишга бормаса, албатта. Усиз мен бирон қадам босмайман, ўша хиёбонга.

- Ойи, наҳотки сиз Ўзингиз-Биласиз-Кимни «Жимжимадор ва сиёҳ доғи» китоб дўкониди пистирма уюштириб ўтиради, деб ўйласангиз? - ҳиринглади Рон.

- Фортескью билан Олливандер ҳордиқ чиқаргани сиҳатгоҳга кетган, деб ўйлайсан-ми? - шу заҳоти тутқиб кетди миссис Уэсли, - Агар ушбу мавзуда ҳазиллашиш мумкин, деб ҳисобласанг, уйда тек ўтир. Ўзим бориб, керакли нарсаларни олиб қайтаман...

- Ҳеч ҳам-да! Сизлар билан бораман. Фред билан Жоржнинг дўконини ўз кўзим билан кўрмоқчиман!

- Ундай бўлса, йигитча, зудлик билан онг-ла улғайишни тавсия этаман, - дарғазаб ўшқирди миссис Уэсли, барча миллари худди бир-бирига ёпишиб қолгандай, «Ҳалокат ёқасида» кўрсаткичида тўпланган соатини ювилган сочиқлар тахи устига қўяр экан, - Акс ҳолда, бизга ҳамроҳ бўлишга ҳали ёшлик қилар экансиз, деган хаёлга боришим ва бундай аҳдим сизнинг «Хогварц»га қайтишингиз масаласига ҳам дахл қилиб қолиши мумкин.

Кўзи катта очилиб кетган Рон Гаррига бақрайиб қолди. Онаси эса чойшаб тахланган саватни шартта кўтарди-да, устидаги соатни тебратганча, ошхонадан шиддат-ла чиқиб кетди.

- Ана холос... ҳазиллашиб ҳам бўлмайди-я...

Энди Рон Вольдеморт тўғрисидаги ҳар хил бемаъни фикрларини гапирмаслик, миссис Уэсли билан ортиқ айтишмасликка ҳаракат қилиб юрди. Шунга қарамай, шанба куни нонушта вақтида миссис Уэслининг асабийлашаётгани яққол билинди. Жинна билан Гермionани у қадар қувонтирмай, Флёр билан уйда қолган Билл, Гаррига стол узра пул тўла ҳамён узатди.

- Менга-чи? - талаб оҳангида сўради Рон, кўзи қинидан чиқиб кетгудай бўлиб.

- Ўзининг пули бу, тўнка, - жавоб берди Билл, - Гарри ортиқча вақт сарфламаслиги учун сейфидан олиб келдим. Ҳозир киши ўз пулини олиши учун кам деганда беш соат вақт сарфлайди. Гоблинлар хавфсизлик масаласида ҳаддан ортиқ чоралар кўришмоқда. Улар ҳатто... икки кун муқаддам Арк Филпотга рост гапириш индикаторини суқиб

кўришди... қисқаси, ҳозир мана шундай иш тутган маъқул, ишонаверинг.

- Раҳмат, Билл, - деди Гарри, ҳамённи киссасига солиб.

- Биғам меҳғибон-ки, акангиз, - суйкалди хуриллаган Флёр, Биллнинг бурнини силаб қўйиб.

Унинг ортида ўтирган Жинна кўнгли айниб, бўтқа солинган ликопга қайт қилаётган кишининг хатти-ҳаракатларига тақлид қилди. Рон эса бўғзига бодроқ тиқилган Гаррининг елкасига ура кетди.

Ҳаво айниб, осмонни булут қоплагани боис, плаш кийиб олишга тўғри келди. Ҳовлида вазирлик томонидан атайин юборилган машина кутмоқда. Бир вақтлар ҳам, худди шунақа машиналардан бири келган эди. Болалар ортиқча шовқин солмай, Бошпанадан нари кетишди. Билл билан Флёр эса ошхона деразасидан қўл силтаб қолишди.

- Яхши ҳам-ки дадамга машина беришди, - деди Рон, орқа курсида Гарри, Гермiona ва Жинна билан бемалол ўтирганча ясланиб жойлашар экан.

- Бунга кўникишни хаёлингга ҳам келтирма, - елкаси узра огоҳлантирди, вазирлик ҳайдовчининг ёнида, икки ўринли диван ўлчамига қадар чўзилган олд ўриндикда хотини билан ўтирган мистер Уэсли, - Гарри учунгина берилди. У ҳозир ўта махфий объект саналади. «Тешик қозон»да эса бизни қўшимча қўриқлаш хизмати кутмоқда.

Аврорлар батальонининг шахсий таркиби кузатуви остида юришни фараз қилиб кўрган Гаррининг кулгиси келмади. У ўзи билан кўринмас плашини олган. Назарида, шунинг ўзи Дамблдорни қаноатлантлар экан, демак вазирликка ҳам, ушбу чора етарли бўлиши керак эди. Умуман айтганда, эҳтимол улар Гаррининг кўринмас плаши борлигини билишмас ҳам... Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, машина ҳаракат тезлигини пасайтириб, Чарингкросс-роуддаги «Тешик қозон» майхонасининг рўпарасида тўхтади.

- Етиб келдик, - эълон қилди илк бор овоз берган ҳайдовчи, - Менга сизларни кутиб ўтириш буюрилган. Қанча вақтдан кейин қайтишларингни тахминан бўлса ҳам, айта оласизми?

- Чамамда, икки соатдан кейин, - жавоб берди мистер Уэсли, - Ана, қўриқлаш хизмати ҳам шу ерда, ишларимиз соз!

Машина ойнасидан мистер Уэсли қараган томон ўгирилган Гарри севиниб кетди. «Тешик қозон» эшиги ёнида бирон-бир аврор йўқ, лекин ўзининг крот пўстинини қўймаган, «Хогварц»нинг баҳайбат, пахмоқ соқолли қоровули ва хизматкори Рубеус Хагрид турибди.

Ёнидан ҳайрат-ла қараб ўтаётган магларни писанд қилмаётган Хагрид ҳам, Гаррини кўриб суюнди.

- Зўрсан! - баланд овоз чиқарди у, Гаррини қучоқлаганча, умуртқа суюгини синдириб қўйишига сал қолиб, - Отбур... йўқ, Товуққанот... Кўрганинга эди, Гарри, очик ҳавода юрганидан бахтиёрлигини...

- Бахтиёрлигидан мен ҳам хурсандман, - деди Гарри, қовурғасини уқалаб, - «Қўриқлаш хизмати», аслида сен эканингни билмаган эдик!

- Худди шундай, мен. Бир замонлар бўлгани каби. Аслида вазирлик аврорлар бригадасини сафарбар этмоқчи бўлди, лекин Дамблдор қўриқлаш масаласини якка ўзим уддалай олишимни билиб, вазирлик қарорини бекор қилдирди, - маълум қилди гердайган Хагрід, бош бармоқларини пўстинининг ён киссаларига суқиб, - Хўш, жилдик-ми?... Молли, Артур, йўл бошланг...

«Тешик қозон» кимсасиз, ҳувиллаб қолиши мумкинлигини Гарри энди кўрди. Майхонанинг ҳозир-у, нозирларидан бирортаси йўқ. Фақат бир киши, у ҳам бўлса, муассаса соҳиби, юзи ажин босган тишсиз Том бор холос. Қария бошини кўтариб, кириб келганларга умид-ла қаради-ю, оғиз жуфтлашга улгурмай, Хагріднинг рад жавобини эшитди:

- Ўтиргани вақт йўқ, Том. Ўзинг тушунасан, «Хогварц» ишлари.

Том бошини маъюс ирғиб қўйди-да, бокал артишга киришиб кетди. Гарри, Гермiona, Хагрід ва барча Уэслилар бар орқали майхонанинг чиқинди баклари турган торгина, ҳавоси нисбатан совуқ орқа ҳовлисига чиқишди. Хагрід қўлидаги пушти соябони билан тегишли ғиштларни уриб чиққач, деворда тош кўчага олиб чиқадиган арка очилди. Улар аркадан ўтибок, атрофга аланглаганча, тек туриб қолишди.

Диагон хиёбони жуда ўзгариб кетган. Афсунлар ҳақидаги китоблар, сеҳрли дамламаларнинг таркибий қисмлари, турли-туман қозонлар терилган рангли витриналар мудҳиш бинафша рангли катта плакатлар елимланиб тўсилган. Булар асосан ёзда вазирлик томонидан тарқатилган хавфсизлик қоидаларига оид варақаларнинг ҳаддан ортиқ катталаштирилган нусхалари.

Баъзан қочоқ Ўлимдан мириқувчиларнинг оқ-қора фотосуратлари учрамоқда. Дорихонанинг деворида Беллатрикс Лестрангнинг сурати иршайиб турибди. Айрим дўконлар, мисол учун, Флоран Фортескьюнинг музқаймоқхонаси ёпиқ бўлиб, деразаларига тахта қоқилган. Кўчанинг нариги бетида аллақандай фақирона савдо расталари зич ўрнатилган. Биринчиси «Жимжимадор ва сиёҳ доғи» китоб дўкони бўлиб, устидаги кир, йўл-йўл айвонга «Махлуққа айланадиган одамлар, дементорлар ва инфернийлардан асрайдиган қудратли туморлар» ёзув битилган картон қоғоз осиб қўйилган.

- Биттасини қизингизга олиб беринг, мэм, - мурожаат қилди миссис Уэслига аллақандай пакана бўйли, ўтган-кетганларга бир сиқим кумуш тумор силтаётган, ташқи кўринишидан шубҳали шахс, Жиннага бақрайиб, - Бундан чиройли бўйинни асрамасангиз бўлмайти.

- Навбатчиликда бўлганимда борми, - деди мистер Уэсли, сотувчига еб қўйгудек қараб, - Ҳозироқ...

- Тўғри, ҳозир ҳеч кимни ҳибсга олиш керак эмас, шошиб турибмиз, - деди миссис Уэсли, қўлидаги рўйхатга қараб, - Фикримча, ишни Малкин хонимнинг ҳузурига ташриф буюришдан бошлаш керак. Гермionaга янги парад коржома тиктириш керак, Роннинг оёғи ҳам коржомаси остидан

чиқиб қолган... Гаррининг ҳам бўйи чўзилган... Кетдик, тезроқ юринглар...

- Молли, биз нима қиламиз у ерга бориб? Учовлон Хагринг билан борсин. Биз эса «Жимжимадор ва сиёҳ доғи»га кириб, дарсликлар харид қилайлик, - таклиф киритди мистер Уэсли, - Шундай қилсак, ишимиз тезроқ битади.

- Билмадим, билмадим, - ташвишли оҳангда ғудуллади миссис Уэсли, харид ишларини тезроқ тугатиш истаги билан болаларни назорат остидан чиқаришдан ҳадиксираш туйғуси орасида икки бўлиниб кетаётган каби, - Сен нима деб ўйлайсан, Хагринг?...

- Хавотир олма, Молли, - деди Хагринг, катталиги чиқинди ташлаш бакининг қопқоғидай келадиган кафтини беташвиш силтаб, - Уларни жин ҳам урмайди,.

Миссис Уэсли бироз иккиланиб турди-да, охири икки гуруҳга бўлинишга рози бўлиб, эри ва Жинна билан бирга «Жимжимадор ва сиёҳ доғи» томон йўл олди. Гарри, Рон, Гермиона эса Хагрингнинг кетидан Малкин хонимнинг дўкони томон эргашди.

Ўткинчи одамларнинг юзлари худди миссис Уэслининг юзи каби, ташвишли ва аллақандай таъқибли қиёфа касб этган. На таниш-билиши билан бир пас гаплашиш учун тўхтаган одам ва на ёлғиз ўзи сайр қилиб, бир дўконни томоша қилгач, бошқасига кираётган одам кўринади. Кичик гуруҳлар таркибида фақат иш билан юрган одамлар бир-бирига жипс яқинлашиб, Гаррининг ёнидан визиллаб ўтмоқда.

Малкин хонимнинг дўкони ёнида тўхтаган Хагринг, эгилиб, деразадан ичкарига қаради.

- Ҳаммамиз кирадиган бўлсак, сиғмаймиз, - фикр билдирди у, - Мен яхшиси шу ерда қолиб, кўриқчилик қилай. Бўладими?

Гарри, Рон ва Гермиона ичкарига кирди. Дўкон дастлаб кимсасиздек кўринди, лекин орқада қолган эшик ёпилиши ҳамано, кўк ва яшил тангачалар ила ялтираб кўринаётган парад коржомалар осилган илгич ортидан таниш овоз эшитилди.

- ... балки эътибор қаратмай қўйгандирсан, ойи, мен энди ёш бола эмасман, ўзимга керакли нарсани ўзим харид қила оламан.

Кимдир тил тақиллатгани сўнг, таниш аёлнинг овози эшитилди:

- Қўйсанг-чи, ёқимтойгинам, ҳеч ким сени ёш бола дегани йўқ. Ойинг тўғри айтяпти, ҳозир кўчада ёлғиз юрадиган замон эмас...

- Сиз яхшиси, тўғноғичингизни қаёққа ўқтаётганингизга қаранг!

Илгич ортидан чўзинчоқ юзи рангпар, оқ-сарик сочли, эгнига чиройли тўқ яшил коржома кийган, енги-ю, этакларига тўғноғичлар қадалган йигитча чиқиб келди. У кўзгу қаршисига бориб, ўз аксини диққат билан ўргана бошлади ва бир неча сония ўтгачгина, Гарри, Рон ва Гермионанинг кўзгудаги аксига эътибор қаратиб, кўзини қисиб олди.

- Агар сассиқ ҳид сезсанг, ойи, ҳайрон бўлма, дўконга маглвачча кириб

келибди, - вишиллади Драко Малфой.

- Менинг дўконимда бундай сўзларни ишлатмасликни сўрайман! - илгич ортидан ирғиб чиқди Малкин хоним, қўлига чевар метри билан сеҳрли таёқча ушлаб, - Сеҳрли таёқчаларни ҳам чиқармасликни илтимос қиламан! - тез қўшимча қилди у, Гарри билан Роннинг Малфойга таёқча ўқтаганини кўриб.

- Қўйсангиз-чи, нима қияпсиз, бунга арзимаиди у... - пичирлади орқада турган Гермиона.

- Ҳа, албатта, жа қўрқиб кетдим, - тишининг оқини кўрсатди Малфой, - Гўё улар, мактаб ташқарисида сеҳр-жоду қўллашга журъат эта олишади. Айтгандай, Грэнжер, кўзингни ким кўкартирди? Исми-ю, манзилини айтсанг, мен унга бир даста гул йўллаган бўлармидим.

- Қани, бас қилинг-чи! - дарғазаб оҳангда овоз кўтарди Малкин хоним, ортга қараганча, мадад кутиб, - Мэм... ўзингиз айтинг, илтимос...

- Таёқчангизни йиғиштиринг, - амр этди кийимлар ортидан чиқиб келган Нарцисса Малфой, Гарри билан Ронга ўқрайиб, - Агар яна бир бор ўғлимга ёмонлик қиладиган бўлсангиз, ўша амалингиз бу ёруғ дунёда қилган сўнгги ишингиз бўлади, сўзимга ишонаверинг.

- Ростданми? - деди, бир қадам олдинга ташлаган Гарри, аёлнинг кибр-ҳаволи бўлишига қарамай, сингисининг юзига ўхшаб кетаётган силлиқ, рангпар юзидан кўзини узмай, - Бизни даф қилишлари учун Ўлимдан мириқувчи дўстларингизни чақирасизми?

Малкин хоним чийиллаб юборди.

- Илтимос, бир-бирингизга бундай айблов ёғдирманг... охири бахайр бўлмайди... таёқчаларингизни яширинг, илтимос, - ўтинди у, юрагини чангаллаб.

Бироқ Гарри таёқча яширишни хаёлига ҳам келтирмади. Нарцисса Малфой эса жирканч иршайди.

- Ҳа, Гарри Поттер... сен Дамблдорнинг эркатоийсан, албатта, шунинг учун ҳам ўзингни ҳаддан ортиқ катта олиб юрасан. Бекор қиласан. Ёнингда бўлмай қоладиган фурсат келиб қолиши мумкин.

Гарри масхара қилгандай бошини айлантириб, атрофга қараб чиқди.

- Вой, айтгандай, Дамблдор қани? Кўринмайди-ку?! Фурсатдан фойдаланиб уриниб кўрмайсиз-ми? Сўтак эрингизга шерик қилиб, қўшни камера топиб беришар эдими!

Малфой ғазаб-ла Гарри томон ташланди-ю, ҳаддан ортиқ узун этагини босиб олиб, қоқилиб тушганча, Ронни хахолатиб кулдирди.

- Онам билан бундай оҳангда гаплашма, Поттер! - акиллади у, оёққа туришга уриниб.

- Тинчлан, Драко, - тўхтатди Нарцисса, оппоқ ингичка бармоқларини ўғлининг елкасига қўйиб, - Ишончим комилки, Люциус иккаламиз қўшни бўлгунимизга қадар, Поттер Сириуснинг ҳузурига йўл олишга улгуради. Гарри таёқчасини баландроқ кўтарди.

- Ундай қилма! - ўтинди Гермиона, Гаррининг қўлини маҳкам ушлаганча, пастга тортар экан, - Қилаётган ишингни ўзинг ўйлаб кўр... қуруқ маломатларга қолиб кетасан.

Дағ-дағ титраётган Малкин хоним бир пас депсиниб турди-да, охири ўзини худди ҳеч нима рўй бермаётган каби тутиб, афтидан шундай иш тутса, чиндан ҳам ҳеч нима рўй бермаслигига умид қилган шекилли, Гаррига еб қўйгудек ўқрайиб турган Малфойга энгашди.

- Назаримда, ёқимтойгинам, чап енгингни яна бироз қисқартирсак бўлади, қани...

- А-а! - додлаб юборди Малфой, аёлнинг қўлига уриб, - Қаёққа санчяпсиз? Қарамайсиз-ми?! Бўлди, ойи... буни харид қилиш фикридан қайтдим...

У эгнидаги коржомани ечди-да, Малкин хонимнинг оёғи остига улоқтирди.

- Қанақанги ифлослик ҳақида гапирганингни тушундим, Драко. Таъкидлаб ўтишим жоизки, қароринг тўғри, - маъқуллади Нарцисса, Гермионага нафрат-ла қараб, - Юр, яхшиси «Ришелье лаш-лушлари»га борамиз. Она-бола виқор-ла дўконни тарк этар экан, Малфой Ронни қаттиқроқ туртиб ўтишга уринди.

- Сал ошириб юбордингиз! - овоз кўтарди Малкин хоним, коржомани ердан олганча, қўлидаги сеҳрли таёқчани чангюткич каби ишга солиб. Гарри билан Рон ўзларига янги коржомга танлашга киришиб кетди. Паришонхотир Малкин хоним эса Гермионага ҳам ўғил болаларнинг кийимини таклиф қилиб, болалар кийим харид қилишгач, уларни чиқиш эшигига қадар кузатар экан, тезроқ жўнатиб қутулишга ошиқётганини яшира олмади.

- Бўлди-ми? - завқ-ла қарши олди уларни Хагрид.

- Деярли, - деди Гарри, - Анави она-бола Малфойларни кўрдинг-ми?

- Кўрдим, - хотиржам жавоб берди Хагрид, - Хавотир бўлма, Гарри!

Диагон хиёбонида қилиқ кўрсатгани уларнинг ҳади сиғмайди.

Гарри, Рон ва Гермиона бир-бирига маъноли қараб, Хагриднинг бу қадар қулай гумроҳлигини бироз тарқатишмоқчи бўлишди-ю, Жинна билан бирга мистер ва миссис Уэслилар келиб қолишгани боис, улгуришмади. Уларнинг ҳар бири китоб солинган оғир пакетларни қорин соҳасига босиб олган.

- Ҳамма соғми? Коржомга харид қилдингиз-ми? - сўради мистер Уэсли, - Жуда соз. Энди, Фред билан Жоржнинг дўконига борамиз. Йўл-йўлакай дорихона ва «Уккикўзнинг Бойқушлар Империяси» дўконига кириб ўтамыз... жипсроқ юринг, жипсроқ. Тарқалиб кетманг...

Модомики, сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани тарих саҳифаларида қолиб кетган экан, Гарри билан Рон дорихонада ҳеч нима харид қилишмади, лекин «Уккикўзнинг Бойқушлар Империяси» дўконига Хедвиг билан Чўчринстель учун бир яшиқдан бойқуш қувончи емини харид қилишди.

Шундан сўнг, «Уэслиларнинг ажойиб ультрафокуслари» кулгили моллар дўконини қидира кетишди.

- Вақтимиз жуда оз, - деди ҳар дақиқа соатига қараб борган миссис Уэсли,
- Тез айланиб чиқамиз-да, машинага қайтамыз. Яқин қолдик шекилли...
тўқсон иккинчи уй... тўқсон тўртинчи...

- Вой-бўй! - хитоб қилди Рон, ерга қоқилган қоziқ каби турган жойида қотиб.

Вазирлик эълонлари ёпиштириб ташланган зерикарли дўкон деворлари орасида эгизакларнинг кулгили моллар дўкони кескин ажраб, деразаси киши кўзини қамаштириб юборадиган мушакбозлик каби, ярқираб кўринмоқда. Кўчадаги одамлар ғайриихтиёрий равишда қараб ўтиб, улардан айримлари ҳайратдан донг қотиб қолишмоқда. Чап витрина айланаётган, пириллаётган, сакраётган, ялтираб, қичқираётган молларнинг киши кўзини ёшлантириб юборадиган чексиз сони билан маҳлиё қилса, ўнг томондаги витринани вазирлик плакати каби бинафша рангли, бироқ неон-сарик ҳарфлар-ла матн битилган плакат тўсиб турибди:

Ўзингиз-Биласиз-Кимдан наҳотки қўрқяпсиз?

Ундан қўрқинчлироқ нарса – ичбуруғ, биларсиз?

Онгда даҳшат-у, умидсизлик авж олса, эй дариғ,

Миллат мағлубиятга учрар, ранг олар сариқ!

Кулиб юборган Гарри инграш овозини эшитиб, ўгирилди. Кўзи шишадан фарқ қилмай қолган миссис Уэсли паст овозда такрорламоқда:

- «Ичбуруғ», «Ичбуруғ», «Ичбуруғ». Энди уларни ўлдириб кетишади!

- Қўйсангиз-чи! - эътироз билдирди худди Гарри каби қувониб кетган Рон, - Жуда боплашибди!

Гарри иккаласи дўконга биринчи бўлиб киришди. Ичкарида олма тушгани жой йўқ. Пештахта олдига яқинлаша олмаган Гарри атрофга қаради. Токчаларга терилган қутилар шифтга қадар етган. Эгизаклар, бадният газакларни яратиш ишларини ўтган йили «Хогварц»да охирига етказган эди. Токчада фақат битта эзилган яшик қолганини кўрган Гаррининг хулоса чиқаришича, бурундан қон чиқариш ёнғоққолвасининг бозори чаққон. Яшик ёнида сохта сеҳрли таёқчалар солинган тунука банклар терилган бўлиб, уларнинг энг арзони, силтанганда резина жўжа ёки трусикка айланиб қолса, энг қиммати, шўрлик сеҳргарнинг гарданига қарата зарб берар экан. Тунука банклардан кейин ўзиёзар, гапга тўн кийдирадиган, имловий хатоларни тузатиб борадиган пат-қалам қутилари терилган. Халойиқ орасида озгина оралиқ жой ҳосил бўлиши билан, Гарри пештахта олдига суқилиб кирди. У ерда ёғочдан йўниб ясалган одамча қатл тахтасупаси устидаги: «Қайта тикланувчан дор – сеҳрла, афсус қилмайсан!» ёзуви битилган қутига ўрнатилган

ҳақиқий дор томон юриб бормоқда. Тахминан ўн ёшли болалар гуруҳи, ушбу одамча ҳаракатини ҳайрат-ла томоша қилиб турибди.

Гермиона бир илож қилиб пештахтадан сал наридаги катта шиша витрина ёнига етиб боришга муваффақ бўлиб, қароқчилар кемасида турган барно йигит билан бахтиёрлигидан эс-ҳушини йўқотиб қолиш даражасига етган қизнинг тасвири туширилган ёрқин расми қутидаги йўриқномани овоз чиқариб ўқимоқда.

- «Қизларнинг ўнгдан келган патентли орзуси... Атиги биттагина оддий тилсим ўқисангиз бас, ўта сифатли, реалликнинг юқори даражасига эга, ўртача давомийликдаги мактаб дарсига мос келиб, киши ҳолатидаги ўзгариш деярли билинмайдиган ўттиз дақиқали орзулар оғушига кириб кетасиз. Иккиламчи таъсири: киши юзи бирон-бир қиёфа касб этмай қолиб, оғзидан бироз сўлак оқади. Ёш бўйича чекланишлар жорий этилган, хусусан: 16 ёшга тўлмаган болаларга сотилмайди». Ахир бу, - деди Гермиона, Гаррига мурожаат қилиб, - Сеҳр-жодунинг энг юксак даражаси-ку!

- Айнан шу сўзларинг учун, Гермиона, бир қутиси сенга бепул ҳада этилади - эшитилди эркак кишининг овози орқа томондан.

Иккаласининг орқасида эгнига малларанг сочини алоҳида ажратиб турган тўқ қизғиш-бинафша тусли коржома кийиб, яшнаб турган Фред кўринди.

- Ишлар қалай, Гарри? - қўл сиқишиб кўришишди у, - Гермиона, кўзингга нима қилди?

- Нима қилар эди, анави уришқоқ телескопларинг-да, - хўрсинди Гермиона.

- Жин урсин, унутибман-ку, - пешонасига урди Фред, - Ма, мана буни... - у кассасини титкилаб, аллақандай тубик чиқарди-да, Гермионага узатди,

- Суртиб ол, бир соатга қолмай, ўтиб кетади. Жорж иккаламиз ўз ихтироларимизни дастлаб ўзимизда синаб кўрамиз. Шундай экан, ёнимизда ғурра қайтаргич олиб юрмасак бўлмайди.

- Хавфсизми, ишқилиб, - асабий сўради Гермиона, сариқ рангли қуюқ кремга тўла тубикнинг қопқоғини эҳтиёткорона очиб.

- Хавфсиз, - тинчлантирди Фред, - Юр, Гарри, сен учун алоҳида экскурсия уюштираман.

У Гаррини дўконнинг орқа томонига, ижроси қарта ва арқонлар воситасида амалга ошириладиган фокуслар тасвирланган стенд маҳкамланган бурчакка етаклади. Гермиона эса жароҳати билан овора бўлганча қолди.

- Сеҳр ишлатилмайдиган фокуслар! - деди Фред, қувонч-ла стендга ишора қилиб, - Маглизм масаласида дадамга ўхшаган томи кетган ишқивозлар учун. Кўп пул келтирмаса-да, даромади барқарор. Янгилик-да, ҳар қалай... Ана, Жорж ҳам шу ерда экан...

- Экскурсиями, дейман? - Гаррининг қўлини куч-ла сиқиб, кўришишди Фреднинг эгиз укаси, - Юр ичкарига, Гарри, ҳақиқий пул қандай

қилинишини кўрасан... Бирон нарсани илиб кетар экансан, ўзингдан кўр!
- бақирди у, аллақандай болачага.

Болача дарҳол «Ейишли Ажал белгилари – ҳар қандай кишининг кўнглини беҳузур қилиб ташлайди!» ёзуви битилган қути ичидан қўлини тортиб чиқарди.

Жорж стенд ёнидаги пардани тортиб, қоронғироқ, хилватроқ, токчага терилган молларнинг қадоқлари нисбатан камтаринроқ хонага олиб кирадиган эшикни очди.

- Яқиндан буён жиддийроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга киришдик, - тушунтириш бера бошлади Фред, - Иш сал ғалатиноқ бошланди...

- Гарри, айтсам ишонмайсан, кўпчилик, ҳатто вазирликнинг аксарият ходимлари ҳам, Сапчителиш қарғишини уддалай олмас экан, - деди Жорж, - Сабаби аён, албатта. Уларнинг сендек устози бўлмаган, - қўшимча қилди у.

- Ҳа... Шунда биз қарғиш сапчителиш шляпалари кулги чиқади, деган хаёлга бордик. Ғоя шундан иборатки, шеригингдан суқи қарғишини ўзингга йўллашни сўрайсан-да, кейин нима бўлишини томоша қиласан. Вазирлик эса жамики шахсий таркиб учун биратула беш юзта харид қилса бўладими! Буюртма кетидан янада катта буюртма тушяпти!

- Биз маҳсулот сериясининг кўламини кенгайтириб, энди қарғиш сапчителиш қўлқоплари-ю, плашларини яратдик...

- Оқибати мудҳиш қарғишларга қарши кор бермаса-да, ўрта қудратли қарғишлардан ҳимоя қилиши кафолатланган.

- Умуман айтганда, ёвуз кучдан ҳимоя масаласи билан жиддийроқ шуғулланишга аҳд қилдик. Ахир бу битмас даромад-ку, - давом этди Жорж, руҳланиб кетиб, - Зўр иш! Мана, қара, оний зулмат кукуни. Перудан импорт қиламиз. Вазият зудлик билан ғойиб бўлишни тақозо этган фурсатда жуда қулай нарса.

- Чалғителиш бомбачалари эса токчада узоқ турмайди, - давом этди Фред, ташқи кўринишидан клаксонни эслатаётган қора рангли, чиндан ҳам, қаёққадир жуфтак ростлашга уринаётган чиройли жиҳозларга имо қилиб, - Сездирмай ташлаб қўйсанг бўлди. Кўзга кўринмас бурчакларга кириб кетишади-да, турган жойида чийиллай бошлашади. Бировнинг эътиборини чалғителиш мақсадида қўлланиладиган ажойиб восита.

(Клаксон – товушли сигнал узатиш қурилмаси ва хусусан, сигналнинг ўзи. Ушбу термин, зикр этилган қурилмаларни 1908 йилдан эътиборан ишлаб чиқара бошлаган Klaxon Signals Ltd фирмаси номи билан оммалашиб кетди. Клаксон сўзининг ўзи эса юнон тилидаги, мазмунан «ғувиллаш» маъносини англатадиган сўздан келиб чиққан.)

- Зўр-ку! - ҳайратланди Гарри.

- Ма, ол, сенга, - деди Фред, бомбачалардан бир жуфтини тутиб олганча, Гаррига улоқтириб.

Шу пайт парда очилиб, сочи қисқа олинган, эгнига бинафша коржома

кийган афсунгар қизнинг боши кўринди.

- Мистер Уэсли ва мистер Уэсли. Харидорлардан бири ғалат қозон сўраяпти, - маълум қилди қиз.

Эгизакларга нисбатан «Мистер Уэсли» мурожаати Гаррига ғайриоддий эшитилди, бироқ улар ушбу мурожаатни табиийдек қабул қилишди.

- Раҳмат, Верити, ҳозир чиқаман, - жавоб берди Жорж, - Гарри, истаган нарсангни танлаб ол, хўпми? Сен учун бепул.

- Нималар деяпсиз, мен ундай қила олмайман! - овоз кўтарди Гарри, чалғитиш бомбачаларининг ҳақини тўлаш учун ҳамёнини чиқариб.

- Бу ерда сен бирон нут бўлсин, ҳақ тўламайсан, - қатъий оҳангда баёнот қилди Фред, Гаррининг пулига қўл силтаб.

- Бироқ...

- Ишимиз сармойасини ким берганини асло унутганимиз йўқ, - жиддий оҳангда давом этди Жорж, - Ёқтириб қолган нарсангни олавер. Фақат уни қаердан олганинг ҳақидаги саволга тўғри жавоб берсанг бўлди.

Жорж харидорлар масаласида сотувчиларга ёрдам бергани чиқиб кетди, Фред эса Гаррини асосий залга етаклади. Гермiona билан Жинна ҳанузгача «Қизларнинг ўнгдан келган патентли орзуси...»га термилиб туришибди.

- Хонимлар, бизнинг «Афсонавий фусункор қиз»имизни ҳали кўрганингиз йўқми? - қизиқди Фред, - Ундай бўлса, ортимдан юринг.

Ҳаяжонланиб кетган бир гала қиз дераза яқинида қатор терилган ёрқин пушти банкачалар атрофида ҳиринглаб турибди. Гермiona билан Жинна ҳар эҳтимолга қарши сал нарида тўхташди.

- Диққат қилинг, илтимос! - ғурур-ла эълон қилди Фред, - Севги дамламасининг анвои навлари!

Жинна ишонқирамай қошини кўтарди.

- Таъсир ҳам қилади, дегин?

- Таъсир қилганда қандоқ! Йигитнинг вазнига боғлиқ ҳолда йигирма тўрт соатга қадар...

- Қизнинг жозибаторлигига боғлиқ ҳолда ҳам, - гапни бўлди, Фреднинг ёнида кутилмаганда пайдо бўлган Жорж, - Бироқ биз, ушбу дамламани туғишган синглимизга сотмаймиз, - жиддий қиёфа касб этди у, - Шундоқ ҳам, унинг атрофида тўрт-бештаси ўралашиб юрибди...

- Роннинг барча гаплари беҳаё бўҳтон, - хотиржам жавоб қайтарди Жинна, бироз энгашганча токчадаги пушти рангли митти идишлардан бирини олиб, - Мана бу нима?

- Бўжамаларни ўн сония ичида кафолатли йўқотиш воситаси, - деди Фред, - Тери қопламасидаги чипқондан тортиб, ҳуснбузаргача барча қусурларни йўқ қилиб юборади, лекин мавзудан чалғимайлик. Сен аллақандай Дин Томас, деган шахс билан учрашаётганинг ростми, ёлғонми?

- Рост, - бош ирғиди Жинна, - Таъкидлаб ўтиш жоизки, сўнгги бор

кўрганимда у тўрт ёки беш эмас бир нусхада эди. Мана булар-чи?

У пушти ва оч бинафша тусли момиққина шарчалар думалаб чийиллаётган қафасга бармоқ ўқтади.

- Пигмей шарчалари, митти момиқлар. Боқиб кўпайтиришга улгурмаяпмиз, - тушунтириш берди Жорж, - Майкл Корнерга нима қилди, ўлди-ми?

- Ташладим уни. Фирт аҳмоқ экан, - елка қисди Жинна, бармоғини қафас чивиклари орасига суқиб, шарчаларни ўзига чорлар экан, - Ёқимтойлигини!

- Рост айтасан, ажойиб мавжудотлар, - синглизининг гапини маъқуллади Жорж, - Йигитларингни ҳаддан ортиқ тез алмаштириб юбормаяпсан-ми, а, ўзингга шундай туюлмаяпти-ми?

Жинна иккала қўлини шартта биқинига тиради-да, миссис Уэслидан зиғирдай бўлсин, фарқ қилмай қолиб, акасига юзланди. Нима учун Жорж кўрққанидан букчайиб қолмади, Гарри ҳайрон.

- Ишинг бўлмасин. Сендан эса, - дарғазаб ўшқирди Жинна, қўлига катта-кичик қутиларни ушлаганча, Жоржнинг ёнига яқинлашган Ронга ўқрайиб, - Мен ҳақимда бўлар-бўлмас миш-миш тарқатишни бас қилсанг, чексиз миннатдор бўлар эдим!

- Уч галлеон тўққиз склат-у, бир нут, Рон, - ҳисоблаб чиқди Фред, бир қучоқ қутиларга кўз қирини ташлаб, - Тўла!

- Ахир мен, укангиз бўламан!

- Булар эса бизнинг молимиз бўлади. Майли, бир нут ўтиб бераман.

- Лекин менинг уч галлеон тўққиз склатим йўқ!

- Ундай бўлса, ҳаммасини жойига қайтар қўй. Қара, токчаларни адаштириб юборма, тағин.

Рон қутиларнинг баъзиларини қўлидан тушириб юбориб, Фредга қараганча, бармоғи билан уятсиз қилиқ қилди ва ўчакишгандай, айна шу фурсатда миссис Уэсли келиб қолди.

- Яна бир марта кўрадиган бўлсам, қўлингни шундай сеҳрлаб қўяман-ки, бармоқларингни бир-биридан ажрата олмай қоласан, уқдинг-ми? - ўшқириб берди у.

- Ойи, пигмей шарчаларидан олиб беринг, илтимос? - ўтиниб сўради Жинна.

- Нима олиб беринг? - ҳушёр тортиб сўради миссис Уэсли.

- Ёқимтойлигини қаранг.

Пигмей шарчаларини кўриш учун қафас ёнига яқин борган миссис Уэсли гавдаси билан тўсиб турган деразани очиб қўйди. Айна шу пайтда, кўчада ёлғиз ўзи, қаёққадир шошиб кетаётган Драко Малфой Гарри, Рон ва Гермионага кўриниб қолди. Эгизакларнинг дўконига елка узра қараб қўйган Малфой, сония ўтиб, кўздан ғойиб бўлди.

- Ие, ойижонимиз қаерда қолди? - қошини чимирди Гарри.

- Афтидан, қочиб қолган кўринади, - фикр билдирди Рон.

- Сабаб? - сўради Гермiona.

Гарри ўйга толди. Нарцисса Малфой ўз ўғлини ёлғиз қўйиб юборишига ишониш қийин, демак ўғли бунинг чорасини топиш учун анча уринган. Малфойни яхши билган Гарри, ушбу ҳолатдан шубҳаланиб, атрофга ўғринча қараб чиқди. Миссис Уэсли билан Жинна пигмей шарчалари билан овора. Мистер Уэсли магларнинг билимас белги қўйилган қарталарини зўр иштиёқ-ла томоша қилмоқда. Фред билан Жорж харидорларга хизмат кўрсатмоқда. Витринанинг нариги томонида турган Хагрид кўчадан ўтган-кетган одамларни диққат билан кузатиб турибди.

- Яқинроқ келинг, тез, - деди Гарри, юк халтасидан кўринмас плашини чиқариб.

- Вой, Гарри... билмадим, - деди Гермiona, миссис Уэсли томон қараб қўйиб.

- Тезроқ! - дарғазаб пичирлади Рон.

Гермiona бироз иккиланиб турди-да, шартта плаш остига кирди. Ҳамма ўзи билан ўзи шу қадар овора эдики, учовлон кўздан ғойиб бўлиб қолганини ҳеч ким пайқамади. Гарри, Рон Гермiona чиқиш эшиги томон бир илож қилиб ўтиб олишди-ю, кўчага чиққач, Малфойни кўришмади.

- Анави томон кетаётган эди, - аста пичирлади Гарри, Хагридга эшиттирмай, - Кетдик.

Учовлон, Малфой кириши мумкин бўлган дўконлар ичига витриналар орқали қараганча, кўча бўйлаб лўкиллаб кетди.

- Ана у! - пичирлади, олд томон қўл ўқтаган Гермiona, - Чапга бурилди. Ўша, шекилли.

- Ўша, - пичирлаб тасдиқлади Рон.

Атрофга аланглаган Малфой Дигар хиёбон муъолишига ўтди.

- Тезроқ, кўздан йўқотиб қўямиз, - шоштирди Гарри.

- Шошма, оёқларимиз кўриниб қоляпти! - деди Гермiona.

Кўринмас плаш ҳилпираб, болаларнинг болдирини очиб юбормоқда. Энди уларга ушбу кўринмас плаш торлик қилиб қолди.

- Ҳозир бунинг аҳамияти йўқ, - қўл силтади Гарри, - Тезроқ!

Ёвуз сеҳр вакиллари қирилиб кетган шекилли, уларнинг паноҳи бўлмиш Дигар хиёбон ҳувиллаб қолибди. Учовлон юрган йўлида дўконларнинг деразаларига қараб, ҳеч зоғни кўрмади. Сабаби аён, хаёлдан ўтказди Гарри, бундай қалтис замонда ўхшаш молларни, ҳар қалай очик-ойдин харид қилиш – кети ўйланмай қилинган иш саналади.

- Вой қўлим, - Гермiona Гаррининг қўлини қаттиқ чимдилаб, хаёлини жойига келтирди.

- Жим! Қара! Ана у! - пичирлади қиз, Гаррининг қулоғига.

Дигар хиёбон дўконлари орасида Гаррига яхши таниш бўлган «Боржин ва Д'Авило» дўкони. Бир вақтлар Гарри ниҳоятда мудҳиш моллар сотиладиган ушбу дўконга ғайриихтиёрий равишда ташриф буюрган эди. Ичкарида, бош суяқлар билан қадимий кўзалар терилган витриналар

орасида Драко Малфой кўчага орқа ўгириб турибди. Ўша куни Гарри ота-бола Малфойлардан бекиниб, ичига кириб олган йирик жавон ортидаги Малфой деярли кўринмайди. У қўлини шиддат-ла силтаганча, пештахта ёнидаги букчайган, сочи ёғли, юзи ғазаб билан қўрқув уйғунлашган қиёфа касб этган кишига алланима тушунтиришга уринмоқда.

- Нималар ҳақида гапираётганини эшитсак эди! - хўрсиниб қўйди Гермиона.

- Муаммо бўлиши мумкин эмас! - ҳаяжон-ла жавоб берди Рон, - Ҳозир... ҳа, жин урсин...

Роннинг қўлида бояги қутилардан бир нечтаси қолиб кетган бўлиб, уларнинг энг каттасини очар экан, бир-иккита майда қутиларни тушириб юборди.

- Мана, қаранг, пинҳонқулоқ!

- Ажойиб! - суюниб кетди Гермиона.

- Товуш ўтказмаслик афсуни қўлланилмаган, деган умиддаман. - деди Рон, тана рангли узун арқонни ёзиб, бир учини дўкон эшигининг остидаги тирқишга йўллар экан, - Йўқ, қўлланилмаган, - қувонч-ла хитоб қилди у, - Мана, эшитинг!

Учовлон бошини арқонга тутди. Ундан, худди радиоқабулқилгичдан эшитилаётган каби, Малфойнинг овози баланд, аниқ эшитилди.

- ... созлай оласизми, йўқми?

- Балким, - жавоб берди Боржин, иштиёқсиз овозда, - Кўздан кечириб чиқишим керак. Дўконга олиб кела оласизми, уни?

- Йўқ, - қисқа қилди Малфой, - Жойидан қўзғатиш мумкин эмас. Муҳими, уни қандай созлаш кераклигини тушунтириб берсангиз бўлди.

- Бироқ кўрмай туриб, бундай ишни бажариб бўлмайди, - лабини ялади асабийлашган Боржин, - Кафолат бериб бўлмайди.

- Шундай денг? - деди, истехзоли кулиб қўйган Малфой, катта жавон ортида кўринмай қолганча, Боржин томон энгашиб, - Мабодо, мана бу ишончингизга ишонч қўшмайди-ми?

Гарри, Рон ва Гермиона ичкарида нима бўлаётганини кўришга уриниб кўришди-ю, қаттиқ қўрқиб кетган дўкон соҳибининг юзидан бошқа нарсани илғай олишмади.

- Оғзингиздан гуллаб қўядиган бўлсангиз, қаттиқ пушаймон қиласиз.

Оиламиз дўсти Фенрир Уолкни танийсизми? Муштарак ишимиз билан виждонан шуғулланаётганингизни кузатиб бориш мақсадида вақти-вақти билан дўконингизга ташриф буюриб туради.

- Бунга ҳожат йўқ...

- Буни мен ҳал қиламан, - баёнот қилди Малфой, - Кетадиган вақтим бўлди. Ёдингиздан чиқмасин, мана бунисини кўз қорачиғидай асрашингиз шарт. У менга керак бўлади.

- Ҳозирнинг ўзида олиб кетишни истамайсиз-ми?

- Эсингизни еб қўйдингиз-ми? Қандай қилиб кўчада кўтариб юраман уни?

Муҳими, сотиб юборманг.

- Йўқ, албатта... сэр.

Боржин бир вақтлар Люциус Малфойга таъзим қилган каби, Драко Малфойга ҳам, чуқур таъзим бажо айлади.

- Ҳеч кимга чурқ этманг, Боржин, тушундингиз-ми? - тайинлади Малфой,
- Ҳатто менинг онамга ҳам.

- Албатта, албатта, - пўнғиллади Боржин, яна бир бор таъзим қилиб.
Чиқиш эшигининг қўнғироғи қаттиқ жиринглаб, остонада ўз ишидан ниҳоятда мамнун Малфой пайдо бўлди. У Гарри, Рон ва Гермионанинг ёнидан шу қадар яқин ўтдики, кўринмас плашнинг этаги ҳилпираб кетди. Юзидаги риёкорона табассум хавотирга айланиб, тошдай қотган Боржин эса пештахта ёнида қилт этмай қолди.

- Нималар ҳақида гапиришди улар? - пичирлади Рон, пинҳонқулоқни йиғиштирар экан.

- Ҳеч нарсани тушунганим йўқ, - жавоб қайтарди ўйга толган Гарри, - Малфой ниманидир таъмирдан чиқармоқчи... ва ниманидир шу ерда қолдиришга аҳд қилди... «Мана бунисини», деб нимани кўрсатди у, кўрмадингиз-ми?

- Кўринмади. Жавон ортида эди у...

- Гап бундай, болалар, шу ерда қилт этмай тулинг, - пичирлади Гермиона.

- Нима қилмоқчисан?...

Гермиона кутилмаганда плаш остидан шартта чиқиб, витрина қаршисида сочини тузатганча, дўконнинг кириш эшиги томон қатъий одимлаб кетди. Эшик қўнғироғи жиринглаши билан Рон пинҳонқулоқни тез ёзиб, эшик томон йўллаганча, бир учини Гаррига узатди.

- Салом! Ҳавонинг ёмонлигини қаранг, - дадил мурожаат қилди Гермиона, дўкон сотувчисига.

Гермиона алланимани қувноқ хиргойи қилганча, дўкон ичида сайр қилиб, буюмларни томоша қилишга киришиб кетди.

- Мана бу шода сотиладимиз? - сўради у, шиша витрина яқинида секинлаб.

- Бир ярим минг галлеонингиз бўлса, сотилади, - совуқ оҳангда жавоб берди Боржин.

- О!... Э-м-м... йўқ, менда шунча пул йўқ, - деди Гермиона, йўлини давом эттириб, - Мана бу... ажойиб бош суяги-чи?

- Ўн олти галлеон.

- Бу ҳам сотиладимиз? Унга ҳеч ким буюртма бермади-ми?

Боржин кўзини қисиб қаради. Ниҳоят Гарри Гермионанинг кўзлаган мақсадини фаҳмлаб, қўрқиб кетди. Қиз ҳам, сири очилганини тушуниб етди шекилли, қувликни йиғиштириб, муддаога ўтди.

- Гап шундаки, м-м-м... ҳозиргина даргоҳингизни тарк этган йигитча, Драко Малфой, менинг дўстим бўлади. Унинг туғилган кунига совға

танламоқчиман. Эҳтимол у ўзига бирон нима учун буюртма бергандир? Шу боис, ўша нарсани мен ҳам харид қилмаслигим учун... ўхў...
Гаррининг фикрича, ушбу ваз ишонарли чиқмади, афтидан Боржин ҳам, шундай хулосага келган кўринади.

- Йўқолинг, - қисқа қилди дўкон соҳиби, - Эшитдингиз-ми, тез йўқолинг кўзимдан.

Такрорлашга ҳожат бўлмади. Гермiona чиқиш эшиги томон ошиқди. Боржин қиз кетидан одимлаб, эшикни қарсиллатиб ёпганча «Ёпиқ» ёзуви битилган тахтачани осиб қўйди.

- Ҳа, - деди Рон, Гермionанинг устига плаш ташлар экан, - Текшириб кўриш керак эди, албатта. Бироқ... шу тарзда, томдан тараша тушгандай...

Рон билан Гермiona юрган йўлида гап талашиб, эгизакларнинг кулгили моллар дўконига яқин қолгандагина жим бўлишга мажбур бўлишди. Кўчада, хавотир олиб учаласини қидираётган миссис Уэсли билан Хагрид кўринди. Учовлон ичкарига билдирмай кириб олгач, Гарри кўринмас плашни ечди-да, юк халтасига сездирмай яшириб қўйди. Сўнг, Рон ва Гермiona билан биргаликда миссис Уэслини дўконнинг орқа томонида бўлишгани, эҳтимол халойиқ орасида яхши қидиришмаганига ишонтиришга киришиб кетди.

VII БОБ. ДИВАН-КЛУБ

Таътилнинг сўнги ҳафтаси давомида Гаррининг фикр-хаёлини фақат Малфой ҳақидаги ўйлар эгаллаб олди. Дигар хиёбонда нима иш қилди у? Дўкондан ниҳоятда мамнун бўлиб чиқишига нима сабаб бўлди? Бундай ҳолат сергак бўлишга ундамай қўймайди, албатта. Зеро, Малфойни қувонтирган ҳар қандай нарса хавфли нарса эканлигига шубҳа йўқ. Алам қилган жойи шунда-ки, Рон билан Гермiona унинг хавфсирашига шерик бўлишмаяпти. Ҳар қалай, Малфойга оид суҳбатлар, Гаррининг назарида, иккаласини қизиқтирмай қўйган кўринади.

Болалар эгизакларнинг хонасига йиғилиб олишган. Гермiona дераза тоқчасига жойлашиб, оёғини картон қутига қўйиб олганча, «Давом эттирувчилар учун қадимий руналар таржимаси»ни ўқиб ўтирибди.

- Тўғри, Гарри, Малфойнинг хатти-ҳаракатлари шубҳали кечди, - деди у, нигоҳини китобдан истар-истамас узиб, - Аммо биз умумий фикрга келдик шекилли-ю, минг хаёлга бориш мумкин, деб.

- Эҳтимол унинг Нурафшон қўли бузилиб қолгандир, - ўйчан фикр билдирди супургисининг эгилган говронларини тўғрилашга уринаётган Рон, - Эсингиздами, ажин босган шунақанги ўйинчоғи бор эди?

- «Ёдингиздан чиқмасин, мана бунисини кўз қорачиғидай асрашингиз шарт», деган сўзлари-чи? - сўради Гарри, бир миллион биринчи

маротаба, - Назаримда, Боржиннинг ихтиёрида ишдан чиққан буюмнинг жуфти бор. Малфойга эса иккаласи керак.

- Шундай, деб ўйлайсан-ми? - лоқайд ғудуллади Рон, супургисининг дастасидан қуриб қолган лой бўлагини кўчириб.

- Ҳа, ўйлайман, - тасдиқлади Гарри, сўнг, Рон ҳам, Гермиона ҳам индамаганини кўриб, қўшимча қилди: - Малфойнинг отаси Азкабанга қамалган. Агар у, отаси учун ўч олиш пайида юрган бўлса-чи?

Рон бошини кўтариб, таажжуб-ла кўз пирпиратди.

- Ўч олади? Малфой-я? Қандай қилиб?

- Билмайман! - овоз кўтарди Гарри, - Лекин бир балони бошлагани аниқ ва менимча, жиддий эътибор қаратиш керак бунга. Унинг отаси Ўлимдан мириқувчи, шундай экан...

Кутилмаганда миясига даҳшатли фикр келган Гаррининг гапи оғзида қолиб, Гермионанинг орқа томонига, деразага бақрайганча тек қотди.

- Гарри? - ташвишланди Гермиона, - Сенга нима қилди?

- Яна чандиғингга оғриқ кирди-ми? - хавотирланди Рон.

- У ўзи Ўлимдан мириқувчи, - деди Гарри паст овозда, - Отасининг изидан бориб, ўрнини эгаллаган.

Бироз кечган сукунатдан сўнг, Рон хандон отиб юборди.

- Малфой-я? Гарри, ахир у эндигина ўн олти ёшга тўлди! Ўзинг-Биласан-Ким ўз сафига ёш болани қабул қилган, деб ўйлайсан-ми?

- Эҳтимоли ўта паст тахмин бу, Гарри, - гапни кесди Гермиона, - Нега энди сен шундай хаёлга?...

- Чунки Малкин хоним унинг енгини шимариб қўймоқчи бўлганида, Малфой, ҳали аёлнинг қўли етмай туриб, ўкирганча қўлини тортиб олди. Чап қўлини. Ўша қўлининг тери қопламасига Ажал белгиси тасвирланган. Рон билан Гермиона бир-бирига қараб қўйишди.

- Нима десам экан... - чўзди Рон, бундай тахминий шарҳ унга етарли бўлмаганини англатиб.

- Ўшанда, Гарри, менимча у, дўкондан тезроқ чиқиб кетмоқчи бўлди, - деди Гермиона.

- Боржинга нима кўрсатганини биз кўрганимиз йўқ, - гапида туриб олди Гарри, - Лекин қария ростакамига чўчиб кетганига ҳаммамиз гувоҳ бўлдик. Қўлига тасвирланган Ажал белгисини кўрсатгани аниқ. Малфой Боржинга ким билан муомала қилаётганини англатиб қўйди. Боржиннинг шу заҳоти сипориш қила бошлаганини ўзингиз кўрдингиз!

Рон билан Гермиона бир-бирига боз қараб қўйишди.

- Мен у қадар амин бўлганим йўқ, Гарри, - фикр билдирди Гермиона.

- Мен ҳам, Ўзинг-Биласан-Ким уни ўз сафига қабул қилган, деб ўйламайман... - деди Рон.

Ўзининг ҳақ эканлигига ишончи комил бўлган Гарри кир квидиш кийимини шартта чангаллади-да, зарда қилганча, хонадан чиқиб кетди.

Кир ювиш, нарсаларни йиғиштириб, сафарга ҳозирлаш ишларини сўнгги

фурдатга қолдирмасликни миссис Уэсли анчадан буён таъкидлаб келмоқда. Зинапоядан тушар экан, қўлида бир тўп эндигина дазмол босилган кийим кўтариб келаётган Жиннага рўбару бўлди.

- Ошхонага киришга ошиқмаганинг маъқул. У ерда керагидан ортиқ Хлорка бор.

- Мен эҳтиёткорона кириб, босиб олмасликка ҳаракат қиламан, - кулиб қўйди Гарри.

Чиндан ҳам, Флёр тўрида керилиб ўтирганча, Билл иккаласининг бўлажак тўйи ҳақида гапириб, жағи тинмаяпти. Лабини қимтиб олган миссис Уэсли эса ўзини ўзи мустақил ва тез тозалаётган Брюссель карамини томоша қилиб ўтирибди.

- Билл иккаламиз келинга икки нафағ дугона етади, деган қағоғга келдик. Ўйлайман-ки, Габриэль билан Жинна иккаласи жуда чиғойли кўғинади. Иккаласига оқиш тилла тусли кўйлак олиб беғмоқчиман. Жиннанинг сочига пушти ғанг ўтиғмаса керак.

- А, Гарри! - баланд овозда хитоб қилди миссис Уэсли, Флёрнинг монологини бўлиб, - Келганинг яхши бўлди! Эртага темир йўл вокзалига қандай боришимизни айтиб бермоқчи эдим сенга. Вазирлик биз учун яна машина ажратадиган бўлди. Вокзалда эса аврорлар қўриқчилик хизматини ўтайди...

- Бомс ҳам бўладими? - сўради Гарри, миссис Уэслига квидиш формасини узатиб.

- Менимча йўқ. Артурнинг гапига қараганда, у бошқа жойда навбатчилик қилади.

- Ўзига мутлақо қағамай қўйибди, ўша Бомс, - фикр билдирди Флёр, чой қошиғининг ташқи томонига қараганча, ўз ҳуснига маҳлиё бўлиб, - Бекоғ қилади, агағ фикримни билмоқчи бўлсангиз...

- Ҳа, азизам, раҳмат, - кесатди миссис Уэсли, Флёрнинг гапини боз бўлиб, - Гарри, сен бориб, нарсаларингни йиғиштир. Бу ишни бугун қилиб қўйган маъқул, ҳар сафаргидай, айнан йўлга чиқиш пайтида ивирсимаслик учун.

Чиндан ҳам, эртасига эрталаб, йўлга чиқиш жараёни одатдагидан силлик кечди. Вазирлик машиналари Бошпанага яқин келганда, ҳамма ҳовлига чиқишга улгурган эди. Сандиқлар тайёр, Маймоқоёқ саватга, Хедвиг, Чўчринстель ва Жиннанинг Арнольд лақабли пигмей шарчаси ўз қафасларига қамалган.

- Оревуар, Гағги, - ўпиб хайрлашди Флёр.

Рон ҳам ўпич олиш учун олдинга интилди-ю, Жиннанинг атайин узатилган оёғига чалиниб, Флёрнинг оёғи остида чўзилиб қолди. Афтангори лой бўлган бечора Рон роса жаҳли чиқиб, ранги қип-қизарганча, ҳеч ким билан хайрлашмай, машинага кириб кетди.

Кингс-кросс вокзалида уларни севиниб турган Хагрид эмас магларнинг қора костюмини кийиб олган икки нафар соқолли бадқовоқ аврор қарши

олиб, машиналар тўхташи ҳамоно, икки ёнга туришди-да, жамоани вокзал биносига индамай кузатиб боришди.

- Тез ўтинг, - шоширди миссис Уэсли, қўриқчилик хизматининг оғирлигидан бироз хижолат бўлиб, - Гарри, сен биринчи бўлиб, анави амаки билан...

Миссис Уэсли аврорлардан бирига савол назари билан қараб қўйди. Аврор бош ирғиб, Гаррини тирсагидан тутди-да, тўққизинчи ва ўнинчи платформалар орасидаги тўсиқ томон етаклади.

- Раҳмат, мустақил юра оламан, - аччиқланди Гарри, қўлини тортиб. У минғаймас ҳамроҳини назар-писанд қилмай, аравасини тикка темир тўсиққа қарата итариб кетди. Икки сония ўтар-ўтмас, у, паға-паға дуд бурқситиб чиқараётган тўқ қизил «Хогварц-Экспресс» ёнидаги, одам босган тўққиз бутун тўртдан учинчи платформага чиқди. Яна бир неча сониядан сўнг, унга Гермiona билан барча Уэслилар келиб қўшилди. Гарри ҳалигача бадқовоқ аврорни писанд қилмай, Рон билан Гермionaга имо ила бўш купе қидиришни таклиф қилди.

- Ҳозир биз сен билан бора олмаймиз, Гарри, - маъзур оҳангида рад этди Гермiona, - Рон иккаламиз синфбошилар вагонига боришимиз, сўнг, поезд йўлакларида бироз навбатчилик қилишимиз лозим.

- Ҳа-я, унутиб қўйибман-ку, - пўнғиллади Гарри.

- Атиги бир неча дақиқа қолибди, поездга чиқишга шошилинг, - деди миссис Уэсли, - Хўп, майли, Рон, яхши ўқигин...

- Мистер Уэсли, икки оғиз гапим бор эди сизга, - деди кутилмаганда Гарри.

- Ҳа, албатта, - ҳайрон бўлди мистер Уэсли, Гарри билан бир четга чиқиб. Гарри ўйлаб-ўйлаб, ўз шубҳасини бировга айтадиган бўлса ҳам, айнан мистер Уэслига айтиш керак, деган хулосага келди. Биринчидан, у вазирликда ишлайди ва зарур бўлса, қўшимча тергов ҳаракатларини амалга ошириши мумкин. Иккинчидан эса фикр билдиргани учун сўкиб бермаса керак.

Миссис Уэсли билан бадқовоқ аврор кўз қири ила қараб қолишди.

- Диагон хиёбонига борганимизда... - гап бошлади Гарри, бироқ мистер Уэсли юзини буриштириб, Гаррининг нима демоқчи эканлигини фаҳмлаган бўлди.

- Афтидан, Рон ва Гермiona учалангиз гўё дўконда бўлган вақтингизда аслида қаерда бўлганингизни билиб олишимга тўғри келади, шекилли, а?

- Сиз қаердан била?...

- Гарри, унутма, қаршингда Фред билан Жоржни катта қилган одам турибди.

- А... ҳа... Биз дўконда бўлмаганмиз, ўшанда.

- Жуда соз. Энди қилган қилмишларингни гапир.

- Биз... Кўринмас плаш остида, Драко Малфойнинг кетидан юриб, пойладик.

- Бунга бирон-бир сабаб бор эдими ёки кўнгил тусаб қолгани шу бўлди-ми?

- Малфой бир балони бошлаган кўринди, назаримда, - деди Гарри, мистер Уэслининг домангир ва айни вақтда истехзоли қиёфасига эътибор қаратмай, - Онасидан ажраб, қочиб қолибди. Мен эса бунинг сабабини билишга аҳд қилдим.

- Ҳа, албатта, - самимий хўрсинди мистер Уэсли, - Хўш, тагига етдинг-ми?

- У «Боржин ва Д'Авило»га кириб, дўкон соҳибини алланимани таъмирдан чиқаришга мажбур қилди, - жавоб берди Гарри, - Бундан ташқари, Боржин ниманидир Малфой учун сақлаши керак экан. Афтидан, жуфти ишдан чиққан буюмга ўхшайди. Ҳа, яна бир гап... - чуқур хўрсинди Гарри, - Малкин хоним ушламоқчи бўлган фурсатда, Малфой чап қўлини кескин тортиб олганини кўрган эдик. Назаримда, ўша қўлида Ажал белгисининг тасвири бор. Фикримча у, отасининг ўрнига Ўлимдан мириқувчи бўлиб олган.

- Гарри, - деди мистер Уэсли, бироз эсанкираб тургач, - Ўзинг-Биласан-Ким ўн олти ёшли болани ўз сафига қўшиб олишига сал шубҳа қиламан...

- Ўзингиз-Биласиз-Ким ўз сафига кимни қабул қилиши-ю, кимни қабул қилмаслигини Сиз қаердан биласиз? - дарғазаб овоз кўтарди Гарри, - Маъзур сананг, мистер Уэсли, наҳотки тергов ўтказиш учун сабаб кўрмаётган бўлсангиз? Ниманингдир таъмирдан чиқарилиши Малфой учун жуда зарур. Ушбу мақсадга эришиш учун у ҳатто Боржинга таҳдид солишга ҳам тайёр эди. Демак гап, аллақандай хавфли буюм устида бормоқда, шундай эмасми?

- Тўғриси айтиладиган бўлсам, Гарри, бунга ишончим комил эмас, - аста маълум қилди мистер Уэсли, - Люциус Малфойни ҳибсга олганимизда, уйини астойдил тинтув қилиб, шубҳали кўринган борки нарсаларни мусодара қилганмиз.

- Демак, ниманидир ўтказиб юборгансиз, - ўжарлик-ла, эътироз билдирди Гарри.

- Эҳтимол, - деди мистер Уэсли.

Бироқ Гаррига мистер Уэслининг ушбу сўзи баҳслашишни истамаган оҳангда эшитилгандай туюлди.

Ҳуштак эшитилди. Ҳамма поездга жойлашган, эшиклар ёпилмоқда.

- Кетар вақтинг бўлди, - хавотирланди мистер Уэсли.

- Гарри, тезроқ, - қичқирди миссис Уэсли.

Гарри поездга қараб югурди. Мистер Уэсли сандиқ ортишга унга ёрдамлашиб юборди.

- Болагинам, Рождество байрамига Дамблдор билан бирга қайтасан.

Бунинг барча тафсилотларини келишиб қўйганмиз у билан. Шундай экан, кўп ўтмай, боз соғ-саломат юз кўришамиз, - деди миссис Уэсли, Гарри ёпган эшик дарчаси орқали, - Эътиборли ва эҳтиёткор бўлгин, хўпми? Ҳа,

кейин...- шоша-пиша давом этди у, поезд тезлик олар экан, - Эсли бола бўлиб юргин... Ҳар қандай ишларга аралашиб юрма... - қичқирди у, поезд билан тенг югурганча.

Поезд муюлиш ортига ўтиб, миссис Уэсли кўздан ғойиб бўлгунга қадар Гарри қўл силтаб борди. Шундан сўнг, атрофга аланглаб, қолганларни қидирди. Рон билан Гермiona ўз резервацияларига кетган, сал нарида эса Жинна дугоналари билан вайсаб турибди. Гарри сандиғини тортганча, қиз томон одимлади.

Ҳамминг эътибори унда. Баъзилар ҳатто юзини купе эшигининг ойнасига босиб олганча, очикдан-очик дўлайиб қарашмоқда. «Башорат-у, каромат газетаси»да чоп этилганидан сўнг, атрофда ланг очик оғизлар, бақрайган кўзлар сони янада ортишини Гарри билар эди, албатта. Бироқ бари-бир ҳаддан ортиқ эътибор унинг жонига теккан.

- Купе қидирамизми? - сўради у, Жиннанинг елкасига қўл теккизиб.

- Сен билан бора олмайман, Гарри, - тўғриси айтди Жинна, - Динни топишни ваъда қилган эдим. Учрашгунча!

- Тушундим, - деди Гарри.

Ёз давомида бирга бўлишларига кўникиб қолгани учун бўлса керак, Жиннанинг узун малла ранг сочини тебратиб узоқлашаётганини кўриш, негадир Гаррига ёқмади. Гарри атрофга боз аланглади. Ҳамма жойда ҳайрат-ла тикилиб турган қизлар.

- Салом, Гарри! - эшитилди орқа томондан таниш овоз.

- А, Невилль! - енгил тортди Гарри, қизлар орасидан эҳтиёткорона ўтиб келаётган кулчаюзли ўртоғини кўриб.

Унинг ортидан узун сочли, йирик кўзи хира рангли қиз ҳам келмоқда.

- Салом, Гарри, - кўришди қиз.

- Луна, салом, ишларинг яхшими?

Қиз кўксига журнал босиб олган журнал муқовасида, унинг ичида бир жуфт бепул арвоҳқуляр борлиги маълум қилинган.

- Демак, «Ҳақиқатгўй» журналининг ишлари ҳам ёмон эмас? - сўради Гарри.

Гарри фақат мана шу журналгагина берган машҳур интервьюсидан сўнг, унга ҳурмат-ла қарайдиган бўлиб қолган эди.

- Жуда зўр! - маълум қилди Луна, ҳайратланиб, - Адади тобора ошиб бормоқда!

- Келинг, бирон-бир купега жойлашайлик, - таклиф киритди Гарри.

Учовлон диққат билан разм солаётган минғаймас халойиқнинг кузатуви остида поезд бўйлаб одимлай кетди. Ниҳоят бўш купе топилганидан қувониб кетган Гарри дарҳол ичкарига кириб жойлашди.

- Сенга ҳамроҳ бўлганимиз учун, улар бизга ҳам бақрайишмоқда, - деди Невилль, Луна билан ўзини кўрсатиб.

- Сизлар ҳам вазирликда бўлганингиз учун бақрайишмоқда улар, - деди Гарри, сандиғини юк тоқчасига жойлаб, - Ўқиган бўлсангиз керак,

«Башорат-у, каромат газетаси» ўша саргузаштимиз тўғрисида юз бор ёзди.

- Ўқидим. Ўша тўс-тўполон дастидан бувим роса аччиқланиб, сўкса керак, деган хаёлга борган эдим, - деди, кўзи катта очилиб кетган Невилль, - У эса аксинча, суюниб кетди. Айтишича, отамнинг муносиб ўғли бўлиб ўсаётган эмишман. Мана, ҳатто янги таёқча ҳам олиб берди!

Невилль киссасидан сеҳрли таёқчасини чиқариб Гаррига кўрсатди.

- Олча ва яккашоҳ нарвал туки, - мақтанди у, Олливандер сотган сўнги таёқчалардан бири бўлса керак. Чунки эртаси куни у ғойиб бўлди... Ҳой, Тревор, қаёққа? Қани ортга қайт-чи!

Невилль ҳурриятга эришишга яна бир бор уриниб кўрган қурбақаси ортидан курси остига шўнғиди.

- Гарри, ДА жамияти бу йил ҳам фаолият кўрсатадими? - қизиқди Луна, журнал ўртасига ёпиштирилган арвоҳкулярни ажратиб.

- Амбриж йўқ экан, жамият фаолиятининг ҳам маънисини йўқ, - жавоб берди Гарри, курсига жойлашиб.

Курси остидан чиқаётган Невилль бошини уриб олди.

- Менга эса машғулотларинг ёқар эди, - деди у, юзи хафагарчилик қиёфасини касб этиб, - Сен менга жуда кўп нарсаларни ўргата олдинг!

- Менга ҳам ёқар эди, - хотиржам оҳангда фикр билдирди Луна, - Бу ҳатто, қайсидир маънода дўстликка ҳам ўхшаб кетар эди.

Лунанинг оғзидан кўпчилик хижолат тортиб қоладиган гаплар тез-тез чиқиб туради. Гарри ҳозир ҳам хижолат бўлиб, қизга раҳми келди-ю, жавоб беришга улгурмай қолди. Купе эшигининг ортида пичир-пичир ва ҳиринг-ҳиринг овоз эшитилди. У ерда тўртинчи синфда таҳсил кўрадиган қизлар тургани эшик ойнаси орқали кўриниб турибди.

- Сен айт!

- Ўзинг айт!

- Хўп, майли, мен айтаман!

Ўзига ҳаддан ортиқ ишонган, қора кўзи катта очилган, ияги бироз олдинга чиққан, қора сочи узун қиз эшикни шартта очди.

- Салом, Гарри! Мен Ромильдаман. Ромильда Вейн, - баланд овозда ишонч-ла эълон қилди у, - Купемизга ўтмайсан-ми? Сен булар билан ўтиришга мажбур эмассан, - бежама пичирлаб қўшимча қилди у, боз Тревор қидираётган Невиллнинг курси остидан чиқиб турган йўғон думбаси ва бепул арвоҳкулярни тақиб олиб, ақлидан озган рангли бойқушга ўхшаб қолган Лунага имо қилиб.

- Булар менинг дўстларим, - совуқ оҳангда жавоб берди Гарри.

- О! - ўсал бўлди Ромильда, - Шундай дегин! Унда майли.

Қизалоқ эшикни суриб ёпганча, купени тарк этди.

- Дўстларинг одамшаванда бўлиши шарт эканлигига, негадир ҳамма комил ишонч-ла қарайди, - хижолатда қолдирар даражада дангал таъкидлаб қўйди Луна.

- Энг яхши дўстларим, сизлар, - оддийгина жавоб қилди Гарри, - Улар вазирликда бўлишмаган, ёнимда туриб жанг қилишмаган.

- Ҳа, бу гапинг кўнгилни кўтаради, - деди яшнаб кетган Луна.

Қиз арвоқулярни пешонасига кўтариб, «Ҳақиқатгўй» мутолаасига киришиб кетди.

- Бироқ у билан биз эмас сен юзма-юз турдинг, - деди, сочига алланима илашган Невилль Треворни тутганча, курси остидан чиқиб, - Биласанми, бувим сен ҳақингда нима деди? «Бутун бошли сеҳргарлик вазирлиги мардлик бобида Гарри Поттернинг ёлғиз ўзига бас кела олмайди». Унинг невараси бўлишинг учун бор нарсасидан воз кечиши аниқ...

Хижолат бўлган Гарри ўнғайсиз кулиб қўйиб, мавзуни алмаштирганча, имтиҳон натижалари ҳақида гап бошлади. Невилль ўз баҳоларини санай кетиб, «яхши» баҳога эга бўлган ҳолатда бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фани бўйича таълимотни давом эттириш ва СМЖА имтиҳонини топшириш борасида овоз чиқариб, ўй сурди. Гарри Невиллга қараб тургани билан, унинг сўзлари қулоғига киргани йўқ.

Невиллнинг Вольдемортдан чеккан азияти Гаррининг кўрган зулмидан кам эмас, лекин Гаррининг ўрнида бўлиши мумкинлигини тасаввур ҳам қила олмайди. Ваҳоланки, ўша башорат иккаласига ҳам дахл қилган. Лекин Вольдеморт ўзига маълум сабабдан негадир Гаррини танлаган. Аксинча йўл тутганда, пешонада яшин зигзаги шаклидаги чандиққа эга бўлиш ҳам, башорат юкламаси ҳам, Невиллнинг қисматига ёзилган бўлар эди... ёки йўқми? Невиллнинг онаси Лили каби иш тутиб, ўз ҳаётини ўғли учун фидо қилган бўлармиди? Фидо қилган бўлар эди, албатта... лекин у Вольдеморт билан Невиллнинг ўртасига тура олмаганда-чи? Ҳеч қандай Мумтоз бола бўлмас эдими? Невилль билан Гаррининг ўрни бўш бўлар эдими? Чандиқсиз пешонасини миссис Уэсли эмас ўз онаси ўпиб қўйган бўлар эдими?

- Аҳволинг яхшими, Гарри? - сўради Невилль, - Қандайдир ғалати кўриняпсан.

Гарри сесканиб тушди.

- Маъзур санайсан, мен...

- Ғубор парвонаси таъсир ўтказди-ми, дейман? - ачинган оҳангда сўради Луна, рангли кўзойнак орқали қараб.

- Нима парвонаси?

- Ғубор парвонаси... Шунақа жонзод бор, кўзга кўринмайди - тушунтирган бўлди қиз, - Қулоқ орқали мияга кириб олади-да, киши хаёлини лойқалатиб юборади. Яқинда биттаси кўзимга кўрингандек бўлди, - деди у, қўлини ҳавода, худди капалак ҳайдагандек силтаб. Невилль билан Гарри бир-бирига қараб қўйишди-да, тез квидиш тўғрисида гап бошлашди.

Бугунги об-ҳаво ёз бўйи бўлгандек, беқарор кечмоқда. Дераза ортидаги туман орасида қуёш онда-сонда кўриниш бермоқда. Айти мана шундай

фурсатлардан бирида купега Рон билан Гермiona кириб келди.

- Қачон егулик таший бошларш экан, а? Очдан ўляпман, - ингради Рон, қорнини уқалаганча, ўзини Гаррининг ёнига ташлаб, - О, жамоа жам-ку, а, Невилль! Салом, Луна. Биласанми нима, - юзланди у Гаррига, - Малфой ўз мажбуриятларига тупуриб, ҳамтовоқлари билан купеда бемалол ўтирибди! Ёнидан ўтиб, кўриб қолдик.

Гарри ҳушёр тортди. Ўтган ўқув йили давомида Малфой ўзининг синфбошилиқ мавқеини завқ-ла суиистеъмол қилиб юрган эди, энди эса бундай имкониятдан бош тортяпти, қизиқ, нимага?

- Нима билан машғул эди, ўша пайтда?

- Одатдаги иши билан, гарчи унга хос бўлмаса-да, - қошини учирди Рон, уятсиз қилиқ кўрсатиб, - Умуман айтганда, ҳа... ўзига хос, - боз қилиқ кўрсатди у, - Лекин нима учун биринчи синф ўқувчиларини қўрқитгани чиқмади, ҳайронман?

- Билмадим, - таҳлил қила бошлади Гарри.

Буларнинг бари Малфойнинг янада жиддийроқ ишлари борлигидан далолат беради.

- Эҳтимол унга назорат бригадасида бўлиш кўпроқ ёққандир? - тахмин қилди Гермiona, - Синфбошилиқ мажбурияти эса энди зерикарли ишдай туйилаётган бўлса керак, а?

- Ишониб бўлмайди, - деди Гарри, - Назаримда Малфой...

У ўз фикрини айтишга улгурмай эшик боз очилиб, учинчи синфда ўқийдиган қизча ҳаллослаб кирди.

- Мана буни менга Невилль Лонгботтом ва... - нигоҳи Гаррининг нигоҳи билан тўқнаш келган қизчанинг овози ўзгариб, ранги қизариб кетди, - Гарри Поттерга етказиш тайинланди, - деди у, бинафша рангли тасма билан боғланган иккита пергамент ўрамини узатиб.

Жўнатмани топширган қизча, остонада қоқилганча купени тарк этди. Гарри билан Невилль ҳайрон.

- Нима у? - талаб оҳангида сўради Рон.

- Таклифнома, - деди Гарри, пергамент ўрамини очиб.

Гарри, мен «В» купесидаман. Агар ҳузуримга келиб, ўрта-миёна тушлигимни бирга баҳам кўрсанг, ўзимни ниҳоятда бахтиёр ҳис этган бўлар эдим.

Эҳтиром ила, профессор Г. Е. Ф. Дивангард

- Профессор Дивангард деганлари ким бўлди? - сўради Невилль қўлидаги таклифномага ҳайрат-ла қараб.

- Ишга янги олинган ўқитувчи, - тушунтириш берди Гарри, - Тушунишим-ча, бормасак бўлмайди.

- Сен-ку, тушунарли, мен-чи, нимага керак бўлиб қолдим унга? - худди танбеҳ олишдан хавфсираётган каби, асабий сўради Невилль.

- Тасаввур ҳам қила олмайман, - деди Гарри, гарчи бу борада тахминим бўлса-да, ёлгон аралаштириб, - Менга қара, балким устимизга кўринмас плаш ташлаб борармиз, - кутилмаганда таклиф киритди у, - Йўл-йўлакай Малфойдан хабар олиб, кўзлаган ниятидан воқиф бўлиб оламиз, а? Афсуски, ушбу ғояни амалга оширишнинг иложи бўлмади. Егулик ташиладиган аравани кутаётган ўқувчилар вагон йўлагига сандироқлаб юргани боис, уларнинг орасидан сездирмай ўтишнинг иложи йўқ. Густох нигоҳлардан қочиб қутула олмаслигини англаб, дили сиёҳ бўлган Гарри плашини юк халтасига жойлаганча, уф тортиб қўйди. Ҳозир унга янада кўп нигоҳлар қадалган. Баъзилар ҳатто уни кўриш учун купедан отилиб чиқмоқда. Фақат Чу Чэнгина Гаррини кўриб, бекиниб олди. Унинг купесидан ўтаётган Гарри ойна орқали ичкарига қараб, дугонаси Мариэтта билан намойишкорона берилиб суҳбатлашаётганини кўрди. Гарри Мариэтта юзига упа-эликни аямай суваган бўлса-да, ғайриоддий ҳуснбузарлари яққол кўриниб турибди. Гарри истехзоли кулиб қўйиб, йўлини давом этди.

«В» купесининг эшигига яқин келган Гарри билан Невилль фақат икковлон таклиф қилинмагани аён бўлди. Шундай бўлса ҳам, Дивангарднинг қулоч ёзиб, кутиб олишига қараганда, Гарри купега ташриф буюрганлар орасида энг фахрий меҳмонга ўхшайди.

- О! Гарри, болагинам!

Ўрнидан ирғиб турган Дивангарднинг духобага ўралган катта қорни купеда қолган бўшлиқни тўлдирди-қўйди. Унинг ялтироқ тоз боши, кумуш тусли мўйлови ва нимчасидаги тилла тугмалар қуёш нурида ялтирамоқда.

- Сени боз кўрганимдан хурсандман! Ниҳоятда хурсандман! - хитоб қилди Дивангард, - Хўш, бу йигит эса тушунишим-ча, мистер Лонгботтом, шундайми?

Невилль кўрқа-писа бош ирғиди. Дивангард эшик яқинидаги иккита бўш ўринга имо қилди. Икковлон бир-бирига юзланиб ўтиргач, Гарри, яна кимлар таклиф қилинганини кўриш учун купега кўз югуртириб чиқди. Дуркун, ёноқлари кенг, кўзи ғилай ҳабаш слизеринчи тенгқурини таниди. Икки нафар нотаниш еттинчи синф ўқувчиси ва бурчакда, Дивангарднинг ёнида ўтирган Жиннани кўрди. Бечора қиз атрофга аланглаб, бу ерга нима сабабдан келиб қолганини англамай ўтирибди.

- Бир-бирингизни танийсизми? - сўради Дивангард Гарри билан Невиллдан, - Блейз Забини, у ҳам, сизлар каби, олтинчи синфда таҳсил кўради...

Гриффиндорчилар билан слизеринчилар азалдан бир-бирини ёқтирмагани боис, Забини ҳам, Гарри билан Невилль ҳам танишувни писанд қилмади.

- Бу йигит Кормак Маклагген, эҳтимол учрашгандирсиз?... Йўқ? Сочи дағал, жуссали Маклагген кўришган бўлиб, қўл силтаб қўйди. Гарри билан Невилль ҳам бош ирғиб қўйишди.

- Маркус Белби, билмадим, эҳтимол сизлар?...

Чўчиб ўтирган озғин Белби тишининг оқини базўр кўрсата олди.

- ... мана бу ҳуснли қиз эса сизларни анчадан буён танишини маълум қилди! - таништиришни ниҳоясига етказди Дивангард.

Унинг ортида ўтирган Жинна башара ясаб қўйди.

- Жуда соз! Сизлар билан яқиндан танишиш имкони туғилди. Ажойиб, - хуриллади Дивангард, астойдил жойлашиб, - Марҳамат, биттадан бўхча олиб, очинглар. Сафарга егулик тайёрлаб олдим. Поездда, агар хотирам панд бермаётган бўлса, фақат қизилмия таёқчалар сотилади холос. Ундай овқат эса кекса кишининг ошқозонига тўғри келмайди... Яхна қирғовул гўшtidан кетадими, Белби?

Сесканиб кетган Белби қўлига бир бўлак гўшт олди.

- Ёш Маркусга унинг амакиси Дамоклни ўқитиш шарафига муяссар бўлганимни эндигина айтиб турган эдим, - деди Дивангард, нон солинган саватчани Гарри билан Невиллга узатар экан, - Машҳур сеҳргар, хизматига яраша Мерлин ордени билан тақдирланган... Тез-тез кўришиб турасан-ми, Маркус?

Оғзи тўла гўшт Белби жавоб беришга шошилиб, тиқилиб қолди.

- Анапнео, - деди Дивангард, ранги қизариб кетган Белбига таёқчасини хотиржам ўқтаб.

- Йўқ... - жавоб берди кўзи ёшланиб кетган Маркус, бемалол нафас ола бошлагач, - Кам учрашамиз.

- Бу табиий, албатта,. Ахир у жуда банд-ку, шундайми? - сўради Дивангард, Белбига синовчан қараб, - Машаққатли меҳнат қилмаганда айиқтовон дамламасини ихтиро қила олмас эди ахир!

- Ҳа, шундай... - пўнғиллади Белби, янги саволлар берилишидан хавфсирагани учун бўлса керак, овқатланишни бас қилиб, - Бироқ дадам иккаласи унчалик чиқиша олишмагани боис, биз, умуман айтганда, бир-биримизни яхши танимаймиз...

Унинг сўзлари жавобсиз қолди. Дивангард совуқ кулиб қўйиб, энди Маклаггенга мурожаат қилди.

- Энди сен ҳақингда, Кормак. Тоғанг Тиберий билан тез-тез учрашиб туришинг менга тасодифан маълум бўлиб қолди. Унда иккалангиз понадум, яъни чўчка тусига кирадиган жин овида, афтидан Норфолкда тушган ажойиб фотосуратларинг бор экан.

- Ҳа, ғаройиб саргузашт бўлган эди, - жавоб берди Маклагген, - Биз билан Берти Хиггс ва Руфус Скримж ҳам боришган. Тўғри, ўша вақтда у сеҳргарлик вазири бўлмаган...

- Сен ҳали Берти билан Руфусни ҳам танийсанми? - яшнаб кетди Дивангард, сомса терилган патнисни меҳмонларга ва Белбини негадир қуруқ қолдирган тарзда узатиб, - Қани айт-чи менга...

Гаррининг шубҳаси тўғри бўлиб чиқди. Дивангард Жиннадан ташқари ҳаммани машҳур, нуфузли кишилар билан алоқадор бўлгани сабаб,

таклиф қилган. Маклаггендан сўнг, саволга тутилган Блейз Забинининг онаси, маълум бўлишича, соҳибжамоллиги ила машҳур бўлиб, Гаррининг фаҳмича, етти маротаба турмуш қурган ва ҳар бир эри мерос сифатида бир дунё олтин қолдирганча, сирли равишда ўлиб бораверган. Навбат Невиллга етиб келгач, суҳбат ўн дақиқача, лекин бироз ноқулай давом этди. Невиллнинг машҳур аврорлар сифатида танилган ота-онасини Беллатрикс Лестранг ўзининг бир жуфт малайлари билан бирга ақлдан озиб қолишгунга қадар қийноққа солингани меҳмонларга маълум қилинди. Суҳбат ниҳоясида, Гаррининг фаҳмича, Дивангард Невилль борасида бир тўхтамга келмади. Афтидан, Невилль ўз ота-онасининг истеъдодини мерос олган-олмаганини Дивангард ҳали англаб етмаган.

- Ана энди, - худди мавсумнинг доврўғи кетган кишисини таништирмоқчи бўлган конферансье каби, ўтирган жойида салмоқ билан бироз типирчилади Дивангард, - Гарри Поттер! Хўш, нимадан бошлаймиз? Ёз фаслидаги илк учрашувимизда, тафсилотлар билан юзаки танишиб чиқишгагина муваффақ бўлган эдим!

У маълум вақт Гаррига, худди йирик, ёғлигина қирғовулни томоша қилаётган каби, назар солиб турди-да, хитоб қилиб юборди:

- Мумтоз! Энди сени шундай деб аташадими?!

Гарри индамади. Белби, Маклагген ва Забини донг қотганча, Гаррига бақрайиб ўтиришибди.

- Ҳар йили ҳар гумон... - давом этди, Гарридан кўзини узмаган Дивангард, - Эсимда, ўша... м-м-м... машъум тунда... Лили... билан Жеймс... сен эса омон қолдинг... ўшанда ҳам, сенинг ғайриоддий қобилиятинг ҳақида миш-миш гап тарқаган эди...

Забини аста томоқ қириб, афтидан, истехзоли таҳайюрини ифода этмоқчи бўлди. Шу заҳоти, Дивангарднинг ортидан дарғазаб овоз эшитилди:

- Ҳа, албатта, Забини, ғайриоддий қобилият кўпроқ сенда шаклланган, у ҳам бўлса... қилиқ кўрсатиш!

- Ажабо! - кўнгилчанлик-ла қақиллади Дивангард, қорни ортида деярли кўринмай, Забинига еб қўйгудай ўқрайиб ўтирган Жинна томон ўгирилиб,

- Эҳтиёт бўлинг, Блейз! Купесининг ёнидан ўтаётганимда ушбу ёш леги тилсимни шошилмай, қойилмақом бажарганини кўрганингизда эди!

Ўрнингизда бўлсам, унга гап қайтаришга журъат этмаган бўлар эдим! Забини жавобан ўқрайиб қўйди.

- Энди, асосий мавзуга ўтсак, - деди Дивангард, Гаррига боз юзланиб, - Ёз давомида тарқаган анави, бир-биридан ваҳимали миш-миш гаплар.

Табиийки, киши нимага ишонишни билмай қолди, «Башорат-у, каромат газетаси» янглишишга мойил... Аммо бу масалада бирон-бир шубҳа йўқ: шунча гувоҳ! Вазирликда қандайдир ўта мудҳиш ҳодиса бўлиб ўтгани аниқ ва сен, ўша ҳодисада марказий ўрин тутгансан!

Гаррига сурбетлик-ла алдашдан бошқа чора қолмади, шу боис, у бош ирғиди-ю, индамай қўя қолди. Унга қараб ўтирган Дивангард яшнаб

кетди.

- Камтаринлигини қаранг! Дамблдор сени жуда яхши кўришининг ҳеч ҳам ажабланарли ери йўқ... Демак, сен, чиндан ҳам ўша ерда бўлгансан, шундайми? Қолган гаплар-чи? Айтайлик, анави шов-шув янгиликлар. Қайси бири рост-у, қайси бири ёлғон, ҳеч ким билмайди. Мисол учун, афсонавий башорат ҳақидаги гаплар...

- Башоратни эшитиш насиб қилмади бизга, - бидирлаб юборди Невилль, ёронгул каби қизариб кетиб.

- Тўғри, тасдиқлади Жинна, - Невилль иккаламиз ҳам, ўша ерда бўлганмиз. Мумтозлик борасидаги гап-сўзлар – «Башорат-у, каромат»нинг навбатдаги уйдирмаси.

- Шунақа денг? - катта қизиқиш-ла, кўз югуртирди Дивангард. Жинна билан Невилль, унинг кулимсираган нигоҳини мутлақо бепарво қарши олди.

- Ҳа... нима ҳам дер эдик... «Башорат-у, каромат газетаси» муболаға қилиб юборган ҳолатлар тез-тез учраб туради, - фикр билдирди Дивангард, ҳафсаласи бироз пир бўлиб, - Муҳтарама Гвеногнинг сўзлари... Жонс Гвеног, «Граальхедлик гарпиялар» сардорини назарда тутяпман, албатта, ҳеч эсимдан чиқмайди...

Дивангард чексиз хотираларга берилиб кетди. Невилль билан Жинна уни ишонтира олмагани, башорат мавзуси ҳали давом этишини Гарри фаҳмлаб етди.

Вақт ўтиб бормоқда. Дивангард эса, сўзларига қараганда, бари «Диван-клуб»га аъзо бўлганидан ўзини бахтиёр билган, бугунги кунда эса донгдор бўлиб кетган ўқувчилари ҳақида гапириб, жағи тинмади. Гарри чиқиб кетмоқчи бўлди-ю, мезбонни хафа қилишни истамди. Ниҳоят, поезд навбатдаги туман тўсиқни ёриб ўтиб, қизил шафақ томон йўл олгач, кўзи қамашган Дивангард атрофга аланглади.

- Қадрдонларим, кўп ўтмай, қош қораяди! Чироқ ёқилганини пайқамай қолибман! Кийим алиштирадиган вақтингиз бўлди чоғи! Маклагген, ёдингдан чиқмасин, сени понадумлар ҳақидаги китоб кутмоқда! Гарри, Блейз, сизлар ҳам ҳузуримга келиб туринг, марҳамат. Сизга ҳам тааллуқли бу гап, мисс, - деди у, Жиннага кўз қисиб, - Хўп, майли, бора қолинглар энди!

Забини Гаррининг ёнидан итариб-суриб ўтар экан, ваҳшиёна қараб ўтди. Гарри ҳам, шу тақлидда, фоиз қўшиб ўқрайиб қўйди-да, Жинна билан Невилль ҳамроҳлигида ним қоронғи йўлак бўйлаб Забинининг кетидан йўл олди.

- Хайрият-е, гапи тугади-я, - пўнғиллади Невилль, - Сал ғалатиноқ киши эканми?

- Шунақароқ, - маъқуллади Забинидан кўзини узмаган Гарри, - Жинна, сен қандай ўралашиб қолдинг унга?

- Хуффльпуффчи тентак Заккерайес Смит эсингиздами, ДА аъзоси

бўлган? - жавоб берди Жинна, - Ўшани сеҳрлаб қўйганимни кўриб қолди. Вазирликда нима бўлганини сўрайвериб, ҳид қилиб юборди. Жонимга теккач, охири суқи қўллаб юбордим. Шу пайт Дивангард кириб қолди. Тамом бўлдим, жарима солади, деб ўйлаган эдим, у эса тушликка таклиф қилиб ўтирибди! Томи жойида, деб ким айтади уни, шундан кейин, а? - Гўзал онанинг боласи бўлганинг учун таклиф қилинганингдан кўра, шу яхши, - фикр билдирди Гарри, кўзини қисиб олганча, Забини томон қараб, - Ёки нуфузли тоғанинг жияни...

Хаёлига ўй келган Гарри жим бўлиб қолди. Хавфли, албатта, лекин иш битадиган бўлса... Забини ҳозир олтинчи синфда ўқийдиган слизеринчилар купесига қайтади, у ерда эса Малфой ўтирибди. Синфдошларидан ташқари, яна кимдир унинг гапини тинглаётганини хаёлига ҳам келтирмайди... Агар Забинининг кетидан сездирмай кириб олса, кўп нарсаларни ойдинлаштириб олиши мумкин! Ташқарида кимсасиз манзара кўрина бошланганига қараганда, манзилга етишга кўп вақти қолмаган. Тахминан ярим соатдан ўтгач, Хогсмёд станциясига етиб борилади. Аммо, модомики, Гаррининг шубҳаларига ҳеч ким бовар қилмас экан, керакли далилларни ўзи қидириши керак бўлади... - Учрашгунча, - шивирлади Гарри, кўринмас плашини устига ташлаб. - Яна нимани?... - гап бошлади Невилль. - Кейин!

Гарри шовқин солмасликка уринганча, Блейзнинг кетида қува кетди. Умуман айтганда, поезд шундай тарақ-туриқ қилмоқдаки, бундай эҳтиёткорлик чораси ортиқча.

Ҳамма кийим алмаштиргани тарқагани боис, йўлак бўм-бўш. Гарри Забини билан деярли изма-из бораётган бўлса-да, купега бирга киришга улгурмай, бекилиб қолмаслиги учун, эшикни оёғи билан тутиб қолишга тўғри келди.

- Нима бўляпти ўзи? - дарғазаб вайсади Забини, эшикни, дастасидан тутиб, Гаррининг оёғига зарб берганча, силтаб.

Гарри куч билан туртиб, эшикни очиб юборди. Эшик дастасини маҳкам ушлаб олган Забини Грегори Гойлнинг тиззасига қулаб тушди. Купеда тартибсизлик қарор топган фурсатдан фойдаланган Гарри Забинининг бўш курсисига чиқиб, у ердан юк тоқчасига сакраб чиқди. Хайриятки, Забини билан Гойл бир-бири билан сўкишиб қолиб, ҳамма эътиборини уларга қаратди. Фурсатдан фойдаланган Гарри плаш остидан чиқиб қолган оёғини тез тортиб олди. Бироқ Малфой, унинг кроссовкасини кўриб қолгандай бўлди. Гойл сочи тўзғиб кетган Забинини устидан нари туртиб, жойига ўтқизиб қўйди-да, эшикни ёпди. Винсент Краббе ҳажвий комиксларини ўқишда давом этди, мурдор иржайиб ўтирган Малфой эса бошини боз Панси Паркинсоннинг тиззасига қўйиб, иккита курсини эгаллаганча, чўзилиб олди. Ноқулай ҳолатда қулала бўлиб ётган Гарри усти тўлиқ ёпилганига ишонч ҳосил қилгач, Малфойнинг силлиқ оқ сариқ

сочини мағрурланиб тўзғитаётган Пансининг иршайганини кўрди. Афтидан қиз, ҳамма унинг ўрнида бўлишини орзу қилади, деган хаёлга боради, шекилли. Шифтдан осилиб тушган фонуслар тебранганча, купени равшан ёритаётгани боис, остида ўтирган Краббенинг қўлидаги комиксда битилган ҳар бир сўз Гаррига аниқ кўринмоқда.

- Хўш, Забини, - гап бошлади Малфой, - Сендан нима керак бўлиб қолди, анави Дивангардга.

- Унга нуфузли, таниш-билишлари бор, ишини битириб берадиган донгдор одамлар керакка ўхшайди, - жавоб берди Забини, Гойлга ўқрайишини қўймай.

Малфойни, афтидан, ушбу хабар қувонтирмади.

- Яна кимларни таклиф қилибди? - талаб оҳангида сўради у.

- Гриффиндорчи Маклаггенни, - жавоб берди Забини.

- Ҳа, албатта, унинг тоғаси вазирликда катта лавозимни эгаллайди, - маълум қилди Малфой.

- «Равенкло»дан аллақандай Белбини...

- Бадбашара-ку, у! - хитоб қили Панси.

- ... Лонгботтомни, Поттерни ва анави қизалоқ Уэслини.

Малфой кутилмаганда Пансининг қўлини итариб, ётган жойига ўтириб олди.

- Лонгботтомни?

- Ўша ерга кириб борган экан, - совуқина елка қисиб қўйди Забини.

- Дивангардни нимаси билан қизиқтириб қолибди, у?

Забини боз елка қисди.

- Поттер, қимматли Поттер! Мумтоз болани яна бир бор кўрмай бўладими!

- киноя қилди Малфой, тишининг оқини кўрсатиб, - Уэсли-чи? У қиз нима каромат кўрсатибди?

- Болаларга ёқади у, - хириллаб қўйди Панси, Малфойга ўғринча қараб, - Ҳатто сенга ҳам, Блейз. Ҳаммага маълум-ку, қизларни яхши фарқлай билишинг!

- Менга қолса, тенги йўқ соҳибжамол бўлиб кетмайди-ми, - совуқ оҳангда жавоб қайтарди Забини, - Қўлимни ҳам теккизмаган бўлар эдим, ўша сотқинваччага.

Панси жавобдан мамнун бўлди. Малфой бошини боз унинг тиззасига қўйиб, сочини силлашга изн берган бўлди.

- Дивангарднинг диди бузуқлиги ёмон бўлибди, - хулоса қилди Малфой, - Эҳтимол бу қариллик туфайли намоён бўлаётган ақли заифликдир? Аттанг. Дадам уни ўз даврининг моҳир сеҳргарларидан бири бўлган, дер эди доим. Айтгандай, дадам билан доим қуюқ сўрашар эди, у. Мен ҳам поездда эканлигимни билмаган бўлса керак, акс ҳолда...

- Таклифига у қадар умид боғламасанг бўлади, - фикр билдирди Забини,

- Купесига киришим билан Ноттнинг отаси ҳақида сўради. Тушунишим-ча, улар илгари қалин дўст бўлишган. Вазирликда қўлга олинганини

айтганимдан сўнг, ҳафсаласи пир бўлиб, Ноттни купесига чақирмади. Шундай экан, Дивангард Ўлимдан мириқувчилар билан ўралашиб юришига шубҳа қиламан.

Малфой очикдан-очик аччиқланди-ю, бир илож қилиб, ғамнок мазах қилган бўлди:

- У нима исташи кимни қизиқтиради? Жўяли мулоҳаза юритиладиган бўлса, ким бўлиб қолибди ўзи у? - деди зўр-зўраки эснаб, - Арзимаган бир ўқитувчи. Эҳтимол келаси йил мактабга қайтмасман ҳам! Пишириб ейманми ўшанда, аллақандай семириб, ёғ босган чолнинг муҳаббатини. Кунни аллақачон битган унинг!

- Қанақасига энди келаси йил мактабга қайтмас экансан? - соч силашни бас қилиб, эътироз-ла овоз кўтарди Панси.

- Вазият тубдан ўзгариб кетиши мумкин, - иржайди Малфой, - Эҳтимол мени... м-м-м... нисбатан муҳим, шарафли ишлар кутаётгандир Юк тоқчасида ётган Гаррининг юрак уриши тезлашиб кетди. Рон билан Гермiona нима дейишган бўлар эди, бу гапни эшитиб? Краббе билан Гойл Малфойга бақрайиб қолишди. Афтидан, иккаласи, Малфойнинг нисбатан муҳим, шарафли ишларидан хабари йўқ кўринади. Ҳатто Забинининг калондимоғ юзи ҳам қизиқсиниш қиёфасини касб этди. Ҳеч нарсани фаҳламаган Панси эса Малфойнинг сочини силашга боз киришди.

- Сен... Уни назарда тутяпсан-ми?

Малфой елка қисиб қўйди.

- Ойим мактабни тамомлашим керак, деб ҳисоблайди, бироқ фикримча, бугунги кунда маълумотлилик киши учун у қадар катта аҳамиятга эга эмас. Айтмоқчиман-ки... Агар Ёвуз Лорд ҳокимиятга келадиган бўлса, одамлардан МОСДни сўрайди-ми? Йўқ, албатта... унга ким, қачон ва қандай хизмат қилганини сўрайди, содиқ қолганининг исбот-далилини талаб қилади...

- Ўйлайсан-ки, сен унинг манфаати йўлида бирон-бир каромат кўрсата оласан, шундайми? - пастга урди Забини, - Ўн олти ёшингда, олий маълумотга эга бўлмай туриб, а?

- Айтяпман-ку, сенга, менинг қандай маълумотга эгалгим уни қизиқтирмаслиги мумкин, деб. Эҳтимол, маълумот талаб этилмайдиган ишим керак бўлиб қолар, унга, - деди Малфой, овозини пасайтириб. Краббе билан Гойл худди бир жуфт аждар тусли тош илон каби, оғзини ланг очганча ўтиришибди. Тўлқинланиб кетган Панси эса Малфойга иззат-икромга тўлиб-тошган нигоҳ-ла, қараб қолди.

- Ана, «Хогварц» ҳам кўриниб қолди, - деди Малфой, одамларга кўрсатган таъсиридан ҳузур қилганча, дераза ортидаги қоронғиликка имо қилиб, - Кийим алмаштирадиган вақт бўлди.

Гарри Малфойни шу қадар диққат билан кузатиб ётган эдики, ўз сандиғини чангаллаган Гойл, уни пастга тортаётганини сезмай қолди.

Қўпол Гойлдан бошига қаттиқ зарба еган Гарри оғриқдан беихтиёр инграб юборди. Қошини чимириб олган Малфой шу заҳоти юк тоқчасига разм солди.

Кўзи оғриқнинг зўридан ёшланиб, боши ғурра бўлган Гарри Малфойдан кўрқмайди, лекин слизеринчилар уни фош этишларини истамайди. У астагина ҳаракат қилиб, сеҳрли таёқчасини қўлига олди-да, ҳамлага ҳозирланди. Афтидан, Малфой, унинг инграганини хаёлда эшитилган, деб ўйлади, шекилли, қолганлар каби, коржомасини бош орқали кийиб, сандиғини ёпди, поезд тезлиги пастлаб, силтана бошлаганда қалин матодан тайёрланган сафар плашининг ёқасини қадади.

Йўлак одамга тўлди. Нарсаларимни платформага олиб чиқишга Рон билан Гермионанинг ақли етар, хаёлдан ўтказди Гарри, бу ердан ҳали-бери чиқиб кета олмаслигини англаб. Поезд сўнгги бор силтаниб, ниҳоят тўхтади. Эшикни куч-ла четга сурган Гойл тирсаги билан иккинчи синф ўқувчиларини нари итарганча, чиқиш томон ўзига йўл оча кетди. Краббе билан Забини унинг кетидан эргашди.

- Сен боравер, - амр этди Малфой, умид-ла қўл узатиб турган Пансига, - Нарсаларимни яна бир бор кўздан кечириб чиқишим керак.

Панси чиқиб кетгач, купеда Малфой билан Гарри танҳо қолишди. Купе ёнидан ўтаётган ўқувчилар тўдаси қоронғи платформага тушиб кетишмоқда. Йўлакдагилар ичкарини кўрмаслиги учун Малфой эшик пардасини тушириб қўйди-да, энгашиб, сандиғини очди.

Юраги гурсиллаб ураётган Гарри кўзини катта очиб қараб ётибди.

Пансига кўрсатишни истамаган нарсаси нима экан ўзи? Балки таъмирдан чиқарилиши керак бўлган ўша буюмдир?

- Петрификус Тоталус!

Кутилмаганда сеҳрли таёқчасини ўқтаб, тўлиқ Тана-бинт афсунини қўллаб юборган Малфой Гаррини ҳаракатсизлантириб қўйди. Гарри юк тоқчасидан аста сирпаниб, Малфойнинг оёғи остига гурсиллаб тушди. Кўринмас плаш очилиб, полда, бармоғини ҳам қимирлата олмай, беўхшов акашак бўлганча, Малфойга қараб ётган Гарри кўринди.

- Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим, - музаффарият-ла иржайди Малфой, - Сандиқ еганингни эшитдим. Забини қайтганда эса ҳавода оқ нарса кўрингандай бўлди, - деди у, Гаррининг кроссовкасига қараб, - Эшикни ушлаб турган сен экансан-да, а?

Малфой бироз ўйланиб қолди.

- Умуман айтганда, Поттер, бирон-бир арзигулик гап эшита олганинг йўқ. Модомики, қўлимга тушган экансан...

Малфой оёғини Гаррининг юзига босиб, бор кучи билан эзди. Гарри бурни синиб, атрофга қон сачраганини ҳис этди.

- Бу дадам учун. Энди эса...

У Гаррининг остидан кўринмас плашни тортиб чиқариб, устига ташлади.

- Поезд Лондонга етиб боргунга қадар биров сени топа олишига шубҳа

қиламан, - деди Малфой овозини пасайтириб, - Кўришгунча, Поттер....
эҳтимол кўришмасмиз ҳам.

Малфой Гаррининг бармоқларини эзишни унутмаган ҳолда, купени тарк этди.

VIII БОБ. СНЕГНИНГ ХУРСАНДЧИЛИГИ

Бурни қонаб, иссиқ, елимшак қон юзидан оқиб тушаётганини ҳис этаётган Гарри, вагон йўлагидан ўтаётган одамлар овози ва дупур-дупур қадам товушини эшитганча, кўринмас плаши остида қилт эта олмай ётибди. Поезд Лондонга қайтиб кетишидан олдин, кимдир купеларни текшириб чиқиши керак-ку, хаёлдан ўтказди Гарри. Бироқ биров кириб, уни яна босиб олгунга қадар кўринмаслиги, овози эшитилмаслигини англаб, юраги орқага тортиб кетди.

Очиқ қолган оғзи қонга тўлиб бораётган Гарри косасига онтариб қўйилган ночор тошбақага ўхшаб ётганча, Малфойдан нафратланиб, бундай аҳмоқона аҳволга ўз айби билан тушгани учун ўзини ўзи койимокда. Узоқда эшитилган сўнгги қадам товуши ҳам тинди. Ҳамма қоронғи платформага тушиб, сандиқ тортганча, баланд гаплашиб юрибди. Рон билан Гермiona уни аллақачон тушиб кетган бўлса керак, деган хаёлга боришгани аниқ. Фақат «Хогварц»да, гриффиндорчилар столи атрофида ўтириб, у ёқ, бу ёққа аланглашгач, Гаррининг йўқлигини фаҳмлашади-ю, кеч бўлади. Ўша пайтга келиб, Гарри, Лондонга қайтиш йўлининг қарийб ярмига етиб қолади.

Гарри инграшга уриниб кўрди-ю, бўлмади. Сўнг, айримлар, мисол учун, Дамблдор, сеҳр-жоду ижросини овоз чиқармай амалга оширишини эслаб, кўлидан чиқиб кетган сеҳрли таёқчасини чақиришга уриниб кўрди: «Ассио таёқча!», «Ассио таёқча!». Афсуски, бу ҳам кор бермади. Қулоғига кўл бўйидаги дарахт баргларининг шитирлаши, бойқушнинг гурсиллагани эшитилгандай бўлди, лекин ўша товушлар орасида: «Гарри Поттер қани?», - дея чўчиб берилган савол эшитилмади. Гарри бундай умидворлик учун ўзини ёмон кўриб кетди. Тестралларга қўшилган аравалар қатори гумбур-гумбур қилиб, мактабга яқин боргани-ю, улардан бирида астойдил жойлашиб олган Малфой, қандай қилиб Поттерни бир ёқли қилганини айтиб берганча, ҳамтовоқларини, ичаклари оғригудай даражада кулдириб кетаётганини тасаввур қилиб, иложсиз қолганидан хўрлиги келди.

Поезд дафъатан силтаниб, Гаррини ёнбошига ағанатди. Энди у шифтга эмас курси остидаги чанг қоплаган полга қараб ётибди. Зириллаётган пол поезд двигатели ишга туширилганидан далолат бермоқда. «Хогварц-Экспресс» ортки йўналишга йўл олди, Гарри ҳанузгача поездда эканлиги

ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келгани йўқ...

Кимдир кутилмаганда унинг устидаги кўринмас плашни очди.

- Салом, Гарри, - эшитилди таниш овоз.

Қизил яшин чақнаб, Гаррининг танаси бўшашди. Энди у сал бўлса ҳам, муносиб ҳолатни эгаллаб олди: ётган ўрнига ўтириб, пачоқланган юзидаги қонни кафтининг орқаси билан артгач, бошини кўтариб, кўлида кўринмас плашни ушлаб турган Бомсга қаради.

- Тезроқ, - деди қиз, - Тур ўрнингдан, сакраб тушишга улгурамиз.

Поезд чиқараётган паға-паға буғдан купе ойнаси терчилашга улгурган.

Бомс вагон эшигини очиб, ўрмалаётгандай кўринган платформага сакради. Қизнинг ортидан шошиб эргашган Гарри ҳам сакраб, бироз қоқилганча ерга тушгач, оёқда тик қолиб, поезднинг муюлиш ортига ўтиб кетганини кўришга улгуриб қолди.

Туннинг совуқ ҳавоси оғриқдан лўқиллаётган бурнига хуш ёқди. Сўз айтмай қараб турган Бомс кўлидаги кўринмас плашни Гаррига узатди.

Бундай ноқулай ҳолатда топилганини ўйлаётган Гаррининг зардаси баттар қайнамоқда.

- Ким?

- Драко Малфой, - кескин оҳангда жавоб берди Гарри, - Раҳмат...

- Арзимаиди, - деди юзи жиддий қиёфа касб этганча қолган Бомс.

Гарчи Гарри қоронғида яхши кўрмаётган бўлса-да, қизнинг юзи, худди ёз бошида кўрингандай, рангпарлигини сақлаб қолганини ҳис этди.

- Истасанг, бурнингни тўғрилаб, ўз ҳолатига келтириб қўйишим мумкин. Фақат бир пас тек турсанг бўлди.

Гарри даволаниш бобида мактаб фельдшери Помфри хонимга кўпроқ ишонч билдириши боис, қизнинг таклифига шубҳа ила қаради. Бироқ бу ҳақда гапиришни ноўрин билиб, кўзини чирт юмганча, тек қотди.

- Эпискей, - деди Бомс.

Гарри дастлаб қизиб кетган, сўнг, муздай бўлиб қолган бурнини ушлаб кўрди.

- Катта раҳмат, - миннатдорлик билдирди у, бурни жойига тушганига ишонч ҳосил қилгач.

- Плашингни ташлаб ол, пиёда борамиз, - деди бирор маротаба бўлсин, илжаймаган Бомс, таёқча силтаб.

Таёқча учидан кумуш тусли, тўрт оёқли йирик жонзод учиб чиқиб, шу заҳоти қоронғиликда ғойиб бўлди.

- Ҳимоячингми? - сўради Гарри, устига плашини ташлар экан, Дамблдор ҳам худди шу тариқа хабар йўллаганини эслаб.

- Ҳа. Қасрдагилар хавотир бўлмаслиги учун сен мен билан эканлигинг ҳақида хабар бериб қўйган маъқул.

Икковлон мактабга олиб борадиган йўл бўйлаб одимлай кетишди.

- Мени қандай топиб олдинг?

- Поезддан чиқмаганингни фаҳмлагач, плашинг борлигини эсладим.

Демак, бекинишга мажбур бўлгансан. Шундан сўнг, купелардан бирининг пардаси тортиб қўйилганини кўриб, кириб кўришга аҳд қилдим.

- Бу ерда нима иш қилиб юрган эдинг, ўзи?
- Мактаб муҳофазасини кучайтириш учун Хогсмедга йўлланганман.
- Якка ўзингни-ми ёки?...
- Шагмарш, Дикарс ва Давлишни ҳам.
- Ўтган йили Дамблдор билан жанг қилмоқчи бўлган Давлиш-ми?
- Худди ўша.

Иккаласи аравалар қолдирган янги из бўйлаб йўл олишди. Гарри кўз қири билан онда-сонда Бомсга қараб борди. Ўтган йили у жуда қизиқувчан бўлиб, баъзан жонга тегар, жуда кўп кулар, ҳазил-мутойиба қилар эди. Энди эса худди кескин улғайиб, жиддийлашиб қолгандай. Вазирликда ўтган ҳодиса туфайлими? Гарри Гермионанинг таклифини, хусусан, Бомс билан гаплашиб, Сириуснинг ўлимида у айбдор эмаслигини айтиб, кўнглини кўтариш кераклигини эсга олди. Бироқ Гарри, ушбу мавзуда гап очиш борасида ўзини мажбур қила олмади. Сириуснинг ўлимида ўзини айбласа айблар-у, лекин Бомсни ҳам, бошқа бировни ҳам айблагани йўқ. Фақат Сириус тўғрисидаги мавзуни заруратсиз очишни ёқтирмайди, холос. Бинобарин, улар сукут сақлаб кетишмоқда. Ҳаво совуқ, атроф жим-жит, фақат Бомснинг эгнидаги плаш этаги ерда судралиб, шитирламоқда.

Илгари мактабга аравада борган Гарри «Хогварц»нинг бу қадар узоқлигини тасаввур қилмаган экан. Ниҳоят, узоқда данғиллама чўян дарвозанинг икки ёнида қад кўтарган тош устунларнинг тепа қисмини бежаб турадиган қанотли тўнғизларнинг ҳайкаллари кўринди. Совқотиб, қорни очқаган Гарри янги, камгап Бомсдан тезроқ қутулмоқчи бўлиб, дарвозани очиш учун қўл узатди. Бироқ дарвоза қулф.

- Аллоомора! - деди у, сеҳрли таёқчасини осма қулфга ўқтаб.

Негадир афсун кор бермади.

- Бундай афсун билан очилмайди у, - деди Бомс, - Уни Дамблдорнинг ўзи сеҳрлаган.

- Мен панжарани ошиб ўтишим мумкин, - таклиф киритди Гарри атрофга аланглаб.

- Ўта олмайсан, - жавоб берди Бомс, ифодасиз оҳангда, - Панжара ҳам сеҳрланган. Ёз давомида хавфсизлик чоралари юз чандон оширилган.

Бомс Гаррининг кўзига худди атайин ёрдам беришни истамаётган одамдай кўриниб, жаҳли чиқа бошлади.

- Демак тонг отгунга қадар шу ерда ўтираман, - пўнғиллади у.

- Сени олиб кетгани келишяпти. Ана қара, - имо қилди Бомс.

Узоқда, қаср бўсағасида кичкинагина оловча дадил милтиллаганча, одимлаб келаётгани кўринди. Гарри хурсанд бўлганидан, Аргус Филчдан чўчишни хаёлига ҳам келтирмади. Мактаб назоратчиси Гаррини кеч қолгани учун койиши, шундан сўнг, бош бармоқни гирада сиқиш жазоси

мунтазам қўллаб борилса, ўқувчилар табиатида кечикмаслик кўникмаси шаклланишига омил бўлиши ҳақида ҳансираб вайсаши турган гап, албатта. Лекин бунинг аҳамияти йўқ энди. Фонус ўн футга яқин келганида Гарри эгнидаги кўринмас плашни ечиб, уни олиб кетгани Филч эмас узун ёғли сочи орасида ёришиб кўринаётган қирғий бурунли лаънати Северус Снегг келганини кўрди.

- Хўш, - заҳарханда қилди Снегг, сеҳрли таёқчасини чиқарганча, қулфга теккизиб.

Йирик занжир нари ўрмалаб, дарвоза очилди.

- Ташриф буюриб, бизга эҳтиром кўрсатганинг яхши бўлибди, Поттер. Мактаб кийими одамлар эътиборини ғайриоддий қиёфангдан чалғитади, деган хаёлга борганга ўхшайсан, шекилли, а?

- Кийимимни алиштира оладиган ҳолатда эмас эдим, мен... - тушунтириш бермоқчи бўлди Гарри, аммо Снегг унинг сўзларига қулоқ тутмади.

- Кутишга ҳожат йўқ, Нимфадора. Поттер мен билан экан, унга... э-м-м... жин ҳам урмайди.

- Менинг хабарим Хагридга йўлланган эди, - қошини чимирди Бомс.

- Хагрид ҳам, бизнинг ёш дўстимиз Поттер каби, зиёфатга кечикяпти. Шу боис, хабаринг менга етди. Ҳа, айтгандек, - қўшимча қилди Снегг, бироз чекинганча, Гаррини ичкарига киритиб, - Янги Ҳимоячингни кўрдим. У дарвозани қарсиллатганча ёпиб, таёқчасини боз ишга солди. Занжир ўрмалаб келиб, дарвоза зулфини ўраб олди.

- Назаримда, илгариги Ҳимоячинг яхшироқ эди, - ичиқоралигини яширмай иржайди Снегг, - Янгиси қандайдир нимжон экан.

Снегг қаср томон ўгирилар экан, қўлидаги фонуси Бомснинг ғазаб ва ҳаяжон уйғунлашиб кетган юзини ёритди. Гарри Снегг билан ёнма-ён юриб, мактаб томон одимлай кетди ва кескин ортга бурилиб, қичқирди:

- Учрашгунча, Бомс! Раҳмат... қилган яхшилигинг учун.

- Учрашгунча, Гарри.

Снегг бир-икки дақиқа индамай юрди. Гарри ундан шу қадар нафратланар эдики, Снегг буни нима учун ҳис этмаганига таажжубланади. Бу касни илк бор учратган фурсатдан ёмон кўриб қолган. Сириусга бўлган муносабатини кўргач эса, одам қатори қўшмай қўйди. Дамблдор нима деса, десин-у, Гарри бутун ёз давомида атрофлича ўйлаб кўриб, Сириуснинг бошини Снегг егани ҳақида хулоса чиқарди. Унинг заҳардай пичинглари, жамики Қақнус Ордени Вольдемортга қарши кураш олиб бораётган бир вақтда Сириус ўз уйида писиб ўтиргани ҳақидаги таъналари тақдирни ҳал этар даражада таъсир ўтказди. Оқибатда, ўртоқларига ёрдам қўлини узатганча, вазирликка етиб келган Сириус ҳалок бўлди. Бундай хулоса Гаррига бор айбни Снеггнинг гарданига юклашга маънан ҳуқуқ бериб, табиийки, қайсидир маънода хурсанд ҳам қилди. Шуниси аниқки, агар бу ёруғ оламда Сириуснинг ўлиб кетганига зиғирдай бўлсин, ачинмайдиган одам бўлса, ўша одам айна

вақтда зулматда, Гаррининг ёнида одимлаб бормоқда.

- Фикримча, кеч қолганинг учун «Гриффиндор»дан эллик балл айириш керак, - сукунатни бузди Снегг, - Ва яна йигирма баллни мактабга маглар кийимида келганинг учун. Семестр бошида бирон-бир коллеж бунча балл йўқотганини ҳеч эслай олмайман. Халқ ҳали пудингни кўришга улгургани йўқ. Шубҳа йўқ-ки, бу билан сен рекорд қўйишга муваффақ бўлдинг, Поттер.

Гаррининг ғазаби роса қайнади, бироқ... нима сабабдан кечикканига иқрор бўлгандан кўра, поездда фалаж ҳолатда қолиб, Лондонга қайтгани маъқул эди.

- Одатдагидек, мактабга, шов-шув кўтариб пайдо бўлишни кўзлагансанда, а? Ҳа, тушунаман, - давом этди Снегг, - Учар автомобиль топилмагач, зиёфатга шу ҳолатда кириб боришга аҳд қилгансан.

Гарри, гарчи кўкрак қафаси ёрилиб кетишидан жиддий хавфсираётган бўлса-да, жавоб қайтариб юбормаслик учун борки кучини сафарбар этди. У бир нарсани аниқ билади: Снегг, гувоҳларсиз маза қилиб хўрлаб олиш учун атайин ўзи чиққан

Ниҳоят иккаласи қасрнинг улкан эман эшигига етиб келди. Эшик ланг очилиб, полига тош ётқизилган кенг вестибюль кўринди. Катта Залдан ўқувчиларнинг қизгин суҳбати, қаҳқаҳа, итиш-товоқ жарангги эшитилмоқда. Гаррининг хаёлига кўринмас плашини устига ташлаб олиб, гриффиндорчилар столига ҳеч кимга сездирмай етиб бориш ўйи келди-ю, аммо Снегг, худди унинг фикрини ўқиб олгандай, ман этди:

- Плашни ҳаёлингга ҳам келтирма, Поттер. Кепатангни ҳамма кўриши керак, ахир сен ўзинг шуни хоҳлагансан-ку.

Гарри турган жойида шартта бурилди-да, Катта Залга шахдам қадам ташлади: нима бўлса бўлар, манави Снеггдан тезроқ қутулса бўлгани. Одатдагидек, узун столлар узра, минглаб шамлар ҳавода муаллақ осилган бўлиб, таралаётган шуъладан дастурхонга терилган идишлар чиройли ялтираб кўринмоқда. Бироқ буларнинг бари тез одимлаб бораётган Гаррининг кўзига ёришаётган битта доғ каби кўринмоқда. У шунчалик тез юрмоқдаки, хуффльпуффчилар таниб қолгунга қадар ёнларидан ўтиб кетишга улгурди. Таниб, оёққа қалқиб туришганда эса Гарри Рон билан Гермионани қидириб топиб, курсилар орасидан ўқдай учиб ўтганча, иккаласининг орасига суқилиб кирди.

- Қаерда санқиб... жин урсин, юзингга нима қилди? - сўради Рон, кўзини, атрофда бақрайиб қолганларнинг кўзидай катта очиб.

- Юзимга нима қилибди?

Гарри қошиқни чангаллаб, кўзини қисиб олганча, ўзининг қийшиқ аксига қаради.

- Афт-ангоринг қонга беланиб кетибди! - бақриб берди Гермиона, - Қани, бурил-чи...

- Тержено! - деди қиз сеҳрли таёқчасини қўлига олиб, кўтарганча.

Гаррининг устидаги қуришиб қолган қон ғойиб бўлди.

- Раҳмат, - миннатдорлик билдирди Гарри, тозаланган юзини пайпаслаб,
- Бурним-чи, жойидами?

- Жойида. Унга нима қилган эди? - хавотирланди Гермиона, - Гарри, тинчликми ўзи, нима бўлди? Сени йўқотиб қўйиб, ақдан озиб қолай дедик!

- Кейин, кейин айтиб бераман, - деди Гарри, Жинна, Невилль, Дин ва Симуснинг диққат билан қулоқ тутиб ўтиргани ва ҳатто «Гриффиндор» коллежининг арвоҳи Деярли Бошсиз Никнинг яқинроқ сузиб келганини кўриб.

- Лекин... - эътироз билдирди Гермиона.

- Ҳозир эмас, - қатъий ва маънодор оҳангда рад этди Гарри.

Ҳамма қаҳрамонлик намоён этилган, бир жуфт Ўлимдан мириқувчи ва кам деганда бирорта дементор билан боғлиқ аллақандай мураккаб вазиятдан чиқа олганим ҳақида ўйлагани маъқул, хаёлдан ўтказди Гарри, Малфой ўз қаҳрамонлиги ҳақида жар солишни кечга қолдирмайди, албатта, бироқ ўша миш-миш гаплар аксарият гриффиндорчиларга ҳали етиб келмаганига умид боғласа бўлади-ку.

Гарри Роннинг ликопидан бир жуфт товуқ сони билан бир сиқим фри усулида қовурилган картошкани тортиб олди-ю, оғзига солишга улгурмади. Дастурхонга узатилган таомлар ғойиб бўлди. Энди уларнинг ўрнига турли-туман ширинликлар пайдо бўлди. Рон шу заҳоти шоколадли печеньегга қўл узатди.

- Нима бўлган тақдирда ҳам, саралаш таомилини ўтказиб юбординг, - деди Гермиона.

- Сараловчи шляпа бирон-бир қизиқ маълумот берди-ми? - қизиқди Гарри, қуюқ шиннили торт бўлагини олиб.

- Йўқ, ўша ҳаммом, ўша тос... ғанимга қарши бирлашишни насиҳат қилди.

- Дамблдор-чи, Вольдеморт ҳақида бирон нима деди-ми?

- Ҳозирча йўқ. У асосий нутқини ҳамма овқатланиб бўлганидан сўнг ўқийди. Оз қолди.

- Снегг Хагриднинг зиёфатга кечикканини айтган эди...

- Снеггни учратдинг-ми? Қаерда? - сўради Рон, эс-ҳушини йўқотиб қўяр даражада печенье ғажиб.

- Бехос рўбару келиб қолдим, - муҳмал жавоб берди Гарри.

- Хагрид атиги икки-уч дақиқага кечикди холос, - маълум қилди Гермиона, - Ана у, сенга қўл силтаяпти.

Гарри Мўътабар стол томон ўгирилиб, чиндан ҳам қўл силтаётган, ўзини, мисол учун, «Гриффиндор» коллежининг мудирини профессор Макгонагалл каби вазмин, обрў сақлаб тутишни ҳеч ўргана олмаган Хагридга қараб, кулиб қўйди. Бошининг қоқ учи Хагриднинг тирсагидан сал кўтарилиб турган профессор Макгонагалл баҳайбат қўшнисининг хулқидан мамнун эмаслиги билиниб турибди. Хагриднинг бу ёнида ўтирган башорат фани

Ўқитувчиси профессор Сибилла Треланини кўрган Гарри биров ажабланди. Ушбу ўқитувчи минорада жойлашган хонасини камдан-кам ҳолларда тарк этади, ўқув йили бошланиши муносабати билан уюштирилдиган бундай зиёфатларда эса уни ҳеч қачон кўрмаган. Йирик кўзойнаги орқали кўзи ақлга тўғри келмайдиган даражада катта кўринадиган ушбу соҳибқаромат аёл елкасига қават-қават шолрўмол ташлаб, бўйнига бир дунё ялтироқ маржон шодаларини осиб олганча, одатдагидек, бемаъни қиёфа касб этиб олган. Гарри доимо Треланини лўттивоз, деб билган. Айниқса, айнан шу аёлнинг башорати оиласининг бошига кўп кулфат келтирганини ўтган ўқув йили якунида билгач, ундан шу қадар қаттиқ ғазабланган-ки, кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ. Хайриятки, бу йил башорат фанидан қутулди. Профессор Трелани ўзининг маёқ машъаласидай келадиган кўзини Гаррига қаратди. Гарри шу заҳоти тескари ўгирилиб, нигоҳи Малфойга тушди. Ҳеч шубҳа йўқ-ки, Малфой Гаррини бир ёқли қилганини айтиб бермоқда. Слизеринчилар кулгидан ўлар ҳолатга келиб, ўзларини тута олмай қарсак чалишмоқда. Гарри нигоҳини тез тортга олиб ўтди. Унинг ичи ўт олгандай қизиб кетмоқда. Малфой билан танҳо қолиб, гаплашиб олиш учун ҳозир у ҳар нарсасини беришга тайёр.

- Профессор Дивангардга нима керак экан ўзи? - сўради Гермиона.

- Вазирликда аслида нима бўлганини билмоқчи бўлган экан, - жавоб берди Гарри.

- Бунинг тагига етишни ёлғиз угина истаётгани йўқ, - пишқириб қўйди Гермиона, - Поездда саволга кўпиб ташлашди бизни, а, Рон?

- Ҳа, - тасдиқлади Рон, - Сен чиндан ҳам мумтоз эканлигингни ҳамма билмоқчи.

- Ҳатто биз арвоҳлар орасида ҳам, ушбу масала муҳокама қилинмоқда, - маълум қилди Деярли Бошсиз Ник, қат-қат бурмали ёқаси устида базўр илиниб турган бошини Гаррининг устида ишонч-ла эгиб, - Улар мени Гарри Поттер масаласи бўйича ўзига хос эксперт, деб билишмоқда. Зеро, иккаламиз дўст эканлигимиз, арвоҳлар оламида маълум. Бироқ мен савол ёғдириб, сени мушкул аҳволга солишдан мутлақо бош тортдим. «Сир сақлай билишимни Гарри Поттер жуда яхши билади. Ўлсам ўламан-ки, унинг ишончига хиёнат қилмайман», дедим уларга.

- Даҳшатли таҳдид, - таъкидлаб қўйди Рон, - Айниқса, сен, шундоқ ҳам ўлганинг инобатга олинадиган бўлса.

- Ҳазилларинг доимо ўтмас болта каби ёқимли эшитилади, - хафа бўлди Деярли Бошсиз Ник, курси узра кўтарилганча, гриффиндорчилар столининг нариги боши томон учиб. Айни шу пайтда Дамблдор ўрнидан турди. Кулги ва суҳбатлар тиниб, Катта Залда сув сепгандай сукунат қарор топди.

- Хайрли оқшом, дўстлар! - гап бошлади Дамблдор, қўлини икки томон, худди бутун зални қучиб олмоқчи бўлгандай, узатиб.

- Қўлига нима қилди?! - оҳ уриб юборди Гермiona.

Дамблдорнинг ўнг қўли қорайиб кетганини фақат Гермiona эмас ҳамма пайқаган кўринади, Катта Залда пичир-пичир бошланди. Нима гаплигини фаҳмлаган Дамблдор тилла тусли бинафша ранг енгини силтаб мажруҳ қўлини бекитганча, кулиб қўйди.

- Арзимаган жароҳат, эътибор қаратманг, - деди у, бепарво оҳангда, - Хўш, энди... Янги келганларни хуш келибсиз дея, эски қадрдонларни эса боз юз кўришганимиздан хурсандмиз, дея қарши оламиз! Олдинда ҳаммамизни сеҳрли билимлардан воқиф қиладиган янги ўқув йили кутмоқда...

- Ёзда ҳам қўли шунақа эди, шивирлади Гарри Гермionaга, - Ўзи ёки лоақал Помфри хоним даволаган бўлса керак, деб ўйлаган эдим.

- Жонсиздай кўринади, - даҳшат оҳангида жавоб қайтарди Гермiona, - Қадимий қарғишлар таъсирида юзага келиб, даволаб бўлмайдиган жароҳатлар шунақа бўлади... яна шундай заҳар турлари борки, уларга қарши зидди-заҳар ҳали ўйлаб топилмаган...

- ... мактабимиз назоратчиси мистер Филч «Уэслиларнинг ажойиб ультрафокуслари» кулгили моллар дўконидан харид қилинган ҳар қандай мол мутлақо ман этилганини қўшимча равишда сизларга етказиб қўйишни мендан илтимос қилди... квидиш жамоаларига ёзилиш истагини билдирганлар ўз коллежларининг мудирларига мурожаат қилишлари мумкин. Бу, ўйин шарҳловчиларига ҳам тегишли. Биз шарҳловчилар танловини ҳам эълон қилганмиз... Бундан ташқари, сизларни катта қувонч-ла, янги ўқитувчимиз профессор Дивангард билан таништираман. Кал бошида шам шуъласи акс этаётган танаси йўғон Дивангард ўрнидан туриб, нимчаси таранг тортилиб турган қорни билан стол устида кўланка ҳосил қилди.

- Менинг эски ҳамкасбим, - давом этди Дамблдор, - Ўзининг олдинги, сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани ўқитувчиси лавозими эгаллашга розилик берди.

- Сеҳрли дамламалар?

- Дамламалар тайёрлаш?

Катта Залда акс-садо кўтарилди. Ўқувчилар ҳозиргина, ўз қулоғи билан эшитган эълонга бовар қилишмади.

- Сеҳрли дамламалар тайёрлаш? - баравар қайтаришди Рон билан Гермiona, Гаррига юзланиб, - Ахир сен ўзинг айтган эдинг-ку...

- Ёвузлик кучидан ҳимоя фани ўқитувчиси лавозимини эса, - овоз кўтаришга мажбур бўлди Дамблдор, залдаги шовқинни босиш учун, - Профессор Снегг эгаллайди.

- Йўқ! - баланд бақариб юборди Гарри, ҳамманинг эътиборини ўзига қаратиб.

Бироқ ўқитувчилар столи томон эътироз-ла ўқрайиб ўтирган Гаррига ҳозир бунинг аҳамияти йўқ. Демак Снегг бари-бир эришибди-да, зориқиб

кутган мақсадига? Қандай қилиб? Нима учун? Кўп йиллардан буён Дамблдор унга етарлича ишонч билдирмайди, дея эътироф этилар эди. Энди-чи... кутилмаганда?...

- Ахир... Гарри, ўзинг айтган эдинг-ку, Дивангард ёвузлик кучидан ҳимоя фанидан дарс беради, деб! - хитоб қилди Гермиона.

- Мен шундай хаёлга борган эдим!

Гарри хотирасини талвасалаганча, титкилаб, бу масалада Дамблдор бирон нима дегани, умуман айтганда, Дивангард қайси фандан дарс беришини тилга олганини эслай олмади.

Дамблдорнинг ўнг томонда ўтирган Снегг, ўз исмини эшитиб, ўрнида қолганча, слизеринчиларнинг гулдурос қарсақларини босиш учун қўлини эринчоқлик-ла, бироз кўтариб қўйди. Гарри нафратланадиган ушбу башарада тантана қиёфасини кўрди.

- Ҳар ёмоннинг бир яхшилиги бўлади, - йиртқич оҳанг-ла, вишиллади у, - Келаси ўқув йилида Снегг бўлмайди.

- Нега энди бўлмас экан? - тушунмади Рон.

- Бу лавозим қарғиш-ла, сеҳрлаб қўйилган. Эсингдами, Хагриднинг сўзлари: «Фалокатга олиб борадиган бўлмағур иш бўлганидан кейин, бундай лавозимга номзод топишнинг ўзи бўладими? Ушбу лавозим сеҳрлаб қўйилган деган фикр ҳам йўқ эмас. Чиндан ҳам, агар жўялироқ мулоҳаза юритилса, ким танийди, ўша лавозимда бир йилдан ортиқ ишлаган ўқитувчини?», - деган эди. Белка ўлди. Шахсан мен, улардан яна бири асфаласофилингга равона бўлишига қарши эмасман.

- Гарри! - ўпка-гина қилди Гермиона.

- Эҳтимол у, вақт ўтиб, боз сеҳрли дамламалар билан шуғулланар, - жўяли эътироз билдирди Рон, - Анави нусха, Дивангард, бу ерда узоқ ушланиб қолишни истамас, балким, а? Хмури истамас-ку.

Дамблдор томоқ қириб қўйди. Катта Залда фақат Гарри, Рон ва Гермионагина гаплашиб ўтиргани йўқ. Снеггнинг эзгу орзуси ниҳоят ушалгани ҳақидаги хабар ҳаммани ҳайратга солди. Жамики Катта Зал ҳаяжон-ла ғўнғилламоқда. Аммо Дамблдор бундай ҳолатни сезмагандай тутмоқда ўзини. У мактаб ҳаётида рўй берган фантастик ўзгаришлар ҳақида бошқа бирон сўз айтмади, мутлақ сукунат чўкишини бир неча сония кутиб, сўзини давом этди:

- Энди бошқа масалага ўтамиз. Ўйлайман-ки, Лорд Вольдеморт ва унинг тарафдорлари бош кўтариб, шиддат-ла куч тўплаётгани сизга яхши маълум.

Залдаги сукунат гўё камоннинг таранг тортилган ипи каби, жаранглаб кетди. Гарри нигоҳини Малфойга олиб ўтиб, эътиборини Дамблдорга қаратишни лойиқ топмаган Малфой сеҳрли таёқча воситасида санчқини ҳавода муаллақ тутиб турганини кўрди.

- Юзага келган бугунги вазият нақадар хавфли эканлиги, хавфсизликни таъминлаш масаласи қанчалик жиддий аҳамият касб этаётгани, бу борада

фақат ўзимиз, яъни ўқувчилар-у ўқитувчилар қайғуришимиз кераклигини ифода этиб берадиган сўз топилиши қийин. Ёз фаслида қасримизнинг сеҳрли муҳофазаси янги, янада қудратли тилсимлар қўлланилиб, қўшимча равишда кучайтирилди. Шунга қарамай, ҳаммамиз тартиб сақлашимиз, зиғирдай бўлсин, беғамликка йўл қўймаслигимиз лозим. Қанчалик тутуриқсиз кўринмасин, ўқитувчилар томонидан берилган кўрсатмаларга, хусусан, уйқуга ётиш маҳалидан сўнг, ётоқхонадан ташқарига чиқмаслик кўрсатмасига сўзсиз амал қилишингизни талаб қиламан. Яна бир илтимосим бор: агар сиз «Хогварц»да ёки унинг ташқарисида бирон-бир ғайриоддий, шубҳали ҳолатни сезиб қолсангиз, зудлик билан ўқитувчиларга хабар беринг. Мен сизнинг онгингизга тўлиқ ишонаман ва умид қиламан-ки, огоҳ ва ҳушёр бўласиз.

Дамблдор мовий кўзини Катта Залда ўтирганларнинг юзларидан югуртириб ўтиб, кулиб қўйди.

- Лекин ҳозир ҳар бирингизни илиққина, момиққина кўрпа кутмоқда. Демакки, асосий вазифангиз – эртанги кун учун тўйиб ухлашдир. Шундай экан, келинг, бир-биримизга хайрли тун тилайлик. Омон бўлинг! Курсилар ғичирлаб, ўқувчилар Катта Зални тарк эта бошлашди. Синдирилган бурни ҳақида гап ташлаши муқаррар бўлган Малфой ва унинг оғзига қараб юрадиганларга рўбару келишни истамаган Гарри халойиқ ичига сингиб кетишга шошилмади. У, гўё пойафзал ипини боғлаётган бўлиб, энгашганча, гриффиндорчиларни олдинга ўтказиб юборди. Масъулиятни чуқур ҳис этадиган Гермиона биринчи синф ўқувчилари томон ошиқди, Рон эса Гаррини кутиб қолди. Одам қаторининг энг охирида залдан чиқиш эшиги томон йўл олишар экан, ҳеч ким эшитмаётганига ишонч ҳосил қилган Рон аста сўради:

- Бурнингга нима қилган эди, ўзи?

Гарри бор гапни айтиб берди. Рон кулиб ҳам қўймади. Бу эса ўз навбатида, иккаласи чиндан ҳам қалин дўст эканлигидан далолат беради.

- Малфой башара ясаб, бурнини кўрсатаётганига эътибор қаратган эдим, - фикр билдирди Рон.

- Бунинг аҳамияти йўқ, - деди Гарри, маъюс оҳангда, - Пинҳон эшитиб турганимни фаҳмлаб етгунга қадар айтган гапларини эшит...

Гарри Роннинг даҳшатга тушиб, ҳаяжонланиб кетишини кутган эди-ю, тўпори, ҳатто ҳайрон ҳам бўлмади.

- Қўйсанг-чи, у Паркинсоннинг олдида қуруқланган холос, - хулоса чиқарди Рон, - Малфой ким бўлиб қолибди-ки, Ўзинг-Биласан-Ким унга топшириқ берса?

- Вольдемортга «Хогварц»да ўз одамига эга бўлиш шарт эмаслигига ишончинг комилми? Бунақаси бир бўлган эди...

- Ўшанинг исмини талаффуз этмасанг, яхши бўлар эди, Гарри, - эшитилди орқадан гуриллаган овоз.

- Дамблдор талаффуз этишдан қўрқмайди, - деди ўгирилиб, Хагрідни

кўрган Гарри.

- Ҳа, энди у, Дамблдор-да, - жумбоқли оҳангда жавоб қайтарди Хагрид, - Яхшиси, нега кеч қолганингни айтиб бер, Гарри. Мен жуда хавотирландим.

- Поездда бироз ушланиб қолдим, - қисқа тушунтирган бўлди Гарри, - Сен-чи, нега кечикдинг.

- Гурпнинг ҳолидан хабар келдим, - маълум қилди бахтиёр башара ясаган Хагрид, - Соатга қараш хаёлимга ҳам келмабди. Энди унинг тоғда янги уйи бор, Дамблдор яратиб берди. Кўркам, катта ғор. Укам ўша ерда Ман этилган ўрмонга нисбатан ўзини анча яхши ҳис этмоқда. Маза қилиб суҳбатлашдик...

- Ростданми? - хайрон бўлди Гарри, Роннинг кўзига қарамасликка уриниб.

Хагриднинг Гурп исмли ўгай укасининг асосий истеъдоди ўрмон дарахтларини илдизи билан қўпоришдан иборатдир. Гарри сўнгги бор учрашганда, ўша гигантнинг сўз бойлиги атиги бешта сўздан ташкил топган бўлиб, улардан иктасини нотўғри талаффуз этган эди.

- Рост, рост, у жуда тез ривожланмоқда, - ғурур-ла баёнот қилди Хагрид, - Сиз бовар қилмасангиз керак. Мен уни ўзимга ёрдамчи сифатида ишга олаймикан, деб юрибман.

Истеҳзоли хуриллаб қўйган Рон, ўзини акса урган кўйга солиб кўрсатди. Бу вақтда учовлон эман эшикка етиб қолди.

- Хўп, майли, эртага кўришгунча! - хайрлашди Хагрид, - Эртароқ келсангиз, Отбур... Товуққанот билан кўришасиз.

Хагрид қўлини кўтариб, болалар билан қувноқ хайрлашди-да, эшикни очиб, зулмат қаърига кириб кетди.

Гарри билан Рон бир-бирига қараб қўйди.

- Сехрли ҳайвонларни парвариш қилиш фанини давом эттирмоқчи эмассан-ку, тўғрими? - сўради Гарри, Роннинг ҳам кайфияти бузилганини кўриб.

- Сен-чи? - сўради Рон, бош силтаб.

Гарри ҳам бош силтади.

- Гермиона-чи, у ҳам давом эттирмоқчи эмас-ку, а? - сўради Рон.

Гарри, энг яхши кўрган ўқувчилари хиёнат қилганидан хабар топган Хагрид нима дейиши ҳақида ўйлашни ҳам истамай, бошини боз силтаб қўйди.

IX БОБ. ЧАЛА ЗОТ ШАҲЗОДА

Эртасига эрталаб, Гарри ва Рон умумий меҳмонхонада Гермиона билан нонуштага қадар учрашишди. Фикри қўллаб-қувватланишига умид боғлаган Гарри шу заҳоти, Гермионага слизеринчилар купесида пинҳона

эшитган гап-сўзларни айтиб берди.

- Паркинсоннинг олдида қуруқлангани аён-ку, тўғрими? - гапга аралашди Рон, Гермiona оғиз жуфтлашга улгурмай.

- Ҳм-м, - мубҳам овоз чиқарди Гермiona, - Аниқ бир нима дейиш қийин... Малфой табиатан кеккайиб юриши маълум, албатта... Бироқ сафсатабозлик учун бу жуда жиддий мавзу...

- Худди шундай, - деди Гарри, аммо фикрини охирига етказишни лозим топади.

Кўпчилик Гаррига бақрайиб, учовининг суҳбатини сурбетларча эшитишга уринмоқда, баъзилар эса оғзини кафти билан тўсиб, шивир-шивир қилмоқда. Гарри, Рон ва Гермiona портрет ортидаги навбатга туришди.

- Бармоқ ўқтаб кўрсатиш, одобдан эмас, - ўшқириб берди Рон, митти бўйли биринчи синф ўқувчисига.

Кафтчасини юзига парда қилганча, ўртоғи билан Гарри ҳақида аста суҳбатлашиб бораётган болача хижолатдан қип-қизариб, ўзини туйнукка отди.

- Олтинчи синфда ўқиш ёқади менга! - деди Рон ҳиринглаб, - Негаки, бу йил бекорчилик учун ҳам вақт ажратилади.

- Бекорчилик учун эмас, Рон, мустақил иш учун, - деди насиҳатомуз оҳангда Гермiona, йўлакка чиққач.

- Ҳа, фақат бугун эмас, - гап қайтарди Рон, - Бугун кайф қиламиз.

- Тўхта-чи, қани! - буюрди Гермiona, қўлини узатганча, аллақандай рангли лаппак кўтариб олиб, тўсиқ орқали ўтишга уринган тўртинчи синф ўқувчисини елкасидан тутиб, - Вишиллайдиган «тук арилар» ман этилган, бу ёққа узат.

Бола қовоғини солганча, Гермionaга ириллаётган арини бериб, қўлтиғи остига шўнғиди-да, ўртоғи билан бирга нари қочди. Уларнинг кўздан ғойиб бўлишини кутган Рон, арини ўзига тортди:

- Жуда яхши бўлди. Анчадан буён шунақасини қидириб юрган эдим.

Баланд эшитилган ҳиринг-ҳиринг Гермionанинг эътирозини босиб юборди. Афтидан, Роннинг гапи, уларни қувиб ўтаётган Лаванда Брауннинг кулгисини қистаган кўринади. Қиз олдинда борар экан, ортга ўгирилиб, Ронга қараб қўйганча, кулгисини тўхтата олмади. Рон эса ўзидан ўзи мамнун бўлганча, қолди.

Катта Залнинг сокин кўринаётган мовий шифти худди баланд дераза панжаралари орқали кўринаётган осмон квадратлари каби, булут қиёфасининг ярим шаффоф чизиқлари-ла нақш олган.

Учовлон бўтқа билан беконли тухумга қўл узатди. Нонушта давомида кеча Хагрид билан ўтган суҳбатни Гарри билан Рон Гермionaга айтиб беришди.

- Наҳотки у, сеҳрли ҳайвонлар парвариши билан шуғулланишни давом эттиришимизга умид қилаётган бўлса, - деди Гермiona ғамгин оҳангда, - Демокчиман-ки биз... қандай қилиб юмшоқроқ айтсам экан... бу борадаги

иштиёқимизни бирон-бир кўринишда намоён этмадик, шекилли?

- Ҳақ гап, - фикр билдирди Рон, оқ-сариги аралаштирилмай қовурилган тухумни бутунича оғзига тиқиб, - Хагрини ҳурмат қилганимиз учунгина, унинг дарсида бошқалардан кўпроқ тиришган эдик. У эса бундай ҳолат сабабини, ўша аҳмоқона фанини яхши кўрганимиздан, деб топган. Нима деб ўйлайсиз, кимга керак, унинг фанидан СМЖА?

Жавобга эҳтиёж бўлмагани боис, Гарри билан Гермiona индамай қўя қолишди. Уларнинг жамики тенгқурлари сеҳрли ҳайвонларни парвариш қилиш фанидан қутулганига хурсанд бўлишларини яхши билишади. Болалар имкон қадар Хагрининг кўзига қарамасликка уриниб ўтиришибди. Ўн дақиқа ўтиб, ўрнidan турган Хагрин болаларга севинч-ла қўл силтар экан, учовлон оғир хўрсиниб, жавоб қайтарди.

Нонушта ўтгач, гриффиндорчилар ўтирган жойида қолиб, профессор Макгонагалл кутишди. Бу йил машғулотлар жадвалини тарқатиш, одатдагидан қийинроқ кечди. Негаки, ҳар бир ўқувчини, у ёки бу фан таълимотини давом эттириши учун МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлганини текшириб чиқиш зарур.

Гермiona афсун ўқиш, ёвузлик кучидан ҳимоя, бир нарсани бошқа нарсага айлантириш, гербология, арифмантика, қадимий руналар ва сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанларини ўзлаштиришни давом эттириш борасида рухсатнома олиши билан, вақт йўқотмай, қадимий руналар дарсига югуриб кетди. Невилль масаласи анча қийин кечди. Токи профессор Макгонагалл унинг аризаси билан МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш учун топширган имтиҳонларининг натижаларини таққослаб чиқар экан, бола бечоранинг кулча юзидан ҳаяжон аримади.

- Гербология, жуда соз, - деди профессор Макгонагалл, - Профессор Сарсабил хоним «олий» баҳонгиз билан сизни бажонидил қабул қилади. «Кутилмаган ҳолат» баҳоси билан ёвузлик кучидан ҳимоя фанини ҳам давом эттирсангиз бўлади. Хўш, энди, бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фанига келсак... таассуфки, «қоникарли» баҳо камлик қилади. Бу борада СМЖА талаблари юқори бўлиб, иш ҳажмини уддалай олишингизга ишончим комил эмас.

Невилль бошини ҳам қилиб олди. Профессор Макгонагалл ўзининг квадрат кўзойнаги орқали болага диққат билан назар солди.

- Умуман айтганда, сизга нима кераги бор ўша фан? Назаримда у ҳеч қачон сизни қувонтирмаган.

Бахтсиз қиёфа касб этган Невилль «Бувим жуда хоҳлаган эди»га ўхшаш алланима деб ғўнғиллади.

- Бувингизга сиз-ла фахрланиш вақти аллақачон етган, - пишқириб қўйди профессор Макгонагалл, - Айниқса, вазирликда юз берган ҳодисадан сўнг.

Ранги қип-қизил тус олган Невилль тортинганча, кўзини пирпиратиб юборди. Зеро, профессор Макгонагалл уни ҳеч қачон мақтаган эмас.

- Маъзур сананг, Лонгботтом, бироқ курсимни давом эттиришга изн бера олмайман сизга. Қаранг, афсун ўқиш фанидан «кутилмаган ҳолат» баҳосига эришибсиз. Ўз кучингизни ўша ерда синаб кўрсангиз бўлмайди-ми?

- Бувимнинг фикрича, у жуда осон йўл эмиш, - минғирлади Невилль.

- Бекор гап, - деди профессор Макгонагалл, қатъий оҳангда, - Афсун ўқиш фанини ўзлаштирасиз. Августага икки энли хат битиб, киши СМЖА имтиҳонини топшира билмагани учунгина фанни бефойда, деб ҳисоблаш мумкин эмаслигини эслатиб ўтаман.

Невиллнинг юзи қувончли таажжуб-ла яшнаб кетди. Профессор Макгонагалл сезилар-сезилмас кулиб боқиб, сеҳрли таёқчасини тоза бланкага уриб қўйди-да, энди расмийлаштирилган ҳолатда Невиллга узатди.

Шундан сўнг, коллеж мудирини Парватти Патилнинг ёнига келди. Қиз биринчи навбатда, башорат фани ўқитувчиси кўркам-кентавр Фиренцени сўради.

- Профессор Трелани иккаласи хизмат мажбуриятларини бўлиб олишди,

- маълум қилди, ушбу фанни жуда ёмон кўриши ҳаммага маълум бўлган профессор Макгонагалл, - Олтинчи синф профессор Треланига тегди.

Беш дақиқадан сўнг, ҳафсаласи пир бўлган Парватти башорат фанига йўл олди.

- Хўш, энди Поттер, Поттер...

Профессор Макгонагалл Гаррига юзланганча, ёзувларни қиёслаб чиқди.

- Афсун ўқиш, ёвузлик кучидан ҳимоя, гербология, бир нарсани бошқа нарсага айлантириш... жуда соз. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Поттер, фаним бўйича эришган натижаларингиздан жуда мамнунман, жуда. Аммо нима учун сиз сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанини давом эттириш борасида ариза бермадингиз? Билишимча, сиз аврорлик касбини танлагансиз, шундай эмасми?

- Худди шундай, профессор, бироқ ўзингиз айтган эдингиз-ку, бунинг учун имтиҳонни «олий» баҳога топшириш керак, деб.

- Масалага профессор Снегнинг талабига биноан ёндашиладиган бўлса, тўғри. Профессор Дивангард эса «кутилмаган ҳолат» баҳосига эришган ўқувчиларни бажонидил қабул қилади. Хўш, шундай экан, сеҳрли дамламалар тайёрлашнинг сир-асрорларини ўзлаштиришни давом эттириш истагини билдирасиз, шундайми, Поттер?

- Билдираман, профессор, - жавоб берди Гарри, - Аммо мен на дарслик харид қилганман ва на дахлама тайёрлаш учун таркибий қисмларни. Ҳеч нарсам йўқ, бунинг учун...

- Ишончим комилки, профессор Дивангард фанни ўзлаштириш учун зарурий нарсаларнинг барини сизга бериб туради, - фикр билдирди профессор Макгонагалл, - Жуда соз, ундай бўлса, Поттер, мана сизга машғулотлар жадвали ушланг. Ҳа, айтгандай... «Гриффиндор» квидиш

жамоасига йигирма нафарча ёш истеъдодлар ёзилишга улгурди. Саралаш синовларини ўзингизга қулай вақтда ўтказишингиз учун, уларнинг рўйхатини сал кечроқ бераман сизга.

Яна бир неча дақиқадан сўнг, Рон ҳам, Гарри ўзлаштирадиган фанлар учун рухсатномага эга бўлиб, иккаласи Катта Зални тарк этди.

- Қара, - деди Рон, қўлидаги машғулотлар жадвалига завқ-ла қараб, - Ҳозир бўш эканмиз... танаффусдан кейин ҳам... ва ҳатто тушлик ўтгандан кейин ҳам... кайф!

Икковлон деярли кимсасиз умумий ётоқхонага қайтди. У ерда еттинчи синф ўқувчиларининг бир неча нафари ўтиришибди. Улар орасида Гаррининг биринчи синфдан буён квидиш бўйича жамоадоши Кэтти Белл ҳам бор.

- Бунга сазовор бўлишингни билар эдим, баракалла! - қичқирди у, Гаррининг кўкрагидаги сардорлик нишонига имо қилиб, - Саралаш синовларини қачон ўтказмоқчисан?

- Бемаъни гапни қўйсанг-чи, - қўл силтади Гарри, - Нимага керак сенга ўша синовлар? Беш йилдан буён кўриб келаман ўйинингни...

- Бир нима дейиш қийин, - огоҳ қилган бўлди Кэтти, - Мендан юз чандон зўр ўйнайдиган ҳам топилиб қолиши мумкин. Жамоа сардори эски ўйинчиларни қолдиргани ёки қадрдон дўстларини қабул қилгани сабабли кўплаб яхши жамоалар тарқаб кетган ҳолатлар ҳам бўлган...

Умидсизликка юз тутган Рон тўртинчи синф ўқувчисидан мусодара қилинган вишиллайдиган «тук ари»ни ўйнашга киришди. Ари ириллаганча ҳавога кўтарилиб, вақти-вақти билан гобеленга ҳамла қилганча, меҳмонхонани гир айлана кетди. Сарик кўзини аридан узмай ўтирган Маймоқоёқ, ари ҳар гал яқин келганда пишиллаб қўйди.

Бир соат ўтгач, Гарри билан Рон қуёш нури ёритган умумий меҳмонхонани истар-истамас тарк этиб, тўрт қават пастда жойлашган ёвузлик кучидан ҳимоя хонасига тушишди. Қўлига бир-биридан оғир китобларнинг бир дунёсини ушлаб, юзи ташвишли қиёфа касб этган Гермiona, кириш эшиги олдида ҳосил бўлган навбатда турибди.

- Руналар бўйича шунча вазифа беришди-ки, қўяверасиз, - ғудуллади у, Гарри билан Рон яқин келишгач, - Узунлиги ўн икки дюйм келадиган иншо, иккита матн таржимаси, чоршанбагача эса мана буни ўқиб чиқиш керак!

- Даҳшат, - деди Рон, эснаб.

- Ҳозир Снегг ҳам бир олам вазифа беради.

Шу пайтда хона эшиги ланг очилиб, остонада бўзарган, рангпар юзига қоп-қора ёғли сочи худди парда каби осилиб тушган Снегг кўринди.

Ҳамма жим бўлиб қолди.

- Киринглар, - буюрди у.

Гарри ичкарига кириб, атрофга разм солди. Ушбу хона энди чиндан ҳам, Снеггнинг табиатига мос кўриниш касб этган. Деразаларига парда

тортилиб, шам ёқилган синф анча қоронғилашган. Деворга азият чекаётган одамлар, уларнинг даҳшатли жароҳатлари, оёқ-қўллари ва танасининг бошқа қисмлари қайишиб-майишиб кетгани тасвирланган расмлар осилган. Индамай жой эгаллаётган ўқувчилар, даҳшатли расмларни қўрқув-ла томоша қилишмоқда.

Эшикни ёпгач, ўз столи ёнига етган Снегг, синфга юзланганча ғижиниб ғудуллади:

- Дарсликларингизни чиқаринг деганим йўқ.

Гермиона «Юзсиз билан юзма-юз» китобини юк халтасига тез жойлади-да, стол остига суриб қўйди.

- Сизларга айтар гапим бор, диққат билан қулоқ тутишингизни талаб қиламан, - эълон қилди ўқувчиларга кўз югуртириб чиққан Снегг, нигоҳини Гаррида бироз тўхтатиб, - Шу бугунга қадар, менинг фанимдан сизларга, билишимча, беш нафар ҳар хил ўқитувчи дарс ўтган.

«Билишимча, эмиш... Уларнинг ўрнини эгаллаш ниятида калхат сингари кузатиб юрган ўзинг эмасмидинг?» - нафрат-ла хаёлдан ўтказди Гарри.

- Табиийки, уларнинг ҳар бири ўз услуби-ю, афзалликларига амал қилган. Бундай чалкашликда қандай қилиб сизлар МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш баллларини қириштириб олдиларинг, ҳайронман. Бундан буён ҳам талаб даражасида ўқишни давом эттира олсаларинг, мени янада ҳайратда қолдирган бўласиз. Зеро, СМЖА ниҳоятда жиддий, чуқур билимга эга бўлишни тақозо этади.

Овозини пасайтирган Снегг синф хонаси бўйлаб у ёқ, бу ёқ юра бошлади. Ҳамма бўйнини қайирганча, унинг кетидан кузатиб ўтирибди.

- Сон-саноксиз, ўзгарувчан кўринишда турлича намоён бўладиган ёвузлик кучлари абадийдир, - давом этди Снегг, - Улар кўп бошли бўлиб, бирини чопиб ташласанг, ўрнига ҳар сафар янги, янада айёр, олдингисидан-да даҳшатлиси ўсиб чиқаверади. Бундай душман асло тутқич бермайди, қиёфасини доимо ўзгартириб бориб, уни батамом йўқ қилиб юборишнинг иложи бўлмайди...

Гарри ўқитувчидан кўзини узмай ўтирибди. Ҳмм... Ёвузлик кучларини хавfli душман сифатида эътироф этиш бошқа, улар ҳақида мана бундай, меҳр-муҳаббат-ла гапириш бошқа.

- Бинобарин, - баландроқ гапира бошлади Снегг, - Ўзингизни ўзингиз ҳимоя қилар экансиз, топқирлик ва уддабуронлик масаласида рақибдан қолишмаслигингиз шарт. Мана бу расмлар, - деди у, юрган жойида бармоғини деворга ўқтаганча, жон талвасасида қичқираётган аёл тасвирини кўрсатиб, - Айтайлик, Қийноққа солиш қарғишининг таъсири ёки, - бармоғини юзи бирон-бир қиёфа касб этмай, деворга суяниб турган киши тасвирига олиб ўтди у, - Дементорнинг бўсаси ёхуд, - қўлини ердаги қон бўтқаси тасвирига ўқтади Снегг, - Инферния ҳамласи ҳақида етарлича аниқ тасаввур беради.

- Демак, инферниялар пайдо бўлгани рост эканда? - ингичка овозда

сўради Парватти Патил, - Уларнинг хизматидан фойдаланиши мумкинми, у?

- Ёвуз Лорд инферниялар хизматидан ўтган гал фойдаланган, - жавоб берди Снегг, - Демак, келгусида ҳам фойдаланиши мумкин, буни тушуниб етишларинг керак. Энди эса... - девор ёнидан ўз ёзув столи томон шахд-ла юра кетди, у, ўқувчилар нигоҳини орқасида ҳилпираётган коржомасига қадатиб, - Билишимча, ички овоз-ла қўлланиладиган афсунлардан хабарингиз йўқ. Қандай афзалликларга эга, бундай афсунлар?

Гермионанинг кўли, шу заҳоти юқорига отилди. Снегг хонага шошилмай кўз югуртириб чиқиб, бошқа ҳеч ким қўл кўтармаганига ишонч ҳосил қилгач, қисқа қилди.

- Жуда яхши. Мисс Грэнжер?

- Рақиб сиз кўзлаган ниятдан беҳабар қолади, - деди Гермиона, - Бундай ҳолат эса ўз навбатида, сония улуши ичида устунликка эришиш имконини беради.

- «б- синф учун мўлжалланган афсунларнинг стандарт китоби»дан сўзма-сўз ёд олиниб, берилган жавоб, - башарасини жирканганча буриштирди Снегг, бурчақда ўтирган Малфойнинг кулгисини қистаб, - Бироқ тан олиш керакки, мазмунан тўғри. Чиндан ҳам, агар сеҳр санъатини, қўлланиладиган афсунни бақирмасдан, индамай ижро этган тарзда тасарруф эта олсангиз, сизнинг сеҳр-жодунгиз рақиб учун маълум маънода тасодифлик элементига эга бўлади. Табиийки, бунга ҳамма ҳам қодир эмас. Зеро, афсунни бу тарзда ижро этиш учун кишидан ўз иродаси ва фикр-хаёлини бир ерга, ўзига хос тарзда жамлаш талаб этилади. Бундай қобилиятдан эса айримлар, - деди у, Гаррига хунук қараб, - Мутлақо маҳрумдир.

Токи Снегг кўзини олиб қочмас экан, ғазаб-ла дўлайиб ўтиришга аҳд қилган Гарри, окклуменцияни ўзлаштириш борасида ўтган йили шармандаларча ўтган машғулотларга шама қилинганини яхши тушунди.

- Ҳозир ҳаммангиз жуфтларга бўлинасиз, - давом этди Снегг, - Бирингиз индамай афсун қўллайсиз, иккинчингиз эса уни қайтаришга уриниб кўрасиз. Машққа киришинг.

Гарри ўтган йили синфдошларининг кам деганда ярмига (хусусан, ДА аъзоларининг барига) Сапчители қарғишини ўргатиб қўйганини Снегг билмайди, албатта, аммо ушбу қарғиш ижросини ҳали ҳеч ким овоз чиқармай бажаришга уриниб кўргани йўқ. Ҳозир ҳам кўпчилик фирромлик қилиб, афсунни пичирлаб талаффуз этмоқда.

Табиийки, ўн дақиқа ўтар-ўтмас, Гермиона Невилль йўллаган Пахта оёқ қарғишини миқ этмай қайтариб юборди. Унинг маҳорати учун бошқа ҳар қандай ўқитувчи «Гриффиндор»га кам деганда йигирма балл берган бўлишини Гарри маъюслик-ла хаёлдан ўтказди, бироқ ўқувчилар орасида йирик учар каламуш каби у ёғдан, бу ёққа шиддат-ла дайдиб юрган

Снегг, одатдагидек, Гермионанинг ютуғини мутлақо писанд қилмай, топшириқни қандай уддалай олаётганини кўриш учун Гарри билан Роннинг ёнида тўхтади.

Афсунни бехос бақириб юбормаслик учун лабини маҳкам қимтиб олган Рон, юзи лавлагидай қизариб кучанганча, Гаррини сеҳрлашга уринмоқда.

- Жуда ачинарли манзара, Уэсли, - деди Снегг, бироз кузатиб туриб, - Амал қандай бажарилишини қараб, ўрганинг....

Снегг қўлидаги сеҳрли таёқчасини Гаррига яшин тезлигида ўқтади. Гарри эса шу заҳоти, ғайриихтиёрий равишда, ички овоз қўллаш кераклигини мутлақо унутиб, ўкириб юборди:

- Протего!

Сапчители қарғиши шу қадар кучли чиқдики, Снегг мувозанатни йўқотиб, стол устига қулади. Ҳамма улар томон ўгирилди. Снегг дарғазаб ҳолатда оёққа турди.

- Ички овоз-ла машқ қилишни амр этганим ёдингиздами, Поттер?

- Ҳа, - ғудуллади Гарри.

- Ҳа, сэр.

- Менга «сэр», дея мурожаат этишингиз шарт эмас, профессор.

Гарри ўйламай гапириб юборди. Айримлар, шу жумладан, Гермиона ҳам, оҳ урди. Снеггнинг ортида турган Рон, Дин, Симус эса ҳолатни маъқуллаганча, ҳиринглаб қўйишди.

- Жазо. Шанба куни оқшомда хонамга келасиз, - тиши орасидан вишиллади Снегг, - Менга нисбатан сурбетлик қилишга ҳеч кимга, у минг Мумтоз бўлиб кетган тақдирда ҳам, йўл қўймайман, Поттер....

- Бопладинг, Гарри! - мақтади хандон отаётган Рон, дарс тугаб, Снеггнинг хонасидан хавфсиз масофага узоқлашгач.

- Ҳеч ҳам боплагани йўқ, - эътироз билдирди Гермиона, Ронга ўқрайиб, - Бу нима қилганинг, Гарри?

- У менга қарши қарғиш қўлламоқчи бўлди, агар фаҳмлаган бўлсанг, - ғижирлади Гарри, - Окклуменция дарсларида тўйганман, унинг қарғишларига! Ўз тажрибалари учун бирон-бир бошқа денгиз чўчқасини топиб олсин! Нега улар, ушбу фан машғулотларини ўтказишга рухсат беришди, унга? Эшитдингиз-ми, ёвузлик кучлари ҳақида қанчалик ҳузур-ла гапирганини? «Қиёфасини доимо ўзгартириб бориб, уни батамом йўқ қилиб юборишнинг иложи бўлмайди»...

- Ўша сўзларни худди сендан эшитгандай бўлдим, - хотиржам кулиб қўйди Гермиона.

- Мендан?

- Ҳа, сендан. Вольдемортнинг қаршисида туриш қандай бўлишини тавсифлаганингни эсладим. Ўшанда сен: «Ўнтача қарғишни ёд олиб, унинг башарасига қарата қўллаш билан иш битади, иш худди дарсдаги каби, кечади деб ўйлайсиз-ми? Асло йўқ. Унинг кўзига қарар экансиз, фақат бир нарсани, у ҳам бўлса, сизни муқаррар ўлимдан ё зийраклик, ё

мардлик, ё... билмадим нима сақлаб қолиши мумкинлигини ўйлайсиз холос!», - деган эдинг. Сенингча, Снегг ҳам бугун ўша гапингни такрорламади-ми? Ё зийраклик, ё мардликка даъват этмади-ми? Гарри Германионнинг хотираси кучлилиги, худди «Афсунларнинг стандарт китоби»дан иқтибос келтиргандай, ўтган йилги тавсифини сўзма-сўз такрорлаганидан лол бўлиб, баслашмай қўя қолди.

- Гарри! Ҳой, Гарри!

Гарри ўгирилиб, қўлида пергамент ўрамини ушлаб олган, ўтган йили «Гриффиндор» квидиш жамоасининг Уриб қайтарувчиларидан бири сифатида ўйнаган Жек Слупернинг хансираб келаётганини кўрди.

- Мана бу сенга, ушла, - деди у, - Менга қара, айтишларича, сен жамоанинг янги Сардори эмишсан. Саралаш синовлари қачон ўтказилади?

- Ҳозирча, аниқ айта олмайман, - жавоб қайтарди Гарри, агар Слупер жамоа таркибида қоладиган бўлса, ўзини омади юришган деб билиши мумкинлиги ҳақида ўйланиб қолиб, - Ўзим хабар бераман.

- Жуда соз. Келаси дам олиш куни ўтказилса керак, деб ўйлаган эдим. Бироқ пергаментдаги дастхатни таниган Гарри энди Слупернинг сўзларини эшитаётгани йўқ. Слупер фикрини тугатмай, Гарри қоғоз ўрамини очганча, Рон ва Германиона билан биргаликда нари кетди.

Қадрдоним Гарри,

Машғулотларимизни шанба куни бошлашни истар эдим. Илтимос, кечқурун соат саккизда хонамга кел. Умид қиламан-ки, мактабдаги биринчи кунинг яхши ўтди.

Эҳтиром ила,

Альбус Дамблдор

Р . S . Нордон обакидандонларни жуда хуш кўраман.

- Нима? Нордон обакидандонлар? - тушунмади, Гаррининг елкаси узра хат ўқиган Рон, ҳайрон бўлиб.

- Дамблдорнинг хонасига кириш эшигини қўриқлайдиган Аждар тусли тош илон ҳайкали учун пароль бу, - паст овозда тушунтириш берди Гарри, - Ха-ха-ха! Буни эшитган Снеггнинг қўлтиғидан тарвузи тушиб кетади... тайинлаган жазосини кейинга қолдиришига тўғри келади! Бутун танаффус давомида учовлон Гаррига нимадан дарс берилиши мумкинлиги ҳақида фикр билдириб юрди. Роннинг тахминига кўра, Дамблдор Гаррига Ўлимдан мириқувчиларга номаълум бўлган даҳшатли қарғишлар ижросини ўргатади. Германиона бундай тахминга эътироз билдириб, ундай машғулотлар қонунга хилоф эканлигини таъкидлаб ўтди. Қизнинг фикрича, Дамблдор Гаррига олий сеҳрнинг ҳимоя афсунларини ўргатиши мумкин экан. Танаффус вақти ўтгач, Германиона арифмантика дарсига йўл олди. Гарри билан Рон эса умумий

меҳмонхонага қайтиб, Снегг берган ниҳоятда мураккаб уйга вазифа ижросига истар-истамас киришди. Гермiona қайтиб келганда болалар ҳалигача ўша вазифа устида бош қотириб ўтиришган эди. Қиз келгач, ишлар анча юришиб кетди. Эндигина уддалашган эди ҳам-ки, қўнғирок зарбаси эшитилиб, учовлон, яқин вақтгача Снеггнинг макони саналган ерости йўлагидаги синф хонаси – қўш соатли сеҳрли дамламалар тайёрлаш дарсига йўл олди.

Йўлакда, ушбу фанни ўзлаштирадиган атиги ўн икки нафарча ўқувчи қолгани маълум бўлди. Краббе билан Гойл, афтидан, ўтиш баллига эга бўла олишмаган, лекин тўрт нафар слизеринчи, шу жумладан, Малфой ҳам, мутлақо оддий сеҳргарлик даражасининг зарурий савиясига эга бўлиш учун имтиҳон топшира олишган кўринади. Улардан ташқари, эшик ёнида тўрт нафар равенклочи ўқувчи ва Гарри ҳаддан ортиқ мутақаббирлиги учун у қадар хуш кўрмайдиган хуффльпуффчи бола Эрни Макмиллан турибди.

- Гарри, - виқор-ла қўл узатди Эрни, - Ёвузлик кучидан ҳимоя дарсида олдинга бора олмадим. Дарс яхши ўтди, бироқ фикримча, ҳимоя афсунлари, ДАнинг нима эканлигини биладиганлар учун эски қўшиқдир. Ҳа, айтгандай, Рон, Гермiona, қалайсизлар?

Икковлон эндигина «Яхши», - дея жавоб қайтаришга улгурган эди ҳам-ки, хона эшиги ланг очилиб, дастлаб катта қорин, унинг ортидан Дивангарднинг ўзи кўринди. У қалин мўйловини қайирганча кулиб, Гарри билан Забинини севинганча қарши олди.

Хонани ғайриоддий ҳид ва ранг-баранг буғ қамраб олган. Ичида аллақандай суюқлик қайнаётган қозонлар ёнидан ўтган Гарри, Рон ва Гермiona қизиқсиниб ҳидлаб кўришди.

Слизеринчилар алоҳида столни эгаллашди, «Равенкло» ўқувчилари ҳам шундай иш тутишди, ўзига ҳаддан ортиқ жалб этадиган ҳид таратаётган тилла ранг қозон яқинидаги столни Гарри, Рон ва Гермiona Эрни билан бирга эгаллашди. Ушбу ҳид Гаррининг кўз ўнгида қуюқ шиннили торт, супургининг янги сопи ва Бошпанани эсга соладиган хушбўй ҳидли аллақандай гулларни гавдалантирди. Қозондаги муаттар суюқликни қониб ичкиси келган Гарри аста-секин, чуқур нафас ола бошлади, танаси роҳат қилиб, Ронга қараб жилмайди, Рон ҳам жавобан эринчоқлик-ла иржайди.

- Хўш, - овоз чиқарди, йирик танаси ранг-баранг буғ пағалари орасида хира кўринган Дивангард, - Тарози, тайёрланадиган дамламанинг таркибий қисмлари... ҳамда «Олий дамламачилик» китобини чиқарамиз. Ҳа, яна...

- Сэр, - деди Гарри, қўл кўтариб.

- Гарри, нима демоқчисан, ўғлим?

- Менда на дарслик, на тарози бор. Сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанига тааллуқли бирон нарсам йўқ... Ронда ҳам... Биласизми, фанингизни давом эттиришдан хабаримиз йўқ эди...

- Ҳа-я, профессор Макгонагалл айтган эди... Хижолат бўлма, болагинам, ташвиш тортма. Бугунги дамламани тайёрлаш учун, унинг таркибий қисмларини омбордан олишингиз мумкин, ишончим комилки, у ерда тарози ҳам топилади, эски дарсликларнинг кичик захираси ҳам бор. Дастлабки машғулотларга шу кифоя. «Жимжимадор ва сиёҳ доғи» китоб дўконига буюртма-хат йўлланг, янгисини оласиз...

Дивангард бурчакда турган катта жавонни ковлаштириб, Возлиянус Сеннинг иккита ниҳоятда титилиб кетган «Олий дамламачилик» китоби ва бир жуфт хира тортган тарози чиқариб, Гарри билан Ронга узатди.

- Кўриб турганингиздек, дамламаларнинг бир неча турини сизга намойиш этиш учун олдиндан тайёрлаб қўйдим, - деди Дивангард, кўкрагини, эгнидаги нимчасининг тугмалари узилиб кетар даражада кериб, - Таълим курси якунида, ушбу дамламаларни тайёрлашнинг сир-асрорларини тўла-тўқис ўзлаштириб олишингиз керак. Ҳаётингизда ҳеч қачон қайнатмаган бўлсангиз-да, сиз, ушбу дамламалар ҳақида эшитган бўлишингиз керак. Ким билади, мана бу қайси дамлама?

Дивангард слизеринчилар столи яқинидаги қозонга имо қилди. Ўрнидан бироз кўтарилган Гарри қозонда оддий сув қайнаётганини кўрди.

Гермиона ҳавоси олинган ҳаракат-ла, қўлини юқорига кўтарди. У биринчи бўлиб қўл кўтаргани боис, Дивангард кафтини қиз томон узатди.

- Ушбу рангсиз, ҳидсиз суюқлик кишини истиффор келтиришга мажбур қиладиган Иқрор бўлиш дамламасидир, - деди Гермиона.

- Жуда соз! Аъло! - севиниб кетди Дивангард, - Энди буниси, - давом этди у, «Равенкло» столи ёнидаги қозонга имо қилиб, - Бу ҳам етарлича таниш дамлама... Ушбу дамлама, ўрни келганда айтишим жоизки, вазирлик томонидан яқинда берилган кўрсатмаларда тилга олиб ўтилган... Ким?...

Гермиона боз ҳаммадан олдин қўлини кўтарди.

- Ҳамма қиёфа сиркаси, - маълум қилди қиз.

Гарри ҳам, иккинчи қозонда милтиллаб қайнаётган елимшак суюқликни таниди. Бироқ тўғри жавоб учун шуҳрат тожи, одатдагидай, Гермионага насиб қилганидан дилсиёҳ бўлмади. Ахир учинчи синфда ўқиб юришганда, ушбу дамламани айнан Гермиона тайёрлай билган-ку, ҳар қалай.

- Жуда соз! Аъло! Энди бу қозондаги... Ҳа, қадрдоним? - ҳайратланди Дивангард, Гермиона боз қўл кўтарганини кўриб.

- Бу, амортенция дамламаси!

- Жуда тўғри. Сўрашнинг ўзи аҳмоқлик, лекин ҳар қалай, - деди Дивангард, Гермионанинг билимидан ларзага келиб, - Қандай таъсирга эга, у?

- Амортенция – дунёда энг кучли севги дамламаси саналади! - жавоб берди Гермиона.

- Айнан! Билишимча, сиз уни садаф рангда ялтираб туришидан

танидингиз, шундайми?

- Юқорига ўзига хос спираль шаклида кўтарилаётган буғидан ҳам, - кўтаринки руҳ-ла, қўшимча қилди Гермiona, - Шунингдек, ушбу дамлама ҳар хил одамлар учун, кимга кўпроқ нима ёқишига боғлиқ ҳолда, турлича ҳидга эга. Чунончи мен, янги ўрилган майса билан янги пергамент ҳидини ҳис этмоқдаман ва...

Қиз сезиларсиз даражада қизариб, фикрини якунламади.

- Исмингизни билсам бўладими, азизам? - сўради Дивангард, қизнинг уялиб кетганига эътибор қаратмай.

- Гермiona Грэнжер, сэр.

- Грэнжер? Грэнжер? Мабодо Сиз, «Дамламачиларнинг ғайриоддий жамияти»га асос солган Гектор Дагворт-Грэнжернинг қариндоши эмасмисиз?

- Эҳтимолдан йироқ, сэр. Мен, магллар оиласида туғилган сеҳргарлар тоифасига мансубман.

Гарри Малфойнинг Нотт томон энгашиб, алланима пичирлагани ва иккаласи жирканч ҳиринглаб қўйишганини кўриб қолди. Қизнинг жавобини эшитган Дивангард эса мутлақо хижолат бўлмади, аксинча, юзи яшнаб кетиб, нигоҳини Гермionанинг ёнида ўтирган Гаррига олиб ўтди.

- «Менинг энг яқин дўстим ҳам магллар оиласида туғилганлардан ва айни вақтда, тенгқурларимиз орасида энг ибратли ўқувчи қиз саналади», деган эдинг. Ўйлашимча, Гарри, сен айтган қиз, айнан шу қиз бўлади, шундайми?

- Худди шундай, сэр, - тасдиқлади Гарри.

- Хўш... ундай бўлса, «Гриффиндор»га йигирма балл, мисс Грэнжер, - ифодали оҳангда қарор қилди Дивангард.

Малфойнинг турқи, худди Гермiona, унинг башарасига яна бир мушт солгандай қиёфа касб этди. Яшнаб кетган Гермiona эса Гарри томон бурилиб, пичирлади:

- Сен чиндан ҳам мени тенгқурлар орасида энг ибратли ўқувчи қиз, деб айтдинг-ми? О, Гарри!

- Ҳа, нима қилибди? - англаб бўлмас ғижинганча, пичирлаб сўради Рон, - Сен чиндан ҳам энг ибратли қизсан. Мен ҳам шундай деган бўлар эдим, агар мендан сўрашганда!

Гермiona кулиб қўйди-да, ўқитувчининг сўзларини эшитиш керак бўлгани учун, имо ила «жим» деган бўлди.

- Табиийки, амортенция инсон қалбида чин муҳаббат уйғотмайди. Зеро, муҳаббатни сунъий равишда шакллантириб бўлмайди. Ушбу дамлама оташин завқни юзага келтириб, кишини савдойи қилиб қўйишга қодир. Бу, ҳар қалай, айни вақтда, ушбу хонада мавжуд энг хавфли, ўта кучли таъсирга эга модда... Ҳа, ҳа, - нохуш бош ирғиб қўйди Дивангард, шубҳа ила лаб бурган Малфой билан Ноттга қараб, - Мен кўрган нарсаларни

кўриб улгурсангиз, завқ кучига беписанд қарамайдиган бўлиб қоласиз...
Яхшиси, - ўз фикрини ўзи бўлди Дивангард, - Ишга киришайлик.

- Лекин, сэр, Сиз ҳали анави қозонда нима борлигини айтмадингиз, - деди Эрни Макмиллан, ўқитувчининг столи ёнидаги, ичида тилла тусли аллақандай суюқлик эритилган олтин каби шалолаб, йирик қатралари сувдан сакраб чиққан олтин балиқчалар каби, ерга тўкилмай қайнаётган қора қозончани кўрсатиб.

- Ҳа-я! - боз хитоб қилди Дивангард, - Буниси қолиб кетибди-ку! Ўқитувчи, ушбу қозонни унутмагани, шунчаки, сипогарчилик учун, у ҳақда эслатиб ўтишларини сунъий равишда кутганини Гарри фаҳмлади.
- Хўш, хонимлар ва жаноблар, ушбу қозонда жуда ажиб дамлама қайнамоқда. Бахт-у, толе деб номланади... ва англашим-ча, мисс Грэнжер, - деди Дивангард баланд овозда оқ урган Гермiona томон ўгирилиб, - Бу қанақанги дамлама эканлигини яхши биласиз, шундайми?
- Суюқ омад, - ҳаяжон-ла, гўлдиради Гермiona, - Омад келтириш дамламаси!

Синфда ўтирганларнинг бари белини тўғрилаб олди. Ҳатто энсасидаги оқ сариқ силлиқ сочи Гаррига кўринаётган Малфойнинг ҳам диққат-эътибори бутунича ўқитувчига қаратилган.

- Тўғри, жуда тўғри! «Гриффиндор»га яна ўн балл. Ҳа, бахт-у, толе... Жуда аломат дамлама, - гудуллади Дивангард, - Уни тайёрлаш жараёни ўта мураккаб кечиби, ҳар қандай арзимас хато ниҳоятда қимматга тушади. Лекин уни, худди мана бундай ҳолатда, тўғри тайёрлай олсангиз, истеъмол қилгач, ҳар қандай ишингиз муваффақият-ла якун топишини ҳис этасиз... ҳар қалай, ичимликнинг таъсир қилиш муддати ўтгунга қадар.
- Нима учун одамлар, ушбу дамламани мунтазам ичиб юрмайди, сэр? - сўради, ҳаяжонидан кўзи чақнаб кетган Терри Бут.

- Агар у ҳаддан ортиқ тез истеъмол қилиб борилса, кишида мулоҳазасизлик, бебоклик ва ниҳоятда хавфли манманликни қўзғатиб юборади, - жавоб берди Дивангард, - Ҳар нарсанинг ози яхши, деган гапни эшитгансиз, албатта, шундайми? Ушбу дамламанинг катта дозаси ўта заҳарлидир. Агар ҳар замон-бир замонда оз-оздан ичилса...
- Ўзингиз ичган ҳолатлар бўлганми, сэр? - катта қизиқиш-ла, сўради Майкл Корнер.

- Икки маротаба, - жавоб берди Дивангард, - Биринчи бор йигирма тўрт ёшимда, иккинчи бор эллик етти ёшимда. Нонушта вақтида икки ош қошиқдан. Икки бағоят бахтиёр кун...

Қария ўз хотираларига берилганча, аллақандай бўшлиққа тикилиб қолди. Ўйнапти-ми, йўқми, тушуниб бўлмайди, хаёлан таҳлил қилди Гарри, лекин таъсирчан чиқяпти.

- Айнан мана шу дамлама, - давом этди Дивангард, осмондан ерга тушиб,
- Бугунги машғулоти мизнинг асосий соврини бўлади.

Орага жимлик чўқди. Ҳар бир товуш, ҳар бир қулқуллаш овози гўё ўн

баробар кучайиб кетган бўлди.

- Бир шишача бахт-у, толе дамламаси, - эълон қилди киссасидан миттигина тикинли шишачани чиқарган Дивангард, идишчани баланд кўтарганча, синфга кўрсатиб, - Ўн икки соатли таъсирга эга дахлама. Тонг сахардан қош қорайгунча омад сизга ёр бўлади... Аммо огоҳлантириб қўйишим жоизки, уни ташкиллаштирилган, жумладан, спорт мусобақалари, имтиҳон, сайлов каби, тадбирлар иштирокчисига истеъмол қилиш ман этилади. Совриндоримиз, бугун қўлга киритадиган ушбу ўлжасидан ўз ҳаётининг, бир зумда энг омадли кунга айланиб қоладиган оддий кунларидан бирида фойдалана олиши мумкин! Хўш, - бардам давом этди Дивангард, - Менинг ғайриоддий совринимни қандай қилиб қўлга киритиш мумкин? Дахлаб, «Олий дахламачилик»нинг ўнинчи саҳифасини очамиз. Ихтиёрингизда бир соатдан сал кўпроқ вақт бўлиб, тирик қолдирадиган ажал қултумини тайёрлашга етади. Бундай мураккаб дахламани муқаддам, тайёрламагансиз, биламан. Бинобарин, сиздан фавақулорда натижа ҳам кутмайман. Бироқ ким бошқалардан яхши тайёрласа, бахт-у, толе совриндори бўлади. Ишга киришинг!

Ғимир-ғимир бошланди. Ҳамма ўз қозонини олдига тортиб, тарози-ю, қадоқтошларини даранг-дурунг қилиб, иш бошлади. Биров чурқ этгани йўқ. Хонада қарор топган вазият жисмонан ҳис этилмоқда. Гарри Малфойнинг «Олий дахламачилик»ни зўр бериб варақлаётганини кўрди. Афтидан, унга, омадли кун жуда зарурга ўхшайди. Гарри ҳам Дивангард берган титилиб кетган дарсликни тез очди.

Китобни очди-ю, ғазаби қайнади. Дарсликнинг олдинги соҳиби китоб саҳифаларини бошдан оёқ ҳар хил изоҳларга тўлдириб юборибди. Саҳифа хошияларининг асосий матндан фарқи қолмаган. Қандай таркибий қисмлар кераклигини англаб этиш учун, Гаррига китоб устига энгашиб қарашга тўғри келди. Шу ерда ҳам, дарсликнинг илгариги соҳиби ниманидир ўчириб, нималарнидир қўшиб ёзган. Жавондан керакли нарсаларни олиб, жойига қайтар экан, Малфойнинг валериана илдизини ажал қуваётган каби тез тўғраётганини кўрди.

Ҳамма бир-бирига қараб-қараб қўймоқда. Дахламачиликнинг салбий ва айни вақтда ижобий жиҳати шундан иборатки, киши ўз ишини бошқалардан яшира олмайди. Ўн дақиқа ўтар-ўтмас, хонани кўкимтир буғ қамраб олди. Гермiona, одатдагидай, илғорлик қилмоқда. У тайёрлаётган дахлама дарсликда баён этилган беназир оралик ҳолатни касб этиб, «қорағат рангидаги бир жинсли суюқлик»ка айланиб улгурган.

Валериана илдизини тўғраган Гарри боз китоб устига энгашди. Дарслик матни, унинг олдинги соҳиби ёзган қинғир-қийшиқ дастхат остида базўр кўринаётгани, унинг жаҳлини чиқармоқда. Чунончи, ўша тентакка ширали ловияни майдалаб тўғраш кўрсатмаси ёқмай, устидан: кумуш ханжарнинг ясси томони билан эзилса, тўғраганга нисбатан кўпроқ шира чиқади, - деб ёзибди.

- Сэр, Сиз менинг бувам Каббалакс Малфойни таниган бўлсангиз керак, а?

Гарри кўзини китобдан узиб, Малфойга қаради. Айни фурсатда Дивангард унинг ёнидан ўтиб кетаётган экан.

- Ҳа, таниган эдим, - жавоб берди Дивангард Малфой томон қиё боқмай, нари кетиб, - Унинг ўлимини эшитиб, гарчи бевақт дейиш қийин бўлса-да, қайғурган эдим. Унинг ёшида аждар қора чечагига чалиниш...

Истеҳзоли кулиб қўйган Гарри қозонига қаради. Малфой, афтидан, Снегг замонида одатланган каби, алоҳида эътибор, сўзсиз ҳомийликка эга бўлишга умид қилган. Бироқ энди, бахт-у, толега эга бўлиш учун Малфой ўз қобилиятини намоён этишга мажбурга ўхшайди.

Ширали ловияни тўғраш у қадар содда иш эмас экан. Гарри Гермionaга қараб, мурожаат қилди.

- Кумуш пичоғингни олиб турсам, майлими?

Йўриқномага кўра, аллақачон бинафша тус олиши керак бўлган дамлама тўқ қизил рангини сақлаб қолаётган дамламасидан кўзини узмаган Гермiona бетоқат бўлганча, бош ирғиб қўйди.

Гарри ловияни пичоқнинг ясси юзаси билан эзар экан, шу заҳоти кўп миқдорда чиққан ширани кўриб, ҳайрон бўлди. Бир қарашда қуриб қолгандай кўринган ушбу ловия ичида шунча шира бўлишини ақлига сиғдира олмади. Гарри ширани қозонга қуйиши ҳамоно, дамлама йўриқномада тавсифланган бинафша тус олганини кўрди.

Китобнинг олдинги соҳибига бўлган эътирози дарҳол барҳам топган Гарри кўзини қисиб олганча, кейинги кўрсатмани диққат билан ўқишга киришди. Китоб муаллифи дамламани соат мили ҳаракатига тескари йўналишда, токи у сув каби шаффоф бўлиб қолгунга қадар аралаштириб боришни тавсия этган бўлса, унинг собиқ соҳиби соат мили ҳаракатига тескари ҳар етти мартаба аралаштиргач, бир мартаба мил ҳаракати бўйлаб айлантириб қўйишни маслаҳат берган. Агар шу ерда ҳам ҳақ бўлса-чи, у?

Гарри дамламани соат мили ҳаракатига тескари йўналишда аралаштирар экан, нафасини тўхтатди-да, қошиқни соат мили ҳаракати бўйлаб бир бор айлантириб юборди. Натижа ўзини узоқ куттириб қўймади: дамлама шу заҳоти оч пушти тус олди.

- Қандай қилдинг? - талаб оҳангида сўради, буғдан сочи тикка бўлиб, дамламасининг ранги ўзгармаганидан юзи қизариб кетган Гермiona.

- Бир мартаба соат мили ҳаракати бўйлаб айлантириб қўйдим...

- Йўқ, йўқ, китобда «тескари», деб айтилган! - эътироз-ла, гапни бўлди Гермiona.

Гарри елка қисиб қўйди-да, билганидан қолмади. Соат мили ҳаракатига тескари ҳар етти мартаба аралаштиргач, бир мартаба мил ҳаракати бўйлаб...

Қозонидаги қайнатма суюлиб кетган қизилмияни эслатаётган Рон паст

овозда тинимсиз сўкинмоқда. Гарри атрофга назар солиб чиқди. Ҳеч кимнинг дамламаси, унинг дамламаси каби тиниқ эмас. У ниҳоятда суюниб кетди. Дамлама тайёрлаш дарсларида ҳали бундай ҳолатга тушмаган.

- Вақт бўлди! - эълон қилди Дивангард, - Марҳамат қилиб, дамлама аралаштиришни бас қилинг!

Дивангард столлар орасидан индамай, аста-секин юриб, ҳар бир ўқувчи бажарган иш натижасига диққат билан назар солиб борди. Қозонлардан бирини аралаштириб, бирини ҳидлаб кўрди ва ниҳоят, Гарри, Рон, Гермиона ва Эрнининг столига етди. Роннинг қозонидаги елимшак суюқликни кўриб, гангиганча кулиб қўйди. Эрнининг кўк яшил суюқлиги устида бироз тўхталиб ўтди. Гермионанинг дамламасини маъқуллаган бўлиб, бош ирғиди, лекин Гаррининг қозонига қараши ҳамано, юзи ҳайрат қиёфасини касб этди.

- Соф ғалаба! - қичқириб юборди Дивангард, ерости хонасини бошига кўтариб, - Ажойиб, ажойиб! О, муқаддас фалак! Гарри, афтидан, онангнинг истеъдодини мерос қилиб олган кўринасан. Лили ҳам дамлама тайёрлаш бўйича моҳир уста бўлган! Хўш... мана ваъда қилинган бахт-у, толе дамламаси! Фойдали манфаатда ишлат!

Тилла тусли суюқликка тўла шишачани ички киссасига яширган Гарри слизеринчиларнинг қутуриб кетганини кўриб хурсанд бўлса, Гермионанинг хафа бўлганини кўриб, ўзини бироз ноқулай ҳис этди. Рон эса эсини йўқотиб қўйгандай кўринмоқда.

- Қандай уддаладинг? - пичирлаб сўради у, ерости хонасидан чиқиш эшиги яқинида.

- Омадим чопган кўринади, - жавоб берди Гарри, Малфойнинг яқинроқ юришга уринаётганини кўриб.

Гриффиндорчилар столи ортига ўтириб, ўзини хавфсиз сезган Гарри дўстларига бор гапни айтиб берди. Гарри гапирар экан, Гермионанинг юзи тарашадай қотиб борди.

- Овоз чиқармай айтган фикрингга қараганда, фирибгарлик қилганга ўхшайман, шундайми? - сўради Гарри маъюс оҳангда.

- Бу, том маънода сен қилган иш бўлмаган-ку, - қуруққина жавоб қилди Гермиона.

- У бошқа йўриқномада баён этилган талабларига амал қилган холос, - гапга аралашди Рон, - Оқибати жуда аянчли якун топиши ҳам мумкин эди. Шунга қарамай, Гарри таваккал қилди ва у тутган йўл ўзини оқлади, - оғир хўрсинди у, - Ўша дарсликни Дивангард менга узатиши ҳам мумкин эди, бироқ менга гард тегмаган, топ-тоза китоб насиб қилди. Эллик иккинчи саҳифасига кимдир қайт қилиб юборганини ҳисобга олмаганда, албатта...

- Шошманг, - эшитилди Гаррининг чап қулоғи устида кимнингдир овози. Кутилмаганда Дивангарднинг хонасидаги гул бўйини эсга соладиган ҳид

таратган қиз томон бурилган Гарри устига энгашиб олган Жиннани кўрди.

- Мен тўғри эшитдим-ми? Китоб саҳифаларига кимдир ёзган йўриқнома дейилди-ми? Шундайми, Гарри?

Жиннанинг дарғазаб, ҳаяжонли нигоҳини кўрган Гарри, гап нима ҳақида бораётганини дарҳол фаҳмлади.

- Хавотир олма, - тинчлантирган бўлди у қизни, - Бу Реддлнинг кундалиги эмас. Саҳифаларига кимдир ўз билганини ёзган эскириб кетган оддий китоб холос.

- Лекин сен, у ерда битилган йўриққа амал қилдинг, шундайми?

- Шунчаки, саҳифанинг бўш жойига ёзиб қолдирилган тавсиялардан фойдаландим Жинна, оддий тавсиялардан...

- Жинна ҳақ, - шу заҳоти сергак тортди Гермiona, - Буни чиндан ҳам текшириб кўриш керак. Жа ғалати тавсияларга ўхшайди... Тағин ким билсин?...

- Ҳой, нима қияпсан? - эътироз-ла қичқирди Гарри, унинг юк халтасидан «Олий дамламачилик»ни чиқариб, сеҳрли таёқчасини қўлига олган Гермionaга.

- Специаль ревелио, - афсун ўқиди Гермiona, китоб муқовасига таёқча уриб.

Ҳеч нарса рўй бермади. Эски китоб стол устида қандай ётган бўлса, шундайича қолди.

- Бўлди-ми? - жаҳл қилди Гарри, - Ёки бошимиз узра сапчиб, думбалок ошишини кутасанми?

- Хавфсизга ўхшайди, - ғудуллади Гермiona, шубҳали нигоҳини китобдай узмай, - Айтмоқчиман-ки, афтидан чиндан ҳам, бу оддий дарсликка ўхшайди.

- Жуда соз. Демак, уни қайтариб олсам бўлаверади?

Гарри стол устида ётган китобни чангаллаб олмоқчи бўлди-ю, дарслик қўлидан сирпаниб чиқиб, ерга тушгач, очилиб қолди.

Энди китобга ҳеч ким қиё боқмади. Уни олиш учун эгилган Гарри орқа форзацга битилган қисқа ёзувни кўриб қолди. (Форзац м полигр. форзац (китоб варақларини муқова билан бириктириб турадиган қоғоз ёки латта).)

Ушбу ёзув ҳам, ҳозир Гаррининг сандиғидаги пайпоқ ичига ишончли бекитиб қўйилган бахт-у, толе дамламасини қўлга киритишга ёрдам берган китоб саҳифаларидаги ёзув каби, ўша майда дастхат-ла ёзилган: «Мазкур дарслик соҳиби – Чала зот Шаҳзода».

Х БОБ. МИСТЕР МОНСТЕР

Ҳафта охирига қадар Гарри чала зот Шаҳзоданинг Возлиянус Сенн

томонидан берилган ўғитларидан фарқ қиладиган тавсияларига амал қилиб борди. Сеҳрли дамламалар тайёрлаш фанининг тўртинчи дарсига келганда Дивангард ҳам бу қадар истеъдодли ўқувчиси бўлмаганини тан олди, лекин бу Рон билан Германиони мутлақо севинтирмади. Гарри ўз дарслигидан фойдаланишни уларга таклиф этиб ҳам кўрди, бироқ иккаласи Шаҳзоданинг қинғир-қийшиқ дастхатини тушунмади, дарс вақтида Гарридан сўраб билиш эса атрофдаги одамлар орасида шубҳа туғдиради. Германиа ўжарлик-ла «расмий талқин»га амал қилиб, салбий натижага эришган сари, дарғазаб бўлиб бораверди.

Ўша Шаҳзоданинг кимлиги масаласида Гарри баъзан ўй суриб қолади. Уйга берилган вазифаларнинг ҳажми катта бўлгани боис, ўзининг «Олий дамламачилик» дарслигини охиригача ўқиб чиққани вақт топа олмаяпти, лекин китобнинг собиқ соҳиби изоҳ қолдирмаган соғ саҳифа йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун етарли даражада варақлаб чиқди. Мавжуд изоҳларнинг бари ҳам дамламачиликка тааллуқли эмас. Баъзан қарғиш қўллашнинг, афтидан, Шаҳзоданинг ўзи ихтиро қилган услублари ҳам учраб туради.

Шанба куни оқшом маҳалда Гарри билан Рон умумий меҳмонхонада мавҳум Шаҳзодани муҳокама қилиб ўтиришар экан, кутилмаганда кириб келган Германианинг домангир овози эшитилиб қолди:

- Ёки ўша қизнинг ўзи тўқиб ёзган. Негаки, ушбу дастхат қиз боланинг дастхатига ўхшайди.

- Чала зот Шаҳзода-ку, у, - эътироз билдирди Гарри, - Қайси замонда қиз бола Малика эмас Шаҳзода, деган ном олган?!

Германиа жавоб топа олмай, қовоқ уйиб олганча, тескари ушлаб ўқишга уринаётган Роннинг қўлидан ўзининг «Моддий тусга барҳам бериш тамойиллари» мавзусида ёзган иншосини тортиб олди.

Соатга қараб қўйган Гарри ўзининг путури кетган «Олий дамламачилик» китобини юк халтасига жойлади.

- Бешта кам саккиз. Вақт бўлди. Дамблдорнинг ҳузурига кечикмай тагин. Германиа шу заҳоти бошини кўтариб, эшитиларли нафас чиқарди.

- О-о-о! Омад ёр бўлсин! Биз сени кутиб ўтирамыз. Қизиқ, нималарни ўргатар экан сенга, а?!

- Омад! - тилак билдирди Рон ҳам.

Иккаласи Гаррини портрет тўсган туйнукка қадар нигоҳ-ла кузатиб қўйди.

Қаср йўлаклари кимсасиз. Фақат бир бор Гаррига, муюлиш ортидан чиқиб қолган профессор Треланидан яшириниш учун ҳайкал ортига бекиниб олишга тўғри келди.

- Икки қарға – можаро, - ғудуллади Гарри турган жойга яқин келган соҳибқаромат аёл, қўлидаги кир қарта дастасини аралаштириб, - Етти қарға – ёмонлик аломати. Ўн қарға – зўравонлик. Валет қарға – қора сочли ёш йигит, нотинч, терговчига нисбатан адоват руҳида...

Аёл кутилмаганда, Гарри эгилганча яшириниб олган ҳайкал қаршисида тўхтаб қолди.

- Бемаънилиқ, - дарғазаб оҳангда ғудуллади Трелани, қартани ғайрат-ла аралаштириб.

Ҳавода ошпазлик хересининг ҳидини қолдириб, йўлини давом этган профессорнинг узоқлашишини кутган Гарри еттинчи қаватга, йўлак деворига орқа ўгириб турган аждар тусидаги тош ҳайкал ёнига ошиқди. (Херес – кучли узум виносининг бир нави.)

- Нордон обакиданон, - овоз чиқарди Гарри.

Ҳайкал четга сакраб ўтиб, ортидаги тош сурилгач, ҳаракатчан айлана зина кўринди. Гарри оёқ қўйиши ҳамоно, зина айланганча, юқорига кўтарилиб, Дамблдорнинг хизмат хонасига олиб кирадиган мис болғали катта эман эшик қаршисида тўхтади.

Гарри эшик тақиллатди.

- Киринг, - эшитилди Дамблдорнинг овози.

- Хайрли кеч, сэр, - саломлашди Гарри, хона остонасини хатлаб ўтиб.

- А, Гарри, хайрли кеч, - табассум-ла қарши олди Дамблдор, - Ўтир. Умид қиламан-ки, мактабдаги биринчи ўқув ҳафтаси кўнгилдагидай ўтди?

- Ҳа, сэр, раҳмат, - жавоб берди Гарри.

- Вақтни беҳуда ўтказмай, меҳнат жазосига тортилишга ҳам улгурдинг?

- Э-э-м-м... - ноқулай ҳолатда минғирлади Гарри.

Умуман айтганда, Дамблдорнинг нигоҳи у қадар қатъий ҳам эмас эди.

- Профессор Снегг билан келишиб қўйдим, жазони кейинги ҳафтада ўтасан.

- Тушунарли, - бош ирғиди Гарри.

Ҳозир уни нисбатан муҳимроқ масала, у ҳам бўлса, нима билан машғул бўлишлари ўйлантириб, бу борада оз бўлсин, шама кутмоқда. Думалоқ хона жиҳозлари ўзининг одатий жойида турибди. Ингичка оёқли столлар устида терилган кумуш тусли нафис асбоблар тинчгина пишиллаганча, буғ пағаларини чиқармоқда. Мактабнинг собиқ директорлари ўз портретларида мизғимоқда. Эшик ортидаги тилла қўноқда зийнатли қуш Янгус Гаррига жонли нигоҳ-ла термилиб ўтирибди. Хулоса қилиб айтганда, Дамблдор хонани дуэль машқлари учун тайёрлаганга ўхшамайди.

- Шундай қилиб, Гарри, - деди Дамблдор ишга киришиш оҳангида, - Ишончим комилки, бошқа сўз топилмагани боис, дарс деб номланган машғулотимиз учун нималарни режалаштирганимни билишни жуда истамоқдасан?

- Ҳа, сэр.

- Ундай бўлса, қулоқ сол, - гап бошлади Дамблдор, - Нима сабабдан бундан ўн беш йил муқаддам Лорд Вольдеморт сени ўлдирмоқчи бўлганидан хабар топганингдан сўнг, сенга айрим маълумотларни етказиш вақти етганини англадим.

Орага бироз сукунат чўкди.

- Ўтган йил охирида бор гапни менга айтиб берганингизга иқрор бўлган эдингиз шекилли? - гина қилишдан ўзини тия олмади Гарри, - Сэр, - қўшиб қўйди у.

- Чиндан ҳам, - хотиржам маъқуллади Дамблдор, - Билганимни айтиб берганман. Бироқ шу бугундан эътиборан сен билан мен, мавжуд далил-исботларнинг инкор этиб бўлмас заминини тарк этиб, хотираларнинг билқиллама ботқоғи, дадил тахминлар тафсилоти сари йўлга чиқамиз. Пишлоқ қозон яратиш вақти етганига тўлиқ ишонч ҳосил қилган Хамфри Икотс сингари, ўта ачинарли хатолардан бундан буён мен ҳам кафолатланганим йўқ.

- Аммо Сиз, ўзингизни ҳақ деб биласиз, шундайми?

- Албатта, лекин... ҳар қандай хом сут эмган банда каби, мен ҳам хатога йўл қўйишим мумкинлигини, эсингда бўлса, исбот қилиб бердим. Модомики мен, маъзур кўрасан-у, бошқаларга нисбатан анча ақлли саналар эканман, мен томондан йўл қўйилган хатолар нисбатан жиддий оқибат-ла яқун топиши муқаррар.

- Сэр, - аста гап бошлади Гарри, - Сиз менга айтмоқчи бўлган гаплар башоратга бирон-бир алоқаси борми? Омон қолишга ёрдам берадими, менга?

- Бор, бевосита алоқаси бор, - хотиржам жавоб берди Дамблдор, худди Гарри эртанги об-ҳавони сўрагандай, - Ва фикримча, омон қолишингга шак-шубҳасиз ёрдам беради.

Дамблдор ўрнидан туриб, ёзув столини айланиб ўтди-да, эшик томон одимлади. Гарри эса курсида айланиб, директорнинг хатти-ҳаракатларини қизиқиш-ла кузатиб ўтирди. Директор жавон устида энгашиб, қўлида унча чуқур бўлмаган, четларига қадимги руна ёзувлари ажиб ўйма нақш шаклида юритилган тош чиғаноқни ушлаганча, қаддини ростлади. Шундан сўнг, ёзув столига қайтиб, хотира идишини Гаррининг олдига қўйди.

- Нимадандир хавотирланаётган кўринасан?

Фикр-мулоҳаза ва хотиралар сақланадиган ушбу чиғаноқ нафақат фойдали, балки хавфли буюм ҳам эканлигини ўзининг илгариги тажрибасидан яхши биладиган Гарри чиндан ҳам дамблхотирага хавфсираб қараб қўйди. Идиш ичига сингиб кирган Гарри, ўтган гал ҳаддан ортиқ кўп нарсалардан воқиф бўлиб чиққан эди.

- Бу гал сафарга мен билан бирга чиқасан... ва бу галги сафарнинг ғайриоддий жиҳати шундан иборат-ки, йўлга менинг ижозатим билан чиқасан, - кулиб боқди Дамблдор.

- Қаёққа, сэр?

- Боб Огденнинг хотирасига, - жавоб берди Дамблдор, киссасидан кумуш тусли субстанция солинган биллур шишача чиқариб.

- Ким у?

- Сеҳрли ҳуқуқни муҳофаза қилиш департаментининг раҳбари бўлган. У яқинда вафот этди, лекин ўлиmidан олдин мен у билан суҳбатлашиб, хотирасини сўраб олишга улгуриб қолганман. Хизмат мажбурияти билан бир жойга ташриф буюриши керак бўлган фурсатда, биз унга ҳамроҳ бўламиз... Бир дақиқа, Гарри...

Жароҳатланган қўли оғриётгани билинаётган Дамблдор шиша идишча тиқинини ҳеч оча олмаяпти.

- Ижозат берсангиз, сэр...

- Эътибор қаратма, Гарри...

Дамблдор сеҳрли таёқчасини шишачага йўллаши ҳамоно, тиқин отилиб чиқди.

- Қўлингизга нима қилганини айтиб бермадингиз... сэр, - ҳазарли ҳамдардлик-ла боз қизиқди Гарри, қорайиб кетган бармоқларга қараб.

- Йўқ Гарри, ҳозир бунинг мавриди эмас. Ҳозирча. Бизни Боб Огден кутмоқда.

Дамблдор шишача ичидаги моддани дамблхотирага қўйди. На газ, на суюқлик бўлган модда хира милтиллаганча, идиш ичида айлана бошлади.

- Марҳамат, - илтифот-ла деди Дамблдор, қўлини чиғаноқ томон узатиб.

Гарри чуқур нафас олди-да, энгашиганча, юзини кумуш тусли моддага ботирди. Хона ларзага келиб, Гаррини нимадир олдинга итқитиб юборгандай бўлди. Унинг оёғи шу заҳоти ердан узилиб, гир айланаётган қоронғилик ичра пастга туша бошлади... Кутилмаган ёруғлик Гаррининг кўзини қамаштириб юборди. Ёрқин қуёш нурига кўникишга улгурмай, ёнида Дамблдор пайдо бўлди.

Икковлон икки томонида қалин бутазор ўсган сўқмоқда пайдо бўлган. Ёз осмони бўтакўзнинг мовий тусига киргандай ярқирамоқда. Тахминан ўн фут нарида шишаси кўзини холга ўхшатиб қўйган даражада қалин кўзойнак таққан паст бўйли, бақувват йигит йўлнинг чап томондаги буталар орасидан чиқиб турган хомага маҳкамланган ёғоч кўрсаткичдаги ёзувни ўқимоқда. Бу йигит Огден эканлигини Гарри дарҳол фаҳмлади.

Биринчидан, атрофда бошқа ҳеч ким йўқ, иккинчидан эса эгнидаги кийими ила ҳар қандай кишини ҳайратда қолдиради. Магл қиёфасига кирмоқчи бўлган тажрибасиз сеҳргар айнан мана шундай кийинади. Модадан қолган йўл-йўл сузиш кийими устидан гетр билан сюртук кийиб олган. Огден худди ишбилармондай қаёққадир тез одимлай бошлагани боис, унинг эгнидаги кийим тафсилотлари билан танишиб чиқишга Гарри улгурмади. (Гетр – тўпикдан болдиргача бекитиб турадиган иссиқ оёқ кийими ёки қўнж. Сюртук – эркакларнинг узун белбурма камзули.)

Дамблдор билан Гарри йигит ортидан эргашди. Гарри ёғоч кўрсаткичга қараб қўйди. Ортки йўналишни кўрсатаётган миллиардан бирида «Катта Висельтон, 5 миля» ёзуви битилган. Огден йўл олган йўналишга қараган милга эса «Кичик Висельтон, 1 миля» сўзлари ёзилган.

Атрофда бутазор, мовий осмон ва бироз чайқалиб кетаётган йигит

шарпасидан бошқа ҳеч нима кўринмаяпти. Йўл чапга бурилиб, тикка пастга тушди. Кутилмаганда, Дамблдор билан Гаррига бутун бошли водий, хусусан: иккита тепалик орасида жойлашган Кичик Висельтон қишлоғи, баланд қишлоқ черкови ва қабристон худди кафтдай очилиб кўринди. Водийнинг нариги бошида кўтарилган тепалик устидаги қалин ўсган кенг майсазорнинг қоқ ўртасида эса кўркам иморат савлат тўкиб турибди.

Йўл шу қадар тик тушган-ки, Огден беихтиёр лўкиллаб юра бошлади. Гарри қадамини катта-катта ташлаб бораётган Дамблдорнинг ортидан эргашиб бормоқда. Кичик Висельтонга тушишларини англаган Гарри, худди ўтган сафар Дивангардни қидириб юришганда ҳайрон бўлгандай, нега манзилга бу қадар олис масофадан яқинлашиш кераклигини тушунмай боши қотди. Хаёл ўтмай янглишгани, улар қишлоқ томон йўл олишмаганини фаҳмлади. Йўл ўнгга бурилгач, муюлиш ортидан буталар орасидаги сюртукни илғаб олишга улгурди.

Икковлон Огденнинг кетидан бормоқда. Ортда қолган йўлақдан анча тор, ифлос, ўнқир-чўнқир сўқмоқ нисбатан баланд ўсган буталар орасидан аллақандай қоронғи дарахтзор томон чўзилиб тушган. Дарахтзорга етган Дамблдор билан Гарри кескин тўхтаб, қўлига сеҳрли таёқчасини ушлаган Огденнинг орқасида туриб қолишди.

Кун қуёшли бўлганига қарамай, таналари йирик улкан қадимий дарахтлар қандайдир совуқ, қалин кўланка ҳосил қилгани боис, улар орасидаги кулбани Гаррини дарҳол илғай олмади. Уй қуриш учун ғалати жой танланган, хаёлдан ўтказди Гарри, эҳтимол қишлоқ манзараси ва ёруғликни тўсиб қўйган дарахтларнинг кесилмагани ғалатидир. Бу уйда биров яшаши ҳам даргумон. Кулба деворларини йўсин қоплаган, томини ёпган сопол тўкилиб, айрим тўсинлари очилиб қолган. Кулбанинг теваарак атрофини бўйи тутун қорайтириб юборган деразаларга қадар етган қичитқи ўт қамраб олган. Гарри тўғри хулосага борганига эндигина амин бўлган эди ҳам-ки, деразалардан бири қарсиллаб очилиб, тутунми у, буғми, паға-паға бўлиб отилиб чиқди. Афтидан, ичкарида кимдир нимадир тайёрламоқда.

Огден Гаррининг назарида хавфсираб, аста-секин олға илгарилади. Қалин сояга киргач, боз тўхтаб, илон қоқилган эшикка бақрайиб қолди. Нимадир кутилмаганда шитирлаб, қарсиллади ва яқин орадаги дарахтдан тўғри Огденнинг оёғи остига эгнига жулдур кийим кийган киши дўп этиб сакраб тушди. Ортга тисарилаётиб, сюртугининг этагини босиб олган Огден мувозанатини йўқотиб, юз тубан қулашига бир баҳя қолди.

- Сени бу ерга ҳеч ким чақирмаган.

Оғиз бўшлиғида бир нечта тиши йўқ кишининг пахмоқ сочи шу қадар кирки, танасининг рангини фарқлаб олиш қийин. Миттигина қора кўзлари ҳар томон қарамоқда. Кулгили кўриниши мумкин-у, лекин қиёфаси ҳар қандай кишини ҳайиқтиради. Шу боис ҳам Гарри Огденни гап бошлашдан

олдин яна бир неча қадам ортга тисарилгани учун қўрқоқликда айбламади.

- Э-э-м-м... Хайрли тонг. Мен сеҳргарлик вазирлигиданман...

- Сени бу ерга ҳеч ким чақирмаган.

- Э-э-м-м... Маъзур сананг... Сизни тушунмадим, - асабий оҳангда ғудуллади Огден.

Гарри Огденни бироз овсар сифатида қабул қилди. Зеро, унинг нуқтаи назарига кўра, анави нотаниш киши, айниқса, бир қўлида сеҳрли таёқча, иккинчи қўлида қонга беланган пичоқ силтаб гапираётгани назарда тутилса, ўз фикрини етарлича аниқ ва тушунарли тилда баён этди.

- Сен эса Гарри, тушунган бўлсанг керак, - деди Дамблдор паст овозда.

- Албатта, - ҳайрон бўлганча жавоб берди Гарри, - Нима учун Огден?...

Шу пайт Гаррининг нигоҳи эшикка қоқилган илон ўлигига тушиб, фикри равшанлашиб кетди.

- У серпентарго тилида гапиряпти...

- Тўғри, - бош ирғиди Дамблдор, кулиб боқиб.

Жулдир кийимли киши Огденга пичоқ ва таёқча воситасида ҳамла қила бошлади.

- Қулоқ солинг, - гап бошлади Огден, лекин кеч...

Гумбурлаган товуш эшитилиб, ерга қулаган Огден бурнини чангаллади.

Бармоқлари орасидан жирканч сариқ суюқлик сизиб чиқди.

- МОРФИН! - баланд овозда қичқирди кимдир.

Кулбадан аллақандай қария югуриб чиқди. У эшикни шу қадар қаттиқ ёпди-ки, тахтасига қоқилган илон тебраниб, думини аянчли силтаб қўйди. Қариянинг бўйи, дарахтдан сакраб тушган кишининг бўйидан анча паст бўлиб, танаси нотўғри, хусусан, елкаси ҳаддан ортиқ кенг, қўли жуда узун ўсиб шаклланган. Ярқираётган жигар ранг кўзи, қисқа дағал сочи ва ажин қоплаган юзи билан уйғунлашган ушбу тана қарияни ёши ўтган маймунга ўхшатиб қўйган. У қўлида пичоқ ушлаб, ерда ётган Огденга жуда хунук кулиб қараётган кишининг ёнида кескин тўхтади.

- Вазирлиқданми? - сўради қария, Огденга мурожаат қилиб.

- Худди шундай! - баджаҳл оҳангда жавоб берди Огден, юзини пайпаслаб, сиз эса, тушунишимча, мистер Монстерсиз, шундайми?

- Шундай, - жавоб берди мистер Монстер, - Башарангга ебсан-да, а?

- Едим, - жеркиб берди Огден.

- Олдиндан хабардор қилишинг керак эди келишинг ҳақида, тушунарлими? - тажовузкорона баёнот қилди Монстер, - Бу хусусий ер. Модомики, томдан тараша тушгандай келган экансан, ўғлим ўзини ҳимоя қилган.

- Кимдан ҳимояланиши керак, у? - сўради Огден, оёққа туриб.

- Қизиқувчан тумшуклар, жонга тегар каслар, маглар ва ҳар хил ифлослардан.

Огден ҳанузгача кўп миқдорда сариқ фасод оқаётган бурнига сеҳрли

таёқчасини ўқтади. Мистер Монстер эса тиши орасидан вишиллаганча, Морфинга мурожаат қилди:

- Уйга кир. Гап қайтарма.

Бу сафар Гарри серпентарго тилини дарҳол ажратиб, гап нима ҳақда кетаётгани, Огден эса бу вақтда фақат нохуш эшитилаётган ғалати вишиллашни эшитаётганини англади. Морфин эътироз билдирмоқчи бўлди-ю, отасининг таҳдидли нигоҳини кўриб, фикридан қайтди ва бесўнақай қадам ташлаганча, уй томон равона бўлиб, эшикни ичкаридан қарсиллаб ёпди. Бахти қора илон думини боз маъюсгина ликиллашиб қўйди.

- Демак, у ўғлингиз, мистер Монстер? - сўради Огден, сюртукини фасод қолдиқларидан тозалаб, - Исми Морфин экан, шундайми?

- Ҳа, Морфин, - лоқайд жавоб берди қария ва дафъатан тажовузкор оҳангда сўради: - Ўзинг асл зотларданмисан?

- Ишингиз бўлмасин, - совуқ жавоб қилди Огден.

Бундай жавобни эшитган Гарри, Огденга ҳурмат-ла қарайдиган бўлди. Монстер эса афтидан, Огденнинг сўзларини бошқача қабул қилган кўринади. У кўзини қисганча, Огденга қараб, ҳақоратомуз оҳангда ғудуллади:

- Билсанг агар, пастда, қишлоқда, мен бундай бурунларнинг кўпини кўрганман.

- Ҳайрон бўладиган жойи йўқ, агар ўғлингиз у ерга тез-тез тушиб турган бўлса, - бўш келмади Огден, - Сухбатни уйга кириб давом эттирсак бўладими?

- Менинг уйимдами?

- Ҳа, мистер Монстер. Айтдим-ку, мен бу ерга Морфин туфайли ташриф буюрдим, деб. Биз бойқуш йўллаган эдик...

- Бойқушлардан фойда йўқ менга, - гапни кесди Монстер, - Мен хат ўқимайман.

- Ундай бўлса, ташрифим борасида олдиндан огоҳлантирмаганимиз юзасидан айтган шикоятингиз ўринсиз, - заҳарли оҳангда таъкидлаб қўйди Огден, - Бугун тунда йўл қўйилган жиддий қонунбузарликка ойдинлик киритиш мақсадида келдим...

- Яхши, ЯХШИ! - ўқирди Монстер, - Кир, жин урган кулбамга, агар сенга шу керак бўлса!

Кулба афтидан, кичик ўлчамли учта хонадан ташкил топган бўлиб, бир вақтнинг ўзида ҳам ошхона, ҳам меҳмонхона вазифасини ўтайдиган асосий хонада ичкари хоналарга олиб кирадиган яна иккита эшик кўринди. Буруқсаётган камин рўпарасидаги ниҳоятда кир креслода Морфин ўтирибди. У йўғон бармоқлари орасига сиқиб олган тирик қора илонни айлантариб, серпентарго тилида хиргойи қилмоқда:

Висс-висс-висс илонча,

Морфинни овунтир, полда ўрмала,
Йўқса қоқилганча тириклайин эшикка,
Пўст ташла, қийналиб тула.

Хона бурчагидаги очиқ дераза ёнида шовқин эшитилиб, у ерда яна кимдир борлиги билинди. Гарри эгнига кирлигидан ранги девор рангидан фарқ қилмай қолган йиртиқ кўйлак кийган қизни кўрди. Қиз тутундан қорайиб кетган ўчоқ ёнида, токчага терилган қинғир-қийшиқ идишлар-у, товалар билан овора. Унинг хира сочи бошига ёпиштирилганча силлиқ таралган бўлиб, рангпар хунук юзи ҳорғин қиёфа касб этган. Қизнинг кўзи ҳам, укасининг кўзи каби, ҳар томон қараган. Гарчи, эркакларга нисбатан батартиброқ кўринса-да, Гарри, ҳали бу қадар сўлғин қизни кўрмаган.

- Қизим, Метропа, - истар-истамас таништирган бўлди Монстер, Огденнинг савол маъносидаги назарига жавоб берган бўлиб.

- Хайрли тонг, - саломлашди Огден.

Қиз жавоб бермай, отасига қўрқа-писа қараб қўйди-да, идиш-товоқ билан овора бўлишни давом этди.

- Мақсадга ўтамин, мистер Монстер, - гап бошлади Огден, - Ўтган тунда ўғлингиз Морфин магнинг кўз ўнгида қарғиш қўллаганини гумон қилишга барча асосларимиз бор...

ҚАРС!

Метропа қўлидаги идишни тушириб юборди.

- КЎТАР! - қичқирди Монстер, - Аҳа, аҳа, қўлинг билан, худди зоти паст ифлос магл каби кўтар! Таёқча нимага берилган сенга, бефаҳм АҲМОҚ?

- Қўйсангиз-чи, мистер Монстер! - овоз кўтарди Огден.

Хижолатдан юзи қизариб, қўлига олган идишни боз тушириб юборган Метропа кассасидан таёқчасини чиқариб, идишга йўллади-да, базўр эшитилган овозда афсун ўқиди. Ердан кўтарилган идиш рўпарадаги девор томон учиб урилганча, икки бўлиниб тушди.

Морфин қирқираб кулди. Монстер эса баттар ўқирди:

- Тузат, ношуд қиз, ўз ҳолатига қайтар идишни, аҳмоқ!

Метропа қоқилиб-сурилиб синган идиш томон одимлади. Қиз таёқчасини кўтаришга улгурмай, Огден баланд овозда афсун ўқиди:

- Репаро!

Идиш шу заҳоти ўз ҳолатига қайтди.

Монстер, афтидан, Огденга ўшқириб бермоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди чоғи, тишининг оқини кўрсатиб, қизига мурожаат қилди:

- Вазирликдан меҳрибон амаки келиб, омадинг чопди, а? Модомики унинг швахларга қаршилиги йўқ экан, эҳтимол сени сотиб юборармиз унга, а?...

Ҳеч кимга эътибор қаратмаган, Огденга ҳам миннатдорлик билдирмаган Метропа қалтироқ қўли билан идишни ердан олиб, токчадаги ўрнига

қўйди-да, кир дераза билан ўчоқ орасидаги деворга суяниб, худди унга сингиб, йўқ бўлиб кетишни бир умр орзу қилгандай, тек туриб қолди.

- Мистер Монстер, - боз гап бошлади Огден, - Юқорида айтганимдек, ташрифимнинг боиси...

- Буни яхши эшитдим! - гапни кескин бўлди Монстер, - Нима қилибди? Осмон узилиб, ерга тушибди-ми? Морфин маглнинг адабини бериб, бошлабди. Хўш, энди нима қилмоқчисиз?

- Морфин сеҳргарлар оламининг қонунини бузди, - деди Морфин қатъий оҳангда.

- Морфин сеҳргарлар оламининг қонунини бузди, - масхараомуз такрорлади Монстер.

Морфин ўтирган жойида ҳиринглаб қўйди.

- Маглнинг боласига сабоқ берибди, - давом этди Монстер, - Шу ҳам энди ғайриқонуний иш бўлди-ми?

- Ҳа, - бош ирғиди Огден, ички чўнтагидан пергаментнинг кичик ўрамини чиқариб, - Ўша қилмиши ғайриқонуний хатти-ҳаракат саналади.

- Буниси нима бўлди энди, ҳукми? - дарғазаб оҳангда сўради Монстер.

- Бу, иш кўрилиши учун вазирликка чақирув қоғози.

- Чақирув қоғози? Сен ким бўлиб қолибсан ўзи, менинг ўғлимни чақиртиргани?

- Мен, сеҳргарлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш департаментининг раҳбари бўламан, - тушунтириш берди Огден.

- Биз-чи, биз? Демак биз, ҳеч ким эмас, шунчаки, ердан отилиб чиққан қўзиқорин, шундайми? - ўкира кетди Монстер, Огден томон одимлаганча, сарғайиб кетган кир тирноғини унинг кўкрагига ниқтаб, - Вазирлик нима-ки буюрса, индамай бажаришимиз керак бўлган, орқа оёқда ирғиб юрадиган, паст табақага мансуб каслармиз, шундайми? Сен ўзи тасаввур қилгансан-ми, ким билан гаплашаётганингни, ҳароми маглвачча?

- Билишимча, мистер Монстер билан, - деди ўзини вазмин тутаётган Огден.

- Айнан! - ўкирди Монстер, ўрта бармоғини кўрсатиб.

Гарри дастлаб буни беадаб қилиқ сифатида қабул қилди, лекин дурустроқ разм солгач, Монстер Огденга қора кўзли хунук узукни кўрсатаётганини фаҳмлади.

- Кўрдинг-ми? Кўрдинг-ми? Буни нима эканлигини биласанми, сен ўзи? Тарихини биласанми? Бу узук сулоламизда бир неча асрлардан буён сақланади! Мана, қаердан келиб чиққан бизнинг авлодимиз! Барчамиз аслзода сеҳргарлармиз! Ушбу узук учун менга қанча пул беришмоқчи бўлганини тасаввур этипсан-ми? Тошига қара Певвереллар герби тасвирланган!

- Тасаввур ҳам қила олмайман, - елка қисиб қўйди Огден, узук бурнидан бир дюйм нарида ўтиб кетганидан кўзини пирпиратиб, - Бироқ бунинг мутлақо аҳамияти йўқ, мистер Монстер. Ўғлингиз қонун...

Монстер ўқирганча қизига ташланиб, қўлини қизнинг бўғзига узатди. Гарри, бечора қиз бўғизланади, деган хаёлга борди. Мистер Монстер Меропани бўйнидаги тилла занжиридан маҳкам ушлаганча, Огденнинг ёнига тортди.

- Мана буни кўрдинг-ми? - ўшқирди у, қиз бўйнидаги оғир тилла медальонни силтаб.

Меропа даҳшатга тушиб, хириллай бошлади.

- Кўрдим, кўрдим, - тез ишонтира кетди Огден.

- Бу, шахсан Слизериннинг ўзига тегишли бўлган! - бақирди Монстер, - Салазар Слизериннинг шахсан ўзига! Биз унинг энг сўнгги авлоди бўламиз! Бунга нима дейсан, а?

- Мистер Монстер, қизингиз! - хавотир-ла хитоб қилди Огден.

Отасининг чангалидан халос бўлган Меропа бўйнини уқалаб, оғзи орқали нафас олганча, ўз бурчаги томон равона бўлди.

- Хўш? - музаффарият оҳангида қичқирди Монстер, худди инкор этиб бўлмайдиган мутлақ далил келтиргандай, - Энди тушундинг-ми? Шундай экан, биз билан оёқ остидаги лойдай муомала қилиш керак эмас!

Аслзотларнинг кўплаб авлоди ва ҳаммаси сеҳргар бўлган. Сен ҳақингда эса бундай деб бўлмайдим, - деди у, Огденнинг оёғи остига тупуриб.

Морфин боз ҳиринглаб қўйди. Бошини ҳам қилганча, бурчакка индамай сиқилиб олган Меропанинг юзини тўзиб кетган сочи тўсиб қўйган.

- Мистер Монстер, ишончим комилки, на сизнинг ва на менинг аждодларимиз, мулоҳаза юритилаётган ишга зиғирдай бўлсин, дахл қилмайди. Мен бу ерга Морфин кеча тунда маглга ҳамла қилгани сабабли келдим. Бизда мавжуд маълумотларга қараганда, - деди у, нигоҳини пергаментга олиб ўтиб, - Морфин маглга нисбатан қарғиш қўллаб, хуружи кучли оғриқ-ла кечадиган эшак еми касаллигини қўзғатган.

Морфин яна ҳиринглади.

- Тек ўтир, ўғлим, - деди Монстер серпентарго тилида.

- Хўп, шундай бўлди ҳам, дейлик, - кибрланди Монстер, ўғли жим бўлгач,

- Билишимча, сизлар ўша маглнинг юзини ҳам, хотирасини ҳам тозалагансизлар?

- Гап бунда эмас, мистер Монстер, - жавоб берди Огден, - Ҳимоясиз маглга асосли сабабсиз амалга оширилган ҳамла бўлган бу...

- Бу ерга кириб келишинг билан, маглваччаларни хуш кўрадиганлардан эканлигини фаҳмладим, - мурдор иржайди Монстер, Огденнинг оёғи остига боз тупуриб.

- Бундай оҳангдаги суҳбат яхшиликка олиб келмайди, - қатъий баёнот қилди Огден, - Ўғлингизнинг хулқи ҳам, виждон азобидан азият чекмаётганини кўрсатмоқда, - деди у, боз пергаментга қараб, - Морфин ўн тўртинчи сентябрь куни вазирликка ҳозир бўлиб, магларнинг кўз ўнгида сеҳр-жоду қўллаганлик, унга жисмонан ва маънан зиён етказганлик...

Огден кутилмаганда жим бўлиб қолди. Кўчада от туёғининг баланд тақир-туқури билан қувноқ овоз эшитилди. Афтидан, қишлоққа олиб борадиган йўл Монстернинг кулбаси яқинидан ўтадиган кўринади. Кўзини катта очиб олган Монстер диққат-ла қулоқ тутиб, тек қотди. Морфин оч нигоҳ-ла вишиллаб, бошини овоз эшитилаётган томон бурди. Мерапа ҳам бошини кўтарди. Қизнинг ранги баттар оқаргани Гаррининг эътиборидан четда қолмади.

- Вой Худойим-ей, қанақанги қашшоқ кулба экан бу?! - худди хона ўртасида тургандай, янгради бир қизнинг жарангдор овози, - Том, наҳотки отанг, ушбу капани бузиб ташлашни буюра олмаса?

- Бизга қарашли эмас бу ер, - жавоб берди ёш йигитнинг овози, - Бизнинг ҳудудимиз йўлнинг нариги томонидан бошланади. Бу кулба эса қария Монстер билан унинг болаларига тегишли. Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, ўғли ғирт жинни бўлиб, томи анчагина силжиб қолган. Қишлоқликларнинг у ҳақда айтиб берадиган гапларини эшитсанг бўлар экан...

Қиз қувноқ кулиб юборди. Туёқ товуши тобора баланд эшитилмоқда. Морфин креслодан туришга уринди.

- Қимирламай ўтир, - огоҳлантирди отаси серпентарго тилида вишиллаб.

- Том, - яқиндан эшитилди қизнинг овози, - Эҳтимол мен янглишаётгандирман, лекин эшикка биров илон қоқиб қўйган кўринади. Қиз билан йигит кулба рўпарасида турган кўринади.

- Эй, Худо, тўғри айтасан! - деди йигит, - Ўғлининг қилган иши бўлса керак. Айтяпман-ку, томи жойида эмас, деб. Қарама у ёққа, Сесилия, азизам.

Туёқ товуши узоқлаша бошлади.

- «Азизам», - вишиллади Морфин серпентарго тилида, синглисига олайиб, - Уни «Азизам» деди. Демак сенга уйланмайди.

Мерапа бўрдай оқариб кетди. Гаррининг назарида қиз ҳозир хушини йўқотадиган кўринди.

- Нима дединг, - гапга аралашди Монстер вишиллаб, дам ўғли, дам қизига кўз югуртириб, - Нима дединг, Морфин?

- Анави маглга термилгани термилган, - ичиқоралик-ла, чақимчилик қилди Морфин, қўрқувдан дарахтдай қотиб қолган синглисига олайиб, - Бу ердан ўтиб қоладиган бўлса, боққа чиқиб, бақрайганча туриб қолади. Кеча тунда эса...

Мерапа ўтинч тўла нигоҳини укасига қаратди, Морфин эса шафқат қилмай, давом этди:

- ... унинг ўтишини кутиб, деразадан қулаб тушишига сал қолди.

- Деразадан? Маглга? - паст овозда вишиллади Монстер.

Монстерлар Огденни мутлақо унутиб юборишган. Департамент раҳбари эса тушунарсиз вишиллашлар-у, хириллашларнинг янги туғёнини таажжуб ва ҳазар-ла кузатиб турибди.

- Шу гап ростми? - хунук овоз-ла, сўради Монстер, қизи томон икки қадам ташлаб, - Менинг қизим... Салазар Слизерин авлоди... ифлос қонли маглни севиб қолган?

Сўз айтиш қобилиятини йўқотиб қўйган Мeroпа бошини умидсиз тебратиб, деворга қапишиб олди.

- Лекин мен унинг адабини бериб қўйдим, ота! - ҳиринглади Морфин, - Уйимиз ёнидан ўтишини пойладим. Башарасидаги ҳуснбузарлари билан энди биров уни барно дея олмайди, тўғрими, Мeroпа?

- Вой сен ярамас, швах қиз-ей, вой сен ифлос хоин-ей! - ўқирди ўзини идора қила олмаган Монстер, қизининг бўғзидан чангаллаб олиб.

Огден билан Гарри бараварига ҳайқириб юборишди:

- Йўқ!

Сеҳрли таёқчасини кўтарган Огден қичқирди:

- Релашио!

Монстер қизидан нари учиб, курсига қоқилганча, ерга қулади. Креслодан ўқирганча оёққа қалқиб турган Морфин қонга беланган пичоғини силтаганча, атрофга қарғиш отиб, Огденга ташланди.

Огденга эса энди жон сақлашдан бошқа чора қолмади. Дамблдор Гаррига имо қилиб, унинг ортидан бориш кераклигини кўрсатди. Гарри Дамблдорга эргашди. Орта Мeroпа қичқирганча қолди.

Бошини қўли билан тўсиб олиб, сўқмоқ бўйлаб асосий йўл томон югурган Огден, қора сочли барно йигит миниб олган ялтироқ тўриқ отга бориб урилди. Йигит ва унинг ёнидаги кул ранг от минган сулув қиз хандон отиб юборишди. Бошдан оёқ чангга ботган Огден отнинг ёнбошидан итарилиб, сюртукини ҳилпиратганча, боши оққан томон югура кетди.

- Уйлайман-ки, бугунга етади, Гарри, - деди Дамблдор Гаррининг қўлтиғидан тутганча, ўзига тортиб.

Икковлон қоп-қоронғи вазнсизликда учиб, хаёл ўтмай, Дамблдорнинг хизмат хонасига қўнди. Қоронғи тушибди. Дамблдор таёқчасини силтаб, шамларни ёқди.

- Анави қизга нима қилди кейин? - шу заҳоти сўради Гарри, - Мeroпамиди исми?

- Унга ҳеч нарса қилгани йўқ, - жавоб берди Дамблдор, ўз ёзув столи ортига ўтирар экан, имо ила Гаррига ҳам ўтиришни таклиф қилиб, - Огден ҳавода даф бўлиб, вазирликка қайтда ва ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас, мадад кучи билан пайдо бўлди. Ота-бола узоқ қаршилик кўрсатганига қарамай, енгилди. Шундан сўнг, Оқил суд иккаласини Азкабан қамоқ жазосига ҳукм қилди. Магларга бир неча бор ҳамла қилган Морфин уч йилга, Огдендан ташқари, вазирликнинг бир неча ходимини жароҳатлаган Мерволон олти ойга қамалди.

- Мерволон? - ҳайрат-ла такрорлади Гарри.

- Худди шундай, - маъқуллаганча, кулиб боқди Дамблдор, - Ушбу исм эътиборингдан четда қолмаганидан хурсандман.

- Яъни ўша чол...
- Вольдемортнинг бобоси, - бош ирғиди Дамблдор, - Мерволон, унинг ўғли Морфин ва қизи Мeroпа Монстерлар сулоласининг сўнгги вакиллари бўлган. Ушбу сулола мисли кўрилмаган шафқатсизлик ҳамда, холаваччалар-у, аммаваччалар орасидаги қуда-андалик анъанаси сақланиб қолгани оқибатидаги бир қатор руҳий касалликлар-ла машҳур бўлган. Бойликка рўкач қўйилиб, соғлом ақл бўлмаган ҳолат уйғунлиги, мазкур сулолага қарашли бойликлар Мерволонга қадар яшаган бир неча авлод томонидан еб битилиши билан яқун топган. Оқибатда, ҳозиргина ўзинг гувоҳ бўлгандай, Мерволон аҳмоқона табиат, ҳаддан ортиқ такаббурлик, ўзига ўзи қўйган бино-ю, ўз аждодларига тегишли бўлиб, ўғлидай ардоқлаган, қизидан устун кўрган бир жуфт қимматбаҳо буюмга эга бўлганча, батамом қашшоқ бўлиб қолган.
- Демак Мeroпа, - яқинроқ сурилди Гарри, Дамблдорга диққат-ла разм солиб, - Мeroпа... сэр, демак у... Вольдемортнинг онаси бўлган?
- Ҳа, - бош ирғиди Дамблдор, - Унинг отасига ҳам кўзимиз тушди. Қизиқ, унинг кимлигини фаҳмладинг-ми, йўқми?
- Морфин адабини берган анави магл, от минган йигитми?
- Жуда соз, - яшнаб кетди Дамблдор, - Ҳа, ўша йигит, Монстерлар кулбаси ёнидан от миниб ўтиш одатига эга ўша барно йигит – катта Том Реддль эди. Мeroпа айнан ўша йигитни қаттиқ севиб қолган.
- Ва улар оила қуришган?! - ишонқирамай сўради Гарри, бир-бирига мос келмайдиган бундан-да баттар жуфт бўлиши мумкинлигини тасаввур қила олмай.
- Мeroпа афсунгар бўлганини унутган кўринасан, - деди Дамблдор, - У ўзининг сеҳргарлик қобилиятини золим отаси олдида манфаатли намоён эта олгани даргумон. Бироқ Мерволон билан Морфин Азкабанга қамалгач, ўн саккиз йиллик умри давомида илк бор ўзини эркин ҳис эта олган ва а аёнки, ўз маҳоратидан бахтсиз кечган ҳаётини ўзгартириш мақсадида фойдаланишга аҳд қилган. Магл дугонасини унутиб, ўзини севишга Том Реддлни қандай мажбур қилганини фаҳмлаяпсан-ми?
- Қарам қилиш қарғиши? - тахмин қилди Гарри, - Севги дамламаси амортизация?
- Шахсан мен, севги дамламаси қўлланилган, деган фикрдаман. Ишончим комилки, Мeroпа бу йўлни нисбатан романтик йўл, деб топган. Негаки, жазирама иссиқда кулба ёнидан ўтаётган Том Реддлни бир қултум сув ичишга кўндириш қийин бўлмаган. Нима қилганда ҳам, иккаламиз ҳозиргина шоҳид бўлган ҳодисадан бир неча ой ўтгач, Кичик Висельтон қишлоғи аҳолиси мисли кўрилмаган ҳодиса, у ҳам бўлса, сквайрнинг ўғли қашшоқ қиз мeroпа билан қочиб кетганини қизғин муҳокама қилган. Қанча ғийбат, қанча миш-миш гап бўлганини тасаввур қила оласанми? Бироқ қишлоқ аҳлининг таажжубини Мерволоннинг руҳий ларзаси билан қиёслаб бўлмайди. (Сквайр – инглиз ер мулкдорининг фамилиясига

қўшиб талаффуз этиладиган эсквайр унвонининг қисқартма шакли.)
Азкабандан қайтган қария уйда итоаткор қизини, дастурхонда эса
иссиққина тушликни кўришга умидвор бўлган. Бунинг ўрнига эса стол
устида қалинлиги бир дюймга етган чанг билан, қизи қолдириб кетган
хатга рўбару бўлган. Билишимча, ўша вақтдан буён қизининг исмини
тилга олмаган, унинг борлигини унутган. Меропанинг сотқинлиги,
афтидан, унинг ўлимини тезлатган. Лекин ўзига егулик топа олмаганини
ҳам рад этиб бўлмайди. Азкабандан қайтгач, жуда заифлашиб,
Морфиннинг қамоқдан қайтиш кунига етиб бормаган.

- Меропачи... ўлди-ми? Чунки, Вольдеморт етимхонада тарбиялан,
шундай эмасми?

- Ҳа, - деди Дамблдор, - Тўғри, биз фақат фараз соҳасига мурожаат
қилишимиз мумкин холос, лекин воқеанинг кейинги ривожини фаҳмлаб
етиш у қадар қийин кечмайди. Гап шундаки, яширин тўйдан бир неча ой
ўтгач, Том Реддль уйга хотинсиз қайтди. У «алдангани», «тузоққа
илингани» ҳақида миш-миш тарқатди. Менимча у, маълум вақт сеҳр-жоду
таъсирида бўлганини билган, бироқ тахмин қилиш мумкинки, ақлдан
озган киши сифатида эътироф этилмаслиги учун, бошдан кечирган
ҳодисаларни очикдан-очик айтиб беришга журъат этмаган. Одамлар
Меропа ўзини ҳомиладор бўлиб қолган кўйга солиб, йигитни алдаган ва
шу сабаб, Том Реддль унга уйланишга мажбур бўлган, деган мазмунда
хулоса чиқарган.

- Ахир у чиндан ҳам ҳомиладор бўлиб, кўз ёрган-ку.

- Тўғри, тўйдан бир йил ўтганидан кейин. Том Реддль эса уни ҳомиладор
ҳолатда ташлаб кетган.

- Нима сабабдан? Севги дамламаси таъсир қилмай қўйганми?

- Боз тахмин қилишдан бошқа чорамиз йўқ, - жавоб берди Дамблдор, -
Назаримда Меропа эрини шу қадар қаттиқ севганки, сеҳр-жоду
воситасида уни қуллик тутқунида сақлашни давом эта олмай, дамлама
қўллашдан воз кечган. Эрини ҳаддан ортиқ севган Меропа иккаласининг
ўртасида ҳақиқий муҳаббат пайдо бўлишига комил ишонч билдирган. Ёки
бола туфайли ташлаб кетмайди, деб ўйлаган. Нима қилганда ҳам, бечора
аёл чуқур янглишган. Реддль уни ташлаб кетди, қайта учрашишга сабаб
қидирмади, фарзандининг тақдири билан мутлақо қизиқмади.

Дераза ортидаги осмон кўкимтир қора тус олибди. Хонадаги фонуслар
янада ёрқин нур таратаётган гўё.

- Бугунга етади, Гарри, - деди Дамблдор хаёлини йиғиб олгач.

- Ҳа, сэр, - бош ирғиди Гарри, ўрнидан туриб, - Сэр... Вольдемортнинг
ўтмишини билиш шунчалик муҳимми? - сўради у, кетишга ошиқмай.

- Жуда муҳим, - жавоб берди Дамблдор.

- Башоратга дахли борми?

- Бевосита.

- Тушунарли, - деди Гарри, гарчи тушуниб етмаган бўлса-да, бироз

тинчланиб.

У хонани тарк этиш учун бурилди-ю, яна нимадир эсига тушиб, боз ўгирилди.

- Сэр, Рон билан Гермionaга айтиб берсам бўладими?

Дамблдор бироз ўйланиб қолиб, жавоб берди:

- Ҳа. Ўйлашимча, мистер Уэсли билан мисс Грэнжер, уларга ишониш мумкинлигини исбот қилишди. Фақат Гарри, улардан илтимос қил, бошқа ҳеч кимга айтиб беришмасин. Лорд Вольдемортнинг кўплаб сир-асрорлари менга маълум эканлиги ҳақида миш-миш гап тарқалишини ҳеч ҳам истамайман.

- Рон билан Гермionадан ташқари ҳеч ким билмайди, - ишонтирди Гарри. Чиқиш эшигига деярли етиб борган Гарри ингичка оёқли столлардан бирининг устидаги нафис кумуш асбоблар орасида хунук қора тош кўзи дарз кетган тилла узукни кўриб қолди.

- Сэр, мана бу узук... - бақрайиб қолганча минғирлади у.

- Ҳа? - жавоб берди ўйга толган Дамблдор.

- Профессор Дивангарднинг уйига ташриф буюрганимизда кўлингизда кўрган эдим.

- Тўғри, - тан олди Дамблдор.

- Ахир бу... сэр... бу узук Мерволон Огденга кўрсатган узук-ку?!

- Ўша, - бош ирғиди Дамблдор.

- Қандай қилиб?... У доимо сизда бўлган эдими?

- Йўқ, у яқинда тегди менинг кўлимга. Сени холангнинг уйидан олиб кетишдан атиги бир неча кун олдин.

- Кўлингизни ҳам, тахминан ўша кунларда жароҳатлаб олгансиз, шундайми, сэр?

- Тахминан ўша кунлари.

Гарри сўрашга журъат эта олмай, қотиб қолди. Дамблдор эса унга кулиб боқди.

- Сэр, қандай қилиб?...

- Кеч бўлди, Гарри! Келаси сафар айтиб бераман. Ҳозирча эса хайрли тун.

- Хайрли тун, сэр.

XI БОБ. ГЕРМИОНАНИНГ ЁРДАМИ

Гермиона ҳақ бўлиб чиқди: олтинчи синф ўқувчилари учун ишлаб чиқилган машғулотлар жадвалидаги бўш вақт, Рон орзу қилган бахтиёр бекорчилик учун эмас, балки мисли кўрилмаган катта ҳажмда бериладиган уй вазифаларини бажариш учун ажратилган экан. Болалар ҳар куни, худди навбатдаги имтиҳонга тайёргарлик кўраётган каби, иш билан шуғулланмоқда. Умуман айтганда, энди фанлар ўзлаштируви ҳам

бундай ишга жиддий ёндашишни тақозо этмоқда. Гарри бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фани машғулотларида берилаётган тушунтиришларнинг ярминигина англаб етмоқда холос. Ҳатто Гермiona ҳам, профессор Макгонагаллдан, ушбу тушунтиришларни такрорлаб ўтишни баъзан илтимос қилиб бормоқда. Бироқ ажабланарлиси шундаки, кутилмаганда, Гаррининг энг яхши кўрган фани чала зот Шаҳзоданинг шарофати туфайли сеҳрли дамламаларни тайёрлаш фани бўлиб қолди. Бундан эса Гермионанинг домангирлигини баттар кўзгамоқда.

Ички овоз-ла қўлланиладиган афсунлар ижросини энди нафақат Снегг, балки Флитвик билан Макгонагалл ҳам талаб қилмоқда. Бинобарин, энди ҳамма, аслида сеҳрни паст овоз чиқариб қўллаётган бўлса-да, худди ичи қотиб қолган каби, кучаниб юрибди. Бундай зўриқишлардан киши чалғиб, бироз дам олгиси келади, албатта ва шу боис, қасрдан чиқиб, экинзорлар ўртасидаги иссиқхонага бориш ёқимли туюлади. Гарчи гербология машғулотларида хавфли ўсимликлар ўзлаштирилаётган бўлса-да, орқа томондан заҳарли саккизмўйлов ўрмалаб келгунча, юракдан суҳбатлашиб олиш ман этилмайди.

Санаб ўтилган жамики азоблар сабаб, Гарри, Рон ва Гермiona Хагриднинг ҳолидан хабар олгани вақт топа олишмаяпти. Хагрид ҳам, ўқитувчилар билан бирга овқатлангани келмай қўйган. Қаср йўлаклари ёки ҳовлида учови билан тўқнаш келиб қолганда эса сирли равишда кар бўлиб қолмоқда.

Шанба куни Хагриднинг Катта Залдаги бўш креслосига қараб қўйган Гермiona фикр билдириб қолди:

- Бор гапни кулбасига бориб тушунтириб беришимиз керак.
 - Саралаш синовлари ўтади-ку, бизда! - хитоб қилди Рон, - Бундан ташқари, Флитвик учун Агуamenti! Умуман айтганда, нимани тушунтириб беришимиз керак унга, ўзи? Аҳмоқона фанини ёмон кўриб келганимизни-ми?
 - Ундай бўлмаган! - эътироз билдирди Гермiona.
 - Кечирасан-у, ўзинг учун гапиравер. Мен дракларни ҳали унутганимча йўқ, - норози оҳангда кесатди Рон, - Яна қандай бахтсизликлардан қутулганимизни Худонинг ўзи билади, сенга айтсам. Бефаҳм укасини қандай мақтаганини эшитганинг йўқ. Агар унинг фанини ўзлаштиришни давом этганимизда, ҳозир ўша укасига ботинка ипини боғлашни ўргатиб юрган бўлар эдик.
 - Хагрид биз билан гаплашмай қўйгани, шахсан менга жуда оғир ботяпти, - тан олди Гермiona.
 - Квидишдан сўнг, борамиз унинг олдига, - ваъда қилди Гарри.
- Гарчи Рон каби, Гурпсиз ўтаётган ҳаёт нисбатан енгил кечаётганини тан олаётган бўлса-да, Гарри ҳам Хагридни соғинган.
- Жуда кўп одам ёзилган. Синов тадбирлари узоқ чўзилиши мумкин. Квидишга бу қадар оммавий қизиқиш қаердан пайдо бўлди, ҳеч

тушунмайман.

- Қўйсанг-чи, Гарри, - кутилмаганда дарғазаб қўл силтади Гермiona, - Квидишга эмас, сенга! Сен ўзинг ҳали бу қадар қизиқиш уйғотган эмассан, айниқса романтик қизиқиш.

Рон оғзидаги сельд балиғига тиқилиб қолди. Гермiona унга ғазаб-ла ўқрайиб қўйдида, Гарри томон боз ўгирилди.

- Сен рост гапирганинг, яъни Вольдеморт чиндан ҳам қайтиб келгани ва сўнгги икки йил давомида у билан бир эмас, икки маротаба яккама-якка жанг қилганинг, иккала жангда ҳам у сени енга олманини энди ҳамма билади. Энди сен Мумтозсан. Ростини айт, наҳотки халқ сенга маҳлиё бўлиб қолганини сезмаётган бўлсанг?

Шифтни булут қамраб олганига қарамай, Гаррининг вужуди кутилмаганда қизиб кетди.

- Бундан ташқари, вазирлик сени таъқиб қилгани, ақлдан озган ёлғончи қилиб кўрсатгани, анави мудҳиш аёл сени ўз қонинг-ла ёзишга мажбур қилгани-ю, сен чекинмай, буларнинг барига бардош бера олганинг, қўлингдаги чандиқ бунинг исботи эканлиги...

- Вазирликнинг миялари менинг танамда ҳам чандиқ қолдирган, мана қара, - деди Рон, енгини шимарганча, билагини кўрсатиб.

- ... ёз давомида бўйинг яна бир футга ўсгани ҳам, қўшимча омил бўлди, - гапини тугатди Гермiona, Ронга эътибор қаратмай.

- Менинг бўйим, унинг бўйидан баландроқ, - маълум қилишни лозим топди негадир Рон.

Катта Залга бойқуш почтаси келди. Жаладан ёпирилиб кирган бойқушлар ҳамманинг устига сув сачратди. Сўнгги вақтда жуда кўп хат келмоқда. Ота-оналар хавотир олиб, болаларининг хавфсизли ишонлигидан хабарлашишмоқда, ўзларининг ҳол-аҳволи ҳам яхши эканлигидан дарак беришмоқда. Семестр бошланганидан буён Гарри ҳали бирорта хат олгани йўқ. Хат йўллайдиган ягона қариндоши ҳалок бўлган. Люпиндан хат олиш умиди ҳали ўзини оқлагани йўқ. Бинобарин, кул ранг аралаш жигар ранг қуш галаси орасида қордай оппоқ Хедвигни кўриб, бироз ҳайрон бўлди. Тумшуғига тўғри бурчакли жўнатма қисиб олган бойқуш Гаррининг рўпарасида қўнди. Бир неча сония ўтиб, Роннинг олдида ҳам худди шундай жўнатма ушлаган қуш ҳансираб қолган Чўчринстелни эзиб қўйганча, пайдо бўлди.

- Ҳа! - хитоб қилди Гарри, «Жимжимадор ва сиёҳ доғи» китоб дўконидан ҳозиргина йўлланган жўнатмани очганча, «Олий дамламачилик»нинг янгигина нусхасини чиқариб.

- Жуда соз! - суюниб кетди Гермiona, - Расво қилиб бўялган анави жулдур китобингни охири қайтариб берадиган бўлдинг.

- Ақлингни единг-ми? - эътироз билдирди Гарри, - Уни ўзимга олиб қоламан. Мана, қара, нима ўйлаб топганимни...

У юк халтасидан путури кетган «Олий дамламачилик»ни чиқариб, сеҳрли

таёқчасини муқовага теккизди.

- Диффиндо!

Китобнинг муқоваси узилиб ажралди. Гарри янги китоб билан ҳам худди шундай муомала қилди ва иккала муқованинг ўрнини алмаштирди.

- Репаро!

Шу тариқа, Шаҳзоданинг китоби янги муқова воситасида ниқобланди.

Дўкондан йўлланган янги китоб эса жулдур қиёфа касб этди.

- Дивангардга эски китоб ўрнига янги китоб бераман. Нимаси ёмон буни?

Нақ тўққиз галлеон туради-я!

Гермионанинг ғазаби қайнаб, лабини жаҳл-ла қимтиб олган ҳолати узоққа чўзилмади. Яна бир бойқуш учиб келиб, унга «Башорат-у, каромат газетаси»нинг янги сонини тутқазиб қўйди. Қиз газетани тез ёзиб, биринчи саҳифага кўз югуртириб чиқди.

- Ҳеч ким ҳалок бўлмабдимиз, танишларимиз орасидан? - ясама лоқайд оҳангда сўради Рон.

Ушбу саволни Рон ҳар сафар, Гермиона газетанинг биринчи саҳифасини очиши ҳамоно, берадиган одат чиқарган.

- Йўқ, лекин дементорлар томонидан амалга оширилган янги ҳамлалар қайд этилган, - жавоб берди Гермиона, - Ҳибсга олинганлар ҳам бор.

- Зўр-у! Ким экан у? - сўради Беллатрикс Лестрангни дарҳол хаёлдан ўтказган Гарри.

- Стэн Қўриқчи.

- Нима? - ҳайрон бўлди Гарри.

- «Кўпчиликка таниш «Тунги рицарь» транспорт воситасининг чиптачаси Қўриқчи Стэнли Ўлимдан мириқувчилар тоифасига мансублигида гумон қилиниб, ҳибсга олинди. Клэпхемдаги уйда жамоатчилик йўли билан дафъатан ўтказилган текширувдан сўнг, ёши 21 га тўлган мистер Қўриқчи кеча тунда қамоққа олинди...»

- Стэн Қўриқчи – Ўлимдан мириқувчи? - шубҳа оҳангида такрорлади Гарри, уч йил олдин танишган, юзини ҳуснбузар босган йигитни эсга олиб, - Бўлиши мумкин эмас!

- Қарам қилиш қарғиши билан таъсир ўтказилга бўлиши мумкин, - ўринли таъкидлаб қўйди Рон, - Фалокат оёқ остида.

- Эҳтимолдан йироқ, - ғудуллади Гермиона, кўзини мақоладан узмай, - Бу ерда ёзилишича, пабда, Ўлимдан мириқувчиларнинг режалари ҳақида вайсаб ўтирганини кимдир эшитиб, берган хабарига асосан ҳибсга олинган.

Гермиона ташвишли нигоҳини Рон билан Гаррига қаратди.

- Қарам қилиш қарғиши таъсири остида, уларнинг сирлари ҳақида вайсаб ўтира олишига шубҳа қиламан.

- Аслида билган нарсаларидан кўра, кўпроқ воқиғалигини намоён этиб, мақтанмоқчи бўлган холос у, - деди Рон, - Сеҳргарлик вазири бўламан деб, вейлани илинтирмоқчи бўлган ўша эмасми?

- Ўша, - тасдиқлади Гарри, - Қаери билан ўйлашяпти вазирлик ходимлари, билмайман! Наҳотки Стэнни жиддий қабул қилишаётган бўлишса?

- Қўл қовуштириб, бекор ўтиришмаганини кўрсатиб қўйишмоқчи, шекилли, - қовоқ солди Гермiona, - Ҳозир ҳамма саросимада... Эгизак опа-сингил Парваттиларни уйга олиб кетишмоқчи, биласизлар-ми? Элоиза Мошкарни эса олиб кетишди. Отаси кеча кечқурун келган эди. - Нима?! - хитоб қилди Рон, Гермionaга бақрайиб, - Бугунги кунда «Хогварц» ҳар кимнинг уйига нисбатан энг хавфсиз жой-ку! Мактабни аврорлар қўриқлаётган, бир олам ҳимоя афсунлари қўлланилган бўлса. Ва ниҳоят, шахсан Дамблдорнинг ўзи шу ерда!

- Дамблдор ҳар доим ҳам ўз жойида эмас, - деди паст овозда Гермiona, газета узра ўқитувчилар столи томон қараб, - Эътибор қаратмадингиз-ми? Ўтган ҳафта давомида Хагрид неча кун кўринмаган бўлса, Дамблдор ҳам шунча кун бўлмади.

Гарри билан Рон ўқитувчилар столи томон бурилди. Директорнинг ўрни чиндан ҳам бўш. Шундагина Гарри Дамблдорни ўтган ҳафта ўтказилган машғулотдан буён кўрмагани ҳақида ўйланиб қолди.

- Менимча у мактабда эмас, Орден ишлари билан қаерлардадир юрган бўлса керак, - эшитилар-эшитилмас давом этди Гермiona, - Яъни айтмоқчиман-ки, вазият чиндан ҳам жуда жиддийга ўхшайди, шундай эмасми?

Гарри билан Рон жавоб беришмади, лекин учовлон айна бир нарса ҳақида ўй суриб қолгани аниқ. Кеча даҳшатли ҳодиса рўй берди. Ханна Абботни гербология дарсидан чақириб, онаси ўлдирилгани ҳақида хабар беришди. Ўшандан буён Ханнани ҳеч ким кўргани йўқ.

Беш дақиқадан сўнг, Гарри, Рон ва Гермiona ҳовлига чиқиб, туман қоплаган совуқ ҳавода ўйингоҳ томон йўл олишди. Йўлда уларга нималарнидир пичирлаб муҳокама қилаётган Лаванда Браун билан Патил Парватти учради. Модомики, Патилнинг ота-онаси олиб кетишмоқчи экан, бунинг ҳайрон бўладиган жойи йўқ, албатта. Бироқ Ронни кўрган Парватти кутилмаганда тирсаги билан Лавандани турдиб қўйганини Гарри таажжуб-ла, кўриб қолди. Лаванда ўгирилиб, Ронга кўзни қамаштириб юборгудай табассум ҳадея этди. Кўзи пирпираб кетган Рон ҳайрон бўлиб, жавобан иржайиб қўйди-да, йўлини ғайриоддий қадам ташлаганча, давом этди. Гарри хандон отиб юбормаслик учун ўзини баъзўр тийиб олди: ахир Малфой унинг бурнини синдирганда, Рон кулгани йўқ-ку. Бироқ Гермionанинг юзи қандайдир совуқ қиёфа касб этиб, ўйингоҳга етиб боргунга қадар миқ этмади. Етиб боргач эса, Ронга омад тиламай, бўш жой қидириб, намойишгоҳ томон йўл олди.

Саралаш синовлари Гарри тахмин қилгандай, тушликка қадар чўзилди. Ўз омадини синаб кўргани «Гриффиндор»нинг деярли ярми, хусусан, мактабнинг путури кетган супургиларида учмоқчи бўлган биринчи синф

Ўқувчилардан тортиб, бўйи қолган даъвогарлардан баланд чўзилган, ўз важоҳати ила бошқаларни тортинганча бир четга ўтиб туришга мажбур қилган еттинчи синф ўқувчиларигача ҳозир бўлган. Улар орасида Гарри «Хогварц-экспресс»да танишган дағал сочили бақувват йигит ҳам бор. У халойиқ орасидан ишонч-ла сурилиб чиқиб, Гаррига қўл узатди:

- Биз поездда, қария Дивангарднинг қабулида учрашганмиз. Кормак Маклагген, Қўриқчи.

Бундай Қўриқчи қилт этмай турганда ҳам, ўз танаси ила учала ҳалқани тўсиб олиши мумкин, хаёлдан ўтказди Гарри.

- Сен ўтган йилги синовда иштирок этганинг йўқ-ку, шундайми? - сўради у, Маклаггеннинг квадратдай келадиган қомастига диққат билан разм солиб.

- Тўғри, чунки мен ўша кунлари касалхонада эдим, - жавоб берди иягини мағрур кўтарган Маклагген, - Баҳс боғлаб, токсифейк тухумларининг бир фунтини еб битирган эдим.

- Тушунарли... яхши... - деди Гарри, ўйингоҳнинг Гермиона томонига имо қилиб, - Ҳозирча анави ерда кутиб тур.

Маклаггеннинг юзида домангирлик аломати кўринди. Модомики, иккаласи қария Дивангард хуш кўрган ўқувчилар сирасига кирар экан, демак, ўзаро муносабат ҳам шунга яраша бўлишини кутган, афтидан.

Гарри асосий кўникмалар синовидан бошлашга аҳд қилди. Бинобарин, барча мусобақа иштирокчиларидан, ҳар бири ўн кишидан ташкил топган гуруҳларга бўлиниб, майдон узра бир бор учиб ўтишни талаб қилди. Гаррининг ушбу қарори ўзини оқлади. Биринчи синф ўқувчиларидан иборат дастлабки ўнлик муқаддам учмагани аён бўлди. Фақат бир нафаргина болакай бир неча сония ҳавода уча олди. У ҳам бўлса, ўзидан ўзи ҳайратланиб, тўғри ҳалқа ходасига бориб урилди.

Иккинчи ўнлик таркибига, афтидан, ушбу ёруғ оламнинг ўн нафар энг овсар қизлари йиғилган кўринади. Гарри ҳуштак чалган фурсатда, ўновлон тентак бир-бирига маҳкам тармаша бошлади. Улар орасида Ромильда Вейн ҳам бор. Гарри ушбу аҳмоқ қизларга майдонни тез тарк этишни буюрди. Майдондан чиқиб кетган қизлар намойишгоҳга жойлашиб олишди-да, энди қолганларни мазах қилишга киришди.

Майдон марказида тўпланган учинчи ўнлик қилт эта олмаган бўлса, тўртинчи ўнлик супургисиз келган. Бешинчи ўнлик эса хуффльпуффчилар эканлиги маълум бўлди.

- «Гриффиндор» коллежига мансуб бўлмаганлар, илтимос, ҳозирок ўйингоҳни тарк этинг! - қичқирди, ғазабдан қутура бошлаган Гарри.

Бир дақиқали танаффусдан сўнг, икки нафар митти равенклочи кулгидан хуриллаганча, майдондан чиқиб кетди.

Икки соат ўтди. Кўплаб шикоят ва жанжаллардан сўнг, Гарри уч нафар Овчи, хусусан, аъло натижа кўрсатиб, жамоага қайтган Кэтти Белл, Тажовузкор тўпларга моҳирона чап бериб, ҳақиқий топилма саналган

Демельза Робинс ва Жинна Уэслини саралаб олишга муваффақ бўлди. Жанжал кўтарилишига олиб келган сабаблардан бири «Комета-260» русумли супургининг сингани ва айримларнинг тиши уриб тўкилгани бўлди. Жинна ҳар қандай рақобатчидан бир бош баланд келиб, жами ўн еттита гол урди. Гарри жамоанинг янги таркибидан мамнун бўлди-ю, шикоятчилар билан ўтган бемаъни бақир-чақирдан овози хириллаб қолди. Энди Уриб қайтарувчиликка даъвогарларни саралаб олиш даркор. - Бу менинг қатъий қарорим! - ўкирди у, - Қўриқчи саралаб олишга халал берар экансан, сеҳрлаб қўяман.

Уриб қайтарувчиликка даъвогарларнинг бирортаси ҳам Жорж билан Фредга тенг кела олмади. Шундай бўлса-да, Гарри улардан қаноатланди. Бўйи паст бўлса ҳам, елкаси кенг учинчи синф ўқувчиси Жимми Пикс Тажовузкорни шундай қайтарди-ки, Гаррининг энсасида каптарнинг тухумидай келадиган шиш пайдо бўлди. Ричи Проустак бир қарашда нимжон кўрингани билан, кишини ҳайратга солар даражада аниқ урар экан. Уриб қайтарувчилар намойишгоҳга, Қўриқчи саралаш синовини томоша қилиш учун Кэтти, Демельза ва Жиннанинг ёнига бориб ўтиришди.

Гарри, ушбу танловни атайин синов тадбирларининг охирига қолдириб, халқ тарқалиши, қизғин баҳслашувлар босилишига умид қилди.

Таассуфки, рад этилган даъвогарлар ҳеч қаерга тарқалмади, аксинча, эндигина нонушта қилиб бўлган дангасалар ўйингоҳда тўпланган халойиққа келиб қўшилиб, томошабинлар сони янада ошди. Мухлислар бўлинди. Муайян даъвогарга кимлардир қичқириб, далда берса, бошқа бировлар ҳуштак чалиб, норозилик билдиришди. Гарри Ронга ташвишли нигоҳ ташлаб қўйди. Рон жуда асабий ўйинчи. Ўтган йилги финал ўйинида эришилган ғалабадан сўнг ўзига келиб қолганига Гарри умид боғлаган, аммо янглишган кўринади. Ҳозир Роннинг юзи хира яшил тус олган.

Дастлабки даъвогарлардан бирортаси кетма-кет иккитадан ортиқ тўп тўса олмади. Кормак Маклагген Гаррини асабийлашишга мажбур қилиб тўртта тўп тўса олди, сўнги бешинчи тўп улоқтирилганда эса негадир у, ўзини тўп йўналишига тескари томон ташлади. Томошабинлар кулиб, ушлаб юборишди. Маклагген жағини маҳкам қисиб олганча, ерга қўнди. «Соф ғалаба-11» русумли супургисини эгарлаётган Рон хушдан кетар ҳолатга келиб қолган.

- Омад ёр бўлсин! - қичқирди кимдир намойишгоҳдан.

Гарри Германиони кўриш илинжида қичқириқ эшитилган томон қаради, лекин маълум бўлишича, қичқирган Германиона эмас, Лаванда бўлиб чиқди. Қиз қичқиришга қичқирди-ю, шу заҳоти юзини кафти билан бекитиб олди. Гарри ҳам бажонидил шундай қилган бўлар эди-ю, мумкин эмас. Жамоа сардори мардонавор бўлиши керак экан, Роннинг синовдан ўтишини томоша қилишга ўзини мажбур қилди.

Умуман айтганда, хавотирга ўрин бўлмади. Рон кетма-кет иккита, учта, тўртта ва ниҳоят бешта тўпни тўсишга муваффақ бўлди. Гарри халойиқ қичқириғига жўр бўлиб кетишдан ўзини базўр тийди ва Маклаггенга: «Маъзур санайсан-у, Рон сендан устун келди», - дейишга аҳд қилди. Гарри севиниб, энди бурилган эди ҳам-ки, Маклаггеннинг ғазабдан қизариб кетган башарасига рўбару келди. Чўчиб кетган Гарри бироз орқага тисарилди.

- Унинг сингилчаси атайин қилди! - дарғазаб ўкирди, чакка томири Вернон амакининг томири каби ўйнаб кетган Маклагген, - Акасига, ўз ўйини билан ёрдам берди.

- Бемаъни гап, - совуқ эътироз билдирди Гарри, - Тўплардан бирини ўтказиб юборишига сал қолди, ўзинг кўрдинг.

Маклагген таҳдид-ла Гарри томон қадам ташлади. Гарри эса бу сафар орқага тисарилмади.

- Менга яна битта имкон бер.

- Бермайман, - деди Гарри, - Имконинг бор эди, ютқаздинг. Рон бешала тўпни тўса олди. Қўриқчи у бўлади. Бу ҳам ҳалол, ҳам адолатли қарор бўлади. Йўлимдан қоч.

Маклагген қўл кўтармоқчи бўлди-ю, лаънатлар ўқиганча, нари кетди.

Гарри ўзининг янги жамоаси томон юзланди. Ҳамма унга кулиб боқмоқда.

- Яшанглар, - хириллаб мақтади Гарри, - Зўр ўйин кўрсатдингиз!...

- Зўр тўсдинг, Рон!

Энди бу, чиндан ҳам Гермiona эди. Қиз намойишгоҳ томондан югуриб келмоқда. Лаванда Браун домангир қиёфа ясаганча, Парваттининг қўлидан ушлаб, нари кетди. Роннинг бўйи, фавқулудда ғурурланиб кетганидан бироз чўзилгандай бўлиб, дам жамоага, дам Гермionaга кулиб боқмоқда.

Гарри илк машғулоти келаси пайшанбага тайинлагач, қолганлар билан хайрлашди-да, Рон ва Гермiona учаласи Хагриннинг кулбаси томон йўл олди. Совуқ ҳаво бироз чекиниб, булутлар орасидан хира қуёш кўринди. Қорни ўларча очикқан Гарри Хагриннинг кулбасида бирон-бир егулик топилишига умид боғлади.

- Тўртинчи тўпни ўтказиб юборишимга сал қолди, - деди севинчи ичига сиғмаган Рон, - Демельза қандай ҳийла қўллаганини кўрдингиз-ми?

- Ҳа, сен чиндан ҳам жуда зўр ўйнадинг, - мақтади, хайратдан кўзи катта очилган Гермiona.

- Маклаггендан дурустроқ, ҳар қалай, - ўхшатиб бўлмас ғурур-ла мақтанди Рон, - Бешинчи тўпни тўсиш фурсатида Бош гангитиш афсуни қўлланилган сингари тескари томон ташланди, кўрдингиз-ми?

Гермионанинг юзи қип-қизариб кетганини пайқаган Гарри бироз таажжубланди. Бугунги жасоратини тавсифлаб кетаётган Рон эса Гермонианинг ҳолатига эътибор қаратмади.

Хагриннинг кулбаси ёнида кулранг тусли гиппогриф боғлаб қўйилган.

Яқинлашаётган одамларни кўрган Отбургут ўзининг йирик бошини болалар томон буриб, устарадай ўткир тумшуғини шақиллатди.

- Даҳшат, - асабий ғудуллади Гермiona, - Вaжoҳaти жa қўрқинчли-дa.

- Қўйсaнг-чи, уни ўзинг эгaрлaб, учгaнсaн-ку, - тинчлaнтирди Рoн.

Гaрри oлдингa чиқиб, кўзини пирпирaтмaй, ҳaйвoннинг кўзигa тик қaрaгaнчa, чуқур тaъзим қилди. Бир нечa сoниa ўтгaч, Отбургут ҳaм тиз чўқди.

- Aҳвoлинг қaлaй, сoҳибингни сoғиняпсaн-ми? - пaст oвoздa сўрaди, гиппогрифгa яқин бoргaн Гaрри, пaт қoплaгaн бoшини силaб, - Хaгрид билaн зeрикaётгaнинг йўқ-ку, бу eрдa, шундaйми?

- Ҳoй! - бaлaнд эшитилди кимнингдир oвoзи.

Кулбa oртидaн кaттa гулли фaртукни oлдигa тaшлaб oлиб, қўлигa бир қoп кaртoшкa ушлaгaн Хaгрид чиқди. Унинг oрқасидaн Сўйлoқтиш лaқaбли йирик немис ити пaйдo бўлиб, aкиллaгaнчa, oлдингa тaшлaнди.

- Қoчинг унинг oлдидaн, ҳoзир у бaрмoғингизни... A-а, сизлaрми!

Сўйлoқтиш Рoн билaн Гермionaнинг қулoқларини ялaшгa уриниб, сaкрaй бoшлaди. Хaгрид эсa бир нечa сoниa ўқрaйиб турди-дa, шaрттa тeскари ўгирилиб, кулбасигa кириб кeтгaнчa, эшикни ичкaридaн бeкитиб oлди.

- Бу қaнaқаси бўлди! - хитoб қилди лoл қoлгaн Гермiona.

- Хaвoтир oлмa, - дeди Гaрри.

У эшик oлдигa бoриб, қaттиқ тaқиллaтди.

- Oч, Хaгрид, гaплaшиб oлишимиз кeрaк.

Ичкaридaн сaдo чиқмaди.

- Oч дeдим, aкс ҳoлдa эшигингни портлaтиб юбoрaмaн! - oғoҳлaнтирди Гaрри, сeҳрли тaёқчaсини чиқaриб.

- Гaрри! - кичқирди Гермiona, - Сeн рoстдaн ҳaм...

- Рoстдaн! - жaвoб бeрди Гaрри, - Нaри туринг.

Гaрри бoшқa бирoн сўз aйтишгa улгурмaди. Эшик кутилгaндaй лaнг oчилиб, oстoнaдa дaрғaзaб Хaгрид кўринди. Унинг фaртуги гулли бўлишигa қaрaмaй, вaжoҳaти қўрқинчли кўринмoқдa.

- Мeн ўқитувчимaн, Пoттер! - ўкирди Хaгрид, Гaрригa қaрaб, -

Ўқитувчимaн, тушунaрлими? Шундaй экaн, эшигимни портлaтишгa журъaт этa oлмaйсaн!

- Мaъзур сaнaнг, сэр, - жaвoб қaйтaрди Гaрри, тaёқчaсини киссaсигa жoйлaр экaн, сўнгги сўзни ифoдaли тaлaффуз этиб.

Хaгрид эсaнкирaб қoлди.

- Қaчoндaн буён сeн мeнгa «сэр» дeя мурoжaaт қилaдигaн бўлиб қoлдинг?

- Сeн-чи? Қaчoндaн буён мeни «Пoттер» дeб чaқирaдигaн бўлиб қoлдинг?

- Ҳa, жa зўр мoт қилдинг, - ғудуллaди oртгa тисaрилгaн Хaгрид, болaлaрни ичкaригa киритиб.

Гермiona қўрқa-писa Гaррининг oртидaн ичкaригa кирди.

- Хўш? - дeди Хaгрид, вaйсaқи oҳaнгдa, - Нимa қилди? Мeнгa рaҳмингиз кeлиб қoлди-ми? Мaнa бу eрдa зeрикиб ўлиб қoлaди, дeгaн хaёлгa

бордингиз-ми?

Гарри, Рон ва Гермиона улкан ёғоч стол атрофидаги креслоларга жойлашиб ўтиришди.

Сўйлоқтиш бошини Гаррининг тиззасига қўйиб, сўлак оқизганча, коржомасининг этагини расво қилди.

- Йўқ, - жавоб берди Гарри, - Шунчаки, сени кўргани келдик.

- Биз сени соғиндик! - жарангдор овозда ширин хитоб қилди Гермиона.

- Соғиндик, денг? - пишқириб қўйди Хагринд, - А-а! Ҳа, албатта.

У йирик мис чойнакка чой дамлар экан, алланима ғудуллаганча, у ёқ, бу ёқ юриб, ивирсиди. Ниҳоят, стол устига ҳар бири челақдай келадиган учта кружкада қизил ёғоч тусли чой ва тошдай қаттиқ кекс солинган ликопни қарсиллатиб қўйди. Қорни ўларча очқаган Гарри суюниб кетиб, шу заҳоти кекслардан бирига ташланди. Хагринд ўзининг улкан креслосига ўтириб, картошкани шу қадар жаҳл-ла тозалашга киришди-ки, гўё сабзавотнинг ушбу бечора тури унинг олдида кечириб бўлмас гуноҳ иш қилиб қўйган.

- Хагринд, - аста гап бошлади Гермиона, - Биз чиндан ҳам сенинг фанинг бўйича машғулотларни давом этмоқчи эдик...

Хагринд боз пишқириб қўйди.

- Гапим рост, - ишонтиришга уринди Гермиона, - Фақат машғулотлар жадвалига ҳеч сиғдира олмадик...

- Ҳа-я, - кесатди Хагринд.

Шу фурсатда нимадир шалоп этди. Учовлон товуш чиққан томон ўгирилиши ҳамано, Гермиона паст овозда чийиллаб юборди, Рон эса ўрнидан ирғиб туриб, столнинг нариги томонига, бурчакда турган бочкадан узоқроқ жойга қочиб ўтди. Болалар эътибор қаратмаган ушбу бочка оқ тусли, ҳар бирининг узунлиги бир фут келадиган аллақандай қуртга тўла.

- Нима у, Хагринд? - сўради, қўлидаги кексни жойига қўйиб, ҳазарини базўр яшира олган Гарри.

- Оддий йирик қурт, - ғудуллади Хагринд.

- Келгусида қандай махлуқ бўлиб ўсади, улар? - сўради Рон.

- Ўсишга улгурмайди. Мен уларни Арагокка ем сифатида беряпман, - вайсади Хагринд ва кутилмаганда овози борича ҳўнграб юборди.

- Хагринд! - хитоб қилди Гермиона.

Қиз ўрнидан туриб, бочкага яқинлашмаслик учун столнинг узун томонидан айланиб ўтди-да, Хагринднинг ёнига югуриб бориб, титраётган елкасига қўлини қўйди.

- Нима гап, тинчликми?

Бир жуфт қора қўнғиздай келадиган кўзидан жилға каби оқаётган ёшини фартуги билан ёпиб, ютиниб йиғлаётган давангир пиқиллади:

- Арагокнинг... куни битган кўринади... Ёзда тоби қочиб, ҳалигача тузалмаяпти... билмадим нима бўлади... Агар у... агар у... биз у билан

бир умр...

Эсанкираб қолган Гермиона Хагрининг елкасига қоқар экан, нима дейишни билмай қолди. Гарри Гермионанинг ҳолатини яхши тушунди. Уларнинг ушбу давангир дўсти аждар боласига юмшоқ ўйинчоқ айиқчани совға қилиш, ниши даҳшат соладиган улкан чаёнларни эркалаб ўтириш, ёввойи гигантни меҳр-ла тарбиялашга мойил-ку, ахир. Ҳозир эса гап Хагрининг бемулоҳаза муҳаббати, хусусан, Ман этилган ўрмонда яшайдиган, Гарри билан Рон тўрт йил муқаддам ем бўлмаслик учун базўр қочиб қутулган, Арагок лақабли, одам тилида гапира оладиган йирик ўргимчак тўғрисида бормоқда.

- Биз... қандай ёрдам бера оламиз? - сўради Гермиона, Роннинг эътирозли қиёфа ила бош силтаётганига эътибор қаратмай.

- Ёрдам бера олишингизга кўзим етмайди, - пиқиллади Хагрин, йиғисини тўхтатишга уриниб, - Биласанми, унинг қабиласи... Арагокнинг оиласи... у касал бўлиб қолгандан буён... қандайдир ғалати... нотинч бўлиб қолган...

- Ҳа, биз буни сездик, - паст овозда ғудуллаб, гап қистирди Рон.

- ... шундай экан, мендан бошқа одам уларга яқин бормагани маъқул, - деди Хагрин, бурнини фартугига қаттиқ қоқиб, - Нима қилганда ҳам, раҳмат, Гермиона... миннатдорман, - бошини кўтарди у.

Шундан сўнг, ўзаро муносабат анча юмшади. Гарчи на Гарри, на Рон ўта хавфли ўргимчакни йирик қурт бериб боқишга шайлигини бирон-бир тарзда ифодаламаган бўлса-да, Хагрин, афтидан, уларни ёрдам қўлини узатган ҳисоблади шекилли, яна ўз ҳолатига қайтди.

- Машғулот жадвалида менинг фаним учун жой топилмаслигини шундоқ ҳам билар эдим, - вайсади у, болаларга яна чой қуйиб, - Вақт чиғиридан фойдалансангиз...

- Бунинг иложи йўқ, - деди Гермиона, - Вазирликнинг ундай соатлар захирасини ўзимиз пачоқ қилиб, тугатган эдик. Бу ҳақда «Башорат-у, каромат газетаси»да хабар берилган, агар ўқиган бўлсанг.

- Ундай бўлса, майли, - деди Хагрин, - Бари-бир фанни дуруст ўзлаштира олмас эдингиз... маъзур санайсиз... ўзингиз тушунасиз... Ҳозир фикр-хаёлим Арагокда... Эҳтимол профессор Гниллер-Планк мендан яхшироқдир, деган хаёлга ҳам бордим.

Шу ерга келганда, Хагрининг ўрнига қолиб, қизиқарли дарс ўтган профессор Гниллер-Планк ниҳоятда ёмон ўқитувчи бўлганлиги ҳақида учовлон бир овоздан ёлғон гапира кетди. Охир-пировардида Хагрин Гарри, Рон ва Гермиона кулбани тарк этар экан, қувноқ кайфиятда қолди. Эшик ёпилгач, болалар кимсасиз қоронғи ҳовли бўйлаб тез одимлай кетишди.

- Очимдан ўляпман, - маълум қилди Гарри, - Қотган кексни ейман деб, тишимни синдириб олишимга сал қолди. Бунинг устига, бугун Снегнинг ҳузурига бориб, меҳнат жазосини ўташим керак. Шундай экан, тез

овқатланиб олишим керак.

Учовлон қасрга кириб, Катта Зал остонасида Кормак Маклаггенга рўбару бўлди. У эшик кесақисига урилиб, иккинчи уринишдагина, ичкарига кира олди. Рон ичиқоралик-ла хандон отиб, менсимаганча, Маклаггеннинг ортидан залга кириб кетди, Гарри эса Гермионанинг биллагидан ушлаб, олиб қолди.

- Ҳа, - шу заҳоти қўрслик қилди Гермиона, қўрққан олдин мушт кўтаради қабалида иш тутиб.

- Назаримда, - деди Гарри паст овозда, - Кимдир чиндан ҳам, унга нисбатан Гангитиш афсунини қўллаган кўринади ва адашмасам, сен унинг рўпарасида бўлгансан.

- Бўпти, бўпти, - пичирлади Гермиона, боз қизариб, - Мен қўлладим ўша афсунни. Агар сен Рон билан Жинна ҳақида айтган гапларини эшитганингда эди! Умуман айтганда, табиатан мараз бола у! Ўзинг кўрдинг-ку, қабул қилинмаганидан қони қайнаганини. Жамоага бундай ўйинчи керак эмас.

- Тўғри, керак эмас, - маъқуллади Гарри, - Амма у қандай кас бўлишидан қатъи назар, қилган ишинг адолатдан эмас, Гермиона. Ахир сен синфбошисан-ку!

- Жим, - пичирлади Гермиона.

Гарри иржайиб қўйди.

- Нима ҳақда пичирлашяпсиз? - сўради изига қайтган Рон, иккаласига шубҳали қараб.

- Ўзимиз, шунчаки, - баралла жавоб беришди Гарри билан Гермиона, Роннинг кетидан эргаштириб.

Катта Зални эгаллаган ростбиф ҳиди Гаррининг иштаҳасини қитиқлаб юборди. Аммо таассуфки, учовлон гриффиндорчилар столи томон уч қадам босишга улгурмай, йўлни профессор Дивангарднинг қорни тўсиб қўйди.

- Гарри, Гарри, сени қидириб юрибман! - кўнгилчан гувиллади у, қалин мўйловининг учини бураб, - Овқатланиб олишга улгурмасингдан олдин учратмоқчи эдим. Менинг камтарин хонамда ўтадиган бугунги кечки овқатга қандай қарайсан? Йиғилмоқчимиз. Кўпчилик эмас, атиги бир нечта юлдузча! Маклагген, Забини, мастона қиз Мелинда Боббин, билмайман, танийсанми сен Боббинларни ёки йўқ? Қисқаси, унинг оиласи дорихоналарнинг ниҳоятда йирик тармоғини тасарруф этади... ва умид қиламан-ки, миссис Грэнжер ҳам ўз иштироқи ила дилимизни хушнуд айлайди.

Дивангард Гермионага сезилар сезилмас таъзим бажо айлади, Рон томон эса, гўё у йўқдай, қиё ҳам боқмади.

- Бора олмайман, профессор, - рад этди Гарри, ўйланиб ҳам ўтирмай, - Мени бугун профессор Снегг кутади. Унинг ҳузурида меҳнат жазосини ўташим керак.

- Оббо! - умидсиз хитоб қилди Дивангард, - Келишингга жуда умидвор эдим. Илож қанча, Северус билан гаплашиб, вазиятни уқтириб ўтишга тўғри келади. Меҳнат жазосини кейингга қолдиришга уриниб кўраман. Хўш, Гарри, миссис Грэнжер, кўришгунча!

Профессор чиқиш эшиги томон шиддат-ла одимлаб кетди.

- Снеггни кўндирани олишига кўзим етмайди, - деди Гарри, Дивангард нари кетгач, - Жазо шундоқ ҳам бир бор кейинга қолдирилган. Снегг Дамблдор учун кўнган, бироқ бошқа бировнинг гапини сариқ чақага олмайди у.

- Борсанг яхши бўлар эди, - зорланди Гермиона, - Ёлғиз ўзим нима қиламан у ерда?

Гарри гап Маклаггенда эканлигини дарҳол фаҳмлади.

- Ёлғиз бўлмайсан, - норози оҳангда ғудуллади эътиборсиз қолганидан алам қилган Рон, - Жинна ҳам таклиф қилинган бўлиши керак.

Кечки овқатдан сўнг, учовлон гриффиндорчиларнинг умумий ётоқхонасига кирди. У ерда тўпланган одам кўплигидан олма тушгани жой қолмаган. Шундай бўлса-да, улар бўш стол топишга муваффақ бўлишди. Дивангард билан ўтган учрашувдан сўнг, кайфияти бузилган Рон қўлини кўксига қовуштириб олиб, қоғоз солганча, шифтга қараб ўтирди. Гермиона эса кимдир креслода қолдириб кетган «Башорат-у, каромат газетаси»нинг кечки сонини қўлга олди.

- Бирон бир янгилик борми? - қизикди Гарри.

- Айтарли янгилик йўқ, - деди Гермиона газетани ёзиб, диққат билан ўрганиб чиққач, - Вой, Рон, қара, даданг... Ташвиш тортма, тинчлик, - ишонтирди қиз, Роннинг хавотир-ла бош бурганини кўриб, - Бу ерда ёзилишича, у, Малфойларнинг уйида бўлибди: «Ушбу тадбир Ўлимдан мириқувчининг уйида ўтказилган иккинчи тинтув бўлиб, ўтган галги каби, ҳеч қандай натижа бермади. Сохта туморларни фош этиб, мусодара қилиш бўлими бошлиғи Артур Уэслининг сўзларига қараганда, унинг бригадаси алоҳида бир шахдан олинган хабарга кўра шундай иш тутган».

- Тўғри, мен берганман ўша хабарни! - деди Гарри, - Малфой ва у таъмирдан чиқармоқчи бўлган буюм ҳақида айтиб берган эдим вокзалда! Буюм уйдан чиқмаган экан, демак ўзи билан «Хогварц»га олиб келган.

- Қандай қилиб, Гарри? - ҳайратдан газетани четга отди Гермиона, - Бу ерга кираётганимизда ҳаммамизни тинтув қилишган, эсингдан чиқиб қолди-ми?

- Ростданми? - ҳайрон бўлди Гарри, - Мени тинтишмади.

- Ҳа, айтгандай, сен кечикиб келган эдинг-ку, а... Вестибюлга кириб келганимизда Филч ҳар биримизни бошдан оёқ сир сезгири билан пайпаслаб чиқди. Айтмоқчиман-ки, ҳар қандай шубҳали буюм фош этилган бўлар эди. Шунини аниқ биламан-ки, Краббенинг қуритилган боши мусодара қилинган. Демак Малфой, ўзи билан ҳеч нарса олиб келмаган! Гарри эътироз билдириш учун сўз топа олмай, гангиганча Жиннанинг

пигмей шарчаси Арнольд билан ўйнашиб ўтирганини томоша қилди.

- Демак, унга онаси ёки бошқа биров бойқуш почтаси орқали жўнатган, - тахмин қилди у, ниҳоят.

- Бойқушлар ҳам текширилмоқда, - жавоб берди Гермiona, - Филчнинг сўзларига бовар қиладиган бўлсак, сир сезгирларини қўли етган жойларга тиқиб чиққан, у.

Бошқа сўз топа олмаган Гарри таслим бўлди. Афтидан, Малфой, чиндан ҳам мактабга бирон-бир хавфли буюм олиб кира олмаган. Гарри мадад излаб Ронга қаради, у эса қўлини кўксига ҳамон қовуштириб олганча, Лаванда Браунга қараб ўтирибди.

- Сен-чи, тасаввур қила оласанми, қандай қилиб Малфой?...

- Тинч қўй мени, - деди Рон.

- Қулоқ сол, - жаҳл қилди ниҳоят Гарри, - Дивангард мен билан Гермionани ўзининг аҳмоқона йиғилишига таклиф қилган бўлса, мен айбдор эмасман! Биз мутлақо истамаймиз, ўша хонага боришни, тушундинг-ми?

- Хўп, майли. Модомики мен, ҳеч қаерга таклиф қилинмаган эканман, бориб ётай, - деди Рон, ўрнидан туриб.

У ўғил болалар ётоқхонаси томон қатъий қадам ташлаб кетди. Гарри билан Гермiona, унинг ортидан эсанкираганча қараб қолишди.

- Гарри? Сенга хабар бор.

Гаррининг ёнида кутилмаганда жамоанинг янги овчиси Демельза Робинс пайдо бўлди.

- Профессор Дивангарддан-ми? - умид-ла, сўради Гарри, ўтирган жойида қаддини ростлаб.

- Йўқ... профессор Снеггдан.

Гаррининг юраги тушиб кетди.

- Бугун оқшом соат саккиз яримда... э-э-э... йигирма бешта йиғилишга таклиф қилинган бўлсанг ҳам, унинг хизмат хонасига бориб, меҳнат жазосини ўташинг керак экан. Шунинг ҳам етказиб қўйишни талаб қилдики, дамлама тайёрлашда қўлланиладиган флорбер чувалчанглари орасидан сасиб қолганларини ажратиб чиқар... ва бунинг учун ҳимоя қўлқопини ўзинг билан олиб бормас экансан.

- Тушундим, - маънос бош ирғиди Гарри, - Катта раҳмат, Демельза.

XII БОБ. КУМУШ ВА ОПАЛЛАР

Қани Дамблдор? Нима билан банд у? Сўнгги бир неча ҳафта ичида Гарри директорни икки мартаба узоқдан кўрди холос. Афтидан, Гермiona ҳаққа ўхшайди: Дамблдор мактабда камдан-кам бўлади. Гарри билан яқка тартибда ўтказмоқчи бўлган машғулоти нима бўлади? Дастлаб, ўша машғулоти анови башорат билан боғлиқ, деб

тинчлантирган эди, энди ўтказмай ҳам қўйди...

Октябрь ойининг ўртасига келиб, бу йил илк бор ўтказиладиган Хогсмёд сайли тайинланди. Гарри хавфсизлик нуқтаи назаридан, ушбу тадбир умуман ман этиб қўйилиши мумкинлигидан чўчиди. Бинобарин, сайл ўтказилишини эшитиб, севиниб кетди. Бир неча соатга бўлсин, мактаб ҳудудидан ташқарига чиқиш ёқимли-да!

Сайр ёғингарчиликсиз ўтадиган кўринади. Эрта уйғонган Гарри «Олий дамламачилик» дарслигини бироз варақлаб чиқишга аҳд қилди. Ётган ўрнида камдан-кам ҳолатларда китоб ўқийди. Роннинг адолатли таъкидига кўра, кишининг бундай хулқ-атвори одобдан саналмайди, агар у, ушбу масалада томи кетган Гермiona бўлмаса, албатта. Бироқ Гарри чала зот Шаҳзоданинг «Олий дамламачилик» китобини фақат дарслик сифатидагина кўрмайди. Уни қанча кўп ўқир экан, нафақат Дивангарднинг ҳайратли ҳурматига сазовор бўлиш билан якун топган дамлама тайёрлашга оид турли-туман қимматли, маслаҳатлар, балки саҳифа майдонига битилиб, устидан чизиқ тортилган ёки тузатиш киритилган матнларга қараганда, чала зот Шаҳзоданинг ўзи ихтиро қилган кўплаб афсун ва тилсимлар манбаси эканлигини ҳам идрок этиб бормоқда.

Гарри улардан бир нечасини амалга ошириб, жуда қизиқ натижаларга эришган. Хусусан у, Краббе мисолида оёқ тирноғини тез ўстириш, ҳеч нарсани тушунмаган Аргус Филч мисолида эса тилни танглайга ёпиштириб қўйиш суқиларини синаб кўрди. Лекин ушбу тилсимлардан энг фойдалиси Маффлиато тилсими экан. Маффлиато қўлланилса, биров пинҳон эшитиб қолишидан хавфсирамай, синфда бемалол гаплашиб ўтирса бўлаверади. Негаки, бу пайтда атрофдаги одамлар қулоғига мубҳам ғудуллаш эшитилади холос. Фақат Гермionaгина бундай кўнгилхушликни маъқулламай, Маффлиато остида суҳбатлашишдан бош тортди.

Гарри кўрпага ўтириб, китобни ёруққа қаратди. Кўплаб сўзлар ўчирилгани, тузатишлар киритилганига қараганда, навбатдаги афсунни қўллашга оид йўриқнома устида Шаҳзода анча тер тўккан кўринади. Саҳифанинг юқори бурчагига майда дастхат билан Левитана (ич. ов.), деб ёзилган.

Бир томонда дераза ойнасига кучли шамол билан ёмғир аралаш қор урилаётган бўлса, иккинчи томонда Невиллнинг баланд тортаётган хурраги эшитилмоқда. Гарри қавс ичига олинган ич. ов. қисқартмаси устида ўйланиб, «ички овоз-ла қўлланиладиган афсун» бўлса керак, деган қарорга келди. Бунинг урдасидан чиқа олмаса керак, негаки, ўхшаш афсунлар ижроси унга доимо қийин бўлиб, ёвуз кучлардан ҳимоя фанида Снег Гаррининг пешонасига тақиллатиб ўтишни ҳеч унутмайди. Бошқа томондан эса Шаҳзода ўзини истеъдодли педагог сифатида намоён этиб келмоқда...

Бўшлиққа ўқтаган таёқчасини бироз юқорига кўтарган Гарри хаёлан талаффуз этди: «Левитана».

- А-а-а-а-а-а!

Ёрқин яшин чақнаб, хонада шовқин кўтарилди. Роннинг бақирғи уйғотиб ҳаммани юборган. Қўрқиб кетган Гарри қўлидаги «Олий дамламачилик»ни бир четга улоқтириб юборди. Рон худди кўзга кўринмас илгак воситасида тўпиғидан осиб қўйилгандай, оёғи осмондан келиб, ҳавода муаллақ осилиб қолган.

Дин билан Симус кулмоқдан дод солишар, қўрқиб кетганидан каравотидан қулаб тушган Невилль эса оёққа туришга уринмоқда.

- Кечир мени, Рон! - қичқирди Гарри, - Бироз сабр қил... мен... ҳозир... Саросимага тушиб қолган Гарри атрофни пайпаслай бошлади. Ниҳоят, дарсликни топиб, керакли саҳифани қидириб топди. Афсун остига тиқиштириб ёзилган сўзлардан бирини базўр ўқий олди. Сўз афсунга қарши афсун бўлишига умид қилганча, иродаси ва фикр-хаёлини бир ерга жамлаб, ичида талаффуз этди: «Либератана!»

Яна бир яшин чақнаб, Рон кўрпага қопдай гумбурлаб тушди.

- Кечир, Рон! - боз ғудуллади Гарри.

Дин билан Симус қорин ушлаб ётганча кулишмоқда.

- Уйғотмоқчи бўлсанг, кейинги сафар уйғотиш соатини ишга солиб қўй, домангир пўнғиллади Рон.

Бироз вақт ўтиб, совуқ ҳаводан сақланиш мақсадида миссис Уэсли меҳнатининг маҳсули бўлмиш свитерларнинг бир нечтасини устма-уст кийиб, ўзлари билан плаш, шарф ва қўлқоп олишгач, Роннинг руҳий ларзаси аста барҳам топиб, Гаррининг янги афсуни унга шу қадар қизиқ туюлдики, нонуштага тўпланишлари билан, тонг саҳар бўлиб ўтган ҳодисани Гермionaга оқизма-томизмай айтиб берди.

- ... сўнг, яна яшин чақнаб, кўрпамга гумбурлаб тушдим! - иржайди Рон, оғзига сосиска тўлдириб.

Қувноқ ҳикоя давомида Гермiona бирон маротаба бўлсин, кулиб қўймади. Роннинг сўзини ниҳоясига етказгач, Гарри томон совуқ нигоҳ-ла ўгирилди.

- Ўша афсун мабодо, анави машҳур дарслигингдан эмасми?

- Нега сен доимо у ёки бу ишнинг энг ёмон томонини кўрасан, а? - қовоқ солди Гарри.

- Ўша дарслигингданми, ахир?

- Ҳа, ўша дарслигимдан... Нима қилибди?

- Демак, ўзингга номаълум, қўлда ёзилган афсунни шартта қўллаб, бундан нима чиқишини томоша қилишга аҳд қилгансан, шундайми?

- Қўлда ёзилганми, қўлда эмасми, нима фарқи бор? - эътироз билдирди Гарри, саволнинг иккинчи қисмидан қочиб.

- Чунки ўша афсун сеҳргарлик вазирлиги томонидан маъқул деб топилмагани аниқ, - жавоб берди Гермiona, - Бундан ташқари, - қўшимча

қилди у, Гарри билан Рон иккаласи кўзини тепага қаратганини кўриб, - Назаримда сизларнинг Шаҳзодангиз дабдурустгина аблаҳга ўхшайди. Гарри билан Рон шу заҳоти вишиллаб қўйишди.

- Ҳазил эди бу, Гермиона! - хитоб қилди Рон, кетчупнинг бир шишасини сосиска устига ағдариб, - Оддий ҳазил, вассалом.

- Одамни оёғини осмондан келтириб, тўпиғидан осиш-а? Бундай ҳазилларни ихтиро қилишга ким ўз вақти ва кучини сарф этиши мумкин?

- Масалан, Фред билан Жорж, - елка қисди Рон, - Иккаласининг табиатига хос ҳазиллар сирасига киради бу. Ёки...

- Менинг дадам, - деди Гарри, отасини эсга олиб.

- Нима? - бараварига бурилиб қарашди Рон билан Гермиона.

- Ушбу афсунни қўллагани эсимга тушди, - тушунтириш берган бўлди Гарри, - Мен... менга Люпин айтиб берган эди.

Гаррининг ушбу сўзлари ҳақиқатдан анча йироқ. Аслида Гарри бундай афсун отаси томонидан Северусга қарши қўлланилганини ўз кўзи билан кўрган, лекин дамблхотира воситасида қилган ўша сафари ҳақида Рон билан Гермионага айтиб бермаган. Ҳозир эса унинг миясига ажойиб фикр келди: иттифоқо, ўша чала зот Шаҳзода?...

- Эҳтимол даданг ҳам сарф этгандир, - деди Гермиона, - Фақат у ўзи ёлғиз бўлмаган. Ёдиндан чиққан бўлса, эслатиб ўтай: ушбу афсундан биратула кўпчилик фойдаланганлигини бирга, ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Улар ухлаб ётган ҳимоясиз одамларни ер узра кўтариб, ҳавода муаллақ осилганча, учишга мажбур қилишган.

Квидиш бўйича жаҳон чемпионатидаги Ўлимдан мириқувчиларнинг қилмишини эсга олган Гарри юраги тушиб кетганча Гермионага бақрайиб қолди.

- У бошқа гап! - қатъий баёнот қилди Рон, Гаррига тарафдор бўлишга аҳд қилиб, - Улар афсундан ёвузлик ниятида фойдаланишган. Гарри билан отаси эса шунчаки, ҳазиллашган. Сен Шаҳзодани ёмон кўриб қолгансан, Гермиона, - деди Рон, қўлидаги сосискани қизга ўқтаб, - Чунки у дамламачилик ишини сендан яхши билади...

- Нақадар бемаъни гап! - қизариб кетди Гермиона, - Афсун нима мақсадда ижро этилишини модомики билмас экансан, уни қўллаш масъулиятсизликдан ўзга нарса эмас, деб ўйлайман мен. Кейин, уни Шаҳзода деб аташни бас қил, худди бу унинг наслий унвонидай. Ишончим комилки, бу ҳам, аҳмоқона лақабдан бошқа нарса эмас. Умуман айтганда эса, фикримча, ўша кас яхши одам бўлмаган.

- Қаердан олдинг бундай гапни, тушунмайман! - жаҳл қилди Гарри, - Ҳақиқий Ўлимдан мириқувчи ҳеч қачон чала зот эканлиги билан мақтанмайди, шундай эмасми?

Гапини охирига етказмаган Гарри ўз отасининг асилзода сеҳргар эканлигини эсга олиб, ушбу фикрни миясидан дарҳол чиқариб ташлади. Бу ҳақда кейин, бафуржа ўйлаб кўради.

- Ўлимдан мириқувчиларнинг бари асилзода бўлиши мумкин эмас. Чунки бу дунёда сеҳргарлар у қадар кўп эмас, - ўжарлик-ла, эътироз билдирди Гермиона, - Уларнинг аксарияти ўтмишда чала зот бўлиб, ўзларини асилзода сифатида кўрсатишади. Маглар оиласида туғилганлардан нафратланишади, сен билан Ронни эса ўз сафларига жон деб қабул қилишган бўлар эди.

- Мени-я? Ҳаётда қабул қилишмайди! - овоз кўтарди Рон, сосиска санчилган санчқини Гермионага силтаб.

Сосиска санчқидан учиб чиқиб, нариги стол ортида ўтирган Эрни Макмилланнинг бошига бориб тегди.

- Ўлимдан мириқувчиларнинг таъбири ила айтганда, жамики оилам сотқин саналиб, маглар оиласида туғилган сеҳргарлар билан тенг кўрилади! - фикрини яқунлади Рон.

- Мени эса улар қучоқ очиб қарши олишлари муқаррар, - истехзо-ла таъкидлаб қўйди Гарри, - Жуда қалин дўст бўлар эдик, агар мени ҳар қадамда асфаласофилинга йўллашга уринишларини инобатга олмаганда. Рон хандон отиб юборди, ҳатто Гермиона ҳам мийиғида кулиб қўйди.

- Ҳой, Гарри, сенга мана буни бериб қўйишни илтимос қилишди, - эшитилди Жиннанинг овози.

Қиз яқин келиб, таниш дастхат-ла ёзилган пергамент ўрамини узатди.

- Раҳмат, Жинна... Бу Дамблдор билан ўтадиган навбатдаги машғулот ҳақида, - севинч-ла маълум қилди, пергамент ўрамини ёзиб, ўзини енгил ҳис қилган Гарри Рон билан Гермионага, - Жинна, биз билан Хогсмёдга бормайсан-ми? - таклиф қилди у.

- Йўқ, мен Дин билан бораман... Эҳтимол ўша ерда учрашармиз, - деди қиз, қўлини силтаганча хайрлашиб.

Филч, одатдагидай, Хогсмёдга чиқиб кетаётганларни ижозат берилганлар рўйхатига кўра текширмоқда. Ҳар бир ўқувчи сир сезгири воситасида уч бор текширилатгани боис, тадбир анча чўзилди.

- Бирон нима олиб чиқиб кетяпмиз-ми, йўқми фарқи нима, - эътироз билдирди Рон, ингичка узун сезгирга кўз қири ила қараб, - Олиб кирилатган нарсани текшириш керак!

Ақллилик қилгани учун сезгир Роннинг биқинига икки маротаба санчиб юборилди. Шамол эсиб, ёмғир аралаш қор ёғаётган кўчага чиқилгач, Рон анча вақт оғриқдан башарасини буриштириб, биқинини ушлаб юрди.

Хогсмёдга қадар босиб ўтилган йўл болаларга қувонч бағишламади.

Гарри юзини шарф билан тўсиб олган бўлишига қарамай, очиқ қолган қисми кўп ўтмай увушиб, оғриқ сеза бошлади. Мактаб ўқувчиларининг галаси муздай шамолдан сақланиш мақсадида сал кам икки букилганча базўр одимлаб бормоқда. Гарри иссиққина умумий меҳмонхонада қолган минг марта афзал эди, деган хаёлга бир неча бор боришга улгурди.

Хогсмёдга етгач, Зонконинг кулгили моллар дўкони миҳлаб қўйилганини, фалақдан йўлланган нишона сифатида қабул қилди. Хайриятки, «Роҳат

луқум» дўкони очиқ экан. Рон қалин қўлқоп таққан қўлини кўтариб, ўша томонни кўрсатди. Гарри билан Гермiona қоқилиб-сурилиб, унинг ортидан одамга тўлиб-тошган дўконга киришди.

- Худога шукур! - оҳ уриб юборди Рон, ширинлик ҳиди анқиб турган илиқ ҳаводан чуқур нафас олиб.

- Гарри, ўғлим! - эшитилди орқа томондан овоз.

- Оббо, - ғудуллади Гарри.

Болалар ўгирилиб, бошига каттагина мўйна телпак кийган, эгнидаги пальто ҳам ўхшаш мўйнадан тикилган профессор Дивангардни кўришди. У қўлига шакарланган ананас шарбати тўлдирилган каттагина сумка ушлаб, қорни билан дўконнинг деярли ярмини эгаллаб олган.

- Учта йиғилишимни ўтказиб юбординг, - ўпка-гина қилди Дивангард, Гаррининг кўксига меҳр-ла ниқтаб, - Бу ишинг ярамайди, ўғлим.

Йиғилишларда иштирок этишингни қатъий талаб қиламан. Кечаларимиз ёмон ўтмайди-ку, шундай эмасми, мисс Грэнжер?

- Ёмон эмас, - иложсиз жавоб берди Гермiona, - Чиндан ҳам ҳузурингизда ўтган оқшомлар...

- Ана, эшитдинг-ми, Гарри? Хўш, сабаби нима, келмай юришингни? - талаб оҳангида сўради Дивангард.

- Биринчидан, профессор, менинг квидиш машқларим бор, - жавоб берди Гарри.

У ҳар сафар Дивангарднинг бинафша ранг тасмага ўралган таклифномасини олганда, жамоа аъзоларига машқ тайинлайди. Шундай қилса, Рон ўзини ҳақсиз қолгандай ҳис этмай, одатда, Маклагген билан Забини иштироқидаги суҳбатга тоқат қилишга мажбур бўлган Гермionанинг афтини тасаввур қилиб, мириқиб кулишади.

- Демак, шунча саъй-ҳаракатлардан сўнг, биринчи ўйинда албатта ғалаба қозонасан! - кулди Дивангард, - Лекин ҳордиқ ҳали ҳеч кимга зарар қилмаган. Душанба кунига қандай қарайсан? Бундай ҳавода машқ қилмассан, ахир?!...

- Иложим йўқ, профессор. Душанба куни мен... э-э-э... профессор Дамблдорнинг ҳузурига киришим керак.

- Яна омадим юришмади! - фожиали овоз кўтарди Дивангард, - Хўп, майли, Гарри, лекин билиб қўй, бари-бир бир умр қочиб юра олмайсан! У қўлини пошшоларга хос тарзда силтаб, лапангланганча, дўконни тарк этди. Дивангард суҳбат давомида анави витринага қўйилган суварак шодасига қанчалик эътибор қаратган бўлса, Ронга ҳам шунчалик эътибор қаратди.

- Ишонгим келмайди! Сен яна қутулиб қолдинг! - бошини сарак-сарак чайқади Гермiona, - Билмоқчи бўлсанг, ўша йиғилишлар чиндан ҳам ёмон ўтмайди... баъзан қизиқарли бўлади...

Қиз Роннинг юзи касб этаётган қиёфани кўриб, гапни айлантирди:

- Вой, қаранг, делюкс қанд пат-қаламлари! Анчага етади-ю, а?

Гермиона мавзуни алмаштирганидан хурсанд бўлган Гарри қанд пат-қаламининг янги турига қизиқиш билдирди. Бироқ Рон қовоғини солиб, Гермионанинг «Энди қаёққа борамиз?» - деб берган саволига совуққина елка қисиб қўйди.

- «Уч супурги»га борайлик, - таклиф киритди Гарри, - У ер иссиқроқ, ҳар қалай.

Учовлон юзини шарф билан боз ўраб, дўконни тарк этди. «Роҳат луқум»нинг мазали иссиғидан сўнг, болаларнинг юзини баданни тешиб ўтаётган совуқ устара каби кесмоқда. Кўчада одам кам, вайсаб олиш учун ҳеч ким тўхтагани йўқ, ҳамма ўз иши-ташвиши билан елиб-югуриб юрибди. Фақат катта ёшли икки кишигина «Уч супурги» яқинида тўхтаб қолган. Улардан бири новча бўйли озғин киши. Гарри ёмғир қатралари қоплаган кўзойнаги орқали кўзини қисиб қараб, Хогсмёд қишлоғидаги «Ахта чўққа калласи» қовоқхонасининг барменини таниди. Болалар яқин борганда бармен плашга яхшилаб ўраниб, нари кетди. Унинг суҳбатдоши эса қўлида нимадир айлантирганча, турган жойида қолди. Бир фут масофа қолганда Гарри уни таниди.

- Мундугнус!

Малла сочи узун, бақувват пакана сесканиб кетиб, путури кетган чемоданини қўлидан тушириб юборди. Чемодан очилиб, ичидан бутун бошли ломбард тўкилиб, атрофга сочилиб кетди.

- Ие, Гарри, ўзинг-ми, салом, - сохта хотиржамлик-ла сўрашди Мундугнус Флетчер, - Майли, сени совуқда ортиқ ушлаб турмай. Мундугнус тез ғойиб бўлишга ошиқиб, ер пайпаслаганча буюм тера бошлади.

- Савдо-сотикми дейман? - қизиқди Гарри, Мундугнуснинг темир-терсагига қараб.

- Тирикчиликнинг айби йўқ, - жавоб берди Мундугнус.

- Шошма, - деди ердан аллақандай кумуш буюм олган Рон, - Таниш нарса-ку, бу.

- Бер бу ёққа! Раҳмат! - кичқирди Мундугнус, Роннинг қўлидан тортиб олган қадахни чемоданга тиқиб, - Қисқаси, кўришгунча... ВОЙ!

Гарри Мундугнуснинг бўғзидан олиб, паб деворига тақади. Уни бир қўли билан маҳкам тутар экан, иккинчи қўлига сеҳрли таёқчасини олди.

- Гарри! - чириллади Гермиона.

- Буларнинг барини Сириуснинг уйдан ўмариб чиққансан, - тиши орасидан вишиллади Гарри, - Қадахда Блэklar хонадонининг герби тасвирланган.

Гарри юзини Мундугнуснинг башарасига яқин келтириб, спиртли ичимлик ва эски тамакиннинг қўланса ҳиди ила нафас олишга мажбур бўлмоқда.

- Мен... йўқ... нима? - бўғилиб қолди Мундугнус юзи қизариб.

- Нима қилдим? Ўлганини эшитишинг билан, Сириуснинг уйига югуриб,

бор нарсасини ўмариб чиқдинг-ми?

- Мен... йўқ...

- Жойига қайтар ҳаммасини!

- Гарри, ундай қилма, - қичқирди Гермиона, Мундугнуснинг кўкариб бораётганини кўриб.

Шу пайт нимадир гумбурлаб, Гаррининг қўли Мундугнуснинг бўғзидан сапчиб кетди. Ўғри оғзи билан нафас олиб, сўлагини ютганча, қўлидан чиқиб кетган чемоданини олди-да, ПАҚ, ҳавода даф бўлди.

Гарри болохонали сўкинганча, Мундугнусни қидириб, турган жойида айланди.

- ҚАЙТ ОРҚАНГА, ЎҒРИ!

- Фойдаси йўқ, Гарри.

Сочини қор ҳўл қилган Бомс қаердандир пайдо бўлди.

- Мундугнус Лондонга етиб борган бўлса керак, бақиришдан фойда йўқ.

- У Сириуснинг нарсаларини ўғирлабди! Ўғирлабди!

- Шундай бўлган тақдирда ҳам, - деди Бомс, бундай янгиликдан мутлақо ҳайратланмай, - Совуқда турмай, ичкарига кириб.

Бомс болаларни «Уч супурги»га киритди.

- У Сириуснинг нарсаларини ўғирлабди! - боз қичқирди Гарри.

- Кўрдик, Гарри, фақат қичқирма, илтимос, - пичирлади Гермиона, - Одамлар қараб турибди. Ўтир, мен ичгани бирон нима олиб келаман.

Гермиона уч шиша ҳузур-лаззат ичимлиги билан қайтди, Гарри эса ҳеч тинчлана олмади.

- Наҳотки Орден аъзолари Мундугнусни тийиб қўя олмаса?! - паст овозда, лекин ғазаб-ла сўради у, - Қароргоҳ полига бураб қотирилмаган борки нарсалар ўғирлаб чиқилишини наҳотки тўхтата олишмаса?!

- Жим! - умидсиз пичирлади Гермиона, биров эшитиб қолмаганига ишонч ҳосил қилиш учун атрофга аланглаб.

Сал наридаги столлардан бирининг ортида Гаррига катта қизиқиш-ла бақрайган икки нафар дуохон, улардан сал нарида Забини ўтирибди.

- Сенинг ўрнингда бўлганимда мен ҳам эътироз билдирган бўлар эдим, албатта, - давом этди Гермиона, - Ахир, умуман олганда, энди у нарсалар сеники-ку.

Гарри ҳузур-лаззат ичимлигининг илк ҳўпламига тикилиб қолишига сал қолди. Пинҳонийлик майдонидаги 12- уй энди унинг уйи эканлигини унутиб ҳам қўйган экан.

- Ҳа, менинг нарсаларим! - хитоб қилди Гарри, - Шунинг учун ҳам, мени кўриб қувониб кетмади, у! Шошмай турсин, бор гапни Дамблдорга айтиб бераман! Мундугнус ундан жуда кўрқади.

- Яхши фикр, - пичирлади Гермиона, Гаррининг тинчланаётганини кўриб,

- Рон, нимага бу қадар тикилиб қолдинг?

- Ҳеч нарсага, - жавоб берди Рон, шу заҳоти бар растасидан кўзини узиб.

Лобар бадан Росмерта хоним Ронга анчадан буён ёқишини билган Гарри,

дўсти ушбу бармен аёлни томоша қилиб ўтирганини фаҳмлади.

- Тушунишим-ча, «Ҳеч нарса» деганинг Огден Олднинг куйдирадиган вискиси бўлса керак, а? - заҳарли пичирлади Гермiona.

Ғурур-ла сукут сақлаган Рон, ушбу кинояга эътибор қаратмай, қўлидаги шишасини сўриб қўйди. Гаррининг хаёли эса ўша кумуш қадаҳлардан нафратланиб яшаган Сириусга кетди. Бармоқлари билан стол чертиб ўтирган Гермionанинг нигоҳи эса Рон билан бар растаси орасида югурди.

- Балким бугунга етар, қайтамизми? - таклиф киритди Гермiona, Гарри шишани бўшатиб, столга қўйиши билан.

Болалар бош ирғишди. Сафар кўнгилдагидай ўтмади. Об-ҳаво эса баттар бузилиб бормоқда. Учовлон яхшилаб ўраниб, қўлқопини тақиб, Кэтти Белл ва унинг дугонаси ортидан кўчага чиқиб, Дароз кўчанинг музлаган лойини тепалаганча, мактаб томон йўл олди. Гарри баъзан Жинна ҳақида ҳам ўйлаб борди. Улар учрашишмади. Аёнки, Дин иккаласи Пудгафут хонимнинг севишганлар гўшаси саналадиган чойхонасида ўтирибди. Қовоқ солиб олган Гарри, бошини ҳам қилиб, қор уюмини қаттиқ босганча, қадамини тезлатди.

Шамол Кэтти ва унга ҳамроҳ бўлиб кетаётган дугонасининг овозини олиб келмоқда. Кўзини қисиб, иккала қизнинг хира шарпасини кўрган Гарри, уларнинг суҳбати ғайриоддий баланд оҳангда кечаётганига эътибор қаратмади. Афтидан қизлар, Кэттининг қўлида маҳкам сиқиб олинган буюм ҳақида баҳслашмоқда.

- Бунга дахлинг йўқ, Лин! - эшитди Гарри.

Йўл ён томон бурилди. Қалин ёғаётган қор Гаррининг кўзойнагига ёпишиб қолмоқда. У қўлини кўтариб, қўлқопи билан кўзойнагини тозалашга уринди. Шу пайтда Лин Кэттининг қўлидаги буюмни ушлаб тортди, Кэтти эса қаршилиқ кўрсатиб, қўлидаги нарсани тушириб юборди.

Шу заҳоти Кэтти ҳавога, тўпиғидан осилган Ронга ўхшаб кулгили эмас, худди учиб кетмоқчи бўлган каби, қўлини икки томон енгил узатиб, муаллақ осилиб қолди. Бироқ ушбу манзара қандайдир ғалати, нотўғри кўринмоқда... Гарри, Рон, Гермiona ва Лин кўзи юмуқ, сочини дағал шамол ўйнатаётган, юзи бирон-бир қиёфа касб этмаган, ердан олти футча кўтарилган Кэттига бақрайганча, қотиб қолишди.

Кэтти кўзини очиб, кутилмаганда даҳшатли қичқира бошлади. Афтидан, унинг кўзига кўринган ёки танаси ҳис этган нарса айтиб бўлмас даражада қаттиқ оғриқ берган кўринади, тинимсиз инграй бошлади.

Дугонасининг қичқиривига жўр бўлган Лин Кэттининг тўпиғидан ушлаб, ерга туширишга уринди. Гарри, Рон ва Гермiona ҳам ёрдамга ошиқиб, Кэттининг оёғидан маҳкам тутиб, пастга тортишди. Ерга қулаб тушаётган қизни Гарри билан Рон иккаласи ушлаб қолишга улгурди. Оғриқ азобидан кучли тўлғанаётган Кэттини болалар базўр ушлаб, ерга ётқизишга муваффақ бўлишди. Ҳеч кимни танимаётган қиз типирчилаб, овози

борича қичқирмоқда.

Гарри, атрофга боқиб, ҳеч кимни кўрмади.

- Шу ерда қолинг! - шамолдан баланд овозда бақирди у, - Мен ёрдам чақириб келаман!

У мактаб томон югурди. Бунақа ҳолатни Гарри ҳали кўрмаган ва шу боис, Кэттига нима қилган бўлиши мумкинлигини ҳеч идрок эта олмаяпти. Муюлиш ортига ўтибоқ, орқа оёғига туриб олган аллақандай айиққа қаттиқ урилди.

- Хагрид! - хириллади, зарба кучидан буталар орасига кириб кетган Гарри.

- Гарри! - эшитилди бобр пўстин кийган, қош-кўзида қор пағалари тўпланган Хагриднинг хитоби, - Мен ҳозиргина Гурпнинг ёнидан қайтдим. У эришган муваффақиятларни билсанг эди...

- Хагрид, анави ерда бир қизга нимадир қилди... Билмайман, унга ё қарғиш қўлланилди, ё бошқа нарса...

- Нима? - энгашди, шамол шовқинида ҳеч нарса эшитмаган Хагрид.

- ҚАРҒИШ! - қичқирди Гарри.

- Қарғиш қўлланилди? Кимга? Ронга-ми? Гермионага-ми?

- Йўқ, йўқ, Кэтти Беллга... Юр мен билан...

Икковлон югуриб, кўп ўтмай, Кэттининг устида тўпланган болалар ёнига етиб борди. Кэтти ҳалигача ерда тўлғаниб, қичқирмоқда. Рон, Гермиона ва Лин қизни тинчлантиришга уринишмоқда.

- Нарн туринг! - қичқирди Хагрид, - Қани, кўрай-чи!

- Билмайман нима қилганини, лекин унга нимадир қилган! - ҳўнгради Лин.

Хагрид бир-икки сония Кэттига қараб турди-да, қизни шартда қўлтиқлаб, қаср томон елдай учиб кетди. Хаёл ўтмай шамолнинг кучли гувиллаши Кэттининг қичқириқларини босиб юборди.

Гермиона Линнинг елкасидан қучиб, тинчлантиришга уринди.

- Исминг Лин-ми?

Қиз бош ирғиди.

- Кутилмаганда рўй берди-ми бу, ё?...

- Ўрам йиртилганда, - боз ҳўнгради Лин, ерда ётган жигар ранг қоғозни кўрсатиб.

Ҳўл қоғознинг йиртиқ жойидан яшил тусли нур кўринди. Рон энгашиб, буюмга қўлини узатди.

- Тегма! - овоз кўтарди Гарри, Роннинг билагидан тортиб.

Гарри тиззасига чўкиб, опалнинг қоғозга ўралган чиройли шодасини кўрди.

- Таниш буюм. Уни илгари кўрганман, - маълум қилди у, безакка қараб, - «Боржин ва Д'Авило» дўконида. Анча бўлди. Ёрлиғига қарғиш қўлланилгани, ўзининг ўн икки нафар магл соҳибини ўлдиргани ёзилган эди. Афтидан Кэтти қўл теккизган кўринади.

Гарри дағ-дағ титраётган Линга юзланди.

- Шодани қаердан олди у?

- Айнан шу масала устида баҳслашиб қолган эдик! «Уч супурги» ҳожатхонасидан олиб чиқди уни. «Хогварц»дагилардан бирига совға эканлиги, тайинланган кишига топшириш кераклигини айтди, лекин у қандайдир бошқача, ўзига ўхшамаган ҳолатда чиқди у ердан... Даҳшат, даҳшат, қарам қилиш қарғиши таъсири остида бўлгани аниқ... дарҳол тушуниб етмабман!...

Лин баттар ўкира кетди. Гермiona уни юпатишга уриниб, елкасига уриб-уриб ўтирди.

- Ким берганини айтмади-ми, Лин?

- Йўқ... айтишдан қатъий бош тортди... Шунда, мен уни жиннига чиқариб, шубҳали буюмни мактабга олиб кириш мумкин эмаслигини айтдим... У гапимга қулоқ солишни ҳам истамади... буюмни қўлидан тортиб олишга уриндим... кутилмаганда...

Лин фикрини охирига етказа олмай инграб юборди.

- Юринглар, яхшиси, мактабга қайтиб, Кэттининг ҳолидан хабар олайлик, - деди Гермiona, қизни маҳкам қучиб, - Кетдик...

Гарри бироз ўйланиб, бўйнидаги шарфни шартта ечди-да, чўчиб кетган Роннинг қичқирганига эътибор қаратмай, шодани аста ўраб, кўтарди.

- Помфри хонимга кўрсатиш керак, - тушунтириш берди у.

Рон иккаласи Гермiona билан Линнинг изидан борар экан, Гарри мясига келган фикрни зўр бериб ўйлаб юрди ва мактаб ҳудудига кириб бориши билан, ўзини тийиб тура олмай, баён этди:

- Шоданинг хусусиятини Малфой яхши билади. Тўрт йил муқаддам шода «Боржин ва Д'Авило» растасида ётган. Малфой уни астойдил кўздан кечириб чиққанини шахсан ўзим, ота-боладан бекиниб қараб турганман. Ортидан кузатиб борганимизда, айнан шуни харид қилган у! Шоданинг хусусиятидан фойдаланишга аҳд қилган!

- Билмадим... Гарри, - шубҳаланди Рон, - «Боржин ва Д'Авило»га кўпчилик киради... Анави қиз эса шодани Кэтти ҳожатхонадан олиб чиққанини айтди, шундайми?

- Тўғри, Кэтти ҳожатхонадан, ушбу буюм билан чиққанини айтди. Лекин бу, шодани айнан ўша ердан олганини аниқ англатмайди!

- Макгонагалл! - деди Рон.

Гарри бошини кўтариб, қаср томон юзланди. Чиндан ҳам, айвондан тушган профессор Макгонагалл ёмғир аралаш қор остида болалар томон югуриб келмоқда.

- Хагриднинг айтишича, сизлар Кэтти Беллга нима қилганини кўрган экансиз... Илтимос, зудлик билан хизмат хонамга кириш! Қўлингиздаги нима, Поттер?

- Кэтти қўл теккизган буюм, - жавоб берди Гарри.

- О, Муқаддас фалак! - оҳ уриб юборди профессор Макгонагалл,

Гаррининг қўлидан шодани олиб, - Йўқ, йўқ, улар мен билан, - деди у, сир сезгирини силтаганча, вестибюль орқали каловланиб келаётган Филчни кўриб, - Мана бу шодани зудлик билан профессор Снегг ихтиёрига етказинг. Фақат эҳтиёт бўлинг, унга қўл теккиза кўрманг, шарфдан чиқариб юборманг.

Тўртовлон профессор Макгонагаллнинг изидан кўтарилиб, хизмат хонасига кирди. Ойналарига қор ёпишган деразалар зирилламоқда, каминда олов ёнаётганига қарамай, хона совуқ. Профессор Макгонагалл эшикни ёпиб, ёзув столи томон шиддат-ла одимлади-да, етиб бориши ҳамано, Гарри, Рон, Гермiona ва ҳанузгача йиғисини тўхтата олмаётган Линга юзланди.

- Хўш, гапиринг, - қатъий оҳангда гап бошлади у, - Нима бўлди?

Лин йиғлаб, тутилиб-тўхталиб, Кэтти «Уч супурги» ҳожатхонасидан қўлда сирли ўрам билан чиққани, бунда у, ғалати қиёфа касб этиб қолгани, нотаниш кишидан олинган буюмни қасрга олиб кириш масаласи юзасидан иккаласи баҳслашиб қолишгани, ушбу баҳс буюм талашиш билан якун топиб, ўрам қоғози йиртилиб кетганини базўр айтиб бера олди. Шу ерга келганда Лин кучли ҳаяжонланиб, ортиқ сўз айта олмади.

- Яхши, Лин, - деди профессор Макгонагалл шафқат оҳангида, - Касалхонага бориб, Помфри хонимдан тинчлантириш дорисини сўранг. Лин чиқиб кетиши ҳамано, профессор Макгонагалл Гарри, Рон ва Гермiona томон юзланди.

- Кэтти шодага қўл теккизибди. Хўш, кейин нима бўлди?

- Ҳавога кўтарилди, - биринчи бўлиб жавоб берди Гарри, - Сўнг қичқириб, ерга қулади. Профессор, ижозат берсангиз, профессор Дамблдорга учрамоқчи эдим.

- Директор душанбагача бўлмайди, Поттер, - ҳайрон бўлганча жавоб берди профессор Макгонагалл.

- Бўлмайди? - эътироз оҳангида сўради Гарри.

- Ҳа, Поттер, бўлмайди! - деди профессор Макгонагалл, дакки берилган оҳангда, - Агар ушбу мудҳиш ҳодисага тааллуқли гапингиз бўлса, шубҳа қилмай, менга ҳам айтиб беришингиз мумкин.

Гарри Макгонагалл билан очиқчасига гаплашишни истамай, бир-икки сония иккиланиб турди. Дамблдор кишини бироз сир бостириб қўйса-да, билдирилган ҳар қандай, ҳақиқатдан йироқ бўлса ҳам, фаразга, хотиржам муносабат билдиради. Модомики, ҳозир гап ҳаёт ва мамот тўғрисида борар экан, кулгили бўлиб кўриниш бемаънилиқдир.

- Профессор, назаримда ўша шодани Кэттига Драко Малфой берган. Унинг бир ёнида турган Рон хижолат-ла бурун қашиб, иккинчи ёнида турган Гермiona эса, худди Гарридан тезроқ узоқлашмоқчи бўлгандай, бироз қўзғалиб қўйди.

- Бу жуда жиддий айблов, Поттер, - деди ҳайратдан бироз сукут сақлаган профессор Макгонагалл, - Исботинг борми?

- Йўқ, лекин... - деди Гарри ва Малфойнинг изидан «Боржин ва Д'Авило» дўконига қадар учовлон пойлаб бориб, эшитган суҳбатини айтиб берди.
- Малфой таъмирдан чиқариш учун «Боржин ва Д'Авило»га бирон нима кўтариб келди-ми? - эшитганларига аниқлик киритиш мақсадида сўради профессор Макгонагалл, Гарри ҳикоясини яқунлагач.
- Йўқ, профессор. У Боржиндан ёнида бўлмаган аллақандай буюмни қандай қилиб таъмирдан чиқариш мумкинлигини сўради. Муҳими бу эмас. Ўша куни у нимадир харид қилди ва ўйлашимча, ўша буюм бугунги опал шодаси бўлган...
- Малфой дўкондан бугунги ўрамга ўхшаш нарса олиб чиққанини кўрдингиз-ми?
- Йўқ, профессор. Малфой Боржинга харид қилинган буюмни дўконда сақлашни амр этди...
- Аммо, Гарри, - гапни бўлди Гермиона, - Боржин Малфойдан харид қилинган молни олиб кетишини исташ-истамаслигини сўради. Малфой эса рад жавобини берди.
- Чунки қўл теккизишни истамаган, бунинг нимаси тушунарли эмас? - жеркиб берди Гарри.
- Умуман айтганда у: «Эсингизни еб қўйдингиз-ми? Қандай қилиб кўчада кўтариб юраман уни?», деган эди, - аниқлик киритди Гермиона.
- Шода билан у, чиндан ҳам аҳмоқдай кўринган бўлар эди, - таъкидлаб қўйди Рон.
- Рон, - толиққан оҳангда эътироз билдирди Гермиона, - Шодани, қўл тегиб кетмаслиги учун ўраб, плаш остида олиб юриш мумкин. Фикримча, Малфой «Боржин ва Д'Авило»да қолдирган буюм ё қаттиқ шовқин соладиган, ё ўлчами ҳаддан ортиқ катта бўлиб, кўчадаги одамларнинг эътиборини ўзига жалб этадиган буюм бўлган... Бундан ташқари, мен дўконга кириб, Боржиндан шода нархини сўраган эдим. Малфой нимани сақлаб қолишни илтимос қилганини сўраб билмоқчи бўлдим. Дўконга кирганимда ўша шодани кўрганман. Боржин менга опал шодасининг нархини айтди, лекин сотилгани ҳақида оғиз очмади...
- Тўғри, лекин сенинг ҳаракатларинг шундай кечдики, беш сония ўтар-ўтмас Боржин асл мақсадингни фаҳмлаб, гаплашишни ҳам истамай, қувиб солди. Умуман айтганда, Малфой ўша шодага юз бор одам жўнатиши мумкин эди.
- Бўлди, бас! - дарғазаб оҳангда овоз кўтарди профессор Макгонагалл, Гермионанинг эътироз билдириш учун оғиз жуфтлаганини кўриб, - Поттер, фикрингизни очиқ-ойдин баён этганингизни қадрлайман, албатта. Лекин мистер Малфойни шода сотиладиган дўконга кириб чиққани учунгина айблаш олмаймиз. У ерга Малфойдан ташқари юзлаб кишилар ташриф буюришган...
- Мен ҳам шундай фикрдаман, - ғудуллади Рон.
- Ҳар қандай ҳолатда ҳам, хавфсизликнинг бундай чоралари кўрилган

экан, шода мактаб ҳудудига бизнинг назоратимиз четлаб ўтилган тарзда олиб кирилиши мумкин эмас.

- Бироқ...

- Энг муҳими, - сўнги далилни баён этди профессор Макгонагалл, - Мистер Малфой бугун Хогсмедга чиқмаган.

Гарри оғзини ланг очиб, ҳаво шари каби шишиб олди.

- Сиз қаердан биласиз, профессор?

- Жуда яхши биламан. Чунки бугун у, мен томондан тайинланган меҳнат жазосини ўтаган. Малфой бир нарсани бошқа нарсага айлантириш бўйича уйга берилган вазифани иккинчи бор бажармай келди. Шундай экан, ўз шубҳангизни мен билан ўртоқлашганингиз учун раҳмат сизга, Поттер, - деди у, чиқиш эшиги томон қатъий одимлаб, - Ҳозир мен касалхонага бориб, Кэттининг ҳолидан хабар олишим керак. Ҳаммангизга хайрли кеч.

Профессор эшикни очди. Болаларга индамай чиқиб кетишдан бошқа чора қолмади.

Гарри Макгонагаллга тарафдор бўлгани учун дўстларидан хафа бўлди, албатта. Шундай бўлса-да, умумий меҳмонхона томон йўл олганча, зинадан кўтарилиб, бўлиб ўтган ҳодисани муҳокама қилишар экан, суҳбатга аралашмай тура олмади.

- Нима деб ўйлайсиз, опал шодаси кимга топширилиши керак эди? - сўради Рон.

- Ким биледи дейсан, - жавоб берди Гермиона, - Нима қилганда ҳам, унинг омади чопди. Ўрамни очиб, шодани қўлига олиши муқаррар эди.

- У ҳар қандай кишига топширилиши мумкин эди, - фикр билдирди Гарри,

- Биринчи навбатда Дамблдорга. Ўлимдан мириқувчилар ундан қутулишни орзу қилишади. Бинобарин у, асосий нишон саналади. Ёки Дивангардга. Дамблдорнинг сўзларига қараганда Вольдеморт уни ўз сафида кўришни жуда истаган. Дивангард Дамблдор томонга ўтганини эшитгач, суюниб кетганига шубҳа қиламан. Ёхуд...

- Сенга, - ташвиш-ла, давом этди Гермиона.

- Йўқ, менга эмас, - бош чайқади Гарри, - Агар менга топширилиши лозим бўлганида, Кэттига орқа ўгирилиб қараш кифоя бўлар эди. Биз унинг кетидан «Уч супурги»дан чиқиб, изма-из бордик. Филчнинг текширувлари инобатга олинандиган бўлса, совға менга «Хогварц»дан ташқарида топширилгани оқил иш бўлар эди. Қизиқ, нима учун Малфой ўрамни қасрга олиб келишни буюрди экан?

- Гарри, Малфой бугун Хогсмедга чиқмаган! - эслатиб ўтди жаҳл-ла депсинган Гермиона.

- Демак, у ўз қабиҳ ишини воситачи орқали амалга оширган, - ишонч-ла баёнот қилди Гарри, - Краббе ёки Гойл... Агар жўяли мулоҳаза юритиладиган бўлса, бошқа Ўлимдан мириқувчи орқали. Энди унинг Краббе билан Гойлдан кўра дурустроқ дўстлари бор-ку, ахир.

Рон билан Гермиона бир-бирига: «баҳслашишдан фойда йўқ», дегандай, маъноли қараб қўйишди.

- Симплокарпус, - деди баланд овозда Гермиона, Семиз Холанинг рўпарасига келиб.

Портрет очилиб, болаларни умумий меҳмонхонага ўтказиб юборди. Бу ерда одам кўп бўлиб, намиққан кийим ҳиди гупилламоқда. Об-ҳаво совуқ бўлгани боис, кўпчилик Хогсмеддан эрта қайтган. Ҳеч ким ҳеч нимани муҳокама қилаётгани йўқ. Афтидан, Кэтти ҳақидаги янгилик бу ерга ҳали етиб келмаган.

- Умуман айтганда, тажовуз хом режалаштирилибди, - фикр билдириб қолди Рон, камин олдидаги креслода исиниб ўтирган биринчи синф боласини креслодан туртиб турғизганча, ялпайиб ўтириб, - Қарғиш қасрга киришга ҳам улгурмаган. Қисқаси, ижроси мутлақо ишончсиз тузилган режа.

- Тўғри айтасан, - жавоб берди Гермиона, Ронни тепиб турғизганча, болачани жойига ўтқизиб, - Режа пухта ўйлаб чиқилмаган.

- Қачон Малфой ишни пухта бажариб қўйибди-ки, энди бажарса? - гап қистирди Гарри.

Рон ҳам, Гермиона ҳам индамай қўя қолишди.

XIII БОБ. НОМАЪЛУМ РЕДДЛЬ

Эртаси куни Кэтти Муқаддас Резги касалхонаси – ғалати жароҳат ва патологиялар институтига юборилиб, унга қарғиш қўлланилгани ҳақидаги янгилик бутун мактабга тарқалди. Бунда, турли-туман миш-миш гаплар юриб, тажовуз объекти аслида Кэтти бўлмаганини афтидан, Гарри, Рон ва Гермионадан ташқари, ҳеч ким билмайди.

- Малфой ҳам хабардор, албатта, - эслатиб ўтди Гарри Рон билан Гермионага.

Иккаласини шу заҳоти карликнинг навбатдаги хуружи тутиб қолди. Бундай тактикани улар, Гарри Малфойни Ўлимдан мириқувчиларга мансублик назариясини илгари суришни бошлаши ҳамано, қўллаб бориш мақсадида танлашган.

Дамблдор ўзининг сирли сафаридан ўз вақтида қайтиши ва душанба куни ўтказиладиган машғулотга улгуриш-улгурмаслигини Гарри билмайди.

Машғулот кейинга қолдирилгани ҳақида хабар олмаган Гарри кечки соат саккизда директорнинг эшигини тақиллатиб, киришга ижозат олди.

Ғайриодатий ҳорғин кўринган Дамблдорнинг қўли ҳамон кўмирдай қоп-қора. Шундай бўлса-да, у Гарри билан кулиб сўрашиб, имо ила креслони кўрсатди. Шифтга кумуш тусли нур таратаётган дамблхотира аллақачон стол устида турибди.

- Билишимча, вақтинг жўшқин ўтиб, Кэтти билан боғлиқ ҳодиса шоҳиди

бўлгансан?

- Ҳа, сэр. Аҳволи қалай унинг?

- Ҳали соғайиб кетгани йўқ, лекин омади бор экан. Афтидан, унинг қўли шодага, қўлқопидаги билинар-билинемас тешик орқали сал тегиб кетган. Агар бўйнига тақиб олганида ёки қўлқопсиз ушлаганида тил тортмай ўлган бўлар эди. Хайриятки, профессор Снегг қарғиш таъсири кенг тус олишига йўл қўймаслик чорасини кўра билибди.

- Нега энди Снегг, Помфри хоним эмас? - жаҳл қилди Гарри.

- Вой ярамас-ей, - пўнғиллади портретлардан бири.

Ҳозиргина лунжини тирсагига тираб ухлаётган Сириуснинг катта бобоси Пиний Нигеллий Блэк бошини кўтарди.

- Менинг давримда ўқувчиларга мактабда юритилаётган ишларга тааллуқли савол берилишига ижозат берилмас эди.

- Ҳа, ҳа, миннатдорман сиздан, Пиний, - тинчлантирган бўлиб, бош ирғиди Дамблдор, - Гап шундаки, Гарри, профессор Снегг ёвуз кучлар сеҳрини Помфри хонимга нисбатан яхшироқ билади. Бундан ташқари, Муқаддас Резги касалхонасининг маъмурияти Кэттининг аҳволи ҳақида мени ҳар соатда хабардор қилиб бормоқда. Умид қиламан-ки, вақт ўтиб у, тўла-тўқис тузалиб кетади.

- Дам олиш кунлари қаерда эдингиз, сэр? - сўради Гарри, гарчи қуюшқондан чиқиб кетаётганини ҳис этаётган бўлса-да.

Пиний ҳам шундай фикрда шекилли, аччиғи келиб, пишқириб қўйди.

- Ушбу масалани ҳозир муҳокама қилмасликни афзал кўрган бўлар эдим,

- жавоб берди Дамблдор, - Лекин, кези келиб, ҳаммасини айтиб бераман.

- Айтиб берасиз? - ҳайратланди Гарри.

- Ўйлашимча, шундай, - деди, ички чўнтагидан хотира солинган шишачани чиқариб, тиқинини сеҳрли таёқча воситасида очган Дамблдор.

- Сэр, - гап бошлади Гарри, журъатсиз оҳангда, - Хогсмёдда Мундугнусни учратдим.

- Ҳа, Мундугнус мулкингни ўзи билганча тасарруф этаётганидан хабарим бор, - қошини чимирди Дамблдор, - «Уч супурги» қаҳвахонаси яқинидаги учрашувларингиздан сўнг, бекиниб юрибди. Билишимча, мендан ҳайиқмоқда. Ташвиш тортмасанг бўлаверади. Сириуснинг нарсаларини энди тега олмайди у.

- Зоти паст мараз Блэklar хонадонининг бисотини ўмариб юрибди, денг?! - сўради ғазаби қайнаб кетган Пиний Нигеллий.

Собиқ директор ўз портретини тарк этиб, афтидан Пинҳонийлик майдони 12- уйдаги портретидан хабар олгани йўл олди.

- Профессор, - деди Гарри бироз ўтиб, - Кэтти билан боғлиқ ҳодисадан сўнг, нимани муҳокама қилганимизни профессор Макгонагалл айтиб берди-ми сизга? Драко Малфойни назарда тутмоқдаман.

- Ҳа, Минерва шубҳаларинг ҳақида айтиб берди менга, - тасдиқлади Дамблдор.

- Сиз қандай фикрдасиз?
- Дахлдор шахсларга нисбатан тегишли чора кўраман, - деди Дамблдор,
- Лекин ҳозир, Гарри, бугунги машғулотимиз кўпроқ қизиқтиради мени. Гарри бироз хафа бўлди: ушбу машғулотлар шунчалик муҳим экан, нега иккала машғулот орасидаги танаффус бу қадар узоқ чўзилди? Драко Малфойни вақтинча унутиб, дамблхотирага янги хотира қуяётган директорнинг ҳаракатини кузатиб ўтирди. Дамблдор узун ингичка бармоқлари билан дамблхотирани айлантира бошлади.
- Лорд Вольдемортнинг таржимаи ҳолини ўрганиб борар эканмиз, барно магл Том Реддль ўзининг афсунгар хотини Меропани ташлаб, ота-онасининг уйига қайтганини унутганинг йўқ, албатта. Меропа Лондонда ёлғиз ўзи қолди. Юраги остида эса келажакда Лорд Вольдеморт бўлиб етишадиган ҳомилани олиб юрган эди.
- Унинг Лондонда бўлганини қаердан биласиз, сэр?
- Фалакнинг ғалати гардиши ила анави машъум шода харид қилинган дўкон асосчиларидан бири Карактакус Д'Авиллонинг берган шохидлигидан, - саволга жавоб берди Дамблдор.
- У худди олтин қидирувчиси каби, Гаррининг кўз ўнгида муқаддам бажаргандек, дамблхотира ичидаги хотираларни аралаштириб, айлантирди. Кумуш тусли субстанциядан арвоҳ каби садаф рангли, лекин танаси арвоҳга нисбатан зичроқ пакана қария ўсиб чиқиб, дамблхотира узра айлана бошлади.
- Ўша буюм қўлимизга жуда ғалати тарзда тушиб қолган, Узоқ йиллар муқаддам Рождество арафасида ёш бир афсунгар аёл олиб келди, - тилга кирди қария, - Пулга зориқиб қолган экан. Эгнидаги жулдур кийимидан кўриниб турган эди аянчли аҳволи. Ҳомиладор, кўз ёришига ҳеч қанча вақт қолмаган. Сўзларига қараганда, медальон шахсан Слизериннинг ўзига тегишли эмиш. Ўхшаш баёнотларни кўп эшитганмиз: «Вой, бу буюм шахсан Мерлиннинг буюми, энг яхши кўрган чойнаги» ва ҳоказо. Назар солиб қарасам, медальонда чиндан ҳам Слизериннинг тамғаси бор! Бир нечта оддий афсунлар қўлланилганидан сўнг, қўлимдаги буюм бебаҳо эканлигини англадим! Тентак аёл эса ўз хазинасининг асл баҳосини билмай, ўн галлеон олганидан боши осмонга етди. Дўконимиз тарихида энг зўр битим бўлган эди, ўша иш!
- Дамблдор дамблхотирани кучли силтаб юборди. Карактакус Д'Авилло кумуш тусли бўтқада эриб кетди.
- Атиги ўн галлеон берди-ми?! - эътироз-ла сўради Гарри.
- Карактакус Д'Авилло ўз олижаноблиги билан ном чиқармаган, - хотиржам изоҳлаб ўтди Дамблдор, - Шундай қилиб, кўз ёришига оз вақт қолган Меропа Лондонда бўлгани, ўз хонадонига тегишли медальонни сотишга мажбур бўлган даражада пулга зориқиб қолганидан воқиф бўлдик.
- Аммо Меропа сеҳргар бўлган-ку! - овоз кўтарди Гарри, - Егулик ва

шунга ўхшаш бошқа нарсаларга сеҳр воситасида эга бўла олиши мумкин эди!

- Худди шундай, - деди Дамблдор, - Фикримча, бу менинг тахминим, албатта, гарчи ҳақ эканлигимга ишончим комил бўлса-да, Меропа, эри ташлаб кетгач, сеҳр-жодудан юз ўгирган. Энди у, афсунгар бўлишни истамай қолган. Яна шуни ҳам рад этиб бўлмайди-ки, жавобсиз муҳаббат ва умидсизлик туфайли Меропанинг сеҳргарлик қобилияти барҳам топган. Шунақаси ҳам бўлиб туради. Нима қилган тақдирда ҳам, ҳозир ўзинг шоҳид бўласан, Меропа ҳатто ўз ҳаётини сақлаб қолиш учун, сеҳрли таёқчасини қўлга олмаган ҳам.

- Ўғли учун ҳам-а?

Дамблдорнинг қоши кўтарилиб кетди.

- Назаримда, Лорд Вольдемортга ичинг ачишди шекилли?

- Йўқ, - тез жавоб берди Гарри, - Лекин менинг ойимдан фарқли ўлароқ, Меропанинг вазиятдан чиқиш йўлларида бирини танлаш имкони бўлган.

- Сенинг ойингда ҳам худди шундай имкон бўлган, - деди Дамблдор майин оҳангда, - Меропа Реддль эса ўғли янги туғилган чақалоқ бўлишига қарамай, ўлимни танлаган. Лекин Гарри, уни қаттиқ қоралама. Узоқ чўзилган азоб аёлнинг иродасини букиб, синдириб юборган. Бунинг устига у, сенинг онанг каби мардлик, жасурлик каби фазилатларга эга бўлмаган. Энди, агар эътироз билдирмасанг, йўлга чиқсак...

- Бугун қаёққа борамиз? - қизиқди Гарри, Дамблдорнинг ёнига келиб тургач.

- Бу сафар менинг хотираларимда саёҳат қиламиз. Умид қиламан-ки, сен уларни етарлича аниқ ва сабоқли деб топасан. Олға, Гарри...

Гарри дамблхотира устида энгашиб, юзини хотираларнинг салқин юзасига теккизди-да, ҳар доимгидек, зулмат қаърига чўкиб кетди. Бир неча сония ўтгач, оёғи ерга тегди. Кўзини очиб, Дамблдор иккаласи эски Лондоннинг гавжум кўчасида турганини фаҳмлади.

- Ана мен, - деди Дамблдор, кўчани сут ортилган аравани тортиб кетаётган олдидан кесиб ўтаётган новча бўйли кишини севинганча кўрсатиб.

Соч-соқоли қўнғир, эгнига пишиб етилган олхўри рангидаги духоба костюм кийган ёш Дамблдор кўчанинг бу томонига ўтиб, кўпчиликнинг диққатини ўзига жалб этганча, тош босилган кўча бўйлаб одимлай кетди.

- Кўринишингиз чакки эмас, сэр, - баҳо берди Гарри.

Дамблдор мамнун иршайиб қўйди.

Икковлон ёш Дамблдорнинг ортидан эргашиб, кўп ўтмай, тўғри бурчак шаклида қурилган, баланд панжара билан ўралган бинони кўрди, чўян дарвозадан ўтиб, ҳеч нарсаси йўқ ҳовлига кирди. Ёш Дамблдор айвонга кўтарилиб, кириш эшигини бир маротаба тақиллатди. Хаёл ўтмай, эшикни, олдида фартук таққан кўримсизгина қиз очди.

- Хайрли кун, - кўришди ёш Дамблдор, - Миссиз Коул билан учрашув

тайинланган менга. Билишимча у, ушбу муассаса мудири.

- Ҳа, э-м-м-м... ҳозир, - жавоб берди Дамблдорга эсанкираганча бақрайиб қолган қиз, - МИССИС КОУЛ! - қичқирди у, елка узра.

Гарри жавоб тариқасида берилган қичқириқни эшитди.

- Ичкарига кириш, - таклиф қилди қиз, - Миссиз Коул ҳозир чиқади.

Ёш Дамблдор полига оқ-қора сопол бостирилган вестибюлга кирди. Бу жой фақирона бўлса ҳам, жуда озода. Дамблдор билан Гарри ҳам ичкарига киришди. Чиқиш эшиги ёпилишига улгурмай, ичкаридан жуда озғин, юзи ташвишли қиёфа касб этган аёл чиқди. Ёш Дамблдор томон одимлаб, фартук таққан бошқа аёлга кўрсатмалар бераётган ушбу аёл дарғазаб эмас-у, лекин жуда қийналган кишига ўхшаб кўринмоқда.

- ... юқорига, Мартага йод чиқариб бер. Билли Стаббс яна ярасини сидириб олибди, Эрик Уолли эса чойшабни расво қилибди. Дарди камлик қилаётгандай, бечоранинг баданига сувчечак ҳам тошибди.

Ўзи билан ўзи гаплашаётган каби келаётган аёл ёш Дамблдорга юзланиб, худди остонада одам эмас зирофани кўриб қолгандай, серрайганча, тақа тўхтаб қолди.

- Хайрли кун, - саломлашди ёш Дамблдор, оғзи ланг очилиб қолган миссис Коулга қўл узатиб, - Менинг исмим Альбус Дамблдор. Сизга хат йўллаб, учрашишни илтимос қилган эдим. Сиз лутфан бугунги санани таклиф қилган эдингиз.

Кўзини пирпиратиб хаёлини йиғиб олган миссис Коул, ёш Дамблдор галлюцинация эмаслигига ишонч ҳосил қилди шекилли, нимжон овоз-ла жавоб берди:

- Ҳа... ҳа... шундай... ундай бўлса, хонамга кирганимиз маъқул. Ҳа... ҳа... Мудира Дамблдорни ҳам хизмат хонаси, ҳам меҳмонхона вазифасини ўтайдиган кичик хона томон етаклади.

- Йўллаган хатимдан сизга маълумки, - гап бошлади Дамблдор, - Мен, Том Реддлинг келажагини муҳокама қилгани ташриф буюрдим.

- Сиз болакайга қариндош бўласизми?

- Йўқ, мен ўқитувчиман. Томга, менинг мактабимда таҳсил олишни таклиф этмоқчиман.

- Қанақанги мактаб экан у?

- Номи «Хогварц».

- Нима сабабдан Томнинг тақдири қизиқтириб қолди сизни?

- У айнан бизнинг мактабимизда таҳсил кўриши учун зарурий сифатларга эга.

- Яъни у стипендия олади, шундайми? Бироқ қандай қилиб? Ахир у ариза ёзмаган эди-ку?!

- Ушбу бола туғилиши билан, мактабимизнинг бўлажак ўқувчилари рўйхатига киритиб қўйилган.

- Ким киритган? Ота-онасимиз?

Миссис Коул жуда ўринсиз ақлли ва синчков аёл бўлиб чиқди. Ёш

Дамблдор ҳам афтидан, шундай хаёлга борган кўринади, духоба костюмининг киссасидан сеҳрли таёқчасини аста чиқариб, бошқа қўли билан стол устидаги тоза қоғоз варақларидан бирини олди.

- Марҳамат, - деди Дамблдор, таёқчасини қоғоз варағига аста теккизиб, мудирага узатар экан, - Ўйлашимча, ушбу ҳужжат масалага ойдинлик киритади.

Миссис Коулнинг кўзи бир неча сония ғалати кўриниб, яна ўз ҳолатига қайтди. Шундан сўнг, маълум вақт давомида оппоқ қоғозни диққат билан ўқиб ўтирди.

- Ҳа, ҳужжат бенуқсон расмийлаштирилган, - хулоса чиқарди, жавобдан қаноатланган аёл, ҳужжатни қайтарар экан.

Стол устида икки сония олдин бўлмаган арақ шиша билан иккита қадаҳни кўрган аёл оқсуякларга хос оҳангда таклиф қилди:

- Э-м-м-м... Сизга бир ҳўплам арақ узатишга журъат этаман.

- Миннатдорман, - яшнаб кетди ёш Дамблдор.

Кўп ўтмай, миссис Коул бундай ичимлик истеъмоли масаласида етарлича тажрибали эканлиги аён бўлди. Меҳмон иккаласига тўлдириб қуйгач, қадаҳни бир кўтаришда бўшатиб, лабини очиқчасига ялаб олди-да, илк бор ёш Дамблдорга кулиб боқди. Меҳмон ҳам, қўлга кирган бундай омаддан самарали фойдаланиб қолди.

- Фикримча, Томнинг қисматидан яхши хабардорсиз ва билишимча, бола айнан шу даргоҳда туғилган, шундай эмасми?

- Ҳа, - тасдиқлади ўз қадаҳини боз тўлдирган мудира, - Ўша йили эндигина ишга кирган эдим ва шу боис, бўлиб ўтган ҳодисани ҳозиргидай эслайман. Янги йил арафасидаги оқшом. Қор, совуқ, қисқаси, бундай кунларда ҳукм сурадиган об-ҳавонинг авзоини ўзингиз яхши тасаввур қиласиз. Ёши мендан сал каттароқ қиз. Бечора, остонамизга базўр етиб келибди. Бундай ҳолатлар тез-тез бўлиб туради, албатта... Ичкарига киритдик. Бир соат ўтар-ўтмас кўз ёрди ва яна бир соатдан сўнг, омонатини топширди.

Миссис Коул бошини маъноли ирғиб қўйди-да, қадаҳидан тузуккина симириб олди.

- Ўлимидан олдин бирон нима деди-ми? - сўради ёш Дамблдор, - Боланинг отаси ҳақида гапирди-ми?

- Тасаввур қилинг, гапирди! - хитоб қилди миссис Коул.

Ихтиёрида арақ, ҳузурида барно меҳмон ўтирган аёл, ушбу хушвақт дамдан завқ олаётгани кўриниб турибди.

- «Қўйиб қўйгандай, отасига ўхшабди», деди қиз, чақалоғига қараб. Тўғриси айтганда, уни соҳибжамол деб бўлмас эди. Шунинг учун боласи отасига ўхшашига умид қилиши табиий, албатта. Чақалоққа отасининг шарафига Том, бобосининг шарафига Мерволон, деб исм беришни тайинлади... Чиройли исм, а? Қиз циркда ишлаган бўлса керак, деган хаёлга бордик... Боланинг фамилияси Реддль эканлигини айтишга

хам улгурди. Шундан сўнг, жим бўлиб қолиб, кўп ўтмай, жони узилди. Биз болага онаси васият қилган исм бердик. Шўрпешана аёлга бу жуда муҳимдай кўринди. Фақат на Том, на Мерволон ва на Реддль деганлари болани қидириб келди. Бола шу ерда қолди ва шу ерда ўсди. Арақдан каттагина ҳўплаб олган миссис Коулнинг иккала лунжи пушти тус олди.

- Ғалати бола, - деди у.

- Ҳа, - бош ирғиди ёш Дамблдор, - Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим.

- Гўдаклигидан ғалати у. Деярли йиғламас эди, билмоқчи бўлсангиз. Сал каттароқ бўлгач, ҳалигидай бўлиб қолди...

- Ҳалигидай? Қайси маънода? - аста қизиқди ёш Дамблдор.

- У...

Миссис Коул жим бўлиб, қадаҳ узра Дамблдорга диққат билан разм солди. Нигоҳидан кайфи ошганга ўхшамайди.

- Мактабингизда унга ўрин топилиши аниқми?

- Мутлақо, - ишонтирди Дамблдор.

- У ҳақда айтиб берадиган гапларимдан қатъи назар, ҳеч нарса ўзгармайди-ми?

- Ўзгармайди, - тасдиқлади Дамблдор.

- Нима бўлганда ҳам, сиз уни олиб кетасиз?

- Ҳар қандай ҳолатда, - жиддий ваъда қилди ёш Дамблдор.

Мудира кўзини қисганча, ишониб бўлиш-бўлмаслигини ўйлаб кўриб, ижобий қарор қабул қилган кўринади, дадил гапира кетди:

- У бошқа болаларни қўрқитиб юради.

- Шўхлигини назарда тутяпсиз-ми?

- Маълум маънода шундай деса ҳам бўлади, - қошини чимирди миссис Коул, - Лекин қўлидан тутиб олиш жуда қийин. Турли-туман нохуш ҳодисалар бўлиб туради.

Ёш Дамблдор тафсилотлар билан қизиқмади, аммо Гаррининг назарида тезроқ билишни истагандай бўлди. Арақдан яна бир ҳўплаган миссис Коулнинг юзи энди қизариб кетди.

- Мисол учун, Билли Стабснинг қуёнчасини олайлик... Том онт ичди, албатта, ўша ишни қилмаганига ишонтириб. Тўғриси айтсам, ўзим ҳам тасаввур қила олмайман, қандай уддасидан чиқиши мумкинлигига, лекин қуён ўзини ўзи тўсинга осиб, ўз жонига қасд қилиши мумкин эмас-ку, шундай эмасми?

- Албатта, - деди ёш Дамблдор, паст овозда.

- Чақмоқ уриб ўлай агар, ўша тўсинга чиқиш йўлини билсам. Лекин шуни биламан-ки, бир кун олдин Билли иккаласи жанжаллашиб қолган эди.

Ёзги сайлда-чи...

Миссис Коул ҳўплаётган арағини иягига тўкиб юборди.

- ... йилда бир маротаба болаларни қишлоққа ёки денгиз соҳилига сайрга олиб чиқамиз... Қисқаси, Эмми Бенсон ҳам, Деннис Бишоп ҳам ҳалигача

тузук-қуруқ ўзига кела олгани йўқ! Бир нарсани аниқлай олдик холос, у ҳам бўлса, иккаласи Том Реддль билан аллақандай ғорга кирган. Томнинг ишонтириб айтишича, учаласи ичкарида нима борлигига қизиқишган, лекин аниқ биламан-ки, ичкарида нимадир рўй берган. Яна кўпдан-кўп бир-биридан ғалати ҳодисалар бўлиб ўтган....

Мудира ёш Дамблдорга яна бир бор диққат билан разм солди. Юзи қизариб кетган бўлса ҳам, нигоҳи ҳали равшан.

- Агар биров уни олиб кетса, ҳеч ким ачинмаса керак.

- Уни доимо ўзимизда олиб қола олмаслигимизни тушунасиз деган умиддаман? - сўради ёш Дамблдор, - У ёзни таътилни ўтказгани ҳар йили бу ерга қайтиб туради.

- Киши юзига занг қоплаган эски оташкурак еганидан кўра, шуниси маъқул, - деди ҳиқиллаб қўйган миссис Коул, - Билишимча, сиз уни кўрмоқчисиз, шундайми?

- Шундай, - тасдиқлади оёққа турган ёш Дамблдор.

Шишанинг учдан бирини ўзи бўшатганига қарамай, аёл оёғига дадил тура олганини кўрган Гарри қойил қолди.

Икковлон хонани тарк этиб, тош зина бўйлаб юқорига кўтарилди. Миссис Коул юрган йўлида ўз ёрдамчиларига нималарнидир буюриб, тарбияланувчиларга танбеҳ бериб борди. Етимларнинг бари енгсиз узун кул ранг кўйлак кийган бўлиб, етарлича парвариш қилинаётгани кўриниб турибди. Шундай бўлса-да, бу ерда ўсиб улғаядиган ҳаёт қувончли кечмаслигини Гарри аниқ идрок этди.

Улар иккинчи қаватга чиқиб, узун йўлак томон бурилди.

- Этиб келдик, - эълон қилди миссис Коул.

Мудира биринчи эшик олдида тўхтаб, икки маротаба тақиллатди-да, ичкарига кирди.

- Том? Сени кўргани меҳмон келди, мистер Дампельдон... маъзур сананг, Дамбльдур. У сенга... қисқаси, ҳозир ўзи айтиб беради.

Гарри билан иккала Дамблдор ичкарига киришди. Миссис Коул эса йўлакка чиқиб, эшикни ёпиб кетди.

Хона кичкина ва деярли бўш бўлиб, эски кийим жавони ва кул ранг адёл ташланган каравот билан жиҳозланган. Бола каравотда оёғини узатиб олганча, китоб ўқиб ўтирибди.

Том Реддль ўз қариндошлари Монстерларга мутлақо ўхшамайди.

Меропанинг сўнгги тилаги вожиб бўлибди: бўйи ўн бир ёши учун ҳаддан ортиқ баланд, қора сочли рангпар бола барно отасининг кичрайтирилган нусхасига ўхшабди. У кўзини қисиб, ғалати меҳмонга диққат билан разм солди. Иккаласи маълум вақт сукут сақлаб турди.

- Салом, Том, - деди яқинроқ борган ёш Дамблдор қўл узатиб.

Болакай бироз ўйланиб тургач, меҳмоннинг қўлини сиқди. Дамблдор оғир ёғоч курсини каравот яқинига суриб ўтиргач, бири касалхонадаги бемор, иккинчиси эса беморни кўргани келган кишига ўхшаб қолди.

- Мен, профессор Дамблдорман.
- Профессор? - гезарди Реддль, - Доктор дегани-ми бу? Нега келдингиз? Анави чақирди-ми, сизни? - сўради у, ҳозиргина миссис Коул ёпиб кетган эшик томон имо қилиб.
- Йўқ, йўқ, - кулиб боқди ёш Дамблдор.
- Ишонмайман, - деди Реддль, - Мени шифокорга кўрсатишга аҳд қилибди-да, а? Тўғриси гапиринг!
- Сўнгги сўзларни у чиндан ҳам лол қолдирадиган куч-ла талаффуз этди-ки, худди амр этишга ҳуқуқи бор кишининг буйруғи каби эшитилди. Бола кўзини катта очиб, жавоб бермай, кулиб ўтирган Дамблдорга тешиб юборгудай қараб турди. Бир неча сония ўтгач эса кўзини олиб қочиб, яна сергак тортди.
- Кимсиз?!
- Ҳозиргина айтдим сенга, профессор Дамблдорман, деб. «Хогварц» деб аталадиган таълим муассасасида ўқитувчи бўлиб ишлайман. Агар розилик берсанг, сен ҳам таҳсил кўришинг мумкин мактабимизда. Шунини сенга таклиф қилгани келдим.
- Том Реддлнинг бундай таклифга муносабати жуда ғалати кечди. Каравотидан дарғазаб ирғиб туриб, Дамблдордан нари чекинди.
- Алдай олмайсиз мени! Жиннихонага олиб кетмоқчисиз! Профессор эмиш! Қисқаси, мен ҳеч қаерга бормайман, тушунарлими? У ёққа, яхшиси, анави қари мушукнинг ўзини олиб кетинг! Мен Эмми Бенсон билан Деннис Бишопга ҳеч нима қилганим йўқ. Ўзингиз сўраб билишингиз мумкин, иккаласи бор гапни айтиб беради.
- Мен жиннихонадан келганим йўқ, - сабр-ла тушунтирди ёш Дамблдор, - Мен ўқитувчиман. Агар бирон дақиқа тинч ўтира олсанг, «Хогварц» ҳақида гапириб бераман. У ерда таҳсил кўришни истамас экансан, сени ҳеч ким мажбур қилмайди...
- Уриниб ҳам кўришсин-чи, мажбур қилишга, - мурдор иржайди Реддль.
- «Хогварц», - давом этди Дамблдор, боланинг сўнгги сўзларига эътибор қилмай, - Ғайриоддий болалар таҳсил кўрадиган маскан...
- Мен жинни эмасман!
- Жинни эмаслигингни яхши биламан. «Хогварц» жиннилар мактаби эмас. У сеҳргарлик ва афсунгарлик санъати мактаби.
- Ўртага сукунат чўқди. Юзи бирон-бир қиёфа касб этмаган Реддль турган жойида қотиб қолди. Лекин нигоҳи Дамблдорнинг бир кўзидан иккинчисига, худди ёлғон қидираётган каби, югуриб ўтмоқда.
- Сеҳргарлик мактаби? - пичирлаб сўради у.
- Худди шундай, - тасдиқлади ёш Дамблдор.
- Мен бажара оладиган ишлар... сеҳргарликми?
- Ҳўш, нима келади, қўлингдан?
- Ўзим истаган ишни бажара оламан, - ҳаяжон-ла, нафас чиқарди Реддль. Унинг бўйнида кўринган қизғиш ранг ботиқ юзига қадар бориб етди. Бола

худди васвосга тушиб қолгандай гапира бошлади.

- Буюмни қўл теккизмай, жойидан қўзғата оламан. Қўлга ўргатилмаган ҳайвонни ўзимга бўйсундириб, керакли ишни бажаришга мажбур қиламан. Жаҳлимни чиқарганларнинг адабини бераман. Истасам, уларнинг жонини оғритишим мумкин.

Реддлнинг оёғи титрай бошлади. Гандираклаб орқага тисарилди-да, яна каравотига ўтириб, бошини, худди ибодат қилаётган каби ҳам қилганча, қўлига термилиб қолди.

- Бошқача эканлигимни билар эдим, - пичирлади бола, титраётган бармоқларига қараб, - Бошқача. Нима биландир бошқалардан фарқ қилаётганимни билар эдим.

- Ва сен ҳақ бўлгансан, - деди Дамблдор, - Чунки сен сеҳргарсан. Ёш Дамблдор энди кулаётгани йўқ, лекин Реддлни диққат билан кузатиб ўтирибди.

Реддль бошини кўтарди. Юзини мисли йўқ бахтиёрлик ёритган, лекин ушбу туйғу бола юзига дилкашлик эмас, аксинча, аллақандай ҳайвоний хирс қиёфасини касб этган.

- Сиз ҳам сеҳргармисиз?

- Ҳа.

- Исботланг! - амр этди Реддль, «Тўғриси гапиринг!» оҳангида. Дамблдорнинг қоши кўтарилиб кетди.

- Агар тўғри тушунган бўлсам, «Хогварц»да таҳсил кўриш таклифини қабул қилдинг, шундайми?

- Албатта!

- Ундай бўлса, менга «профессор» ёки «сэр», дея мурожаат қилишинг керак бўлади.

Реддлнинг юзи бир неча сония янада қатъий қиёфа касб эди-ю, сўнг таниб бўлмас мулойим оҳангда мурожаат қилди:

- Маъзур сананг, сэр. Сиздан илтимос, сэр... Марҳамат қилиб...

«Хогварц»да сеҳргарлик маҳоратини намойиш этиш учун бир олам вақт бўлиши, маглар ҳудудида эса эҳтиёт бўлиш афзал эканлиги сабаб қилинган ҳолда, ушбу илтимос рад этилишига Гаррининг ишончи комил эди. Лекин ёш Дамблдор пиджагининг ички киссасидан сеҳрли таёқчасини чиқариб, бурчакда турган жавонга ўқтаганча, Гаррини лол қолдириб, аста силтаб қўйди.

Жавон ўт олиб кетди.

Даҳшат ва ғазабдан инграб юборган Реддль ўрнидан ирғиб турди.

Буюмлари ушбу жавонда сақланар экан, бунинг ажабланарли жойи йўқ, албатта. Бола Дамблдор томон дарғазаб ўгирилиши ҳамано, олов ўчди.

Жавон эса ўз ҳолида қолди.

Реддль дастлаб жавон, сўнг Дамблдорга қараб қўйгач, сеҳрли таёқчага очкўзлик-ла имо қилиб сўради:

- Қаердан топса бўлади?

- Вақти келиб, ҳаммасини билиб оласан, - жавоб берди Дамблдор, - Назаримда жавонингдан нимадир отилиб чиқмоқчи.

Чиндан ҳам, жавон ичида нимадир тақиллаяпти. Реддль илк бор чўчиб кетди.

- Тавақасини оч, - амр этди Дамблдор.

Бироз серрайиб турган Реддль жавон олдига бориб, эшигини ланг очди.

Эскирган кийим осилган металл ўзак устидаги токчада аста титраб, ичидан худди бир гала сичқон отилиб чиқишга уринаётган каби тикир-тикир товуш чиқараётган картон қути кўринди.

- Бу ёққа ол, уни, - боз амр этди Дамблдор.

Реддль чириллаётган қутини қўрқа-писа қўлига олди.

- Ичида сенга тегишли бўлмаган буюмлар борми? - сўради Дамблдор.

Реддль худди ниманидир ҳисоб-китобини чиқараётган каби, Дамблдорга равшан нигоҳ-ла, узоқ қараб турди.

- Ҳа, сэр, - ниҳоят жавоб берди у, бирон-бир ифодасиз оҳангда.

- Оч, - буюрди Дамблдор.

Реддль профессорга қарамай, қути қопқоғини очиб, ичидагиларни каравот устига ағдарди. Гарри қандайдир ғайриоддий нарсалар кўринишини кутди, лекин ип воситасида бошқариладиган шайтон, кумуш ангишвона, лаб гармони каби оддий нарсаларни кўриб, таажжубланди. Озодликка чиққан буюмлар шу заҳоти титрашни бас қилиб, адёл устига жонсиз тушди.

- Буларнинг барини қонуний эгаларига топшириб, улардан кечирим сўрайсан, - вазмин оҳангда топшириқ берди Дамблдор, сеҳрли таёқчасини киссага жойлаб, - Амрим бажарилган-бажарилмаганини мен, ҳеч шубҳасиз, билиб оламан. Огоҳлантириб қўйишим жоизки, «Хогварц»да ўғирлик қаттиқ қораланади.

Реддль зиғирдай бўлсин, уят ҳиссини сездирмади. Ўзининг совуқ нигоҳи ила ҳалигача Дамблдорга баҳо бераётгандай қараб, ифодасиз оҳангда жавоб берди:

- Хўп бўлади, сэр.

- «Хогварц»да ўқувчиларга нафақат сеҳр-жоду билан шуғулланиш, балки ўз қобилиятини бошқариш ҳам ўргатилади, - давом этди Дамблдор, - Сен, ишончим комилки, ўз қобилиятингдан ғайриқонуний ишга қасддан фойдаланмагансан. Мактабимизда бундай ҳолатларга йўқ қўйилмайди.

Иблис амрига бўйсунганлар орасида сен биринчи ҳам эмассан, охиргиси ҳам бўлмайсан, албатта. Бироқ шуни ёдда тутишинг керакки, айб ишинг учун «Хогварц» ўқувчилари рўйхатидан четлаштирилишинг, сеҳргарлик вазирлиги эса, ҳа, ҳа, бор шундай вазирлик, қонунбузар шахсларни янада қатъий жавобгарликка тортиши мумкин. Ҳар бир ёш сеҳргар шуни теран идрок этиб олиши лозимки, бизнинг дунёмизга кириб келар экан, сеҳргарлар қонунларига амал қилиши шарт бўлади.

- Хўп бўлади, сэр, - такрорлади Реддль.

Унинг ичидагини уқиш жуда қийин. Юзини тошдай қотириб олган Реддль, буюмларни қутига жойлагач, Дамблдор томон ўгирилиб, сурбетларча баёнот қилди:

- Менинг бир тийин пулим йўқ.

- Бундай ҳолатга тузатиш киритса бўлади, - жавоб берди Дамблдор, киссасидан йўғон ҳамён чиқариб, - «Хогварц» тасарруфида мактаб кийими ва дарслик харид қилиш масаласида моддий ёрдамга муҳтожлар учун махсус жамғарма мавжуд. Афсунлар китоби ва шунга ўхшаш нарсаларни муқаддам тутилган моллар дўконидан харид қилган маъқулдир балким, лекин...

- Афсунлар китоби қаерда сотилади? - гапни бўлди, оғир ҳамённи миннатдорлик билдирмай олиб, қалин олтин галлеонни ўрганиб чиқишга киришган Реддль.

- Диагон хиёбонида, - деди Дамблдор, - Зарурий нарсалар рўйхатини ўзим билан олиб келганман. Уларни харид қилиш масаласида шахсан ёрдам беришим мумкин...

- Мен билан борасизми? - бошини кўтарди Реддль.

- Албатта, агар сен...

- Йўқ, менга керак эмассиз, - баёнот қилди Реддль, - Ўз ишимни ўзим бажаришга, Лондонда ўзим юришга одатланганман. Ўша хиёбонингизга қандай борилади? Сэр, - қўшимча қилди у, Дамблдорнинг нигоҳига рўбару келиб.

Ҳамроҳ бўлиш шартлигини айтса керак, деган хаёлга борган Гарри, ёш Дамблдорнинг тутган ишидан боз таажжубланди. У рўйхат солинган конвертни Реддлга узатар экан, етимхонадан «Тешик қозон»га қандай бориш кераклигини батафсил тушунтириб берди.

- Гарчи, атрофдаги маглар, яъни табиатан сеҳргар бўлмаган одамлар кўрмаса-да, сен кўрасан ўша жойни. Етиб боргач, сотувчини сўрайсан. Унинг исмини эслаб қолиш осон, сенинг адашинг, Том бўлади.

Реддль худди пашша қувгандай, елка силтаб қўйди.

- Тушунишим-ча, сенга Том исми ёқмайди, шундайми?

- Бемаза қовуннинг уруғи кўп, - ғудуллади бола ва сўрашни истамаса ҳам, ўзини тия олмади шекилли, савол берди: - Отам ҳам сеҳргар бўлганми? Айтишлари-ча, унинг исми ҳам Том Реддль бўлган.

- Бундан хабарим йўқ, - паст овозда жавоб берди Дамблдор.

- Онам эса афсунгар бўлмагани аниқ. Акс ҳолда ўлмаган бўлар эди, - деди Реддль, ўзига ўзи, - Демак, сеҳргар отам бўлган... Керакли нарсаларни харид қилгач, «Хогварц»га қандай бораман?

- Конверт ичидаги иккинчи пергамент варағида ҳаммаси батафсил баён этилган. У ерга биринчи сентябрь куни Кингс-кросс темир йўл вокзалидан йўлга чиқасан. Чипта ҳам конверт ичида.

Реддль бош ирғиди. Ёш Дамблдор ўрнидан туриб, боз қўл узатди.

Профессорнинг қўлини сиқар экан, Реддль қўшимча қилди:

- Мен илонлар билан гаплаша оламан! Қишлоққа сайрга чиққанимизда билиб қолдим буни. Илонларнинг ўзлари мени топиб, пичирлаб гаплашади. Сеҳргарлар учун бу одатий ҳолми?
- Йўқ, одатий эмас, - жавоб берди Дамблдор ва бироз ўйланиб тургач, қўшимча қилди: - Ғайриодатий ҳол ҳам эмас.
- Оҳанги вазмин бўлса ҳам, Дамблдор Реддлнинг юзига диққат билан разм солиб қўйди. Иккаласи бир-бирининг кўзига тик қараб, маълум вақт сукут сақлаб туришди. Шундан сўнг, ёш Дамблдор қўлини тортиб, чиқиш эшиги томон одимлади.
- «Хогварц»да учрашгунча хайр, Том.
- Фикримча, бугунга етарли, - деди Гаррининг ёнида турган оппоқ соқолли Дамблдор.
- Икковлон вазнсиз зулмат ичра учиб, директорнинг хонасига қўнди.
- Ўтир, - деди Дамблдор, Гаррининг ёнида пайдо бўлиб.
- Таассуротидан чалғий олмаган Гарри итоат қилиб ўтирди.
- Менга нисбатан тезроқ ишонди... сеҳргар эканлигини айтганингизда, - деди Гарри, - Мен Хагриднинг гапига дастлаб бовар қилмаган эдим.
- Ҳа, Реддль, ўзининг таъбири ила айтганда, бошқача эканлигидан воқиф бўлишга тайёр бўлган, - жавоб берди Дамблдор.
- Сиз ўшанда... билмаганмидингиз? - сўради Гарри.
- Барча даврларнинг энг ёвуз сеҳргарини учратганими-ми? - саволни аниқроқ ифодалади Дамблдор, - Йўқ. Ким бўлиб улғайишини тасаввур ҳам қилмаганман. Лекин у, менинг диққатимни ўзига тортган. Мен уни «Хогварц»га кузатиб бориш кераклигини билиб қайтган эдим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, уни кузатиб борган бўлар эдим. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу кузатиш нафақат унинг манфаати, балки атрофидаги одамларнинг хавфсизлиги учун зарур эканлигини тушуниб етдим. Ёшига тўғри келмайдиган ҳайратли қобилиятга эга эканлигини идрок этиб, энг қизиғи, ушбу қобилиятни идора эта билиб, онгли равишда қўллаб юрганига ўзинг шоҳид бўлдинг. Оддий бола каби беихтиёр эмас, мақсадли равишда, бошқаларга қарши, уларни қўрқитиш, жазолаш, бўйсундириш учун қўллаган. Осиб ўлдирилган қуён, ғорга алдаб киритилган болалар билан боғлиқ ҳодисаларни бунга мисол тариқасида келтириш мумкин. «Истасам, уларнинг жонини оғритишим мумкин», деган сўзларини эсла.
- Бунинг устига у, илонзабон бўлган, - қўшимча қилди Гарри.
- Ҳа, чиндан ҳам. Бу, ниҳоятда ноёб, ёвуз сеҳргарларга хос бўлган қобилият, гарчи, ўзингга маълум, яхши одамлар орасида ҳам илонзабонлар топилади. Умуман олганда, мени Реддлнинг илонзабонлиги эмас, табиатан маҳдуд-дамдузлиги, шафқатсизликка мойиллиги ва ҳукмдорликка ташналиги кўпроқ ташвишга солган эди.
- Дамблдор деразага қараб, қоронғи тунга имо қилди.
- Вақт биз билан боз ҳазиллашди. Хайрлашишдан олдин, иккаламиз шоҳид бўлган ҳодисанинг айрим тафсилотларига эътиборингни қаратиб

ўтмоқчиман. Зеро улар, келаси машғулотимиз мавзусига бевосита дахлдордир. Биринчидан, Реддль, бошқа бировнинг исми ҳам Том бўлишига билдирган муносабатига эътибор қаратдинг, деган умиддаман. Гарри бош ирғиб қўйди.

- Уни бошқа одамлар билан боғлаб, эл қатори оддий киши сифатида кўрсатадиган ҳар қандай ҳолатга салбий қараган. Ўша даврдан бошлаб у, чиндан ҳам бошқача, бошқалардан кескин фарқ қиладиган машҳур киши бўлишни орзу қилган. Ўша суҳбатдан сўнг, атиги бир неча йил ўтгач, ўз исмидан воз кечиб, Лорд Вольдеморт ниқобини тақиб олгани ўзингга маълум. Ўйлайман-ки, Том Реддль болалик йилларидан маънан ўзига тўқ, дамдуз бўлиб, бирорта дўсти бўлмаганига эътибор қаратдинг. У ёрдам қўлини рад этиб, Диагон хиёбонига бирга борадиган ҳамроҳга эҳтиёж сезмаган, якка ўзи иш тутишни афзал билган. Ёши улғайган Вольдеморт табиатан ўзгармас қолган. Аксарият Ўлимдан мириқувчилар ўзларини унинг ишонч қозонган вакили, фақат ўзигина унга яқин, уни яхши тушунадиган киши деб билишади. Аслида эса бу янглиш фикр. Лорд Вольдемортнинг дўсти йўқ ва ҳеч қачон бўлмаган. Зеро, унга дўст керак бўлмаган. Ва ниҳоят, ёш Том Реддль ўлжага ўч бўлганини пайқамай қолган даражада уйқинг келмаганига умид қиламан. Қути ўғирланган буюмларга тўла эканлигини ўзинг кўрдинг. Ўша буюмлар жасоратдан хотира сифатида жабрланганлардан мусодара қилинган. Бошқача қилиб айтганда, ушбу буюмлар ёвуз фаолият ўлжалари саналади. Вольдемортнинг табиати шундай хусусиятлардан иборат эканлигини ёдингдан чиқарма, Гарри. Келгусида бу, биз учун жуда жиддий аҳамиятга эга бўлади... Хўш... Энди чиндан ҳам, кўрпангга кириб ётадиган вақтинг бўлди.

Гарри ўрnidан туриб, чиқиш эшиги томон йўл олди. Тўсатдан, унинг нигоҳи ўтган сафар Мерволон Монстернинг узуги ётган кичик столга тушди. Узук йўқ.

- Ҳа, Гарри? - сўради Дамблдор, боланинг тўхтаб қолганини кўриб.

- Узук йўқ, - деди Гарри, атрофга аланглаб, - Хаёлимга бу ерда анави лаб гармони ёки шу каби, бошқа бирон нарса бўлиши керак, деган ўй келган эди.

Яшнаб кетган Дамблдор ярим ой шаклидаги кўзойнаги узра Гаррига диққат билан разм солди.

- Баракалла, Гарри, - мақтади у, - Бироқ лаб гармони доимо шунчаки, лаб гармони бўлганча қолган.

Ушбу сирли сўзлар ила Дамблдор қўл силтаб қўйди. Қабул ниҳоясига етганини англаган Гарри хонани тарк этди.

XIV БОБ. СУЮҚ ОМАД

Эртаси куни биринчи машғулот гербология бўлди. Бошқалар эшитиб қолишидан хавфсираган Гарри Дамблдор билан ўтган машғулот ҳақида Рон билан Гермионага нонушта вақтида гапириб беришни истамади. Иссиқ хоналар томон экинзор орқали боришар экан, кеча кўрганларини дўстларига қисқача айтиб берди. Дам олиш кунлари баданни тешиб ўтар даражада тўхтамай эсган шамол ниҳоят тиниб, атрофни ғалати туман қоплади ва шу боис, иссиқ хонага қадар босиб ўтилган йўл одатдагидан бироз чўзилди.

Олтинчи синф ўқувчилари ушбу семестрда баджаҳл тўнкалар билан муомала қилиш амалиётини ўзлаштиришлари лозим. Гарри, Рон ва Гермиона сербутоқ тўнкалардан бирини танлади.

- Тасаввур этишнинг ўзи жирканчли: Ўзингиз-Биласиз-Кимнинг ёшлиги, - пичирлади Рон, - Ҳеч англаб етмаяпман, нима сабабдан Дамблдор буларнинг барини сенга кўрсатяпти? Тўғри, ўларча қизиқ, албатта ва ҳоказо, лекин нима сабабдан?

- Ким билади дейсан, - жавоб берди Гарри, тиш сақлаш ниқобини тақиб, - Айтишича, буларнинг бари муҳим бўлиб, келгусида омон қолишимга ёрдам берар экан.

- Менимча эса, зўр иш бўляпти, - деди Гермиона жиддий оҳангда, - Сен чиндан ҳам Вольдеморт тўғрисида кўп нарсаларни аниқлаб, унинг заиф томонларини билиб олишинг керак.

- Айтгандай, Дивангард билан кечки овқат қалай ўтди? - қизиқди Гарри, ҳимоя қалқони орқали базўр гапириб.

- Тўғриси айтганда, ёмон бўлмади, - жавоб берди кўзойнак тақаётган Гермиона, - Ўзининг донгдор ўқувчилари ҳақида эзмаланиб, ғайриоддий танишларга эга Маклагген олдида ялтоқланди, албатта. Лекин дастурхонга мазали овқат тортиб, Гвенног Жонс билан таништирди.

- Гвенног Жонс билан? - бақрайиб қолди кўзойнак таққан Рон, -

«Граальхедлик гарпиялар» квидиш жамоасининг сардори биланми?

- Худди ўша билан, - бош ирғиди Гермиона, - Фикримча у, ўзига ҳаддан ортиқ бино қўйиб юборган, лекин...

- Вайсашни бас қилинг! - баланд овозда танбеҳ бериб ўтди Сарсабил хоним, ўқувчилар орасида тез одимлаб юрар экан, - Учалангиз ортда қоляпсиз. Ҳамма ишга киришга улгурди. Невилль эса аллақачон биринчи кўзоқни чиқаришга муваффақ ҳам бўлди.

Учовлон Невилль томон ўгирилди. Лаби қонаб, лунжи тимдаланиб кетган Невилль чиндан ҳам қўлига катталиги грейпфрутдай келадиган, хунук тепаётган яшил мева ушлаб олган.

- Ишга киришяпмиз, профессор, - деди Рон ва Сарсабил хоним тескари қараши билан Гаррига пичирлади: - Маффлиато афсунини қўллаш керак эди.

- Йўқ, керак эмас! - эътироз билдирди Гермиона, - Бўлди... бошладик. Чала зот Шаҳзода ва унинг афсунлари ҳақидаги гапларга Гермиона ҳар

доим ўта салбий муносабат билдиради.

У болаларга худди маҳкум қилингандай қаради. Учовлон оғир хўрсинганча, бутоқли тўнкага баравар ҳамла қилди.

Тўнка шу заҳоти жонланиб, сиртидан тиканли, маймунжон шохларига ўхшаш узун новдалар отилиб чиқиб, шиддат-ла ҳаво қамчилай кетди. Улардан бири Гермионанинг сочига илашди, аммо Рон уни гулқайчи воситасида қаҳрамонларча қувиб солди. Гарри чапдастлик билан новдаларнинг бир жуфтани тутиб олиб, бир-бирига боғлаб қўйди. Пайпаслагичлар каби тўлғанаётган новдалар орасида туйнук ҳосил бўлди. Гермиона қўлини ушбу тешикка тирсагига қадар шартта суқиб олган эди ҳам-ки, туйнукнинг оғзи ёпилиб, қўли тузоққа тушиб қолди. Новдаларни синдирганча, тўнканинг «жағи»ни йирган Гарри билан Рон қизнинг қўлини халос қилишди. Гермиона панжасига Невилль тутган қўзоқдан кичик бўлмаган мевани маҳкам сиқиб олган. Тиканли новдалар бир зумда ичкарига кириб кетиб, шу заҳоти жонсиз, ташқи кўринишидан бировга озор бермайдиган дарахт тўнкасига айланиб қолди.

- Агар вақти келиб, ўзимнинг боғим бўлса, бундай жирканч дарахт экмайман, - баёнот қилди терга ботган Рон, кўзойнагини пешонасига шартта кўтариб.

- Заранг косани узатинглар, - деди Гермиона.

Панжасини ўзидан имкон қадар нари тутишга уринган қиз, Гарри узатган косага тепиб турган мевани ташлади.

- Бурнингизни жийирмай, сиқинг уни, сиқинг! Янгилигида яхши улар! - бақирди профессор Сарсабил хоним.

- Қисқаси, - деди пинаги бузилмаган Гермиона, худди тўнкага қарши қонли кураш бўлиб ўтмагандай, узилган суҳбатни давом этиб, - Дивангард Рождество кечасини уюштироқчи ва сен, Гарри, бу сафар энди қочиб қутула олмайсан. Чунки у мендан, иштирок этишинг учун, қайси куни бўш бўлишингни аниқлаб беришни илтимос қилди.

Гарри инграб қўйди. Қўзоқни иккала қўли билан сиқиб, икки бўлиб юборишга уринган Рон, қаддини ростлаганча бор кучи билан босиб, домангир оҳангда ғўнғиллаб қўйди:

- Ўша кеча ҳам фақат сараланганлар учун уюштириладими?

- Ҳа, диван-клуб аъзолари учун, - тасдиқлади Гермиона.

Қўзоқ Роннинг бармоқлари орасида отилиб чиқиб, иссиқ хона ойнасига бориб урилди, ундан сапчиб, профессор Сарсабил хонимнинг бошидаги эскириб кетган серямоқ шляпани уриб туширди.

Қўзоқни олиб қайтган Гарри Гермионанинг сўзларини эшитиб қолди:

- ... эшитдинг-ми гапимни? Диван-клуб номини мен берганим йўқ...

- Диван-клуб эмиш, - башарасини Драко Малфой каби буриштирди Рон, - Шармандалиқдан ўзга нарса эмас. Майли, вақтни қувноқ ўтказишингизни тилайман. Маклаггенни илинтириб олсанг, эҳтимол Дивангард иккалангизни клуб қироли ва қироличаси этиб тайинлар...

- Бизга, ўзимиз билан меҳмон олиб келишга ижозат берилган эди, деди Гермиона, негадир кучли қизариб, - Сени таклиф қилмоқчи эдим. Модомики, сенинг фикрингча, буларнинг бари ғирт аҳмоқлик экан, фикримдан қайтганим бўлсин!

Бундай ноқулай ҳолатларда Рон билан Гермионанинг ёнида бўлишни истамайдиган Гарри, қўзоқ узоқроқ учиб кетмаганига ачинди. Иккаласи Гаррига эътибор қаратгани ҳам йўқ. У косани қўлига олиб, имкон қадар баландроқ шовқин солишга уринганча, қўзоқ билан кураша кетди. Лекин бари-бир, дўстларининг ҳар бир сўзи қулоғига эшитилмоқда.

- Мени таклиф қилмоқчи эдингми? - сўради Рон, энди бошқача оҳангда.

- Ҳа, - дарғазаб жавоб берди Гермиона, - Лекин сен Маклаггенни илинтириб олишимни истар экансан...

Орага сукунат чўкди. Гарри куракча билан танаси пишиқ қўзоқни бор кучи ила урмоқда.

- Ҳеч ҳам истамайман, - янада паст овозда ғудуллади Рон.

Гарри хато уриб, косани синдириб қўйди.

- Репаро, - деди у, сеҳрли таёқчасини коса парчаларига тартибсиз ўқтаб. Коса ўз ҳолатига қайтди. Ниҳоят, Рон билан Гермиона хаёлини йиғиб олишди. Тараддудга тушиб қолган Гермиона «Жаҳоннинг этхўр ўсимликлари» китобини варақлаб, баджаҳл тўнка қўзоғининг ширасини сиқиб олиш тартибини қидира кетди. Рон жим бўлиб қолгани билан, кибр-ла шишиб олган.

- Қани, менга узат-чи, уни, - иш кўзини биладиган кишидай амр этди Гермиона, - Ўткир нарса билан танасини тешиш керак экан, уни.

Косани узатиб, Гермионани қўзоқ билан банд қилган Гарри, кўзойнакни тақиб, Рон иккаласи яна тўнкага ҳамла қилишди.

Бўғиб олишга уринаётган новдага қаршилик кўрсатар экан, Гарри у қадар таажжубланмагани ҳақида ўйланиб қолди. Эртами, кечми, ушбу кун келишини билар, аммо ушбу ҳолатга қандай муносабатда бўлиши кераклигини билмас эди... Чу иккаласи нафақат суҳбатлашиш, балки бир-бирига қиё боқишга ҳам уялишмоқда! Агар Рон билан Гермиона учраша бошлашса-ю, кейинчалик... ажралиб кетишса нима бўлади? Бундай ҳолат уларнинг дўстлигига путур етказиши мумкинми? Учинчи синфда дўстлари аразлашиб қолиб, бир-бири билан гаплашмай қўйгани, улар орасида боғловчи кўприк вазифасини ўтаб, ўзини жуда ноқулай ҳис этганини Гарри яхши эслайди... Хўп, агар ажралиб кетишмаса-чи? Билл ва Флёрга ўхшаб қолишса-чи? Унда нима бўлади? Учинчи кас ортиқча бўлиб, ўзини яна ноқулай ҳис этиб юраверади-ми?

- Қўлга тушдинг-ку, аблаҳ! - қичқирди Рон, иккинчи қўзоқни тўнка қаъридан чиқариб.

Гермиона, ушбу фурсатда биринчи қўзоқни ёришга муваффақ бўлиб, косада, чувалчангни эслатадиган оч яшил уруғ қайнади.

Машғулот ниҳоясига етгунга қадар, Дивангарднинг тадбири ҳақида қайта

оғиз очилмади.

Кейинги бир неча кун давомида Гарри иккала дўстини диққат-ла кузатиб борди. Уларнинг хулқ-атвори одатдагидай кечмоқда, агар муносабатлари бироз боадаб бўлиб қолгани ҳисобга олинмаса, албатта. Гарри Дивангарднинг нимқоронғиликда, ҳузур-лаззат ичимлигининг таъсири остида ўтадиган оқшомини кутиб, нима бўлишини кўришга аҳд қилди. Ҳозирча эса нисбатан муҳимроқ муаммолар ечими устида ишлаши керак. Кэтти Белл ҳалигача даволанаётган бўлиб, касалхонадан қачон чиқиши номаълум. Гриффиндорчиларнинг сентябрь ойидан буён машқ қилиб келаётган умидли жамоасида энди бир нафар Овчи етишмаяпти. Гарри бугунги кунга қадар Кэттининг қайтиб келишини кутиб, Овчи қидириш масаласини кечга қолдириб келган эди. Лекин квидиш ўйинлари мавсуми очилиб, слизеринчилар жамоасига қарши ўтадиган биринчи ўйинда Кэтти иштирок эта олмаслиги аён.

Янгитдан ўтказиладиган саралаш синовлари ҳақида ўйласа, Гаррининг юраги орқага тортиб кетади. Бинобарин, бир нарсани бошқа нарсага айлантириш дарсидан сўнг, квидишга дахли бўлмаган нохуш ҳиссиёт-ла, Дин Томаснинг ёнига боришга мажбур бўлди. Хонада деярли ҳеч ким қолмаган. Фақат ҳавода Гермiona томонидан яратилган сариқ қушчаларгина шифт остида чирқираб учишмоқда. Қолган ўқувчилар эса лоақал бир дона пат бўлсин, ярата олишмади.

- Овчи сифатида ўйнаш фикридан қайтганинг йўқми ҳали? - сўради Гарри.

- Нима?... Ҳа, албатта... Йўқ, қайтганим йўқ! - ҳаяжон-ла хитоб қилди Дин.

Унинг орқасида турган Финниган қовоқ солиб олганча, китобларини юк халтасига жойламоқда. Симуснинг хафа бўлишини Гарри билар ва шу боис, Динни жамоа таркибига қабул қилмасликни афзал кўрган бўлар эди. Илож қанча, жамоа манфаати устун кўрилиши лозим. Саралаш синовиде Дин Симусга нисбатан сал яхшироқ ўйнади ҳар қалай.

- Жуда соз. Ундай бўлса, қабул қилиндинг, - деди Гарри, - Машқ бугун соат ўн тўққизда.

- Тушундим, Гарри! - қувонч-ла бош ирғиди Дин, - Ура! Тез бориб, Жиннадан суюнчи олай!

У хонадан ўқдай учиб чиқди. Гарри Симус билан ёлғиз қолди ва Гермionанинг канарейкаларидан бири Симуснинг бошига нажас томизиб, шундоқ ҳам ноқулай вазиятни беш баттар қилди.

Кэттининг ўрнига тайинланган ўйинчи фақат Симуснигина ранжитгани йўқ. Умумий меҳмонхонада йиғилганлар жамоа таркибига энди Гаррининг бир эмас икки нафар синфдоши қабул қилингани ҳақида вайсашмоқда. Мактаб ҳаёти давомида Гарри турли ғийбатларга кўникиб, деярли эътибор қаратмай қўйган, лекин бўлажак ўйинда жамоа ғолиб чиқиши шарт эканлигини бутун вужуди ила идрок этмоқда. Агар «Гриффиндор»

ғолиб чиқса, танқид шу заҳоти тинади ва кўпчилик жамоа таркиби бағоят зўр саралаб олинганини доимо таъкидлаб келганини таъкидлай бошлайди... Худо кўрсатмасин, ўйин ютқазилса борми!... Ғийбатларга кўникиб қолганман, хаёлдан ўтказди Гарри.

Кечқурунги машқда Диннинг парвози-ю, Жинна ва Демельза билан ҳамжиҳат ўйнаётганини кўрган Гарри ўз қароридан зиғирдай бўлсин, ачинмади. Уриб қайтарувчилар Пикс билан Проустак ҳам кундан кунга яхши ўйин кўрсатиб келишмоқда. Фақат ҳалқалар Қўриқчиси Гаррини ташвишга солмоқда. Рон жуда асабийлашадиган, беқарор, ўз кучига ишонмайдиган ўйинчи эканлигини Гарри билади.

Яқинлашиб келаётган ўйин мавсуми бахтга қарши, унинг хавотирини янада чуқурлаштирмоқда. Бугун Рон синглиси Жинна томонидан улоқтирилган ўн иккита тўпнинг барини ўтказиб юборди. Қўпол ўйнаб, яқин келиб қолган Демельза Робинснинг лабига қаттиқ зарба берди. Бечора қиз атрофга қон сачратиб, зигзаг ҳосил қилганча, ерга базўр қўниб олишга муваффақ бўлди.

- Тасодифан шундай бўлиб қолди, Демельза. Кечир мени! - қичқирди Рон, қиз ортидан, - Мен шунчаки...

- Ўларча қўриқиб кетдим, - Роннинг фикрини охирига етказди Демельзанинг ёнига қўнган Жинна ва қизнинг шишиб кетган лабини кўздан кечириб чиққач, бақирди: - Рон, аҳмоқ! Қара, нима қилиб қўйганингни.

- Нарини тур, ўзим тузатиб қўяман, - деди қизларнинг ёнига қўнган Гарри, сеҳрли таёқчасини Демельзанинг лабига ўқтаб, - Эпискей. Жинна, Ронни аҳмоқ дема. Жамоа сардори сен эмассан, ҳар қалай.

- Уни аҳмоқ дейишга вақтинг йўқлигини кўриб, ёрдамлашиб юбордим, сенга.

Гарри хандон отиб юборишдан ўзини базўр тийиб олди.

- Бўлди, юқорига кўтариламиз, болалар.

Умуман айтганда, бугунги машқ семестр давомида ўтказиб келинган машқлар орасида энг ёмони бўлди, лекин... ўйинга оз вақт қолгани учун Гарри, тўғри сўзликни бугунги кунда оқил сиёсат сифатида кўрмади.

- Ҳаммага раҳмат, яхши ишладик. «Слизерин»нинг абжағини чиқаришимиз муқаррар, - тасалли бергандай якун ясади у.

Овчилар билан Уриб қайтарувчилар уствошхонадан мамнун чиқиб кетишди.

- Мен аждарнинг бир қоп нажасидай учдим бугун, - ифодасиз оҳангда иқроп бўлди Рон, Жиннанинг ортидан эшик ёпилиши билан.

- Ундай эмас, - қатъий эътироз билдирди Гарри, - Менинг синовимдан ўтган энг зўр қўриқчи сен бўлгансан, Рон. Буни ҳамма кўрди. Гап асабийлашиб қолишингда.

Қасрга етиб боргунга қадар Гарри Ронга тасалли берди. Иккинчи қаватга кўтарилгунча Роннинг кайфияти бироз кўтарилди. «Гриффиндор»

минорасига одатдагидай, қисқа йўл билан боришга аҳд қилган Гарри гобеленнинг четини тортиб, Дин билан Жиннага рўбару келди. Иккаласи маҳкам қучоқлашиб, шу қадар берилиб ўпишмоқдаки, оғзи билан бир-бирига ёпишиб қолгандай кўринмоқда.

Гаррининг ичида аллақандай йирик махлуқ шу заҳоти пайдо бўлиб, ўткир тирноқлари ила юрагини тимдалаб, юла бошлади. Миясига қайноқ қон қуйилиб, Динга нисбатан суқи қўллаш, уни шилимшиқ қуртга айлантириб юбориш истагидан ташқари, қолган барча фикр-хаёлларни йўқ қилиб юборди. Кутилмаган ҳолатда юзага келган бундай васвасани базўр идора қилиб олган Гаррининг қулоғига ёнида турган Роннинг қичқириви узоқдан эшитилди.

- Эй!

Бир-биридан ажраган Дин билан Жинна болалар томон ўгирилиб қарашди.

- Нима керак сенга? - сўради Жинна.

- Синглим оммавий жойда ўпишиб туришини истамайман!

- Сен суқилиб келгунга қадар бу ер жуда хилват жой эди! - жавоб қайтарди Жинна.

Диннинг уялиб кетгани кўриниб турибди. У оғзини қийшайтириб, Гаррига кулиб боққан бўлди-ю, лекин ўхшаш жавоб олмади. Гаррининг ичида пайдо бўлган махлуқ ўкириб, Динни жамоа таркибидан ҳозироқ ҳайдаб юборишни талаб этмоқда.

- Э-м-м-м... Кетдик, Жинна, - деди Дин, - Меҳмонхонага қайтамиз.

- Сен боравер! - деди Жинна, - Акажонимга айтадиган бир-икки оғиз ширин сўзим бор.

Қиёфасидан тезроқ гум бўлишни афзал кўрган Дин шу заҳоти кўздан ғойиб бўлди.

- Демак, гап бундай, - деди малла сочини юзидан орқага ташлаган Жинна, Ронга дарғазаб қараб, - Кел, яхшиси, шу ерда бир умрга келишиб олайлик. Мен ким билан учрашим ва нима иш қилишим сенга дахл қилмаслиги керак.

- Нега энди дахл қилмаслиги керак экан?! - дарғазаб оҳангда эътироз билдирди Рон, - Синглим ўзига номуносиб ном орттириб олишини истамайман.

- Қанақанги ном? - овоз кўтарди Жинна, сеҳрли таёқчасини қўлига олиб, - Хўш, айт-чи қани, қанақанги ном экан у?

- У ҳеч қандай ёмон нарсани назарда тутгани йўқ, Жинна, - ўзи кутмаган ҳолда гапга аралашди Гарри, гарчи ичида ўкираётган махлуқ Роннинг фикрини тўла-тўқис маъқуллаган бўлса-да.

- Назарда тутган! - бақирди Жинна, Гаррига еб қўйгудай қараб, - Ўзи ҳали ҳеч ким билан ҳаётда ўпишмаган, агар Мюриель холамизни ҳисобга олмасак.

- Ўчир овозингни! - ўқирди, ранги қизариб кетган Рон.

- Ўчирмайман! - қичқирди ғазаби қайнаган Жинна, - Хлорканинг олдида донг қотиб қолишинг, лунжингдан ўпиб қўйишини кутишингни кўрмаган деб ўйлайсан-ми? Уялмайсан-ми? Бор, биров билан ўпишишни ўрганиб ол, шунда эҳтимол: «ҳамма ўпишишни билади-ю, мен билмайман», дея эзилиб юришни бас қиларсан!

Энди Рон ҳам сеҳрли таёқчасини қўлига олди. Гарри шу заҳоти иккаласининг ўртасига ташланиб, қўлини икки томон узатганча, Жиннани тўсиб олди.

- Ўзинг тушуняпсан-ми, нима деб алжираётганингни тентак?! - бақирди Рон, синглисини сеҳрлаш учун Гаррини айланиб ўтишга уриниб, - Агар мен бу ишни одамлар олдида қилмаётган бўлсам...

Гаррини туртиб юборишга уринган Жинна хандон отиб юборди.

- А-а, Чўчринстель билан ўпишиб турасанми? Ёки ёстиғинг остида Мюриель холанинг расмини олиб ётасанми?

- Ҳозир сенга кўрсатиб қўяман...

Гаррининг чап қўли остидан тўқ сариқ яшин учиб ўтиб, Жиннага тегишига бир баҳя қолди. Гарри Ронни ёқасидан ушлаб, деворга тираб олди.

- Аҳмоқлик қилма, Рон...

- Гарри Чу Чэнг билан ўпишган! - қичқирди Жинна йиғламсираб, - Гермиона эса Виктор Крум билан! Фақат сен, Рон, ўзингни, худди бу иш ўта жирканч ишдай тутмоқдасан! Сабаби, ҳаётий тажрибанг икки ёшли бола тажрибасидан ошмаслигида!

Ичидагини тўкиб сочган Жинна йиғлаганча, қочиб кетди. Гарри юзи мурда қиёфасини касб этган Ронни қўйиб юборди. Икковлон Филчнинг мушуги миссис Норрис пайдо бўлгунга қадар, оғир нафас олганча шу аҳволда туриб қолди.

- Кетдик, - деди Гарри, Филчнинг қадамини эшитиб.

Икковлон зинадан тез кўтарилиб, еттинчи қават йўлагига етиб олди.

- Қоч йўлдан, - ўшқирди Рон.

Қўрқиб кетган митти қизалоқ четга сакраб ўтиб, қўлидаги қурбақа увулдириғини тўкиб юборди. Ҳеч нарсани тушунмай, боши айланаётган Гарри шиша синиб жаранглаганини деярли эшитгани йўқ. Чақмоқ урган одам ўзини шундай ҳис этса керак.

У Роннинг синглиси... Фақат шунинг учунгина Дин билан ўпишгани менга ёқмади. У Роннинг синглиси... Фақат шунинг учунгина... ўзига ўзи такрор ва такрор таъкидлаб борди Гарри.

Бироқ кутилмаганда кўз ўнгига сўралмаган ажойиб манзара пайдо бўлди: ўша кимсасиз йўлак... аммо Жинна билан энди Дин эмас, ўзи ўпишмоқда... Ичидаги анави махлуқ эса мамнун ҳиринглаб қўйди...

Кутилмаганда гобелен очилиб, сеҳрли таёқчасини ўқтаган Рон овози бориचा қичқирди: сен хоин... яна менга дўст эмиш...

- Нима деб ўйлайсан, Гермиона чиндан ҳам Крум билан ўпишганмикан? - кутилмаганда сўраб қолди Рон, Семиз Холанинг портрети олдида.

Гарри сесканиб кетди. Йўқ, у Жинна билан танҳо қолмаган, Рон ҳам ёпирилиб келмаган... У ўзини йўлак ҳақида ўйламасликка мажбур қилди.

- Нима? - тушунмади у, - А-а... э-м-м-м...

«Ҳа» деса, рост айтган бўлади, аммо ҳозир рост гапиришни истамади. Умуман айтганда, унинг юзида ёзилган жавобни Рон шундоқ ҳам уқиб олишга улгурди.

- Симплокарпус, - ғудуллади Рон, Семиз Холага маънос қараб.

Икковлон портрет очган туйнук орқали умумий меҳмонхонага, у ердан ётоқхонага кириб, Жинна билан Гермiona ҳақида бошқа гап очмай, ҳар бири ўз хаёли ила кўрпасига ётди.

Гарри анча вақтгача юқорига, каравотининг пардасига қараганча, Жиннага бўлган муносабати оғаларча эканлигига ўзини ўзи ишонтириб ётди. Улар ёз бўйи ёнма-ён, худди ака-сингилдай бирга яшади, квидиш ўйнашди, Ронни масхара қилишди, Билл билан Хлорканинг устидан кулиб юришди... У Жиннани кўпдан буён танийди, табиийки, уни доимо ҳимоя қилиб юриш... оталиққа олишни... истайди. Жинна билан ўпишгани учун эса Диннинг оёқ-қўлини узиб олишни... Йўқ, тўхта, акаликнинг бундай шижоатини идора қилиш керак.

Рон қаттиқ хуррак торта бошлади.

У Роннинг синглиси, боз таъкидлади Гарри ўзига ўзи. Қадам босиш ман этилган ҳудуд, деса ҳам бўлади. Дўстлик туйғуси билан таваккалчилик қилиб бўлмайди. Гарри ёстиғини муштлаб, Жинна ҳақидаги хаёлларни қувганча, уйқуси келишини кутиб ётди.

Қўлига квидиш таёғини ушлаганча, қувиб юрган Рон ҳақидаги чексиз тушлардан сўнг, Гарри боши оғир уйғонди, лекин кун ярмига келиб, ҳаётдаги Рондан тушдаги Ронни афзал кўрди. Ҳаётдаги Рон нафақат Дин билан Жиннадан ошкора нафратланиб юрди, балки совуқ лоқайдлиги ила Гермionани шафқатсиз қийнай бошлади. Ўтган тунда Рон йўлида учраган ҳар ким ва ҳар нарсани йўқ қилишга тайёр турган портловчи драклга айланиб қолган кўринади. Рон билан Гермiona ўртасида тинчлик сақланиб қолишига Гарри роса уринди-ю, уддасидан чиқа олмади: кечқурун Гермiona ўз хонасига ниҳоятда хафа бўлиб кириб кетди, Рон эса бечора биринчи синф ўқувчиларини, унга қараб ўтиришгани учунгина қаттиқ сўкиб берди.

Роннинг бундай тажовузкор табиати вақт ўтиб босилмагани Гаррини ниҳоятда таажжублантирмоқда. Ўйини тобора ёмонлашиб бораётган Роннинг ғазаби баттар қайнаб, шанба куни ўтадиган ўйиндан олдинги машқда бирорта тўп тўса олмади, ҳаммага бақириб, Демельза Робинсни яна йиғлатди.

- Унингни ўчириб, қизни ўз ҳолига қўй! - таҳдид қилди, бўйи Роннинг учдан икки қисмидай келадиган, лекин қўлига ниҳоятда вазмин таёқ ушлаган Пикс.

- БЎЛДИ, БАС! - ўкирди тоқати тоқ бўлган Гарри.

У Жиннанинг Ронга қаратилган дарғазаб нигоҳини кўргач, сочиб юбориш афсуни ижросининг ҳавосини олган уста эканлигини эслаб, вазият назорат остидан чиқиб кетмасидан олдин, аралашишга аҳд қилди.

- Пикс, сен бориб Тажовузкор тўпларни йиғ. Демельза, тинчлан, сен бугун жуда яхши ўйнадинг... Рон, - деди у, ҳамма тарқалишини кутиб, - Сен энг қадрдон дўстимсан, лекин шу тарзда давом этадиган бўлсанг, жамоадан қувиб соламан сени.

Гаррининг назарида Рон қўл кўтармоқчи бўлгандай кўринди, бироқ хаёл ўтмай янада баттар ҳолат юз берди: супургиси устида сўлжайиб қолган Роннинг тажовузкор табиати бир зумда барҳам топди.

- Мен ҳеч нарсага ярамайдиган фойдасиз касман, ўзим тарк этаман жамоани.

- Ярайсан ва ҳеч қаерга кетмайсан! - сўкиб берди Гарри, Роннинг ёқасидан тутиб, - Кайфиятинг яхши бўлса, сенга етадиган Қўриқчи йўқ, ҳар қандай мураккаб тўпни тўса оласан. Муаммонг психиканг билан боғлиқ.

- Яъни мен психман, шундайми?

- Ҳа!

Икковлон бир-бирига ўқрайиб тургач, Рон бошини ҳорғин чайқади.

- Янги Қўриқчи қидиргани вақтинг йўқлигини биламан. Қисқаси, гап бундай: эртага ўйнайман, лекин ютқазиб қўйсақ, ютқазимиз эса муқаррар, мен жамоани тарк этаман.

Бирон-бир гап Ронга кор қилмади. Кечки овқат маҳалида Гарри унга далда беришга кўп уринди, лекин Гермionaга зарда қилиш билан банд бўлган Роннинг қулоғига Гаррининг сўзлари кирмади. Билганини қўймаган Гарри кечқурун, умумий меҳмонхонада, агар жамоани ташлаб кетадиган бўлса, жамоанинг жамики аъзолари ғам-андухдан ўлиб қолиши мумкинлигига Ронни ишонтирмоқчи ҳам бўлди. Бироқ бахтга қарши, меҳмонхонанинг нариги бурчагига йиғилиб олган жамоа аъзолари Ронга ўқрайганча пичирлаб ўтирганлари ва уларнинг юзлари касб этган қиёфа Гаррининг сўзларига зид келди. Жаҳли чиққан Гарри охири, дўстининг жанговар руҳи мустаҳкамланишига умид қилиб, бақриб ҳам берди. Аммо бу ҳам кор бермади. Жанговар руҳидан зиғирдай бўлсин, аломат кўринмаган Рон аянчли, бахтсиз қиёфа ила ётоқхонага кириб кетди. Уйқуси келмаган Гарри қоронғида узоқ ўйланиб ўтирди. Жамоа сардори сифатида чиқадиган биринчи ўйинини ютқазиб қўйишни асло истамайди. Бундан ташқари у, шубҳаси ўз исботини топмаган бўлса-да, Малфойнинг адабини бериб қўйишга қатъий аҳд қилган. Лекин Рон бугунги машқда ўйнаган каби ўйнайдиган бўлса, эртага ғолиб чиқиш имкони, одоб-ла айтиладиган бўлса, деярли йўқ.

Агар уни бор имконини ишга солиш... хаёлини йиғиб олиш... эртанги кунини омадли ўтказишга мажбур қилиш... имкони бўлса эди...

Фикр тўсатдан равшанлашиб кетгандай, жавоб кутилмаганда, ўзидан ўзи

келиб қолди.

Эрталаб Катта Залда, одатдагидай, ўйин олдидан оммавий ҳаяжон қарор топган. Вишиллаб ўтирган слизеринчилар «бу-у-у»лаганча, остонада кўринган «Гриффиндор» жамоасини қарши олди. Шифтга қараган Гарри мовий тусли тиниқ осмонни яхши аломат сифатида қабул қилди.

Гриффиндорчиларнинг қизил-тилла тусли столи Гарри билан Ронни кўриб, қувонч-ла ҳайқирди. Гарри кулиб, ҳаммага қўл силтади. Лабини бироз қийшайтира олган Рон эса бош чайқаб қўйди.

- Бошингни мағрур тут, Рон! - қичқирди Лаванда, - Сен ҳаммадан зўрсан! Лекин Рон Лавандага қиё боқиб ҳам қўймади.

- Чой, қаҳва, қовоқ шарбати? Нима ичасан, Рон? - сўради Гарри.

- Фарқи йўқ, - фожиали оҳангда жавоб берди Рон, тостдан тишлаб қўйиб. Орадан икки дақиқа ўтар-ўтмас, уларнинг ортидан ўтаётган Гермиона тақа тўхтаб қолди.

- Ишлар қалай? - паст овозда сўради у, Роннинг энсасига мурожаат қилиб.

- Зўр! - жавоб берди Гарри, қовоқ шарбатини Ронга узатар экан, - Ма, Рон, мана буни ичиб ол.

Рон стаканни оғзига келтириши ҳамоно, Гермиона кутилмаганда овоз кўтарди:

- Ичма!

Болалар Гермиона томон ўгирилиб қарашди.

- Нега энди ичмас эканман?! - ғудуллади Рон.

Гермиона ишонқирамай Гаррига қаради.

- Сен шарбатга нимадир қўшдинг!

- Бу нима деганинг? - совуқ оҳангда сўради Гарри.

- Нима демоқчи бўлганимни жуда яхши тушундинг. Мен кўрдим. Роннинг шарбатига нимадир қўйдинг. Қўлингда шишача.

- Нима деётганингни тушунмаяпман, - деди Гарри, қўлидаги шишачани ички киссасига яшириб.

- Рон, ичма дедим сенга! - хавотир-ла такрорлади Гермиона.

Шарбатни қўлига олган Рон Гермионанинг кўзига лўқ қараб турганча, худди ўчакишгандай, стаканни бир кўтаришда қуритди.

- Мени бошқаришга ҳеч қачон уринма, Гермиона!

Ғазаби қайнаган қиз Гаррининг устига энгашиб, вишиллади:

- Ушбу қилмишинг учун сени мактабдан қувиб солиш керак. Бундай қабиҳликка қодир эканлигинга, биров айтганда, ишонмаган бўлар эдим.

- Бу ҳақда ким гапирса ҳам, сен гапирма, - жавобан пичирлади Гарри, - Бировни гангитмай қўйганингга анча бўлди-ми?

Гермиона зарда қилиб, столнинг нариги боши томон шиддат-ла одимлаб кетди. Гарри зиғирдай бўлсин ачинмай, қиз кетидан қараб қўйди.

Квидишнинг жиддий жиҳатларини Гермиона ҳеч қачон тушуниб етмаган, хаёлдан ўтказди у. Шундан сўнг, лабини ялаб ўтирган Рон томон

Ўгирилиб, дадил овозда эълон қилди:

- Вақт етди!

Улар ўйингоҳ томон йўл олишди. Қиров қоплаб қотган майса оёқ остида ғарчилламоқда.

- Омадимиз келиб, об-ҳаво ҳам яхши бўлди, а? - деди Гарри, Ронга кулиб боқиб.

- Ҳа, - бўш жавоб берди, юзидан қон қочиб, касал бўлиб қолгандай кўринаётган Рон.

Уствошхонада квидиш кийимини кийиб олишга уринган Жинна билан Демельза ўтирибди.

- Ўйин ўтадиган шарт-шароитларга гап йўқ, - маълум қилди Жинна, Роннинг аҳволига эътибор қаратмай, - Янгиликдан хабарингиз борми? Кечаги машғулот давомида тўп слизеринчиларнинг Овчиси Вейзининг бошига тегиб, сафдан чиқибди.

- Тўпми, Вейзи-ми? - ҳазиллашди Гарри.

- Вейзи, албатта. Шу боис у, бугунги ўйинда иштирок этмас экан. Лекин бундан ҳам яхши янгилик бор: Малфой ҳам касал бўлиб қолибди.

- Нима? - кескин ўгирилди Гарри, - Касал бўлиб қолибди? Нима қилибди унга?

- Тасаввур ҳам қила олмайман. Лекин бу, биз учун ҳақиқий омад эканлигини яхши биламан, - қувонч-ла жавоб берди Жинна, - Ўрнига Харпер ўйингга киритилибди. Бизнинг тенгқуримиз – туғма аҳмоқ. Гарри мубҳам кулиб қўйди-ю, лекин спорт кийимини кияр экан, миясидан квидишга дахли бўлмаган хаёл ўтди. Бир вақтлар Малфой жароҳати туфайли ўйиндан воз кечган-у, бироқ ўйин «Слизерин» учун қулай вақтга қолдирилишини талаб қилган эди. Энди эса ўрнига бошқа биров ўйнашига осонликча розилик берибди. Сабаб? Чиндан ҳам касалми ёки ўзини шу кўйга солиб олганми?

- Малфойнинг ўйинда иштирок этмаслиги шубҳали ҳолатдай кўринмаяпти-ми, сенга? - пичирлади у Ронга.

- Омадимиз юришган ҳолат, деган бўлар эдим, - бироз жонланди Рон, - Уларнинг энг зўр ҳужумчиси Вейзи ҳам йўқ. Унга қарши ўйингда омадим ҳеч кулиб боқмаган... Эй!

Рон қўлқопини охиригача тақмай, Гаррига бақрайиб қолди.

- Яна нима?

- Мен... сен... - овозини пасайтирди чўчиб кетган, лекин кўзи чақнаётган Рон, - Менинг қовоқ шарбатим... мабодо сен?...

- Ўйин бошланишига беш дақиқа қолди, яхшиси ботинкангни кийиб ол. Жамоа майдонга чиқди. Намойишгоҳларда қулоқни қоматга келтирадиган олқишлар-у, масхараомуз қийқириқлар янгради. Ўйингоҳнинг бир томони қизғиш-тилла тусли, иккинчи томони сабза-кумуш тусли уммондек кўринмоқда. Хуффльпуфчилар билан равенклочилар орасидаги мухлислар ҳам икки томон бўлинган. Ҳайқириқ ва қарсақлар орасида

Гаррининг қулоғига Луна Лавгуд кийиб чиқадиган машхур шер-шляпаннинг ўкириги эшитилди.

Гарри ўйин ҳаками, тўпларни саватдан чиқариб юборишга тайёр турган Роланда Трюк хонимнинг ёнига борди.

- Жамоа сардорлари, қўл сиқишинг, - амр этди ҳакам.

Гаррининг бармоқлари шу заҳоти слизеринчиларнинг янги сардори Уркухарт кафтида қарсиллади.

- Супургилар эгарлансин! Ҳуштак чалишим билан бошлаймиз!... уч... икки... бир...

Ҳуштак янгради. Гарри ва унинг жамоаси музлаган ердан куч-ла итарилиб, ҳавога кўтарилди.

Тилла чаққонни қидиришга киришган Гарри майдон узра айланар экан, пастада зигзаг из ҳосил қилганча, оёғи куйган товукдай ўзини у ёқ, бу ёқ ураётган Харпернинг хатти-ҳаракатларини кузатиб борди. Ўйингоҳда янги шарҳловчининг ғайриоддий овози янгради.

- Шундай қилиб, улар ҳавода! Эҳтимол, кўпчилик худди мен каби, Поттер бошчилигидаги жамоанинг янги таркибидан ажабланаётган бўлса керак. Ўтган йили намоеън этган шубҳали ўйини инобатга олинадиган бўлса, Рональд Уэсли жамоа таркибидан чиқариб юборилишига аксарият мухлисларнинг ишончи комил эди. Бироқ сардор билан йўлга қўйилган чамбарчас муносабат, ушбу масалада ўз аҳамиятига эга бўлган кўринади... Бу «табиий», албатта.

Намойишгоҳнинг слизеринчилар эгаллаган ярми масхараомуз қаққаҳа-ю, гулдурос қарсақлардан портлади. Гарри бошини ён томон эгиб, супурги остидан шарҳлаш майдонига қаради. У ерда бир вақтлар Ли Жорданга тегишли бўлган сеҳрли мегафонни қўлига ушлаган новча бўйли, хуффльпуфчиларнинг озғин, бурни қанқайган жуда нохуш ўйинчиси Заккерайес Смитни кўрди.

- Мана, марҳамат. Гол уриладиган биринчи ҳолат. Уркухарт бургут каби шиддат-ла пастлаб келмоқда ва...

Гаррининг қорин соҳаси уюшиб қолгандай бўлди.

- ... Уэсли тўпни қайтара олди. Нима ҳам дер эдим, ҳаммамизга ҳам баъзан омад кулиб туради.

- Тўғри фикр юритяпсан, Заккерайес, - ўзига ўзи ғудуллади Гарри мийиғида кулиб қўйиб.

У тилла тусли шуъла қидирганча, пастга, овчилар орасига шўнғиди. Ярим соат ўтди. Ҳисоб олтмиш-у, ноль, «Гриффиндор» жамоаси етакчилик қилмоқда. Рон бир нечта ниҳоятда мураккаб зарбаларни бартараф этишга муваффақ бўлди. Баъзан йўлланган тўпларни бармоғининг учи билан тўсиб қолди. Гриффиндорчилар йўллаган олтита тўпдан тўрттасини рақиб ҳалқаларига Жинна киритди. Шундан сўнг, Заккерайеснинг икки нафар Уэсли жамоа таркибига Гаррининг хоҳиш-истаги туфайлигина қабул қилинганига доир бақириқлари тинди. Бироқ

энди у, Пикс билан Проуэстакка «ёпишиб» олди.

- Проуэстак Уриб қайтарувчи учун жорий этилган меъёрий талабларга жисмонан жавоб бера олмайди, албатта, - кибр-ла, чўзиқ овозда шарҳлади Заккерайес, - Одатда, Уриб қайтарувчиларнинг мушаклари нисбатан яхши ривожланган бўлиши лозим.

- Башарасига Тажовузкор билан қўйиб юбор, - қичқирди Гарри, ёнидан учиб ўтаётган Проуэстакка.

Аммо кенг кулиб қўйган Проуэстак тўпни Гаррига томон учиб келаётган Харперга қарата йўллади. Тажовузкор нишонга текканини англатадиган бўғиқ зарбани эшитган Гарри қувониб кетди.

Афтидан, ушбу ўйинда «Гриффиндор» жамоаси ғолиб чиқишга маҳкум қилинган кўринади. Гол кетидан гол ураётган жамоа аъзолари рақибга кўз очирмай яна, яна ва яна гол уриб бормоқда. Майдоннинг нариги томонида эса рақиб томонидан йўлланган тўпларни осонликча тўсаётган Роннинг оғзи қулоғида. Бунинг устига, рақиб мухлислари ўзининг маънан эскирган «Уэсли қиролимиз!» қўшиғини ижро этишга киришар экан, Роннинг ўзи юқорида хорга дирижёрлик қилиб турди.

- Ўзини қаҳрамон деб билади чоғи, а? - эшитилди мурдор овоз.

Кучининг борича келиб, Гаррига урилган Харпер Гаррини супургидан йиқита олмади.

- Анави дўстинг ғирт сотқин... - вишиллади Харпер.

Сайёдларга орқа ўгириб турган Роланда Трюк хоним гриффиндор мухлисларининг эътирозли ҳайқириғига эътибор қаратиб, орқасига ўгирилди. Бироқ бу пайтга келиб Харпер Гарридан нари қочишга улгурди. Елкаси қаттиқ оғриган Гарри қасд олиш учун рақиб кетидан қува кетди.

- Афтидан, «Слизерин» жамоасининг Сайёди Харпер Тилла чаққонни илғаган кўринади, - мегафонга қичқирди Заккерайес Смит, - Ҳа, шундай! Илғаган! Сўқир Поттер эса кўрмаяпти!

Анави мол Смит иккаламизнинг тўқнашиб кетганимизни кўрмади-ми дейман, хаёлдан ўтказди Гарри, лекин кейинги фурсатда унинг юраги ўз жойидан узилиб, қаёққадир пастга тушиб кетгандай бўлди. Смит ҳақ! Харпер шунчаки ўзи кўтарилаётгани йўқ юқорига. У Гарри илғамаган нарсани, мовий осмон тусида ярқираётган тезучар Тилла чаққонни кўриб қолибди.

Гарри тезликни оширди. Қулоғига эшитилаётган шамол хуштаги Смитнинг шарҳини-ю, халойиқнинг қичқириғини босиб юборди. Харпер ҳамон олдинда. «Гриффиндор» эса атиги юз баллга пешқадамлик қилмоқда. Агар Харпер чапдастлик қилса, «Гриффиндор» ютқазади... рақиб қўлини Тилла чаққонга узатди...

- Ҳой, Харпер! - умидсиз қичқирди Гарри, - Малфой қанча тўлади сенга, ўрнига ўйнаб беришинг учун?

Бундай савол беришига нима сабаб бўлганини билмайди-ю, лекин Тилла

чаққонни деярли тутиб олган Харпер гангиб, коптокчани қўлдан чиқариб юборди. Фурсатдан фойдаланган Гарри шартта олдинга ташланиб, Тилла чаққонни маҳкам ушлаб олди.

- ҲА! - қичқирди у ва ер томон бурилиб, коптокчани боши узра баланд кўтарганча, пастлай бошлади.

Маълум фурсат ўтгач, томошабинлар юқорида нима бўлганини идрок этиб, ўйингоҳда финал ҳуштагининг овозини босиб юборган ҳайқириқ портлади.

- Жинна, қаёққа? - қичқирди Гарри.

Жамоа аъзоларининг бари Гаррини қучгани отилган бўлса, Жинна унинг ёнидан ўқдай учиб ўтиб, ўйин шарҳлаш майдончасига бориб урилди.

Томошабинлар хандон отиб, роса чириллади. «Гриффиндор» ўйинчилари ёғоч бўлаклари остида базўр қимирлаб ётган Заккерайес Смитнинг ёнига қўнишди.

- Маъзур сананг профессор, тормоз босишга улгурмай қолдим, - деди қувноқ оҳангда Жинна, домангир қараб турган профессор Макгонагаллга. Ўзини кулгидан тия олмаган Гарри жамоа аъзолари орасидан отилиб чиқиб, Жиннанинг елкасидан қучиб олди-ю, қизнинг нигоҳига рўбару келмаслик учун шу заҳоти қўлини тортиб, қувончдан сакраётган Роннинг белига уриб қўйди. Гриффиндорчи ўйинчилар машқлар давомида ўтган нохушликларни бир зумда унутиб, бир-бирини қўлидан ушлаганча, ўйин майдонини тарк этишди. Улар мушт тугилган қўлларини музаффарият-ла силтаб, мухлисларни олқишлаб боришди.

Уствошхонада байрамона кайфият ҳукм сурмоқда.

- Симуснинг айтишича, ҳозир умумий меҳмонхонада базм қиламиз экан! - қичқирди Дин, - Юринг тезроқ, Жинна, Демельза.

Уствошхонада Рон билан Гарри қолди. Улар ҳам эндигина йўлга чиқмоқчи бўлиб туришган маҳалда остонада Гермiona кириб қолди. Қўлида гриффиндорчиларнинг шарфини айлантираётган қизнинг кайфияти бузук, юзи қатъий қиёфа касб этган.

- Гарри, сен билан очикчасига гаплашиб олмоқчиман, - деди Гермiona, чуқур нафас олиб, - Сен бундай қилмаслигинг керак эди. Дивангарднинг сўзлари эсингда-ку: бу ғайриқонуний.

- Хўш, нима қилмоқчисан энди, бориб сотасанми бизни? - ғазаблана бошлади Рон.

- Нимани назарда тутяпсиз, иккалангиз? - тескари ўгирилди кулгисини яширган Гарри, кийимини осаётган бўлиб.

- Жуда яхши биласан, нима назарда тутилаётганини! - бор кучи-ла бақирди Гермiona, - Нонушта вақтида Роннинг шарбатига суюқ омад дамламасини қуйиб бердинг!

- Мен ҳеч кимга ҳеч нарса қуйганим йўқ, - деди Гарри, болалар томон ўгирилиб.

- Қуйгансан! Шунинг учун ўйин яхши ўтди, слизеринчи ўйинчилар касал

бўлиб қолди, Рон эса бирорта бўлсин, гол ўтказмади.

- Мен ҳеч кимга ҳеч нарса қуйиб берганим йўқ, - такрорлади Гарри, энди очиқчасига кулиб қараб.

У қўлини нимчасининг киссасига солиб, Гермиона бугун эрталаб кўриб қолган шишачани чиқариб кўрсатди. Шишача тилла тусли суюқликка охиригача тўла бўлиб, тиқини сиртидаги зич босилган муҳр бузилмаган.

- У суюқ омад ичганига ишонч ҳосил қилишини истадим ва шу боис, сенинг олдингда шарбатга дамлама қуйган кишидай тутдим ўзимни, - деди Гарри Гермионага ва Рон томон бурилиб, маълум қилди: - Рон сен омад кулиб боқишига комил ишонч билдирганинг учун ҳам, барча тўпларни тўса олдинг. Бугунги натижага эса аслида ўз кучин билан эришдинг.

Гарри дамламани яна ўша киссасига солиб қўйди.

- Демак, шарбат таркибида ҳеч нарса бўлмаган? - таажжубланди Рон.

- Бўлмаган.

- Бироқ об-ҳавонинг қулайлиги... Вейзи ўйинга чиқмагани... Ростдан ҳам, менга ҳеч нарса ичириб қўймадинг-ми?

Гарри бош чайқади.

Рон лол қолганча бақрайиб турди-да, Гермиона томон кескин бурилиб, мазахлади:

- Нонушта вақтида Роннинг шарбатига суюқ омад қуйиб қўйдинг, шунинг учун Рон бирорта бўлсин гол ўтказмади! Бу ёғи неча пулга тушди энди, Гермиона? Мен бировнинг ёрдамисиз ҳам тўп тўса оламан!

- Тўса олмайсан деганим йўқ мен, Рон. Ўзинг ҳам ҳозиргина, дамлама ичганингга ишониб турган эдинг-ку!

Бироқ Рон супургисини елкага ташлади-да, Гермионанинг ёнидан ўтиб, чиқиш эшиги томон йўл олди.

Дафъатан орага сукунат чўқди

- Э-м-м-м... - ғудуллади, иш бундай ғалати тус олишини кутмаган Гарри,

- Хўш, кетдик-ми қасрга, ғалабани нишонлашга?

- Бораверинглар! - овоз кўтарди, тўлиб келаётган кўз ёшини тўхтатиш учун кўзини пирпиратган Гермиона, - Мен Рондан жуда чарчадим. Нима айбим бор, ҳеч тушунмаяпман.

Қиз югурганча, уствошхонадан чиқиб кетди.

Гарри қаср томон мухлислар орасида аста йўл олди. Кўпчилик қичқириб, уни табриклаб борди. У эса ўзини алдан кишидай ҳис этмоқда. Ахир у, Рон ғолиб чиқиб, Гермиона иккаласи ярашиб олишига умид боғлаган эди-ку! Қандай қилиб Гермионага, орадан анча вақт ўтган бўлса-да, Виктор Крум билан ўпишгани учунгина айбдор эканлигини тушунтириб бера олади? Гарри бунга тасаввур ҳам қила олмаяпти.

Ғалаба шарофатига уюштирилган байрамда, ўзи кеч келган бўлса ҳам, Гарри Гермионани кўрмади. У қувончли ҳайқириқ ва гулдурос қарсақлар билан қарши олинди. Одамлар уни ўраб олиб, олқишлашди. Ўйиннинг ҳар

бир дақиқаси ҳақида ҳисобот тинглашни истаган ака-ука Кривилар, киприк қоқиб, ҳар бир айтган сўзидан кулаётган қизлардан анча вақтгача қутула олмагани боис, Ронни қидириб топа олмади. Дивангард томонидан уюштирилган Рождество оқшомига таклиф қилишни шама қилган Ромильда Вейндан бир илож қилиб халос бўлгач, ичимликлар терилган стол ёнида Жиннани учратди. Қизнинг елкасида Арнольд лақабли пигмей шарча, оёғи остида эса умид-ла хуриллаётган Маймоқоёқ ўтирибди.

- Ронни қидиряпсан-ми? - истехзо-ла кулиб боқди Жинна, - Ана у, жирканч риёкор.

Гарри Жинна имо қилган бурчак томон ўгирилди. Рон ҳаммининг кўз ўнгида Лаванда Браунни шундай қаттиқ қучоқлаб олган-ки, кимнинг қўли қаерда эканлигини илғаб олиш қийин.

- Шўрлик қизнинг лабини еб қўйгудай қапишиб олганини қара, - деди Жинна, - Ҳеч қиси йўқ, вақт ўтиб ўрганиб олади... Зўр ўйнадик, Гарри. Ҳузур-лаззат ичимлигини олган қиз Гаррининг қўлига уриб қўйиб, нари кетди. Кўзини Арнольддан узмаган Маймоқоёқ, Жиннанинг ортидан эргашди. Гаррининг ичидаги борки нарса узилиб тушгандай бўлди. Афтидан, одамлар орасига яқин орада қайтишни режалаштирмаган Ронга тескари ўгирилиб, портрет тўсган туйнукдан чиқиб кетаётган пахмоқ жигар ранг соч тутамини кўриб қолди. Ромильда Вейнга яна бир бор чап берган Гарри чиқиш томон одимлаб, портретни туртди. Йўлакда ҳеч ким йўқ.

- Гермиона?

Қиз эшиги қулфланмаган хоналардан бирига кириб олган экан. У ўқитувчининг столида, боши узра чирқираб айланаётган сариқ қушчаларни ҳисобга олмаганда, ёлғиз ўзи ўтирибди. Шундай оғир дамда ҳам бундай ажойиб мўъжиза ярата олишидан Гарри ҳайратланмай қолмади.

- А, Гарри, салом, - деди Гермиона, маъюс оҳангда, - Мана, кўриб турганингдек, машқ қилиб ўтиришга аҳд қилдим.

- Ҳа... э-м-м-м... Зўр чиқибди, - ғудуллади Гарри.

Гермиона шовқин-сурондан нари бўлиш учун умумий меҳмонхонадан Ронни кўрмай чиқиб кетганига умид боғлаган Гарри бирон нима дегани сўз топа олмади.

- Рон роса байрам қилаётган кўринади, - деди қиз, ўзига хос бўлмаган ингичка овозда.

- Ростданми? - сохта таажжубланди Гарри.

- Кўрмаган кўйга солма, ўзингни, - деди Гермиона, - Гарчи у, ўз қилиғини ҳеч кимдан бекитишга уринмаган бўлса-да.

Эшик ланг очилиб, Лаванданинг қўлидан маҳкам ушлаганча, ичкарига тортаётган Рон кириб келди. Гарри билан Гермионани кўрган йигитча, тўхтаган жойида қоқилган қозикдай қотиб қолди.

- Вой!

Лаванда ҳиринглаб, эшикни қаттиқ ёпиб, чиқиб кетди.
Оғир сукунат чўқди. Гермиона Роннинг кўзига тик қаради. Бошини кўтара олмаган Рон эса ниҳоят баҳона топган бўлди:

- Гарри, сени қидириб юрган эдим.

Тилла тусли қушчалар столдан сакраб тушган Гермионанинг боши узра гир айланиб, Қуёш тизимининг жонли моделини ҳосил қилган.

- Лавандани куттириб қўйма, - деди қиз, паст овозда, - Хавотир олади-я. Гермиона чиқиш эшиги томон аста одимлади. Гарри бирон-бир ёмон иш бўлмаганидан суюниб, Ронга қараб қолди.

- Оппуньо! - янгради кутилмаганда эшик томондан овоз.

Гарри ортга ўгирилиб, юзи ақлдан озиб қолган кишининг қиёфасини эслатадиган Гермионанинг сеҳрли таёқчасини Ронга ўқтаганини кўрди. Беозор учаётган қушчалар галаси кутилмаганда, мисоли олтин ўқлардан ҳосил қилинган дўл каби Ронга ёпирилиб, тўғри келган жойини чўқиб, панжалари билан тимдалай кетди. Юзини қўли билан тўсиб олган Рон дод солиб, жангари қушчаларга бор овози ила бақирди:

- ТЕК ҚЎЙЛАРИНГ МЕНИ! ЙЎҚОЛЛАРИНГ!

Ронга қасосли ғазаб-ла, сўнгги бор қараган Гермиона ташқарига чиқди-да, эшикни қарсиллатиб ёпди. Аммо эшик қарсиллашидан олдин, Гермионанинг ҳўнграб юборгани эшитилди.

XV БОБ. БУЗИЛМАС ОНТ

Ойнаси яхлаган дераза ортида қор айланиб ёгганча, Рождество яқинлашмоқда. Хагринд Катта Залга, одатдагидай, ўн иккита арча келтириб, ўрнатишга улгурди. Зина суянчиқлари зар ип ва найзабарг новдаларидан тайёрланган маржонлар билан безатилди, рицарларнинг аслаҳалари устидаги дубулғалар ичида ўчмас шамлар ёришмоқда, қаср йўлакларининг деворларига эса ўртада тенг масофа қолдирилган тарзда йирик омела баргаклари осиб чиқилган. Қизлар галаси йўлакда тирбандлик ҳосил қилганча, деярли ҳар бир бундай баргак остида йиғилиб, Гаррининг йўлини пойлаб туради. Тез-тез юз бериб турадиган тунги сайрлари сабаб, қасрнинг яширин йўлларини яхши билиб олган Гарри қизлар галасини четлаб ўтиб, ҳар қандай хонага айланма йўл топа олади.

Илгари Рон бундай ҳолатни кўрса, ҳасаддан ичи емирилган бўлар эди, ҳозир эса юмалаб кулмоқда. Қовоғидан қор ёғилиб, табиатан тажовузкор бўлиб қоладиган Рондан, қувноқ Рон афзал, албатта. Бироқ бу, Гаррига қимматга тушмоқда: биринчидан, Рон билан ўпишмай ўтказилган вақтни – зое кетган вақт, деб биладиган Лаванда Брауннинг доимо бирга юришига тоқат қилиш, иккинчидан эса, бир-бирига ашаддий душман бўлиб қолган

икки кишига дўст бўлишга тўғри келмоқда.

Роннинг қўлидаги Гермионанинг қушчалари етказган жароҳатлар ҳали битиб кетмаган. Хафа бўлган Рон, ўзини жабрланган томон, деб ҳисоблайди.

- Унинг шикоят қилишга ҳеч қандай асоси йўқ, - баёнот қилди кунлардан бир кун Рон, - Анави Крум деганлари билан мен эмас, ўзи ўпишган. Кутилмаган ҳолатни қаранг-ки, мен билан ҳам ўпишадиган қиз топилиб қолди! Ваҳоланки, юртимиз бу масалада озод юртдир. Мен ҳеч қандай айб иш қилаётганим йўқ.

Гарри индамади. У ўзини эртага ўтадиган афсун ўқиш фани машғулотига тайёргарлик кўриб, «Квинтэссенция: қидирув» китобининг ёд олиниши талаб этилган саҳифасини ўқиб ўтирган кўйга солиб олди. Гарри Рон билан ҳам, Гермиона билан ҳам, илгаригидек, дўстона муносабатларни сақлаб қолишга қатъий аҳд қилган, лекин доимо худди ҳозиргидай, оғиз очмай ўтиришга мажбур бўлмоқда.

- Мен унга ҳеч нарса ваъда қилганим йўқ, - ғудуллашни давом этди Рон, - Дивангарднинг оқшомига у билан бирга бормоқчи эдим, албатта... чурқ этмади-ку... шунчаки, дўстона... мен эркин кишиман...

Гарри «Квинтэссенция»нинг кейинги саҳифасини очиб, гапи каминда ёнаётган гулханнинг қаттиқ қарсиллаши орасида базўр эшитилаётган пўнғиллашга айланиб бораётган Роннинг қараб турганини ҳис этди. Умуман айтганда, Гарри, ушбу ғудуллашлар давомида талаффуз этилган «Крум», «ўзи айбдор» каби сўзларни илғаб олгандай бўлди.

Гермионанинг машғулотлар жадвали ниҳоятда зич бўлгани боис, Гарри у билан фақат кечқурун, Рон Лавандага ёпишиб қолиб, Гаррига эътибор қаратмай кўйган вақтдагина, бафуржа гаплашиб ўтириш мумкин.

Гермиона умумий меҳмонхонада Рон билан бир вақтда бўлишни мутлақо истамайди. Бинобарин, Гарри Гермионанинг ёнига, одатда, кутубхонага боради.

- У ўзи истаган киши билан ўпишиб юришга тўла-тўқис ҳақли, албатта, - баёнот қилди Гермиона, - Ушбу масала менга, зиғирдай бўлсин, дахл қилмайди.

Қиз ўзи ёзиб ўтирган иши узра пат-қаламини кўтариб, чунонам нуқта қўйди-ки, пергамент варағи тешилиб кетди.

Кутубхоначи Шипц хоним орқадаги китоб токчаси ортида, бировга сездирмай юрибди.

Керак бўлмай қолгани боис, овозини йўқотиб қўйишдан жиддий хавфсирай бошлаган Гарри яна индамай, ўзининг «Олий дамламачилик» китоби устига паст энгашиб, умрбод таъсир этадиган эликсирлар тайёрлашга оид йўриқномаларни кўчириб, китоб муаллифи Возлианус Сеннинг матнига дарсликнинг олдинги соҳиби чала зот Шаҳзода томонидан берилган шарҳларни ўқиб чиқиш учун баъзан тўхтаб борди.

- Ҳа, айтгандай, - деди Гермиона, бироздан сўнг, - Огоҳ бўлиб юр.

- Сўнги бор айтяпман, - деди қирқ беш дақиқали гунгликдан сўнг, овози хириллаб эшитилган Гарри, - Мен ўз дарслигимни ҳеч кимга бермайман! Снегг билан Дивангард берган сабоқлардан кўра, чала зот Шаҳзоданинг сабоқларидан кўп нарса билиб олишим...

- Қаллоб чала зот Шаҳзодангни назарда тутаётганим йўқ, - деди Гермиона, машъум дарсликка, худди ушбу китоб уни ҳақорат қилгандай, ўқрайиб, - Бошқа гапни айтиб қўймоқчиман. Бу ерга келишдан олдин, қизлар хонасига кириб чиққан эдим. Хонага тахминан олти нафарча қиз тўпланиб олган экан. Улар орасида Ромильда Вейн ҳам бор эди. Қизлар сенга севги дамламасини яширинча ичириб қўйиш йўлларини муҳокама қилишаётган экан. Ҳаммаси Дивангарднинг оқшомига кириш орзусида юришибди. Бинобарин, Фред билан Жоржнинг дўконидан ром қилиш қайтармасининг катта захирасини харид қилишибди. Ўйлашимча, ўша дамлама...

- Сен ахир синфбошисан-ку, нима учун мусодара қилмайсан, ўша захирани? - таажжубланди Гарри.

Гермионанинг амалдаги қонун-қоидаларга риоя этиш борасидаги, баъзан васваса даражасига етадиган эҳтироси жиддий фурсатда барҳам топишини тасаввур этиш қийин.

- Ўзлари билан ҳожатхонага олиб киришмайди-ку?! - жавоб берди Гермиона, хафа бўлиб, - Шунчаки, қайтарма қўллаш тактикасини муҳокама қилишди холос. Модомики, ҳатто анави чала зот Шаҳзоданг ҳам ўнлаб ўхшаш қайтармаларга қарши бирданига қўлланиладиган зидди-заҳарни билмас экан, - аччиқ қилди Гермиона, Гаррининг «Олий дамламачилик» китобига боз адоват-ла қараб, - Сенинг ўрнингда бўлганимда, қолганларидан қутулиш учун бирорта қизни аллақачон таклиф этган бўлар эдим. Байрам оқшоми эртага. Демак, бугун-эрта улар ҳеч нарсадан тап тортмайди.

- Лекин мен ҳеч кимни таклиф қилмоқчи эмасман, - ғудуллади Гарри. У ҳалигача Жинна ҳақида ўйламасликка уринмоқда. Аммо қиз ўжарлик-ла тушига кириб чиқмоқда-ки, Роннинг легалименцияга қодир эмаслиги учун фалакка шукр қилишдан бошқа чора қолмаяпти.

- Қисқаси, Ромильда Вейннинг қарори қатъий. Шунинг учун тўғри келган нарсани ичиб юрма, - фикрини якунлади Гермиона маъюс оҳангда. У арифмантика бўйича бажарилаётган ишнинг узун пергаментини олдинга суриб, ёзишни давом этди. Гарри қизнинг ишини кузатар экан, чуқур хаёл суриб қолди.

- Шошма, - деди у, - Ахир Филч «Уэслиларнинг ажойиб ультрафокуслари»дан харид қилинган молларни ман этган-ку?!

- Қачондан буён бизда Филчнинг тақиқлари кучга эга бўлиб қолди? - ёзишдан тўхтамади Гермиона.

- Почта бойқушларининг ҳаммаси кўздан кечириб борилади, дейилган эди-ку? Ўша қизлар севги дамламасини мактабга олиб қай йўл билан

кира олади?

- Фред билан Жорж, ушбу дамламани йўталга қарши дори ва атир ниқоби остида йўллашмоқда, - тушунтириш берди Гермiona, - Бу, улар томонидан ҳавола этиладиган хизмат турларига киради.

- Эксперт бўлиб қолибсан.

Гермиона Гаррига чала зот Шаҳзоданинг «Олий дамламачилик» дарслигига қарагандай, ўқрайиб қўйди.

- Буларнинг бари, улар ёзда, Жинна иккаламизга кўрсатган шишачалардаги ёрлиқларда ёзилган эди, - совуққина жавоб қилди қиз, - Менинг, агар билмоқчи бўлсанг, бировга пинҳона бир нарса бериш ёки бериб қўйган кўйга солиб олиш одатим йўқ...

- Хўп, майли, ўтган ишга салавот, - гапни бўлди Гарри, - Муҳими, Филчни алдаш йўли топилгани, шундайми? Дамлама бошқа турдаги суюқлик кўринишида мактаб ҳудудига киритилган! Нега энди Малфой анави опал шодасини ўхшаш усуллардан бирини қўллаб кирита олмас экан?

- Гарри... бошлама...

- Йўқ, қани айт, нега кирита олмайди? - талаб оҳангида сўради Гарри.

- Чунки, - уф тортди Гермiona, - Филч фойдаланаётган сир сезгири суқи, қарғиш ва яширин қўлланилган афсунларни фош этади. Яъни бундай асбоб қарғиш қўлланилган буюмни фош этиш мақсадида ёвуз сеҳрга қарши кураш олиб бориш учун мўлжалланган. Ўша шодага қўлланилган қудратли суқини сир сезгири бир зумда аниқлайди, лекин бир шишадан бошқа шишага қуйилган суюқликни... Бундан ташқари, ёвуз сеҳрга ҳеч қандай дахли бўлмаган севги дамламаси хавфли воситалар жумласига кирмайди.

- Сенга айтиш осон, - ғудуллади Гарри, Ромильда Вейннинг ниятини эсга олиб.

- ... дамламанинг йўталга қарши дори эмаслигини фақат Филчгина, назоратчи сифатида идрок этиши керак. У эса яхши сеҳргар эмас. Шундай экан, бир дамламани бошқасидан фарқлаб олиши амри маҳол. Гермiona кутилмаганда жим бўлиб қолди. Гарри ҳам шитир-шитир товушни эшитди. Қоронғилиқда кимдир орқа томондан, китоб токчалари бўйлаб яқинлашмоқда. Икковлон сўз айтмай, жим ўтирди. Сал ўтиб, токча ортидан Шипц хонимнинг йиртқич башараси кўринди. Унинг қўлидаги фонус ичкари ботган лунжлари-ю, илгаксимон бурнини хунук ёритмоқда.

- Кутубхона ёпилади, - эълон қилди аёл, - Марҳамат қилиб, олган нарсангизни жойига... Китобни не кўйга солдинг, ҳой махлуқ?

- Бу ўзимнинг китобим, кутубхонаники эмас! - қичқирди Гарри, устига Шипц хонимнинг йиртқич қуш панжасига ўхшаш кафти ётишга улгурган «Олий дамламачилик»ни чангаллаб.

- Қандай иснод! - вишиллади аёл, - Мункирлик! Расволик!

- Кимдир нимадир ёзибди, хўп, нима энди, шу ҳам гуноҳми? - эътироз билдирди Гарри, китобни юлиб олишга уриниб.

Шипц хонимнинг юраги ушлаб қолган кўринади, курсига ўтириб қолди. Гермиона нарсаларини тез йиғиб, Гаррининг қўлидан маҳкам ушлаганча, чиқиш эшиги томон тортиб кетди.

- Бундай хулқинг билан кутубхонага киритмай қўяди энди сени. Нега олиб келдинг ўзи, мана шу аҳмоқона китобингни?

- Биласанми, Гермиона, агар унинг томи кетган бўлса, айб менда эмас. Эҳтимол у, Филч тўғрисида айтган гапингни эшитиб қолгандир, а? Иккаласининг ўртасида нимадир борлигини доимо гумон қилиб юрган эдим-а...

- О-о! Ха-ха-ха...

Энди бемалол гаплаша олишларидан қувонган Гарри билан Гермиона фонуслар ёритган кимсасиз йўлаклар бўйлаб юриб, Филч ва Шипц хоним ўртасида киши билмас муҳаббат бор-йўқлигини йўл давомида атрофлича муҳокама қилганча, умумий меҳмонхонага қайтишди.

- Бемаъни гап, - деди Гарри, «Гриффиндор» минорасига кириш учун тайинланган янги, байрам пароли билан Семиз Холага мурожаат қилиб.

- Айнан сизларнинг гапларингизни ғирт бемаънилик деса бўлади, - қув қиёфа ила жавоб қайтарди Семиз Хола, болаларни ичкарига киритиб.

- Салом, Гарри, - бақирди Ромильда Вейн, туйнукдан кириб келган Гаррига, - Аёлкола ичасанми?

Елка узра ўгирилиб қараган Гермионанинг юзидан: «Нима деган эдим сенга?» - маъносини уқиб олиш қийин кечмади.

- Йўқ, раҳмат, - шу заҳоти рад этди Гарри, - Хуш кўрмайман уни.

- Ундай бўлса, мана буни ол, - деди Ромильда Вейн, Гаррининг қўлига қути ушлатиб, - Куйдирадиган вискили, қозон шаклидаги майда шоколад кекс. Бувим юборибди, мен эса буни хуш кўрмайман.

- А-а... хўп, майли... катта раҳмат, - ғудуллади Гарри, рад этгани баҳона топа олмай, - Э-м-м-м... биз бирга келаётган эдик...

У минғирлашни бас қилиб, Гермионанинг кетидан шошди.

- Айтдим-ку, сенга, - вайсади Гермиона, - Тезроқ бирорта қизни таклиф қил, деб. Шунда, қулоқ-миянг бироз тинчиб...

Рон билан Лаванданинг битта креслода сиқилиб ўтирганини кўрган Гермионанинг юзи бир зумда бефарқлик қиёфасини касб этди.

- Хайрли тун, Гарри.

Узуқ-юлуқ гапирган қиз, соат эндигина етти бўлганига қарамай, ётоқхонасига кириб кетди.

Гарри бир кунли машғулот ва Дивангарднинг оқшомини бир илож қилиб ўтказгач, Рон иккаласи бошпанага йўл олишини ўйлаб, ўзини ўзи овулганча, ётоқхонага кўтарилди. Афтидан, таътил бошлангунга қадар Рон билан Гермиона ярашиб олмайдиган кўринади. Эҳтимол, ўшанда улар ўзларини босиб олиб, хулқ-атворлари масаласида ўйлаб кўришар. Умуман айтганда, бундай бўлиши амри маҳолга ўхшайди. Негаки, эртаси куни бир нарсани бошқа нарсага айлантириш фани бўйича иккаласи

билан ўтган машғулот Гарри учун оғир кечди. Ниҳоятда мураккаб мавзу – инсон метаморфозасини ўзлаштиришга эндигина киришилган. Кўзгуга қараб ишлаётган болалардан ўз қошининг рангини ўзгартириш талаб этилмоқда.

Роннинг биринчи уриниши омадсиз якун топди: у ўзига ўзи ниҳоятда узун, учи эшиб қайрилган мўйлов ўстириб олди. Буни кўрган Гермиона захарли хандон отиб юборди. Рон ҳам жавоб қайтаришни кечга қўймади: профессор Макгонагалл томонидан берилган ҳар бир саволга жавоб бериш учун курсида ўтирган жойида қўл кўтариб ирғишини жуда аниқ кўрсата олиб, Гермионани мазах қилди. Лаванда билан Парватти учун Роннинг ушбу қилиғи жуда кулгили кўринди. Гермиона кўз ёшини базўр тийиб, қўнғироқ зарби эшитилиши ҳамона, нарсаларининг ярмини қолдирганча, синф хонасидан чиқиб кетди.

Қиз Ронга нисбатан кўпроқ эътиборга муҳтож, деб топган Гарри Гермионанинг китобларини йиғиштириб, ортидан шошиб, уни бир қават пастда, қизлар хонаси яқинида топди. Луна Лавгуд кафтини Гермионанинг елкасига қўйиб, юпатмоқда.

- Салом, Гарри, - кўришди Луна, - Қошларингдан бири тўқ сариқ бўлиб қолганидан хабаринг борми?

- Салом, Луна. Гермиона, унутиб қолдирибсан...

- Ҳа, - деди Гермиона йиғламсираган оҳангда, Гаррининг қўлидан дарсликларини олиб.

Қиз тез тескари ўгирилиб, кўз ёшини артаётганини яширди.

- Раҳмат, Гарри. Майли, мен борай...

Гермиона шу қадар тез кетиб қолдики, Гарри уни юпатгани сўз айтишга улгурмади, гарчи ушбу ҳолатда нима дейиш кераклигини тасаввур эта олмаса ҳам.

- Кайфияти бироз бузилган кўринади, - фикр билдирди Луна Лавгуд, - Дастлаб Дилгир Миртл йиғлаётган бўлса керак деб ўйладим. Қарасам, Гермиона экан. Рон Уэсли билан боғлиқ...

- Ҳа, иккаласи аразлашиб қолишган, - бош ирғиди Гарри, Луна билан бирга йўлак бўйлаб одимлар экан.

- У баъзан жуда кулгили ҳазил қилади, - деди Луна, - Лекин баъзан қаҳри жуда қаттиқ бўлиб қолиши ҳам мумкин экан. Ўтган йили эътибор қаратган эдим бунга.

- Эҳтимол, - жавоб қайтарди Гарри.

Луна Лавгуднинг нохуш ҳақиқатни очиқ-ойдин айтиш одати бор. У ҳозир ҳам, феъленинг ушбу жиҳатини намоён этди. Лунадай кишини Гарри ҳали учратгани йўқ.

- Семестр қалай ўтди? - қизиқди Гарри.

- Яхши, - жавоб берди Луна, - ДАсиз ўзимни бироз ёлғиз ҳис этдим. Жиннага гап йўқ, жуда яхши қиз. Яқинда бир нарсани бошқа нарсага айлантириш машғулоти давомида иккита болага мени Психуна, деб

чақиришни қатъий ман этиб қўйди...

- Дивангарднинг оқшомига мен билан бирга боришни истайсан-ми? Оғзидан ўзидан ўзи чиқиб кетган ушбу сўзлар Гаррининг ўзига, худди уларни бошқа биров айтгандай эшитилди.

Таажжубдан донг қотган Луна укки кўзи ила Гаррига бақрайиб қолди.

- Дивангарднинг оқшомига? Сен билан?

- Ҳа, - тасдиқлади Гарри, - Биз ўзимиз билан меҳмон олиб бориш ҳуқуқига эгамиз. Сенга қизиқ бўлса керак, деган хаёлга бордим... айтмоқчиман-ки... - аниқлик киритди Гарри, - Қадрдон дўст сифатида. Тушунтира олдими? Агар истамасанг...

- Йўқ, нега энди? Дўст сифатида бажонидил! Мени ҳали ҳеч ким, ҳеч қачон дўст сифатида бундай оқшомларга таклиф этмаган!

Гарри Лунани ҳали бу қадар бахтиёр ҳолатда кўрмаган.

- Қошингни шу сабабдан бўядинг-ми? - сўради Луна, - Байрам шарофатигами? Мен ҳам бўяб олайми?

- Йўқ, керак эмас, - деди Гарри, қатъий оҳангда, - Тасодифан шундай бўлиб қолди. Гермionaдан илтимос қиламан, ўз ҳолатига қайтариб қўяди... Қисқаси, бугун кечқурун соат саккизда вестибюлда учрашамиз.

- АҲААА!!! - қичқирди кимдир тепада.

Икковлон сесканиб кетди. Қандилга оёғини осмондан келтириб осилиб олганча иржаяётган полтергейст Дрюзг остидан ўтаётганини сезмай қолибди.

- Поттермон Психунани оқшомга таклиф қилди! Поттермон Психунани севиб қолибди! Поттермон Психунани севиб қолибди!

Дрюзг хандон отиб дод солганча, нари учиб кетди.

- Поттермон Психунани севиб қолибди! Поттермон Психунани севиб қолибди!

- Атрофдагилар шахсий ҳаёт ҳуқуқига ҳурмат-ла қарашса, яхши-да, - истехзо-ла таъкидлади Гарри.

Дарҳақиқат, хаёл ўтмай, жамики мактаб Гарри Поттер Луна Лавгудни Дивангарднинг Рождество оқшомига таклиф қилганидан воқиф бўлди.

- Сен ҳар қандай бошқа қизни таклиф қилишинг мумкин эди! Ҳар қандай бошқа қизни! - ишонмай хитоб қилди Рон, кечки овқат вақтида, - Сен эса келиб-келиб Психунани таклиф қилиб ўтирибсан-а!

- Ундай дема уни, Рон! - ўдағайлади, дўстлари томон кетаётиб, Гаррининг ортида тўхтаб ўтган Жинна, - Лунани таклиф қилганингдан жуда хурсандман, Гарри. Бечора қиз бахтиёрлигидан ичига сиғмай юрибди.

Жинна сал нарида ўтирган Диннинг ёнига бориб ўтирди. Гарри қизнинг хурсандлигидан севинмоқчи бўлди-ю, севина олмади.

Стоннинг нариги бошида санчқиси билан овқат титаётган Гермiona мағрур ёлғизликда ўтирибди. Роннинг Гермiona томон сездирмай қараб-қараб қўяётгани Гаррининг эътиборидан четда қолмади.

- Узр сўрасанг бўлар эди, - деди Гарри, таъна қилмай.
 - Узр сўрай? Кейин лаънати қушчаларига яна ем бўлай, а?
 - Нега уни мазах қилдинг?
 - Мўйловим устидан кулгани учун.
 - Мен ҳам ҳаётда ундай аҳмоқона мўйлов кўрмаган эдим.
- Бироқ Рон Гаррининг сўзларини эшитмади: Лаванда билан Парватти пайдо бўлди. Лаванда шу заҳоти Рон билан Гаррининг орасига суқилиб кириб, маҳбубининг елкасидан қучиб олди.
- Салом, Гарри, - кўришди Парватти.
- Унинг юзида ҳам дўстларнинг бундай хулқидан худди Гарри каби уялиб, тоқат қилишдан чарчагани кўриниб турибди.
- Салом, - жавоб қайтарди Гарри, - Ишларинг яхшими? «Хогварц»да қолибсан-да? Эшитишимга қараганда, ота-онанг сени олиб кетишмоқчи бўлган экан?
- Фикрларидан қайтаришга ҳозирча эришдик, - кулиб боқди Парватти, - Кэтти билан боғлиқ ҳодисадан сўнг, иккаласи ақдан озиб қолишига сал қолди. Ўхшаш ҳодиса такрорланмагани боис... Вой, Гермиона, салом! Парваттининг юзидан оқкўнгиллик нури ёғилмоқда. Қизнинг машғулот вақтида Гермионанинг устидан кулгани учун, ноқулайлик, уят ҳиссидан азият чекаётганини фаҳмлаган Гарри бошини буриб, гарчи бундай ҳолат ҳақиқатдан йироқ туюлса-да, Гермионанинг янада яшнаб ўтирганини кўрди. Қизлар баъзан тушунарсиз, жуда ғалати бўлади, хулоса чиқарди у, ўзига ўзи.
- Салом, Патил! - хушчақчақ оҳангда жавоб берди Гермиона, Рон билан Лавандага мутлақо эътибор қаратмай, - Дивангарднинг бугунги оқшомига борасанми?
- Мени ҳеч ким таклиф қилгани йўқ, у ерга, - қовоқ солиб, ғудуллади Парватти, - Афсус... Боришни жуда истар эдим. Зўр кеча бўлади... Ўзингчи, борасанми?
- Ҳа, Кормак иккаламиз кечқурун соат саккизда учрашамиз...
- Сувга тўлган ювиниш чиғаноғининг тиқини суғуриб чиқарилганда чиқадиган товуш каби овоз эшитилиб, Лаванданинг остидан чиққан Рон кўринди. Гермиона бунга эътибор ҳам қаратмади.
- ... бирга Дивангарднинг қабулига борамиз.
 - Кормак билан? - такрорлади Парватти, - Анави Маклагген Кормак билан-а?
 - Худди ўша билан, - лутфан тасдиқлади Гермиона, - «Гриффиндор» жамоасининг Қўриқчиси бўлиб қолишига сал қолган йигит, - деди у, сўнгги сўзларига алоҳида урғу бериб.
 - Иккалангиз учрашиб турасиз-ми? - сўради Патил, кўзини катта очиб.
 - А? Ҳа... Хабаринг йўқмиди? - ўзига ярашмаган тарзда хириглади Гермиона.
 - Йўғе, наҳотки?! - хитоб қилди Парватти, бундай хабардан ақлини

йўқотгандай бўлиб, - Квидиш ўйинчиларига омадинг доимо юришади-да, сенинг! Дастлаб Крум, энди Маклагген...

- Энг моҳир квидиш ўйинчиларига, - аниқлик киритди Гермиона, ҳиринглашини қўймай, - Майли, мен борай... байрам оқшомига ҳозирлик кўриб, ясениб олишим керак...

Гермиона ўрнидан туриб, ғурур-ла одимлай кетди. Лаванда билан Патил шу заҳоти бир-бири томон энгашиб, ҳодисаларнинг янгича ривожини, шунингдек, Маклагген ҳақидаги гап-сўзлар ва Гермионага оид фикр-мулоҳазаларни муҳокама қила кетишди. Рон ҳаракатсиз, ғалати ҳолатда, индамай ўтирибди. Гарри эса ичида таажжубланганча қолди: дарҳақиқат, бир аёлнинг макри қирқта туяга юк бўлади!

Кечқурун соат саккизда учрашув жойига келган Гарри вестибюлда ўта қизиқувчан халойиқ тўпланганини кўрди. Одамларнинг танқидий нигоҳларини ҳис этиб, Лунага яқинлашди. Қизнинг эғнидаги бугунги кийими – кумуш тусли ялтироқ тангачалар тақилган коржома ҳам томошабинларнинг нафратини қўзғатмоқда. Умуман олганда, Лунанинг кўриниши ёмон эмас. Редиска-сирға, арвоҳкўрар-у, ҳузур-лаззат тикинларисиз кийиниб чиқибди-ку, ҳар қалай.

- Салом, - кўришди Гарри, - Кетдик-ми?

- Ҳа, ҳа, - қувонч-ла, бош ирғиди Луна, - Қаёққа юрамиз?

- Дивангарднинг хизмат хонасига, - деди Гарри ва Лунани ғийбатлар-у, ҳаддан ортиқ қизиқувчан нигоҳлардан нари, мрамар зина бўйлаб юқорига етаклади, - У ерда қонхўр ҳам бўлишини эшитдинг-ми?

- Руфус Скримж-ми?

- Мен... Нима? - гапини йўқотиб қўйди Гарри, - Сехргарлик вазирини назарда тутяпсан-ми?

- Ҳа-да. Қонхўр-ку, ахир у, - жиддий оҳангда жавоб берди Луна, - Скримж эндигина Фужнинг ўрнига сайланганда, дадам бу ҳақда узундан узоқ мақола ёзган эди. Таассуфки, вазирлик, уни чоп этишга ижозат бермади. Сабаби аён: рост гап тўққанга ёқмайди, яъни улар ҳақиқат қарор топишини иташмайди.

Руфус Скримж қонхўр эканлигига Гарри шубҳа ила қарайди, албатта...

Лекин у, Лунанинг ўхшаш баёнотларига кўникиб қолган бўлиб, қиз ўз отасининг жуда ғалати ғояларига чин кўнгилдан ишонишини билади ва шу боис, ушбу масалада баҳслашмади.

Икковлон Дивангарднинг кулги, мусиқа, жонли суҳбатлар тобора баланд эшитилаётган хизмат хонасига яқин келди.

Дивангарднинг макони ё ўзининг меъморий хусусияти, ё аллақандай сеҳр-жоду таъсири остида ўқитувчининг оддий хизмат хонасига нисбатан каттароқ кўринмоқда. Шифт ва деворлар яшил, қирмизи ва сариқ рангли мовут билан қопланган бўлиб, хона йирик чайлага ўхшаб қолган.

Одамларнинг кўплигидан хонанинг ҳавоси оғир бўлиб қолган. Шифтнинг қоқ ўртасидан хонани қизил шуъла билан ёритган қандил осилиб тушган,

атрофда эса ёрқин нуқталар каби ҳақиқий соҳиралар гир айланганча, учиб юрибди.

Нариги бурчақда скрипка мусиқаси остида кимдир баланд овозда қўшиқ айтмоқда. Кекса дуохонларнинг бир неча нафари тамакининг қалин тутуни ортига бекиниб, қизғин суҳбатлашмоқда. Меҳмонларнинг оёғи остида уй элфларининг бутун бошли армияси чийиллаганча югуриб юрибди. Улар газак тарқатиб, вазмин кумуш патнислар остида деярли кўринмай, паст бўйли кичик столларни эслатмоқда.

- Гарри, ўғлим! - ўкирди, эгнига смокинг, бошига попукли духоба шляпа кийиб олган Дивангард, хонага кириб келган Гарри билан Лунани кўриб қолиб, - Кир, ичкарига кир, мен сени кўпчилик билан таништириб қўяман!

У Гаррини худди ҳавода биргаликда даф бўлишга ҳозирланган каби, маҳкам қучиб олиб, меҳмонлар орасига етаклади. Гарри эса Лунанинг қўлидан ушлаб, ортидан тортди.

- Танишинглар, Гарри, собиқ ўқувчим, «Қондош оғалар: қонхўрлар орасида ўтган ҳаётим» китоби муаллифи Элдред Уорпл ва унинг дўсти Кровур.

Кўзойнак таққан паст бўйли Уорпл Гаррининг қўлини зўр ғайрат-ла силтади. Юзи зериккан киши қиёфасини касб этган, кўзининг ости қорайиб, афтидан, ўларча толиққан новча бўйли Кровур эса сезилар-сезилмас бош ирғиб қўйди. Сал нарида йиғилган қизлар галаси ушбу қонхўрга катта қизиқиш-ла, тикилиб турибди.

- Гарри Поттер! Бағоят хурсандман! - хитоб қилди, узоқни кўра олмайдиган Уорпл, юзини Гаррининг юзига яқинроқ келтирганча термилиб, - Профессор Дивангарддан яқинда сўраган эдим: «Гарри Поттернинг кўпдан буён кутилаётган таржимаи ҳоли» китобини қачон ёзиб тугатасиз, - деб.

- Э-м-м-м... - ҳайрон бўлди Гарри, - Кўпдан буён кутилаётган?

- Ҳа-а, Гораций айтганча бор экан! Фавқулудда камтаринлик! - лол қолди Уорпл, - Агар жиддий гаплашадиган бўлсак, - деди у, ишбилармон киши бўлиб, - Ўша китобни ўзим бажонидил ёзган бўлар эдим. Одамлар сен ҳақингдаги батафсил маълумотларга ташна, болакай, ниҳоятда ташна! Агар менга беш-олтита, айтайлик, ҳар бири беш-олти соатли интервью ҳада этсанг борми, бир неча ойдан сўнг, бутун бошли китоб тайёр бўлади қолади! Ишонтириб айтаман-ки, сендан кўп харажат талаб этилмайди.

Истасанг, мана, Кровурдан сўраб билишинг мумкин... Кровур, жойингда!

- дарғазаб бақирди, кутилмаганда у, қонхўрнинг қизлар томон очкўзлик-ла одимлай кетганини кўриб, - Йигитча, ўша китоб қанча даромад келтиришини тасаввур ҳам қила олмасанг керак...

- Бу мени мутлақо қизиқтирмайди, - қатъий оҳангда баёнот қилди Гарри, - Маъзур сананг, танишимни кўриб қолдим...

Гарри Лунани етаклаганча, халойиқ орасига кириб кетди. Чиндан ҳам,

«Шайтон сингиллари» муסיкий гуруҳининг икки нафар қўшиқчиси орасида қўнғир сочининг қалин тутами кўринди.

- Гермиона! Гермиона!

- Гарри! Шу ердамисан? - хитоб қилди, юзи худди ҳозиргина Иблис тўридан халос бўлган киши қиёфасини касб этган Гермиона, - Фалакка шукур! Салом, Луна.

- Сенга нима қилди? - сўради Гарри.

- Вой, базўр қутулиб олдим... Кормақдан... омела остида ташлаб кетдим, уни, - тушунтириш берган бўлди Гермиона, Гаррининг ҳеч нарсани тушунмаётган нигоҳига жавобан.

- Ажаб бўлсин! Уйлаб босишинг керак эди қадамингни, - койиб берди Гарри.

- Роннинг жиғига тегмоқчи бўлдим, - деди Гермиона, ифодасиз оҳангда, Кормак ёки Заккерайес Смитни танлаш борасида иккиланиб қолдим. Умуман айтганда...

- Смит борасида иккиландинг? - башарасини буриштирди Гарри.

- Ҳа. Энди эса ўшани танламаганимдан афсус қилмоқдаман. Ҳатто Гурп ҳам, Маклаггенга нисбатан кўпроқ жентельмен бўлса керак. Бу ёққа юринг, кўзга кўринади у, бўйи жуда баланд...

Учаласи бир қадаҳдан глинтасал олиб, нариги девор олдига, у ерда ёлғиз турган профессор Треланини жуда кеч кўриб қолган ҳолда ўтишди. Гарри ошпазликда ишлатиладиган херес ҳидини боз сезиб қолди.

- Салом, - боадаб кўришди Луна.

- Хайрли кеч, азизам, - жавоб қайтарди профессор Трелани, нигоҳини Лунага базўр жамлаб олиб, - Сўнгги вақтда дарсларимда кўринмай қолдинг?...

- Бу йил Фиренцининг дарсларига қатнаяман, - жавоб берди Луна.

- Ҳа, албатта, қирчанғи от, - заҳаргина истехзо қилди профессор Трелани, тилини маст кишига хос равишда тақиллатиб қўйиб, - Мактабга қайтганимдан сўнг, ҳайдаб юборса бўлар эди профессор Дамблдор, ўша тўрт оёқли аҳмоқ дўстини, тўғрими? Йўқ... биргаликда дарс ўтадиган бўлдик... Тўғриси айтганда, бундай ҳолат мен учун ҳақоратдан ўзга нарса эмас, биласизми?...

Профессор Трелани шу даражада маст эдики, Гаррини танимади. Фиренце ҳақорат қилинар экан, Гарри Гермионага яқинроқ бориб пичирлади:

- Кел, бир нарсани ойдинлаштириб олайлик. Саралаш синовларида қилган ишингни Ронга айтиб бериш ниятинг борми?

- Сен мени чиндан ҳам, бу қадар пастликка қодир, деб ўйлайсан-ми? - хафа бўлди, қоши кўтарилиб кетган Гермиона.

- Модомики, Маклаггенни таклиф этишга қодир экансан... - қизга диққат билан назар солди Гарри.

- Бу мутлақо бошқа нарса, - ғурур-ла баёнот қилди Гермиона, - Мен Ронга

Қўриқчи саралаш синовлари давомида юз берган ёки юз бермаган нарсаларни айтиб бермоқчи эмасман.

- Жуда тўғри қарор, - қизгин маъқуллади Гарри, - Акс ҳолда у яна бўшашиб, кейинги ўйинни бой бериб қўямиз...

- Квидиш! - домангир хитоб қилди Гермiona, - Бошқа нарсалар ҳам ўйлантирадими, сизларни? Кормак ҳам мен ҳақимда деярли ҳеч нарса сўрамади, лекин мен, «Кормак Маклаггеннинг энг зўр юзта ўйини»ни мажбур эшитишга мажбур бўлдим... тавба...

Гермiona худди ҳавода даф бўлган каби, кутилмаганда кўздан ғойиб бўлди. Ҳозиргина шу ерда турган қиз хандон отиб кулаётган икки афсунгар аёл ўртасидан ўтиб, гум бўлди. Яна бир дақиқа ўтар-ўтмас, халойиқ орасидан Маклагген чиқиб келди.

- Гермionани кўрмадингиз-ми?

- Йўқ, кўрмадим, узр, - деди Гарри, Луна томон ўгирилиб.

Бироқ у, Луна ким билан гаплашиб турганини мутлақо унутиб қўйган экан.

- Гарри Поттер! - титроқ овоз-ла хитоб қилиб юборди профессор Трелани, қалин шишали кўзойнаги орқали Гаррини эндигина таниб.

- А-а, салом, - ифодасиз кўришди Гарри.

- Болагинам! - баланд овозда пичирлай кетди профессор Трелани, - Қанчадан-қанча миш-миш гаплар! Ғийбатлар! Мумтоз! Мен буни аллақачон билганман, албатта... Лекин айтарли бирон-бир яхши нишона йўқ, Гарри... Нима учун башорат дарсига қайтмадинг? Менинг фаним сен учун ҳар қандай бошқа фанга кўра, ўта муҳимдир, тушун!

- Оҳ, Сибилла, ишончим комилки, ҳар биримиз: «Мен ўқитаётган фан – фанлар орасида энг муҳим фандир!» - деб биламиз, - эшитилди баланд овоз.

Профессор Треланининг ортида юзи қизариб, шляпаси ён томон оғиб қолган, бир қўлига каттагина пирог бўлагини ушлаб олган Дивангард пайдо бўлди.

- Бироқ мен, бундай истеъдод соҳибини учратаман деб ўйламаган эдим!

Туғма дамламачи! - давом этди Дивангард, қизарган кўзи ила Гаррига меҳр-ла қараб, - Фаҳми, агар билмоқчи бўлсангиз, худди онасининг фаҳмига ўхшайди! Тан олишим жоизки, Сибилла, бундай қобилият соҳибларининг атиги бир нечтасини учратганман холос... ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳатто Северус ҳам...

Шу ерга келганда, Дивангард кескин ҳаракат бажариб, халойиқ орасидан Снеггни тортиб чиқарди.

- Бас қил, қовоқ ўйиб, яккамоховга ўхшаб юришни. Даврага қўшил, Северус! Гаррининг дамламачилик борасидаги ажойиб қобилияти ҳақида гапириб турган эдим! - қувонч-ла ҳиқиллаб қўйди Дивангард, - Бу масалада, сенинг хизматинг, ҳеч шубҳасиз, беқиёсдир. Беш йил ўқитгансан-ку, уни ҳар қалай!

Дивангард Снегнинг елкасини шу қадар маҳкам қучиб олганки, бечора қилт эта олмади. Снег қора кўзини қисиб, қирғий бурни узра Гаррига диққат билан разм солди.

- Қизиқ, бефойда ўтган ўша беш йил давомида у ҳеч нарсани ўргана олмади, деган хулоса чиқарган эдим.

- Демак унда туғма истеъдод бор! - овоз кўтарди Дивангард, - Илк дарсимда намоён этган маҳоратини кўрганингда эди! Мактаб ўқувчиси тирик қолдирадиган ажал қултумини биринчи уринишидаёқ тайёрлай олишини ҳали кўрганим йўқ! Ҳатто сен ҳам, Северус...

- Шунақа денг? - деди Снегг, Гаррига тешиб юборгудай тикилиб. Гарри саросимага тушиб қолди. Нима сабабдан Гарри кутилмаганда дамламачилик устаси бўлиб қолганини суриштириши камлик қилиб турган эди.

- Ўзлаштиришни давом эттириш мақсадида қайси фанларни танлаганингни эслатиб ўт-чи менга, Гарри, - илтимос қилди Дивангард.

- Ёвузлик кучидан ҳимоя, афсун ўқиш, бир нарсани бошқа нарсага айлантириш, гербология...

- Бир сўз билан айтганда, бўлажак аврорга керак бўладиган фанлар, - истехзо-ла таъкидлаб қўйди Снегг.

- Ҳа, айнан шундай фаолият билан шуғулланмоқчиман, - гап қайтариш оҳангида жавоб берди Гарри.

- Ва сен бунга эришасан! - маъқуллади Дивангард.

- Менимча эса, аврор бўлишинг керак эмас, Гарри, - кутилмаганда гапга аралашди Луна, сўхбатдошлар даврасининг диққат-эътиборини ўзига қаратиб, - Аврорлар Кариес фитнасини амалга оширадиган ижрочиларнинг бир қисми саналади. Буни ҳамма билади, деб ўйлайман. Улар ёвуз сеҳр воситаси ва милк касаллигини тарқатиш орқали вазирликка ичкаридан путур етказишга уринишади.

Гарри глинтасалга тикилиб қолди. Ҳақиқатан ҳам, ўхшаш мулоҳазалар юритиш учунгина, Лунани бундай оқшомларга таклиф қилса арзийди! Коржомасига ичимлик тўкиб, ҳўл қилганча йўталаётган бўлса ҳам, Гарри кулиб, қадаҳ узра кўриб қолган манзарадан янада завқланиб кетди: Аргус Филч Драко Малфойни қулоғидан маҳкам ушлаб олганча, куч билан тортиб келмоқда.

Қоидабузарликни фош этиб, айбдорни қўлга олганидан ўзини бахтиёр ҳис этаётган Филчнинг лунжлари титраб, укки кўзи васвосга тушиб қолган кишининг кўзидай ёнмоқда.

- Профессор Дивангард, - хириллади у, - Мана бу бола юқори қаватдаги йўлакларда изғиб юрган экан. Оқшомингизга таклиф этилган бўлиб, бироз кечикиб келганини сабаб тариқасида рўқач қилмоқда. Таклифнома йўллаган эдингизми, унга, сэр?

Малфой қулоғини Филчнинг чангалидан тортиб чиқариб, дарғазаб оҳангда ўшқирди:

- Яхши, яхши, олмаганман мен ўша таклифномани! Таклифсиз кирмоқчи бўлдим, энди кўнглингиз жойига тушди-ми?

- Йўқ, тушмади! - жавоб қайтарди Филч, гарчи унинг ушбу баёноти кўзида ярқираётган қувонч оловига мос келмаётган бўлса-да, - Қўлга тушдинг, тушунарлими? Директор айтганми-ди, махсус рухсатномасиз тунда изғиб юриш ман этилган, деб?

- Ҳақ гап айтдинг, Аргус, ҳақ гап, - қўл силтади Дивангард, - Бироқ бугун Рождество байрами. Байрам оқшомида иштирок этиш истаги эса жиноят саналмайди. Келинг, шу сафар жазога тортмай қўя қолайлик уни. Қолишинг мумкин, Драко.

Тарвузи қўлтиғидан тушиб, ҳафсаласи пир бўлган Филчнинг юзи шу заҳоти қайғули қиёфа касб этди. Унинг қайғусини тушунса бўлади, албатта, лекин Малфойнинг юзи ҳам бундай қиёфа касб этиш сабабини Гарри тушунмади. Снегг-чи, нима учун у Малфойга дарғазаб ва айни вақтда... бўлиши мумкин эмас... кўрқув-ла қараб турибди?...

Филч шартта орқа ўгирди-да, нималардир пўнғиллаб, каловланганча чиқиш эшиги томон кетди. Малфой башарасида кулги ясаб, олижаноблик қилгани учун Дивангардга миннатдорлик билдирди, Снеггнинг юзи эса боз ифодасиз бўлиб қолди.

- Арзимаиди, арзимаиди, - қўл силтади Дивангард, - Мен чиндан ҳам, бобонгни шахсан танир эдим...

- У доимо сиз ҳақингизда илиқ фикрлар билдириб келган эди, сэр, - таъкидлаб қўйди Малфой, - Сизга бас келадиган дамламачини билмаган экан...

Гарри Малфойга диққат билан разм солиб, унинг хушомадлигидан эмас, зеро у доимо Снеггнинг олдида лаганбардорлик қилиб ўрганиб қолган, ҳолати қандайдир бетоб кўринаётганидан ҳайрон бўлди. Уни анчадан буён яқин масофада кўрмаган экан. Кўзининг таги қорайиб, юзи қандайдир кул ранг тус олибди.

- Сен билан гаплашиб олмоқчиман, Драко, - гапга аралашди Снегг.

- Қўйсанг-чи, Северус, - деди боз ҳиқичоғи тутиб қолган Дивангард, - Рождество нишонланаётган бўлса... ундай қаттиққўл бўлма...

- Мен Малфой таҳсил кўраётган коллеж мудирини бўламан, - гапни кесди Снегг, - Қаттиққўл ёки юмшоққўл бўлишни ўзим ҳал қиламан. Драко, ортимдан.

Иккаласи нари кетди. Снегг олдинда, хафа бўлган Малфой эса ортда борди. Гарри бироз иккиланиб турди-да, Лунага юзланиб пичирлади:

- Мен ҳозир қайтаман, Луна. Мен... қисқаси, қўлимни ювиб келаман.

- Яши, - қувноқ оҳангда жавоб берди қиз ва унинг мулоҳазасига катта қизиқиш билдирган профессор Трелани билан Кариес фитнасига оид мулоҳазасини муҳокама қилишни давом эттирди.

Йўлакка чиққан Гарри киссасидан кўринмас плашини олиб, устига ташлади. Атрофда ҳеч ким йўқ. Снегг Малфойни ўз хизмат хонаси томон

эргаштириб кетган бўлиши мумкин, лекин Гарри ҳар эҳтимолга қарши, ҳар бир эшикка қулоқ тутиб борди. Иккаласини қидириб топиш осон кечмади. Ниҳоят у, йўлакдаги охириги синф хонасида таниш овозларни эшитиб, севинганидан бир сакраб қўйди.

- ... хатога йўл қўйиб бўлмайди, Драко. Ахир сени мактаб ўқувчилари рўйхатидан четлаштириб юборишлари...

- У ишга менинг дахлим йўқ, тушунарлими?

- Умид қиламан. Ғайритабиий равишда, аҳмоқона иш тутилган. Сени шундоқ ҳам дахлдорликда гумон қилишмоқда...

- Ким? - дарғазаб ўшқирди Малфой, - Сўнги бор айтаман, у ишга менинг дахлим йўқ, тушунарлими? Ўша қизнинг, Беллмиди, эҳтимол, биров билмас душмани бордир... Менга бундай қараманг! Ичингиздагини биламан, аҳмоқ эмасман! Фақат қўлингиздан келмайди, йўл қўймайман! Орага сукунат чўқди.

- А... кўряпман, - деди Снегг, - Беллатрикс холанг окклуменцияни ўргатиб қўйибди-да, а? Қайси ниятларингни яширяпсан соҳибингдан, Драко?

- Ундан ҳеч нарса яширганим йўқ. Сиз аралашингизни истамайман! Гарри қулоғини қулф тешигига қаттиқроқ босди. Нима учун доимо эҳтиром-ла қараб, орқасидан лаганбардорлик қилиб юган Снегг билан энди бундай оҳангда гаплашадиган бўлиб қолди, Малфой?

- Гап бу ёқда, дегин?! Шунинг учун семестр давомида мендан қочиб юрган экансан-да. Мен аралашиб қолишимдан қўрқяпсан-ми? Ўзинг биласан, Драко, агар мен бировни ўз хонамга чақирган бўлсам-у, у келмаса...

- Жазоланг мени! Бориб, устимдан Дамблдорга арз қилинг! - ўшқирди қилди Малфой.

- Унисини ҳам, бунисини ҳам қилмаслигимни яхши биласан, - деди Снегг, бироз сукут сақлагач.

- Ундай бўлса, мени хонангизга чақираверишни бас қилинг!

- Гапимга қулоқ сол, - деди Снегг жуда паст овозда, - Сенга ёрдам бермоқчиман. Сени ҳимоя қилиш борасида онангга сўз берганман. Бузилмас онт ичганман, мен, Драко...

- Уни бузингизга тўғри келади. Зеро мен, сизнинг ҳимоянгизга муҳтож эмасман! Зиммамга соҳиб томонидан юкланган вазифа бор. Ўша вазифа шахсан менга топширилган ва мен уни бажараман. Топшириқ ижросига оид ўз режам ҳам бор, панд бермайди! Фақат, мен ўйлагандан кўпроқ вақт талаб этилмоқда холос!

- Қанақанги режа экан, у?

- Ишингиз бўлмасин!

- Нима қилмоқчи бўлганингни айтсанг, сенга ёрдам бераман...

- Ёрдамчиларим бор, раҳмат, ёлғиз эмасман!

- Бироқ бугун ёлғиз эдинг ва бу, ўта кетган аҳмоқликдан ўзга нарса

бўлмади. Қаср йўлаклариди қўриқчиларсиз, мададсиз изғиб юришинг!
Хато йўл тутиб...

- Краббе билан Гойлни меҳнат жазосига тортмаганингизда, иккаласи ёнимда бўлар эди!

- Секинроқ! - овоз кўтарди Снегг, қичқириб юборган Малфойга, - Агар дўстларинг ёвуз кучлардан ҳимоя фанидан МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш учун имтиҳонни муваффақиятли топширишни ният қилишган бўлишса, улар ўз устида кўпроқ ишлашлари лозим.

- Фарқи нима?! - боз қичқирди Малфой, - Ёвуз кучлардан ҳимоя эмиш... Мазах ва мунофиқликдан ўзга нарса эмас! Худди бирортамизга улардан ҳимояланиш керак бўлгандай...

- Ушбу мунофиқлик муваффақиятга эришишимиз йўлидаги ҳаётий муҳим масаладир, - жавоб берди Снегг, - Агар ўзимни уларнинг тарафдори сифатида кўрсатиб юрганымда, нима деб ўйлайсан, қаерда ўтказган бўлар эдим шунча йилларни? Энди менинг гапимни эшит! Оқшомда йўлакка чиқиб, бунинг устига қўлга тушиб қолиб, ўта эҳтиётсиз иш тутдинг. Агар Краббе билан Гойлга ўхшаш ёрдамчиларга таянаётган бўлсанг...

- Нафақат. Тасарруфимда улардан дурустроқ ёрдамчиларим ҳам бор.

- Шундай экан, нега ўшалар қатори менга ҳам ишонч билдирмайсан? Мен сенга анча...

- Биламан, нимани ният қилганингизни жуда яхши биламан! Менинг шуҳратимни ўғирлаб олмоқчисиз!

- Ёш боладай фикр юритяпсан, - деди Снегг совуқ оҳангда, бироз сукут сақлаб тургач, - Тушунаман, отангнинг ҳибсга олингани сени...

Малфойнинг қадамини эшитган Гарри ичкарида нима бўлаётганини англаб етишга базўр улгурди. Эшик ланг очилишидан атиги бир нафас олдин ўзини четга отди.

Дивангарднинг хизмат хонасини четлаб ўтган Малфой йўлак бўйлаб шиддат-ла одимлаганча, муюлиш ортига ўтиб, кўздан ғойиб бўлди.

Гарри деярли нафас олмай букилиб турди. Юзи тушунарсиз қиёфа касб этган Снегг синф хонасидан аста чиқиб, байрам нишонланаётган хонага кириб кетди. Гарри эса эшитган гапларини идрок этганча, анча вақтгача ўтирган жойида қолди.

XVI БОБ. НИҲОЯТДА СОВУҚ РОЖДЕСТВО

Бошпана деразаси ортида қалин қор ёғмоқда.

- Снегг Малфойга ўз ёрдамини очиқдан-очиқ таклиф қилди-ми, а?

- Агар яна бир марта сўрайдиган бўлсанг, - ғижиниб ғулдиради Гарри, - Мана бу ўсимликни бирон ерингга тиқиб қўяман...

- Аниқлик киритяпман холос! - овоз кўтарди Рон.

Икковлон миссис Уэсли учун ошхона чиғаноғи олдида сарсабил тозаламоқда.

- Ҳа, Снегг унга ўз ёрдамини таклиф қилди, - деди Гарри, ҳар бир сўзини дона-дона талаффуз этиб, - Онасига бу борада ваъда қилгани, аллақандай Бузилмас онт-ми, шунга ўхшаш қасам ичганини айтди.

- Бузилмас онт? - ҳайратланди Рон, - Бўлиши мумкин эмас!... Ишончинг комилми, шундай деганига?

- Ҳа, комил, - деди Гарри, - Нима эди?

- Бузилмас онтни бузиб бўлмайди!

- Биласанми, эҳтимол, кулгинг қистар-у, буни мен шундоқ ҳам яхши тушуниб етдим. Бузилса нима бўлади? Шундан гапир.

- Тил тортмай ўлади, - соддагина тушунтириш берди Рон, - Эсимда... ўшанда эндигина беш ёшга тўлган эдим. Фред билан Жорж менга Бузилмас онт ичирмоқчи бўлишди... Онт ичишимга сал қолган эди ҳам... Фред иккаламиз қўл ушлашиб турган эдик, кутилмаганда дадам келиб қолди. Қилаётган ишимизни кўрди-ю, худди ойим каби қутуриб кетди! - деди Рон, ширин хотираларни эслаганча, кўзи айланиб, - Дадамнинг ундай важоҳатини бошқа ҳеч кўрмаганман. Қисқаси, Фреднинг сўзларига қараганда, ўша кундан эътиборан думбасининг чап ярми ўнг ярмидан фарқ қиладиган бўлиб қолибди.

- Хўп, яхши. Фред думбасининг чап ярмини ўтказиб юбориб гапирганда-чи?

- Тушунмадим, қаеримни ўтказиб юборганда? - эшитилди Фреднинг овози.

Ошхонага эгизаклар кириб келишди.

- Жорж, мана бу иккаласини қара, сарсабилни қўлда тозалашяпти! Бечора кичкинтойлар!

- Икки ойдан сал ўтсин, ўн еттига тўламан, - пўнғиллади Рон, - Ўшанда, барча ишларни сеҳр-жоду воситасида бажараман!

- Унга қадар эса, - оёғини стол устига қўйди, курсига астойдил жойлашиб олган Жорж, - Ҳар хил асбоблардан қандай фойдаланиш кераклигини ўрганиб оламиз... Ие, оббо!

- Сен айбдорсан! - юракдан айблади Рон, кесиб олган бош бармоғини оғзига солиб, - Шошмай тур, ўн еттига тўлиб олай...

- Ўшанда сен, жамики жаҳонни ўз маҳоратинг ила ларзага келтириб юборасан, - эснади Фред.

- Ҳа, айтгандай, ҳеч ким билмайдиган сеҳргарлик маҳоратинг ҳақида, Рональд, - истехзо қилди Жорж, - Сен ва аллақандай, агар олинган маълумотлар рост бўлса, гўзалликда тенги йўқ қизалоқ Лаванда Браун ҳақида қандайдир миш-миш гаплар юрибди-ми?

Рон қизариб, чиғаноқ томон тескари қараб олди-ю, қиёфаси мамнун кўринди.

- Ишинг бўлмасин.

- Ақлли жавоб, - деди Фред, - Қандай ўйлаб топасан, а, бундай жавобларни? Биз шунчаки, билиб қўймоқчи эдик... Унга нима қилган ўзи?

- Қайси маънода?

- Бошига ғишт тушганми, ё?...
- Нима?

- Қандай қилиб, унинг мияси бу қадар жароҳатланганини билиш қизиқ-да... Ҳой, ҳой, ўзингни бос!

Фред таёқчасини эринчоқлик билан силтаб, Роннинг эгизаклар томон улоқтирган пичоғини қоғоз самолётга айлантириб қўйди. Ўчакишгандай, айнан шу фурсатда ошхонага миссис Уэсли кириб қолди.

- Рон! - қичқирди у, жаҳли чиқиб, - Иккинчи кўрмай, акангга пичоқ улоқтирганигни!

- Яхши, - пўнғиллади, сарсабил томон ўгирилган Рон, - Кўрмайсиз.

- Фред, Жорж, кечирасиз, азизларим. Бугун кечқурун Рэм келар экан, хонангизга Биллни сиғдиришга тўғри келади.

- Муаммо бўлиши мумкин эмас, - деди Жорж.

- Модомики, Чарли келмас экан, чордоқ Гарри билан Роннинг ихтиёрига ажратилади. Хўп, агар Флёрни Жиннанинг хонасига жойлаштирсак...

- ... Жинна масрур Рождество билан чиндан ҳам тўла-тўқис таъминланади, - гап қистирди Фред, пўнғиллаб.

- ... ҳаммага яхши ва қулай бўлади. Ҳар қалай, ётгани жой топилади, - бироз ҳорғин оҳангда яқунлади миссис Уэсли.

- Демак Перси, ўзининг совуқ турқини бу йил ҳам кўрсатмайди, шундайми? - сўради Фред.

- Йўқ. Тушунишимча унинг қўли вазирликдаги ишлардан бўшамайди, - тескари ўгирилиб жавоб берди миссис Уэсли.

- Ёки у, бу ёруғ дунёдаги энг йирик мол, - деди Фред, миссис Уэсли ошхонадан чиқиб кетиши ҳамона, - Иккаласидан бирида, ишқилиб. Ҳмм... Жорж, жўнайдиган вақт бўлибди.

- Қаёққа? - қизиқди Рон, - Ёрдам бериб юборсангиз бўлар эди. Таёқчангизни бир бор силтаб қўйсангиз бўлди-ку, сиздан нима кетди? Биз ҳам бўшар эдик!

- Йўқ, бунга ҳақимиз йўқ, деб ўйлайман, - жиддий оҳангда жавоб берди Фред, - Сарсабилни сеҳр-жоду қўлламай тозалаган киши табиатан тобланади, маглар-у, швахлар ҳаёти нақадар қийин кечишини ич-ичдан англаб етишига имкони туғилади...

- ... ва агар сен, Рон, одамлар ёрдам беришини истасанг, - қўшимча қилди Жорж, укасига самолёт улоқтириб, - Сенинг ўрнингда уларга қарата пичоқ улоқтирмаган бўлар эдим. Сенга ёрдам тариқасида берадиган кичик маслаҳатим шу. Хўп, майли, биз қишлоққа чиқиб келайлик. У ердаги газета дўконидан бир соҳибжамол қиз ишлар экан. Қарта воситасида кўрсатадиган кўзбоғловчилигим, унга деярли сеҳргарлик сингари кўринар экан.

- Қўйлар, - деди қор қоплаган ҳовлида кетаётган эгизак акаларига деразадан қараб қўйган Рон, маъюс оҳангда, - Атиги ўн сония вақт сарф этишганида, биз ҳам борар эдик.

- Йўқ, мен бормаган бўлар эдим, - эътироз билдирди Гарри, - Уйдан ташқарига чиқмаслик борасида Дамблдорга ваъда берганман.

- Ҳа, албатта, - деди Рон ва сарсабилнинг яна бир-иккита поясини тозалагач, сўради: - Снегг билан Малфой тўғрисида Дамблдорга ҳам айтиб берасанми?

- Уларнинг қабих ишларига барҳам беришга қодир бўлган ҳар қандай кишига айтиб бераман. Дамблдор эса бундай кишилар рўйхатида биринчи ўринда туради. Дадангга ҳам айтиб бериш ниятим бор.

- Малфой нималар билан банд эканлигини эшитмаганинг чатоқ бўлибди-да.

- Қандай эшитишим мумкин? У ҳатто анави Северусга айтишдан ҳам бош тортди-ку.

Бироз сукут сақлаб ишлашгач, Рон қизиқиш билдириб қолди:

- Дадам, Дамблдор ва бошқалар сенга нима деб жавоб беришларини олдиндан биласан, албатта, шундайми? Улар: Снеггнинг ёрдам бериш нияти, аслида, Малфойнинг кўзланган мақсадидан воқиф бўлишдир, дейишлари муқаррар.

- Оҳангини эшитмаган-ку, улар, - деди Гарри ифодасиз, - Ҳеч ким бунчалик ростакам ўйнай олмайди, ҳатто ўша Снегг ҳам.

- Мен... шунчаки... ўз фикримни айтдим-қўйдим-да, - елка қисди Рон. Гарри қошини чимириб Ронга қаради.

- Сен ўзинг ишонасанми, менга, ишқилиб?

- Ишонаман, албатта! - деди Рон, - Чин сўзим! Лекин Снегг Орденнинг содиқ аъзоси эканлигига, уларнинг ишончи комил. Шуниси бор.

Гарри индамади. Бундай эътирозлар ҳақида у аллақачон ўйлаб бўлган. У ҳатто Гермионанинг жавобини ҳам олдиндан тасаввур қила олади:

«Гарри, у ўзини ёрдам бермоқчи бўлган киши сифатида кўрсатмоқчи бўлгани аён-ку. Аслида эса, Малфойнинг ниятидан бохабар бўлишни истаган»...

Бу фақат тасаввургина холос. Гарри пинҳон эшитган суҳбат ҳақида Гермионага айтиб беришга улгурмай қолди. Дивангарднинг байрам оқшомига қайтганида, Гермиона у ердан чиқиб кетган экан. Ҳар қалай, роса хуноб бўлган Маклагген шундай деган эди. Умумий меҳмонхонада ҳам кўринмади. Фақат тонг саҳарда, Рон билан бирга Бошпана томон йўл олган пайтда Гермионага масрур Рождество тилаб, қулоғига, таътилдан сўнг муҳим янгилик айтиб беришини ваъда қила олд. Лекин Гермиона унинг сўзларини эшитган-эшитмаганини билмайди. Негаки, айна вақтда, Гаррининг ортида турган Рон Лаванда билан жуда қуюқ хайрлашаётган эди.

Нима қилганда ҳам, Гермиона бир нарсани инкор эта олмайди, у ҳам

бўлса, Малфойнинг нияти бузуқлиги ва Снегнинг бундан хабардор эканлиги.

Таассуфки, бугунги кунга қадар Гаррининг мистер Уэсли билан бафуржа ўтириб суҳбатлашиш имкони бўлмади. У ҳар куни ишдан ярим кечада қайтмоқда, ҳатто мана, Рождество оқшомида ҳам.

Кечқурун Уэслилар оиласи ва меҳмонлар Бошпана меҳмонхонасида йиғилди. Жинна меҳмонхонани шундай безабди-ки, хона гўё қоғоз маржонлари портлашининг марказига айланиб қолибди. Арча учига фаришта маҳкамланган бўлиб, Фред, Жорж, Гарри ва Рондан ташқари, аслида у, Рождество тушлиги учун сабзи юлишга чиқиб, Фреднинг болдирини тишлаб олган боғ гноми эканлигини ҳеч ким билмайди. Донг қотирилган гномнинг танаси тилла рангга бўялиб, эгнига бўйига яраша тикилган балет кийими кийдирилди, белига эса митти қанотлар маҳкамланди. Энди меҳмонхонага йиғилган меҳмонларга кал картошка бошли, оёғини тук қамраган энг хунук фаришта бақрайиб турибди. Миссис Уэслининг энг севимли қўшиқчиси Селестина Уорбекнинг радио орқали байрам концерти узатилиб, уни ҳамма тингламоқда, дея ҳисобланмоқда. Ёғочдан тайёрланган йирик ўлчамли радиоқабулқилгич хириллаган куй таратмоқда. Флёр, афтидан, Селестинани ниҳоятда зерикарли қўшиқчи, деб билади шекилли, овозини пасайтирмай гаплашмоқда. Бурун катаklarини дарғазаб шишириб олган миссис Уэсли эса гоҳ-гоҳида сеҳрли таёқчасини овоз ростлайдиган мурватга ўқтаб, қўшиқ овозини тобора кўтариб бормоқда.

«Аччиқ муҳаббат-у, ширин севгига тўлган қозоним» номли, деярли жаз композицияси бошланган фурсатда, Фред, Жорж ва Жинна учаласи поқилдоқ ўйнашга журъат эта олишди.

Рон худди тажриба ошироқчи бўлган каби, Билл билан Флёрнинг хатти-харакатини зимдан кузатиб бормоқда.

Эгнидаги кийими бир аҳволга келиб, ўзи озиб-тўзиб кетган Рэм Люпин камин ёнида, Селестинанинг қўшиғига эътибор бермай, оловга қараб ўтирибди.

- Ўн саккиз ёшлигимизда, ушбу қўшиқлар остида рақс тушар эдик, - хитоб қилди миссис Уэсли, кўз ёшини тўқима дастрўмолча билан артиб, - Эсингдами, Артур?

- А? - сесканиб кетди, мандарин тозалаб ўтирган жойида мизғиб қолган мистер Уэсли, - Ҳа, ҳа, ажойиб куй...

У белини зўр бериб тўғрилаб олгач, ёнида ўтирган Гаррига қараб қўйди.

- Кечирасан, - деди у, радио томон имо қилиб, - Ҳозир тугаб қолар.

Бу пайтга келиб, Селестинага хор жўр бўлди.

- Ҳеч қиси йўқ, - кулиб қўйди Гарри, - Вазирлик қалай? Иш кўпми, дейман?

- Жуда, - жавоб берди мистер Уэсли, - Бамаъни иш бўлса ҳам майли эди, индамас эдим, лекин... Икки ой ичида уч кишигина ҳибсга олинган ва

афтидан, уларнинг бирортаси ҳам ҳақиқий Ўлимдан мириқувчи эмас... Фақат бу ҳақда ҳеч кимга айта кўрма, - кутилмаганда қўшимча қилди у, охиригача уйғониб.

- Наҳотки Қўриқчи Стэнни ҳалигача қўйиб юборишмаган бўлишса? - таажжубланди Гарри.

- Афсуски, йўқ, - деди мистер Уэсли, - Аниқ биламан-ки, Дамблдор ушбу масала бўйича Скримжга мурожаат қилган... яъни айтмоқчиман-ки, уни сўроқ қилганларнинг бари бир овоздан, мана бу мандарин қанақанги Ўлимдан мириқувчи бўлса, Стэнни ҳам шундай мириқувчи деб топган... Лекин олий тоифали мансабдор шахсларга соҳага оид жўшқин фаолият олиб борилаётган вазиятни юзага келтириш жуда зарур. Уч кишининг ҳибсга олингани эса, уч киши янглиш равишда ҳибсга олиниб, қўйиб юборилганидан кўра афзалроқ... Бироқ бу ҳам қатъий сир сақланиши лозим...

- Мен ҳеч кимга айтмайман, - ишонтирди Гарри.

У сукут сақлаб, гапни нимадан бошлаш кераклиги ҳақида ўйланиб қолди. Селестина Уорбек эса бу вақтга келиб, ўзининг «Сехринг-ла ўғирладинг менинг қалбимни» қўшиғини чўзиб қолди.

- Мистер Уэсли, мактабга жўнашдан олдин вокзалда айтган сўзларим эсингиздами?

- Текшириб кўрдим, Гарри, - шу заҳоти жавоб берди мистер Уэсли, - Малфойлар уйини тинтув қилиб чиқдим. Фойдаланиш мумкин бўлмаган на бутун, на синган буюм чиқди.

- Ҳа, биламан, «Башорат-у, каромат газетаси»да ўқидим... бошқа, жиддийроқ гап айтмоқчи эдим...

Гарри мистер Уэслига пинҳон эшитган суҳбат мазмунини айтиб берди. Люпин бошини улар томон буриб, Гаррининг ҳар бир сўзини диққат билан тинглади.

Гаррининг ҳикояси якунига етгач, орага сукунат чўкди. Фақат Селестинагина қўшиғини эзмокда.

- Ўзинг бир ўйлаб кўр, Гарри, - гап бошлади мистер Уэсли, - Аслида Снегнинг...

- ... Малфойга ёрдам бериш нияти балки бўлмаган. У, шунчаки, кўзланган мақсаддан воқиф бўлишни истагандир, - мистер Уэслининг фикрини ўзи охирига етказиб қўйди Гарри, - Шундай дейишингизни билар эдим. Лекин бунга комил ишонч билдириш, аниқ билиш мумкинмикин?

- Билиш – бизнинг вазифамизга кирмайди, - гапга аралашди, оловга орқа ўгириб, Гаррига юзланиб ўтирган Люпин, - Бу Дамблдорнинг вазифаси. У Северусга ишонади ва шунинг ўзи етарли бўлиши керак.

- Фараз қилайлик, - эътироз билдирди Гарри, - Беш дақиқага фараз қилайлик... Дамблдор янглишяпти, деб.

- Ўхшаш фаразларни кўп эшитганман. Охир-пировардида, ушбу масала

Дамблдорга ишонч билдириш-билдирмаслик масаласига айланиб қолади. Мен Дамблдорга ишонаман, демакки, Северусга ҳам ишонаман.

- Бироқ Дамблдор ҳам янглишиши мумкин-ку, ахир, - қаноатланмади Гарри, - Ўзи менга шундай дейди. Сизга... - Гарри Люпиннинг кўзига тик қаради, - Снегг чиндан ҳам ёқадими?

- Мен у билан яхши муносабатда ҳам эмасман, унга нисбатан адоват ҳам сақламайман, - жавоб берди Люпин, - Гапим рост, - қўшимча қилди у, Гаррининг юзидаги ишонмаслик қиёфасини кўриб, - Снегг, Жеймс ва Сириус ўртасида бўлиб ўтган муносабатлардан сўнг, Снегг иккаламиз қадрдон дўст бўлиб қолмаймиз, албатта. Ўзаро хафагарчиликлар жуда кўп бўлган. Бироқ «Хогварц»да ўқитувчилик қилар эканман, Снегг ҳар ойда менга парпи дамламасини тайёрлаб берганини унутиб бўладими? Тўлин ойда, одатдагидай, азоб чекмаслигим учун зарур бўлган ўша дамламани беназир тайёрлаб борган.

- Шунга қарамай, махлуқ тусига кирадиган одам эканлигинини «бехосдан» оғзидан гуллаб қўйган ва шу боис сиз, мактабни тарк этишга мажбур бўлгансиз! - дарғазаб хитоб қилди Гарри.

- Эртами, кечми, бу бари-бир ошкор бўлар эди, - елка қисди Люпин, - Менинг лавозимимни эгаллаш нияти борлигини ҳамма билар эди. Бинобарин, дамламани бироз нотўғри тайёрлаб, катта зарар етказиши ҳам мумкин эди, менга. У эса бундай қилмади, аксинча, соғлигим масаласида кўп қайғурди. Ундан миннатдор бўлишим керак.

- Эҳтимол Дамблдордан ҳайиққани учун ҳам, дамламани нотўғри тайёрлашга журъат этмагандир, - фикр билдирди Гарри.

- Вужудинг нафратга тўлиб-тошган, Гарри, - мийиғида кулиб қўйди Люпин, - Ва мен сени тушунаман. Жеймс – отанг, Сириус – чўқинтирган отанг, бу сенга наслдан ўтган. Артур иккаламизга айтиб берган нарсаларни Дамблдорга ҳам айтиб беришга ҳақлисан, албатта. Бироқ у, ушбу масалада сенга тарафдор бўлиши ёки ҳайрон бўлиб, ўйлаиб қолишини кутма. Снегг Дракони Дамблдорнинг амри ила сўроқ қилганини ҳам инкор этиб бўлмайди.

Ниҳоят Селестина ўз қўшиғини жуда баланд нотада якунлади.

Радиоқабулқилгич карнайдан гулдурос қарсақлар янграб, миссис Уэсли ҳам уларга жўр бўлди.

- Тугагани ғостми? - баланд овозда сўради Флёр, - Фалакка шукр, биғам бемаза...

- Уйқудан олдин қиттай-қиттай уриб олсак-чи, а? - янада баланд овозда таклиф киритди мистер Уэсли, ўрnidан ирғиб туриб.

Мистер Уэсли ичимлик олиб келгани чиқиб кетди. Қолганлар эса керишиб, энди бемалол суҳбатлашишга киришди.

- Ҳозир нима билан бандсиз? - сўради Гарри Люпиндан.

- Яширин иш билан, - жавоб берди Люпин, - Том маънода. Шу боис, хат ёзмай қўйган эдим сенга, Гарри. Хат йўллашим билан ўзимни ўзим фoш

этиб қўйган бўлар эдим.

- Яъни?

- Мен ўз қабиладошларим билан яшадим, - деди Люпин ва Гарри тушунмаганини кўриб, аниқлик киритди: - Махлуқ тусига кирадиган одамлар орасида. Уларнинг деярли бари Вольдеморт тарафдорлари. Дамблдор улар орасига ўз одамани сингдиришга аҳд қилди ва... марҳамат, жосус қидириб, узоққа боришга тўғри келмади.

Унинг овозида алам оҳанги эшитилмоқда. Люпин буни, афтидан, ўзи ҳам сезди шекилли, нисбатан илиқроқ кулиб боқиб, давом этди:

- Нолиётганим йўқ. Бундай иш жуда зарур бўлиб, мендан яхшироқ бошқа номзодни топиш қийин. Аммо уларнинг ишончини қозониш жуда мушкул масала. Гап шундаки, сеҳргарлар орасида яшаганим дарҳол кўзга ташланади. Улар эса соғлом турмуш кечирадиган жамиятдан ўзини четга тортиб, ўғирлик ва қотиллик-ла кун кўришади.

- Вольдеморт нимаси билан қизиқтириб қолди уларни?

- Уларнинг фикрича, агар Вольдеморт ҳокимият абзалини қўлга киритса, ҳаётлари анча яхшиланар эмиш, - тушунтириш берди Люпин, - Бу масалада Уолк билан баҳслашиб бўлмайди...

- Ким у, Уолк?

- Танайсан-ми? - беихтиёр тиззасини маҳкам сиқиб олди Люпин, - Фенрир Уолк – дунёдаги махлуқ тусига кирадиган одамлар орасида энг шафқатсиз ҳайвон бўлса керак. Унинг ҳаётий мақсади – махлуқ тусига кирадиган одамлар сони сеҳргарлар сонидан кўпроқ бўлиши учун имкон қадар кўпроқ одам тишлаб, қонини зарарлашдир. Хизмати эвазига Вольдеморт унга кўпроқ қурбон етказиб беришни ваъда қилган. Уолкнинг ўзи ёш болаларга ихтисослашган... Унинг фикрига қараганда, одамларни ёшлигида тишлаб, ота-онасидан ажратиб олган ҳолда, соғ сеҳргарларга нисбатан нафрат руҳида тарбиялаш керак эмиш. Вольдеморт уни ёшларимизга қарши қўллаш таҳдидини солмоқда ва бундай таҳдидлар аксарият ҳолларда, ўз самарасини бермоқда.

Люпин бироз сукут сақлаб, қўшимча қилди:

- Мени шу кўйга солган ҳам, ўша бўлади.

- Ўша? - ҳайратланди Гарри, - Қачон? Болалик йилларидами?

- Ҳа. Дадам ҳақорат қилган экан уни. Бошимга тушган кулфатда ким айбдор эканлигини мен узоқ вақт билмай юрган эдим. Бечора, ўзини идора қила олмаса керак, деб раҳмим ҳам келган эди, унга. Бошқа тусга кириш нақадар азоб эканлигини, ўша вақтда яхши билиб олганман. Бироқ Уолк ундайлар тоифасига кирмас экан. Ой тўладиган вақтга келиб, кўзланган қурбонга яқинроқ жойга бориб олади-да, деярли хато қилмайди. Жамики қабих ишларини олдиндан пухта режалаштириб олади. Ана шундай аблаҳни, Вольдеморт, менга ўхшаганларнинг сардори этиб тайинлади. «Биз, яъни махлуқ тусига кирадиган одамлар ўз қонимизга муносиб бўлишимиз, соғлом одамлардан қасос олишимиз

керак!» - дея баёнот қилиб юради. Арзимас панд-насихатларим ила ўша Уолкка бас кела оладиган кўйга солмайман, ўзимни.

- Лекин сиз соппа-соғ инсонсиз! - эҳтирос-ла эътироз билдирди Гарри, - Шунчаки, озгина муаммонгиз бор холос.

Люпин хандон отиб юборди.

- Баъзан сен Жеймснинг ўзи бўласан-қоласан. У ҳам бошқалар олдида, ушбу ҳолатни менинг «тук билан боғлиқ арзимас муаммом», - деб атар эди. Атрофдагилар, гап аллақандай аҳмоқона тарбия кўрган қуён тўғрисида бораётган бўлса керак, деган хаёлга боришган.

У мистер Уэслининг қўлидан бир стакан егног олиб, миннатдорлик билдиргач, кайфияти анча кўтарилди.

Гаррининг вужудини эса ҳаяжон қамраб олди. Отасининг исмини эшитиб, анча вақтдан буён Люпиндан сўрамоқчи бўлган гапи эсига тушиб кетди.

- Чала зот Шаҳзода ҳақида бирон нима эшитгансиз-ми?

- Қанақа шаҳзода?

- Чала зот, - такрорлади Гарри, Люпинни диққат билан кузатиб.

- Сеҳргарлар оламида шаҳзодалар бўлмайди, - кулиб боқди Люпин, - Шундай наслий унвон олмоқчимисан, ўзингга? Назаримда, Мумтознинг ўзи етарли бўлса керак.

- Гап мен ҳақимда эмас! - жаҳл қилди Гарри, - Ўша чала зот Шаҳзода қачонлардир «Хогварц»да ўқиган экан. Унинг дамламачилик дарслиги менинг қўлимга тушиб қолди. Китоб саҳифаларининг ҳошияларига ўзи ихтиро қилган кўплаб афсунларни ёзиб чиқибди. Мисол учун, Левитанани...

- О, мен ўқиб юрган кезларда ўша афсун жуда оммалашиб кетган эди, - хотирага берилди Люпин, - Бешинчи синфда бирон киши оёғи осмондан келтирилиб ҳавога осиб қўйилмаган кун бўлмас эди.

- Дадам ҳам қўллаган, ўша афсунни, - деди Гарри, - Дамблхотирада кўрган эдим Снеггни осиб қўйганини.

Гарри имкон қадар лоқайд оҳангда, сўзларига алоҳида урғу бермай гапиришга уринди-ю, уддалай олмаган кўринади, суҳбатдоши кулиб қўйди.

- Тўғри, - бош ирғиди Люпин, - Лекин шўхлик борасида у ёлғиз ўзи бўлмаган. Юқорида айтганимдай, ўша афсун жуда оммалашган эди... Баъзан бўлиб туради, шунақаси. Нимадир бирдан оммалашиб, жонга теккач, унут бўлади.

- Бироқ Шаҳзоданинг ўзи ихтиро қилган кўринади, ўша афсунни, мактабда ўқиб юрганида, - гапини маъқуллаб туриб олди Гарри.

- Ишониш қийин, - эътироз билдирди Люпин, - Афсун қўллаш модаси бошқа модалар каби, ўзгарувчан бўлади.

Люпин Гаррининг юзига диққат-ла разм солиб чиқди.

- Жеймс асилзода сеҳргар бўлган, - таъкидлаб қўйди у, паст овозда, - Ва ҳеч қачон ўзини шаҳзода деб аташларини сўрамаган.

- Сириус ҳам, сиз ҳам Шаҳзода бўлмагансиз, шундайми? - очиқ-ойдин сўради Гарри.

- Бўлмаганмиз, бу мутлақо аниқ.

- Тушунарли, - деди Гарри, оловга тикилиб, - Мен ўйлаган эдим-ки...

Ўша Шаҳзода дамламачилик масаласида менга жуда катта ёрдам берди.

- Дарслигининг ёши нечада, ўзи?

- Билмадим. Бунга қараганим йўқ.

- Шаҳзода «Хогварц»да қачон ўқиганини билиб олиш мумкин, - деди Люпин.

Флёр кутилмаганда Селестинани мазах қилишга аҳд қилган кўринади, «Аччиқ муҳаббат-у, ширин севгига тўлган қозоним»ни чўзиб қолди.

Қолганлар эса миссис Уэслининг юзи касб этган қиёфани кўриб, ётадиган вақт бўлганини тушуниб етишди. Гарри билан Рон иккаласи зина бўйлаб юқорига, Роннинг чордоқдаги, Гарри учун ҳам каравот ўрнатилган хонасига кўтарилди.

Рон деярли бир зумда ухлаб қолди. Гарри эса дастлаб сандиғини титкилаб, ўзининг «Олий дамламачилик» дарслигини чиқарди. Китобни очиб, дастлабки саҳифасида чоп этилган санани топди. Дарсликнинг ёши деярли элликка етибди. У вақтда отаси ҳам, унинг дўстлари ҳам «Хогварц»да бўлмаган. Ҳафсаласи пир бўлган Гарри китобни сандиққа отди-да, чироқни ўчириб, ёнбошлаб олди. У махлуқ тусига кирадиган одамлар, Снегг, Қўриқчи Стэн ва чала зот Шаҳзода ҳақида ўйлаб ётиб, оғир уйқуга кетди, тушида эса уни турли-туман шарпалар ва тишлаб олинган болаларнинг чинқириқлари таъқиб этди...

- Ҳазиллашяпти-ми, у?

Сесканиб кетган Гарри уйғониб, каравотининг оёқ томонида совғалар жойланган катта тугунни кўргач, кўзойнагини тақиб, атрофга қаради. Кичик ўлчамли деразанинг ташқи томонини қор деярли тўла-тўқис тўсиб қўйибди. Дераза рўпарасида ўтирган Рон эса тилла тусли қалин занжирни томоша қилиб ўтирибди.

- Нима у? - ҳайрон бўлди Гарри.

- Лаванда юборибди, - деди Рон, ҳазар қилиб, - Наҳотки у жиддий қабул қилаётган бўлса? Мен уни...

Гарри Роннинг қўлидаги занжирга диққат билан қараб, хандон отиб юборди. Занжир ҳалқаларидан «Менинг севгилим» сўзларини ҳосил қилган ҳарфлар осилиб тушган.

- Чиройли чиқибди, - фикр билдирди Гарри, - Сен уни тақиб юришинг шарт. Муҳими, Фред билан Жоржга кўрсатиб қўйишинг керак.

- Агар уларга бу ҳақда оғиз очадиган бўлсанг, - ғудуллади Рон, занжирни ёстиғи остига бекитиб, - Мен сени... сени... сени мен...

- Дудуқ қилиб қўясан-ми? - кулди Гарри, - Қўйсанг-чи, ким деб ўйлаяпсан, мени?!

- Наҳотки у, бундай бемаъни нарсани тақиб юришимга ишонса? -

бўшлиққа қараганча, донг қотиб пичирлади Рон.

- Яхшилаб эслаб кўр, - таклиф киритди Гарри, - Эҳтимол иккалангиз пичирлашиб юрганларингда «Менинг севгилим» сўзлари битилган бўйинбоғ тақиб юришни бир умр орзу қилишингни айтгандирсан, унга?
- Умуман айтганда, биз... кўп гаплашмас эдик, - иқрор бўлди Рон, - Фақат...

- Ўпишиб юрар эдик, - ёрдамлашиб юборди Гарри.

- Ҳа, - бош ирғиди Рон ва бироз иккиланиб тургач, сўради: - Нима деб ўйлайсан, Гермiona чиндан ҳам Маклагген билан учрашиб юрадимми?

- Аниқ билмайман, - жавоб берди Гарри, - Дивангарднинг оқшомида улар чиндан ҳам бирга бўлишди, лекин фикримча, учрашувлари яхши ўтмади. Дадиллашган Рон совғалар тугунини боз титкилай кетди.

Гарри миссис Уэслидан тилла тусли Тилла чаққоннинг тасвири туширилган тўқима свитер, эгизаклардан «Уэслиларнинг ажойиб ультрафокуслари»да сотиладиган бир қути майда-чуйда ва уй эльфидан «Соҳибимга Тараққосдан совға» ёзуви битилган бўлиб, пўпанак ҳиди анқиб турган тугун олди.

Гарри тугунга ҳайрат-ла тикилиб қолди.

- Нима деб ўйлайсан, очай-ми йўқми?

- Хавфли нарса бўлиши мумкин эмас. Почта жўнатмаларимиз ҳанузгача вазирлик томонидан текшириб борилади, - жавоб берди Рон, гарчи ўзи ҳам тугунчага шубҳа ила қараб турган бўлса-да.

- Мен эса Тараққосни табриклашни унутибман! Нима, уй эльфлари томонидан Рождествога совға тарқатиш қабул қилинганми? - сўради Гарри, бармоғини тугунчага аста ниқтаб.

- Гермionaга совға йўллаган бўлар эди, - деди Рон, - Виждон азобида қийналмай, дастлаб очиб, ичида нима борлигини бил.

Сония ўтгач, Гарри қичқирганча, каравотидан ирғиб турди-да, нари қочди. Тугун митага тўла экан.

- Ажойиб! - деди Рон, хандон отиб, - Фаройиб ғамхўрлик!

- Анави занжирингга нисбатан, ўлса ўлиги ортиқ! - ўшқириб берди Гарри. Рон шу заҳоти жим бўлиб қолди.

Нонуштага, Флёрдан ташқари, ҳамма янги свитер кийиб тушди. Миссис Уэсли, афтидан, унга вақт сарфлашни истамаган кўринади. Ўзи эса яп-янги, брильянт ситоралар сочилган тун осмони тусидаги аёллар шляпасини кийиб тушибди.

- Болаларим Фред билан Жоржнинг совғаси! - мақтанди миссис Уэсли, - Чиройли, а?

- Биласизми, ойи, ўз пайпоғимизни ўзимиз юва бошлаганимиздан буён кундан-кунга қадрингизга етиб бормоқдамиз, - деди Жорж, мақтовларнинг олдини олиб.

- Гарри, сочингга чувалчанг ёпишиб қолибди, - қувноқ оҳангда маълум қилди Жинна, олиб ташлаш учун стол узра эгилиб.

Гаррининг бўйни чувалчангдан эмас, аллақандай бошқа сабабдан бижирлаб кетди.

- Нақадағ даҳшат, - намойишкорона сесканди Флёр.

- Дарҳақиқат, - эҳтирос-ла маъқуллади Рон, - Яна қайла кетадими, Флёр? Самимий хизмат кўрсатмоқчи бўлган Рон қўполлик қилиб, қайладонни онтариб юборди. Билл сеҳрли таёқчасини аста силтаб қўйган эди ҳам-ки, қайла ҳавога кўтарилиб, жойига қайтди.

- Ношудлик боғасида анави Бомслағингдан қолишмас экансан, - айблади Флёр, Биллни миннатдорлик-ла ўпа кетиб, - Доимо ниманидиг онтағани онтаған, у.

- Гўзал Бомсимизни ҳам таклиф қилган эдим, - деди миссис Уэсли, сабзи солинган косани стол устига тарақлатиб қўйганча, Флёрга еб қўйгудек ўқрайиб, - Афсуски, келишни истамади. Уни учратмадинг-ми, Рэм?

- Йўқ. Тўғриси айтганда, мен мулоқот қиладиган одамлар сони кескин камайиб кетган, - Аммо Бомнинг ўз оиласи, борадиган жойи бор, шундай эмасми?

- Ҳ-м-м-м... - чўзди миссис Уэсли, - Эҳтимол. Лекин назаримда, бечора қиз Рождествони ёлғиз ўзи нишонлашга аҳд қилган кўринади.

У Люпинга, худди келин сифатида Бомс эмас Флёр насиб қилганига айбдордай, домангир қараб қўйди.

Гарри қўлидаги санчқи воситасида Биллни курка гўшти билан боқаётган Флёрга қараб, ушбу ўзига хос курашда миссис Уэсли мағлуб бўлибди, дея хулоса чиқарди ва айни вақтда, Бомс борасида аниқлик киритмоқчи бўлган масалани эслаб, Ҳимоячи яратиш устаси бўлган Люпинга мурожаат қилди:

- Снегнинг гапига қараганда, Бомнинг Ҳимоячиси ўзгариб қолибди. Шунақаси ҳам бўлиши мумкинлигини билмас эканман. Сабаби нима бўлиши мумкин?

Люпин жавоб беришга шошилмади. У курка гўштини узоқ чайнаб ютгач, аста гап бошлади:

- Баъзан... қаттиқ руҳий ларза туфайли... оғир ҳис-туйғулар бошдан кечгани боис...

- Унинг Ҳимоячиси йирик, тўрт оёқли, - дафъатан эслади Гарри, - Мабодо... - пичирлади у, - Бундай ҳолат...

- АРТУР! - кутилмаганда қичқариб юборди миссис Уэсли.

Аёл курсидан ирғиб туриб, кафтини юрагига босганча, кўзини ошхона деразасидан узмай, ташқарига қараб қолди.

- Артур... Перси келяпти!

- Нима?

Мистер Уэсли билан қолганлар ҳам дераза томон ўгирилди. Жинна эса яхшироқ кўриш учун ўрнидан туриб олди. Чиндан ҳам, қор қоплаган ҳовлида Перси Уэсли одимлаб келмоқда. Унинг мугуз гардишли кўзойнаги қуёшда ярқирамоқда. Бироқ у ёлғиз эмас.

- Артур, унинг ёнидаги киши... вазир-ку!

Дарҳақиқат, Перси билан изма-из каловланиб келаётган кишининг фотосуратини Гарри «Башорат-у, каромат газетаси» саҳифаларида кўп кўрган. Унинг оқ оралаган қалин сочи ва эғнидаги қора плашини қор қоплаган. Ошхонада йиғилганларнинг бирортаси сўз айтгани улгурмади. Мистер ва миссис Уэслилар бир-бирига ҳайрат-ла тикилиб қолган фурсатда остонада Перси кўринди.

Орага оғир сукунат чўқди.

- Масрур Рождество тилайман, ойи, - дағал овозда гапира олди ниҳоят Перси.

- О, Перси! - чинқириб юборди миссис Уэсли, ўғлини бағрига босиб. Ҳассага таяниб, таъсирли манзарани табассум-ла кузатиб турган Руфус Скримж остонада тўхтаб қолди.

- Кутилмаганда бостириб кирганимиз учун маъзур сананг, - деди у, яшнаб кетган миссис Уэсли кўз ёшини артганча, ўгирилиб қарагач, - Перси иккаламиз шу яқин атрофда эдик. Хизматчилик, ўзингиз тушунасиз. Сизни кўрмай, ўтиб кетсак, одобдан бўлмас эди.

Перси оиланинг бошқа аъзолари билан саломлашиш истагини намоён этмади, худди хода ютиб олгандай ғўдайиб, бошқалар боши узра қараб турди. Юзи тошдай қотган мистер Уэсли билан эгизаклар эса унга еб қўйгудай ўқрайишмоқда.

- Марҳамат, ичкарига киринг, вазир жаноблари! - урина бошлади миссис Уэсли, шляпасини тузатиб, - Тамадди қилиб олинг: пурка гўшти, удинг... яъни...

- Йўқ, йўқ, қадрли Молли, - бош чайқади Скримж, - Овора бўлманг! Агар Перси ўз оиласи билан кўришиб ўтиш истаги ила ошиқмаганда, сизни уринтириб қўймаган бўлар эдим...

- О, Перси! - оёқ учига кўтарилиб, ўғлининг лунжидан ўпиб қўйди миссис Уэсли.

- ... биз атиги беш дақиқагагина кириб ўтишга аҳд қилган эдик. Шундай экан, сизлар Перси билан кўришиб олинг, мен ҳовлини бир айланиб чиқай. Агар бирортангиз менга ҳамроҳ бўлиб, ажойиб боғингизни кўрсатсангиз, зўр иш бўлар эди... А, мана, мана бу йигитча овқатланиб бўлган кўринади. Ўйлайман-ки, мен билан сайр қилишга қарши эмас у, шундайми?

Ошхонада ҳукм сурган вазият шу заҳоти сезиларли даражада ўзгарди. Ҳамма нигоҳини Скримждан Гаррига олиб ўтди. Вазирнинг макрли нияти аён бўлди-қолди. Гарчи Флёр, Жинна ва Жоржнинг ликоплари ҳам бўш турган бўлса-да, унга айнан Гарри ҳамроҳ бўлиши лозимлиги ҳеч кимни ҳайрон қолдирмади.

- Хўп, яхши, - деди Гарри, ўлик жимжитликни бузиб.

Бу иккаласи хизмат юзасидан шунчаки яқин ўртада бўлиб, кутилмаганда Перси ўз оиласини кўриш ниятини билдирганига Гарри ҳам шубҳа қилди.

Ушбу ташриф замиридаги асл мақсад – вазирнинг Гарри билан ёлғиз қолиб, юзма-юз гаплашиш истагидан иборат эканлигини ҳамма тушуниб етди.

- Хавотирга ўрин йўқ, - пичирлади Гарри, ўрндан турмоқчи бўлган Люпинга, - Ўзим ҳамроҳлик қиламан, - тинчлантирди Гарри, эндигина оғиз жуфтламоқчи бўлган мистер Уэслига мурожаат қилиб.

- Жуда соз! - деди Скримж, Гаррига йўл берганча, уни олдинга ўтказиб, - Боғни айланиб чиқишимиз ҳамоно, Перси иккаламиз йўлимизни давом этамиз. Тортинманг, илтимос, давом этинг.

Гарри ҳовли орқали қор қоплаган экинлар томон йўл олди. Бироз каловланиб юрган Скримж эса унинг ёнида борди.

Қозон шляпа кийиб юрадиган Фуждан кескин фарқ қиладиган, ташқи кўринишидан жасур жангчига ўхшайдиган ушбу вазир бир вақтлар вазирликнинг аврорлар бўлимига раҳбарлик қилганини Гарри яхши билади.

- Чиройли, - деди боғ панжараси олдида тўхтаб, қор остида фарқлаб бўлмайдиган эканларга қараган Скримж, - Жуда чиройли боғ.

Скримжнинг кузатиб турганини пайқаган Гарри индамади.

- Сен билан кўпдан буён гаплашмоқчи эдим, - деди вазир, бир неча сония ўтгач, - Бундан хабаринг бўлса керак деб ўйлайман?

- Йўқ, хабарим йўқ, - тўғриси айтди Гарри.

- Ҳа, ҳа, кўпдан буён гаплашмоқчи эдим. Бироқ Дамблдор сени ҳар нарсадан асраб юрибди, - давом этди Скримж, - Бу табиий ҳол, албатта. Қисматингга ёзилган шунча синовлардан сўнг, айниқса, вазирликда бошдан кечирган...

Гарри жавоб беришни лозим топмади.

- Лавозимни қабул қилгач, - давом этди вазир, - Сен билан учрашиш имконини қидирдим. Дамблдор эса бунга қаршилиқ кўрсатди. Сабаби, юқорида айтганимдек, тушунарли, албатта.

Оғиз очмаган Гарри вазирнинг муддаога ўтишини кутди.

- Шунча миш-миш гап! - аста хитоб қилди Скримж, - Иккаламиз ҳам биламиз, албатта, бизда баъзан пашшадан фил ясаб юборишларини... аллақандай башоратга оид гап-сўзлар... сенинг Мумтоз эканлигинг ҳақидаги куракда турмас гаплар...

Мана бу бошқа гап, хаёлдан ўтказди Гарри, мақсадга ўтишига оз қолган кўринади.

- ... тахминимча, Дамблдор иккалангиз, ушбу масалани муҳокама қилгансиз, шундайми?

Эгатлардаги гномлар қолдирган майда излар ва ҳозир арча учини безаб ўтирган гномни тутиш учун Фред тепалаган қорга қараб турган Гарри ёлғон гапириш керакми, йўқми, ўйланиб қолди. Ниҳоят Гарри гапнинг ростини, аниқроғи, ҳақ гапнинг муайян қисмини айтишга қарор қилди.

- Ҳа, муҳокама қилганмиз.

- Шундай дегин, - ғудуллади вазир, - Хўш, нималар деди Дамблдор?
Вазир кўзини қисиб олганча қараб турганини Гарри кўз қири билан кўриб турибди-ю, ўзини яхлаб қолган алп атиргули – рододендрон остидан бош чиқарган гномнинг хатти-ҳаракатига ўларча қизиқиб қолган кўйга солиб олди.

- Маъзур сананг, бу, профессор Дамблдор иккаламизнинг сиримиз, деди у ниҳоят.

Гарри имкон қадар боадаб оҳангда гапиришга уринмоқда. Скримж ҳам, бунга жавобан, дўстона руҳда, енгил сўзламоқда.

- Албатта, албатта. Сирни ошкор қилишингни истамайман ҳам... асло... Умуман айтганда, сенинг Мумтоз ёки Мумтоз эмаслигинг у қадар жиддий аҳамиятга эга эмас-ку, шундай эмасми?

Гарри вазирнинг ушбу сўзлари устида атрофлича мулоҳаза юритиб кўрди.

- Тушунмадим, вазир жаноблари, бу билан нима демоқчисиз?

- Сен учун бу фавқулодда муҳим, албатта, - кулиб қўйди Скримж, - Бироқ сеҳргарлар жамияти учун... Гап ҳис-туйғуларда-ку, тўғрими? Яъни одамларнинг бундай чўпчакларга лаққа тушишида.

Гарри индамади. Вазир нима демоқчи эканлигини юзаки англаб турибди-ю, бироқ асл мақсадга ўтишига ёрдам беришни истамай, чувалчанг қидириб, рододендрон илдизи яқинида ер қазишга киришган гномни томоша қилиб тураверди.

- Гап шундаки, одамлар сени чиндан ҳам Мумтоз эканлигингга ишонади, - давом этди Скримж, - Сени қаҳрамон, деб билишади... Мумтозмисан, сен, йўқми, лекин дарҳақиқат қаҳрамонсан! Неча маротаба сен Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Кишига қарши юзма-юз турдинг? Умуман айтганда, бунинг ҳам аҳамияти йўқ, - жавоб кутмади вазир, - Энг муҳими, кўпчилик учун, сен, Гарри, умид рамзисан, қисматига Исми-Ёдга-Олинмаслиги-Керак-Кисини йўқ қилиш ёзилган кишисан... Бу эса, ўз навбатида, одамларнинг маънавий руҳини мустаҳкамламай қўймайди. Ишончим комилки, буни англаб етганингдан сўнг, вазирликка қўшилиб, жамиятимизда кўтаринки кайфият қарор топтиришни, айтайлик, ўз бурчинг деб топасан.

Чувалчанг топган гном энди бор кучини ишга солиб, ўлжасини яхлаган ердан суғуриб чиқаришга уринмоқда. Гарри узоқ вақт индамай тургани боис, Скримж ўз нигоҳини Гарридан гномга олиб ўтишга мажбур бўлди.

- Жуда қизиқ мавжудот, а? - фикр билдирди у, - Хўш, Гарри, нима дейсан?

- Сизни аниқ тушунмадим, - аста гап бошлади Гарри, - «Вазирликка қўшилиш», деганингизни қандай тушуниш керак?

- Ишонтириб айтаман-ки, бу оғир иш бўлмайди, - жавоб берди Скримж, - Вазирликда вақти-вақти билан кўриниш бериб туришинг талаб даражасида самара беради. Айтгандай, у ерда Гавейн Робардснинг

суҳбатини олишинг учун бир олам вақтинг бўлади. У мендан кейин аврорлар бўлимнинг раҳбари этиб тайинланган. Долорес Амбрижнинг айтишича, сен аврор бўлишни орзу қилган экансан. Бунинг қийин жойи йўқ...

Гарри бор вужуди ила ичидаги ғазаб ташқарига қайнаб чиқаётганини ҳис этмоқда: наҳотки Долорес Амбрижни вазирликда қолдиришган бўлишса?!

- Яъни бошқача қилиб айтганда, - деди у, айрим мубҳам қолган нарсаларга шунчаки, аниқлик киритиб олиш оҳангида, - Мени одамларга вазирликка ишга қабул қилинган ходим сифатида кўрсатмоқчисиз, шундайми?

- Шундай қилсак, миллатнинг жанговар руҳи кескин кўтарилади, Гарри. Вазирнинг овозида Гарри осонликча розилик берганидан енгил тортиш оҳанги эшитилди.

- Одамлар орасида Мумтоз ҳам бизнинг ташвишимизни чекапти каби фикрлар юзага келади... Халққа умид керак, нимадир қилинаётгани, қандайдир чоралар кўриляётганига, уни ишонтириш керак...

- Бироқ мен вазирликда кўриниш бериб борадиган бўлсам, - деди Гарри, ҳали ҳам боадаб оҳангида, - Одамлар сиз олиб бораётган сиёсатни Гарри Поттер ҳам маъқулламоқда, деган хулосага бориши муқаррар-ку, шундай эмасми?

- Умуман айтганда, ҳа, шундай, - қошини чимирди Скримж, - Бинобарин, биз истаймиз-ки...

- Йўқ, бундан бирон-бир иш чиқишига шубҳа қиламан, - заҳарли кулиб боқди Гарри, - Гап шундаки, менга сизнинг айрим саъй-ҳаракатларингиз ёқмайди. Хусусан, Қўриқчи Стэннинг ҳибсга олиниши. Скримж зўриқиб, жим бўлиб қолди.

- Тўғри тушуниб етишингни, ростини айтсам, кутганим ҳам йўқ, - деди у, ғазабини Гарричалик яшира олмай, - Оғир давр оғир қарорлар қабул қилинишини тақозо этади. Сен эндигина ўн олтига тўлдинг...

- Дамблдорнинг ёши мендан сал улуғроқ, лекин у ҳам Стэнни Азкабандан озодликка чиқариб юбориш керак, деб ҳисоблайди, - гапни бўлди Гарри, - Сиз Стэнни айбсиз айбдор сифатида тайинладингиз, мени эса ўз туморингизга айлантормоқчисиз.

Икковлон бир-бирига узоқ ва совуқ қараб турди.

- Тушунарли, - хулоса чиқарди вазир, совуқ оҳангида, - Сен ўз қахрамонинг Дамблдор сингари вазирликдан тўла-тўкис ажралиб, мухтор равишда иш тутмоқчисан, шундайми?

- Мендан фойдаланишларини истамайман, - жавоб берди Гарри.

- Сенинг ўрнингда бошқа бола бўлганида, вазирлик манфаатларига хизмат қилишни ўзининг шарафли бурчи деб билган бўлар эди.

- Сизнинг ўрнингизда бошқа вазир бўлганида, Азкабанга сохта эмас ҳақиқий жиноятчиларни қамашни ўз бурчи деб билган бўлар эди! - бўш келмади Гарри, ғазабини яширмай, - Барти Сгорбсдан фарқ қилмайсиз.

Наҳотки вазирлик бирон-бир ишни талаб даражасида бажара олмаса?
Сизларда ё тумшуғи остида одам ўлдирилгунга қадар ўзини барча ишлар
ажойиб кечаётган кўйга солиб оладиган Фужга ўхшаганлар ишлайди, ё
беғуноҳ одамларни зиндонбанд қилиб, Мумтозни ўз сафдоши қилиб
кўрсатадиган бошқа турдаги вазирлар ишлайди!

- Демак сен, Мумтоз эмассан? - кескин бўлди Скримж.

- Мумтоз ёки Мумтоз эмаслигим, у қадар жиддий аҳамиятга эга эмас,
дедингиз шекилли? - кулиб юборди Гарри, - Ҳар қалай, шахсан сиз учун.

- Бундай дейишинг керак эмас эди, - деди Скримж, - Одобсизлик
қилдинг.

- Йўқ, мен рост гапни айтдим холос, - эътироз билдирди Гарри, - У қадар
кўп бўлмаган рост гапларимдан бирини. Ўлиб кетишим, ё омон қолишим
сизни мутлақо қизиқтирмайди. Муҳими – жамоатчиликни, сиз гўё
Вольдемоортга қарши олиб бораётган жангда устун келаётганингизга
ишонтирсангиз бўлди. Мен ҳеч нарсани унутганим йўқ, вазир...

У ўнг муштини кўтарди. Совуқ кафтининг орқа томонида Долорес Амбриж
томонидан зўравонлик-ла кесиб ёздирилган сўзлардан қолган оқ чандиқ
кўринди: «Мен доимо рост гапиришим керак».

- Вольдемоорт қайтганини исботлашга уринганимда, мени ҳимоя
қилганингизни эслай олмайман. Ўтган йили вазирлик негадир мен билан
дўст тутинишга ошиқмаган эди.

Орага оёқ остидаги муздай ер каби, совуқ сукунат чўкди. Чувалчангни
суғуриб чиқаришга муваффақ бўлган гном, энди рододендроннинг пастки
шохи устида ёнбошлаб олганча, ўлжасини сўриб ётибди.

- Дамблдор нима билан банд ҳозир? - талаб оҳангида сўради Скримж, -
«Хогварц»да бўлмаган кунлари қаёққа боради?

- Тасаввур ҳам қила олмайман.

- Билганимда ҳам, айтмаган бўлар эдим, - давом этди Гаррининг ўрнига
Скримж, - Шундайми?

- Худди шундай, - тасдиқлади Гарри.

- Илож қанча, мустақил равишда аниқлашга уриниб кўришга тўғри
келади.

- Уриниб кўринг, - лоқайд елка қисди Гарри, - Сиз Фужга нисбатан
ақллироқсиз-ку, шундай эмасми? Маслаҳатим, унинг хатоларидан тўғри
хулоса чиқаринг. Зеро у, «Хогварц»нинг ишларига аралашишга уриниб
кўрган эди. Оқибати ўзингизга аён: энди у вазир эмас-у, Дамблдор эса
директорлигича қолди. Сизнинг ўрнингизда бўлганимда, Дамблдорни ўз
ҳолига қўйган бўлар эдим.

Орага яна узоқ сукунат чўкди. Скримж сим гардишли кўзойнаги орқали
Гаррига қатъий нигоҳ-ла тикилиб турди.

- Дамблдор сенинг устингда узоқ меҳнат қилгани кўриниб турибди, - деди
ниҳоят у, совуқ оҳангда, - Суягининг илигига қадар Дамблдорнинг одами,
шундайми, Поттер?

- Ҳа, шундай, - жавоб қайтарди Гарри, - Буни ўзингиз учун аниқлаб олганингиздан бағоят хурсандман.

У вазирга шартта орқа ўгирди-да, уйга кириб кетди.

XVII БОБ. АТАЙИН БУЗИЛГАН ХОТИРА

Янги йил байрамидан кўп ўтмай, Гарри, Рон ва Жинна «Хогварц»га йўл олиш учун камин олдида саф тортишди. Ўқувчиларни мактабга тез ва хавфсиз олиб ўтиш мақсадида, вазирлик, саёҳат йўллари тармоғининг бир маротаба ишга туширилишини ташкиллаштирибди. Болаларни миссис Уэсли ёлғиз ўзи кузатмоқда. Мистер Уэсли, Фред, Жорж, Билл ва Флёр ишга кетишган.

Миссис Уэслининг кўзидан шашқатор ёш оқмоқда. Тўғриси айтиш жоизки, сўнги кунларда у, аниқроқ айтганда, Рождество оқшомида Перси уйдан кўзойнагига бўтқа ёпишган ҳолатда отилиб чиққан фурсатдан буён, деярли тинимсиз йиғламоқда. Бундай қаҳрамонликни Фред, Жорж ва Жинна кўрсатишган.

- Йиғламанг, ойи, - юпатишга уринди Жинна, елкасига бошини қўйиб, хўнграётган ойисининг белини силаб, - Ҳаммаси жойида бўлади.

- Биздан хавотир олманг, - ойисига, юзини хўллаб ўпишига имкон берди Рон, - Персини эса умуман ўйламасангиз ҳам бўлаверади. У ўзи шунақа – бир кам юз. Шундай экан, жиддий йўқотиш бўлмаган, тўғрими?

Миссис Уэсли баттар йиғлаб, Гаррини маҳкам қучиб олди.

- Эҳтиёт бўлиш, ҳар жойга суқилмасликка ваъда бер...

- Мен ҳеч қаерга суқилмайман, - деди Гарри, - Ҳамма билади, мен энг хушхулқ, қўй оғзидан чўп олмайдиган, ўта ювош, мўмин-қобил боламан. Миссис Уэсли кўз ёш тўккан ҳолатда ҳиринглаб, ортга чекинди.

- Хўп, майли, қадрдонларим, янада ақлли бола бўлиб юринглар.

Гарри зумрад рангли олов ичра қадам босиб, овози борича қичқирди:

- «Хогварц»!

Унинг кўз ўнгида дастлаб ошхона бурчаги билан миссис Уэслининг хўл юзи кўринди. Олов уни бутунлай қамраб олгач эса, танаси гир айланиб, бошқа уйлар калейдоскопи кўринди-ю, бирон нимани илғаб олишга уринмай, манзара янгилашиб бораверди. Бироз вақт ўтиб, айланма ҳаракат секинлашди ва ниҳоят кескин тўхтади.

Гарри ўзини профессор Макгонагаллнинг хизмат хонасида кўрди.

Панжара устидан ошиб ўтар экан, профессор ўз ишидан чалғиб, бошини кўтарди.

- Хайрли кеч, Поттер. Гиламнинг расвосини чиқармасликка уриниб кўринг.

- Албатта, профессор.

Гарри кўзойнагини тўғрилаб, сочини тузатди. Бироздан сўнг, камин

оловида гир айланаётган Рон кўринди. Жиннани қарши олишгач, учовлон профессор Макгонагаллнинг хонасини тарк этиб, «Гриффиндор» минораси томон йўл олди.

Гарри йўлакдаги деразалардан ташқарига қараб, қуёш қаср деворлари ортига ботаётгани, ҳовлидаги қор гилами Бошпана боғидаги қор қопламасидан қалинроқ эканлиги, олисда, кулба олдида Хагрид Отбургутни боқаётганини кўрди.

- Бемаъни гап, - ишонч-ла талаффуз этди Рон, Семиз Холанинг рўпарасига келиб.

Рангидан қон қочган Семиз Хола Роннинг бақирғидан юзини буриштирди.

- Йўқ, - деди у.

- Йўқ, деганингиз нимаси?

- Пароль алмаштирилган, - тушунтириш берди Семиз Хола, - Ўтинаман сендан, фақат қичқирма.

- Биз йўқ эдик, қаердан билайлик?...

- Гарри! Жинна!

Болалар олдига ранги қизарган, эгнига ридо, бошига шляпа кийган бўлиб, қўлига қўлқоп таққан Гермиона югуриб келди.

- Икки соатча олдин қайтган эдим. Хагрид билан Отбур... яъни Товуққанотдан хабар олиб келдим, - бир нафасда маълум қилди у, - Рождество қалай, яхши ўтди-ми?

- Ҳа, - шу заҳоти жавоб берди Рон, - Етарлича жўшқин ўтди. Руфус Скр...

- Сенга берадиган нарсам бор, Гарри, - давом этди Гермиона, Ронга, худди у, бу ерда йўқ каби, эътибор қаратмай, - Ҳа, айтгандай, пароль. Ўқиш ва иш.

- Тўғри, - деди Семиз Хола ва тебранганча, ортидаги туйнукни очди.

- Унга нима қилди? - сўради Гарри.

- Байрам кунлари сал ошириб юборибди, - жавоб берди Гермиона, одамга тўлган умумий меҳмонхона остонасини биринчи бўлиб ҳатлаб ўтиб, - Дугонаси Виолеттага қўшилиб, пиёниста монахларнинг вино захирасини ичиб битирибди. Афсун ўқиш хонаси яқинидаги расмни эслайсан-ми?... Майли, бунинг аҳамияти йўқ, ҳозир...

У кассасини ковлаб, Дамблдорнинг дастхати ила битилган пергамент ўрамини чиқариб, узатди.

Гарри мактубни очиб, якка тартибдаги навбатдаги машғулот эртага оқшомга тайинланганини ўқиди.

- Жуда соз, - деди у, - Унга ва сенга ҳам, албатта, айтадиган гапларим жуда кўп. Юр, жой топиб ўтирайлик.

Кутилмаганда, кимдир «Ана-Ана!» - дея чириллаб, худди ер қаъридан чиқиб келгандай, Роннинг бўйнига осилиб олди. Лаванда Брауннинг ушбу қилиғини кўрган халойиқ ҳиринглаб юборди. Гермиона эса узок кулиб олгач, бўш столлардан бирини кўрсатди.

- Ана стол... Биз билан ўтирасанми, Жинна?
 - Динни топишга ваъда қилган эдим, раҳмат.
- Жиннанинг ушбу оҳангида иштиёқ эшитилмагани Гаррининг эътиборидан четда қолмади. Рон билан Лаванда эса худди курашчилар сингари, бири-бирига маҳкам ёпишиб олишган. Иккаласини ўз ҳолига қўйган Гарри Гермионани стол томон бошлаб кетди.
- Ўзинг-чи, Рождествони қандай нишонладинг?
 - Ўрта-миёна, - елка қисди Гермиона, - Айтишга арзигулик ҳодиса рўй бермади. Ана-Ананикида нима бўлди?
 - Ҳозир айтиб бераман, - ваъда қилди Гарри, - Гермиона, балки сен?...
 - Йўқ, Гарри, - ифодасиз жавоб берди қиз, - Илтимос ҳам қила кўрма.
 - Таътил давомида эҳтимол... Шундай хаёлга борган эдим-да, ҳар қалай.
 - Мен эмас, Семиз Хола ичган беш юз йил сақланган бир цистерна винони. Гапир, нима демоқчи эдинг?
- Гермионанинг юзи шу қадар баджаҳл қиёфа касб этган-ки, Гарри Ронни унутиб, Малфой билан Снегг ўртасида ўтган суҳбатни айтиб беришни афзал кўрди.
- Гарри ўз ҳикоясини якунига етказгач, Гермиона бироз ўйланиб қолиб, гап бошлади:
- Ўзинг ўйлаб кўр, Гарри...
 - ... Снеггинг Малфойга ёрдам бериш нияти, эҳтимол бўлмаган ва у, шунчаки, Малфойнинг кўзлаган мақсадидан воқиф бўлишни истаган, - Гермионанинг фикрини тез охирига етказди Гарри.
 - Э-м-м... ҳа, - бош ирғиди Гермиона.
 - Мистер Уэсли билан Люпин ҳам шундай фикр билдиришди, - домангир пўнғиллади Гарри, - Лекин Малфой қандайдир жирканч ишни амалга оширишни кўзлаётганини, умид қиламан-ки, рад этмайсан...
 - Йўқ, рад этмайман, - деди Гермиона пастроқ овозда.
 - Ва юқорида айтганимдек, Вольдемортнинг амри ила иш тутяпти?!
 - Ҳм-м-м... ушбу исм ҳам талаффуз этилдими?
 - Ишончим комил эмас, - деди Гарри, қошини чимирганча, эслашга уриниб, - Лекин Снегг «Ўз соҳибинг» деганини аниқ эшитдим... соҳиби Вольдеморт бўлмай, ким бўлиши мумкин?
 - Билмайман, - лабини қимтиди Гермиона, - Эҳтимол отасидир?
- У узоқ-узоқларга қараб, хаёлга шу қадар берилиб кетдики, Лаванда Ронни қитиқлаб ўтиргани кўзига кўринмади.
- Люпиннинг ишлари қалай экан? - сўради қиз, хаёлини йиғиб олиб.
 - Зўр деб бўлмайди, - деди Гарри ва Люпин бажараётган ишлар ҳақида гапириб берди, - Фенрир Уолк ҳақида ҳеч эшитганмисан? - сўради у, ҳикоясини якунлаб.
 - Эшитганман, албатта! - хитоб қилди, чўчиб кетган Гермиона, - Сен ҳам эшитгансан, эсингдами?
 - Қачон? Сеҳргарлик тарихи машғулотларидами? Ўзинг яхши биласан, мен

ҳеч қачон...

- Йўқ, тарих дарсида эмас. Малфой Боржинга ўша Фенрирнинг исми билан таҳдид солган эди! Уолк оиласининг яқин дўсти бўлиб, Боржинни кузатиб боришини айтган!

Гарри оғзи ланг очилганча, Гермионага бақрайиб қолди.

- Эсимдан чиқибди! Ушбу ҳолат Малфойнинг Ўлимдан мириқувчи эканлигини исботловчи далолатдир! Акс ҳолда у, Уолк билан на учраша олали ва на унга кўрсатмалар бера олади.

- Буларнинг бари жуда шубҳали, - чуқур уф тортди Гермиона, - Фақат, агар...

- Ўтинаман, Гермиона, - деди Гарри аччиқланиб, - Бу масалада баҳсга ўрин қолмади.

- Лекин... Малфойнинг Боржинга айтган ўша сўзлари, ўрни йўқ дўк-пўписа эканлигини ҳам рад этиб бўлмайди.

- Бирор нарсага ишонириш қийин одамсан-да, Гермиона, - деди Гарри, бош чайқаб, - Майли, кўрамиз ҳали, ким ҳақ эканлигини... Сен, Гермиона ва вазирликдагилар ҳали эслайсиз, менинг сўзларимни. Ҳа, айтгандай, Руфус Скримж билан ҳам баҳслашиб қолишга улгурдим.

Оқшомнинг қолган қисми етарлича тинч, Сеҳргарлик вазирлигининг фаолияти танқид қилинган ҳолда ўтди. Гермиона ҳам, худди Рон каби, ўтган йилги таъқибдан сўнг, Гарридан ёрдам сўралишини ўтакетган суллоҳлик, деб топди.

Янги семестр хушxabар билан бошланди: эрталаб, умумий меҳмонхонадаги эълонлар тахтасида йирик ҳарфлар билан битилган эълон пайдо бўлибди.

ҲАВОДА ДАФ БЎЛИБ, ПАЙДО БЎЛИШГА ДОИР МАШҒУЛОТЛАР

Ёши ўт еттидан ошган ёки жорий йилнинг 31 августига қадар ўн еттига тўладиган барча ўқувчилар Сеҳргарлик вазирлигининг йўриқчиси томонидан ўтказиладиган ўн икки ҳафтали, ҳавода даф бўлиб, пайдо бўлишга доир курсда таҳсил кўриши мумкин.

Истак билдирган шахслардан ўз фамилиясини қуйида келтирилган рўйхатда қайд этишларини сўраймиз.

Курсда таҳсил кўриш нархи 12 галлеон.

Гарри билан Рон эълон олдида тўпланган халойиқ орасига кириб, ўз фамилияларини навбат билан рўйхатга киритиб қўйишди. Рон ўз фамилиясини Гермионанинг фамилияси остига ёзмоқчи бўлиб, пат-қаламини чиқарган фурсатда, орқасидан пинҳона келган Лаванда қўл билан кўзини тўсиб, қулоқни қоматга келтирар даражада чинқирди:

- Менинг кимлигимни топ, Ана-Ана?

Гарри ўгирилиб, Гермионанинг қатъий одимлаганча, нари кетаётганини кўрди. Рон ва Лаванда билан бирга қолишни мутлақо истамаган Гарри

югурганча, қизга етиб олди. Уни таажжублантирган нарса шу бўлдики, портрет тўсган туйнукдан чиқишлари ҳамона, қиёфаси домангир, қулоғи қип-қизил Рон ҳам, уларга етиб олди. Бир оғиз сўз айтмаган Гермiona қадамини тезлатиб, олдинда ёлғиз кетаётган Невиллга етиб олди.

- Демак, ҳавода даф бўлиш, - деди Рон, - Бир вақтичоғлик қилар эканмизда, а?

Унинг юзидан аёнки, ҳозир меҳмонхонада бўлиб ўтган ҳолатни муҳокама қилиш қатъиян ман этилади.

- Билмадим, - чўзди Гарри, - Киши ўзи даф бўлиб, пайдо бўлса, бошқача бўлар-у, Дамблдор билан ўтган бундай жараён менга ёқмади.

- Сени ҳавода даф бўлишга улгурганингни унутибман... Имтиҳонни биринчи уринишда топширишим керак-да, мен, - деди Рон, ташвишли оҳангда, - Фред билан Жорж топширишган эди.

- Чарли-чи, йиқилган эмасмиди?

- Ҳа, энди у мендан анча катта-да, - деди Рон, қўл ҳаракати ила ўзини гориллага ўхшатиб, - Шу боис, Фред билан Жорж уни кўп танқид қилишмаган... ўзининг олдида, ҳар қалай...

- Қачон топшириш керак, имтиҳонни?

- Ўн етти ёшга тўлибоқ. Мен март ойида тўламан, ўн еттига.

- Лекин сен бу ерда, қасрда даф бўла олмайсан-ку.

- Аҳамияти йўқ. Муҳими, ўшанда ҳамма билади, агар истасам, даф бўла олишимни.

Бўлғуси машғулотлар фақат Роннинг ўзинигина ҳаяжонга солгани йўқ. Олтинчи синф ўқувчилари куни билан ушбу масалани муҳокама қилиб юришди. Кишининг ҳавода даф бўлиб, истаган жойда пайдо бўла олиши гўё бебаҳо афзаллик сингари кўрилмоқда...

- Зўр бўлади, агар биз осонгина... - деди Симус, бармоғини тирсиллатганча, ҳавода даф бўлганини ўхшатиб, - Аммаваччам Фергус мени доим шу билан мазах қилади. Ҳеч қиси йўқ, ҳали кўрсатиб қўяман унга... бирон дақиқа бўлсин, тинчлик бермайман энди...

Бахтиёр тасаввурга берилган Симус таёқчасини ҳаддан ортиқ кучли силтаб юбориб, учидан, топшириқда тайинланган соф сувнинг кучсиз фавворасини эмас, ўт ўчириш брендспойтидан отилиб чиқадиган қудратли сув оқимини ҳосил қилиб юборди. Шифтга урилиб қайтган бундай оқим профессор Флитвикнинг устига тушиб, қорни билан ерга қапиштириб қўйди.

Хижил бўлган Симус, сеҳрли таёқчасини сезилар-сезилмас силтаб, эгнини бир зумда қуритиб олган профессор Флитвикдан: «Мен, хода силтаётган бабуин эмас, сеҳргарман», - сўзларини такрор ва такрор ёзиш жазосини олгач, Рон унга маълум қилди:

- Гарри эса, ҳавода даф бўлишга улгурган! Дамб... э-м-м... бир киши, уни ўзи билан олиб кетган. Параллель равишда даф бўлиб, пайдо бўлиш, дейилади бу.

- Зўр-ку! - пичирлаганча хитоб қилди Симус.

Дин, Симус ва Невилль бошларини Гаррига, унинг таассуротини эшитиш учун яқин келтиришди. Кун охирига қадар Гаррини, ҳавода даф бўлиш жараёнида бошдан кечириладиган ҳиссиётлар ҳақида саволларга кўмиб боришди. Киши ўзини нохуш сезишини эшитган болалар даҳшатга тушишса-да, бу уларга хуш ёқиб, иштиёқларини зиғирдай бўлсин, йўқотишмади. Бинобарин, кечки ўн дақиқа кам саккизга қадар савол кетидан савол ёғилди. Якка тартибдаги машғулотга ўз вақтида етиб бориши учун Гаррига, кутубхонадан олинган китобни зудлик билан қайтариб бериши кераклигини баҳона қилиб, ёлғон гапиришга тўғри келди.

Дамблдорнинг хонасини фонуслар ёритган. Собиқ директорлар ўз портретларида хотиржам мизғиб ўтиришибди. Дамблхотира ёзув столи устида ишга шай ҳолатда турибди. Дамблдорнинг ушбу чиғаноқ устига қўйилган қўли кўмирдек қоп-қорайиб кетган. Гарри, ушбу жиддий жароҳат ҳақида юзинчи бор ўйланиб қолди-ю, сабабини сўраб ўтирмади. Бу ҳақда Дамблдор вақти келиб, ўзи айтиб беришини ваъда қилган. Ҳозир Гарри мутлақо бошқа масалаларни муҳокама қилишни ният қилган. Аммо у, Снегг билан Малфой тўғрисида гап очишга улгурмай, Дамблдор сўраб қолди:

- Эшитишимга қараганда, таътил кунларидан бирида сен сеҳргарлик вазири билан учрашган экансан?

- Учрашдим, - тасдиқлади Гарри, - Аммо у, мендан норози бўлиб кетди.

- Ҳа, - хўрсинди Дамблдор, - Мендан ҳам норози у. Лекин Гарри, биз иккаламиз ушбу бахтсизликка бардош бериб, яшашни давом этишимиз керак бўлади.

Гарри ҳиринглаб қўйди.

- Вазирликда ишлаётганлар қанчалик зўр кишилар эканлиги ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб боришим борасида истак билдирди, у. Дамблдор кулиб қўйди.

- Агар билмоқчи бўлсанг, бу дастлаб Фужнинг ғояси бўлган. У ўз лавозимини қўлда сақлаб қолишга роса уринди, қўллаб-қувватлашингга умид боғлаб, сен билан учрашишга ошиқди...

- Ўтган йили кўрсатган «қаҳрамонликлари»дан сўнг-а? - жаҳл қилди Гарри, - Амбриждан кейин-а?

- Бундай ғоя пуч бўлиб, самара бермаслигини Корнелиусга кўп айтганман. Лекин у ишдан кетган бўлишига қарамай, ғоя ўлмади.

Лавозимга сайланганига эндигина икки соат бўлган Скримж ҳам, сен билан ўтадиган учрашувини ташкиллаштиришни мендан талаб қилганча туриб олди.

- Шу масала юзасидан ихтилофлар чиққан экан-да, ўрталарингда?! - хитоб қилди Гарри, - «Башорат-у, каромат газетаси»да ёзишган эди, бу ҳақда.

- Қанчалик ғалати эшитилмасин, тасодифан бўлса-да, баъзан ўша газетада ҳам ҳақиқатни ёзиб туришади, - деди Дамблдор, - Ҳа, биз айнан шу масала юзасидан баҳслашиб қолганмиз. Руфус охири сенга етиш йўлини топа билибди-да, а?!

- У мени суягининг илигига қадар Дамблдорнинг одами, деди.

- Жуда қўпол гапирибди.

- Мен эса, буни ўзи учун аниқлаб олганидан бағоят хурсандлигимни айтдим, унга.

Дамблдор нимадир демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади-ю, фикридан қайтди. Гаррининг орқа томонидаги кўноқда ўтирган қақнус Янгус паст ва жуда мулойим мусиқий овоз чиқариб қўйди. Гарри Дамблдорнинг ёрқин мовий кўзи намланганини кўриб, ўзини ноқулай ҳис этганидан тиззасига қараб олди. Сал ўтиб, Дамблдор қатъий оҳангда гап бошлади.

- Сендан бағоят миннатдорман, Гарри.

- Мактабда бўлмаган кунларингизда қаёққа боришингиз билан ҳам қизиқди, у.

- Ҳа, ушбу масалага у жуда катта қизиқиш билдиради, - деди Дамблдор кўноқ оҳангда, - Орқамдан кузатув олиб борилишини ташкиллаштирибди. Чиндан ҳам, жуда кулгили. Кетимдан кузатиб юриши учун келиб-келиб Давлишни тайинлабди. Яхши иш эмас, бу. Ўзи Давлиш бир марта менинг суқимни татиб кўрган эди. Камлик қилган шекилли, яна ўша ишни такрорлашга тўғри келди.

- Қаерларда бўлишингизни аниқлай олишди-ми? - қизиқди Гарри, ушбу сирли масалани шу тарзда бўлса ҳам, бироз ойдинлаштириб олишга уриниб.

Бироқ кулиб боққан Дамблдор ярим ой шаклидаги кўзойнаги узра Гаррига қараб қўйди.

- Йўқ. Сенга ҳам эрта ҳали. Энди машғулотга киришишни таклиф қиламан, агар бошқа...

- Бор, сэр, - деди Гарри, - Снегг ва Малфойга тегишли масала.

- Профессор Снегг, деб айт уни, Гарри.

- Хўп, сэр. Дивангарднинг оқшомида, мен бехосдан... йўқ, аслида уларни атайин пойладим...

Дамблдор Гаррининг ҳикоясини эшитар экан, юзи ҳеч қандай қиёфа касб этмади.

- Маълумот учун раҳмат, Гарри, - деди у, бироз сукут сақлагач, - Лекин... буларнинг бари аҳамиятсиз бўлгани боис, нутишинг керак.

- Аҳамиятсиз? - ўз қулоғига ишонмади Гарри, - Профессор сиз тушунмаяпсиз-ми?...

- Гарри, фавқулодда учрайдиган ақлий қобилиятим, сўзларинг мазмунини тўла-тўқис англаб етиш имконини берди, - дағалроқ оҳангда жавоб берди Дамблдор, - Сендан бироз кўпроқ нарсаларни тушуна олиш қобилиятимни ҳам инкор этиб бўлмайди. Такрор айтаман: ўз билганингни мен билан

ўртоқлашганингдан жуда хурсандман, бироқ ишонтириб айтаман-ки, сенинг ҳикоянда хавотир олишга арзийдиган бирон-бир гап эшитмадим. Гарри индамай, эътирозли нигоҳини директорга қадади. Ўзи нима гап? Дамблдор Снеггинг олдига Малфойнинг ниятини фош этиб бериш вазифасини қўйган бўлиб, Снегг орқали бор гапдан воқиф бўлиб юрибдими? Ёки ўзини хавотирга тушмаган қўйга солмоқда-ми?

- Демак, сэр, - овози хотиржам, оҳанги боадаб чиққанига умид қилди Гарри, - Сиз унга илгаридек ишонасиз?

- Назаримда мен, ушбу саволга кўп маротаба бир хил мазмунда жавоб беравериб, етарлича сабр-тоқат намоён этдим, шекилли, - деди Дамблдор, энди ўша сабр-тоқат оҳангисиз, - Жавобим мазмунан ўзгармас қолади.

- Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да, - эшитилди истехзоли овоз. Афтидан, Пиний Нигеллий шунча вақтдан буён ўзини ухлаётган қўйга солиб ўтирган кўринади. Дамблдор унга эътибор қаратмади.

- Гарри, машғулотга киришишни талаб қиламан. Иккаламиз нисбатан муҳимроқ масалаларни ҳал этишимиз керак бўлади.

Гаррининг вужудини исён қамраб олди. Агар мавзуни алмаштириш нияти бўлмаса-чи, Малфой ҳақидаги гапларни давом этиб, ўз фикрини қатъий ёқлашни истаса-чи?

- Оҳ, Гарри, Гарри, - бош чайқади Дамблдор, худди унинг фикрини уқиб олгандай, - Бундай ҳолатлар энг қадрдон дўстлар орасида ҳам бўлиб туриши, ҳар бири ўз фикрини бошқаларнинг фикридан муҳимроқ деб ҳисоблашини билсанг эди!

- Сизнинг фикрингизни муҳим эмас деб топмайман, сэр, - қуруққина жавоб қилди Гарри.

- Ҳақ айтинг, Гарри. Зеро у, жуда муҳим фикрдир, - деди Дамблдор енгил оҳангда, - Бугун сенга иккита хотира кўрсатишим керак. Иккаласи ҳам ниҳоятда катта машаққат-ла қўлга киритилган. Айниқса, иккинчи хотира. Фикримча у, йиғилган жамики хотиралар орасида ўта муҳим аҳамиятга эга.

Ишончи беписанд қолдирилган Гарри ҳамон аччиқланмоқда. Бироқ мунозарани давом этадиган бўлса, нимага эришишини яхши идрок этиб, индамай ўтирибди.

- Шундай қилиб, - жарангдор овозда гап бошлади Дамблдор, - Биз ўтган сафар деярли «Хогварц» остонасида қолдирилган Том Реддль тўғрисидаги ҳикояни давом этамиз. Реддль аслида сеҳргар эканлигидан катта қувонч-ла хабар топгани, Диагон хиёбонида унга ҳамроҳ бўлишимдан бош тортгани, «Хогварц»да ўғирлик масаласига мурасасиз қаралиши ҳақида уни огоҳлантириб ўтганимни яхши эслайсан, албатта. Ўқув йили бошланди. Усти юпун, ювош боладай кўринган Том Реддль мактабга келиб, эл қатори саралаш сафига қўшилиб турди.

Дамблдор, қорайган қўлини кўтариб, боши устидаги токчада ётган

қадимий шляпага ўқтади.

- Сараловчи шляпа бошига кийдирилиши ҳамоно, Том Реддль «Слизерин» коллежи ўқувчиларининг рўйхатига киритилди. - деди у, - Коллежнинг машҳур асосчиси ҳам илон тилида сўзлаша олганидан қачон хабар топганини билмайман. Эҳтимол, биринчи кечанинг ўзида воқиф бўлгандир. Бироқ ишончим комилки, ушбу ҳолат Реддлни боз қувонтириб, ўз қобилиятига ўзи берган баҳони ўзи ошириб юборишига сабаб бўлган. Табиатидаги ғайриоддий хусусияти ила синфдошларини қўрқитиш ёки лол қолдиришга уринган-уринмаганини ҳам билмайман. Ҳар қалай, ўқитувчиларга бундай миш-миш гаплар етиб келмаган. Шуниси аниқки, Реддль муттаҳам ёки тажовузкор табиатга эга бўлмаган. Ноёб истеъдодли, барно ва устига-устак етим ўсган Реддль, табиийки, ҳаммининг эътиборини ўзига жалб эта билган ва илк кунлардан эътиборан жамики ўқитувчиларнинг меҳрини қозона олган. У доимо вазмин, боадаб, билимга чанқоқ ва деярли ҳаммада ижобий таассурот қолдиришга муваффақ бўлган.

- Етимхонадаги биринчи учрашувингиз ҳақида ҳеч кимга айтиб бермадингиз-ми?

- Йўқ, Гарри. Реддль зиғирдек бўлсин, тавба қилиш аломатини намоён этмади. Ўтмишда йўл қўйган гуноҳларидан оз бўлса ҳам уялаётган, ҳаётини тоза саҳифадан бошлашни хоҳлаган бўлиши мумкин деган хаёлда, унга имкон беришга аҳд қилдим.

Дамблдор гапини тўхтатиб, Гаррига савол назарида қаради. Бола гапирмоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади. Мана марҳамат, Дамблдор, соғлом фикрга зид равишда, бир ярамасга шафқат қилишга ҳам тайёр.

- Лекин сиз унга чинакамига ишонч билдирмагансиз, шундайми? - эслади Гарри, - Буни менга ўзи... яъни ўша кундалиқдан чиққан Реддль айтган эди: «Ўйлайман-ки, Дамблдор бор гапнинг фаҳмига етган. Қолган ўқитувчилар мени жуда ёқтирган бўлса ҳам, у мени хуш кўрмас эди».

- Айтишим мумкинки... бошқалардан фарқли ўлароқ, сўқир бўлиб қолиш даражасига қадар хуш кўрмаганман, уни, - жавоб берди Дамблдор, - Эсингда бўлса, уни кузатиб боришга аҳд қилганимни айтган эдим. Иқроп бўлишим жоизки, дастлаб уни жуда кам даражада ўргана олдим. Том Реддль, афтидан, ўз табиатининг асл моҳиятидан хабар топиб, уни менга ҳаддан ортиқ очиб юборганини кейинчалик идрок этгач, энди у, мен билан мулоқотда эҳтиёткорона иш тута бошлади, ўз ўтмишига оид бошқа бирон гап айтмади, бироқ айтган гапини ҳам, миссис Коулнинг у ҳақда билдирган фикр-мулоҳазаларини ҳам, қайтариб ола билмади. Қисқа айтганда, у, ҳамкасбларимни ўзига ром қилиб олиш усулларини менга нисбатан ҳам қўллашга уринмади.

Дамблдор бироз ўйланиб тургач, ҳикоясини давом этди.

- Ўқувчилик йиллари давомида Реддль ўз атрофида содиқ ўртоқлар гуруҳини йиғишга муваффақ бўлди. Таъриф беришга бошқа сўз

топилмагани боис, уларни шундай деб номламоқдаман. Илгари таъкидлаб ўтганимдек, Реддль уларнинг бирортасига ҳам илиқ, дўстона муносабат билдирмаган. Ушбу шахслар доираси ёвуз ва шу билан бирга, жазб этадиган жозибага эга, таркиби турлича бўлган. Хусусан, Реддлга ҳимояга муҳтож заифлар, унинг шон-шўхратига шерик бўлишга умид қилган кибр-ҳаволилар, маҳорат-ла амалга ошириладиган олий даражадаги шафқатсизликка қодир бўлиб, табиати етакчига эҳтиёж сезган тажовузкорлар, бошқача қилиб айтганда, ўзидан кам фарқ қиладиган бугунги навкарлари эргашди. Дарҳақиқат, «Хогварц»ни тамомлашгач, уларнинг аксарияти илк Ўлимдан мириқувчиларга айланди. Реддль уларнинг хатти-ҳаракатлари устидан қатъий назорат ўрнатган бўлиб, ёвузликни очиқдан-очиқ амалга оширишга йўл қўймаган. Гарчи Реддль етакчилик қилган доиранинг бевосита дахлдорлиги ҳеч қачон фош этилмаган бўлса-да, «Хогварц»да ўтган ўша етти йил ичида нохуш ҳодисаларнинг кўпдан-кўп сони қайд этилган. Юз берган энг жиддий жинойт – Махфий хонанинг очилиши бўлиб, бегуноҳ қизнинг ўлими ила якун топган. Бунда, ўзинга маълум, Хагрид айбдор деб топилган. Дамблдор қовжираб қолган қўлини дамблхотира устига қўйди.

- Менинг, «Хогварц» ўқувчиси Том Реддлга доир йиғишга эришган маълумотларим сони жуда кам. Кўпчилик Реддль билан боғлиқ хотираси билан ўртоқлашишдан ҳайиқади. Мен йиғган хотиралар кўпдан-кўп саъй-ҳаракатлар эвазига, Реддль «Хогварц»ни тамомлагандан сўнггина, қўлга киритилган. Кимнидир айёрлик-ла кўндирдим, ниманидир эски хотиралар орасидан қидириб топдим, айрим нарсаларни сеҳргар ва магларни сўроқ қилган тарзда билиб олдим. Мен кўндира олган одамларнинг берган маълумотларига қараганда, Реддль ўз ота-онасини суриштириб билишга интилган. Сабаби аён: у етимхонада ўсган ва бунинг боисини билишни истаган. У ўз отаси Том Реддлнинг исмини мактаб ўлжалари хонасидаги ёрлиқларда қидириб, ижобий натижага эришмаган. Мактаб архивида сақланадиган синфбошилар рўйхатини ўрганиб чиққан ва ҳаттоки сеҳргарлик тарихи дарслиги ёд олган. Ниҳоят, отаси «Хогварц» остонасини ҳеч қачон хатлаб ўтганини тан олишга мажбур бўлган. Фикримча, айнан ўша йили у, ўз исмидан воз кечиб, ўзига Лорд Вольдеморт номини олган ва энди илгари ҳазар қилган онасининг оиласини қидиришга киришган. Унинг фикрича, ўлимдек, инсоннинг уят саналадиган заифлигига берилиб қолган онаси афсунгар аёл бўлиши мумкин бўлмаган.

Дамблдор боз тўхтаб, бироз хаёлга берилди.

- Етимхонада Реддлга, онасининг отаси Мерволон исми шахс бўлганини айтишган, - давом этди у, - Ушбу маълумотга таянишга мажбур бўлган Том Реддль, қадимий сеҳргарларнинг шажараларини ўрганиб чиқишга киришган ва ниҳоят Слизериннинг авлодлари ҳамон тирик эканлигидан хабар топган. Ҳаётининг ўн олтинчи йилида, ҳар йилидек, ёзги таътилни

Ўтказгани етимхонага қайтган Реддль, она томонига мансуб ўз қариндошлари – Монстерлар оиласини қидириб топиш мақсадида, муассаса ҳудудини тарк этган. Ана энди, Гарри, ўрнингдан туришинг мумкин...

Гарри ўрнидан қўзғалган Дамблдорнинг қўлида садаф тусли хотирага тўлган биллур шишача кўрди.

- Буни қўлга киритганим – омадимдир, - деди Дамблдор, ялтироқ моддани дамблхотирага қуйиб, - Ҳозир ўзинг тушуниб оласан. Хўш, кетдик-ми? Гарри мрамор чиғаноқ томон қадам босиб, итоат-ла эгилди. Юзи хотира сиртига тегиши ҳамоно, одатдагидай, бўшлиққа учиб тушиб, тош тўшалган ифлос полга қўнди. Атроф деярли қоп-қоронғи.

Бу ер қанақанги жой эканлигини тушуниб етиш учун Гаррига бир неча сония керак бўлди. Монстерлар уйи тасаввурга сиғмас даражада қаровсиз ҳолатга келиб қолган. Ўхшаш аҳволни Гарри ҳали умрида кўрмаган. Шифтдан ўргимчак уйининг ниҳоятда қалин тўри осилиб тушибди. Полни бир қарич чанг қоплабди. Сиртидаги кир балиқ тангасидай қалинлашган идиш-товоқлар стол устида уйилиб, орасида чириб, пўпанак босган егулик кўриняпти. Ягона ёруғлик манбаси сифатида, соч-соқоли ўсиб, кўзи-ю, оғзини тўсиб қўйган эркак кишининг оёғи остидаги шам қолдиғи хизмат қилмоқда.

Уй соҳиби камин ёнида, қандайдир ғалати бўшашган ҳолатда ётибди. Дастлаб у, Гаррининг кўзига, мурдага ўхшаб кўринди. Эшик қаттиқ тақиллагач, сесканиб уйғониб, ўнг қўлидаги сеҳрли таёқчаси, чап қўлидаги пичоқни, таҳдид солишга шай ҳолатда кўтарди.

Эшик ғичирлаб очилди. Остонада, Гарри дарҳол таниган, қўлига қадимий фонус ушлаб олган новча бўйли, юзи рангпар, сочи қора барно йигит – Том Реддль пайдо бўлди.

Вольдеморт кулбани шошмасдан кўздан кечириб чиққач, нигоҳини креслода ўтирган кишида тўхтатди. Улар бир неча сония давомида бир-бирига қараб қолди. Ниҳоят, уй соҳиби оёғи остида тўпланган бир дунё шишани жаранглатганча, ўрнидан базўр тура олди.

- Сен? СЕН? - ўқирди у ва таёқча билан пичоқни олдинга узатганча, Вольдеморт томон қадам ташлади.

- Тўхта.

Кутилмаганда илон тилини эшитган уй соҳиби идиш-товоқни ерга онтариб юборганча, столга тиралиб, Реддлга бақрайиб қолди.

- Сен илон тилида гапира оласанми? - ҳайрон бўлди уй соҳиби.

- Ҳа, гапира оламан, - жавоб берди Реддль, остона ҳатлаб ўтиб.

Унинг ортида қолган эшик ўзидан ўзи ёпилди. Буни кўрган Гарри беихтиёр таҳсин ўқиди. Вольдеморт ҳеч нарсадан қўрқмаётгани аён. Афтидан, ҳафсаласи пир бўлган шекилли, ҳазар қилаётгани юзидан кўриниб турибди.

- Мерволон қани? - сўради у.

- Ўлиб кетган, - жавоб берди уй соҳиби, - Анча бўлди, билмасмидинг?
- Ўзинг ким бўласан? - қошини чимирди Реддль.
- Мен Морфин, билмасмидинг?
- Мерволоннинг ўғлимисан?
- Ўғлиман, албатта. Яна ким бўлишим мумкин?

Морфин Реддлни дурустроқ кўриш учун чирмашиб кетган ифлос сочини орқага ташлади. Гарри унинг ўнг қўлида Мерволоннинг қора тош кўзли узугини кўриб қолди.

- Сени анави магл деб ўйлабман, - пичирлади Морфин, - Унинг ўзгинасисан.

- Яна қанақа магл? - овоз кўтарди Реддль.

- Синглимни бошини айлантирган, анави ерда, катта уйда яшайдиган Реддль-да, яна қайси магл бўлар эди? Лекин энди у, қариб қолган бўлса керак, а? Ёши сендан анча улуғроқ...

Эсанкираб қолган Морфин столга суюнганча, тебраниб турибди.

- У синглимни ташлаб, уйига қайтиб келди, тушундинг-ми? - қўшимча қилди у.

Вольдеморт Морфинга баҳо бераётган каби, ундан кўзини узмай, қараб турибди. Ниҳоят, яқинроқ бориб сўради:

- Реддль қайтиб келди?

- Ҳа, синглимни қаергадир ташлаб, қайтди. Ажаб бўлсин. Ифлосга эрга тегиш қандай бўлишини тушуниб олади энди! - бақирди Морфин, ерга тупуриб, - Хонадон мулкини ҳам ўғирлаб кетди. Қани медальон, а? Слизериннинг медальони қани?

Вольдеморт сукут сақлаб, тоғасининг сўзларини тинглаб турди. Морфин эса таёқчаси-ю, пичоғини силтаб, ўзини ўзи васвослик даражасига етказиб борди.

- Иснод келтирди бизга, суюқ оёқ! Сен ўзинг кимсан ўзи? Уйимга бостириб кириб, мени сўроқ қиляпсан?! Ҳаммаси унут бўлган, унут, тушундинг-ми, унут бўлган.

Морфин тебраниб, боши беихтиёр ён томон бурилди. Шу фурсатда Вольдеморт олдинга ташланиб, хонани ғалати зулмат қоплади.

Вольдемортнинг фонуси ҳам, Морфиннинг шами ҳам кўринмай қолди. Дамблдорнинг панжаси Гаррининг қўлини маҳкам сиқди. Икковлон бўшлиқда учиб, кўзни йиртиб юборгудай зулматдан сўнг, Гаррининг кўзини Дамблдорнинг хизмат хонасидаги тилла тусли хира ёруғлик қамаштириб юборди.

- Бори шуми? - сўради Гарри, - Нима бўлди ўзи? Нима сабабдан хона қоронғилашиб кетди?

- Чунки Морфин бошқа ҳеч нарсани эслай олмади, - жавоб берди Дамблдор, ўтиришга имо қилиб, - Эрталаб у, полда ётган ҳолатда хушига келган. Мерволоннинг узуги эса йўқолган. Шу вақтда, Реддлларнинг хизматини қилиб юрган оқсоч аёл Кичик Висельтон қишлоғининг бош

кўчаси бўйлаб югурганча, катта уй меҳмонхонасида уч кишининг, хусусан, Том Реддлнинг отаси, бувиси ва бувасининг таналари жонсиз ётгани ҳақида жар солган. Маглар маъмурияти Реддлар оиласи қай тарзда ажал топганини аниқлай олмай, таҳайюр ҳолатга тушиб қолган, билишимча, ушбу жиноят иши ҳанузгача ёпилмаган. Зеро, Авада Кедавра киши танасида кўзга кўринадиган бирон-бир жароҳат қолдирмайди... айна вақтда, кўзим олдидаги чандиқ ягона истисно эканлигини ҳисобга олмаганда, албатта...

Дамблдор Гаррининг пешонасидаги чандиққа имо қилди.

- Сеҳргарлик вазирлигида эса қотиллик содир этилганини дарҳол маълум бўлди. Бундан ташқари, вазирлик ходимлари сойликнинг нариги томонида маглардан нафратландиган, ўлдирилган оила аъзоларидан бирига бир вақтлар ҳамла қилгани учун қамоқда ўтириб чиққан сеҳргар яшашини яхши билишади. Бинобарин, улар шу заҳоти Морфиннинг уйига етиб келишди. Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, вазирлик ходимларига Морфинни сўроқ қилиш учун истиффор келтиришга мажбур қиладиган Икром бўлиш дамламасини ичириш, легалименция қўллаш шарт бўлмади. Морфин содир этган жиноятини дарҳол бўйнига олиб, фақат қотилнинг ўзига маълум бўлиши мумкин бўлган тафсилотларни айтиб берди. У ўз ишидан фахрланиши, қотиллик қилиш учун кўпдан буён қулай фурсат пойлаб юргани ҳақида баёнот қилди. Шундан сўнг, сеҳрли таёқчасини вазирлик ходимларига ўз қўли билан топширди. Қотиллик қуроли айнан шу таёқча эканлиги шу заҳоти аниқланди. Сўроқ ниҳоясига етгач, Морфин бирон-бир қаршиликсиз Азкабанга йўл олди. Отасидан қолган узуги йўқолгани уни қаттиқ ташвишга солди. «Узукни йўқотиб қўйдим, энди у мени ўлдиради!» - деди Морфин, қамоққа олиб кетаётган ходимларга. Ушбу сўзлар, афтидан, ҳаётидаги сўнгги сўзлар бўлган. Умрининг қолган қисмини у Мерволоннинг меросини йўқотиб қўйгани учун кўз ёш тўкиб ўтказди ва Азкабан яқинидаги, қамоқхонада жон берганлар қабристонига қўйилди.

- Демак Вольдеморт, қотиллик қилиш мақсадида, Морфиннинг таёқчасини ўғирлаган экан-да? - сўради Гарри, ўтирган жойида қаддини тиклаб.

- Худди шундай, - тасдиқлади Дамблдор, - Бироқ буни тасдиқлайдиган хотира, таассуфки, бизда йўқ. Лекин у, айнан шундай иш тутганига комил ишонч билдириш мумкин. Вольдеморт ўз тоғасига нисбатан гангитиш афсунини қўллаб, унинг таёқчасини олиб кетган. Сойликдаги «катта уй»га бориб, афсунгар онасини ташлаб кетган маглни ва у билан бирга ўз бувиси ва бувасини ер тишлатган. Шу тариқа, Вольдеморт Реддларнинг инобатсиз зотини қириб ташлаб, ўз ўғлидан юз ўгирган отасидан хун олган. Шундан сўнг, Монстерлар кулбасига қайтиб, мураккаб сеҳр қўллаган тарзда, тоғасининг миясига сохта хотира жойлаган, таёқчасини ҳушсиз танаси ёнида қолдириб, қўлидаги узукни ечиб олган-да, жиноят жойини тарк этган.

- Морфин кейинчалик англаб етмаган-ми, қотиллик қилмаганини?

- Йўқ, - бош чайқади Дамблдор, - Юқорида айтганимдек, у ўз айбини тўла-тўқис бўйнига олиб, қилган ишидан фахрланишини баёнот қилган.

- Бироқ унда, мана бу ҳақиқий хотира бўлган-ку?!

- Тўғри, лекин уни чиқариб олиш учун етарлича мураккаб легалименция қўллашга тўғри келди, - деди Дамблдор, - Модомики, Морфин ўз айбига ўзи иқроор бўлган экан, кимга керак, унинг хотирасига чуқур сингиб кириш?! Ҳаётининг сўнгги ҳафталаридагина у билан учрашишга рухсат олдим. Ўша вақтда мен, Вольдемортнинг ўтмишига доир маълумотлар йиғиб юрган эдим. Ҳақиқий хотирани бир илож қилиб чиқариб, мазмунини ўрганиб чиққач, Морфинни Азкабандан халос этишга уриндим. Минг афсуски, вазирлик қарор қабул қилгунга қадар, у ўз омонатини эгасига топшириб, чин дунёга равона бўлди.

- Нима учун вазирлик Вольдемортни фош эта олмади? - дарғазаб оҳангда хитоб қилди Гарри, - Ахир у балоғат ёшига етмаган эди-ку! Бундай ҳолатни улар беҳато аниқлай олади, деб ўйлар эдим!

- Мутлақо ҳақ айтдинг, аниқлай олишади, фақат ижрочини эмас, сеҳр-жоду қўлланилган ҳолатни. Сенга вазнсизлик тилсимини қўллаш айби қўйилгани эсингдами? Гарчи, ўша тилсимни қўллаган ҳақиқий айбдор...

- Довби бўлган, - ғудуллади, адолатсизлик алами ҳанузгача ичини тимдалаб қийнаётган Гарри, - Демак, агар киши балоғат ёшига етмаган бўлиб, ёши катта сеҳргарнинг уйида сеҳр қўлласа, вазирлик бундан беҳабар қолади, шундайми?

- Вазирлик, сеҳр ким томонидан қўлланилганини аниқ айта олмади, албатта, - кулиб қўйди Дамблдор, Гаррининг аччиқланганини кўриб, - Вазирлик ходимлари ота-оналарга, фарзандлари ўз уйида қоида бузмаслиги устидан назорат олиб боришига умид қилишади.

- Бемаънилиқ, - гапни кесди Гарри, - Морфинга нима бўлганини қаранг!

- Тўғри, - бош ирғиди Дамблдор, - Морфин қанчалик хулқи бузуқ бўлмасин, қамоқхонада ўлим топиш жазосига, қолаверса, қотилликда айбланишга лойиқ одам бўлмаган. Бироқ кеч бўляпти. Мен сенга иккинчи хотирани кўрсатишим керак ҳали.

Дамблдор ички чўнтагидан яна битта биллур идиш чиқарди. Ушбу хотира энг муҳим хотира эканлигини эслаган Гарри жим бўлди. Идиш ичидаги хотира худди қуюқлашиб қолгандай, дамблхотирага тушиши қийин кечяпти. Наҳотки хотира ҳам айниб қолса, хаёлдан ўтказди Гарри.

- Бу кўп вақтни олмади, - деди Дамблдор, идишни бир амаллаб бўшатгач, - Хаёл ўтмай, ортга қайтамиз. Хўш, кетдик-ми?

Гарри кумуш тусли қоронғилик ичра учиб, бу сафар яхши таниш бўлган киши – ёш Гораций Дивангарднинг рўпарасида қўнди.

Дивангарднинг каллигига Гарри шу қадар кўникиб қолган эканки, сомон ташланган томни эслатадиган қалин, ялтироқ сариқ сочини кўриб, кўзига ишонмади. Шундай бўлса-да, бошининг қоқ ўртасида ўлчами бир

галлеондек келадиган тоз жой кўринмоқда. Ҳозиргидек қалин бўлмаган мўйлови малла ранг бериб товланмоқда. Ёш Дивангард нисбатан озғин бўлишига қарамай, гул солиб тикилган нимчасидаги тилла тугмаларга маълум даражада юклама берилган.

У кенг тирсакқўйгичли юмшоқ креслога қулай жойлашиб, оёғи остига духоба қопланган пастак курси қўйиб олган. Бир қўлига вино қуйилган қадаҳ ушлаб олган бўлса, иккинчи қўли ананас қанд қутисини титкилаб ўтирибди.

Ёнида Дамблдор пайдо бўлган Гарри атрофга назар солиб, Дивангарднинг хонасига келиб қолганини англади. Профессор билан бирга нисбатан қаттиқроқ, катта-кичик курсиларда ўспирин ёшидаги олти нафарча бола ўтирибди. Гарри ўнг қўлини креслонинг тирсакқўйгичига қўйиб олган Реддлни дарҳол таниди. У қолган болалардан бўйининг новчалиги, барнолиги ва ўзини сипо тутиши билан ажраб турибди. Унинг бармоғидаги қора кўзли тилла узукни кўрган Гарри сесканиб кетди. Бу вақтга келиб, Реддль ўз отасини ўлдиришга улгурибди.

- Сэр, профессор Потешанс пенсияга чиқиб кетаётгани ростми? - сўради Реддль.

- Оҳ, Том, Том, билсам ҳам айтмас эдим, - шакар ёпишиб, оқарган бармоғини силтаб, гина ила пўписа қилган бўлди Дивангард, - Қизиқ, баъзан ўқитувчилар билмайдиган маълумотларни қаердан билиб оласан сен, а? - кўз қисиб қўйди у.

Реддль иржайди, қолганлар эса хандон отиб, унга эҳтиром-ла қараб қўйишди.

- Билиш керак бўлмаган нарсаларни билиш, керакли одамлар кўнглига йўл топа олиш қобилиятинг таҳсинга сазовордир. Айтгандай, ананас қанд учун раҳмат, чиндан ҳам мен ниҳоятда хуш кўрадиган қандлардан бири...

Болалардан қайсидир бири ҳиринглаб қўйди ва айти шу фурсатда хонани қалин оқ туман қоплаб, Гаррининг кўзига Дамблдорнинг юзидан бошқа ҳеч нарса кўринмади. Туман ичра эса Дивангарднинг овози янгради:

- ... гапим эсингда бўлсин, болакай, топган йўлинг яхшиликка олиб бормайди!

Туман қандай пайдо бўлган бўлса, шу тарзда батамом барҳам топди. Хонадагилар ҳеч нарса рўй бермаган каби ўтиришибди. Гарри ҳайрат-ла атрофга қаради. Ёзув столи устидаги миттигина тилла соат ўн бир бўлганидан хабар берди.

- О, муқаддас фалак, кеч бўлибди-ку! - хитоб қилди Дивангард, - Бўлди болалар, бориб ётинглар. Акс ҳолда, ҳаммамизнинг гарданимизда калтак синади. Лестранг, эртага эрталаб иншо кутаман. Тақдим этмас экансан, меҳнат жазосига тортиласан. Сенга ҳам тааллуқли, Эйвери.

Оёққа турган болалар чиқиш эшиги томон талпинди. Дивангард креслосидан оғир туриб, бўшаган қадаҳини ёзув столига қўйди. Реддль

Ўқитувчи билан ёлғиз қолиш мақсадида атайин сусткашлик қилди.

- Тезлаш, Том, - деди ўгирилиб қараган Дивангард, - Бемаҳалда ушлаб олишларини истамайсан-ку, ахир. Синфбоши бўлсанг...

- Сэр, сиздан бир нарсани сўраб билмоқчи эдим.

- Ундай бўлса тезроқ сўра, азизим, тезроқ...

- Сэр, сиз руҳдонлар ҳақида бирон нима биласизми?

Яна ўша ҳолат: қалин туман Реддль билан Дивангардни тўсиб қўйди.

Фақат Дамблдоргина Гаррига хотиржам кулиб қараб турибди. Яна Дивангарднинг бўғиқ овози эшитилди:

- Руҳдонлар ҳақида ҳеч нарса билмайман! Билганимда ҳам айтмас эдим! Энди эса йўқол бу ердан! Руҳдонлар ҳақида иккинчи эшитмай!

- Бўлди, - деди Дамблдор хотиржам, - Қайтиш вақти етди.

Гаррининг оёғи ердан узилиб, икки-уч сония ўтгач, Дамблдорнинг ёзув столи ёнида тўшалган гиламчага тегди.

- Бўлди-ми? - тушунмади Гарри.

Ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган хотира шуми? Нимаси муҳим экан, унинг?

Туман қамрагани-ю, уни ҳеч ким пайқамагани-ми? Ғалати ҳолат, албатта, лекин бундан бошқа ҳеч нарса йўқ-ку?! Реддлнинг саволи жавобсиз қолибди, хўп, нима қилибди энди, осмон узилиб, ерга тушиб кетибди-ми?

- Ушбу хотирага бироз ишлов берилганини пайқаган бўлсанг керак, - деди Дамблдор, креслосига ўтириб.

- Ишлов берилган? - сўради Гарри, у ҳам ўз жойини эгаллаб.

- Ҳа, ишлов берилгани аниқ, - бош ирғиди Дамблдор, - Профессор Дивангард ўз хотирасини атайин бузган.

- Сабаб?

- Фикримча у, ўз хотирасидан ўзи уялади, - жавоб берди Дамблдор, -

Ўзини оппоқ кўрсатиш ниятида, ўз хотирасининг менга кўрсатишни истамаган қисмини йўқ қилган. Хотирага, ўзинг шоҳиди бўлгандай, жуда қўпол ишлов берилган, лекин шуниси яши бўлибди. Демак атайин

бузилган хотира остида, унинг асл нусхаси ҳалигача мавжуд. Шундай

экан, Гарри, сенга биринчи бор уйга вазифа бермоқчиман. Хотирасининг асл, биз учун жиддий аҳамиятга эга бўлган нусхасини беришга

Дивангардни кўндиришинг керак.

Дамблдорга бақрайиб қолган Гарри имкон қадар эҳтиромли оҳангда гап бошлади:

- Бироқ сэр, ушбу масалада мен сизга яхши ёрдамчи бўла олмасам керак... легалименция қўллашингиз... ёки иқрор бўлиш дамламаси...

- Профессор Дивангард жуда бой тажрибага эга, юқори малакали сеҳргар бўлиб, унинг бундай нарсалардан чўчиши амри маҳол, - деди Дамблдор,

- Окклуменция масаласида, бахти қора Морфин Монстерга нисбатан пихини ёрган уста саналади. Ушбу сохта хотирани менга топширган

кундан эйтиборан, иқрор бўлиш дамламасига қарши зидди-заҳарни

ёнидан қўймай олиб юришидан хабар топиб, лол қолган эдим. Ҳақиқатни

куч воситасида тортиб олишга уриниш аҳмоқликнинг ўзгинаси бўлиб, ишимизга катта путур етказиши мумкин. Дивангард «Хогварц»ни тарк этиб кетишини истамас эдим. Бироқ унда ҳам, ҳаммамизда бўлгани каби, заиф жойи бўлиши муқаррар ва ишончим комилки, сен, унинг мудофаасини ёриб ўтишга қодир бўлган ягона кишисан. Такрор айтаман, хотиранинг асл нусхасини қўлга киритиш биз учун жуда муҳимдир, Гарри... Қанчалик муҳим эканлигини, уни кўриб чиққачгина идрок этишимиз мумкин. Сенга омад... ва хайрли тун.

Кутилмаган хайрлашувдан ҳанг-манг бўлган Гарри тез ўрнидан турди.

- Хайрли тун, сэр.

Чиқиш эшигини ёпар экан, Гарри Пиний Нигеллийнинг овозини эшитиб қолди:

- Нега энди бола, бу ишни сендан кўра дурустроқ бажара олишини ҳеч тушунмаяпман, Дамблдор.

- Тушуниб етишингни кутмаган эдим ҳам, Пиний, - жавоб берди Дамблдор.

Янгус боз паст ва мусиқий овоз чиқариб қўйди.

XVIII БОБ. ТУҒИЛГАН КУН СОВҒАЛАРИ

Гермиона ҳанузгача Рон яқинида, унга нафратга тўлиб-тошган нигоҳи ила қараб қўйиш учун етарли бўлган вақтдан ортиқ бўлишни истамаяпти. Бинобарин, эртаси куни Гаррига, Дамблдор томонидан қўйилган топшириқ ҳақида уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида айтиб беришга тўғри келди.

Роннинг фикрича, Дивангард билан боғлиқ бирон-бир қийинчилик бўлиши мумкин эмас экан.

- У сени ўзининг энг суюкли дамламачиси деб билиб, ўларча ёқтиради, - деди нонушта вақтида Рон, санчқига санчиб олган тухум қовурдоғини Гаррига ўқтаб, - Сендан ҳеч нарсасини аямайди. Шундай экан, Дарсдан кейин ҳамма тарқашини кутгин-да, ундан «Хотирангизни беринг», дея илтимос қил, вассалом.

Гермиона эса, танаффус вақтида қор қоплаган ҳовлида туриб, ушбу масалага шубҳа ила қаради.

- Модомики, Дамблдорнинг ўзи сўраб олишга муваффақ бўлмаган экан, афтидан, Дивангард ҳақиқатни батамом бекитишга қатъий аҳд қилган кўринади, - деди у паст овозда, - Рухдонлар... рухдонлар... Ҳеч қачон эшитмаган эканман...

- Эшитмаган эканман?! - ишонқирамай сўради Гарри.

Рухдон нима эканлигини Гермиона тахминан бўлса ҳам, билишига умид боғлаган Гаррининг ҳафсаласи пир бўлди.

- Олий даражадаги ёвуз сеҳр соҳасига тааллуқли бўлса керак, акс ҳолда Вольдемортга нимага керак бўлиши мумкин улар? Ҳа, Гарри, хотирани қўлга киритиш осон кечмайди сенга, амалга ошириладиган стратегияни пухта ўйлаб чиқишинг керак.

- Роннинг фикрича, дарсдан кейин, ҳамма хонадан чиқиб кетишини кутиб, шартта сўраб олишим керак экан.

- Жуда соз! Агар Ана-Ана шундай деган экан, марҳамат, бошла! - шу заҳоти ўт олди Гермиона, - Ахир у ноҳақ бўлиб чиққан ҳолат ҳали ҳеч қачон бўлмаган-ку, шундайми?

- Гермиона, наҳотки сен?...

- Йўқ! - қисқа қилди қиз, қаср томон югуриб.

Гарри тизза бўйи қорда турганча, ёлғиз қолди.

Сеҳрли дамламалар тайёрлаш машғулоти охириги вақтда оғир синовга айланди. Аниқроқ айтиладиган бўлса, Гарри, Рон ва Гермионага битта стол атрофида ўтиришга тўғри келмоқда. Бугун эса ўзининг қозонини Эрнининг қозонига яқинроқ суриб олган Гермиона, нафақат Рон, балки Гаррини ҳам намойишкорона писанд қилмаяпти.

- Сен нима айб иш қилиб қўйдинг? - деярли эшиттирмай сўради Рон, гурур-ла қад ростлаб турган Гермионага қараб қўйиб.

Гарри жавоб беришга улгурмади: синф хонасининг бошида турган Дивангард ҳаммани жим бўлишга даъват қилди.

- Ўтиринг, дўстларим, ўтириб олинг! Тезроқ. Бугун қиладиган ишимиз жуда кўп! Демак, Голпаллотнинг учинчи қонуни... Ким айтади? Мисс Грэнжер, албатта.

Гермиона жавобни ниҳоятда тез ифода этди:

- Голпаллотнинг учинчи қонуни, мазмунан, таркиби мураккаб заҳарга қарши қўлланиладиган зидди-заҳар, ушбу заҳарнинг ҳар бир таркибий қисмига қарши қўлланиладиган зидди-заҳарлар йиғиндисидан кучли бўлишидан иборатдир.

- Тўппа-тўғри! - яшнаб кети Дивангард, - «Гриффиндор»га ўн балл! Хўп, Голпаллотнинг учинчи қонуни аксиома сифатида кўриладиган бўлса, энди...

Гарри ҳеч нимани тушунмади. Дивангарднинг кейинги тушунтиришларини эса Гермionaдан ташқари, ҳеч ким идрок эта олмагани аниқ.

- ... бу эса ўз навбатида, сиз билан бизнинг олдимизда турган энг биринчи вазифа – таркибий қисмларга қарши қўлланиладиган зидди-заҳарларни шунчаки, йиғиш эмас, балки уларнинг ўзаро мос келмайдиган элементларини деярли алкимёвий равишда ўзгартиришга қодир қўшимча компонентни топиш кераклигини англатади, табиийки, агар биз дамламанинг таркибий қисмларини Скарпеннинг фош этиш тилсимлари воситасида тўғри аниқлай олган бўлсак, албатта...

Гаррининг ёнида ўтирган Рон оғзини ярим очиб, ўзининг янгигина «Олий дамламачилик» дарслигига нимадир чизмоқда. Энди Гермiona ёрдамга келмаслигини у доимо унутиб қўймоқда.

- ... шундай экан, - сўзини якунлади Дивангард, - Столим устида терилган заҳар солинган шисачалардан биттадан олиб, машғулотимиз охирига қадар зидди-заҳар тайёрлашингизни сўрайман. Ҳаммангизга омад! Ҳимоя қўлқопини тақиб олишни унутманг!

Қолганлар эсини йиғиб олгунга қадар, Гермiona ўрнидан туриб, Дивангарднинг столига етди. Гарри, Рон ва Эрни ўз жойларига қайтиб келганда Гермiona аллақачон заҳарни қозонга қуйиб, тагига ўт қалашга улгурибди.

- Афсуски, бу сафар, Гарри, чала зот Шаҳзоданг сенга ёрдам бера олмайди, - аччиқ қувонч-ла, баёнот қилди қиз, қаддини ростлаб, - Ишнинг назарий тамойилларини теран идрок этиш талаб этилади. Ҳийланг энди ўтмайди!

Гарри шиша тиқинини жаҳл-ла суғуриб, тўқ пушти суюқликни қозонга қуйди-да, тагига олов ёқди. Энди нима қилиш кераклигини тасаввур ҳам қила олмайди. Гаррининг хатти-ҳаракатини такрорлаган Рон эса телбанамо қиёфа ила қараб турибди.

- Шаҳзоданг чиндан ҳам, бу борада ҳеч нарса ёзмаган-ми? - сўради у, паст овозда.

Ўзининг садоқатли «Олий дамламачилик» дарслигини қўлига олган Гарри, «Зидди-заҳарлар» бўлимини очиб, Голпаллотнинг учинчи қонунини тез топди. Гермiona, ушбу қонундан сўзма-сўз иқтибос

келтирган. Бироқ минг афсуски, чала зот Шаҳзода, ушбу бадбахт қонуннинг асл моҳиятини очиб берадиган бирорта ҳам изоҳ қолдирмаган. Афтидан у, худди Гермiona каби, қонун мазмунини ҳеч бир қийинчиликсиз англаб етган кўринади.

- Ҳеч нарса йўқ, - маънос оҳангда маълум қилди у.

Гермiona ўз қозони устида сеҳрли таёқчасини дадил айлантормоқда. Таассуфки, унинг тилсимини эшитиб, такрорлашнинг иложи йўқ. Қиз ички овоз-ла афсун ўқиш бобида шундай маҳоратга эришганки, энди у, бирон оғиз сўз айтмайди. Эрни Макмиллан эса «Специалис ревелио!» - дея пўнғилламоқда. Ушбу тилсим ишонарлироқ эшитилди чоғи, Гарри билан Рон ҳам, уни такрорлашга киришди.

Ўзининг буюк дамламачи мавқеини қўлдан бериб қўйиши мумкинлигини тушуниб етиши учун Гаррига беш дақиқадан кам вақт етарли бўлди. Синф хонасини айлана бошлаган Дивангард Гаррининг қозонига, одатдагидек, хитоб қилишга ҳозирланиб қаради-ю, юзини тез тескари ўгириб, димоғига урилган палағда тухум ҳидидан нари қочганча йўталиб юборди. Буни кўрган Гермiona эса ичқоралик-ла севинмоқдан ёришиб кетгандай бўлди.

Сеҳрли дахлама тайёрлаш бобида кўпдан буён иккинчи ўринда қолиб кетиш жонига теккани яққол кўриниб турган Гермiona, ҳозир ўз дамламасини ўнта қисмга тақсимлаб, шишачаларга қуйиб чиқмоқда. Бундай ноҳуш манзарани кўрмаслик учун Гарри чала зот Шаҳзоданинг дарслиги устига энгашиб, ортиқча куч-ла варақлай бошлади.

Мана у! Зидди-заҳарларнинг узундан-узоқ рўйхати устига тимдалаб ёзилган изоҳ:

Бўғзига безоар тоши тиқиб қўйилса бас.

Гарри, жумла мазмунини тушунмай, китоб саҳифасига икки-уч сония бақрайиб турди. Қачонлардир эшитган эди-я, безоар тоши ҳақида. Ҳа, тўғри, Снегг ўзининг биринчи дарсида шу тошни тилга олиб ўтган. Ўшанда у: «Аксарият заҳар турларининг одам ўлдириш таъсиридан сақлаб қоладиган безоар тоши тоғ такасининг ошқозонидан чиқариб олинади», - деган эди.

Бу билан Голпаллотнинг учинчи қонунига оид масала ҳал бўлмайди, албатта, лекин... чиқмаган жондан умид... Снеггнинг дарсида журъат этмаган бўлар эди, бироқ ҳозирги вазият узил-кесил чора кўрилишини тақозо этмоқда...

Гарри жавон олдиға югуриб бориб, яккашоҳ нарвал шоҳи, қуритилган турли-туман алаф боғларини ҳар томон суриб, ниҳоят, жавоннинг орқа

деворига тақаб қўйилган «Безоар» ёзувли картон қутичани топиб, қопқоғини очди.

- Икки дақиқа вақт қолди! - эълон қилди Дивангард.

Қутича ичида шакли инсон буйрагини эслатадиган, қуриб буришиб кетган олти дона тош ётибди. Гарри улардан бирини олди-да, қутини жойига қўйиб, қозони томон елдай учди.

- Вақт... БЎЛДИ! - мулойим қичқирди Дивангард, - Қани, кўрайлик-чи, ким нимага эришди экан! Хўш, Блейз... нима бўлди?

Дивангард ўқувчилар тайёрлаган зидди-заҳарларни ўрганиб борганча, синф бўйлаб аста одимламоқда. Ҳеч ким топшириқ ижросини охиригача етказмаган, гарчи Гермiona ўз шишасига таркибий қисмларнинг яна бир қисмини сездирмай қуйишга уринган бўлса-да.

Тақдирга тан берган Рон, сассиқ буғни ҳидламаслик учун, қозонидан сал нари туриб олган. Гарри безоар тошини терлаган кафтида маҳкам сиқиб олганча, ўз навбатини кутмоқда.

Уларнинг столига энг охирида яқинлашган Дивангард Эрнининг дамламасини ҳидлаб, башарасини буриштирганча, Роннинг қозони томон бурилди-ю, бу ерда ҳам бирон сония бўлсин тўхтамай, кўнгли айниб орқага сапчиди.

- Сенинг галинг, Гарри, - деди нафасини ростлаб олган Дивангард, - Хўш, нима каромат кўрсата оласан, бугун менга?

Гарри профессорнинг кафтига безоар тошини қўйди.

Дивангард ўн сонияча тошга бақрайиб қолди. Гарри қўрқа-писа ўқитувчининг қичқириб беришини кутди, бироқ профессор бошини орқага ташлаганча, қаттиқ хандон отиб юборди.

- Қаранг-а! - хитоб қилди у, безоар тошини синфга кўрсатиб, - Онасининг ўзгинаси-я! Йўқ, Гарри, қароринг нотўғри дея олмайман,... Безоар тоши чиндан ҳам, ушбу заҳарларга қарши қўлланиладиган кучли зидди-заҳар саналади!

Юзидан тер оқиб, бурнига кул ёпишган Гермiona аччиғи чиқиб, турган жойида шишиб олди. Унинг эллик иккита таркибий қисмдан, шу жумладан, кўнғир сочи тутамидан ташкил топган бўлиб, охирига етказилмаган зидди-заҳарлари Дивангарднинг орқасида, қаттиқ сингари пуфак чиқармоқда. Лекин ўқитувчи Гарридан бошқа, ҳеч нарсага эътибор қаратгани йўқ.

- Ақлинг етибди-да, а, Гарри? - тиши орасидан вишиллади Гермiona.

- Мана сизга асл дамламачининг ўз ишига дид-ла ёндашуви! - хитоб қилди бахтиёр Дивангард, Гаррининг жавобини кутмай, - Лилининг ўзгинаси-я! Кучли ривожланган ички ҳиссиёт!... Илож қанча, буни насл дейдилар!... Ҳа, Гарри, модомики безоар бор экан, муаммо ҳал бўлади, албатта. Шундай бўлса-да, ушбу тош ҳар нарсага ҳам яравермайди ва умуман айтганда, жуда ноёб саналади. Бинобарин, зидди-заҳарни ўз қўлинг билан ҳам тайёрлай олишинг – керакли тошнинг оғири йўқ дегандай гап, уқдинг-ми?...

Ўз эгнига мушук қусуғига ўхшаш нарса тўкиб юборган Малфой Гермионадан ҳам баттар дарғазаб бўлди. Лекин Малфой ҳам, Гермиона ҳам, қўнғироқ зарби эшитилгани боис, ўз фикрини ифода эта олмади.

- Нарсаларингизни йиғиштирадиган вақт бўлди, - эълон қилди Дивангард, - Ҳа, айтгандай, «Гриффиндор»га яна ўн балл, оддий дадиллик намоён этилгани учун!

Ўз ёзув столи томон одимлаган Дивангард ҳанузгача кулгисини тия олмаяпти. Гарри нарсаларини узоқ сусткашлик-ла юк халтасига жойлай бошлади. Юзлари домангир қиёфа касб этган Рон билан Гермиона эса унга омад тиламай, хонадан чиқиб кетишди. Ниҳоят Гарри, Дивангард билан ёлғиз ўзи қолди.

- Имиллама Гарри, кейинги дарсга кечикасан, - шоширди, аждар терисидан тайёрланган сумкасининг тилла ёпқичини ёпаётган Дивангард.

- Сэр, - деди Гарри, беихтиёр ўзини ўзи Вольдемортга ўхшатиб, - Сиздан бир нарсани сўраб билмоқчи эдим.

- Ундай бўлса, тезроқ сўра, азизим, тезроқ...

- Сэр, сиз... руҳдонлар ҳақида бирон нима биласизми?

Дивангард турган жойида донг қотиб, юм-юмалоқ лунжлари ичкари ботиб кетгандай бўлди. Ниҳоят, қуриб қолган лабини қимтиб намлаб олгач, тилга кирди:

- Нима дединг?

- Руҳдонлар ҳақида бирон нима биласизми, деб сўрадим. Гап шундаки...

- Сени Дамблдор юборган олдимга, тўғрими? - пичирлади Дивангард.

Ўқитувчининг батамом ўзгарган овозида ҳаяжон ва қўрқув оҳанги эшитилди. Итоат қилишдан бош тортган бармоқларини кўкрак чўнтагига базўр суқиб, дастрўмолини чиқарди-да, тер қоплаган пешонасини арта бошлади.

- Дамблдор хотирамни... кўрсатибди-да сенга, а? Шундайми?

- Ҳа, - бош ирғиди Гарри, ростини айтишни афзал билиб.

- Албатта, - паст овозда ғудуллади Дивангард, бўздай оқариб кетган юзини артишдан тўхтамай, - Албатта... Модомики, Гарри, хотирамни кўрган экансан, ўзингга маълумки, руҳдонлар ҳақида мен ҳеч нарса билмайман, ҳеч нима... - зўриқиб такрорлади у, дастрўмолини чўнтагига, портфелини қўлтиғига қистирганча, чиқиш эшиги томон йўл олиб.

- Сэр, - умидсиз қичқирди Гарри, - Мен, шунчаки, чаласи қолгандир, деган хаёлга бордим...

- Шунақа дегин? - қичқирди Дивангард, - Демак, янглишибсан, тушундинг-ми? ЯНГЛИШИБСАН!

Гарри сўз айтишга улгурмади. Ўқитувчи сўнги сўзини ўкириб, эшикни қарсиллатиб ёпганча, кўздан ғойиб бўлди.

Иш ўнгидан келмаганидан хабар топган Гермiona ҳам, Рон ҳам Гаррига ҳамдардлик билдирмади. Бирининг ғазаби Гаррининг арзимаган иш кўрсатиб шуҳрат қозонганидан қайнаётган бўлса, иккинчиси безоар тошидан битта қўшиб келмагани учун хафа бўлди.

- Айнан бир фикр иккаламизнинг миямизга баравар келиб қолгани қанчалик аҳмоқона кўринишини тасаввур қиляпсан-ми, ўзи? - жаҳл-ла қичқирди Гарри, - Вольдеморт ҳақида суриштириб билишим учун, Дивангарднинг кўнглига яқинлашиб боришим керакми, ахир? Ўзингни қўлга олсанг-чи, энди! - деди у, даҳшатли исми эшитиб, башараси буришиб кетган Ронга.

Омадсизлик ва дўстларининг хафагарчилигидан кўнгли чўккан Гарри кейинги бир неча кун давомида Дивангард ҳақида кўп ўйланди. Ва ниҳоят, ишни бошқатдан бошлашдан олдин, унинг ҳушёрлигини заифлаштириш, ўзини руҳдонлар масаласини энди буткул унутган кўйга солиб юриш ва шу тариқа «бекиниб олиш»га аҳд қилди.

Дарҳақиқат, Гарри тўғри қарор қабул қилган экан. Дивангард унга боз мулойим муносабатда бўлиб, афтидан, нохуш суҳбатни миясидан чиқариб юборган кўринади. Гарри Дивангарднинг навбатдаги кечасига таклиф кутиб, бу сафар квидиш машини кечга қолдириб бўлса ҳам, таклифни қабул қилишни ният қилди. Таассуфки, таклифнома келмади. Гарри, ушбу масала борасида Гермiona ва Жиннадан сўраб билди, улар ҳам ва олинган маълумотларга қараганда, бошқалар ҳам, таклифнома олишмаган. Гарри беихтиёр ўйланиб қолди: эҳтимол Дивангард ўпка-

гиналарни тез унутадиган кишилар тоифасига кирмас, ортиқча савол-жавоблардан у ҳам «бекиниб олгандир»?

Устига-ушбу, «Хогварц» кутубхонаси илк бор Гермионага панд берди. Ушбу ҳолат қизни шу қадар руҳий ларзага келтирдики, Гаррига нисбатан сақлаб юрган гинасини бир пастда унутиб қўйди.

- Рухдон нима учун кераклиги ҳақида бирорта бўлсин, маълумот топа олмадим! Тасаввур қиялсан-ми, ҳатто жуда даҳшатли таъсирга эга дамламаларга оид, ниҳоятда қўрқинчли китобларда ҳам бирон оғиз сўз айтилмаган! Мана бу топилди холос... «Энг мудҳиш сеҳр-жоду» китобининг кириш қисмида... қулоқ сол: «Сеҳр қўллаш ғоялари орасида энг ёмон ният саналадиган руҳдонларни тилга олмаймиз ҳам, уларга шама қилмаймиз ҳам»... Табиийки, савол туғилади: ҳой инсон, тилга олмас экансан, нега ёзасан? - алам-ла хитоб қилди қиз, қадимий китобни жаҳл-ла ёпиб.

Китоб арвоҳнинг чинқириғи каби овоз чиқарди.

- Э, ўчир овозингни! - ўшқириб берди Гермиона, уни юк халтасига тиқиб юбориб.

Февраль келиб, қор эриди. Аёзли ҳаво ўз ўрнини рутубатли кунларга бўшатиб берди. Қаср устида кул ранг бинафша тусли оғир булутлар муаллақ осилиб, тинимсиз ёғадиган муздай ёмғир майсазорни деярли ўпириб юборди. Шу боис, ўқувчилар ўқув режасида кўзда тутилган дарсларни ўтказиб юбормаслиги учун, шанба кунига тайинланган ҳавода даф бўлиш бўйича илк машғулоти Катта Залда ўтказиладиган бўлди.

Гермиона билан бирга келган Гарри Катта Залдаги столлар гум бўлганини кўрди. Баланд деразалар ойнасини ёмғир саваламоқда, мудҳиш булутлар сеҳрланган шифтга тўпланиб олган.

Коллеж мудирлари профессорлар Макгонагалл, Снегг, Флитвик, Сарсабил хоним ва афтидан, вазирликнинг ҳавода даф бўлиш бўйича йўриқчиси бўлса керак, паст бўйли сеҳргар қаршисида олтинчи синф ўқувчилари бир қатор бўлиб саф тортишди. Қандайдир рангсиз, соч тутами сийрак, киприги шаффоф ушбу йўриқчи гўё моддий тусга эга эмасдек, худди залда бироз шабада кўтарилгудай бўлса, кўздан ғойиб бўлиб қоладигандек кўринмоқда. Эҳтимол бу киши, ҳавода даф бўлавериб, шу аҳволга келиб қолгандир, хаёлдан ўтказди Гарри, гарчи гап бошқа масалада, хусусан, киши жуссасининг ихчамлиги ҳавода даф бўлиш учун жуда мақбул бўлиши мумкинлигида бўлса-да. Ҳамма саф тортиб, коллеж мудирлари жимжитликка эришгач, вазирликдан ташриф буюрган сеҳргар гап бошлади:

- Хайрли тонг. Менинг исмим Уилки Ҳаржойда. Бугундан бошлаб, кейинги ўн икки ҳафта давомида мен сизларга ҳавода даф бўлиб, пайдо бўлишни ўргатаман ва умид қиламан-ки, имтиҳонга тайёрлай оламан.

- Малфой, тек туриб, қулоқ солинг! - ўшқириб берди профессор Макгонагалл.

Ҳамма Малфой томон бурилиб қаради. У хира қизариб, важоҳат-ла баҳслашган Краббедан дарғазаб узоқлашди. Гарри нигоҳини зудлик билан Снегг томон олиб ўтди. Унинг юзида ҳам норозилик қиёфаси кўринди. Фақат ушбу норозилик Малфойнинг хулқи бузуклигидан эмас, балки профессор Макгонагалл унинг ўқувчисига танбеҳ берганидан ифода топгандай кўринди.

- ... имтиҳонни кўпчилик, одатда, биринчи уринишдаёқ муваффақиятли топширади, - худди ҳеч нарса бўлмаган каби, давом этди, Уилки Ҳаржойда, - «Хогварц» ҳудудида ҳавода даф бўлиш ёки бу ерда бошқа жойдан пайдо бўлишнинг иложи йўқлигини биласиз, албатта. Лекин сиз машқ қилишингиз учун мактаб директори Катта Зални ҳимоя афсунидан бир соатга халос этди. Шунинг учун сизга алоҳида эслатиб ўтмоқчиман-ки, мазкур зал ҳудудини ҳавода даф бўлган тарзда тарк этиш мумкин эмас. Зеро, сиз томондан амалга ошириладиган бундай уриниш оқибати жуда аянчли яқун топиши муқаррар. Ана энди сизлардан Катта Зал бўйлаб, ҳар бирингизнинг олдингизда тахминан беш футча масофа қолдирилган тарзда тарқалишни илтимос қиламан.

Ўқувчилар жой учун курашганча, шовқин солиб, бир-бирига урилиб ҳаракат бошлашди. Коллеж мудирлари ўқувчилар орасида жой тақсимлаб, юзага келган низоларга барҳам бериб юришди.

- Қаёққа, Гарри? - қичқирди Гермiona.

Гарри жавоб бермади. У ўқувчилар орасидан, алланима чийиллаб, олд жойларни талашаётган равенклочиларни сафга тизаётган профессор Флитвик, хуффльпуффчиларни бир чизиққа эпчиллик-ла саф торттираётган Сарсабил хонимнинг ёнидан тез юриб, Эрни Макмилланни айланиб ўтгач, ҳаммадан орқада, Малфойнинг ортидаги қатордан жой эгаллади. Орқасида турган Гаррини кўрмаган Малфой, оммавий тўполондан фойдаланиб, ўзидан беш футча наридаги Краббе билан баҳслашмоқда.

- Билмайман, яна қанча чўзилишини, тушундинг-ми? - ўшқирди у, табиатан уришқоқларга хос оҳангда, - Иш мен кутгандан ҳам секин кечяпти.

Краббе эндигина оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, унинг нима демоқчи бўлганини фаҳмлаган Малфой боз ўшқирди:

- Сабаби сени қизиқтирмаслиги керак! Гойл иккалангиз буюрилган ишни бажаринг, вассалом! Пойлоқчилик қиласиз, бас!

- Мен эса нима учун пойлоқчилик қилиш лозимлигини дўстларимга доимо тушунтириб бораман, - деди Гарри, Малфойга эшиттириб.

Қўли сеҳрли таёқчага югурган Малфой турган жойида айланди, бироқ шу фурсатда мудирларнинг тўрталаси ҳам баробар қичқирди:

- ЖИМ!

Катта Залда жимжитлик қарор топиб, Малфой йўриқчи томон юзланишга мажбур бўлди.

- Раҳмат! - миннатдорлик билдирди йўриқчи Ҳаржойда, - Ҳозир эса...

У сеҳрли таёқчасини силтаб, полда, ҳар бир ўқувчининг олдида биттадан қадимий ёғоч ҳалқа ҳосил қилди.

- Ҳавода даф бўлиш учун учта тамойил, хусусан: йўналиш, фикр-хаёлни жамлаш, шошмаслик тамойилларини ёдда сақлаш муҳимдир! - эълон қилди йўриқчи, - Демак, биринчи амал: жамики фикр-хаёлингизни пайдо бўлиш кўзланган жой йўналишига, бизнинг мисолимизда, олдингизда ётган ҳалқанинг ички қисми томон кетган йўналишга жамланг, - деди йўриқчи, - Марҳамат, машқ қилинг.

Қолганлар нима билан банд эканлигини кўриш учун кўпчилик ўғринча атрофга қаради. Гарри бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйламасликка уриниб, ёғоч хошия билан чекланган чанг тўгарагига қараб турди. Бироқ бунинг иложи бўлмади. Малфой ҳақидаги, пойлоқчилар унга нимага кераклигига оид хаёлларни миясидан ҳеч чиқара олмади.

- Иккинчи амал, - давом этди Ҳаржойда, - Фикр-хаёлингизни сиз тасаввур қилган жойда пайдо бўлиш зарурлигига жамланг. Ўша жойда пайдо бўлиш истаги миянгизда тўлиб-тошиб, жамики вужудингизга таралсин.

Энди Гарри ҳам атрофга қаради. Унинг чап томонида турган Эрни Макмиллан ҳалқага шу қадар зўриқиб қараяпти-ки, юзи қип-қизариб, кўрган одам уни ўлчади. Кваффлдай тухум туғмоқчи бўлса керак, деган хаёлга бориши муқаррар. Гарри ўзини кулгидан базўр тийиб, нигоҳини олдидаги ҳалқага олиб ўтди.

- Учинчи амал, - қичқирди Ҳаржойда, - Ушбу амални саноқ остида бажарамиз... Турган жойингизда айланиб, ҳеч қаерга олиб кетадиган йўлни ҳис этинг! Демак, учгача санайман... бир...

Гарри боз атрофга қаради. Кўпчилик, шу бугуннинг ўзида даф бўлиб қолишдан чўчиб кетгани яққол кўриниб турибди.

- ... икки...

Гарри ҳалқага қаради. Ҳавода даф бўлишнинг санаб ўтилган учта тамойилини у аллақачон унутишга улгурган.

- Уч!

Жойида айланган Гарри мувозанатини йўқотиб, йиқилиб тушишига сал қолди. Бундай ҳолатга тушган ёлғиз у эмас. Невилль гупиллаб ерга йиқилди. Эрни Макмиллан бир оёғининг учида аҳмоқона айланма ҳаракат бажарди-да, олдида турган ҳалқага сакраб ўтиб, Дин Томас унинг устидан хандон отиб кулаётганини англаб етгунга қадар, ўша ерда ғоз каби гердайганча тураверди.

- Ҳеч қиси йўқ, ҳеч қиси йўқ, - деди, афтидан, бошқача бўлишини кутмаган Ҳаржойда, - Ҳалқани тўғрилаб, дастлабки ҳолатни қабул қилиб олинг.

Иккинчи ва учинчи уринишлар ҳам, биринчи уринишдан кўп фарқ қилмади. Тўртинчи уринишда эса кимдир қаттиқ чинқириб юборди. Даҳшатли манзара: «Хуффльпуфф» ўқувчиси Сьюзан Боунс ҳалқа ичида ўнг оёғида базўр мувозанат сақлаб турибди, унинг чап оёғи эса ўзидан беш футча нарида, даф бўлган дастлабки жойида қолиб кетибди.

Коллеж мудирлари қиз томон югурди. Баланд пақиллаш янграб, бинафша рангли қалин тутун кўтарилди. Тутун пағаси тарқагач, оёғи жойига қайтган, лекин кўрқиб кетганидан пиқиллаб йиғлаётган Сьюзан кўринди.

- Тананинг парчаланиши ёки ҳар қандай жойи узилиб ажралиши, дейилади бундай ҳолат, - тушунтириш берди Уилки Ҳаржойда, пинаги бузилмай, - Фикр-хаёл талаб даражасида жамланмаслиги оқибатида рўй беради. Ҳаракат йўналишини доимо ёдда тутишингиз, ўз ҳаракатингизни шошилмай, хотиржам бажаришингиз лозим... мана бундай.

У бир қадам олдинга ташлаб, қўлини икки томон узатганча, турган жойида назокат-ла айланди. Коржомаси лип этган йўриқчи гум бўлиб, шу заҳоти Катта Залнинг орқа томонида пайдо бўлди.

- Юқорида санаб ўтилган учта тамойилни унутмаган ҳолда, яна бир бор уриниб кўринг, - деди у, - Бир... икки... уч.

Орадан яна бир соат ўтган бўлса ҳам, Сьюзаннинг парчаланиши, бугунги машғулот давомида рўй берган энг қизиқ ҳодиса бўлганча қолди. Уилки Ҳаржойда, ушбу ҳолатдан асло ташвиш тортмади. Ёқасининг томоқ остидаги тугмасини қадар экан, хотиржам оҳангда хайрлашди.

- Келаси шанба куни учрашгунча, болалар. Унутманг: йўналиш, фикр-хаёлни жамлаш, шошмаслик.

У сеҳрли таёқчасини силтаб, ҳалқаларни даф этди-да, профессор Макгонагалл ҳамроҳлигида Катта Зални тарк этди. Ўқувчилар шовқин солганча, шу заҳоти чиқиш эшиги томон йўл олишди.

- Уддасидан чиқдинг-ми? - сўради Рон, Гаррининг ёнига югуриб келиб, - Сўнгги уринишда нимадир ҳис этгандай бўлдим. Оёғимда санчиш сезилди.

- Калишинг қисгандир, Ана-Ана, - эшитилди орқада овоз.

Гермиона иккаласининг ёнидан жирканч иржайганча, ўтиб кетди.

- Мен эса ҳеч нарсани ҳис этмадим, - деди Гарри, қизнинг заҳрига эътибор қаратмай, - Лекин ҳозир менга бунинг аҳамияти йўқ...

- Ие, аҳамияти йўқ деганинг нимаси? - бовар қилмади Рон, - Ҳавода даф бўлиш амалини ўзлаштириб олишни истамайсан-ми?

- Катта орзуим эмас, ҳар қалай. Учишни афзал кўраман, - иқрор бўлди Гарри, атрофга қараганча, кўзи билан Малфойни излаб.

Вестибюлга чиқишгач, Гарри қадамни тезлатди.

- Юр тезроқ, Рон. Мен бир иш қилишим керак.

Гарри ҳеч нарсани тушунмаётган Рон билан бирга «Гриффиндор» минораси томон деярли югуриб кетди. Тўртинчи қаватда Дрюэг болаларни қисқа вақт ушлаб қолди. Полтергейст йўлни тўсиб олиб, токи ўқувчилар ўз иштонларини ўзлари ёқмас экан, бирортасини ўтказмай туриб олди. Гарри билан Рон ортга бурилиб, яширин қисқа йўллардан бирига ҳеч кимга сездирмай кириб кетишди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас икковлон портрет тўсиб турган туйнук остонасини ҳатлаб ўтди.

- Бирон кун келиб айтасанми, йўқми, нима иш қилишимиз кераклигини? - хансиради Рон.

- Ортимдан юр, - деди Гарри, жавоб ўрнига.

Икковлон умумий меҳмонхонани кесиб ўтиб, ётоқхонага кириб кетди. Хайриятки, Гарри умид қилгандай, ётоқхона бўш экан. Гарри сандиғини

очиб, бисотини титкилай бошлади. Рон эса ноилож унинг ҳаракатини сабрсиз кузатиб турди.

- Гарри...

- Малфой Краббе билан Гойлни пойлоқчи этиб тайинлабди. У ҳозиргина ушбу масала юзасидан Краббе билан жанжаллашиб қолди. Мен бир нарсани аниқлаб олмоқчиман... Ҳа, мана...

Гарри қидирган нарсасини, бир қарашда гўё ишлатилмагандай кўринган пергамент варағини топди. Гарри уни ёзиб текислади-да, сеҳрли таёқчасининг учи билан уриб қўйди.

- Бирон-бир яхшилиқни ният қилмаганлигимга тантанавор онт ичаман!... Малфой ният қилмаганига шубҳа йўқ...

Пергамент варағида қаср қаватларининг батафсил лойиҳаси акс эттирилган Кафандузд харитаси пайдо бўлиб, мактабда яшайдиган одамларнинг номлари ёзилган нуқталар ҳаракати кўринди.

- Малфойни қидириб топишга ёрдамлашиб юбор, - деди Гарри.

Гарри билан Рон иккаласи каравот устига ёзилган харита устида энгашиб, уни диққат билан ўргана бошлашди.

- Ана у! - деди Рон, икки дақиқадан сўнг, - Слизеринчилар меҳмонхонасида, мана, қара... Паркинсон, Забини, Краббе, Гойл каби ҳамтовоқлари билан ўтирибди.

Харитага бақрайиб қолган Гаррининг тарвузи қўлтиғидан тушган бўлса ҳам, дарҳол ўзини қўлга олди.

- Бугундан эътиборан уни кузатиб бораман, - аҳд қилди у, - Краббе билан Гойлнинг пойлоқчилиги остида шубҳали жойда юрганини кўришим ҳамона, кўринмас плашни кияман-да, нима қилаётганини аниқлаш учун...

Гарри жим бўлиб қолди. Ётоқхонага Невилль ва у билан бирга куйган латтанинг аччиқ ҳиди кириб келди. Невилль сандиғини очиб, афтидан, бошқа иштон қидира бошлади.

Гарри Малфойни ножўя иш устида ушлаб олишни ўз олдига мақсад сифатида қўйди-ю, кейинги икки ҳафта давомида омади мутлақо юришмади. У харитани қўлдан қўймай, баъзан ёзилиб келиш баҳонасида машғулотлардан чиқиб юрди, лекин Малфойнинг шубҳали жойда изғиганини кўрмади. Краббе билан Гойл чиндан ҳам қаср бўйлаб тез-тез дайдиб юришади, баъзан кимсасиз йўлакда ҳаракатсиз, тек қотиб қолишади. Бироқ Малфой бу вақтда, уларнинг ёнида бўлмайди, у

харитадан сирли равишда ғойиб бўлиб, умуман ҳеч қаерда кўринмай қолади.

Буларнинг бари Гаррига жуда шубҳали кўриниб, Малфой чиндан ҳам мактаб ҳудудини тарк этиб туради, деган хулосага борди. Бироқ мактабда янги, ўта қатъий хавфсизлик чоралари жорий этилган бир вақтда, қандай қилиб чиқа олиши мумкинлигини ҳеч тушуна олмади. Малфойни юзлаб бошқа нуқталар орасида йўқотиб қўяётганини тахмин қилишдан бошқа чораси қолмади.

Илгари Малфой, Краббе ва Гойл киндиги умумий уч кишидай бир-биридан бирон дақиқа бўлсин, ажралмай юргани-ю, энди ҳар бири ўзи билан ўзи овора бўлиб қолгани... Буни ёш улғайган сари учраб турадиган ҳолат сифатида қабул қилиш керак, хулоса қилди Гарри. Ана, Рон билан Гермионани бунга яққол мисол тариқасида келтириш мумкин.

Март ойи яқинлашмоқда. Агар ёғингарчиликдан ташқари, кучли шамол эсаётгани ҳисобга олинмаса, об-ҳаво деярли ўзгаргани йўқ.

Умумий меҳмонхонанинг эълонлар тахтасида, Хогсмёд сайли бекор қилингани ҳақида эълон осилибди. Табиийки, бу, ўқувчиларнинг эътирозлари юзага келтирди.

- Туғилган кунимда-я! - домангир қичқирди Рон, - Ахир мен, бу кунни қанча кутган эдим!

- Умуман айтганда, Кэтти билан боғлиқ ҳодисадан кейин бунинг хайрон бўладиган жойи йўқ, - фикр билдирди Гарри.

Кэтти ҳали ҳам касалхонада даволаняпти. «Башорат-у, каромат газетаси» эса одамлар, шу жумладан, «Хогварц» ўқувчиларининг қавм-қариндошлари сирли равишда ғойиб бўлиб бораётгани ҳақида тез-тез хабар бериб бормоқда.

- Энди ҳавода телбанамо даф бўлиш машғулотларини кутиб яшашдан бошқа нарса қолмади! - пўнғиллади Рон, - Хурсандчилик бўлмай ўлсин...

Ҳавода даф бўлиш бўйича учта машғулот ўтганига қарамай, мавжуд муаммолар ўзгармас қолди, яна бир неча кишининг танаси парчаланди. Ўқувчилар орасида йўриқчи Уилки Ҳаржойда ва унинг учта тамойилига нисбатан ишончсизлик кайфияти юзага келиб, кўнгил совиб борди. Унинг ўзига эса кўплаб лақаблар берилди. Йўриқчининг айтса бўладиган лақаблардан бири – Гўнгкалла бўлди.

Биринчи март куни эрталаб Гаррини нонуштага отланган Дин билан Симуснинг шовқин-сурони уйғотиб юборди.

- Туғилган кунинг билан, Рон, - деди Гарри, иккала синфдоши чиқиб кетгач, - Мана сенга совға, ушла.

Гарри, қўлидаги бўхчани, афтидан, тунда эльф ташлаб кетган совғалар тўплами орасига отди.

- Раҳмат, - уйқусираб пўнғиллади Рон, бўхчани очиб.

Гарри ўрнидан туриб, яшириб қўйган Кафандузд харитасини олиш учун сандиғини очди. Сандиқдаги нарсаларнинг ярмини ағдар-тўнтар қилиб, суюқ омад сақланаётган пайпоқ остидан харитани чиқарди-да, оёқ томондан ўтиб кетаётган Невилль эшитиб қолмаслиги учун сеҳрли таёқчаси билан аста уриб, пичирлади:

- Бирон-бир яхшиликни ният қилмаганимга тантанавор онт ичаман.

- Чиройли экан, Гарри! - хитоб-ла қичқирди Рон, янги квидиш қўлқопини силтаб.

- Арзимаиди, - деди Гарри, «Слизерин» ётоқхонасини диққат билан кўздан кечириб, - Ўрнида йўққа ўхшайди-ю...

Рон жавоб бермади. У ўз совғалари билан овора бўлиб, тез-тез хитоб-ла оҳ-воҳ қилиб ўтирди.

- Бу йилги ўлжалар ёмон бўлмади! - эълон қилди у, четида тушунарсиз белгилар-у, мил ўрнига митти ситоралар айланаётган оғиргина тилла соатни боши узра кўтариб, - Ота-онамнинг совғасини кўряпсан-ми. Келаси йил ҳам балоғат ёшини ташкиллаштиришим керак экан...

- Тўғри, - ғудуллади Гарри, соатга қиё боқиб, нигоҳини боз харитага олиб ўтгач, - Жин урсин, Малфой қани?

Малфой Катта Залдаги нонуштада ҳам, ёлғиз ўзи ўтирган Снегнинг хонасида ҳам, бирон-бир ҳожатхонада ҳам кўринмади.

- Ейсанми? - деди кавшанган Рон, Гаррига қозон шаклидаги шоколад кекслар қутисини узатиб.

- Йўқ, раҳмат, - рад этди Гарри, бошини харитадан кўтариб, - Малфой яна йўқолиб қолибди!

- Бўлиши мумкин эмас, - бош чайқади, оғзига яна битта шоколад кекс солган Рон, ўрнидан туриб, кийинар экан, - Тезлаш, акс ҳолда ҳавода оч қорнинг билан даф бўлишингга тўғри келади... гарчи... шундай қилсанг... балким осон кечар...

Рон ўйчан ҳолатда ширинлик қутисига қараб, оғзига учинчи кексни солди.

- Шўхлик амалга ошди, - деди Гарри, сеҳрли таёқчасини харитага уриб.

Кийимини кияр экан, Малфой қаерда бўлиши мумкинлиги борасида зўр берганча мулоҳаза юритишни қўймади. Унинг ғалати тарзда гўм бўлиб боришига қандайдир тушунтириш бўлиши керак, фақат қандай тушунтириш, Гарри тасаввур ҳам қила олмаяпти. Ортидан кузатиб юрган осонроқ, албатта. Бироқ кўринмас плаш остида бўлса ҳам, бунинг иложи йўқ. Машғулотлар, машқлар, уйга берилаётган бир олам вазифалар, ҳавода даф бўлиш машғулотлари... Буларнинг бари халал беради. Бирортасини ўтказиб юборса, йўқлиги дарҳол билинади.

- Хўш, тайёرمىсан? - сўради у, Рондан.

Гарри чиқиш эшиги томон одимлар экан, каравот чодирининг устунига суюниб олиб, қандайдир ғалати нигоҳ-ла, ёмғир савалаётган деразага қараб турган Рон, ўрнидан қўзғалмаганини англади.

- Рон, кетдик-ми, нонуштага?

- Қорним тўқ.

Гарри Ронга ҳайрат-ла қаради.

- Ҳозиргина ўзинг?...

- Хўп, майли, - оғир хўрсинди Рон, - Сен билан бирга тушаман-у, ўзим ҳеч нарса емайман.

- Кексларнинг ярим қутисини паққос уриб олишга улгурдинг-ми, дейман, а? - сўради Гарри, дўстига шубҳа ила қараб.

- Гап унда эмас, - боз хўрсинди Рон, - Сен... сен... бари-бир тушунмайсан.

- Мен нимани тушунган эдим-ки, нонушта қилишни хоҳламай қолганингни тушунсам? - пичинг қилди, ҳайрон бўлган Гарри, чиқиш эшиги томон йўл олиб.

- Гарри! - кутилмаганда чақириб қолди Рон.

- Яна нима?

- Ортиқ чидай олмайман!

- Нимани чидай олмайсан? - хавотир ола бошлади Гарри, ранги оқариб кетган Роннинг ҳозир қайт қилиб юборадиган аҳволини кўриб.

- У ҳақда ўйлашдан ўзимни тўхтата олмаяпман! - хириллади Рон.

Гарри Ронга даҳшат-ла бақрайиб қолди. Бунақасини кутмаган, эшитишни ҳам истамаган. Иккаласи дўст, албатта, лекин Рон Лаванданинг «Ана-Анаси»га жавобан «Мана-Мана»лаб қоласа, барига чек қўйишга тўғри келади.

- Бундай ҳолат нонушта қилишга ҳалал бермайди, - деди Гарри, юз бераётган ҳолатга соғлом мазмун бермоқчи бўлиб.

- У менинг борлигимни билмайди ҳали, - деди Рон, қўлини умидсиз силтаб.

- Нега энди билмас экан? Жуда яхши билади, - эътироз билдирди Гарри, ҳайрон бўлиб, - Сендан ўзини уза олмай, ўпишиб юради-ку, унутдинг-ми?

- Кимни айтяпсан? - кўзини пирпиратди Рон.

- Сен-чи? Сен кимни назарда тутяпсан? - сўради Гарри, алдан озиб қолаётганини ҳис этиб.

- Ромильда Вейнни, - пичирлади Рон, юзи худди қуёш ёритгандай, ёришиб.

Икковлон бир-бирига бир-икки дақиқа қараб қолди.

- Ҳазиллашяпсан-ми? - сўради Гарри, ниҳоят тилга кириб.

- Гарри, мен уни ўларча севиб қолдим, - иқроқ бўлди Рон, юраги эзилиб.

- Жуда яхши, - деди, Ронга яқинроқ келган Гарри, шиша тусига кирган кўзи ва қон қочган юзига диққат-ла назар солиб, - Жуда соз. Қани энди, жиддий оҳангда қайтар-чи, гапингни.

- Мен уни севаман, - базўр такрорлади Рон, - Унинг шойидек ялтироқ қоп-қора сочини кўрганингда эди, кўзи-чи, қоп-қора, йирик кўзлари! Яна...

- Ниҳоятда кулгили ва ҳоказо, - гапни бўлди тоқати тоқ бўлган Гарри, - Фақат ҳазил ҳаддан ортиқ чўзилиб кетди. Бас.

У эшик томон икки қадам ташлашга улгурмай, ўнг қулоғига қаттиқ зарба еди. Гандираклаб ўгирилган Гарри юзи ғазабдан буришган Рон навбатдаги зарбага ҳозирлик кўриб, қулоч ёзаётганини кўрди. Гаррининг кейинги хатти-ҳаракати ғайриихтиёрий равишда кечиб, сеҳрли таёқча қўлига ўзидан ўзи илиниб қолгандай, мияда тилсим баланд янграгандай бўлди:

- Левитана!

Оёғи осмондан келиб, ҳавода муаллақ осилган, коржомасининг этаги бошига тушган Рон бақириб юборди.

- Қайси айбим учун? - эътироз-ла қичқирди Гарри.

- Сен у қизни ҳақорат қилдинг! Менинг ҳис-туйғумни оёқости қилдинг! - бақирди, юзига қон келган Рон.

- Яна қанақанги бемаънилик, бу?! - хитоб қилди Гарри, - Нима бўлди сенга?

Шу пайт Гарри Роннинг каравотида ётган очиқ қутини кўриб, бошига тролль ургандай бўлди.

- Қаердан олдинг мана бу кексни?

- Туғилган кунимга совға бу! - қичқирди Рон, халос бўлишга уринганча, ҳавода тебраниб, - Таклиф қилдим, бош тортинг.

- Полдан олдингми?

- Каравотимдан тушди, тушундинг-ми? Қўйиб юбор мени!

- Каравотингдан тушгани йўқ у, аҳмоқ! Харита қидираётганимда сандиғимдан чиққан қути бу. Ромильда тикиштирган менга уни, Рождество байрамига совға сифатида! Ичи тўла севги дамламаси-ку!

Шунча тушунтиришдан Рон, фақат битта сўзни эшитди.

- Ромильда? - ингради у, - Ромильда деддинг-ми?... Сен уни танийсанми? Мени таништириб қўясан-ми, унга?

Ҳавода муаллақ осилиб турган Роннинг юзи мисли кўрилмаган умиддан ёришиб кетди. Гарри Ронга қараб, на кулишни, на куйишни билди. Онгининг қайсидир қисми, аниқроқ айтганда, вужудининг оғриқдан зириллаётган қулоғига яқинроқ қисми, Ронни пастга тушириб, дамламанинг кучи барҳам топгунга қадар, кун билан қай аҳволга тушиши, нималар қилишини томоша қилиб юришни истади... Лекин улар дўст... Қўл кўтарган Рон ҳозир ўзини идора қила олмайдиган ҳолатда... Ромильда Вейнга боқий муҳаббат изҳор этишга имкон яратиб берса-ю, дамлама таъсири ўтгач, Рондан яна бир-иккита мушт еб олиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

- Таништираман, албатта, - ваъда қилди Гарри, нима қилиш, қандай иш тутиш кераклиги борасида тез фикр юритиб, - Ҳозир сени пастга тушираман, тушундинг-ми?

У Ронни гурсиллатиб полга йиқитди. Қулоғининг остида шавла қайнатиб, шанғиллатгани учун қасдини шу тарзда олди. Тишининг оқини кўрсатган Рон тез оёққа туриб олди.

- Ромильда Дивангарднинг хизмат хонасида, - ишонч-ла баёнот қилди Гарри, чиқиш эшиги томон одимлаб.

- У ерда нима қилади? - хавотир-ла сўради Рон, Гаррининг ортидан ошиқиб.

- У... сеҳрли дамлама тайёрлаш фанини яхши ўзлаштира олмаётгани боис, қўшимча дарс олади, - юрган йўлида тўқиди Гарри.

- Балким, унга шерик бўлиб, мен ҳам қўшимча дарс оларман, - орзуга берилди Рон.

- Яхши фикр, - маъқуллади Гарри.

Портрет тўсган туйнук олдида иккаласини кутилмаган муаммо қарши олди.

- Сен кечикяпсан, Ана-Ана, кечикяпсан, - лабини буриштирди Лаванда, хафа бўлиб, - Сенга совға...

- Ўзинг пишириб е, ўша совғангни, - дағал жавоб берди Рон, - Ўз ҳолимга қўй мени. Ҳозир Гарри мени Ромильда Вейн билан таништиради.

Қизга ортиқ сўз айтмаган Рон портрет тўсган туйнукдан шартта чиқиб кетди. Гарри Лавандага узр сўраган қиёфа ила қаради. Бироқ қиз, унинг қиёфасини масхара маъносида қабул қилди, шекилли, ўқрайиб қўйди.

Ишқилиб, Дивангард нонуштага чиқиб кетмаган бўлса бўлди, ташвиш тортди Гарри. Хайриятки, эшик тақиллаши ҳамано, эгнига яшил рангли духоба халат ва халатга мос келадиган шляпа кийган профессор эшикни очди.

- Гарри... - кўзини пирпиратиб пўнғиллади Дивангард, - Жуда эрта келибсан... шанба куни мен узоқ ухлайман...

- Профессор, сизни безовта қилганим учун минг бор узр, - имкон қадар паст овозда пичирлади Гарри, оёқ учида туриб, Дивангарднинг орқасидан ичкарига қарашга уринаётган Ронни маҳкам ушлаб қолишга уриниб, - Бироқ дўстим Рон, ўзи билмаган ҳолда севги дамламасини ютиб юборибди. Зидди-заҳар тайёрлаб беринг, илтимос. Уни Помфри хонимнинг қабулига олиб борар эдим-у, ортиқча савол-жавобдан ўтишни ҳеч истамаймиз... «Уэслиларнинг ажойиб ультрафокуслари»дан харид қилинган молларни сақлаш ман этилган, буни ўзингиз яхши биласиз...

- Тажрибали дамламачисан-ку, ўзинг тайёрлаб берсанг бўлмайди-ми? - сўради Дивангард.

- Э-м-м... Гап шундаки, сэр... - минғирлади Гарри, - Мен ҳеч қачон севги дамламасига қарши зидди-заҳар тайёрламаганман... тайёрлаганимга қадар, Рон бирон кор-ҳол кўрсатиб қўйиши мумкин деб қўрқаман.

Ичкарига киришга ошиқаетган Рон, Гаррининг қовурғасига тирсак ниқтаб, гапиришга халал бермоқда.

- Уни кўрмаяпман, Гарри... яшириб қўйганми, у, қизни? - ингради Рон.

- Дамламанинг истеъмол муддати ўтмаган-ми, ишқилиб? - сўради Дивангард, Ронга профессионал қизиқиш-ла қараб, - Вақт ўтган сари, дахлама кучли таъсирга эга бўлиб борадиган ҳолатлар ҳам учраб туради.

- Бу, кўп нарсаларга ойдинлик киритган бўлар эди, - ҳансиради, Ронни куч қўллаб тийишга мажбур бўлаётган Гарри, - Бугун эса, унинг туғилган куни, - ўтинч оҳангида қўшимча қилди у.

- Майли, киринглар ичкарига, - таслим бўлди Дивангард, Роннинг талпинишини кўриб, - Зарурий таркибий қисмлар сумкамда бор. Зидди-заҳарни тайёрлаш жараёни у қадар мураккаб эмас.

Рон кучли иситилган хизмат хонасининг эшигига отилиб кириб, попук билан безатилган пастак курсига қоқилиб кетди.

- Ромильда кўриб қолмади-ми? - сўради у, Гаррининг бўйнидан маҳкам ушлаб олганча, оёқда туриб қолиб.

- У ҳали келмабди, - жавоб берди Гарри, Дивангардга қараб.

Профессор дахлама тайёрлаш тўпламининг таркибий қисмларидан бир чимдимдан олиб, шиша идишга солди.

- Жуда соз, - деди Рон, - Кўринишим қалай, яхшими?

- Зўр, - деди, рангсиз суюқлик қуйилган стаканни Ронга узатган Дивангард, пинаги бузилмай, - Мана буни ичиб ол. Асабингни мустаҳкамлаб, кайфиятингни кўтаради, қиз келгунга қадар, анча тинчланиб оласан... Тушунгандирсан, нима демоқчи бўлганимни.

- Яхши, - хурсанд бўлди Рон, стаканни бир кўтаришда бўшатиб.

Гарри билан Дивангард Ронни диққат билан кузатиб туришди. Яшнаб турган Рон ҳам, уларга қараб, маълум вақт ўтгач, юзидаги табассум аста-секин барҳам топиб, охири қўрқув қиёфасига алмашди.

- Хўш, қалай, ўзингга келиб қолдинг-ми? - кулиб боқди Гарри.

Дивангард ҳиринглаб қўйди.

- Раҳмат сизга, профессор, - миннатдорлик билдирди Гарри.

- Арзимаиди, азизим, арзимаиди, - жавоб берди Дивангард.

Бўшашиб кетган Рон ўзини курсига ташлади. Дивангард эса ичимликлар терилган стол томон одимлади.

- Кайфиятини чиндан ҳам биров кўтариш учун унга нимадир ичирган маъқул. Хўш, менда ҳузур-лаззат, вино... эман бочкада сақланган глинтасалнинг сўнгги шишаси бор... Ҳм-м... уни Дамблдорга Рождество байрамига совға қилмоқчи эдим... Ҳа, майли... - елка қисди Дивангард, - Борлигини билмаганидан кейин, совға қилинмаганини ҳам билмайди-да, а? Бинобарин, хафа ҳам бўлмайди! Ушбу шишани мистер Уэслининг туғилган куни шарафига очиб, нишонласак арзийди. Ҳеч бир нарса, жавобсиз қолган муҳаббат азобини яхши тайёрланган виночалик енгиллата олмайди...

Дивангард қурқираб кулиб қўйди. Гарри ҳам унга жўр бўлди. Хотиранинг асл нусхасини қўлга киритиш борасидаги уриниш муваффақиятсиз якун топгандан буён, икковлон илк бор шундай самимий учрашмоқда. Агар ўқитувчининг яхши кайфияти сақланиб қолса... эман виносининг етарлича миқдори ичилса, эҳтимол...

- Марҳамат, марҳамат.

Дивангард Рон билан Гаррига қадаҳ узатгач, ўзининг қадаҳини баланд кўтарди.

- Нима ҳам дер эдим, табриклайман, Ральф...

- Рон, - пичирлади Гарри.

Табрик сўзини эшитишга сабри чидамаган Рон, қадаҳни шартта кўтарди-да, қуритди-қўйди.

Бир сония ўтиб-ўтмай, юрак бир бор уришга улгуриб-улгурмай, Гарри қандайдир даҳшат рўй берганини идрок этди, Дивангард эса ҳали ҳеч нарсани фаҳмлагани йўқ.

- ... доимо соғ-саломат бўлиб...

- Рон?!

Қўлидаги қадаҳни тушириб юборган Рон, ўрнидан туришга уринди-ю, ерга қулаб тушиб, оёқ-қўллари типирчилай бошлади, оғзидан кўпик келиб, кўзи косадай очилиб қолди.

- Профессор! - қичқирди Гарри, - Бирон нима қилсангиз-чи!

Бироқ Дивангард худди яшин уриб, фалаж бўлиб қолгандай, ўрнидан қилт эта олмади. Тери қопламаси кўкара бошлаган Рон, нафаси бўғилиб, ҳамон типирчиламоқда.

- Аммо... лекин... бироқ... нима, - гувранди Дивангард.

Гарри паст бўйли стол устидан шартта сакраб ўтиб, дамлама тайёрлаш тўплами томон отилди-да, ҳар хил банкалар-у, қопчаларни ҳар томон улоқтирди. Рон даҳшатли ғулдираш товушини чиқара бошлади. Ниҳоят Гарри керакли нарсани – Дивангард ундан дамлама тайёрлаш дарсида қабул қилган, шакли инсон буйрагини эслатиб, қуриб буришиб кетган зидди-заҳарни топди.

У Рон томон ташланиб, оғзини куч-ла очганча, безоар тошини бўғзига тиқиб юборди. Рон кучли сесканиб, узук-юлуқ нафас чиқарди-да, танаси бўшашиб, ҳаракатсиз бўлиб қолди.

ХІХ БОБ. КУЗАТУВЧИ ЭЛЬФЛАР

Қоронғи тушди. Пардалари тортилиб, фонуслари ёқилган касалхона палатасида ўлик жимжитлик ҳукм сурмоқда. Бу ерда даволанаётган ягона бемор Рон бўлиб, ёнида Гарри, Гермiona ва Жинна ўтиришибди. Учовлон бутун оқшом давомида оёқда, қасрнинг касалхона жойлашган қанотидаги қўш эшик ортида, биров палатага кириб-чиқаётганда ичкарига мўралаганча, туриб чиқди. Кечки соат саккиздагина Помфри хоним ичкарига киришга ижозат берди. Яна ўн дақиқа ўтгач, Фред билан Жорж етиб келишди.

- Мухтасар қилиб айтганда, туғилган куни нохуш бўлибди, - хулоса қилди Фред.

- Нимасини айтасан, - деди Жорж, маънос оҳангда, - Совғани бу тарзда топширамиз деб ўйламаган эдик.

У қўлидаги бўхчани каравот олдидаги кичик стол устига қўйиб, Жиннанинг ёнига ўтирди.

- Тўғри, ҳушида бўлиши керак эди у, тасаввуримизда, - деди Фред.

- Хогсмедда сайр қилдириб, ажаблантирмоқчи эдик уни... - давом этди Жорж.

- Хогсмедда эдингизми? - сўради Жинна, бошини кўтариб.

- Зонконинг ҳар хил кулгили нарсалар сотиладиган дўконини сотиб олиб, дўконимизнинг Хогсмед бўлимини очишни ният қилган эдик, - ғамгин тушунтириш берди Фред, - Энди бундан нима наф, агар сиз аҳмоқларни Хогсмедга чиқаришмайдиган бўлса... молларимизни кимга сотамиз...

майли, ҳозир гап бунда эмас.

У курсисини суриб, Гаррига яқинроқ ўтириб олди-да, Роннинг қон қочган юзига қаради.

- Қандай рўй берди дединг, ўша ҳодисани?

Гарри Дамблдор, Макгонагалл, Помфри хоним, Гермиона ва Жиннага қарийб юз марта айтиб берганини боз баён этишга киришди.

- ... безоар тошини оғзига солганимдан сўнггина, нисбатан енгил нафас ола бошлади. Дивангард ёрдам чақиргани югурди. Яна бироздан сўнг, Макгонагалл билан Помфри хоним елиб келиб, уни бу ерга олиб келишди. Помфри хонимнинг сўзларига қараганда, Рон бир ҳафтача ҳамдардлик шарбатини ичиб тузалиб кетар экан.

- Безоар тоши миянга келгани, омад бизга кулиб боққанидир, - паст овозда хулоса қилди Жорж.

- Омадимиз кулиб боққани, ўша тошнинг топилгани, - безоар топилмаганида иш нима билан якун топишини тасаввур қилган Гаррининг вужуди ҳар галгидек титраб кетди.

Кун давомида ғайриоддий сукут сақлаган Гермиона ҳеч кимга эшиттирмай ҳиқиллаб юборди. Эрталаб югуриб келган қиз, рангги докадай оқариб Гарридан юз берган ҳодиса ҳақида ҳисобот талаб қилгач, заҳарлаш борасида Гарри билан Жинна ўртасида кечган қизгин баҳсга деярли аралашмади, иккаласининг ёнида, то ичкарига киришга ижозат берилгунга қадар, тишини маҳкам сиқиб олганча, чўчиб, индамай турди.

- Ойим билан дадамнинг хабари борми? - сўради Фред Жиннадан.

- Бир соатча олдин шу ерда ўтиришган эди... энди Дамблдорнинг хонасида, ҳозир келиб қолишса керак.

Ҳамма жим бўлиб, уйқусида нимадир пўнғиллаган Ронга эътибор қаратди.

- Демак, заҳар вино таркибида бўлган, шундайми? - паст овозда сўради Фред.

- Ҳа, - ишонч-ла таъкидлади, бошқа тахминни тасаввур қилмай, бўлиб ўтган ҳодисани яна бир бор муҳокама қилишга тайёр Гарри, - Дивангард уни учта қадаҳга тенг қуйиб узатди...

- Сенга сездирмай, бирон нима сепиб қўйган бўлиши мумкин эдими, қадаҳга?

- Мумкин эди, - жавоб берди Гарри, - Фақат савол: нима мақсадда?

- Билмайман, - қошини чимирди Фред, - Назаримда, Дивангард қадаҳларни адаштириб юборган, сени заҳарламоқчи бўлиб, а, нима деб ўйлайсиз?

- Гаррини заҳарлаб нима наф кўради у? - ҳайрон бўлди Жинна.

- Ким билади дейсан, - деди Фред, - Умуман айтганда, ҳозир Гаррини ўлдириш пайида юрганлар кам эмас. Ахир у Мумтоз ва ҳоказо бола-ку.

- Сенингча Дивангард Ўлимдан мириқувчилардан бири, шундайми? - сўради Жинна.

- Рад этиб бўлмайди, - жавоб берди Фред ғамгин оҳангда.

- Бу ишни у Қарам қилиш қарғиши остида қилган бўлиши ҳам мумкин, - фикр билдирди Жорж.
- Айбсиз бўлиши, шишага илгари заҳарланган бўлиб, Дивангарднинг ўзи учун мўлжалланган бўлиши ҳам мумкин, - деди Жинна.
- Дивангардни ўлдириш кимга керак бўлиб қолди?
- Дамблдорнинг фикрича, Вольдеморт Дивангардни ўз сафида кўришни истаган, - гапга аралашди Гарри, - «Хогварц»га ишга киргунга қадар Дивангард бир йил яшириниб юрган. Эҳтимол... - атайин бузилган хотирани эсга олди у, - Дамблдорга ёрдам бермаслиги учун Вольдеморт Дивангардни йўқ қилмоқчи бўлгандир.
- Дивангард ўша шишани Дамблдорга Рождество байрамига совға қилмоқчи бўлганини ўзинг айтдинг-ку, - эслатиб ўтди Жинна, - Демак, кўзланган қурбон Дамблдорнинг ўзи бўлиши ҳам мумкин.
- Демак, вино жўнатган одам Дивангардни яхши билмас экан, - деди Гермiona, - Акс ҳолда, мазали нарсани Дивангард ўзига олиб қолишидан бохабар бўлган бўлар эди у.
- Қиз бир неча соатдан буён энди тилга кириб, овози шамоллаб қолган кишининг овозидай эшитилди.
- Ер-мо-на, - кутилмаганда ингради Рон.
- Ҳамма яна жим бўлиб, ташвишли нигоҳини боз Ронга қаратди. Алланима пўнғиллаган бемор хуррак отишни давом эта кетди.
- Эшик дафъатан ланг очилиб, ҳамма сесканиб туши. Палатага эгнига ҳилпираётган айиқ пўстин, ниҳоятда кенг иштон кийган, сочини ёмғир қатралари ҳўл қилган, қўлига арбалет ушлаб олган Хагрид, ҳар бирининг ўлчами ёш дельфиндек келадиган лой из қолдирганча, ёпирилиб кирди.
- Куни билан ўрмонда эдим! Арагоннинг аҳволи тобора ёмонлашиб боряпти... унга эртак айтиб ўтирдим... - хансиради у, - Кечки овқатга қайтиб, бор гапни профессор Сарсабил хонимда эшитдим!... Рон қалай?
- Ёмон эмас, - деди Гарри, - Тузалиб кетади.
- Олти кишидан ошиб кетманг! - баланд овозда эслатди Помфри хоним, хонасидан югуриб чиқиб.
- Хагрид билан олти кишимиз, - таъкидлаб қўйди Жорж.
- А-а... ҳа-я... - ғудуллади Помфри хоним, афтидан, бениҳоя катта ўлчами туфайли Хагридни биратула бир неча киши сифатида қабул қилиб.
- Аёл ўз хижолатини бекитиш учун сеҳрли таёқчасини чиқариб, полни Хагриднинг изларидан тозалашга киришиб кетди.
- Ишонгим келмайди, - хириллади Ронга бақрайган Хагрид, пахмоқ бошини силтаб, - Ишонмайман, вассалом... ётишини қаранг... Кимга керак бўлиб қолди, уни заҳарлаш, а?
- Айнан шу масалани муҳокама қилиб ўтирган эдик, - деди Гарри, - Биз ҳам билмаймиз.
- Эҳтимол кимдир «Гриффиндор» жамоасига тиш қайраб юргандир? -

ташвиш-ла тахмин қилди Хагрид, - Даствлаб Кэтти, энди эса Рон...

- Жамоага? - ҳайратланди Жорж, - Кимнинг миясига келиши мумкин бундай бемаъни фикр?

- Древ слизеринчиларнинг барини битта қўймай бўғиб қўйган бўлар эди, агар бундай қилиқлари жазосиз қолишини билса, - таъкидлаб ўтди Фред.

- Гап квидишда бўлмаса керак, лекин ўйлашимча, иккала суиқасд ўртасида ўзаро боғлиқлик бор, - паст овозда фикр билдирди Гермиона.

- Қандай боғлиқлик? - сўради Фред.

- Биринчидан, иккала суиқасд бахтли тасодиф туфайлигина ўлим билан якун топмади. Иккинчидан эса, захар ҳам, шода ҳам, кўзланган қурбонга етиб бормади. Бу эса ўз навбатида, - бироз ўйланиб тургач, қўшимча қилди Гермиона, - Жиноятчи биз ўйлагандан ҳам хавfli эканлигини англатади. Афтидан, ўз мақсадга эришиш йўлида нобуд бўладиган одамлар сонининг аҳамияти йўққа ўхшайди унга.

Ушбу даҳшатли таҳлил эндигина якун топган эди ҳам-ки, палатанинг эшиги боз очилиб, мистер ва миссис Уэслилар кириб келди. Биринчи бор кириб Роннинг тузалиб кетишига ишонч ҳосил қилганча чиқиб кетган миссис Уэсли Гаррини қучиб, бағрига маҳкам босиб олди.

- Дамблдор бизга безоар тўғрисида айтиб берди, - йиғламсиради аёл, - О, Гарри, нима десам экан сенга? Даствлаб Жинна... кейин Артур... мана энди Рон... уларнинг ҳаётини қутқариб қолдинг...

- Қўйсангиз-чи... мен ҳеч нарса... - базўр ғудуллай олди Гарри.

- Мундоқ ўйлаб қарасак, Гарри, оиламизнинг ярми тирик қолгани учун сендан миннатдор бўлиши керак экан, - деди мистер Уэсли, овози эзилиб, - Ҳа... «Хогварц-экспресс»да, ўғлимиз Рон айнан сенинг купенгга кириб ўтиришга аҳд қилган ўша кун - жамики Уэслилар учун ниҳоятда омадли кун бўлган экан.

Нима деб жавоб бериш кераклигини билмай ўтирган Гарри, Помфри хонимнинг бемор олдида олти кишидан ортиқ киши бўлиши мумкин эмаслигига доир эслатмасини эшитгач, хурсанд бўлиб кетди. Гермиона иккаласи шу захоти оёққа туриб, чиқиш эшиги томон йўл олишди. Хагрид ҳам, Ронни оила аъзолари даврасида қолдиришга аҳд қилиб, ўрнидан турди. Учовлон йўлак бўйлаб мармар зина томон одимлади.

- Даҳшат, - гумбурлади Хагрид, - Янгидан-янги муҳофаза чоралари кўрилатганига қарамай, болаларга ҳамла қилиш давом этмоқда...

Дамблдор жуда ташвишда... индамай юрибди... кўриб турибман-ку...

- Бирон-бир тахмини йўқми, унинг? - умидсиз оҳангда сўради Гермиона.

- Шундай мияси билан юзлаб тахмини бўлиши аниқ, - садоқатли табааларга хос оҳангда жавоб берди Хагрид, - Фақат у ҳам билмайди, маржонни ким бериб юборганини-ю, винога ким захар солганини.

Билганида, уларнинг барини бўғзидан олган бўлар эди, шундай эмасми? Мен хавотир олаётган ягона нарса, - овозини пасайтирди у, атрофга ва Дрюзг йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун, ҳар эҳтимолга қарши юқорига

аланглаб, - Болаларга нисбатан суиқасд такрорланадиган бўлса, «Хогварц»нинг фаолияти узоққа чўзилмайди. Ахир бундай ҳолат Махфий хонанинг очилиши билан баробар-ку. Яна ваҳима кўтарилади, оналар ўз фарзандларини яна олиб кета бошлайди, мактабни бошқариш маъмурияти шу заҳоти йиғилади-да...

Хагрид беташвиш сузиб ўтаётган узун сочли аёл арвоҳи кўздан ғойиб бўлишини кутиб, жим бўлиб қолди. Сўнг, хириллаган овози билан давом этди:

- ... мактабни бутунлай ёпиш юзасидан қарор қабул қилади.

- Наҳотки? - чўчиб кетди Гермiona.

- Масалага уларнинг нуқтаи назаридан ёндашиб кўринг, - ғамгин давом этди Хагрид, - Болани «Хогварц»га жўнатишнинг ўзи қайсидир маънода таваккалчилик, шундай эмасми? Шунча ёш сеҳргар берк жойга қамаб қўйилар экан, кўнгилсиз ҳодисалар беихтиёр рўй бериши табиий. Қотилликка қўл уриш эса бошқа гап. Дамблдорнинг жаҳли бежиз чиқаётгани йўқ Сне...

Хагрид кутилмаганда қоқилган қозикдай қотиб қолди. Унинг юзида, ҳар қалай, чигаллашиб кетган сочи-ю, соқол-мўйловидан холи қисмида зоминликнинг таниш қиёфаси кўринди.

- Нима дединг? Дамблдорнинг Снеггдан жаҳли чиқяпти дединг-ми? - сўради Гарри.

- Мен ундай демадим, - саросимага тушиб қолди Хагрид, сир бой бериб қўйиб, - Вақт алламаҳал бўлди, мен бора қолай...

- Хагрид, нега Дамблдорнинг Снеггдан жаҳли чиқяпти? - баланд овозда такрорлади Гарри.

- Э, жим-е, жим! - домангир пичирлади чўчиб кетган Хагрид, - Нега бақирасан? Мени қувиб солишларини истайсан-ми? Тўғри лекин... Сенга нима фарқи бор энди... дарсимга келмай қўйган бўлсанг...

- Мени изза қилишга уринма, фойдаси йўқ! - ўжарлик қилганча туриб олди Гарри, - Яна нима ҳунар кўрсатди Снегг?

- Билмайман, Гарри. Буни билиш мумкин эмас эди асли менга! Мен... қисқаси... кунлардан бир кун ўрмондан чиқиб, қулоғимга кимларнингдир суҳбати... аниқроқ айтганда, жанжалли баҳси чалиниб қолди. Мени пайқаб қолишларини истамадим. Аста юриб, бўлаётган гап-сўзни эшитмасликка ҳаракат қилдим-у, лекин улар... қизишиб кетишди ва мен, беихтиёр...

- Хўш? - қийин-қистовини қўймади Гарри.

- Снеггнинг гапига қараганда, - давом этди шошиб қолган Хагрид, - Дамблдор ҳаддан ортиқ кўп ҳодисалар юз бериши муқаррарлигини билар ва у, яъни Снегг энди бу ишдан бош тортар эмиш...

- Қанақанги ишдан?

- Билмайман, Гарри, билмайман! Снеггнинг баёнотидан шуни тушундимки, у ишлайвериб ҳолдан тойган, бор гап шу... Дамблдор эса

бошида розилик бергач, ишни охирига етказишни талаб қилди. Жуда қатъий оҳангда. Снегг ўзининг коллежи – «Слизерин»да олиб бораётган суриштирув ишлари ҳақида гапиргандай бўлди. Бунинг ажабланарли ери йўқ, албатта! - хитоб қилди Хагрид, Гарри билан Гермиона бир-бирига маъноли қараб қўйганини кўриб, - Анави шода юзасидан суриштирув ўтказиш вазифаси мудирларнинг барига қўйилган...

- Тўғри, лекин Дамблдор қолган мудирлар билан жанжаллашмаган, - таъкидлаб қўйди Гарри.

Хагрид қўлидаги, ҳаяжон-ла айлантираётган арбалетни бехос синдириб, икки бўлиб қўйди.

- Қулоқ сол, Гарри, - деди у, - Биламан, Снеггни кўргани кўзинг, отгани ўқинг йўқ, лекин сен у ҳақда ҳар хаёлга боришингни истамас эдим.

- Жим, - пичирлади Гермиона.

Учовлон ўгирилиб, дастлаб назоратчи Аргус Филчнинг деворда пайдо бўлган сояси, хаёл ўтмай, муюлиш ордидан қадди букилиб лунжи титраганча чиқиб келган танасини кўрди.

- Ҳаааа! - ҳуштакли овоз чиқарди у, - Тун ярмида, ётоқхона ташқарисида! Ҳамма жазога тортилади!

- Нега энди жазога тортилар экан, Филч? - эътироз билдирди Хагрид, - Мен билан-ку, улар.

- Хўш, сен билан бўлса, нима қилибди? - ҳақоратомуз оҳангда сўради Филч.

- Ўқитувчиман ахир, жин урсин мени, - дарғазаб жавоб берди Хагрид, - Тушундинг-ми, сен, суллоҳ швах?

Нафрати қайнаган Филч шу заҳоти тумсайиб олди. Жирканч пишиллаш эшитилиб, ер тагидан чиққан каби пайдо бўлган миссис Норрис ўз соҳибининг чўп-устухон болдирига ўралиб олди.

- Сизлар бора қолинглар, - деди Хагрид оғзининг бир чети билан.

Гаррига ортиқ илтимос қилишга тўғри келмади. Гермиона иккаласи ётоқхона томон йўл олишди. Орқада эса Хагрид билан Филчнинг баланд овозда сўкишаётгани эшитилди. «Гриффиндор» минорасига бурилиш жойида Дрюзг кўринди. Бироқ полтергейст болаларга эътибор қаратмай, қувноқ ҳиринглаб, мурдор қўшиқчасини хиргойи қилганча, бақир-чақир эшитилган томон ошиқди:

Қайда жанжал, қайда кулфат!

Дрюзгга ёқар ўша пайт!

Мизғиб ўтирган Семиз Хола безовта қилинганидан аччиқланиб, вайсаган бўлса-да, туйнукни очиб, Гарри билан Гермионани киши ҳордиқ оладиган даражада жимжитлик ҳукм сурган, кимсасиз умумий меҳмонхонага киритди. Афтидан, ҳали ҳеч ким Рон ҳақида эшитмаган. Бугунги савол-жавоблардан тўйиб кетган Гарри ушбу ҳолатдан анча енгил тортиди.

Хайрли тун тилаган Гермiona қизлар ётоқхонаси томон йўл олди, Гарри эса камин олдидаги креслога чўкиб, ўчаётган чўғларга термилганча қолди.

Демак, Дамблдор Снегг билан жанжаллашган, сўзсиз ишонч билдиришига оид барча баёнотларига қарамай, унга бақриб берган... Бундан чиқди, Дамблдорнинг фикрича, Снегг слизеринчиларни... балки Малфойнинг ёлғиз ўзини талаб даражасида сўроқ қилмаган... Ундай бўлса, нега Дамблдор Гаррининг гумонлари асоссиз деган кўйга солиб оляпти ўзини? Гарри бирон-бир аҳмоқона ишга кетини ўйламай қўл уриб, суриштирув жараёнига шахсан ўзи аралашидан қўрқди-ми? Дарҳақиқат, шундай бўлиши ҳам мумкин эди. Лекин бошқа бир сабабни ҳам рад этиб бўлмайди, у ҳам бўлса, Дамблдор Гаррининг машғулотлардан ёки Дивангарднинг хотираси билан боғлиқ «уйга берилган вазифа» ижросидан чалғишини истамаган. Балким ўқитувчилардан бири борасидаги гумонини Дамблдор ўн олти ёшли бола билан ўртоқлашишни истамас...

- Шу ерда экансан-да, Поттер!

Чўчиб кетган Гарри ирғиб туриб, сеҳрли таёқчасини қўлига олди. Умумий меҳмонхонада ҳеч ким йўқлигига ишончи комил бўлиб, нариги бурчакдаги кресло устида аллақандай баҳайбат шарпа пайдо бўлишини кутмаган эди. Қоронғиликка диққат билан назар солиб, Кормак Маклаггенни таниди.

- Сени кутиб ўтирган эдим, - деди Маклагген, кўкрагига ўқталган сеҳрли таёқчани кўрмай, - Мизғиб қолибман. Бугун Уэслини касалхонага кўтариб кетишганини кўриб қолдим. Ўйин бошлангунга қадар оёққа туришига кўзим етмайди. Ўйин эса келаси ҳафтада.

Гап нима ҳақда бораётганини англаб етиш учун Гаррига бир неча сония керак бўлди.

- А... квидиш... ҳа, - ғудуллади у, сеҳрли таёқчасини жинси шимининг камари орасидан ўтказар экан, қўлини сочи орасидан ҳорғин ўтказиб, - Тўғри... оёққа туриши қийин.

- Ўрнига ким ўйнайди, мен-ми? - сўради Маклагген.

Рад этгани Гарри сабаб топа олмади. Ҳар қалай, Маклагген саралаш синовларида иккинчи ўринни эгаллаган.

- Ҳа, - жавоб берди Гарри, - Ўйлашимча, шундай бўлади.

- Жуда соз, - мамнун хитоб қилди Маклагген, - Машқ қачон?

- Нима? А... эртага кечқурун.

- Яхши. Қулоқ сол, Поттер. Иккаламиз бир нарсани олдиндан муҳокама қилиб олишимиз керак. Стратегиямиз масаласида бир қатор ғояларим бор, нафи тегади, ишонавер.

- Жуда яхши, - иштиёқсиз жавоб берди Гарри, - Фақат ҳозир эмас, хўпми? Жуда чарчаганман... кўришгунча...

Эртаси куни Роннинг заҳарлангани ҳақидаги хабар бутун мактабга

тарқалди-ю, Кэттига уюштирилган суиқасддан фарқли ўлароқ, шов-шув кўтарилишига сабаб бўлмади. Модомики, воқеа сеҳрли дамламалар тайёрлаш фани ўқитувчисининг хизмат хонасида рўй берган экан, бу бахтсиз ҳодиса бўлиши ҳам мумкин, дея эътироф этилди содир бўлган ўша ҳодиса. Бунинг устига, Ронга зидди-заҳар ўз вақтида берилиб, заҳарланиш оқибати муваффақиятли якун топган. Умуман олганда, ҳозир гриффиндорчиларни «Хуффльпуфф» билан ўтадиган ўйин кўпроқ қизиқтиради. Уларнинг аксарияти «Хуффльпуфф» жамоасининг Сайёди Заккерайес Смит мавсумнинг биринчи ўйинидаги жирканч шарҳлари учун муносиб жазо олишини кўришга ошиқмоқда.

Гарри эса квидишга ҳали бу қадар бефарқ бўлмаган. Фикри-хаёли Драко Малфойда. Қулай пайт келиши ҳамоно, Кафандуз ҳаритасини қўлига олиб текширар, Малфой юрган жойга атайин борар, лекин бирор маротаба бўлсин, уни шубҳали иш устида ушлаб олишга муваффақ бўлмас эди. Шунга қарамай, Малфой, харита сарҳадидан сирли равишда ғойиб бўлиб бормоқда...

Афсуски, ушбу сирни фош этишга Гаррининг вақти бўлмаяпти. Квидиш машқлари, уйга берилаётган бир олам вазифа, Маклагген билан Лаванда Браундан нари юришга мажбур бўлиш... буларнинг бари унга халал беряпти.

Иккаласидан қайси бири кўпроқ жонга текканини ҳам билмайди. Маклагген ўзини Қўриқчи сифатида Рондан аъло эканлиги, агар ўйинини кўрса, Гаррининг ўзи буни тан олишини тинимсиз таъкидлар, жамоанинг қолган аъзоларини танқид қилар, гарчи Гарри жамоа сардори ким эканлигини бир неча бор эслатиб ўтишга мажбур бўлган бўлса-да, квидиш машқларида нималарга, қандай тафсилотларга эътибор қаратиш кераклигини ўқтириб борар эди.

Гаррининг олдида пайдо бўлиши ҳамоно, Ронни тинимсиз муҳокама қиладиган Лаванданинг вайсаши эса Маклаггеннинг спортга оид зерикарли маърузаларидан зиғирдай қолишмас эди. Аввалига Лаванда биров уни Рон билан бахтсиз ҳодиса рўй бергани ҳақида хабардор қилмаганидан «Ҳар қалай, мен унинг севган қизи бўламан!» - дея, Гарридан ўпка қилиб юрди. Кейинчалик, Гаррининг бундай беадаблигини кечирган Лаванда, гарчи Гарри қизнинг ушбу такаллуфини жон деб рад этишга тайёр бўлса-да, Роннинг ҳис-туйғуларини атрофлича муҳокама қилишга жуда иштиёқманд бўлди.

Лаванда тантанали маросимларда кийиладиган янги коржомаси Ронга ёққан-ёқмаганидан бошлаб, Роннинг унга нисбатан бўлган муносабати жиддийлигига Гаррининг ишончи комил ёки комил эмаслигига қадар ҳар хил саволлари ила хиралик қилавергач, охири Гарри сўрашга мажбур бўлди:

- Менга қара, Лаванда, нега буларнинг барини Роннинг ўзидан сўраб билмайсан?

- Сўрашга сўрар эдим-у, қачон олдига кирсам, ухлагани ухлаган-да! - маъюс хитоб қилди Лаванда.
- Йўғ-е?! - ажабланди Гарри.
- Рон доимо Гаррини бардам қарши олиб, Дамблдор билан Снегг ҳақида янгилик кутар, Маклаггеннинг суюғини толмай ғажигишга тайёр эди.
- Гермиона Грэнжер-чи, Роннинг ҳолидан хабар олиб турибди-ми? - кутилмаганда қизиқиб қолди Лаванда.
- Менимча шундай, - ўзини ноқулай сизди Гарри, - Ахир улар дўст-ку.
- Дўст эмиш, - истехзо қилди Лаванда, - Кулгимни қистама, Гарри.
- Иккаламиз учраша бошлаганимизда Гермиона бир неча ҳафта Рон билан гаплашмай қўйган эди! Энди у, мана бундай келишган, қизиқ ҳолатга тушиб қолганда, ярашиб олишни орзу қиляпти...
- Нималар деяпсан, Лаванда? Уни заҳарлаб ўлдиришга уринишди, бунинг нимаси қизиқ экан? - таажжубланди Гарри, - Умуман айтганда... Мени кечирасан-у, боришим керак. Маклагген келяпти, у мен билан квидиш ҳақида суҳбатлашмоқчи.
- Гарри бир қарашда яхлит девордай кўринган эшикдан лип этиб ўтиб, қисқа йўл билан сеҳрли дамламалар тайёрлаш машғулотига йўл олди. Хайриятки, у ерда Лаванда ҳам, Маклагген ҳам бўлмади.
- Эрталаб, «Хуффльпуфф» билан ўтадиган ўйиндан олдин, Гарри, ўйингоҳ томон йўл олмай, касалхонага кириб ўтди. У ерда Рон қони қайнаб ётибди. Ҳолдан тойиш эҳтимоли борлиги туфайли Помфри хоним томонидан ўйингоҳга бориш ижозати унга берилмади.
- Маклагген уддалай оляпти-ми? - асабий сўради у, афтидан, ушбу саволни илгари икки маротаба берганини унутиб.
- Айтдим-ку, сенга, - вазмин оҳангда такрорлади Гарри, - Жаҳон миқёсидаги квидиш юлдузи бўлган тақдирда ҳам, уни жамоа таркибида қолдирмаган бўлар эдим, деб. У доимо ким қандай ўйнаши кераклигини ўргатиб, ўзини энг моҳир ўйинчи деб ҳисоблайди. Ундан қандай қилиб қутулиш йўлини топа олмай юрибман. Ҳа, айтгандай, бировдан қутулиш масаласида, - «Чақмоқ»ни қўлига олганча, ўрнидан турди у, - Балким бас қиларсан, Лаванда келганда ўзингни ухлаб ётган кўйга солишни? Акс ҳолда у, ҳа демай мени ақлдан оздириб юборади.
- А, - хижолат бўлди Рон, - Ҳа, албатта.
- Учрашишни истамас экансан, тўғриси айтиб қўй унга, - насиҳат қилди Гарри.
- Тўғрилиқка тўғри-ю... ундан осонликча қутулиб бўлмайдиган кўринади... - ғудуллади Рон.
- Бироз сукут сақлаган Рон худди бехос қизиқиб қолгандай сўради:
- Гермиона кириб ўтадим бу ерга, ўйиндан олдин?
- Йўқ. Жинна билан иккаласи аллақачон ўйингоҳга кетган.
- Тушунарли, - деди Рон, қовоғи осилиб, - Яхши. Омад тилайман. Умид қиламан-ки, Маклаг... йўғ-е, Смиттнинг адабини бериб қўясан.

- Уриниб кўраман, - жавоб берди Гарри, супургисини елкасига ташлаб, -
Ҳйиндан кейин кўришгунча.

Жамики мактаб ҳовлида, Ҳйингоҳда ёки Ҳйингоҳ томон йўл олган.
Кимсасиз йўлаклар бўйлаб тез одимлаганча, шамол кучига баҳо бериш
учун деразалардан кўчага қараб борган Гаррининг қулоғига
кутилмаганда қандайдир шовқин эшитилиб қолди. Рўпарадан қовоғидан
қор ёғилаётган икки нафар қиз ҳамроҳлигида Малфой чиқиб қолди.
Гаррини кўрган Малфой донг қотиб, бироздан сўнг қувончсиз хандон
отиб қўйганча, ҳаракатини давом этди.

- Қаёққа? - беихтиёр сўради Гарри.

- Ҳозир оқизмай-томизмай, бор гапни айнан сенга айтиб бераман,
Поттер, - ҳақоратомуз оҳангда вишиллади Малфой, - Яхшиси шошил.
Одамлар Мумтоз Ҳйинчини, дунёда бор нарсани уриб ташлайдиган
болани, яна нима дейишар эди улар сени, кутишмоқда.

Гарри ҳайрон бўлиб, беихтиёр ҳиринглаб юборган қизлардан бирига
қараб қўйди. Қиз қизариб кетди. Малфой Гаррини туртиб ўтганча, йўлини
давом этди. Иккала қиз ҳам унинг ортидан пилдираб, кўп ўтмай, учовлон
муюлиш ортида ғойиб бўлди.

Ҳамма Ҳйингоҳда бўлса-ю, Малфой ўз иши билан банд бўлса. Нима билан
машғул эканлигини билиб олишнинг роса қулай фурсати келди-ю,
бирок... Жимжитликда кечаётган сониялар тез ўтиб бормоқда, Гарри эса
Малфой бурилган муюлиш томон бақрайганча тек қотиб қолди.

- Қаерга гумдон бўлдинг? - домангир оҳангда сўради Жинна,
уствошхонага отилиб кирган Гаррига ўқрайиб.

Жамоа аллақачон кийиниб, майдонга чиқишга шай турибди. Уриб
қайтарувчилар Пикс билан Проуастак таёқларини оёққа урганча,
асабийлашмоқда.

- Малфойни учратиб қолдим, - паст овозда жавоб берди Гарри, тўқ қизил
кийимини боши орқали ўтказганча кийиб.

- Ҳўш?

- У ва унга ҳамроҳ бўлган икки нафар қиз эл қатори Ҳйингоҳга келмай,
қасрда изғиб юришганининг сабабини ойдинлаштириб олмоқчи бўлдим.

- Шу пайтда-я? Шунчалик муҳим эдимиз бу?

- Буни билиш энди амри маҳол, - жавоб берди «Чақмоқ»ни елкасига
ташлаган Гарри, кўзойнагини тўғрилаб, - Бўлди, кетдик.

- Об-ҳаво ҳам, ўчакишгандек, ичи қоралик қияпти, - жамоага далда
берган бўлди Маклагген, - Пикс, Проуастак, яқинлашаётганингизни
кўрмаслиги учун, рақиб томон қуёшга қараб учинг...

- Маклагген, бу ерда сардор мен бўламан. Кўрсатма беришни бас қил! -
жеркиб берди Гарри, - Яхшиси бориб, ҳалқаларингни кўриқла!

Маклагген қовоғидан қор ёғилганча нари кетди. Пикс билан Проуастак
томон юзланган Гарри вайсаб қўйди:

- Қуёшга қараб учишни унутманг.

«Хуффльпуфф» жамоасининг сардори билан қўл сиқишиб қўйган Гарри квидиш ўйини ҳаками Роланда Трюк хонимнинг хуштагига биноан ердан итарилиб, ўз жамоаси узра юқорига кўтарилди-да, Тилла чаққонни қидира кетди. Қанийди коптокчани тезроқ тутиб олиб, қасрга қайтса-ю, Кафандузд Харитасини олиб, Малфой нима билан банд эканлигини аниқлаб олишга улгурса...

- Кваффл хуффльпуффчи Смитнинг қўлида, - акс-садо каби янгради хаёлчан овоз ўйингоҳ узра, - Сўнгги ўйинга мана шу бола шарҳловчилик қилган бўлиб, гриффиндорчилар ҳақида жуда дағал фикрлар билдирган эди... Ўшанда Жинна Уэсли тўғри бориб Смитга урилиб кетган... ва назаримда у, атайин қилган... ҳар қалай, мен шундай деб ўйлайман. Мана энди Смит, гриффиндорчиларга қарши ўйнар экан ўз қилмишидан ич-ичдан пушаймон еётгани аниқ... Вой ана, Кваффлни ҳам олдириб қўйди у, лапашанг... Жинна тортиб олди. Жуда яхши-да, шу қиз. Менга ёқади... Гарри таажжуб-ла шарҳ майдонига бақрайиб қолди. Ҳатто шу ерда, осмон-у фалақда, шарҳловчининг кирчимон узун оқ-сарик сочи ва шиша тикинларидан терилган шодаси аниқ кўринмоқда. Наҳотки ақли-ҳуши жойида, хотираси дуруст кишилардан бирортаси, бошқа одам қуриб кетгандай, келиб-келиб Луна Лавгудни шарҳловчи этиб тайинлаган бўлса?! Афтидан, қарори тўғри эканлигига шубҳа ила қарай бошлаган профессор Макгонагалл, унинг ёнида хижолат тортиб ўтирибди.

- ... бироқ Кваффл энди анави барзанги хуффльпуффчининг қўлига ўтди. Фамилияси нима эди-я унинг, эслай олмаяпман... аллақандай Бабкинсмидией... Хамкинсмидией...

- Груббакинс! - баланд овоз-ла тузатиш киритди профессор Макгонагалл. Халойиқ хандон отиб юборди. Гарри атрофга аланглади. Тилла чаққон ҳеч қаерда кўринмайди. Хаёл ўтмай, Груббакинс гол урди. Ўнг қулоғидан бир дюйм нарида учиб ўтган қизил тўпни кўрмай қолган Маклагген Жиннага ўқирганча, Кваффлни олдириб қўйганида айблади.

- Маклагген, балки одамларни ўз ҳолига қўйиб, ҳалқаларни қўриқлашга киришарсан?! - бақирди Гарри жамоа Қўриқчисига юзланиб.

- Сендан ибрат оляпман! - эътироз-ла қичқирди лавлагидай қизариб кетган Маклагген.

- Гарри Поттер ўз Қўриқчиси билан жанжаллашмоқда, - беташвиш оҳангда эълон қилди Луна, - Тилла чаққоннинг топилишига бу қанчалик ёрдам беришини билмайман, балким бунинг замирида ўзига хос ҳийла бордир...

Намойишгоҳда ўтирган хуффльпуффчи ва слизеринчилар шодиёна оҳангда мазах қила бошладилар.

- Жин урсин, - сўкинди кескин ортга бурилган Гарри, теварак-атрофга диққат билан назар солиб.

Тилла тусли учар коптокчани қидираётган Гарри, ўйингоҳ узра айлана бошлади.

Жинна билан Демельза мухлисларни шод айлаганча, ҳар бири биттадан гол урди. Бироздан сўнг, Груббакинс ҳисобни тенглаштирди. Бироқ Луна бунга эътибор ҳам қаратгани йўқ. Голга ўхшаш арзимас нарсалар айна вақтда уни мутлақо қизиқтирмайди. Ҳозир у, мухлисларнинг диққат-эътиборини ғалати шаклларни касб этган булутларга қаратиш билан банд. Гап орасида у, Кваффлни бир дақиқадан ортиқ қўлда тута олмаётган Заккерайес Смит сирли «таслимчилик дарди»га йўлиққани ҳақидаги тахминини билдириб ўтди.

- Ҳисоб етмиш-у, қирқ. «Хуффльпуфф» олдинда! - ўқирганча эълон қилди профессор Макгонагалл Лунанинг мегафонига.

- Йўғ-е, аллақачон-а? - таажжубланди Луна, - Вой, қаранглар!

Гриффиндорчиларнинг Қўриқчиси Уриб қайтарувчининг қўлидаги таёғини тортиб олди.

Гарри кескин бурилиб қаради. Чиндан ҳам Маклагген Пиксинг қўлидаги битани қандайдир тушунарсиз мақсад-ла тортиб олиб, Тажовузкорни ўқдай учиб келаётган Груббакинсга қарата қандай қилиб улоқтиришни ўргатмоқда.

- Битани қайтариб бериб, зудлик билан ҳалқаларга қайт! - бақирди Гарри Маклагген томон учиб.

Қулоч ёзган Маклагген тўпга зарба берди.

Кўздан чиққан учқун, кўнгил беҳузур бўлиб кетган даражада оғриқ... аллақандай ёғду... узоқ-узоқларда эшитилган қичқириқлар... тобора яқинлашаётган ер, охири кўринмаётган узундан-узоқ туннель...

Кўзини очган Гарри ўзини ниҳоятда қулай, илиқ кўрпада ётганини фаҳмлади. Шифтга осилган фонус тилла тусли нур таратмоқда. Бошини ёстиқдан базўр кўтарган Гарри чап томонда иржайганча қараб турган сепкил босган таниш башарани кўрди.

- Ўйиндан кейин кўришгунча, деганинг менга ёққан эди, албатта, - деди Рон.

Кўзини пирпиратиб олган Гарри атрофга аланглади. Касалхонада ётибди. Деразадан тўқ кўк осмоннинг бинафша тусли томирлари кўринмоқда. Демак, ўйин аллақачон тугаган... энди Малфойнинг изига тушиб бўлмайди. Боши ғайритабиий оғирлашиб, беихтиёр кўтарилган ўнг қўли бинтдан ҳосил бўлган саллани ҳис этди.

- Менга нима қилди?

- Бош суягинг дарз кетган, - деди Помфри хоним, югуриб келганча, Гаррини ўрнига ётқизиб, - Хавотирга ўрин йўқ, тегишли муолажаларни амалга ошириб қўйганман, лекин сен бугун шу ерда тунаб қоласан. Зўриқмай, бир неча соат тинч ётишинг шарт.

- Бу ерда тунамоқчи эмасман, - эътироз билдирди Гарри, ётган ўрнига ўтириб олганча, устидаги адёлни четга улоқтириб, - Маклаггенни топиб ўлдиришим керак.

Гаррини кўрпага боз ётқизган Помфри хоним, қўлига сеҳрли таёқчасини

олди.

- «Зўриқиш», деб шунга айтилади, - таҳдид қилди у, - Ё жавоб берилгунга қадар шу ерда қоласан, Поттер, ё ҳозир мен мактаб директорини чақираман.

Фельдшер аёл шартта бурилди-да, ўз хонаси томон одимлай кетди. Вужудини эътироз қамраб олган Гарри эса ноилож ўзини ёстиққа ташлади.

- Қандай ҳисоб билан ютқаздик, билмайсан-ми? - тиши орасидан базўр сўради у Рондан.

- Биламан, - узр оҳангида жавоб берди Рон, - Якуний ҳисоб уч юз йигирма-ю, олтмиш бўлди.

- Ажойиб! - дарғазаб истехзо қилди Гарри, - Зўр! Шошмай тур, Маклагген, қўлимга тушарсан ҳали...

- Қўйсанг-чи, ўша троллни, - овутган бўлди Рон, - Шахсан мен, Шаҳзоданинг тирноқ ўстириш қарғишини қўллаш борасида ўйлаб кўрган бўлар эдим. Умуман айтганда эса, сен бу ердан чиққунга қадар жамоа аъзоларининг ўзлари уни бир ёқли қилишга улгуради. Зеро, Маклаггеннинг қилиғидан улар хурсанд бўлганига шубҳа қиламан... Роннинг овозида ёмон яширилган хурсандчилик оҳанги эшитилиб, афтидан, рақобатчиси Маклагген бу қадар панд берганидан ўзини бахтиёр ҳис этмоқда. Дарз кетган бош суяги оғримаётган бўлса-да, қандайдир нохуш лўқиллаётган Гарри фонус ёритаётган шифтга тикилганча ётибди.

- Шарҳларни эшитиб ётдим, - давом этди Рон кулимсираб, - Умид қиламан-ки, энди Луна доимий шарҳловчи бўлиб қолади... Таслимчилик дарди...

Аммо Гаррининг жаҳли шу қадар қайнаб ётибдики, ҳозир ўша вазиятнинг ҳажвий мазмунига баҳо беришга қодир эмас. Роннинг ҳиринглаши ҳам аста барҳам топа бошлади.

- Ҳа, айтгандай, - эслади Рон, узоқ сукут сақлагач, - Ҳушсиз ётган пайтингда Жинна келиб, ҳолингдан хабар олиб кетди.

Гаррининг хаёли шу заҳоти узоқ-узоқларга, унинг ҳушсиз ётган танаси устида ҳўнграб йиғлаганча, ўз ҳис-туйғулари ҳақида акаси Ронга ёрилиб, ундан оқ фотиҳа олаётган Жиннага кетиб қолди.

- Айтишича, ўйин бошланишига базўр улгуриб борган экансан. Нега? Ахир сен бу ердан ўз вақтида чиқиб кетган эдинг-ку?!

Гаррининг хаёлида гавдаланган сахна шу заҳоти қаергадир ғойиб бўлди.

- А-а... ҳа... мен... - ғулдиради Гарри, - Йўлда Малфойни учратиб қолдим. Унга икки нафар қиз ҳам ҳамроҳ бўлиб, юзларида мамнуният қиёфасини кўрмадим. Элдан ажраб, ўйингоҳга бормаганини, шу билан иккинчи маротаба кўришим. Эсингдами, олдинги ўйинга ҳам чиқмаган эди у? Бундай шармандайи-шармисор бўлиб ютқазгандан кўра, - хўрсинди Гарри, - Малфойнинг изидан бориб...

- Тентаклик қилма, - гапни бўлди Рон, - Аллақандай Малфойни деб ўйинни ўтказиб юбориш-а! Унутма, сен жамоа сардорисан!

- Нима иш қилиб юрганини билмоқчиман, - деди Гарри, - Буларнинг барини тўқиб чиқаряпсан, дема фақат. Айниқса, Малфой билан Снегг ўртасида бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг...

- Мен ҳеч қачон сенга тўқиб чиқаряпсан демаганман, - эътироз билдирди Рон, тирсагига таяниб олиб, - Ёлғиз бир кишигина ёвуз бўлиши мумкин дейилган қоида ҳеч қаерда йўқ, - қовоқ солди у, - Малфойни таъқиб қилиш йўллари ҳақида ўйлайвериб, томинг кетган кўринади, Гарри. Унинг изидан тушиш учун ўйинни ўтказиб юбориш эмиш-а...

- Харитадан ғойиб бўлган пайтда қаерда бўлишини билиш, уни жиноят устида қўлга олишни хоҳлайман.

- Эҳтимол Хогсмёдга чиқиб кетар... билмадим, - тахмин қилди Рон.

- Яширин йўлақларда юрганини бирон маротаба кўрмадим. У йўлақлар ҳозир қўриқланаётган бўлса керак, а?

Орага сукунат чўқди. Гарри шифтга, фонус ҳосил қилган доирага термилиб ётганча, ўйга толди.

Агар ҳозир у Руфус Скримж ҳокимиятига эга бўлганида Малфойнинг кетидан кузатув ишларини йўлга қўйган бўлар эди. Бироқ таассуфки, унинг бўйсунувида аврорларнинг бутун бошли бўлинмаси йўқ. Гарри ДАни эсга олди-ю, болаларнинг дарс қолдириш муаммоси юзага келиши мумкинлигини ўйлаб, ушбу хаёлни дарҳол миясидан чиқариб ташлади. Шундоқ ҳам, машғулотлар жадвали жуда тифиз тузилган...

Қўшни каравот томонидан бир маромли хуррак эшитила бошлади. Эгнига қалин халат кийиб олган Помфри хоним хонасидан чиқиб палатани кўздан кечириб чиқди. Ёнбошлаб олганча, ўзини ухлаб қолган қўйга солиб олган Гаррига сеҳрли таёқча воситасида ёпилаётган парда ҳаракати эшитилмоқда. Чироқларни ўчирган фельдшер ўз хонасига кириб кетгач, эшик лўкидони ғирчиллади. Шифокор аёл уйқуга ётди.

Квидиш жароҳати туфайли Гарри шу билан учинчи бор касалхонага ётқизилиши. Сўнгги бор у, анави касофат дементорларнинг касри ила супургидан қулаб тушган бўлса, ундан олдин қўл суяклари эриб кетган эди. Овсар профессор Сверкароль Чаруальдга «рахмат»... Ўшанда қўли роса оғриди. Суяқларнинг тун давомида боз пайдо бўлиши ниҳоятда оғриқли кечган. Унинг азоби енгил тортишига ҳатто тунда кутилмаганда пайдо бўлган...

Гарри ётган ўрnidан шартта ирғиб туриб, кўрпасига ўтириб олди. Юраги кучли уриб, бошидаги салласи ён томон оғиб қолди. Йўли топилди, Малфойнинг изига тушишнинг йўли топилди! Нега шунча вақтдан буён хаёлига келмаганига, нега унутиб юборганига ўзи ҳайрон.

Қандай чақириб керак уни? Бунинг учун нима қилиш керак? Гарри қоронғига қараганча, паст овозда чақирди:

- Тараққос.

Қаттиқ қарсиллаган товуш эшитилди. Хонада ҳукм сурган сукунатни баланд чинқириш ва дупур-дупур бузди. Рон ҳам бақирганча уйғониб кетди.

- Ним... нима бўлди? Тин... тинчликми? - сўради у, қути учиб.

Гарри зудлик билан сеҳрли таёқчасини қўлга олиб, Помфри хоним уйғониб кетмаслиги учун хизмат хонаси томон ўқталди:

- Маффлиато!

Нималар бўлаётганини кўриш учун каравотининг четига сурилиб олган Гарри, хона ўртасида бири эгнига ювилаверганидан кичрайиб кетган алвон жемпер, бошига жундан тўқилган бир нечта қалпоқ кийган, иккинчиси эса бел ва сон боғига ўхшаш эски, ифлос латта ўраб олган иккита уй эльфи полда думбалоқ ошиб курашаётганини кўрди. Яна битта қарсиллаш товуши эшитилиб, олишаётган эльфлар устида Дрюзг пайдо бўлди.

- Мен эльфлар жангини томоша қилаётган эдим, Потрох! - қатъий эътироз-ла ўшқирди ҳавода муаллақ осилиб олган полтергейст, пастда кечаётган муштлашувни кўрсатиб, - Иккала митти тентак бир-бирини дўппослаётганидан завқланаётган эдим, - баланд овозда хандон отди у.

- Тараққос Доббининг олдида Гарри Поттерни ҳақорат қилишга журъат этмайди. Акс ҳолда Добби Тараққоснинг мурдор овозини бутунлай ўчириб қўяди!

- Ур! Оч биқинига сол! - завқ-ла қичқирди Дрюзг, жаҳлини баттар чиқариш учун иккала элфнинг бошига бўр бўлақларини улоқтириб.

- Тараққос ўз соҳиби ҳақида нимани истаса, шуни гапираверади, ҳа, шундай бўлади. Қандай соҳиб битди унинг пешонасига, а?

Маглваччаларнинг разил дўсти! Бечора соҳибам нима деган бўлар эди у, а?!

Тараққоснинг бечора соҳибаси нима деган бўлиши номаълум бўлганча қолди. Чунки Добби мушт солиб, Тараққоснинг оғзидаги тишларнинг деярили ярмини тўкиб ташлади.

Гарри билан Рон каравотларидан ирғиб туриб, Дрюзг томонидан гижгжланаётган эльфларни ҳар томон ажратиб юборишди. Шунга қарамай, уришқоқлар оёқ-қўлчаларини силтаб, бир-бирига зарба беришга уринишмоқда.

- Бармоғингни бурнига суқ, тилини ушлаб, суғуриб чиқар! Қулоғидан, боши билан бирга қулоғидан торт!

Гарри сеҳрли таёқчасини Дрюзг томон ўқтади.

- Лэнглок!

Овози бўғилиб, томоғини чангаллаб олган полтергейст тили танглайига ёпишиб қолгани боис, ортиқ бирорта сўз айта олмай, уятсиз қилиқлар қилганча, хонадан чиқиб кетди.

- Бопладинг! - мамнун бўлди Рон, Тараққосга ета олмаслиги учун Доббини баланд кўтариб, - Шаҳзоданинг фокусларидан яна биттасими?

- Ҳа, - жавоб берди Гарри, Тараққоснинг ажинли қўлчасини аста қайириб,
- Бўлди бас! Тараққос, сенга Добби билан муштлашиш ман этилади!
Добби биламан, сенга буйруқ бера олмайман, бироқ...

- Добби эркин эльф бўлиб, ўзи истаган кишига итоат этаверади! Гарри Поттер нима деса, Добби шуни бажаради! - деди Добби дона-дона қилиб.
Унинг ажинли юзидан оққан шашқатор ёш жемперини ҳўл қилди.

Гарри билан Рон эльфларни ерга қўйишди.

- Жуда соз, - деди Гарри.

- Соҳиб мени чақирган эдими? - дағал оҳангда сўради Тараққос, чуқур таъзим қилиб.

Эльфнинг нигоҳида Гаррига тез орада даҳшатли ўлим топишини тилаётганини уқиб олиш қийин кечмади.

- Ҳа, чақирдим, - жавоб берди Гарри, тилсим кучи барҳам топмаганлигига ишонч ҳосил қилиш учун Помфри хонимнинг хонаси томон қараб қўйиб, - Сенга иш бор.

- Соҳиб нимани буюрса, Тараққос бажаради, - лаби оёғининг учига етгунга қадар таъзим қилди эльф, - Гарчи бундай соҳибдан ор қилса-да, Тараққоснинг бошқа иложи йўқ... ҳа, ҳа, ор қилса-да...

- Гарри Поттернинг амри қонун! - чийиллади Добби, - Гарри Поттерга ёрдам бериш Добби учун юксак шарафдир!

Эльфнинг ҳар бири теннис коптогидай келадиган кўзлари ҳамон кўз ёшига тўлган.

- Умуман айтганда, иккалангиз ҳам менга кераксиз, - деди Гарри, - Жуда яхши... Иккалангиз Драко Малфойнинг ортидан кузатиб юришингизни хоҳлайман.

Роннинг юзида ифодаланган ҳайрат ва эътирозга эътибор қаратмаган Гарри давом этди:

- Драко Малфой қаерда бўлиши, ким билан учрашиб юриши, қисқаси, босган ҳар бир қадамини билишим керак. Уни кеча-ю кундуз кузатиб юринг.

- Хўп бўлади Гарри Поттер! - шу заҳоти жавоб берди йирик кўзлари ҳаяжондан ярқираб кетган Добби, - Мабодо Добби янглишса, у ўзини энг баланд минорадан ташлаб юборади, Гарри Поттер!

- Йўқ, ундай қилиш шарт эмас, - тез ман этди Гарри.

- Кенжа Малфойни кузатиб юришимни истайди-ми, соҳиб? - хириллади Тараққос, - Собиқ соҳибамнинг асилзода набираси ортидан жосуслик қилиб юришимни-я?!

- Худди шундай, - деди Гарри ва шу заҳоти катта хавфнинг олдини олди,
- Ва сенга, Тараққос, Малфойга бу ҳақда оғиз очиш, шама қилиш, нима иш билан шуғулланаётганини кўрсатиш, у билан гаплашиш ва бошқа кўринишдаги муносабатларни йўлга солиш қатъиян ман этилади.

Тараққос ҳозиргина олинган буйруқ мазмунида зиғирдай бўлсин, раҳна топишга уринаётганини кузатиб турган Гарри бироз сукут сақлади. Икки

дақиқа ўтгач, Гаррини мамнун қилган Тараққос чуқур таъзим айлаб, домангир оҳангда фикр билдирди:

- Соҳиб ишнинг барча тафсилотларини кўзда тутган бўлиб, Тараққосга итоат қилишдан бошқа чора қолдирмади, гарчи у, ёш Малфойга хизмат қилишни афзал билса-да...

- Демак, вазифа тушунарли, - деди Гарри, - Менга мунтазам ҳисобот бериб борасизлар. Бироқ ҳузуримда пайдо бўлишдан олдин, ёнимда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилинг. Рон билан Гермиона бундан истисно. Нима иш қилаётганингиз ҳақида бировга чурқ этманг. Малфойга, худди унинг иккита сояси каби, ёпишиб қолинг.

XX БОБ. ЛОРД ВОЛЬДЕМОРТНИНГ ИЛТИМОСИ

Душанба куни эрталаб Гарри билан Ронга жавоб берилди. Помфри хонимнинг саъй-ҳаракати ила улар батамом шифо топиб, энди жабрланганлар учун белгиланган барча имтиёзлардан монесиз фойдаланишлари, ҳаётдан ҳузур кўришлари мумкин. Гермиона Рон билан ярашиб олиб, иккаласини нонуштага кузатиб боргани жуда яхши бўлди. Қиз ҳатто ёқимли янгилик ҳам олиб келди. Унинг айтишича, Жинна Дин билан жанжаллашиб қолибди. Гаррининг ичида яшаётган махлуқ бу гапни эшитиб, бошини мамнун кўтарганча, чуқур нафас олиб қўйди.

- Сабаб? - сўради Гарри, имкон қадар лоқайд оҳангда.

Учовлон, агар балет юбкасини кийиб олган троллар тасвирланган гобеленни томоша қилаётган митти қизалоқни ҳисобга олмаганда, еттинчи қаватнинг деярли кимсасиз йўлагига бурилди. Қизалоқ кутилмаганда яқин келиб қолган олтинчи синф ўқувчиларини кўриб, кўрқиб кетганидан қўлидаги вазмин мис тарозини жаранглатганча, тушириб юборди.

- Ҳеч қиси йўқ! - мулойим овозда овунтирди Гермиона қизчага ёрдамга келиб.

У сеҳрли таёқчасини синган тарозига аста уриб қўйди:

- Репаро.

Тарози яна ўз ҳолатига қайтди.

- Ушла, - деди Гермиона тарозини қизчага узатиб.

Ерга ёпишиб қолгандай турган қизалоқ миннатдорлик билдиришни ҳам унутиб, болалар ортидан қараб қолди.

- Йилдан йилга кичрайиб боришяпти-ми улар? - таажжубланди Рон, ортга қараб қўйиб.

- Парво қилма, - жавоб берди Гарри сабрсиз оҳангда, - Хўш, Гермиона, нима сабабдан жанжаллашиб қолишди Дин билан Жинна иккаласи?

- Маклагген Тажовузкорни сенга йўллаб, зарба берганида Дин хандон

отиб юборгани туфайли, - тушунтириш берди Гермiona.

- Чиндан ҳам, жуда кулгили кўринган бўлса керак, - гап қистирди Рон.

- Йўқ! - қатъий эътироз билдирди Гермiona, - Ниҳоятда хунук манзара бўлди! Агар Пикс билан Проуастак ушлаб қолишмаганида, Гарри ерга чалпакка ўхшаб ёпишиб қолар эди.

- Тўғри, лекин бу Жиннанинг Дин билан жанжаллашиб қолишига сабаб бўла олмайди, - фикр билдирди Гарри, сохта лоқайдлигини қўймай, - Улар ажрашиб кетишмагандир, ҳар қалай?

- Йўқ, ажраб кетишмади, - жавоб берди Гермiona Гаррининг юзига синчковлик-ла тикилиб, - Нега бу масала сени қизиқтириб қолди?

- Жамоанинг ҳамжиҳатлигига путур етишини хоҳламайман. Бор гап шу, - тез тушунтириш берган бўлди Гарри.

Кимдир чақирганини эшитган Гарри бақрайиб қолган Гермionанинг шубҳали нигоҳига тескари ўгирилишга сабаб топилганидан хурсанд бўлиб кетди.

- А-а, Луна, салом, - кўришди у.

- Касалхонага борган эдим, - маълум қилди Луна, юк халтасини титкилар экан, - Иккалангизга жавоб берилибди...

Қиз Роннинг қўлига яшил пиёзга ўхшаш нарса, мухомор қўзиқорини ва мушук нажасини эслатадиган кесакни ушлатиб қўйгач, охири эзилган пергамент ўрамини халтадан чиқариб, Гаррига узатди.

- ... мана, сенга бериб қўйишни сўрашди.

Ушбу ўрам Дамблдор томонидан йўлланган таклифнома бўлиб, якка тартибда ўтказиладиган навбатдаги машғулот бўлишини англаган Гарри, шу заҳоти Рон билан Гермionaга маълум қилди:

- Бугун кечқурун.

- Ўйинни зўр шарҳладинг-да! - мақтади Рон, яшил пиёз, мухомор ва мушук нажасини Лунага қайтариб берар экан.

- Масхара қияпсан-ми? - мубҳам кулиб қаради Луна, - Ҳамма худди тил бириктириб олгандай, қаттиқ танқид қияпти-ку!

- Йўқ, мен жиддий айтяпман! - ишонтирди Рон, - Кўпдан буён бундай ҳузур қилмаган эдим! Мана бу нима? - қизиқди у, пиёзни юқори кўтариб.

- Бузуқилдиз-ку, бу! - жавоб берди Луна, мухомор билан мушук нажасини халтасига жойлаб, - Истасанг, ўзингга олиб қол. Менда кўп. Семизкўзакларни сендан нари ҳайдайди.

Қўлида бузуқилдиз қолган Рон Лунанинг ортидан хандон отганча, ҳамроҳлари билан Катта Зал томон одимлади.

- Сизга айтсам мен дўстлар, Луна менга тобора ёқиб боряпти, - деди у, - Тўғри, томи сал жилган албатта, лекин тўғри томонга...

Мармар зина бошида ҳайбат солганча турган Лаванда Браунни кўриб қолган Роннинг гапи оғзида қолди.

- Салом, - асабий кўришди Рон.

Гарри Гермionанинг қулоғига аста пичирлади:

- Қочдик бу ердан.

Икковлон Лаванданинг ёнидан ғириллаганча ўтиб кетди-ю, бари-бир қизнинг сўзларини эшитиб қолди:

- Нега менга айтмадинг, сенга бугун жавоб берилишини? Нега анави қиз сен билан юрибди?

Ярим соат ўтиб дастурхон атрофидаги даврага келиб қўшилган Роннинг қовоғидан қор ёғилмоқда. Лаванда билан ёнма-ён ўтирган бўлса-да, нонушта давомида қизга бирор оғиз сўз айтмади. Гермiona эса ўзини, гўё ушбу ҳолат унга мутлақо даҳл қилмаётган кўйга солиб олиб, юзида бир-икки бор мамнун табассум кўрингандай ҳам бўлди. Унинг кайфияти куни билан кўтаринки бўлиб, кечқурун Гаррининг гербология бўйича ёзган иншосини текшириб чиққач, охиригача ёзиб берди. Илгари эса у, Роннинг кўчирмачи эканлигини билиб, бу ишни атайин қилмас эди.

- Катта раҳмат сенга Гермiona, - миннатдорлик билдирди Гарри соатига қараб, - Мен бора қолай, акс ҳолда Дамблдорнинг қабулига кеч қоламан... Гаррининг иншосидаги дағал ёзилган бир-икки жумлани толиққан ҳолатда ўчириб ташлаган Гермiona индамади. Кулиб кўйган Гарри портрет тўсган туйнукдан отилиб чиқди-да, Дамблдорнинг хизмат хонаси томон югурди. Шоколадли эклерларни эшитган аждар тусли тош илон четга сурилди. Зина поғоналарини оралаб ҳатлаб борган Гарри хона ичидаги соат роса саккиз бўлганини англадиб занг чалган фурсатда эшик тақиллатди.

- Кириг, - янгради Дамблдорнинг овози.

Гарри эшик дастасига эндигина қўл узатган эди ҳам-ки, кимдир эшикни ичкаридан силтаб очди.

- Ҳа-а-а! - қичқирди бармоғини Гаррига ғайритабиий ўқтаган профессор Трелани, кўзойнагининг қалин шишаси ортидаги йирик кўзини пирпиратиб, - Мана кимнинг шарофати ила беандишаликча хонадан ҳайдаб чиқарилибман!

- Азизам Сибилла, - эшитилди Дамблдорнинг бироз аччиқланган овози, - Сизни ҳеч ким ҳеч қаердан, боз устига беандишаликча ҳайдаб чиқаргани йўқ. Гаррига ҳузуримга айнан шу фурсатда етиб келишини ўзим тайинлаганман. Биз иккаламиз эса баҳсимизни ниҳоясига етказдик. Ҳар қалай, мен шундай деб ўйлайман...

- Баракалла! - деди хўрлиги келган аёл, - Демак сиз, нонимни яримта қилган анави жирканч қирчанғини қувиб солишдан бош тортмоқдасиз! Ҳўп майли... балки истеъдодим бошқа мактабда муносиб баҳоланиб, қадрланар...

Профессор Трелани Гаррининг ёнидан шиддат-ла ўтиб, айлана зинадан пастга тушганча, кўздан ғойиб бўлди. Афтидан, учи ерда судралиб бораётган шол рўмолларидан бирини босиб олган кўринади, қоқиниб кетгани эшитилди.

- Ичкарига кир, Гарри, - деди Дамблдор толиққан оҳангда, - Эшикни ёпгин-да, келиб ўтир.

Гарри илтимосни бажариб, ёзув столи рўпарасидаги одатий жойини эгаллади. Стол устида дамблхотира ва ичига бурқираётган хотира солинган иккита кичкинагина биллур шиша турибди.

- Профессор Трелани Фиренценинг бирга ишлашига ҳеч кўника олмаяпти-ми, дейман? - қизиқди Гарри.

- Афсуски, шундай, - жавоб берди Дамблдор, - Башорат фани менга кутилгандан ортиқ даражада ташвиш келтирмоқда. Гарчи менга ўша фанни ўзлаштириш бахти насиб қилмаган бўлса-да, - истехзо қилди у, - Фиренцедан ўрмонга қайтиб кетишни илтимос қилиб бўлмайди. Зеро энди у, ўз қавми орасида радди мардум саналади. Сибилла Треланини ҳам мактабни тарк этиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Гап орамизда қолсин-у, қаср ташқарисида уни қандай хавф-хатар кутаётганини зиғирдай бўлсин, ўзи тасаввур қила олмайди. Сен ва Вольдеморт ҳақидаги башорат шахсан ўзиники эканлигини Сибилла билмайди ва бу ҳақда унга маълум қилиниши ҳам ўта номақбул иш бўлар эди.

Дамблдор чуқур уф тортди.

- Хизматга оид ихтилофларимга хаёлинг чалғимасин, Гарри. Сен билан мен бундан-да муҳимроқ масалаларни муҳокама қилиб чиқишимиз керак. Биринчидан, ўтган машғулотимиз охирида сенга берган топширигимни бажаришга муваффақ бўлдинг-ми?

Ҳавода даф бўлиш курси, квидиш машқлари-ю, ўйинлари, бош суягининг дарз кетгани ҳамда Малфой нима иш билан банд эканлигини аниқлаб олишга уриниши туфайли, Дамблдор томонидан уйга берилган вазифани Гарри деярли унутиб қўйган эди.

- Сэр... - чайнала бошлади Гарри, - Сехрли дамламалар тайёрлаш дарсидан кейин қолиб, профессор Дивангарддан сўраган эдим... У мен билан бу ҳақда гаплашишдан мутлақо бош тортди.

Орага бироз сукунат чўқди.

Дамблдор ярим ой шаклидаги кўзойнаги узра Гаррига шундай тикилди-ки, боланинг хаёлида худди рентген нури воситасида жамики ички олами ўрганиб чиқиляётгандек тасаввур туғилди.

- Тушунарли, - деди ниҳоят Дамблдор, - Демак энди сен қўлдан келганча ҳаракат қилдим, ўз қобилиятимни мисли кўрилмаган даражада ишга солдим, жамики макр-у, хийлаларимни охиригача қўлладим деб ўйлаяпсан, шундайми?

- Биласизми, сэр, - эзилишни давом этди Гарри, сўз топа олмай.

Дивангарднинг асл хотирасини қўлга киритиш борасида амалга оширган ягона уриниши ҳозир ўзининг кўзига аҳамиятсиз, арзимаган ҳаракатдай кўриниб кетди.

- Рон севги дамламасини ўзи билмаган ҳолда ютиб юборгач, мен уни профессор Дивангарднинг ҳузурига етаклаб бордим. Пайтдан фойдаланиб ўйлаб қўйган режамга кўра, агар профессорнинг кайфияти ўша пайтда кўтаринки бўлса...

- Хўш?
- Э-м-м... йўқ, сэр, бўлмади. Рон захар ичиб қўйди.
- ... ва табиийки, профессор Дивангарднинг хотираси билан ишинг бўлмай қолди. Дарҳақиқат, ўша фурсатда кадрдон дўстинг ҳаёти хавф остида бўлган. Бошқача йўл тутишинг мумкин ҳам эмас эди. Мистер Уэслининг ҳаёти сақланиб, тузалиб кетиши аниқ бўлгач, топшириқ ижросига қайтасан, деган умидда эдим. Ўша хотира биз учун қанчалик муҳим эканлигини сенга батафсил тушунтира олганман, буни теран идрок этишинг учун қўлдан келганча ҳаракат қилганман, деб юрган эдим. Профессорнинг хотираси ниҳоятда муҳим хотирадир, Гарри. Ўша хотирасиз вақтни беҳуда йўқотганимиз қолади холос.
- Гаррининг бошидан оёғигача бутун вужудини уят ҳисси ёндирди. Дамблдор овоз кўтармади, сўзларида ғазаб оҳанги эшитилмади, лекин бундан кўра бақриб сўкса минг бор яхши бўлар эди. Ҳафсаланинг бу қадар совуқ тарзда пир бўлишидан оғирроқ ҳолатни тасаввур этиш қийин.
- Сэр, бу менинг ҳаракатсизлигим туфайли эмас, - пушаймон оҳангида гап бошлади Гарри, - Шунчаки, хаёлим...
- Бошқа нарсада бўлган, - боланинг фикрини яқунлаб қўйди Дамблдор, - Тушунарли.
- Орага боз оғир сукунат чўкди. Шу қадар оғирки, ҳали Дамблдор билан Гаррининг ўртасида бундай ноқулай муносабат юзага келмаган. Узоқ чўзилган ушбу жимжитликни портрети деворда, Дамблдорнинг боши устида осифлиқ турган Армандо Диппетнинг аста тортаётган хурраги бузмоқда. Гаррининг танаси, гўё эгнидаги свитери кутилмаганда ўтириб қолган каби, директорнинг хонасига кириб келган ҳолатига нисбатан кескин кичрайиб кетгандай бўлди.
- Профессор Дамблдор, - деди ниҳоят Гарри, ортиқ бардош бера олмай, - Ўз қилмишимдан ниҳоятда пушаймон емоқдаман. Дурустроқ ҳаракат қилишим, ишга виждонан ёндашишим керак эди... Агар ушбу топшириқ ўта жиддий аҳамиятга эга бўлмаганида, унинг ижросини мендан сўрамаган бўлишингизни ўз вақтида теран англаб етишим керак эди...
- Тушунганинг учун раҳмат, Гарри, - паст овозда жавоб берди Дамблдор,
- Демак, умид қиламан-ки, шу бугундан эътиборан мазкур топшириқ ижроси сен учун энг муҳим ишга айланади, шундайми? Дивангарднинг хотирасисиз, машғулотларимизнинг бари ўз маънисини йўқотади.
- Ваъда бераман, сэр, уни қўлга киритаман, - жиддий оҳангда сўз берди Гарри.
- Ундай бўлса, бу масалани ҳозирча четга суриб, бугунги машғулотга қайтамыз, - мулойимлашди Дамблдор, - Қаерда тўхтаган эдик?
- Ҳа, сэр. Вольдеморт ўз отаси, буваси ва бувисини ўлдириб, жиноятчи сифатида тоғаси Морфинни кўрсатиб қўйди, - ўйлаб-нетиб ўтирмай жавоб берди Гарри, - Шундан сўнг «Хогварц»га қайтиб, профессор Дивангарддан руҳдонлар ҳақида суриштира кетди... - хижолат оҳангида

якунлади у.

- Жуда яхши, - мақтаб қўйди Дамблдор, - Мавжуд далил-исботларнинг инкор этиб бўлмас заминини тарк этиб, хотираларнинг билқиллама ботқоғи, дадил тахминлар тафсилоти сари йўлга чиқамиз, деган эдим машғулотимиз бошида. Ишончим комилки, ўша сўзларим ёдингдан кўтарилган бўлмаган.

- Ёдимда, сэр.

- Вольдемортнинг ўн етти ёшга тўлгунга қадар ўтган ҳаётига оид хулосаларим бугунги кунгача ўзининг ишончли тасдиғини топиб келди, шундай эмасми?

Гарри бош ирғиб қўйди.

- Энди эса, Гарри, ҳамма нарса анча мужмал бўлиб боради. Ўсмир Реддль ҳақидаги шохидликларни топиш қийин кечган бўлса, улғайган Вольдеморт ҳақидаги хотиралар билан ўртоқлашишга тайёр бўлган одамларнинг топилиши амри маҳол бўлиб қолди. «Хогварц»дан кейинги ҳаётининг тафсилотларини, ўзидан ташқари, аниқ биладиган бирон-бир бошқа тирик жон топилишига шубҳа қиламан. Лекин ихтиёримдаги сўнгги иккита хотирани сен билан бирга кўриб чиқиб, муҳокама қилиш, улар борасидаги хулосаларим қанчалик тўғри эканлигига оид танқидий мулоҳазаларингни бажонидил эшитишни ният қилганман, - деди Дамблдор стол устидаги кичкинагина биллур шишаларни кўрсатиб. Дамблдор шунчалик қадрлайди-ми, унинг фикрини? Гарри Дивангарднинг руҳдонларга оид асл хотирасини қўлга киритмаганидан баттар уялиб, айбдор кишидек ўтирган ўрнида типирчилаб қўйди. Дамблдор шишалардан бирини олиб, ёруғликка тутди.

- Бировларнинг хотирасига шўнғиб юриш ҳали жонингга тегмаган, деган умиддаман. Ушбу хотира анча қизиқ бўлиб, Подпева исмли кекса урғочи эльфга мансуб, - маълум қилди Дамблдор, - Бироқ уни ўрганиб чиқишга киришишдан олдин, лорд Вольдемортнинг «Хогварц»дан кейинги ҳаёти ҳақида сенга қисқача сўзлаб беришим керак.

Дамблдор бироз ўйланиб ўтириб, сўнг ҳикоясини бошлади:

- Том Реддль еттинчи синфни, фаҳмлаган бўлсанг, барча фанлар бўйича аъло баҳолар билан тамомлади. Унинг синфдошлари мактабни тамомлаб, нима билан шуғулланишини аллақачон ҳал этиб бўлган. Синфбоши, энг ибратли ўқувчи, мактаб олдида кўрсатган хизматлари учун махсус соврин соҳиби Том Реддлдан ҳамма ўзига хос қарор кутган. Ўқитувчиларнинг айримлари, шу жумладан, профессор Дивангард унга сеҳргарлик вазирлигига ишга кириш, бунинг учун суҳбатга чақирилишини уюштириш, шу мақсадда керакли одамлар билан таништириб қўйишни таклиф қилишган. Бироқ ниятини ҳеч кимга ошкор қилмаган Реддль таклифларнинг барини рад этди. Кўп ўтмай, унинг «Боржин ва Д'Авилло» дўконига ишга киргани маълум бўлди.

- «Боржин ва Д'Авилло» дўконига? - ҳайратланди Гарри.

- Айни ўша дўконга, - хотиржам тасдиқлади Дамблдор, - Ўйлашимча, Подпеванинг хотирасини ўрганиб чиқсак, ўша жой нимаси билан Реддлни ўзига жалб этганини ўзинг англаб етасан. Бироқ дастлаб Вольдеморт бошқа иш билан шуғулланмоқчи бўлган. Буни ҳеч ким билмайди. У профессор Диппетнинг ҳузурига кириб, «Хогварц»да ўқитувчи бўлиб қолишга рухсат сўраганини директор фақат менга айтган холос.

- Ўқитувчи бўлиб қолишга?! - янада кучли таажжубланди Гарри, - Нега, нима мақсадда?

- Фикримча, бунга бир нечта сабаб бўлган-у, лекин у, ўша сабабларнинг бирортасини ҳам профессор Диппетга айтмаган, - деди Дамблдор, - Биринчидан ва бу энг муҳими, Вольдеморт у ёки бу кишига эмас, айнан мактабнинг ўзига ўрганиб қолган. Зеро у, «Хогварц»да ниҳоятда бахтиёр бўлган, ушбу қаср унинг учун ўзини ўз уйидай билган биринчи ва ягона жой бўлган.

«Хогварц»ни худди шундай қабул қиладиган Гарри ўзини бироз ғалати ҳис этди.

- Иккинчидан, мазкур қаср узоқ ўтмишдан буён йиғилиб келган қадимий сеҳр-жоду қўрғони саналиши ҳаммага маълум. Шубҳа йўқ-ки, Вольдеморт, бундай билим даргоҳида, ундаги одамларнинг аксариятига номаълум, кўпи ҳали очилмаган беҳисоб сир-асрорлар борлигини теран идрок этиб, ушбу хазинадан олинадиган билимнинг чеки йўқлигини чуқур англаб етган. Ва ниҳоят учинчидан, борди-ю у «Хогварц» ўқитувчиси лавозимини эгалласа, ёш сеҳргарлар онгини ўз измига ола билишига ишонган. Англашимча, буни Вольдеморт профессор Дивангард билан кечган мулоқотда тушуниб етган. Зеро у, ушбу ўқитувчи мисолида устознинг киши ҳаётида тутган ўрни ниҳоятда катта эканлигини аниқ кўра билган. Вольдеморт бир умр «Хогварц»да қолиб кетишни ният қилганига ишонмайман, албатта. Афтидан у, мактабга бўлажак қўшинининг сафлари тўлдириб бориладиган «одам ёллаш манбаи» сифатида қараган.

- Ўқитувчилик лавозимига ишга олишмаган-ку, уни, сэр?

- Йўқ, олишмаган. Профессор Диппет унга эндигина ўн саккиз ёшга тўлиб, ўқитувчилик лавозимига ҳали жуда ёшлиқ қилишини айтган, мабодо фикридан қайтмаса, яна бир неча йилдан сўнг келишни таклиф қилган.

- Сиз-чи, сэр, сиз қандай қарадингиз бунга? - аста сўради Гарри.

- Шубҳа ила, - жавоб берди Дамблдор, - Сабабини Армандо Диппетга тушунтириб ўтирмай, бундай хатоликка йўл қўйишдан уни тўхтата билдим. Зеро, профессор Диппет ҳам, кўплаб ўқитувчилар каби, Вольдемортни кўр-кўрона яхши кўриб, кўзлаган асл нияти нопок бўлиши мумкинлигини тасаввурига сиғдира олмаган. Мен эса Лорд Вольдеморт «Хогварц»га қайтиши, боз устига, ўқитувчилик лавозимини эгаллашини хохламаганман.

- Қайси фандан дарс бермоқчи бўлган у, сэр? - сўради Гарри, гарчи оладиган жавобни ўзи фаҳмлаб турган бўлса-да.

- Ёвуз кучлардан ҳимоя фанидан. Ўша даврда «Хогварц»да сал кам эллик йил ишлаган Галатея Потешанс исмли кекса аёл ушбу фандан дарс берар эди. Шундай қилиб, Вольдеморт «Борджин ва Д'Авилло» дўконига ишга киргани маълум бўлди ва «Хогварц»нинг жамики ўқитувчилари ўта қобилиятли ёш сеҳргар ўз истеъдодини пештахта ортида йўқотиб юбориши борасида ғам-андухга ботди. Бироқ Вольдеморт дўконнинг оддий сотувчиси бўлмаган. Хушмуомала, ниҳоятда барно ва ақлли йигитча кўп ўтмай, ўз соҳиблари томонидан қўйилган алоҳида топшириқларни зўр маҳорат-ла бажара бошлаган. Улар эса, ўзингга маълумки, хавфли хусусиятлари кучли ғайриоддий буюмларга катта қизиқиш билдириб, Вольдемортни ноёб хазина эгалари ҳузурига, яшириб юрган қимматбаҳо буюмларини сотишга кўндириш мақсадида йўллашган. Вольдеморт эса ўз навбатида, ушбу хазина соҳибларини кўндириш масаласини дўндириб борган.

- Тасаввур қиялман, - ҳаяжонини тия олмади Гарри.

- Ҳа, - кулиб қўйди Дамблдор, - Энди кекса ва ниҳоятда бой афсунгар аёл Хепзиба Смитнинг хизматини қилиб юрган уй эльфи Подпеванинг хотирасини ўрганиб чиқиш вақти етди.

Дамблдор сеҳрли таёқчасини биллур шишачага аста теккизиб, тикинини очди ва ичидаги кумуш тусли моддани дамблхотирага қўйди.

- Марҳамат, Гарри.

Гарри ўрнидан туриб, одатга кўра, тошчаноқ устига энгашди-да, юзини елимшак моддага теккизди ва шу заҳоти зим-зиё зулмат ичра учиб, нотаниш меҳмонхонада, ниҳоятда семиз кампир қаршисида пайдо бўлди. Бошига кулгили кўринаётган тўқ малла ранг парик ташлаб олган кекса аёлнинг эгнидаги пушти кийими, уни, аста-секин эрий бошлаган музқаймоқ тортга ўхшатиб қўйган. Ҳошияси майда бриллиантлар билан безатилган кўзгуга қараб ўтирган кампир қўлидаги попук билан шундоқ ҳам қип-қизил ёноғига пардоз бермоқда. Ниҳоятда кекса, миттигина урғочи эльф эса ўз соҳибасининг гўштор оёғига мўъжазгина туфлини кийдириб қўйишга кучанганча уринмоқда.

- Тезроқ бўл, Подпева, соат икки дақиқа кам тўрт бўлди, - шоширди Хепзиба, - Роса ўн олти-ю ноль-нолда кириб келаман деган эди. Ҳали у, ваъда қилган вақтидан бирор марта бўлсин, кечикмаган.

Тери қопламасининг туси пергамент рангини эслатадиган, эгнига оҳорланган чойшабчани тога кўринишида ўраб олган, бўйи креслонинг ўриндиғига базўр етаётган Подпева қаддини ростлади.

- Кўринишим яхшими? - сўради қўлидаги упани бир четга суриб қўйган Хепзиба, бошини айлантирганча, кўзгудаги аксини турли бурчаклар остида кўздан кечириб чиқиб.

- Жуда гўзалсиз хоним! - чийиллаганча хитоб қилди Подпева.

Афтидан, уй эльфининг меҳнат шартномасида ўхшаш саволларга суллоҳликча ёлғон жавоб бериш шarti битилган кўринади, хаёлдан ўтказди Гарри. Ваҳоланки, унинг назарида, Хепзиба Смитда гўзалликдан асар йўқ.

Эшикка осилган қўнғироқчанинг жиринглаганини эшитган кампир билан хизматкор ҳаяжондан сесканиб кетишди.

- Тезроқ, Подпева, бўл тез! Келди! - қичқириб юборди аёл.

Эльф югурганча, чиқиб кетди.

Хона турли-туман буюмлар билан шу қадар зич жиҳозланган-ки, улар орасидан туртинмай ўтишининг иложи йўқ. Ҳар хил нақшинкор қутичалар терилган жавонлар, қимматбаҳо китоблар тахланган, биллур шарлар ва юлдузли осмон глобуси жойланган токчалар, йирик мис тувакларга ўтқазилган камёб гулларга эга ушбу хона сеҳргарларнинг қадимий буюмлари сотиладиган, гул билан безатилган дўконни эслатмоқда.

Дақиқа ўтиб-ўтмай, Подпева бир йигитни ортидан эргаштириб, хонага қайтиб келди. Гарри эгнига оддий қора костюм кийган, лунжи киртайиб, сочи бироз ўсган, олдингидан ҳам барно кўринаётган Вольдемортни дарҳол таниди. Афтидан у, жойлашиш тартибини яхши ўрганиб олган кўринади, катта-кичик мебель орасидан ишонч-ла ўтиб, кампирнинг узатган дўмбоқ қўлига лаб теккизди.

- Бу сизга, - деди у, қаердандир атиргул дастасини чиқариб.

- Бу нима қилганингиз, бадкирдор! - чийиллаганча хитоб қилди кекса аёл, гулни олар экан, ёнидаги олдиндан атайин тайёрлаб қўйилган бўш вазага солиб, - Кампирни талтайтириб юборгани уялмайсиз-ми? Ўтиринг, Том, ўтиринг... Подпева қани... воҳ...

Уй эльфи митти пирожнийлар терилган патнисни югурганча олиб кириб, соҳибасининг ёнига қўйди.

- Олинг, йигитча, - таклиф қилди Хепзиба, - Пирожнийларимни хуш кўришингизни яхши биламан-ку. Гапиринг, ишларингиз қалай? Негадир юзингиздан қон қочган кўринади. Кўп таъкидлаб бораман сизга, дўкон соҳиблари сизни аямай ишлатишади, деб...

Вольдеморт сохта иржайиб қўйди. Кипригини пирпиратиб қўйган Хепзиба эса ноз-карашма ила сўради:

- Хўш, қайси шамол учуриб келди бугун сизни?

- Мистер Д'Авилло гоблинлар тайёрлаган аслаҳа борасида сизга қизиқ бир таклиф киритмоқчи, - жавоб берди Вольдеморт, - Беш юз галлеон. Унинг фикрича, бу жуда қизиқ...

- Шошманг, шошманг, секинроқ. Акс ҳолда сиз ҳузуримга менинг майда-чўйда безакларим учунгина келгансиз, деган хаёлга бораман! - лабини чўччайтирди Хепзиба.

- Мен чиндан ҳам, раҳбарият топшириғига биноан, айнан ўша нарсалар туфайлигина келганман, - аста жавоб берди Вольдеморт, - Мен фақир бир сотувчиман холос, хоним. Буюрилган ишни бажаришим керак.

Мистер Д'Авилло сиздан...

- О-о-о, қўйсангиз-чи, ўша мистер Д'Авиллони! - қўл силтади Хепзиба, - Унга ҳеч қачон кўрсатмаган нарсамни кўрсатаман ҳозир сизга, Том! Сир сақлай биласизми? Менинг ҳақиқий хазинамни унга гуллаб қўймайсиз-ми, ишқилиб? Акс ҳолда у менга тинчлик бермай қўяди. Мен эса уни сотмоқчи эмасман. Бироқ сиз, Том, ўша буюмнинг қанча галлеон туриши мумкинлигига эмас, тарихий аҳамиятига баҳо бера оласиз...

- Мисс Хепзиба кўрсатган ҳар қандай буюмни бажонидил кўраман, - вазмин оҳангда жавоб қайтарди Вольдеморт.

Хепзиба ёш қизча сингари ҳиринглаб қўйди.

- Олиб кел... Подпева қаердасан? Мен мистер Реддлга энг нодир хазинамизни кўрсатмоқчиман... умуман айтганда, иккаласини ҳам олиб келавер, модомики сен...

- Марҳамат, хоним, - эшитилди Подпеванинг чийилдоқ овози.

Гарри бир-бирининг устига тахланган иккита қутича ўзидан ўзи яқин келаётганини кўриб, уларни столлар, юмшоқ ўриндиқлар ва оёқ остига қўйиладиган курсилар орасида базўр юрган митти уй эльфи бошига қўйиб олганча, олиб келаётганини фаҳмлади.

- Шундай қилиб, - қувонч-ла давом этди Хепзиба, қутиларни тиззасига қўйиб олганча, устки қутини очишга ҳозирланиб, - Умид қиламан-ки, сизга ёқади, Том... О, агар қариндошларим билишганда эди, сизга нимани кўрсатаётганимни... Улар кўпдан буён буларга кўз олайтириб юришибди!

Кампир қути қопқоғини очди. Гарри бироз олдинга юриб, қути ичида иккита дастаси назокат-ла букилган кичкинагина тилла жомчани кўрди.

- Қизиқ, бу нима эканлигини биласизми, Том? - пичирлади Хепзиба, - Олинг, қўлингизга олиб, яхшилаб назар солиб чиқинг!

Вольдеморт узун бармоқли кафтини узатиб, шинамгина инчага жойланган жомчани чиқарди. Гаррининг назарида, Вольдемортнинг чарақлаб кетган қоп-қора кўзи қизил тус олгандай бўлди. Хепзибанинг юзида ҳам ҳирс кўриниб, унинг иккала кўзи Вольдемортнинг барно юзига қадалиб турибди.

- Бўрсиқ, - овоз чиқарди Вольдеморт, жомга тасвирланган расмга қараб, - Ахир бу?...

- Тўғри фаҳмладингиз, шахсан Хельга Хуффльпупфга тегишли бўлган, ақллигинам! - хитоб қилди белдамчасини қаттиқ ғижирлатганча, олдинга эгилган Хепзиба, Вольдемортнинг киртайган лунжини чимдилаб, - Унинг авлодига мансубман, деган эдим-ку, сизга! Ушбу буюм оиламизда авлоддан авлодга ўтиб келади. Жуда фусункор нарса, а? Унинг жамики сеҳрли хусусиятлари сақланиб қолган, гарчи ўзим дурустроқ текшириб кўрмаган бўлсам-да. Тегишли жойда асраб келаман холос.

Кампир йигитнинг узун кўрсаткич бармоғидан ечиб олган жомчани қути ичига шу қадар берилиб жойлаштира бошладики, буюмни қўлдан

чиқарган Вольдемортнинг юзи касб этган дарғазаб дилсиёҳликни кўрмади.

- Хўш, - деди Хепзиба бахтиёр оҳангда, - Қаердасан, Подпева? Ҳа, шу ердамисан... ма, жойига элтиб қўй...

Қари эльф жомча жойланган қутичани олиб кетгач, Хепзиба ўз эътиборини нисбатан ясси қутига қаратди.

- Буниси сизга янада кўпроқ ёқади, Том, - ҳиссиёт-ла пичирлади у, - Яқинроқ келиб энгашинг, азизим, қаранг... Д'Авиллонинг бундан хабари бор, чунки бу нарса унинг дўконидан харид қилинган, лекин менинг ўлимимдан кейин уни бажонидил ўзига қайтариб олишга уриниши аниқ. Кампир заргарлик услубида ясалган қулфни очиб, қути қопқоғини кўтарди. Қути ичидаги қирмизи рангли текис бахмал устида олтиндан ясалган оғир медальон кўринди.

Бу сафар Вольдеморт қўлини таклифсиз узатиб, медальонни ёруққа чиқарди-да, қадимий буюмдан, ундаги «С» ҳарфидан кўзини узмай, паст овозда фикр билдирди:

- Слизерин белгиси.

- Жуда тўғри! - хитоб қилиб юборди Хепзиба, Вольдемортнинг донг қотиб қолганидан завқланиб кетиб, - Бунинг учун мен ниҳоятда кўп пул тўладим. Шундай қадимий хазина менинг коллекциямда бўлмаслигига йўл қўймадим. Назаримда, Д'Авилло уни аллақандай қашшоқ аёлдан сотиб олган. Афтидан, ўша аёл буюмни ўғирлаб, унинг асл қимматини билмай...

Хато бўлиши мумкин эмас: кўзи қизариб ярқираган Вольдемортнинг медальон занжирини маҳкам сиқиб олган бармоғи оқариб кетди.

- Д'Авилло у аёлга арзимаган пул бергани аниқ, бироқ... кўриб турганингиздек.... чиройли, а? - деди кампир, медальонга қўл узатиб, - Сехрли хусусиятлари ҳам тўлиқ сақланган, гарчи мен уни шунчаки асраётган бўлсам-да...

Вольдеморт медальонни қайтариб бермаса керак, хаёлдан ўтказди Гарри. Бироқ бармоқлар орасидан сирпаниб чиққан олтин буюм хаёл ўтмай, боз қизил бахмал устига жойланди.

- Ана шунақа гаплар, Том! Умид қиламан-ки, сизни зериктириб қўймадим. Йигитнинг юзига эътибор қаратган кампирнинг аҳмоқона табассуми илк бор сўниб қолди.

- Азизим, ўзингизни яхши ҳис этяпсиз-ми?

- Ҳа... ҳа, албатта, - базўр жавоб берди Вольдеморт, - Жуда яхши ҳис этяпман...

- Назаримда... йўқ, менга шундай туюлган бўлса керак... - деди Хепзиба, бироз чўчиган оҳангда, - Ма, Подпева, жойига элтиб, тегишли жоду ила қулфлаб қўй...

Хепзиба Вольдемортнинг кўзидаги қизил чақмоқни кўриб қолганга ўхшайди, хаёлдан ўтказди Гарри.

- Вақт бўлди Гарри, - эшитилди Дамблдорнинг паст овози.
 Уй эльфи бошидаги қутича сакраб-сакраб, нари кетди. Дамблдор Гаррининг қўлтиғидан ушлаб, бироз тортиши ҳамоно, икковлон бўшлиққа кириб, бироздан сўнг, директорнинг хизмат хонасида пайдо бўлди.

- Ушбу ажойиб учрашувдан икки кун ўтгач, Хепзиба Смит вафот этди, - маълум қилди Дамблдор, ўз креслосига ўтирар экан, Гаррига ҳам ўтиришга имо қилиб, - Подпева, ўз соҳибасининг тунги какаосига беҳосдан заҳар қўшиб қўйганида айбланди.

- Бўлиши мумкин эмас! - ғазаб-ла хитоб қилди Гарри.

- Ҳа, ушбу масалада фикримиз бир ердан чиқмоқда, - таъкидлаб қўйди Дамблдор, - Хепзиба билан Реддлар топган ўлим ўртасида кўплаб умумийликлар мавжуд. Иккала ҳолатда ҳам қотилликда учинчи шахслар айбланди. Улар эса ўз навбатида, содир этган жиноятларини...

- Подпева ўз айбига иқрор бўлди-ми?

- Соҳибининг какаосига нимадир солганини эслади ва ўша нимадир шакар эмас, балки ҳаммага ҳам маълум бўлмаган кучли заҳар бўлиб чиқди, - жавоб берди Дамблдор, - Суднинг ҳукмига кўра, Подпеванинг қилмиши қасддан содир этилган жиноят эмас, кексалик туфайли йўл қўйилган фожиали хато деб тан олинди.

- Вольдеморт унинг хотирасини Морфиннинг хотираси каби ўзгартириб юборган!

- Ҳа, мен ҳам шундай фикрга бордим, - бош ирғиди Дамблдор, - Сехргарлик вазирлиги Морфинга нисбатан қандай янглиш муносабат билдирган бўлса, Подпевага нисбатан ҳам шундай муносабат...

- ... уй эльфи бўлгани учун, - гапни бўлди Гарри, Гермiona томонидан асос солинган САССИҚ жамиятига ич-ичдан майл қилиб.

- Ҳа, айнан шунинг учун, - деди Дамблдор, - У жуда қариб қолган бўлиб, соҳибасининг ичимлигига аллақандай модда солганига иқрор бўлди. Тергов тадбирларини давом эттиришни вазирликнинг бирорта бўлсин ходими хаёлига ҳам келтирмади. Мен эса кекса эльфни қидириб топиб, унинг хотирасини олдим. Бироқ бечора эльф, анави бахти қаро Морфин каби бир оёғи билан гўр ёқасига келиб қолган экан. Лекин унинг хотираси жомча билан медальоннинг мавжудлигидан Вольдемортнинг хабари бўлганини исбот қилади.

Дамблдор бироз ўйланиб қолиб, давом этди:

- Подпева судлангач, Хепзибанинг қариндошлари марҳуманинг иккита энг қимматбаҳо хазинаси йўқолиб қолганини, гарчи улар бундай бўлиши мумкинлигига дарҳол ишонишмаган бўлишса-да, билиб қолишди. Зеро улар, ўз бойлигини кўз қорачиғидай асраган кампирнинг кўплаб махфий жойлари бўлганини яхши билишар эди. Хепзибанинг ҳузурига тез-тез ташриф буюриб, кампирни ўзига ром этган «Борджин ва Д'Авилло» дўконининг ёш сотувчиси ишни ташлаб, қаёққадир йўқолиб қолди. Дўкон соҳиблари ҳам эл қатори таажжубда қолишди. Том Реддль ҳақида узоқ

вақт ҳеч ким ҳеч нима эшитмади.

Бироз ўй суриб қолган Дамблдор хаёлини йиғиб олиб, давом этди:

- Энди эса, агар қарши бўлмасанг, Гарри, эътиборингни ҳикояларимизнинг айрим тафсилотларига қаратмоқчиман. Вольдеморт навбатдаги қотилликка қўл урди. Реддлардан кейинги биринчи қотиллик-ми, йўқ-ми, аниқ билмайман. Ўйлашимча, шундай. Ўзинг кўрдинг, бу сафар у, хун олиш йўлида эмас, фойда кўриш, унга мафтун бўлиб қолган бахтсиз аёл кўрсатган иккита мисли йўқ буюмни ўзлаштириб олиш мақсадида одам ўлдирди. Бир вақтлар у, етимхонадаги болаларнинг нарсаларини ўғирлаган эди, вақт ўтиб, Морфиннинг узугини ўмарди, энди эса Хепзибанинг жомчаси-ю, медальонини олиб, кўздан ғойиб бўлди.

- Бироқ бу... жинниликдан ўзга нарса эмас, - қошини чимирди Гарри, - Ўз ишининг, қолган барча нарсаларнинг баҳридан кечиб, аллақандай...

- Сен учун бу жинниликдай кўриниши мумкин, лекин Вольдеморт учун - йўқ, - бош тебратди Дамблдор, - Умид қиламан-ки, ўша қимматбаҳо буюмлар Вольдеморт учун қандай аҳамиятга эга бўлганини вақт ўтиб, ўзинг англаб оласан. Аммо тан олишинг керакки, медальонни ўзиники деб билишга муайян ҳуқуқи бўлган.

- Медальонни ўзиники деб билиши мумкин, - тан олди Гарри, - Жомчаничи?

- Жомча «Хогварц»га асос солганлардан бирига тегишли бўлган, - деди Дамблдор, - Ўйлашимча, ўша вақтда мактаб Вольдемортни ўзига шу қадар кучли тортган-ки, «Хогварц» тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлган буюмни ўзлаштириб олиш васвасасига қаршилиқ кўрсата олмаган. Лекин бунинг бошқа сабаблари ҳам бўлиши мумкин ва... умид қиламан-ки, вақти келиб, барини сенга кўрсата оламан... Энди сўнгги, ҳар қалай сен, профессор Дивангарднинг хотирасини қўлга киритгунга қадар энг охири саналадиган хотирага ўтамин... Хўш, Хепзибанинг ўлимидан кейин, орадан ўн йил ўтди. Ушбу вақт давомида Вольдеморт нималар билан машғул бўлгани борасида тахмин қила олишимиз мумкин холос...

Дамблдор сўнгги шишадаги хотирани дамлхотира ичига қўйди.

- Кимнинг хотираси бу? - сўради Гарри, ўрnidан туриб.

- Менинг хотирам, - жавоб берди Дамблдор.

Гарри кумуш тусли хотира ичига Дамблдорнинг ортидан шўнғиб, яна шу хонада пайдо бўлиб қолди. Янгус ўзининг тилла қўноғида жимгина мудраб ўтирибди. Ёзув столи ортида Гаррининг ёнида турган Дамблдорга жуда ўхшаб кетадиган, фақат юзидаги ажинлар сал камроқ, иккала қўли соппа-соғ Дамблдор ўтирибди. Хизмат хонаси эса, дераза ортида қор ёғаётгани билангина фарқ қилмоқда. Тунги осмондан ёғилаётган кўкимтир қор учқунлари деразанинг ташқи токчасида кичик уюм ҳосил қилган. Нисбатан ёшроқ Дамблдор афтидан нимадир кутмоқда. Чиндан ҳам, бироздан сўнг, эшик тақиллади.

- Марҳамат, киринг.

Гарри беихтиёр оҳ уриб юбориб, шу заҳоти ўзини қўлга олди. Хонага Вольдеморт кириб келди. Унинг ҳозирги юзи қарийб икки йил муқаддам Гаррининг кўз ўнгида катта тош қозондан чиқиб келган юзига ўхшамайди. Бошқача айтганда, унинг юзи ҳали ҳақиқий илон тусини касб этмаган, кўзи ҳам у қадар қизармаган, лекин илгариги барно йигит Том Реддлдан асар ҳам қолмаган. Ҳаддан ортиқ рангпар, гупчакдай шишган юзининг қандайдир ғалати буришиб, заъфарон кўринаётган бичими қорамтир тус олган. Кўзининг оқини қон томирлари қамраб олган бўлса-да, қорачиғи ҳали бузилмаган. Эгнидаги қора плаш елкасида қор учқунлари ярқирамоқда.

Афтидан, Вольдемортнинг ташрифи Дамблдор учун кутилмаган ҳолат бўлмаган шекилли, унинг юзида ажабланиш аломати кўринмади.

- Хайрли кеч, Том, - кўришди Дамблдор, - Ўтир.

- Ташаккур, - деди Вольдеморт, ўзига кўрсатилган, афтидан, ҳозиргина Гарри туриб кетган курсига ўтириб, - Директор лавозимига тайинланибсиз, - янада совуқ, кибрли оҳангда давом этди у, - Муносиб кишини танлашибди.

- Маъқул деб топганингдан хурсандман, - кулиб боқди Дамблдор, - Ижозатинг билан бирон-бир ичкилик таклиф қилсам.

Ўрнидан турган Дамблдор эса кўплаб шишалар, ҳозир эса дамблхотира сақланадиган жавон ёнига бориб, шишалардан бирини олди.

Вольдемортга вино қуйилган қадаҳ узатгач, ўзига ҳам қуйиб, жойини эгаллади.

- Хўш, хизмат, Том?

Вино симириб ўтирган Вольдеморт бироз сукут сақлади.

- Мен энди Том эмасман, - деди у ниҳоят, - Ҳозир мени...

- Сени ҳозир нима деб чақиришларидан хабарим бор, - боз кулиб жавоб берди Дамблдор, - Лекин мен учун сен доимо Том Реддль бўлганингча қоласан. Ҳар қандай кекса ўқитувчининг ёқимсиз сифатларидан бири – шогирди ўз фаолиятларини нимадан бошлаганини унута олмаслигидан иборатдир.

Дамблдор қўлидаги қадаҳни, гўё Вольдеморт шарафига кўтаришни таклиф қилгандай, кўтариб қўйди. Меҳмоннинг қиёфаси ўзгармас қолди.

Шунга қарамай, Гарри, хонада қарор топган муҳит сезилар-сезилмас ўзгарганини пайқайди. Зеро, меҳмонни янги исми билан чақиришни рад этган Дамблдор, Вольдемортга ўз ҳукмини ўтказишга имкон бермади. Меҳмон буни жуда яхши англаб етгани ҳам, Гаррининг эътиборидан четда қолмади.

- Бу ерда узоқ йиллардан буён ишлаб келаётганингиз ғалати кўринади менга, - гап бошлади Вольдеморт, бироз сукут сақлагач, - Сиздай сеҳргар бошқа бирон ерда ишлашни хоҳламаслиги мени доим таажжублантириб келган.

- Биласанми, - жавоб берди Дамблдор табассумини қўймай, - Мендай сеҳргар учун, қадимий сеҳргарлик кўникмаларини ёш авлодга ўргатишдан муҳим нарса йўқ. Агар адашмасам, ўқитувчилик фаолияти қачонлардир сени ҳам қизиқтирган эди.
- Ҳозир ҳам қизиқтиради, - деди Вольдеморт, - Лекин бари-бир тушуна олмайман: нима учун вазирлик тез-тез маслаҳатлашиб турадиган ва адашмасам, сеҳргарлик вазири лавозими икки мартаба таклиф қилинган сиздай одам...
- Сўнгги ҳисоблар натижасига қараганда, уч мартаба таклиф қилинган, - аниқлик киритди Дамблдор, - Аммо вазирликдаги катта лавозимлар ҳеч қачон мени қизиқтирмаган. Ва бу ҳам, қайсидир маънода, иккала мизнинг умумий қарашларимиздир.
- Вольдеморт жиддий бош ирғиб, винодан яна бироз симирди. Орага сукунат чўқди. Ҳамон кулиб боқаятган Дамблдор Вольдемортнинг сўз айтишини кутди.
- Бу ерга, профессор Диппет кутган вақтдан бироз кечроқ бўлса ҳам, келишимдан мақсад, - ниҳоят гап бошлади у, - Илгари мени ёш деб билгани учун қаноатлантирмаган илтимос билан мурожаат қилишдир. Мени ўқитувчи лавозимига ишга олишингизни сўрайман. Мактабни тамомлагач, мен ўз устимда кўп ишлаганим, кўп нарсаларни кўрганимни биласиз, деган умиддаман. Энди ўқувчиларга мендан бошқа ҳеч ким ўргата олмайдиган нарсаларни ўргата оламан.
- Дамблдор қўлидаги қадаҳи узра Вольдемортга узоқ тикилиб ўтирди.
- Ўз устингда кўп ишлаганинг, кўп нарсаларни кўрганингни биламан, албатта. Фаолиятинг тўғрисидаги миш-миш гаплар қадрдон мактабингга ҳам етиб келган. Ўша гапларнинг лоақал ярми бўлсин, рост бўлса, дилим қаттиқ ранжиган бўлар эди.
- Киши маҳобати бошқаларнинг ҳасад қилишига сабаб бўлади, ҳасад адоватни, адоват эса ўз навбатида, ёлғонни юзага келтиради. Буларнинг бари сизга маълум бўлиши керак, Дамблдор.
- Сен шуғулланган ишларнинг барини «маҳобат» демоқчимисан? - одоб-ла сўради Дамблдор.
- Шубҳасиз, - тасдиқлади кўзи қизғиш тусда ярқираган Вольдеморт, - Мен кўп тажрибалар ўтказдим, сеҳр-жоду сарҳадини, менгача яшаган бошқа бировларга қараганда, анча кенгайтириб юбордим...
- Айрим турдаги сеҳр-жоду сарҳадини, - хотиржам тузатиш киритди Дамблдор, - Фақат айрим турдаги. Сеҳр-жодунинг қолган турларидан эса... мени кечирасан-у.... мутлақо беҳабарсан.
- Вольдеморт илк бор кулиб қўйди. Аммо, ушбу зўраки иржайиш очиқ ғазабдан ҳам даҳшатли кўринди.
- Ҳамон ўша эски қўшиқ, - тилғмалик-ла, жавоб берди у, - Таассуфки, Дамблдор, ушбу ёруғ оламда мен кўрган нарсаларнинг бирортаси сизнинг машҳур: «Муҳаббат ҳар қандай сеҳр-жодудан кучлидир» - деган

баёнотингизни тасдиқламади.

- Дурустроқ қарамагандирсан, - тахмин қилди Дамблдор.

- Демак, буни «Хогварц»да кўра билишим керак, шундай эмасми? - сўради Вольдеморт, - Қайтишимга, ўз билим ва тажрибаларимни ўқувчиларга ўргатишга имкон беринг. Ўзим ҳам, истеъдодим ҳам тўлатўкис сизнинг измингизда! Буюринг!

Дамблдорнинг қоши кўтарилиб кетди.

- Сенинг измингда юрганлар-чи, улар нима бўлади? Айтишларига караганда, улар ўзларини ўзлари Ўлимдан мириқувчилар, деб аташар эмиш, шу гап ростми?

Измидаги одамлар тоифаси бундай деб номланишидан Дамблдор бохабар эканлигини Вольдеморт мутлақо кутмаганини Гарри дарҳол фаҳмлади. Собиқ Том Реддлнинг кўзида боз қизил аланга ловуллаб, бурнининг тор катаклари кенгайиб кетди.

- Дўстларимнинг куни менсиз ҳам ўтишига ишончим комил, - вишиллади у, бир дақиқа сукут сақлагач.

- Уларни ўзингга дўст деб билганингдан хурсандман, - деди Дамблдор, - Қаролларинг бўлса керак, деб юрган эдим.

- Янглишибсиз, - қисқа қилди Вольдеморт.

- Демак, агар бугун кечқурун бошим айланиб, «Ахта чўчқа калласи» қовоқхонасига кириб қолгудек бўлсам, у ерда сенинг қайтишингни кутиб ўтирган Нотт, Розье, Мультчибер, Долохов кабиларни учратишим мумкин экан-да, а? Чиндан ҳам, фақат ҳақиқий дўстларгина ўқитувчилик лавозимига ишга кирмоқчи бўлган ўз ўртоғига омад тилаш учун бундай серқор тунда сайр қилишга қодирдир.

Дамблдорнинг бундай хабардорлиги Вольдемортни ҳайратга солиб юборгани аён кўринди.

- Ҳар доимгидек, сиз ҳамма нарсадан воқиф юрасиз, - деди у, ўзини қўлга олиб.

- Йўғ-е, ўша қовоқхона соҳиби билан дўст тутинганман холос, - хотиржам жавоб берди Дамблдор, - Энди, Том...

Бўшаган қадаҳини столга қўйган Дамблдор, бармоқ учларини одатига кўра қовуштириб олганча, креслода қаддини ростлаб ўтириб олди.

- ... очикчасига гаплашиб олайлик. Қандай мақсадни кўзлаб келдинг бу ерга, ўз мулозимларинг билан? Сенга қизиғи бўлмаган лавозимни нима мақсадда сўраяпсан? Ваҳоланки, ушбу лавозим сени мутлақо қизиқтирмаслиги иккаламизга ҳам маълум.

- Қизиғи бўлмаган? - сохта бўлса-да, ҳайрон бўлган қиёфа ясади Вольдеморт, - Аксинча, Дамблдор, жуда қизиқтиради.

- Шубҳа йўқ-ки, сен «Хогварц»га қайтишни истайсан, фақат ўқитувчилик билан машғул бўлиш учун эмас. Асл мақсадинг нима, Том? Очик-ойдин айтсанг нима қилади?

- Агар менга иш беришни истамас экансиз... - иржайди Вольдеморт.

- Истамайман, албатта, - деди Дамблдор, - Иш беришим мумкинлигига ишонганига ҳам бовар қилмайман. Шундай бўлса-да, иш сўраб келдинг. Бунинг сабаби бўлиши керак-ку.

Ғазабдан вужуди қайнаб кетган Вольдеморт ўрнидан турди. У ҳали Том Реддлдан бу қадар кучли фарқ қилмаган эди.

- Сўнгги сўзингиз шуми?

- Шу, - бош ирғиди Дамблдор.

- Ундай бўлса, бир-биримизга айтадиган бошқа гапимиз йўқ.

- Йўқ, - тасдиқлади, юзи маъюс қиёфа касб этган Дамблдор, - Сени жавонга ўт қўйиб қўрқитадиган, жиноий қилмишингни тузатишга мажбур қила оладиган даврлар аллақачон ўтиб кетди. Афсус, Том... минг афсус... Вольдемортнинг қўли сеҳрли таёқча солинган киссасига югурганини кўрган Гарри бефойда огоҳлантирганча қичқириб юборишига сал қолди. Бироқ Вольдеморт тескари ўгирилиб, хонани тарк этди. Эшик ёпилди. Дамблдор Гаррининг тирсагидан ушлади. Бир неча сония ўтиб, икковлон яна ушбу хонада пайдо бўлди. Деразанинг ташқи токчасидаги қор уюми ғойиб бўлиб, Дамблдорнинг қўли боз қоп-қора, жонсиз бўлиб қолди.

- Нима мақсадда? - шу заҳоти сўради Гарри, - Нима мақсадда қайтган эди у? Била олдингизми?

- Бу борада бир-иккита мулоҳазам бор, - жавоб берди Дамблдор, - Фақат бу... мулоҳазадан ортиқ нарса эмас.

- Қандай мулоҳаза экан, сэр?

- Профессор Дивангарднинг хотирасини қўлга киритганидан сўнг, айтаман, - ваъда берди Дамблдор, - Ўшандагина, иккаламиз учун душвор саналган ушбу масала ҳал бўлиши мумкин.

Дамблдор чиқиш томон одимлаб, эшикни очган бўлишига қарамай, ичини қизиқувчанлик ёндираётган Гарри жойидан қўзғалмади.

- Ёвузлик кучидан ҳимоя фани ўқитувчиси лавозимини сўраган-да, а, у сиздан? Айтмади-ми, нима...

- Айнан шу фандан дарс бермоқчи бўлган, у, албатта, - жавоб берди Дамблдор, - Ташрифининг оқибати ҳам шуни исбот қилади. Лорд Вольдемортнинг илтимосига рад жавобини берган кунимдан эътиборан, ҳали ҳеч ким ушбу лавозимда бир йилдан ортиқ ушланиб қолмаган.

XXI БОБ. ОЧИЛМАС ХОНА

Дивангарддан асл хотирасини қай йўл билан сўраб олиш борасида ҳафта давомида бош қотириб, хаёлига дурустроқ фикр келмаган Гарри, бирон-бир тавсия топиш мақсадида яна ўша, ҳар хил ҳаётий ҳолатлар учун даво деб санашга одатланган «Олий дамламачилик» китобини варақлаб юрди.

- Ҳеч нарса топа олмайсан, ўша китобингда, - қатъий баёнот қилди

Гермиона якшанба куни кечқурун.

- Бошидан бошлама, илтимос, - домангир оҳангда эътироз билдирди Гарри, - Шаҳзода бўлмаганда, ҳозир Рон ҳам орамизда бўлмас эди.

- Бўлар эди, агар биринчи синфда Снеггнинг сўзларини диққат билан тинглаганингда.

«Душманга қарши» сўзлари устидан кишини қизиқтириб қўядиган тарзда тимдалаб ёзилган Сектумсемпра қарғишига кўзи тушган Гарри қизнинг сўзларига эътибор қаратмади. Ушбу қарғишни амалда қўллаб кўрмоқчи бўлди-ю, Гермионадан чўчиб, китоб саҳифасини ўғринча букиб қўя қолди. Болалар яқиндагина қий-чув ҳукм сурган умумий меҳмонхонада, камин олдида ўтиришибди. Ҳозир бу ерда фақат олтинчи синф ўқувчилари қолган. Кечки овқатдан кейин эълонлар тахтасида эълон пайдо бўлиб, унда ҳавода даф бўлиш бўйича биринчи имтиҳон йигирма биринчи апрель куни ўтказилиши маълум қилинибди. Ушбу санага келиб балоғат ёшига етадиган ўқувчиларга Хогсмёдда, қатъий хавфсизлик қоидаларига амал қилиш шарти билан ўтказиладиган қўшимча амалий машғулотларга ёзилиш таклиф этилибди.

Эълонни ўқиган Рон саросимага тушиб қолди. У ҳалигача даф бўла олгани йўқ. Икки мартаба муваффақиятли даф бўла олган Гермиона ўзини ишонч-ла тутаётган бўлса, балоғат ёшига етишини ҳали тўрт ой кутиши керак бўлган Гаррига буларнинг дахли йўқ.

- Сен-ку, даф бўла оласан, - эзилди Рон, - Июль ойида бемалол топширасан!

- Мен атиги бир мартагина даф бўла олдим, - эслатиб ўтди Гарри. Ўтган машғулотда у, ҳавода даф бўлиб, сал нарида ётган ҳалқа ичида пайдо бўла олган эди.

Ўзининг ўқувсизлиги ҳақида нолишга бир олам вақт сарф этган Рон, сеҳрли дамламаларга оид, Гарри билан Гермиона аллақачон ёзиб бўлган ниҳоятда мураккаб иншони қийналиб, шошганча ёзиб ўтирибди. Гарри энг паст баҳодан ортиқ натижа кутмайди. Зеро, дементорларга қарши кураш масаласида Снегг иккаласининг мулоҳазалари бир-бирига умуман тўғри келмайди. Бироқ, ушбу масала Гаррини мутлақо безовта қилаётгани йўқ. Ҳозир унга Дивангарднинг хотираси муҳимроқдир.

- Гарри, сенга яна бир бор айтяпман, ўша аҳмоқ Шаҳзоданг сенга ҳеч қандай ёрдам бера олмайди! - янада баланд овозда хитоб қилди Гермиона, - Инсонни ўз хоҳишига қарши иш тутишига фақат Қарам қилиш қарғишини қўллаб эришиш мумкин холос. Бундай қарғиш эса ман этилган...

- Раҳмат, хабарим бор, - кесатди Гарри, кўзини дарсликдан узмай, - Шунинг учун ҳам бошқа нарса қидиряпман. Дамблдорнинг айтишича, Истиғфор келтиришга мажбур қиладиган Икром бўлиш дамламаси тўғри келмас экан. Балки бордир бошқа бирон-бир дамлама-ми, қарғиш-ми...

- Ишга нотўғри ёндашяпсан, - гапни бўлди Гермиона, - Дамблдорнинг

фикрича, Дивангарднинг хотирасини фақат сен қўлга кирита олишинг мумкин. Яъни сен, бошқалардан фарқли ўлароқ, ўзига хос таъсир кўрсата оласан унга. Бироқ бу, ҳар қандай тентакнинг қўлидан келадиган иш – Дивангардга дамлама тиқиштириш дегани эмас...

- «Янглиш» сўзи қандай ёзилар эди? - сўраб қолди, кўзини матндан узмаган Рон, пат-қаламини силтаб, - Англис, деб ёзилмайди-ку, а, ҳар қалай?...

- Йўқ, ундай ёзилмайди, - деди Гермиона, Роннинг иншосини ўзига тортиб, - «тажовузкор» сўзи ҳам «тазовускор», деб ёзилмайди.

Қўлингдаги пат-қалам қанақа пат-қалам ўзи?

- Фред билан Жоржнинг дўконидан олинган, имло хатоларини текшириб, тузатиб борадиган пат-қалам... Фақат, назаримда, сеҳри барҳам топа бошлаган кўринади...

- Ҳа, шунга ўхшайди, - кесатди Гермиона, бармоғини иншо сарлавҳасига ўқтаб, - Чунки «демимпир»ларга эмас, дементорларга қарши кураш масаласида иншо ёзиш талаб этилган биздан. Кейин, исмингни «Рунил Уэзлиб»га қачон алмаштирганигни эслай олмайман.

- Оббо! - бақриб юборди Рон, пергаментга даҳшат-ла бақрайиб, - Қайтадан ёзиш керак, дема фақат!

- Ҳеч қиси йўқ, ҳозир ҳаммасини тузатамиз, - деди Гермиона, қўлига сеҳрли таёқчасини олганча, иншони ўзига тортиб.

- Гермиона, мен сени жуда яхши кўраман, - деди креслога суяниб, кўзини ишқалаган Рон.

- Фақат бу гапингни Лаванданинг олдида айтма, - деди бироз қизариб кетган Гермиона.

- Айтмайман, - ғудуллади Рон, - Ёки йўқ, аксинча, айтаман... майли ташлаб кетсин мени...

- Ўзинг ташлаб кетсанг-чи, башарти шуни истар экансан?

- Ўзинг ҳеч кимни ташлаб кетмагансан-да, - жавоб берди Рон, - Чу иккалангиз, шунчаки...

- Тўғри, шунчаки ажраб кетдик-қўйдик, - тасдиқлади Гарри.

- Қанийди мен ҳам Лаванда билан шунчаки ажрашиб кетсам, - деди Рон маъюс оҳангда, - Бироқ бунга шама қилганим сари, Лаванда, худди баҳайбат кальмар сингари баттар ёпишиб оляпти менга.

Гермиона сеҳрли таёқчасини нотўғри ёзилган сўзлар устига уриб-уриб, индамай ўтирди. Хато ёзилган сўзлар ўзидан ўзи тузалиб борди.

- Ушла, - деди Гермиона, иншони йигирма дақиқадан сўнг Ронга узатиб.

- Катта раҳмат сенга, Гермиона, - миннатдорлик билдирди Рон, - Сенинг пат-қаламинг билан охирига етказиб қўйсам майлими?

Чала зот Шаҳзоданинг қайдларида бирон-бир фойдали тавсия топа олмаган Гарри атрофга разм солди. Снегг ва унинг иншосига минглаб лаънатлар ўқиган Симус ётоқхонага кириб кетди. Атроф жимжит.

Каминдаги чўғнинг тирсиллаши ва иншосини охирига етказётган

Роннинг қўлидаги пат-қаламнинг шитирлашигина эшитилмоқда. Гарри китобни ёпиб энди эснаган эди ҳам-ки, кутилмаганда...

Гуп.

- Вой! - деб юборди Гермиона паст овозда.

Сесканиб кетган Рон эса пергаментга сиёҳ тўқди.

- Тараққос! - хитоб қилди Гарри.

Уй эльфи чуқур таъзим айлаб, ўз оёғига мурожаат қилди:

- Кичик Малфой нима билан шуғулланиб юргани борасида мунтазам билдирув бериб боришни соҳиб амр этган эди. Шундай экан, Тараққос...

Гуп.

Тараққоснинг ёнида бошига кийиб олган чойнак ғилофи ён томон оғиб кетган Добби пайдо бўлди.

- Добби ҳам Гарри Поттерга ёрдам берди! - чийиллади у, шеригига домангир қараб, - Тараққос эса бирга келиб билдирув бериш учун, Гарри Поттернинг ҳузурига йўл олгани ҳақида Доббини ҳам бохабар қилиши лозим!

- Бу қанақаси? - сўради, эльфларнинг кутилмаган ташрифидан ҳаяжонланиб кетган Гермиона, - Нима гап ўзи, Гарри?

Малфойни кузатиб юришни Тараққос билан Доббига топширганини Гермионага ҳали айтмаган Гарри, уй эльфларининг меҳнатидан фойдаланиш масаласи Гермиона учун муаммоли масала эканлигини яхши билгани боис, иккиланганча индамай турди.

- Улар менинг топшириғимга биноан Малфойни кузатиб юришибди, - деди у, ниҳоят.

- Кеча-ю, кундуз, - қағиллаб қўйди Тараққос.

- Добби бутун ҳафта давомида мижжа қоққани йўқ, Гарри Поттер! - ғурур-ла маълум қилди Добби, турган жойида тебраниб кетиб.

- Мижжа қоққанинг йўқ? - сўради ғазаби қайнаб кетган Гермиона, - Гарри наҳотки сен уларга шундай буйруқ...

- Йўқ, албатта, - тез ишонтира кетди Гарри, - Добби, ухлашинг мумкин, тушундинг-ми? Хўш, бирон нима аниқлашга муваффақ бўлдингиз-ми? - тез сўради у, Гермиона гапга аралашмасидан олдин.

- Жаноб Малфой ўз насл-насабига муносиб зот сифатида олижаноблик-ла иш тутмоқда, - шу заҳоти ғичирлади Тараққос, - Мазкур зот юзининг бичими ила соҳибамга ўхшаса, ўзининг хуш хулқи билан...

- Драко Малфой жуда ёмон бола! - нафрат-ла чириллади Добби, - Жуда ёмон бола! У... у...

Бошидаги ғилофнинг попугидан оёғидаги пайпоқ учигача зир титрай бошлаган Добби ўзини чўғга ташлаш учун бўлса керак, камин томон югура кетди. Уй эльфларининг ўхшаш хулқини яхши билган Гарри эльфнинг танасини кўндалангига ушлаб, юқорига кўтарди. Унинг қўлидан чиқиб кетишга уринган Добби типирчилаб, бироздан сўнг бўшашганча, шалпайиб қолди.

- Раҳмат, Гарри Поттер, - энтикиб-энтикиб нафас чиқарди эльф, - Добби ханузгача собиқ соҳиблари ҳақида ёмон гап айтишга қийналади...

Гарри Доббини ерга қўйди. Эльф бошидаги чойнак ғилофини тузатиб олгач, Тараққосга ўшқирди:

- Лекин Тараққос Драко Малфойнинг уй эльфи учун ёмон соҳиб эканлигини бари-бир билиб қўйиши лозим!

- Худди шундай. Малфойни қанчалик яхши кўришинг ҳақидаги гапларинг бизга қизиқ эмас, - деди Гарри Тараққосга мурожаат қилиб, - Шу боис, муҳаббат изҳорларини четга суриб, ҳозир у нима билан банд эканлигига ўтамиз.

Дарғазаб қараб қўйган Тараққос боз таъзим қилиб, ғудуллади:

- Жаноб Малфой Катта Залда овқатланади, ўз ётоқхонасида ухлайди, турли машғулотларда иштирок...

- Добби, сен гапир, - гапни бўлди Гарри, - Малфой бирон-бир ножоиз жойга борди-ми?

- Гарри Поттер, сэр, - чийиллай кетди, йирик кўзида камин чўғи акс этган Добби, - Ёш Малфойнинг қоида бузганини Добби бирон маротаба бўлсин, кўрмади. Афтидан у, жазога тортилишдан чўчиса керак. Лекин у, ҳар хил бошқа ўқувчилар билан бирга еттинчи қаватга мунтазам қатнаб юрганини кўрдим. Ўша ўқувчилар пойлоқчилик қилиб туради, токи Малфой...

- Даркор хонага кириб-чиққунча! - хитоб қилиб юборди Гарри қўлидаги «Олий дамламачилик» китоби билан ўзининг пешанасига қарсиллатганча тушириб.

Рон билан Гермиона ҳайрат-ла Гаррига бақрайиб қолишди.

- Ўша ерда йўқолиб қолар экан-да, у! Ўз кирдикорларини ўша ерда амалга оширяпти экан-да! Харитада кўринмай қолишининг сабаби ҳам шу экан-да! Чиндан ҳам, Даркор хона харитада кўринмайди!

- Эҳтимол, Кафандуздар бундай хона борлигидан беҳабар бўлишгандир, - тахмин қилди Рон.

- Фикримча бу, хонанинг сеҳрли хусусиятларидан бири, - деди Гермиона, - Кўриниши керак бўлмаса, харитада ҳам кўринмайди.

- Малфой ўша хонада нима билан шуғулланаётганини кўришга муваффақ бўла олдингми, Добби? - кучли қизиқиш-ла сўради Гарри.

- Йўқ, Гарри Поттер, бунинг иложи йўқ, - жавоб берди Добби.

- Бўлмаган гап, - эътироз билдирди Гарри, - Ўтган йили Малфой бизнинг қароргоҳимизга кира олган. Мен ҳам ичкарига кириб, ҳеч бир муаммосиз, пойлашим мумкин уни.

- Шубҳа қиламан, Гарри, - аста фикр билдирди Гермиона, - Ўша хонадан нима мақсадда фойдаланганимизни Малфой билган. Чунки сиримизни анави тентак Мариэтта оғзидан гуллаб қўйган. Бошқача қилиб айтганда, Даркор хона Малфойга Дамблдор армиясининг қароргоҳи сифатида пайдо бўлиши керак бўлган. Сен эса Малфой учун ушбу хона қандай жой

саналишини, хонадан нимани сўрашни билмайсан.

- Бирон нима ўйлаб топаман, - барча эътирозларни рад этди Гарри, - Яша, Добби!

- Тараққос ҳам ёмон эмас, - эркалаб мақтади Гермиона.

Аммо Тараққос миннатдорлик билдириш ўрнига, қон томирлари қамраб олган йирик кўзини четга олиб, шифтга қараганча ғудуллади:

- Аллақандай маглвачча Тараққосга мурожаат қиляпти. Тараққос ўзини эшитмаган кўйга солиб олади...

- Даф бўл бу ердан, - ўкириб берди Гарри.

Тараққос таъзим бажо айлаганча, ҳавода даф бўлди.

- Сен ҳам бориб ухла, Добби, - ижозат берди Гарри.

Добби ҳам ҳавода даф бўлишдан олдин, бахтиёр оҳангда чийиллаганча, миннатдорлик билдирди:

- Раҳмат, Гарри Поттер, сэр.

- Хўш, энди нима дейсиз? - ғайрат-ла сўради Гарри, Рон билан Гермионага юзланиб, - Малфой қаерда бўлишини биламиз! Қўлга тушди ҳисоб!

- Ажойиб, - пешанасини тириштирди Рон, деяшли ниҳоясига етган иншо бўлиб, энди сиёҳ бўтқасига айланган пергаментни силтаб.

Гермиона қоғозни боз ўзига тортиб, сеҳрли таёқчаси воситасида сиёҳ доғини бартараф этишга киришди.

- Ҳар хил бошқа ўқувчилар тўғрисида нимадир дегандай бўлди-ми? - эслади Гермиона, - Малфойнинг нечта ёрдамчиси бор ўзи? Ахир у ўз сирини тўғри келган одамга фош этавермайди-ку...

- Ҳа, шуниси ғалатиноқ, - қошини чимирди Гарри, - Малфой Краббега: «Сабаби сени қизиқтирмаслиги керак! Гойл иккалангиз буюрилган ишни бажаринг, вассалом! Пойлоқчилик қиласиз, бас!» - деганини ўз қулоғим билан эшитган эдим-ку.

Гарри жим бўлганча, каминдаги оловга қараб қолди.

- Ғирт аҳмоқ эканман, - аста хитоб қилди у, - Ҳаммаси аён! Ерости хонасида бутун бошли қозони билан турибди... дарс вақтида озроқ ўғирлаб чиққан бўлиши мумкин у...

- Нимани ўғирлаб чиқиши мумкин?

- Ҳамма қиёфа сиркасини. Дивангард ўзининг биринчи дарсида ўша сиркани бизга кўрсатган эди. Малфой, табиийки, ўғирлаган...

Пойлоқчиликни ҳар хил ўқувчилар эмас... одатдагидай, Краббе билан Гойл қилади... Тўппа-тўғри!

Гарри ўрнидан ирғиб туриб, камин қаршисида ё ёқ, бу ёқ юра бошлади.

- У галварслар Малфой тайинлаган ҳар қандай ишни бажараверишади, гарчи сабаби тушунтириб берилмаса ҳам. Малфой эса одамлар, ўша иккала тентакни Даркор хона олдида кўриб қолишларини истамайди, шунинг учун ҳам уларни ўз қиёфасини ўзгартириб боришга мажбур қилади... квидиш ўйинига бормаган куни менга Малфой билан бирга

рўбару бўлиб қолган анави қизлар... Краббе билан Гойл бўлган, албатта!
- Айтмоқчисан-ки, қўлидан тушириб юборган тарозисини мен тузатиб берган анави жажжи қизалоқ...

- Албатта! - хитоб қилиб юборди Гарри, кўзини катта очганча, Гермионага қараб, - Албатта! Афтидан, Малфой ўша фурсатда Даркор хонада бўлган ва қизалоқ, йўғ-е, анави галварслардан бири, Малфойни хонадан чиқмаслиги учун огоҳлантириш мақсадида қўлидаги вазмин мис тарозини жаранглатганча, ташлаб юборган. Шиша идишни синдириб, қурбақа увулдириғини тўкиб юборган митти қизалоқни ҳам эсланг. Биз доимо, ўзимиз билмаган ҳолда, уларнинг ёнидан ўтиб юрганмиз!

- Краббе билан Гойлни қизларга айлантеририб юрар экан-да, а?! - хандон отиб қўйди Рон, - Сўнгги вақтда иккаласи худди толеи паст кишилардай юришининг сабаби бу ёқда экан-да! Чидаб юришганига ҳайронман...

- Малфойнинг қўлидаги Ажал белгисини кўришгандан кейин нима қилишсин, бечоралар, чидашади-да, - таъкидлаб қўйди Гарри.

- Ўша белги борлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилмаган бўлсак-да, - истехзо қилиб ўтди, қуриган иншони, яна бирон балога йўлиқмаслиги учун ўраб, Ронга узатган Гермиона.

- Ўз кўзингиз билан кўриб, ишонч ҳосил қилишга улгурасиз ҳали, - қатъий баёнот қилди Гарри.

- Кўрамиз, - деди креслодан турган Гермиона керишиб олиб, - Фақат сен, Гарри, бемаврид ақлдан озма. Малфой нима иш қилаётганини билмас экансан, Даркор хонага кира олмайсан. Шуни ҳам унутмагин-ки, - деди у, юк халтасини елкага ташлар экан, Гаррининг кўзига жиддий боқиб, - Ҳозир сен жамики диққат-эътиборингни Дивангарднинг хотирасини қўлга киритиш масаласига жамлашинг лозим. Хайрли тун.

Қизлар ётоқхонасининг эшиги ёпилгунча Гермионани домангир нигоҳ-ла кузатиб қўйган Гарри Ронга юзланди:

- Сен нима дейсан?

Яқинда Добби турган жойга қараган Рон хаёлга берилди:

- Уй эльфи каби даф бўла олганимда эди, кўп нарсаларга эришган бўлар эдим.

Тун ёмон ўтди. Гарри деярли мижжа қоқмай, Даркор хона Малфойга нимага керак бўлиб қолгани, эртага у ўша хонага киришга муваффақ бўлса нимани кўриши мумкинлиги ҳақида ўйлаб ўтди. Гермионанинг хавотири ноўрин, хаёлдан ўтказди Гарри, модомики Малфой ДАнинг қароргоҳига кира олган экан, демак у ҳам Даркор хонага кира олади. Бироқ қаерга кириб қолади? Хона қанақанги жой сифатида пайдо бўлиши мумкин? Учрашув хонаси сифатидами? Панагоҳ сифатидами? Буюм сақлаш хонаси бўлиб-ми? Устахона сифатидами? Гаррининг мияси ғувуллаб кетди. Уйқуси нотинч кечиб, узук-юлуқ туш кўрди. Унда Малфой Дивангардга айланиб қолди, Дивангард эса Снег қиёфасига кирди... Ёвузлик кучидан ҳимоя фанидан олдин берилган бўш вақтни Даркор

хонага киришга уриниб кўришга сарф этишга аҳд қилган Гарри бетоқат нонушта қилди. Ҳозир у ўз режасини пичирлаганча Ронга маълум қилмоқда. Гермиона, ушбу режага атайин қизиқиш билдирмай ўтирибди. Қизнинг хоҳиши бўлганда, ёрдам бера олиши мумкинлигини билган Гаррининг жаҳли чиқди.

- Қулоқ сол, - деди ниҳоят у, Гермиона бекиниб олмаслиги учун, «Башорат-у, каромат газетаси»ни кафти билан босиб олиб, - Мен Дивангарднинг хотирасини унутганим йўқ, фақат ҳозирча, ўша хотирани қай йўл билан қармоққа илинтириш мумкинлигини тасаввур эта олмаяпман холос. Бирон-бир фикр миямга ялт этиб келгунга қадар, Малфойни кузатиб юрсам нима қилибди?

- Айтдим-ку, сенга, Дивангардга нисбатан ҳийла ёки сеҳр қўллаш эмас, уни кўндира билишинг керак деб, - жавоб берди қиз, - Мумкин бўлганда, Дамблдорнинг ўзи, бу масалада ҳеч бир қийинчиликсиз, ҳар қандай йўл тутиши мумкин эди. Шундай экан, - деди у, газетани тортиб олиб, биринчи саҳифасини ёзар экан, - Даркор хона остонасида ивирсимай, Дивангардни топиб, табиатининг ижобий фазилатларини намоён этишига даъват этмоғинг лозим.

- Танишлардан бирортаси?... - сўради Рон, сарлавҳаларни кўздан кечира бошлаган Гермионадан.

- Ҳа! - хитоб қилиб юборди Гермиона.

Гарри билан Рон текилиб қолишига сал қолди.

- Йўқ-йўқ, ҳаммаси жойида, ҳеч ким ўлгани йўқ. Мундугнус ҳақида ёзишибди. Уни ҳибсга олиб, Азкабанга қамашибди! Афтидан, у кимнидир бисотини уриб кетмоқчи ва шу мақсадда инфернийга ўхшаб олмоқчи бўлган... Хўш, яна аллақандай Октавиус Перетс деган киши ғойиб бўлибди. Яна, қандай даҳшат, тўққиз ёшли болани ҳибсга олишибди! Қарам қилиш қарғиши остида бувиси билан бувасининг жонига қасд қилишга уринибди...

Нонушта қолган қисми сукутда ўтди. Шундан сўнг, Гермиона қадимий руналар дарсига, Рон, дементорлар ҳақидаги кечаги иншони охирига етказиш учун умумий меҳмонхонага, Гарри эса еттинчи қаватга, Томсиз Барнабас сўйил билан дўппослаётган тролларга балет рақсига тушишни ўргатаётгани тасвирланган гобелен томон йўл олди.

Кимсасиз ўтиш жойига етган Гарри кўринмас плашини устига ташлаб олди. Унинг хавотири беҳуда: гобелен қаршисида ҳеч ким йўқ. Гарри Даркор хонага қандай киришни, хусусан: Малфой ичкарида бўлганда-ми, ё аксинча, у йўқлигида кириш керакми, ҳозирча билмайди. Лекин у, ўн бир ёшли қизчалар қиёфасини касб этган Краббе билан Гойл оёқ остида ўралашиб юрмаганидан хурсанд.

Даркор хонанинг яширин кириш эшиги олдига келган Гарри кўзини чирт юмди. Нима қилиш кераклигини у яхши билади. Ўтган йили яхшигина машқ қилиб олишга улгурган. Фикр-хаёлини ўз истакига жамлаб олган

Гарри ичида такрорлай кетди: «Малфой ичкарида нима билан шуғулланаётганини кўришим керак... Малфой ичкарида нима билан шуғулланаётганини кўришим керак... Малфой ичкарида нима билан шуғулланаётганини кўришим керак...»

Эшик олдидан уч марта ўтган Гарри кўзини, юрагининг гумбурлаб ураётганини ҳис этганча очиб, эшикка қаради. Девор яхлит бўлганча қолган.

У олдинга қадам ташлаб, силлиқ деворни туртиб кўрди. Девор тошдай қотиб турибди.

- Яхши, - деди Гарри, - Демак мен бошқа нарса ҳақида ўйлаганман... Бироз ўйланиб тургач, яна кўзини чирт юмди-да, фикр-хаёлини жамлаб, ичида гапира бошлади: «Малфой яширинча бўладиган жойни кўришим керак... Малфой яширинча бўладиган жойни кўришим керак... Малфой яширинча бўладиган жойни кўришим керак... «

Уч марта юриб ўтгач, умид-ла кўзини очди. Эшик йўқ.

- Тентаклик қилма, - деди у деворга, домангир оҳангда, - Фикримни аниқ ифода этдим-ку!... Хўп, майли...

Гарри икки дақиқача ўйланиб турди.

«Драко Малфой учун қандай хона сифатида пайдо бўлсанг, ўша кўринишда пайдо бўлишингни истайман... «

Кўзи юмуқ ҳолатда ҳаракатсиз қотган Гарри деворда эшик пайдо бўлишини эшитишга умид қилди. Кўчадаги қушларнинг чириллашидан бошқа ҳеч қандай шовқин эшитилмади. Шартта кўзини очиб, яна силлиқ деворни кўрди.

Гарри овоз чиқариб сўкинган эди ҳам-ки, чириллаган овозлар эшитилди. Атрофга қараб, муюлиш ортига қочиб ўтаётган биринчи синф ўқувчиларининг галасини кўрди. Улар Гаррини, афтидан, тарбияси ниҳоятда бузуқ арвоҳга ўхшатишган кўринади.

Орадан яна бир соат ўтди. Гарри «Драко Малфой ичкарида нима билан шуғулланаётганини кўришим керак» мавзусига оид, хаёлига келган барча тахминларни синаб кўрди ва ниҳоят Гермионанинг ҳақлиги, Даркор хона унга очилишни истамаётганини тан олиб, толиққан ва зардаси қайнаган ҳолатда ёвуз кучлардан ҳимоя дарсига йўл олди. Йўл давомида устидаги кўринмас плашни ечиб, юк халтасига жойлади.

- Яна кеч қолдинг, Поттер, - совуқ оҳангда танбеҳ берди Снегг, шам ёритган хонага югурганча кириб келган Гаррига, - «Гриффиндор»дан ўн балл айрилади.

Ўқитувчига нафрат-ла қараб қўйган Гарри ўзини Роннинг ёнидаги курсига ташлади. Ўқувчиларнинг ярми ҳали ўз жойини эгаллашга улгургани ҳам йўқ. Ҳамма дарслик чиқариш, нарсаларини тахлаш билан овора. Гарри сал кечроқ кириб келди холос.

- Биринчи навбатда, дементорларга қарши кураш мавзусидаги ишларингизни йиғиб олмоқчиман, - деди Снегг, сеҳрли таёқчасини кибр-

ла силтаб.

Ҳавога кўтарилган йигирма бешта пергамент ўраи унинг олдига учиб, стол устида батартиб тахланиб қолди.

- Сизларнинг манфаатингизни кўзлаганча, умид қиламан-ки, ушбу иншолар Қарам қилиш қарғишига қаршилик кўрсатиш борасида ўтган сафар ёзилган бемаъниликдан сал бўлса ҳам фарқ қилади. Энди эса, марҳамат қилиб, дарсликнинг... Нима гап, мистер Финниган?

- Сэр, - гап бошлади Симус, - Инфернийни арвоҳдан қандай ажратиб олиш мумкин? «Башорат-у, каромат газетаси»да инферний ҳақида ёзишибди...

- Асло ундай эмас, - диққатнамо оҳангда эътироз билдирди Снегг.

- Бироқ, сэр, айтишларига...

- Агар газетани диққат билан ўқиганингизда, мистер Финниган, ўша инферний Мундугнус Флетчер исми ярамас ўғри бўлиб чиққанини англаган бўлар эдингиз.

- Мундугнусни Снеггнинг ҳамтовоғи, деб билар эдим, - пичирлади Гарри Рон билан Гермионага, - Қамоққа олинган ҳамтовоғига юраги ачиш...

- Афтидан, Поттер бизга бир нима демоқчи кўринади, - деди Снегг, хона охирида ўтирган Гаррига қора кўзини тикиб, - Қани, ундан сўраб билайлик-чи, инфернийни арвоҳдан қандай ажратиб олиш мумкин экан. Ҳамма Гарри томон ўгирилди. Гарри Дивангарднинг ҳолидан хабар олгани борган куни Дамблдор нима деганини тез эслай бошлади.

- Э-э... м-м-м... арвоҳлар... одатда шаффоф бўлади... - пўнғиллади у.

- Доҳиёна фикр, - масхараомуз оҳангда ҳайратланди Снегг, иржайиб, - Олти йиллик таҳсил сиз учун бекор кетмагани дарҳол кўзга ташланади. Арвоҳлар шаффоф бўлади.

Панси Паркинсон чирқираб кулди, қолганлар ҳам кулиб қўйишди. Гарри чуқур нафас олиб, гарчи вужуди қайнаб кетган бўлса-да, хотиржам оҳангда давом этди:

- Ҳа, арвоҳлар шаффоф бўлади, инфернийлар эса мурдалардир, шундайми? Демак, улар моддий тусга эга, қаттиқ бўлади...

- Буни беш ёшли бола ҳам айтиши мумкин, - тишининг оқини кўрсатди Снегг, - Инферний – ёвуз сеҳргар томонидан қўлланилган афсун воситасида қайта тирилган мурдадир. Инферний жонсиз махлуқ бўлиб, ўз хатти-ҳаракатларини қўғирчоқ сингари, сеҳргарнинг амри ила амалга оширади. Арвоҳ эса, маълумки, вафот қилган руҳнинг ерда қолган, доно Поттер таъкидлаб ўтгандай, шаффоф нусхасидир.

- Гарри қимматли берди! - гапга аралашди Рон, - Уларни яна қай тарзда ажратиб олиш мумкин? Қоронғи кўчада ўшалардан бири учраб қолса, қани, билиб кўр-чи, қаттиқ-ми у, йўқ-ми? Сўраб ўтирмайсан-ку, ундан: «Маъзур сананг, мабодо сиз вафот қилган руҳнинг нусхаси эмасмисиз?» - деб.

Ҳиринглаб юборган ўқувчилар, Снеггнинг нигоҳи ила яна жим бўлиб

қолишди.

- «Гриффиндор»дан яна ўн балл айрилади, - деди Снегг, - Ақлли фикр бўлди, Рональд Уэсли. Умуман айтганда, ўта қаттиқлигидан ҳавода бирор дуюм нарига даф бўла олмайдиган одамдан яна нимани ҳам кутиш мумкин.

Жаҳл-ла оғиз жуфтлаган Гаррининг қўлини Гермiona маҳкам ушлаб, пичирлаганча хитоб қилди:

- Бас қил! Фойдаси йўқ! Жазога тортилганинг қолади холос!

- Демак, дарсликнинг икки юз ўн учинчи саҳифасини очиб, Қийноққа солиш қарғишига доир дастлабки иккита хатбошини ўқиб чиқамиз, - амр этди Снегг, сезилар-сезилмас кулиб.

Дили хуфтон бўлган Рон индамас бўлиб қолди. Қўнғироқ зарби эшитилгач, Лаванда Гарри билан Роннинг ёнига келиб, Снеггнинг андишасизлиги борасида эътироз билдира кетди-ю, лекин бу билан Роннинг жаҳлини баттар қайнатиб юборди. Гермiona эса, Гаррининг назарида, сирли равишда кўздан ғойиб бўлди. Қиздан халос бўлишга аҳд қилган Рон Гаррининг изидан ўғил болалар хонасига кириб кетди.

- Умуман айтганда, Снегг ҳақ, - деди Рон, дарз кетган кўзгу олдида икки дақиқача сукут сақлаб тургач, - Овора бўлиб имтиҳон топширишга борайми, йўқми, билмадим. Ҳавода даф бўлишнинг моҳиятини ҳеч англаб ета олмаяпман.

- Хогсмедда қўшимча шуғулланиб, ўзингни синаб кўришинг мумкин, - маслаҳат берди Гарри, - Нима қилганда ҳам, аҳмоқона ҳалқа ичига сакрагандан кўра қизиқроқ бўлади. Ўшанда ҳам, агар сен ўзингни... нима десам экан... ишонч-ла ҳис этмасанг, имтиҳонга бормай, мен билан ёзда топширишинг мумкин... Миртл, бу ер ўғил болалар ҳожатхонаси!

Қўшни бўлма унитазидан ёш қиз арвоҳи учиб чиқиб, оқ тусли қалин юмалоқ кўзойнаги орқали болаларга разм солганча, шифт остида суза бошлади.

- А-а, сизлар-ми? - вайсақи овозда эътироз билдирди Миртл.

- Кимни кутган эдинг? - сўради Рон, арвоҳга кўзгу орқали қараб.

- Ҳеч кимни, - қошини чимирганча жавоб берди арвоҳ, жағидаги ҳуснбузарни сиқиб, - Қайтиб келишни ваъда қилган эди... сен ҳам шундай ваъда берган эдинг, - деди у, хафа бўлганча, Гаррига қараб, - Аммо бир неча ойдан буён ҳолимдан хабар олмадинг, гарчи ўғил боланинг гапига ишониб бўлмаслигини кўпдан буён билсам-да.

- Сени бошқа ҳожатхонада яшайди, деб юрган эдим, - деди Гарри, бир неча йилдан буён четлаб юрадиган ҳожатхонани назарда тутиб.

- Ҳа, шундай, - елкасини домангир қисиб қўйди Миртл, - Бироқ бу. Ўша ердан чиқмаслигим керак дегани эмас-ку. Эсингда бўлса, мен сени бир вақтлар ваннахонада кўрган эдим.

- Эсимда, - жавоб берди Гарри.

- Унга ёқсам керак, деб ўйлаган эдим, - арз қила кетди Миртл, - Эҳтимол,

сизлардан кейин у ҳам пайдо бўлиб келар, а? Иккаламизнинг умумий жиҳатларимиз кўп... Ишончим комилки, у ҳам буни фаҳмлади...

Миртл умид-ла, эшикка қараб қўйди.

- Умумий жиҳатларимиз кўп? - сўради, қизиқиб қолган Рон, - У ҳам унитаз қувурида яшайди, демоқчимисан?

- Йўқ! - ўшқирди Миртл, - У ҳам мен каби, жуда таъсирчан бола, уни ҳам хафа қилишади, ўзини ёлғиз ҳис этади, дардлашадиган дўсти йўқ, ҳўнграб йиғлашдан тортинмайди!

- Кимдир йиғлаб турадими бу ерда? - қизиқиш билдирди Гарри, - Ким? Ёш болами?

- Ишинг бўлмасин! - боз ўшқирди Миртл, ёшга тўлган кўзи ила очикдан-очик иржайиб турган Ронга ўқрайиб, - Ҳеч кимга айтмасликка сўз берганман, унинг сирини ўзим билан...

- ... қабрга эмасдир, ҳар қалай? - пишқирди Рон, - Сувни нажасдан тозалаш ҳавзасига, десанг, бошқа гап...

Миртл овози борича бақириб, атрофга сув сачратганча, яна унитазга шўнғиб кетди. Арвоҳни мазах қилиб, гап талашган Роннинг кайфияти бироз кўтарилди.

- Сен ҳақсан Гарри, - деди у, юк халтасини елкасига ташлаб, - Олдин обдан машқ қилишим керак, шундан сўнггина, имтиҳон топшириш масаласи ҳақида ўйлаб кўриш мумкин.

Шундай қилиб, дам олиш кунлари Рон, Гермiona ва имтиҳонгача қолган икки ҳафта ичида ёши ўн еттига етадиган олтинчи синф ўқувчилари Хогсмедга йўл олишадиган бўлди. Қишлоқ сайлини соғинган Гарри ўртоқларининг сафарга ҳозирлик кўришларини ҳасад-ла, кузатиб борди. Лекин у бўш вақтини Даркор хонага сарф этишга аҳд қилган. Рон билан Гермionани вестибюлда кузатар экан, ушбу режаси билан ўртоқлашди.

- Ундан кўра Дивангарднинг хонасига бориб, хотирасини сўраб олсанг яхши бўлар эди, - деди Гермiona.

- Ҳаракат қияпман! - алам-ла хитоб қилди Гарри.

Гарри ёлғон гапирмади. Ҳафта давомида ўтган сеҳрли дамламалар тайёрлаш машғулотларидан кейин ушланиб, Дивангард билан юзма-юз гаплашиб олишга уринди. Бироқ профессор синф хонасини шу қадар тез тарк этадиган одат чиқариб олганки, Гарри унинг йўлини тўсишга улгурмай қолмоқда. Хизмат хонасининг эшигини икки марта тақиллатган Гаррига ҳеч ким жавоб бермади, гарчи сўнгги бор тақиллатганда, ичкарида шитирлаётган граммафоннинг товуши тез тинганини яққол эшитган бўлса-да.

- Мен билан гаплашишдан бош тортяпти у! Менга нима кераклигини кўриб, ўзини олиб қочадиган бўлиб қолган!

- Сен эса уринишингни давом этавер.

Сир сезгири билан ҳаммани текширувдан ўтказаетган Филч олдида чўзилган одамлар навбати қисқаргани боис, назоратчи эшитиб

қолмаслиги учун Гарри индамай қўя қолди. Дўстларига омад тилаб, Даркор хона томон йўл олди. Гермiona нима деса десин-у, бари-бир Гарри Даркор хонага бир-икки соат сарф этади.

Вестибюлда турганларга кўринмаётганига ишонч ҳосил қилган Гарри юк халтасидан Кафандузд харитаси билан кўринмас плашини чиқарди. Плашни устига ташлагач, сеҳрли таёқчасини харитага уриб қўйди-да, пичирлади:

- Бирон-бир яхшиликни ният қилмаганлигимга тантанавор онт ичаман! Табиийки, якшанба куни эрталаб ҳамма ўз умумий меҳмонхонасида ўтирибди. Гриффиндорчилар битта минорада, равенклочилар бошқа минорада, слизеринчилар ерости хонасида, хуффльпупфчилар ошхона ёнида. Айримлар кутубхона яқинида ёки қаср йўлакларида юришибди. Бир неча киши ҳовлида сайр қилмоқда... еттинчи қават йўлагига эса Грегори Гойл турибди. Даркор хона харитада кўринмайди, бироқ Гарри бу масалада ташвиш тортгани йўқ. Модомики, Гойл пойлоқчилик қилиб турган экан, харита биладими буни, йўқми, хона очилган.

Гарри зина бўйлаб юқорига югурди ва муюлишга етгач, қадамини секинлатиб, икки ҳафта муқаддам Гермiona ёрдам берган қизалоққа, унинг орқа томонидан ўғринча яқинлаша бошлади.

- Гўштинг жуда мазали бўлсанг керак, а, қизалоқ? - пичирлади у, қизчанинг устига энгашиб.

Омонатини топшириб қўйишига бир бахя қолган Гойл қўлидаги тарозини шифтга даҳшат-ла улоқтириб, токи тарози ерга тушиб, чилпарчин бўлгунга қадар қорасини ўчирди. Кулиб юборган Гарри ўй сурганча, деворнинг силлиқ юзасига қараб қолди. Шубҳа йўқ-ки, Драко Малфой ҳам ичкарида даҳшатдан қотиб қолган. Бегоналар борлигини билиб, ташқарига чиқишга журъат эта олмайди. Ўз қудратидан ғурурланиб севинган Гарри хона эшигини очиш масаласида ўйланиб қолди.

Афсуски, унинг хурсандчилиги узоқ чўзилмади. Ярим соат уринганига қарамай, эшик кўриниш бермади. Гаррининг ғазаби қайнади: Малфой атиги икки қадам нарида бўлса-ю, нима билан банд эканлигини ҳамон била олмаса! Сабр косаси тўлган Гарри югурганча келиб, бор кучи билан девор тепди.

- ВОЙ ОЁҒИМ!

Наҳотки оёғининг бош бармоғини синдириб олган бўлса? Бир қўли билан оёғини чангаллаб олганча, турган жойида сакрай кетган Гаррининг устидаги плаш сирпаниб, ерга тушди.

- Гарри?

Кескин ўгирилиб ерга йиқилган Гарри, Бомсни кўриб, ҳайрон бўлди. Қиз, худди бир умр шу ерда кезиб юргандай, хотиржам келмоқда.

- Сен нима қиялсан бу ерда? - сўради Гарри, оёққа туриб.

Аҳмоқона қонуният – ерда чўзилиб ётган маҳалда, албатта кимдир пайдо бўлади.

- Дамблдор билан учрашмоқчи эдим, - жавоб берди Бомс.
 Қиз озиб, эти суюгига ёпишиб қолгани, кул ранг сочи том бўғотидан
 осилиб турган сумалакка ўхшаб қолганини кўрган Гарри лол қолди.
 - Унинг хонаси бу ерда эмас, - деди Гарри, - Қасрнинг нариги томонида,
 аждар тусли тош илон ортида...
 - Биламан, - жавоб берди Бомс, - Мактабда йўқ экан. Яна қаёққадир чиқиб
 кетибди.
 - Йўғ-е? - деди Гарри, лат еган оёғини ерга аста босиб, - Иттифоқо,
 қаерларга боришини билмайсан-ми?
 - Хабарим йўқ, - бош чайқади Бомс.
 - Унда нима ишинг бор эди?
 - Айтарли гап эмас, - жавоб берди, енгини тинимсиз тортқилаётганига
 ўзи аҳамият бермаётган Бомс, - Нима гап эканлигини балким билар,
 деган хаёлга бордим... ҳар хил миш-миш гаплар юрибди... бахтсиз
 ходисалар ҳақида...
 - Ҳа, тўғри, газетада ёзишибди, - Аллақандай ёш бола ўз яқинларини...
 - «Башорат-у, каромат газетаси» янгиликлар масаласида кечикади, -
 гапни бўлди Бомс, афтидан Гаррига қулоқ солмай, - Орден аъзоларидан
 ҳеч ким ёзмади-ми, сенга, сўнгги вақтда?
 - Орден аъзоларидан бирортаси мен билан ёзишмайди, - жавоб берди
 Гарри, - Сириус...
 Қизнинг кўзи ёшга тўлди.
 - Узр, - ўзини ноқулай ҳис этди Гарри, - Айтмоқчи эдим-ки... Уни мен ҳам
 жуда...
 - Нима? - ҳеч нимани тушунмагандай сўради Бомс, - Майли...
 кўришгунча, Гарри...
 Қиз кескин тескари ўгирилиб, йўлакнинг нариги боши томон одимлай
 кетди. Гарри Бомснинг ортидан бироз қараб турди-да, кўринмас плашини
 устига ташлаб, Даркор хона билан, энди аввалги иштиёқсиз
 шуғулланишни давом этди. Рон билан Гермионанинг тушликка қайтишини
 билган Гарри ниҳоят зерикиб, ўзини тийиш ва йўлакни, афтидан, яна бир
 неча соат ичкарида ўтирадиган Малфойнинг ихтиёрига қўйиб беришга
 аҳд қилди.
 Эрта қайтган Рон билан Гермиона Катта Залда ўтириб, тушликнинг
 ярмини бир ёқли қилишга улгуришибди.
 - Уддаладим... деярли! - қувонч-ла маълум қилди Рон, Гаррини кўриши
 ҳамоно, - Пудгафут хонимнинг чойхонасида даф бўлиб, кўчада пайдо
 бўлишим керак эди. Бироқ мен сал ошириб юбориб, Шкрябенштюкнинг
 ёзув қуроллари дўкони ёнида пайдо бўлиб қолдим. Нима қилган тақдирда
 ҳам, ҳавода даф бўла олдим!
 - Яша! - мақтаб қўйди Гарри, - Сен-чи, Гермиона, қандай бажардинг?
 - Қандай бўлар эди, беназир-да, - жавоб берди Рон, Гермионага оғиз
 жуфтлагани имкон бермай, - Тайинланган барча амалларни зўр бажарди!

Машғулотдан сўнг, «Уч супурги» қаҳвахонасига кирдик. Анави йўриқчи Уилки Ҳаржойда деганлари Гермiona ҳақида булбулдек сайраганини эшитганингда эди. Агар яқин орада муҳаббат изҳор қилиб қолса, ҳеч ҳам ҳайрон бўлмайман...

- Ўзингнинг ишларинг қалай? - сўради Гермiona, Роннинг сўзларига эътибор бермай, - Даркор хонанинг ёнида тентираган бўлсанг керак, а?

- Ҳа, - бош ирғиди Гарри, - Нима деб ўйлайсан, кимни учратиб қолдим мен у ерда?... Бомсни!

- Бомсни? - баралла ҳайрон бўлишди Рон билан Гермiona.

- Ҳа. Дамблдорнинг ҳузурига келган эмиш.

- Агар менинг фикрим сизларни қизиқтирса, - баёнот қилди, Гаррининг Бомс билан ўтган суҳбати ҳақидаги ҳикоясини эшитган Рон, - Унинг томи, вазирликда бўлиб ўтган ҳодисадан сўнг, бироз жилиб қолган кўринади.

- Нима қилганда ҳам, сал ғалати бу, - деди бироз ташвишга тушган Гермiona, - Бомс қаср пойлоқчиси этиб тайинланган. У эса ўз жойини, йўқлигини била туриб, Дамблдор билан учрашиш мақсадида ташлаб кетган.

- Миямга бир хаёл келди, - деди Гарри, бироз тортиниб, - Назаримда у, Сириусни... севган. Бунга нима дейсиз?

Гермiona, одатда, бундай мавзу устаси бўлса-да, ҳозир у ҳайрон бўлганча, Гаррига бақрайиб қолди.

- Қаердан олдинг бу гапни?

- Билмадим, - елка қисди Гарри, - Сириуснинг исмини тилга олишим ҳамоно, йиғлаб юборишига сал қолди... Унинг Ҳимоячиси ҳам, энди тўрт оёқли. Сириуснинг қиёфасига айланиб қолдимикан, дейман-да...

- Тўғри фикр, - деди бироз ўйланиб қолган Гермiona, - Лекин қасрга, Дамблдорнинг ҳузурига нима учун кириб келган, ҳайронман, агар чиндан ҳам, унинг қабулига киришни кўзлаган бўлса.

- Тўппа-тўғри, - эълон қилди Рон, оғзига картошка бўтқасини тўлдириб, - Бечора қизнинг томи жилган. Ич-ичдан синган. Нима қилганда ҳам, аёл-да, у! - доно қиёфа ясаганча, бош ирғиб қўйди Гаррига қараб, - Асаб тизими заиф бўлади, уларнинг.

- Шундай бўлса-да, аёл киши, - жавоб берди хаёлини йиғиб олган Гермiona, - Сеҳргар, табиб ва мимбулюс мимблътония ҳақидаги латифани эшитган Росмерта хоним кулмагани учун ярим соат азият чекмайди. Рон хафа бўлиб, тескари ўгирилиб олди.

XXII БОБ. ДАФН МАРОСИМИ

Қаср миноралари устини қоплаган қора булутлар орасида ёрқин мовий рангли осмон кўрина бошлади. Ёз яқинлашиб келаётганидан дарак берувчи ушбу аломат на Малфойнинг изига туша билган, на

Дивангардни, бир неча ўн йиллар давомида яшириб юрган хотираси билан ўртоқлашиши учун эътимодли суҳбатга чорлай олган Гаррини қувонтирмади.

- Сўнгги бор айтяпман сенга, унут ўша Малфойни, - қатъий талаб қилди Гермиона.

Учовлон тушлиқдан сўнг ҳовлига чиқиб, қуёшда исинмоқда. Рон билан Гермионанинг қўлида вазирлик томонидан чоп этилган «Ҳавода даф бўлиш: кенг тарқаган хатолар ва уларга йўл қўймаслик усуллари» рисоласини ўқиб ўтиришибди. Афтидан, рисола асабга салбий таъсир ўтказаяётган кўринади. Негаки, муюлиш ортидан аллақандай қизча пайдо бўлиши ҳамоно, сесканиб кетган Рон Гермионанинг ортига бекиниб олди.

- Лаванда эмас, - деди Гермиона толиққан оҳангда.

- Хайрият, - тинчланди Рон.

- Гарри Поттер сиз, а? - сўради, болалар олдига келган қизалоқ, - Мана буни сизга бериб қўйишни илтимос қилишди мендан.

- Раҳмат...

Юраги орқага тортиб кетган Гарри кичкинагина пергамент ўрамини қўлига олди.

- Дивангарднинг хотирасини қўлга киритганимга қадар машғулот бўлмаслигини айтган эди-ку, Дамблдор?! - деди у, қизалоқ нари кетгач.

- Бу борада қандай муваффақиятга эришганингни билмоқчидир балки, - тахмин қилди Гермиона.

Номани очган Гарри Дамблдорнинг ингичка қиялама дастхати ўрнига, жуда кир ва афтидан, асабий ҳолатда битилиб, сиёҳ доғи тарқаб кетган кинғир-қийшиқ ёувни кўрди.

Қадрли Гарри, Рон ва Гермиона!

Арагог бугун тунда омонатини топшириб қўйди.

Гарри, Рон иккалангиз уни кўргансиз ва табиийки, унинг ҳайратомуз ўргимчак бўлганини биласиз.

Гермиона, янглишмасам, у сенга ҳам ёқар эди.

Дафн маросими кечқурун бўлади. Маросимга келсангиз, катта илтифот кўрсатган бўлар эдингиз. Қуёш ботар вақтда бўлгани маъқул. Арагог сутканинг айнан шу вақтини жуда ёқтирар эди.

Кечқурун ҳовлига чиқишингиз мумкин эмаслигини биламан, лекин сизлар кўринмас плашдан фойдаланишингиз мумкин.

Илтимос қилмаган бўлар эдим-у, бироқ бундай қайғуга якка ўзим дош бера олмаяпман.

Хагрид.

Гарри хатни Гермионага узатди

- Ма, ўқи.

- Мени бундан халос этинглар, илтимос! - инграб юборди Гермиона,

пергамент бўлагини Ронга узатиб.

Хатни ўқиб чиққан Роннинг жаҳли чиқиб, тилдан қолар даражага келиб қолди.

- Томи кетганми! - бақриб юборди у, - Ўша ифлос махлуқ Гарри иккаламизни ўз қабиласига ем сифатида берган эди-ю! Энди унинг жирканч тукли жасади устида ҳўнграшимиз керак эканми?

- Гап фақат бунда эмас, - деди Гермиона, - Хагрид қасрдан кечқурун чиқишимизни сўраяпти, гарчи хавфсизлик чоралари миллион баробар қатъийлаштирилганини ўзи яхши билса ҳам. Қўлга тушиб қолсак нима бўлади?

- Илгари кеч бўлса ҳам, кулбасига борар эдик, - эътироз билдирди Гарри.

- Тўғри, лекин мана бундай бемаъни сабаб билан эмас, - жавобан эътироз билдирди Гермиона, - Хагридга чиндан ҳам ёрдам керак бўлган кезларда биз кўп таваккал қилганмиз, бироқ ҳозир... Арагог ўлди. Унинг ҳаётини сақлаб қолиш керак бўлганида, бошқа гап.

- Унда мен аниқ бормаган бўлар эдим, - қатъий баёнот қилди Рон, - Гермиона, сен уни кўрмагансан. Арагог ўлиб тўғри қилибди, ишонавер. Гарри Роннинг қўлидаги хатни олиб, бўялиб кетган сиёҳ доғларига қаради. Кўз ёши пергаментга жилғадай оққани аён...

- Гарри, маросимга боришни ният қилмагандирсан, а? - сўради Гермиона,

- Бундай аҳмоқликни деб жазога тортилишни истамайсан-ку, шундайми?

- Биламан, биламан, - оғир хўрсинди Гарри, - Хагрид Арагогни биз бормасак ҳам дафн эта олади.

- Ҳа, тўғри, - енгил тортди Гермиона, - Гапимга қулоқ сол. Бугун кундузи сеҳрли дамламалар тайёрлаш машғулотида деярли ҳеч ким бўлмади. Ҳамма имтиҳон топширгани кетади... Дивангарднинг кўнглини топиб, кўндириб кўр!

- Фикрингча, эллик еттинчи бор уринишимда, омад кулиб боқадими, менга? - истехзо ила кулиб қўйди Гарри.

- Омад! - кутилмаганда хитоб қилди Рон, - Гарри, айнан ўша омад керак сенга!

- Тушунмадим?

- Омад келтириш дамламасидан қиттай уриб ол!

- Тўппа-тўғри... Рон! - ҳаяжон-ла қичқирди Гермиона, - Албатта ичиб олиш керак! Ўзимнинг хаёлимга келмаганини қара-я?!

- Бахт-у, толе дамламаси, - бақрайиб қаради Гарри, - Билмадим, мен ундан...

- Нима мақсадда? - сўради Рон, ҳайрон бўлиб.

- Ўша хотирадан ҳам муҳимроқ нима бўлиши мумкин, Гарри?

Гарри дўстларига жавоб бермади. Ўш кичкинагина қимматли шиша ҳақидаги фикр аллақачон онгининг тубидан жой олган. Қандайдир мубҳам, ноаниқ орзу-ҳавас шаклланиб қолган: Жинна Дин билан алоқани

узган, Рон синглиси Гарри билан учрашаётганидан негадир қувонган...
Гарри эса бундай ҳолат тушида ёки туш билан ўнг чегарасидагина
бўлаётганини тан оляпти холос...

- Гарри? - чақирди Гермiona, - Қайси хаёлларга берилиб қолдинг?

- Нима?... А, ҳа, албатта, - деди у, хаёлини йиғиб, - Ҳа... яхши. Агар
Дивангардни ҳозир кўндира олмасам, кечқурун бахт-у, толе
дамламасидан бироз ичиб, яна уриниб кўраман.

- Мана бу бошқа гап, - хурсанд бўлди Гермiona.

Қиз ўрнидан шартта туриб, хиромон айланганча пичирлади?

- Йўналиш... фикр-хаёлни жамлаш... шошмаслик...

- Бас қил, - ўтинди Рон, - Шундоқ ҳам кўнглим беҳузур бўлиб кетяпти...

Ие, оббо, тез яширинг мени!

Ҳовлида пайдо бўлган яна икки нафар қиз Ронни чўчитиб, Гермionанинг
орқасига бекиниб олишга мажбур қилди.

- Лаванда эмас, - деди Гермiona ранжиган оҳангда.

- Жуда соз, - деди Рон, Гермionанинг елкаси узра қараб, - Жин урсин,
қаранг, негадир иккаласи жуда ғамгин юрибди-ми?

- Булар опа-сингил Монтгомерилар. Ғамгин юришлари ҳам табиий.

Уларнинг укаси ҳақида эшитмадинг-ми? - ҳайрон бўлди Гермiona.

- Тўғриси айтсам, кимнинг қариндошига нима бўлганини эслаб қолишга
улгурмай қоляпман, - жавоб берди Рон.

- Айтишларига қараганда, ойиси Ўлимдан мириқувчиларга ёрдам
беришдан бош тортгани учун, уларнинг укасига афсун билан махлуқ
тусига кирган одам ҳамла қилган. Нима бўлганда ҳам, бола энди беш
ёшга тўлган бўлиб, ҳаётини асраб қола олишмаган. Муқаддас Резги
касалхонасида жони узилган.

- Жони узилган? - изтироб-ла такрорлади Гарри, - Лекин одам бундан,
одатда, ўлмай, махлуқ тусига кирадиган бўлиб қолади холос-ку.

- Ўладиган ҳолатлар ҳам баъзан бўлиб туради, - деди Рон, ғайриоддий
қатъий оҳангда, - Агар махлуқ тусига кирган одам ҳаддан ортиқ берилиб
кетса.

- Ким бўлган ўша одам? - тез сўради Гарри.

- Айтишларича, болани Фенрир Уолк тишлаган, - жавоб берди Гермiona.

- Ўзим ҳам ўша бўлса керак, деб ўйлаган эдим, - деди Гарри нафратдан
вужуди қайнаб, - Бола овлайдиган савдойи! Люпин айтиб берган эди
менга, у ҳақда.

- Гарри, - деди Гермiona, ғамгин нигоҳ-ла қараб, - Вольдемортни
тўхтатиб қолиш учун Дивангарднинг хотирасини қўлга киритишинг шарт.
Зеро, ушбу мудҳиш ҳодисаларнинг бари ўшанинг амри ила рўй беряпти.

Қўнғироқ зарби янгради. Рон билан Гермiona сесканиб кетишди.

- Ҳаммаси яхши бўлади, - ишонтирди Гарри иккаласини, - Омад ёр
бўлсин!

Учовлон ҳавода даф бўлиш бўйича бугун имтиҳон топширадиганлар

йиғилаётган вестибюлга йўл олди.

- Сенга ҳам омад тилаймиз! - маъноли қараб қўйди Гермиона, ерости хоналари томон бурилган Гаррига.

Сеҳрли дамламалар тайёрлаш дарсига атиги уч киши: Гарри, Эрни ва Драко Малфой келди.

- Имтиҳон топширишга ёшлик қилар экансиз-да, а? - самимий хандон отиб қўйди Дивангард, - Ўн етти ёшга ҳам тўлмабсиз-да ҳали?

Болалар бош ирғиб қўйишди.

- Ҳеч қиси йўқ, - қувноқ оҳангда давом этди Дивангард, - Озчилик эканмиз, келинг бир шўхлик қиламиз бугун. Ҳар бирингиз бирон-бир қизиқ дамлама тайёрлаб беринг.

- Ажойиб ғоя, сэр, - хушомад қилди Эрни, қўлларини ишқалаб.

- «Қизиқ дамлама» деганингизни қандай тушуниш керак? - қошини чимирди Малфой.

- Мени ҳайратга соладиган дамлама-да, - енгил оҳангда жавоб берди Дивангард.

Лабини қимтиб олган Малфой «Олий дамламачилик»ни варақлай бошлади. Даркор хонада бўла олмаганидан афсус қилиб, ушбу дарсни беҳуда вақт йўқотиш деб билаётгани башарасида аниқ ёзилгани кўриниб турибди. Тушунарли, хаёлдан ўтказди Гарри, ўз дарслиги узра Малфойни кузатиб.

Қизиқ, унга шундай кўриняпти-ми, ё чиндан ҳам Малфой Бомс каби озиб кетганми? Юзидан қон қочиб, сўнгги вақтда қасрдан ташқарига чиқмагани туфайли, баттар рангпар бўлиб кетганига-ю, шубҳа қилмаса ҳам бўлаверади. Сурбетлиги, жўшқинлиги, димоғдорлигидан, шу жумладан, «Хогварц-экспресс»да зиммасига Вольдеморт томонидан юкланган катта вазифа ҳақида сайраган одобсиз такаббурлигидан энди асар ҳам қолмаган. Малфойнинг бундай ачинарли ҳолатини, у қандай топшириқ бажараётган бўлмасин, иши чатоқ эканлиги билангина изоҳлаш мумкин. Бундай хулоса Гаррини жонлантирди. У «Олий дамламачилик» дарслигини варақлаб, кайфиятни кўтариш сиркасини тайёрлашга оид, Шаҳзода томонидан чизиб қорайтириб юборилган йўриқномани танлади. Жуда соз! Ушбу дамлама нафақат қўйилган топшириқ ижросига тўғри келади, балки Дивангардни ўзидан ўзи хурсанд бўлиб кетадиган ҳолатга келтиради, агар ўқитувчини сиркадан татиб кўришга кўндира олса. Ажаб эмас, хотирасини беришга аҳд қилиб қолса...

Бир ярим соат ўтгач, Гаррининг қозонидаги сарғиш тусли дамламага диққат билан разм солган Дивангард қарс урганча, кафтларини кўкраги олдида қовуштириб олди

- Кўриниши бағоят зўр! Тушунишимча, кайфиятни кўтариш сиркаси, а? М-м-м... ҳидининг хушбўйлигини! Нима қўшдинг? Э-м-м... бир чимдим қалампирмунчоқ, тўғрими? Йўриқномада айтилмаган бўлса-да, ўзига хос фикр юритгансан, ёмон эмас... Сирка истеъмолидан сўнг камдан-кам

ҳолларда юзага келадиган тинимсиз хиргойи қилиб юриш, бурун қичиши каби, иккиламчи таъсирларга қарши кўрилган чора-да, бу албатта. Бундай ижодий илҳомни қаердан оласан, ўғлим, билмай қолдим... агар бу..

Гарри чала зот Шаҳзоданинг дарслигини юк халтасига чуқурроқ тиқиб жойлади.

- ... ойингнинг генлари бўлмаса!

- Ҳа... шундай бўлса керак, - тинчланди Гарри.

Эрнининг кўнгли тўлмаган кўринади. Афтидан, бугун у Гарридан устун келишни ният қилган шекилли, янги дамлама ихтиро қилишга бемулоҳаза киришган. Оқибатда, қозонни бинафша ранг бўтқага тўлдирган. Малфой юзини буриштириб олганча нарсаларини йиғиштирди. Дивангард унинг кекиртириш дамламаси ёнидан «қоникарли» деганча ўтиб кетди. Қўнғироқ зарби янгради. Малфой билан Эрни шу заҳоти хонани тарк этишди.

- Сэр, - гап бошлади Гарри.

Бироқ Гаррининг ортида ҳеч ким қолмаганини кўрган Дивангард бир оғиз сўз айтмай, тез нари кетди.

- Профессор... профессор, дамламадан татиб кўришни?... - умидсиз бақирганча қолди Гарри.

Ўқитувчи чиқиб кетган эшикка қараганча дили хуфтон бўлган Гарри нарсаларини йиғиштиргач, сиркани тўкиб ташлади-да, хонадан чиқиб, умумий меҳмонхона томон йўл олди.

Кечқурун Рон билан Гермиона қайтиб келишди.

- Гарри! - қичқирди, портрет тўсиб турган туйнукда кўринган Гермиона, - Гарри, топширдим!

- Яша! - мақтади Гарри, - Рон-чи?

- Рон-ми... Рон, арзимаган сабаб билан йиқилди, - пичирлади Гермиона, - Омади чопмади. Қошининг ярми даф бўлган жойида қолиб кетибди, имтиҳон қабул қилаётган киши эса буни сезиб қолди...

Қовоғидан қор ёғаётган Рон пайдо бўлиб, ғамгин қиёфа ила уларнинг даврасига келиб қўшилди.

- Дивангард масаласи нима бўлди? - сўради Гермиона.

- Айтарли гап йўқ, - жавоб берди Гарри, - Омадинг чопмабди-да! Ҳеч қиси йўқ, қайғурма, янаги сафар мен билан бирга топширасан.

- Эҳтимол, - ғудуллади Рон, - Қошнинг ярми-я... Аҳамиятни қаранг!

- Ҳа-я, - хайрихоҳона бош ирғиди Гермиона, - Ҳаддан ортиқ қаттиққўллик қилишди...

Кечки овқат қаттиққўл имтиҳон олувчини сўкиш билан ўтиб, Роннинг кайфияти бироз кўтарилди. Умумий меҳмонхона томон олинган йўл давомида эса итоатсиз Дивангард-у, унинг хотираси муҳокама қилинди.

- Хўш, Гарри, бахт-у, толе дамламасидан уриб оласанми энди? - талаб оҳангида сўради Рон.

- Шундай қилсам, яхши бўлади, шекилли, - жавоб берди Гарри, - Бир шишаси ўн икки соатга мўлжалланган. Бир ҳўплам ичсам бўлади, икки-уч соатга етади.
 - Ажойиб ҳис-туйғу, - деди Рон, орзу-хаёлга берилиб, - Бирор-бир ножўя қадам босмайсан!
 - Нималар деяпсан? - кулиб юборди Гермиона, - Ҳеч қачон ичиб кўрмагансан-ку, ўша дамламани!
 - Ичгандай ҳис этдим ўзимни, - деди Рон, оддий нарсага тушунтириш бераётгандай, - Фарқи нима...
- Дивангард Катта Залга яқинда кириб келганини кўрган, унинг шошилмай, узоқ овқатланишини билган болалар умумий меҳмонхонада бироз гаплашиб ўтиришга аҳд қилишди. Гаррини жўнатишдан олдин, ўқитувчи ўз хонасига қайтишини кутиб ўтиришни режалаштиришди. Қуёш Ман этилган ўрмон дарахтларининг учига етиб ботган маҳалда эса Невилль, Дин ва Симус умумий меҳмонхонада ўтирган фурсатдан фойдаланиб, ўғил болалар ётоқхонасига кўтарилишди.
- Гарри сандиғи тубидаги пайпоқни, пайпоқ ичидан эса миттигина ялтироқ шишани чиқарди.
- Бошладик, - деди у, шишачани кўтариб.
 - Хўш, қалай? - пичирлаб сўради Гермиона, дамлама ҳўплаган Гарридан. Гарри индамай ўтирди. Бироздан сўнг, унинг вужудини чексиз қувноқ қудрат ҳисси аста-секин қамрай бошлади. Ҳамма нарса унинг измига ўтганини ҳис этиб, Дивангарднинг хотирасини тортиб олиш арзимаган ишдай кўринди!
- Ўз кучига комил ишонч билдираётган Гарри иржайганча ўрнидан турди.
- Зўр! Жуда зўр! - жавоб берди у, ниҳоят, - Қисқаси... мен Хагриднинг олдига кетдим.
 - Нима?! - баравар хитоб қилишди Рон билан Гермиона, Гаррига даҳшат-ла бақрайиб.
 - Йўқ, Гарри, сен Дивангарднинг хонасига боришинг керак, эсингдан чиқди-ми?
 - Асло йўқ, - ишонч-ла баёнот қилди Гарри, - Мен Хагриднинг олдига боришим керак. Шундай қилсам, назаримда, ишларим яхши бўлади.
 - Нимаси яхши, баҳайбат ўргимчакни кўмиш ишими? - ҳайратланди Рон.
 - Ҳа, - жавоб берди Гарри, юк халтасидан кўринмас плашини чиқариб, - Айнан ўша ерга боришим кераклигини ҳис этяпман. Тушуняпсиз-ми, нимани назарда тутаётганимни?
 - Йўқ, - баралла жавоб беришди Рон билан Гермиона, баттар ташвишга тушиб.
 - Ичганинг бахт-у, толе дамламаси эканлиги аниқми? - сўради Гермиона, шишачани ёруққа тутиб, - Бошқа шишанг йўқмиди? Ичига қуйилган... билмадим, нима десам экан...
 - Том жилиш дамламаси билан-ми? - тахмин қилди Рон.

Елкасига плаш ташлаб олган Гарри кулиб юборди. Рон билан Гермиона эса янада баттар ташвишга тушиб қолишди.

- Хавотирга ўрин йўқ, - тинчлантирди уларни Гарри, чиқиш эшиги томон одимлаб, - Нима қилаётганимни ўзим биламан... ҳар қалай, ўзим билмасам ҳам, бахт-у, толе дамламаси билади,.

У кўринмас плашни бошига ташлади-да, пастга тушиб кетди. Рон билан Гермиона унинг ортидан эргашди.

- Бу қиз билан нима қияпсан ўғил болалар ётоқхонасида? - чириллади Лаванда Браун Гарри орқали Рон билан Гермионага қараб.

Роннинг нафаси тўхтаб қолди. Гарри эса ҳеч кимга билдирмай, қочиб қолди.

Умумий меҳмонхонадан чиқиб кетиш қийин бўлмади. Гарри яқин келган фурсатда туйнукдан Жинна билан Дин кириб келишди. Гарри иккаласининг орасидан ўтар экан, бехосдан Жиннага тегиб кетди.

- Кириш учун ёрдамга эҳтиёж сезмайман, Дин, - аччиқланди Жинна, - Ёш бола эмасман, ўзим мустақил кира оламан...

Портрет бироз тебраниб, ёпилиб қолган бўлса-да, Гарри Диннинг Жиннага ўшқириб берганини эшитиб қолишга улгурди. Янада қувониб кетган Гарри қаср бўйлаб одимлай кетди. Унинг йўлида ҳеч ким учрамади, ҳеч кимдан бекинишга ҳожат бўлмади. Гарри бундан ҳайрон бўлмади. Зеро, бугун у, «Хогварц»дагилар орасида энг омадли кишидир. Нега энди айнан Хагриднинг олдига бориши кераклигини Гарри тасаввур ҳам қила олмайди. Афтидан, дамлама унинг йўлини охиригача эмас, бир неча қадамни ёритади холос. Сўнгги манзил кўринмайди, Дивангард қачон пайдо бўлиши ҳам номаълум, лекин унинг хотирасига эга бўлиши аниқ. Филч вестибюль эшигини ёпиб қўйишни унутибди. Хурсанд бўлиб кетган Гарри уни ланг очди. Икки дақиқа айвонда туриб, майса ҳиди ва оқшом салқинидан бироз роҳатланди-да, қалинлашиб бораётган қоронғилик томон йўл олди.

Зинанинг сўнгги поғонасига етар экан, Хагриднинг олдига экинзор орқали бориш ёқимлироқ бўлишини ҳис этди. Бу йўналиш нотўғри эканлигини билса-да, Гарри ички хархашасига итоат қилиши кераклигини билади. Экинзор эгатлари орасидан юрар экан, қулоғига Дивангард билан Сарсабил хонимнинг суҳбати чалинди. Бундай тасодифдан ҳайрон бўлмаган Гарри қувониб кетиб, паст бўйли тош девор ортига бекиниб олди-да, бутун олам билан тотувлигини ҳис этган ҳолда, ўқитувчиларнинг суҳбатига қулоқ тутди.

- Бир дунё вақтингизни мендан қизмаганингиз учун катта раҳмат, Помона, - сертакаллуфлик-ла, миннатдорлик билдирди Дивангард, - Улар айнан оқшом маҳал узиб олинса, кўпроқ кучга эга бўлишини номи чиққан аксарият нуфузли одамлар таъкидлаб келишган.

- Жуда тўғри айтишибди, - қизғин маъқуллади Сарсабил хоним, - Шу етадими?

- Етади, етади, - бош ирғиди Дивангард, аллақандай поялар боғини қўлига олиб, - Учинчи синфнинг ҳар бир ўқувчисига биттадан барг берилади ва ҳаддан ортиқ буғлаб, бузиб қўйган бола учун ҳам захира барглар бўлади... Хўп, майли, хайрли тун, яна бир бор раҳмат, сизга! Сарсабил хоним иссиқхона томон йўл олди, Дивангард эса кўринмас Гарри томон юзланди.

Кутилмаганда қайнаб кетган шижоатга итоат қилган Гарри устидаги плашни шартта ечиб юборди.

- Хайрли оқшом, профессор.

- Мерлин соқоли, ўтакамни ёриб юбординг-ку, Гарри, - деди Дивангард, турган жойида серрайиб, - Қасрдан қандай чиқдинг? - сўради у, Гаррига шубҳали қараб.

- Филч эшикни ёпишни унутган кўринади, - қувноқ оҳангда жавоб берди Гарри, Дивангарднинг қош чимирганидан янада севиниб.

- Устидан арз қилишга тўғри келади, шекилли. Агар фикрим сенга қизиқ бўлса, ўша одамни хавфсизлик чоралари эмас, ҳар хил чиқиндилар кўпроқ қизиқтиради... Сен нима қилиб юрибсан бу ерда ўзи, Гарри?

- Гап Хагридда, сэр, - жавоб берди Гарри, ҳозир ҳақиқатни гапиргани маъқуллигини аниқ билиб, - Уни бошига катта мусибат тушган бўлиб, ҳозир жуда аянчли аҳволда... ҳеч кимга айтиб қўймайсиз-ми, профессор? Гап эшитишини хоҳламаган бўлар эдим...

Дивангардда қизиқувчанлик уйғонгани кўриниб турибди.

- Ваъда қилмайман-у... - пўнғиллади у, - Лекин Дамблдор Хагридга тўла-тўкис ишонади ва ўйлашимча, Хагрид ёмон ишга қўл урмайди.

- Нима десам экан... Хагрид кўп йиллардан буён баҳайбат ўргимчак боқиб келган... ўша ҳашарот Ман этилган ўрмонда яшаган... одам тилида гапира билган ва ҳоказо...

- Ўрмонда акромантуллар яшашини айтишган эди менга, - пичирлади Дивангард, ўрмон дарахтлари ҳосил қилган девор томон қиё боқиб, - Демак, шу гап рост экан-да, а?

- Рост, - бош ирғиди Гарри, - Бироқ уларнинг тўда бошлиғи Арагог кеча тунда омонатини топшириб қўйди. Қайғуга ботган Хагрид дафн маросимида ёнида кимдир бўлишини илтимос қилди.

- Қаранг-а, - деди Дивангард, хаёли қочганча, маъюс нигоҳини чироғи узоқда милтиллаб кўринаётган кулба томон қаратиб, - Ҳа... лекин акромантулнинг захри ниҳоятда қимматли аҳамиятга эга... модомики, ҳайвоннинг ўлганига кўп бўлмаган экан, демак ҳали қуриб қолмаган... мен бағри тош одам эмасман, албатта ва Хагрид шу қадар ғам-андух чекаётган экан... агар оз бўлса ҳам, қўлга киритиш имкони бўлса... нима қилганда ҳам, тирик акромантулдан захар олиб бўлмайди-у, ахир... Дивангард Гарри билан эмас, ўзи билан ўзи гаплашмоқда.

- ... олинмаса, кечириб бўлмас хато бўлади... бир пинтаси юзлаб галлеон туради-я... маошим эса, тўғрисини айтганда, жа унчалик катта ҳам

эмас...

Кутилмаганда Гарри, қандай иш тутиш кераклигини жуда аниқ идрок этди.

- Биласиз-ми, - ишончли журъатсизлик-ла, гап бошлади у, - Агар дафн маросимида сиз ҳам иштирок этсангиз, Хагрид ниҳоятда хурсанд бўлади... Арагог учун обрўли бўлади-да... тушуняпсиз-ми?

- Ҳа, ҳа, албатта, албатта, - деди кўзи иштиёқ-ла ярқираб кетган Дивангард, - Қулоқ сол, Гарри, ўша ерда учрашамиз... бориб, бир-икки шиша ичимлик олай, нишонлаймиз... йўғ-е, бахти қаро ҳайвонни ёдга оламиз... сўнгги йўлига муносиб кузатиб қўямиз... Бўйинбоғимни ҳам алмаштириб олишим керак, ранги дафн маросимига тўғри келмайди... Дивангард қаср томон, ўзидан ўзи ғурурланиб кетган Гарри эса Хагриднинг кулбаси томон шошди.

- Келдинг-ми? - хириллади Хагрид, устидаги кўринмас плашни ечган Гаррини кўриб.

- Келдим... Рон билан Гермиона эса кела олишмади, узр айтиб юборишди.

- Ҳеч... ҳеч қиси йўқ... бари-бир у сесканиб ўтирган бўлар эди...

Кўзи қизариб шишган, енгига, афтидан, гуталин шимдирилган матодан тайёрланган қора боғ тақиб олган Хагрид хўнграб юборди. Гарри бўйи етганча, давангирнинг тирсагига қоқиб, ҳамдардлик билдирган бўлди.

- Қаерга дафн этамиз уни? - сўради Гарри, - Ўрмондами?

- Йўғ-е! - деди Хагрид, тинимсиз оқаётган кўз ёшини кўйлагининг этагига артиб, - Арагог жон бериши ҳамоно, бошқа ўргимчаклар мени умуман яқинлатмай қўйишди. Аниқланишича, унинг буйруғига итоат қилишгани учунгина, мени шу вақтгача еб қўйишмаган экан! Тасаввур қиялпсан-ми, Гарри?

Рон иккаласи акромантуллар билан юзма-юз келиб қолган кунни Гарри жуда яхши эслайди. Ўшанда улар, Хагрид айнан Арагог туфайлигина тирик юрганини ниҳоятда теран англаб етишган эди.

- Ўрмонда мен кира олмайдиган жой бўлиши! - бовар қилмай, бошини сарак-сарак тебратди Хагрид, - Арагогни уларнинг орасидан қандай олиб чиққангани билсанг эди... Ахир улар бир-бирининг жасадини еб битиришади-ку... мен уни... таомилга кўра дафн этишга аҳд қилган эдим...

Бечора Хагрид боз хўнграб юборди. Ичидаги дамлама нима қилиш кераклигини билдираётган Гарри, Хагриднинг тирсагига уриб-уриб қўйди.

- Йўлда профессор Дивангардни учратиб қолдим, - маълум қилди у.

- Муаммо бўладими? - ташвиш тортди Хагрид, - Бунақа вақтда қасрдан чиқмаслигинг керак-ку! Ҳаммасига мен айбдорман...

- Йўқ, йўқ, муаммо бўлмайди. Бу ёққа нима мақсадда келишимни билгач, ўзи ҳам келишини, Арагогни сўнгги йўлга биз билан бирга кузатиб

қўйиши, қасрга кириб, тегишинча кийиниб чиқиши, Арагогни хотирлаш учун, ўзи билан вино олиб келишини айтди.

- Ростданми? - ҳаяжонланиб кетди Хагринд, - Бу... бу... катта илтифот, жуда катта... Сени ҳам сотмабди. Гораций Дивангард билан илгари иш қилмаганман... Арагогни сўнгги йўлга кузатгани келади дегин!... Қара-я! Бу, қария Арагогга жуда хуш келган бўлар эди...

Қария Арагогга Дивангарднинг сергўшт танаси кўпроқ хуш келган бўлар эди, хаёлдан ўтказди Гарри, кулбанинг орқа томонидаги дераза ёнига келиб. Ниҳоятда нохуш манзара: баҳайбат ўргимчак чалқанча ётганча, чирмашиб кетган оёқларини ўзига тортиб, тоғдай бўлиб ётибди.

- Уни шу ерга, боғингга дафн этамизми?

- Ошқовоқ эгатлари орқасида дафн этишга қарор қилдим, - эзилиб жавоб берди Хагринд, - Қабрини ҳам қазиб қўйдим... Ўйлашимча, устида бир нима дейиш керак, яхши сўз айтиш керак... одатга кўра, яхши кунларини ёдга олиш керак...

Унинг овози қалтираб, жим бўлиб қолди. Шу пайт эшик тақиллади. Хагринд ўрнидан туриб, хол-хол гулли матодан тикилган дастурхондай келадиган дастурмолига бурнини қаттиқ қоққанча, эшик томон одимлади. Қара бўйинбоғ тақиб, қўлига бир дунё шиша ушлаган Дивангард тез остона хатлаб ўтди.

- Хагринд, - деди у, ғамгин оҳангда, - Таъзиямни қабул айланг.

- Келганингиздан миннатдорман, - жавоб берди Хагринд, - Катта раҳмат. Гарри жазога тортилмагани учун ҳам раҳмат сизга...

- Қўйсангиз-чи! - деди Дивангард, - Қайғули кун, қайғули... қани, бахти қаро жонзодингиз?

- Ташқарида, - ҳиқиллади Хагринд, - Чиқамизми?

Учовлон орқа ҳовлига чиқди. Дарахтлар устида осилиб турган ой нури кулба деразасидан тушаётган фонус шуъласига қўшилганча, баландлиги ўн футча келадиган дўнглик ҳосил қилган тупроқ уюми яқинидаги янги қазилган хандақ четида ётган ўргимчак ўлигини ёритмоқда.

- Жуда яхши, - деди Дивангард, Арагогнинг жасадига яқинлашиб.

Сутдай оппоқ саккизта кўзи осмонга қараб қолган улкан ҳашаротнинг иккита қайрилма юқори жағида ойнинг ҳаракатсиз акси кўринмоқда.

Дивангард энгашиб олганча, Арагогнинг тук босган катта калласини ўргана бошлади. Гаррининг қулоғига шиша идишларнинг жиринглагани эшитилди.

- Акромантулларнинг чиройини ҳамма ҳам тушуниб етавермайди, - деди, атрофини ажин қамраган кўзининг бурчагидан ёш оқаётган Хагринд, Дивангарднинг белига мурожаат қилиб, - Бундай мавжудотларга қизиқиш билдиришингизда беҳабар эканман, Гораций.

- Қизиқиш билдиришим? Азизим Хагринд, мен уларни ҳаддан ортиқ яхши кўраман! - хитоб қилди Дивангард, Арагогдан нари чекиниб, - Дафн қилайлик энди уни, а?

Кўзини артаётган Хагрид кўрмаган бўлса-да, ялт этган шиша Дивангарднинг этаги остига кириб кетгани Гаррининг эътиборидан четда қолмади.

Бош ирғиб қўйган Хагрид баҳайбат жасад олди келди-да, уни баланд овоз чиқарганча, қаттиқ кучаниб қоронғи хандаққа ағдарди. Чуқурлик тубидан жирканч ғарчиллаган товуш эшитилди. Хагрид боз хўнграб юборди.

- Сизга, яъни ушбу ажойиб мавжудотнинг яқин кишисига бундай жудоликка бардош бериш мушкул, албатта, - овунтирган бўлди Дивангард, Хагриднинг тирсагига, худди Гаррининг қўли етган жойига уриб-уриб қўйиб, - Ижозатингиз билан икки оғиз сўз айтсам?

Аъло сифатли заҳарнинг бир дунёсини соғиб олган кўринади, хаёлдан ўтказди Гарри, Дивангарднинг мамнун илжайиб қўйганини кўриб.

Гўр четига келган Дивангард паст, таъсирли овозда нутқ бошлади:

- Алвидо, арахнидлар шоҳи Арагог, қадрдон ва садоқатли дўст! Шахсан билган, таниганлар сени ҳеч қачон унутмайди! Тананг чириб битади, лекин руҳинг, сен учун Ватан бўлмиш Ман этилган ўрмоннинг ўргимчак ини чирмаб олган хилват бурчакларида яшайверади. Кўп кўзли авлодларинг мангу тараққий қилиб, сени йўқотган одамлар, қадрдон дўстларинг бунга кўриб, овунишади.

- Ажойиб... ажойиб нутқ! - ўкириб хўнгради Хагрид, гўнг аралаш тупроқ уюмига белкурак санчиб.

- Шошманг-шошманг, - хайрихоҳона оҳангда тўхтатди Дивангард, қўлига сеҳрли таёқчасини олиб.

Тупроқ уюми ҳавога кўтарилиб, бироз муаллақ осилиб турди-да, сирти силлиқ дўнглик ҳосил қилганча, ўргимчак ўлиги устига гумбуллаб тушди.

- Юринглар, уйга кириб, марҳумни ёдга олайлик. Қани, Гарри, нариги ёнига ўт-чи... ана шундай... турамиз, Хагрид, турамиз... бардам бўлинг...

Икковлон Хагридни бир амаллаб креслога ўтқизди. Дафн маросими давомида кулба бурчагидаги саватида бекиниб ётган Сўйлоқтиш лўкиллаб келганча, оғир бошини одатдагидай, Гаррининг тиззасига ташлади. Дивангард шишалардан бирини очди.

- Текшириб кўрдим, заҳарланмаган, - ишонтирди у Гаррини, винонинг асосий қисмини катта кружкага қўйганча, Хагридга узатар экан, - Бечора дўстинг Рупертдан кейин, жамики виноларимни уй эльфига бир хўпладан ичириб кўрдим.

Гарри ушбу гапни эшитган Германионнинг юзини кўз олди келтириб, бу ҳақда унга индамасликка қарор қилди.

- Бу Гаррига, - деди Дивангард, шишанинг қолганини кружкага қўйиб бўлгач, иккинчи шишани очиб, - Буниси эса менга... Хўш, - кружкасини баланд кўтарди у, - Арагог учун.

- Арагог учун, - баралла такрорлашди Гарри билан Хагрид.

Дивангард билан Хагрид иккаласи ўз виноларини деярли охиригача ичиб

тугатишди. Хатти-ҳаракатини бахт-у, толе дамламаси бошқариб борган Гарри эса ичиш мумкин эмаслигини билиб, ўзини вино ҳўплаган кўйга солди-да, кружкани стол устига қўйиб қўйди.

- Тухум ҳолатидан буён билар эдим уни, - деди Хагрид ғамгин оҳангда, - Ёриб чиққанида эса пекинесдан катта бўлмаган мана бундай эди.

- Ажойиб, - ҳайратланган бўлди Дивангард.

- Уни мактабда, жавон ичида сақлаб боққан эдим, токи... м-м-м...

Хагриднинг юзи тунд қиёфа касб этди. Гарри бунинг сабабини яхши билади: бир вақтлар Том Реддлнинг фитнаси туфайли Хагрид Махфий хонани очишда айбланиб, ўқувчилар рўйхатидан четлаштирилган эди. Бироқ Дивангарднинг қулоғига, афтидан, ҳеч нарса кираётгани йўқ. У икки кўзини шифтга, мис товалар орасидан осилиб тушган узундан узун, кўзни қамаштирадиган даражада оппоқ, ипакдек майин тукларга тикиб ўтирибди.

- Яккашоҳ нарвал туки-ми, анави, наҳотки?

- А-а, ҳа, - бепарво оҳангда жавоб берди Хагрид, - Юрган йўлимда териб юраман. Жониворларнинг думи шохлар, шунга ўхшаган бошқа нарсаларга илашиб қолади...

- Бироқ дўстим, бу қанчалик қиммат эканлигини биласизми, ўзи?

- Яраланган жониворларнинг жароҳатини боғлаш учун ишлатаман, - елка қисиб қўйди Хагрид, - Жуда шифобахш нарса, ниҳоятда кучли дори, билсангиз агар.

Винодан симириб олган Дивангард кулбадаги нарсаларни диққат билан ўрганишга киришди. Гаррининг назарида у, эман бочкаларда сақланадиган асал захираси, ананас цукатлари ва духоба смокингларга айлантириб олса бўладиган бошқа хазиналарни қидира бошлади. Кружкаларни боз тўлдирган Дивангард ўрмонда яна қайси турдаги жониворлар яшашини суриштириб, уларни парвариш қилаётган Хагриддан ҳайратлана кетди. Вино ва мақтов таъсиридан бўшашиб кетган Хагрид ҳам, ўз навбатида, дарахт алвастисини боқиб кўпайтириш борасидаги узундан-узоқ мулоҳазаларга берилиб кетди.

Шу фурсатда бахт-у, толе дамламаси Гаррига бироз туртки бериб, Дивангард олиб келган спиртли ичимлик тугаб бораётганига эътибор қаратди. Гарри ҳали ҳеч қачон Яна қўйиш тилсимини ички овоз-ла қўлламаган, лекин бугун омадсизлик ҳақида ўйлашнинг ўзи кулгили. Хагрид билан Дивангард аждар тухумининг ғайриқонуний савдоси тўғрисида ўзаро фикр алмашар экан, сеҳрли таёқчасини стол остидаги бўш шишаларга ўқтаб, чиндан ҳам бир зумда винога тўлдириб қўйганидан ўзи мамнун бўлди.

Орадан яна бир соат ўтар-ўтмас Хагрид билан Дивангард ҳар хил бемаъни: «Хогварц» учун, Дамблдор учун каби қадаҳ сўзларини айта кетишди.

- Гарри Поттер учун! - ўкирди Хагрид, ўн тўртинчи кружкани кўтариб.

Винонинг бир қисмини унинг соқолига тўкилди.

- Тўғри, жуда тўғри қадаҳ бўлди, - англаб бўлмас овозда қичқирди Дивангард, кружкасини бўшатар экан, - Гарри Поттер учун! Мумтоз бола учун, у ҳали... ҳали у... ҳа, ишқилиб, шунақа-да...

Шундан сўнг хагриднинг йиғлоқилиги яна тутиб қолиб, яккашох нарвалнинг бутун бошли думини Дивангарднинг қўлига тутқазиб қўйди.

- Дўстлигимиз учун! Сахийлик учун! Ҳар бир тукига 10 галлеондан олинадиган даромад учун!

Яна бироз вақт ўтгач, Хагрид билан Дивангард ёнма-ён жойлашиб, бир-бирини қучоқлаб олишди-да, Одо исмли сеҳргарнинг ўлими ҳақида узундан-узоқ ғамгин қўшиқ куйлай кетишди.

- Э-эх, энг зўр сеҳргарлар ёшлигидаёқ ҳалок бўлишади, - пўнғиллади, кўзи ғилай бўлиб қолган Хагрид, бошини қўшиқ айтаётган Дивангарднинг қўлига ташлаб, - Отамни олайлик... ёки сенинг ота-онанг, Гарри... Гаррининг қўлини силтаётган Хагриднинг кўзидан йирик-йирик ёш томчилари қуйилиб келди.

- ... улардан ўтадиган сеҳргарларни билмас эдим... даҳшат... даҳшат... Дивангард қўшиғини қўймади.

- ... даҳшат...

Сўнги бор баланд нафас чиқарган Хагрид бошини ён томон ташлаганча, қаттиқ хуррак торта кетди.

- Маъзур санайсиз, - деди ҳиқичоғи тутган Дивангард, - Қўшиқ авжини ола билмаяпман.

- Хагрид сизнинг қўшиқ айтишингиз ҳақида эмас, ота-онаминг даҳшатли ўлим топгани ҳақида гапирётган эди, - паст овозда тушунтириш берди Гарри.

- О, - хитоб қилди Дивангард, кекиришини базўр босиб, - Оҳ ойижон... Ҳа, бу... чиндан ҳам даҳшат... даҳшат... даҳшат...

Афтидан, яна нима дейиш мумкинлигини билмаган Дивангард боз кружка тўлдиришга киришди.

- Билишимча, сен... ҳеч нарсани эслай олмайсан, шундайми, Гарри? - хижолат-ла қизиқди у.

- Йўқ... мен ўшанда атиги бир ёшда эдим-у, - жавоб берди Гарри, Хагриднинг хуррагидан титраётган шам оловига қараб, - Бироқ энди мен ўша ҳодиса ҳақида жуда кўп нарсаларни биламан. Биринчи бўлиб дадам ҳалок бўлган, билармидингиз?

- Мен-ми? Йўқ, - бўғиқ овозда жавоб берди Дивангард.

- Ҳа... Вольдеморт уни ўлдиргач, жасади устидан ҳатлаб ўтиб, ойм томон одимлаган, - айтиб берди Гарри.

Сесканиб кетган Дивангард кўзини Гарридан уза олмади.

- Шундан сўнг у, оймдан четга ўтиб туришни талаб қилди, - шафқатсиз оҳангда давом этди Гарри, - Вольдемортнинг ўзи айтган эди менга, ойингнинг ўлиши шарт эмас эди, деб. Аслида у фақат мени ўлдиргани

келган. Ойим мени ташлаб, қочиб кетиши мумкин эди.

- О, муқаддас фалак, - хўрсинди Дивангард, - Ўлиши шарт бўлмаган... қандай даҳшат...

- Ҳа, қочиб кетиши мумкин эди, - деярли пичирлаб давом этди Гарри, - Ойим эса жойидан қилт этмади. Дадам ўлиб бўлган, лекин ойим менинг ўлимимни истамаган. У Вольдемортга ўтинди, ёлворди... у эса хандон отганча, тураверди...

- Бас қил! - кутилмаганда бақириб юборди Дивангард, қалтироқ қўлини олдинга узатиб, - Ўғлим, бўлди, бас... мен кекса кишиман... бардошим етмайди... эшитишни истамайман...

- Ҳа-я, ёдимдан кўтарилибди, - ёлғон гапирди Гарри, бахт-у, толе дамламаси таъсиридан руҳланиб, - Ойимни яхши кўрар эдингиз-ку, а? - Яхши кўрар эдим? - кўзига ёш тўлиб такрорлади Дивангард, - Уни биров ёмон кўришини тасаввур ҳам эта олмайман... довюррак... қувноқ... қандай даҳшат...

- Сиз эса унинг ўғлига ёрдам беришдан бош тортяпсиз, - ўпкalandи Гарри, - У мен учун ўз ҳаётини фидо қилди, сиз эса хотирангизни қизғаняпсиз.

Хагриднинг қаттиқ тортган хурраги кулбани титратиб юборгудай бўлди. Гарри Дивангарднинг ёш тўла кўзига тик қараб турибди. Дивангард эса кўзини олиб қочишга журъат эта олмади.

- Ундай дема, - пичирлади Дивангард, - Бунинг сабаби бошқа... Агар фойдаси тегса-ку, майли эди... лекин ҳеч нарса ўзгармайди...

- Ўзгаради, - аниқ ва лўнда жавоб берди Гарри, - Дамблдорга маълумот керак. Менга ҳам керак ўша маълумот.

Гарри мутлақо хотиржам гапирди. Зеро, бахт-у, толе дамламасининг ваъдасига кўра, эрталаб Дивангард ҳеч нарсани эслай олмайди.

Ўқитувчининг кўзига тик қараётган Гарри бироз яқин бориб, энгашди.

- Мен Мумтозман. Мен уни ўлдиришим керак. Бунинг учун эса менга сизнинг хотирангиз керак.

Дивангарднинг ранги бўздай оқариб, силлиқ пешонаси терлаганидан ялтираб қолди.

- Сен Мумтозсан?

- Ҳа, Мумтозман, - хотиржам тасдиқлади Гарри.

- Ўғлим... сен мендан жуда катта нарса талаб қиляпсан... уни ўлдириш масаласида ёрдам сўраяпсан...

- Дунёни Лили Эвансни ўлдирган сеҳргардан халос этишни истамайсизми?

- Истайман, Гарри, албатта истайман... бироқ...

- Сизнинг иштирокингиздан бохабар бўлиб қолишидан чўчийсизми?

Қўрқиб кетган Дивангард индамай қолди.

- Ойимдек довюррак бўлинг, профессор...

Лўппи қўлини кўтариб, титраётган бармоқларини лабига босиб олган

Дивангард, ниҳоятда катталаштирилган гўдакка ўхшаб қолди.

- Мен фахрланмайман, йўқ, - бармоқлари ортидан шивирлади у, - Аксинча, хотирамни кўрсатишдан уяламан... ўша куни мен мудҳиш...
- Хотирангизни менга топширсангиз, ўша хатони тузатасиз, - деди Гарри,
- Мардлигингиз, олижаноблигингизни намоён этган бўласиз.

Уйқусида сесканиб кетган Хагрид боз хуррак торта бошлади. Дивангард билан Гарри ёниб битаётган шам узра бир-бирига қараб қолишди. Сукунат чўзилиб кетди, лекин бахт-у, толе дамламаси шошилмай, кутишни амр этмоқда.

Ниҳоят Дивангард қўлини аста-секин киссаси томон узатиб, сеҳрли таёқчасини олди, ридосининг ички чўнтагидан бўш шишача чиқариб, кўзини Гарридан узмай, сеҳрли таёқчасининг учини чаккасига теккизди. Шундан сўнг, хотирасининг кумуш тусли узун ипини чиқарди-да, бўш шишача ичига жойлади. Хотира ҳалқа кўринишида ўралиб, шиша тубига чўкди ва бироздан сўнг, шиша бўйлаб тарқалди. Дивангард титраётган қўли билан шиша тикинини ёпиб, стол узра Гаррига узатди.

- Катта раҳмат сизга, профессор.
- Сен яхши боласан, - деди, кўз ёши семиз лунжидан қалин мўйловига оқаётган профессор Дивангард, - Кўзинг ойингнинг кўзига ўхшайди... хотирамни кўриб, мен ҳақимда ёмон фикрга борма...

Дивангард худди Хагрид каби бошини қўлига йиқитиб, чуқур нафас чиқарди-да, уйқуга кетди.

XXIII БОБ. РУҲДОНЛАР

Бахт-у, толе дамламасининг таъсири барҳам топаётганини ҳис этган Гарри қасрга писиб келди. Унинг кириш эшиги ҳамон очик, лекин учинчи қаватда Дрюзг билан рўбару келиб қолишига ва бунинг оқибати жазога тортилиш ила якун топишига сал қолди. У яширин ўтиш жойларидан бирига ўз вақтида бекиниб олди. Семиз Хола портрети олдида кўринмас плашини ечиб, совуқ қарши олинганидан ҳайрон бўлмади.

- Хўш, сенингча, соат неча бўлди?
- Маъзур санинг, илтимос... ниҳоятда муҳим иш билан чиқишимга тўғри келган эди...
- Пароль эса ярим тунда алмаштирилди! Шундай экан, шу ерда, йўлакда ухлайсан энди.
- Ҳазиллашяпсиз-ми? - овоз кўтарди Гарри, - Нега энди ярим тунда алмаштирилар экан?
- Шундай қилиниши лозим, - ўшқириб берди Семиз Хола, - Норозилик билдирмоқчи бўлсанг, директорнинг қабулига кир. Хавфсизлик чораларини кучайтиришни ўша буюрган.
- Жуда соз, - деди қаттиқ полга қараган Гарри, аламли оҳангда, - Ажойиб.

Мен-ку, жон деб борган бўлар эдим, Дамблдорнинг ҳузурига, агар у мактабда бўлганида. Ахир мен унинг хоҳиши билан...

- У шу ерда, мактабда, - эшитилди Гаррининг ортидан кимнингдир овози,
- Профессор Дамблдор қарийб бир соат муқаддам мактабга қайтиб келган.

Гаррининг олдида Деярли Бошсиз Ник ҳавода сузиб келмоқда. Унинг боши, одатдагидек, қат-қат бурма ёқа устида омонатгина тебранмоқда.

- Буни мен Қонхўр Барондан эшитдим, - маълум қилди Ник, - Унинг гапига қараганда, Дамблдорнинг кайфияти кўтаринки, фақат бироз толиққан эмиш.

- Ҳозир қаерда у? - сўради, юраги кўкрак қафаси ичида сакрай бошлаган Гарри.

- Қаерда бўлар эди, астрономия минорасида, ўзининг хуш кўрган иши - занжир силтаб, ғувуллатиш билан банд.

- Баронни эмас, Дамблдорни сўраяпман!

- А, уми? Хизмат хонасида, - деди Ник, - Бароннинг айтишича, Дамблдорнинг яна аллақандай муҳим иши бор эмиш...

- Аниқ-ку, бу! - хитоб қилди, хотирани ниҳоят қўлга киритилганини Дамблдорга маълум қилишини тасаввур этган Гарри, ҳаяжондан ёрилиб кетишига сал қолиб.

У портретга шартта тескари ўгирилди-да, Семиз Холанинг қичқириқларига эътибор бермай, елдай учиб кетди.

- Шошма, ҳой тентак! Ҳазиллашдим! Пароль алмаштирилгани йўқ. Мени уйғотиб юборганинг учун жаҳлим чиққан эди! Пароль ўша-ўша «Йирик гавҳар».

Лекин Семиз Хола кечикди, қораси ўчган Гарри бир неча дақиқа ўтар-ўтмас шоколадли эклер деганча аждар тусли тош илонни четга ирғишга мажбур қилиб, айланма зинага ҳатлаб ўтишга улгурди.

- Кириш, - эшитилди ичкаридан, Гаррининг тақиллатишига жавобан Дамблдорнинг ниҳоятда ҳорғин овози.

Гарри эшикни туртиб, деразасидан зим-зиё осмон кўринаётган, ичкарида эса ҳеч нарса ўзгармаган хонага кирди.

- Ие, Гарри, - хайрон бўлди Дамблдор, - Тинчликми? Бемаҳалда нима қилиб юрибсан?

- Сэр... қўлга киритдим уни! Дивангарднинг асл хотирасини.

Гарри киссасидан кичкинагина шиша идишни чиқариб, Дамблдорга узатди. Директор лол бўлганча, бир неча сония жим қолиб, самимий кулиб юборди.

- Ажойиб янгилик, Гарри! - хитоб қилди у, - Зўр боласан-да, сен!

Уддалай олишингга зиғирдай бўлсин, шубҳа қилмас эдим!

Вақт бемаҳал бўлганини унутган Дамблдор ўрнидан шошганча туриб, шиша идишни соғлом қўлига олди-да, дамблхотира сақланадиган жавон томон одимлади.

- Энди эса иккаламиз, - деди Дамблдор, ёзув столи устига қўйган тош чаноқ ичига шишадаги хотирани қуйиб, - Ниҳоят кўрамиз... тез бўл, Гарри...

Бола итоат қилиб, дамблхотира устига энгашди-да, оёғи ердан узилганини ҳис этди. Зулмат қаърида бироз учиб, кўплаб йиллар ўтган ўтмишда, Гораций Дивангарднинг хизмат хонасида пайдо бўлди. Қалин, ялтироқ сариқ сочли, мўйлови малла ранг бериб товланаётган, эгнига гул солиб тикилган нимча кийган ёш Дивангард, худди ўтган сафар кўрингандек кенг тирсакқўйгичли юмшоқ креслога қулай жойлашиб, оёғи остига духоба қопланган пастак курси қўйиб олган. Бир қўлига вино қуйилган қадаҳ ушлаб олган бўлса, иккинчи қўли ананас қанд қутисини титкилаб ўтирибди. Профессор билан бирга нисбатан қаттиқроқ, катта-кичик курсиларда ўспирин ёшидаги олти нафарча бола, шу жумладан, ўнг қўлини креслонинг тирсакқўйгичига қўйиб олган, бармоғига қора кўзли тилла узук тақиб олган Том Реддль ўтирибди. Реддль савол бериш учун оғиз жуфтлаган фурсатда Гаррининг ёнида Дамблдор пайдо бўлди.

- Сэр, профессор Потешанс пенсияга чиқиб кетаётгани ростми? - сўради Реддль.

- Оҳ, Том, Том, билсам ҳам айтмас эдим, - шакар ёпишиб, оқарган бармоғини силтаб, гина ила пўписа қилган бўлди Дивангард, - Қизиқ, баъзан ўқитувчилар билмайдиган маълумотларни қаердан билиб оласан сен, а? - кўз қисиб қўйди у.

Реддль иржайди, қолганлар эса хандон отиб, унга эҳтиром-ла қараб қўйишди.

- Билиш керак бўлмаган нарсаларни билиш, керакли одамлар кўнглига йўл топа олиш қобилиятинг таҳсинга сазовордир. Айтгандай, ананас қанд учун раҳмат, чиндан ҳам мен ниҳоятда хуш кўрадиган қандлардан бири...

Болалардан қайсидир бири ҳиринглаб қўйди

- Агар йигирма йил ўтиб-ўтмай сеҳргарлик вазири даражасига бориб етсанг, ҳеч ажабланмайман. Менга ананас юбориб туришни тўхтатмасанг, ўша лавозимга ўн беш йил ўтмай кейин ўтирасан. Вазирликда танишларим кўп.

Ҳамма хандон отиб юборди. Том Реддль эса енгил кулиб қўйиш билан чекланди. Болалар орасида ёши каттаси бўлмаса-да, ўртоқлари уни етакчи сифатида эътироф этаётгани кўзга ташланмоқда.

- Сиёсат мени қизиқтиришига ишончим комил эмас, сэр, - деди у, кулги босилгач, - Бундан ташқари, менинг келиб чиқишим ҳам шубҳа туғдиради. Ўтирган болалардан икки-учтаси бир-бирига маъноли кулиб боқди. Уларнинг доирасида ўз йўлбошчиларининг асилзода насл-насабига оид аллақандай ҳазил-мутойиба қарор топгани маълум бўлиб қолди. Афтидан улар нимадандир бохабар ёки гумон қилишади.

- Буларнинг бари бемаъни гап, - енгил қўл силтади Дивангард, - Хушхулқ сеҳргарлар оиласидан келиб чиққанинг ҳаммага кундай равшан. Сенинг сеҳргарлик қобилиятингни ўзи бу ҳақда яққол далолат бериб туради. Йўқ, Том, сен юқори марраларга эришасан. Бу масалада мен ҳеч қачон янглишмаганман, ишонавер.

Ёзув столи устидаги миттигина тилла соат ўн бир бўлганидан хабар берди. Ўқитувчи ўгирилиб соатга қаради.

- О, муқаддас фалак, кеч бўлибди-ку! - хитоб қилди Дивангард, - Бўлди болалар, бориб ётинлар. Акс ҳолда, ҳаммамизнинг гарданимизда калтак синади. Лестранг, эртага эрталаб иншо кутаман. Тақдим этмас экансан, меҳнат жазосига тортиласан. Сенга ҳам тааллуқли, Эйвери.

Оёққа турган болалар чиқиш эшиги томон талпинди. Дивангард креслосидан оғир туриб, бўшаган қадаҳини ёзув столига қўйди. Реддль ўқитувчи билан ёлғиз қолиш мақсадида атайин сусткашлик қилди.

- Тезлаш, Том, - деди ўгирилиб қараган Дивангард, - Бемаҳалда ушлаб олишларини истамайсан-ку, ахир. Синфбоши бўлсанг...

- Сэр, сиздан бир нарсани сўраб билмоқчи эдим.

- Ундай бўлса тезроқ сўра, азизим, тезроқ...

- Сэр, сиз руҳдонлар ҳақида бирон нима биласизми?

Йўғон бармоқлари билан қадаҳ тутқичини паришонлик-ла силаётган Дивангард Реддлга бақрайиб қолди.

- Ёвуз кучлардан ҳимоя фанидан берилган топшириқми, бу?

Лекин ушбу саволи мактаб таълимига ҳеч қандай дахли йўқлигини жуда яхши идрок этиб турибди.

- Ундай деб ҳам бўлмайди, сэр, - жавоб берди Реддль, - Шунчаки... китоб ўқиб ўтириб, шуларга рўбару келиб қолдим-у, уларнинг нима эканлигини яхши тушуна олмадим.

- Ҳа... албатта... «Хогварц»да руҳдонлар моҳияти ҳақидаги китоб топиш учун анча тер тўкишга тўғри келади, - деди Дивангард, - Бу ёвуз сеҳр, ниҳоятда ёвуз сеҳр-жоду соҳасига тааллуқли масала, Том.

- Лекин сиз, ўша руҳдонлар ҳақида ҳамма нарсани биласиз-ку, сэр, шундай эмасми? Айтмоқчиман-ки, сиздай йирик сеҳргар... агар айтиб бера олмасангиз, майли... лекин сиз билмасангиз, бошқа ким ҳам билиши мумкин бу ерда... шу боис, айнан сиздан сўраб билай деган эдим...

Яхши ўйин бўлди, беихтиёр ҳайратланди Гарри. Журъатсизлик, совуққон тарзда билдирилган қизиқиш, эҳтиёткорона амалга оширилган тилёғлама мақтовни моҳирона уйғунлаштира билиш! Ўз сири билан ўртоқлашишни истамаган кишидан, ўша сирни ўсмоқчилаб билиб олишга Гарри ҳам баъзан қўл уриб боришга мажбур бўлади, лекин бу масалада Реддлга тан бермасликнинг иложи йўқ. Кўриниб турибдики, қўйилган саволга жавоб Реддлга ўта кетган даражада зарур ва афтидан у, қулай фурсат келишини кўпдан буён кутган.

- Хўш, - гап бошлади ананас қанди қутисининг тасмасини ўйнаган

Дивангард, Реддлга қиё боқмай, - Умумий дунёқарашни кенгайтириш учун қисқача берилган маълумотнома зиён етказмайди, албатта. Рухдон бу, инсон ўз руҳининг маълум қисмини яшириб қўядиган буюмдир.

- Қандай қилиб? Мен тўлиқ тушуна олмадим, сэр, - деди Реддль.

Реддль ўз овозини яхши идора қилаётган бўлса-да, унинг ҳаяжонланаётгани Гаррининг эътиборидан четда қолмади.

- Фараз қил: сен ўз руҳингни қисмларга парчалаб, улардан бирини тананг ташқарисидаги муайян жисмга жойлайсан, - тушунтириш бера кетди Дивангард, - Киши танасига жароҳат етса ёки йўқ қилинса ҳам, руҳнинг ажратиб олинган ўша қисми яшашни давом этаверади. Фақат ундай шаклда яшашни... баъзи одамларгина, озгина кишиларгина исташи мумкин, Том. Ундан кўра ўлим афзал.

Гарри Дивангарднинг буришиб кетган башарасига қараб, қарийб икки йил муқаддам эшитган сўзларни эслади: «Мен ўз танам билан алоқани йўқотиб қўйдим, руҳдан-да, хаёлотдан-да баттар заиф бўлиб қолдим... Лекин ўлмадим, тирик қолдим... Кимга ёки нимага айланиб қолганимни ўзим билмайман...»

Бироқ нигоҳи ярқираб кетган Реддлнинг ҳирс қўйган даражадаги қизиқувчанлиги энди яққол кўзга ташланмоқда.

- Киши ўз руҳини қандай парчалай олиши мумкин?

- Умуман айтганда, - хижолат тортиб жавоб берди Дивангард, - Инсон руҳи яхлит ва бўлинмас бўлганча қолиши лозим. Унинг парчаланиши эса мажбурий ва ғайритабиий хатти-ҳаракатдир.

- Қандай амалга оширилади бундай хатти-ҳаракат?

- Ёвуз жинойтга қўл уриш, қотиллик содир этиш воситасида. Бундай хатти-ҳаракат киши руҳини қисмларга парчалаб юборади ва бундан руҳдон яратиш мақсадида фойдаланилади, яъни руҳнинг ажраб чиққан қисми танланган буюмга жойланади...

- Жойланади? Қандай қилиб?...

- Шундай афсун бор. Сўрама, мен билмайман! - овоз кўтарди Дивангард, худди искабтопарлар безор қилиб юборган фил каби, бошини чайқаб, - Мен нима, сенингча, ушбу ишга қўл уриб кўрган қотилга ўхшайман-ми?

- Йўғ-е, сэр, нималар деяпсиз, йўқ, албатта, - шошганча рад этди Реддль, - Маъзур сананг... мен сизни хафа қилмоқчи эмас эдим...

- Йўқ, мен хафа бўлганим йўқ, - вайсади Дивангард, - Бундай нарсалар, табиийки, ҳар қандай кишининг қизиқувчанлигини юзага келтиради... маълум бир тоифага мансуб сеҳргарлар азалдан сеҳр-жодунинг ушбу соҳасига катта қизиқиш билдириб келган...

- Ҳа, сэр, - маъқуллади Реддль, - Фақат мен бир нарсани ҳеч тушуна олмаяпман... шунчаки, қизиқ-да... нима нафи бор, ўша руҳдоннинг? Киши ўз руҳини фақат бир марта парчалай олади холос-ми? Уни бир неча қисмларга бўлиб чиққан маъқул, ишончлироқ эмасми? Масалан, етти қисмга? Етти – энг қудратли сеҳрли сон саналади. Руҳни етти қисмга

бўлиш зиён қилмас, а?...

- Мерлин соқоли, Том! - чийиллаб юборди Дивангард, - Етти қисмга?! Бир бор содир этилган қотилликнинг ўзи кечирилмас гуноҳ саналади-ку!...

Рухни қисмларга парчалаш жиноятдир!... Етти қисмга эмиш-а...

Ушбу мавзуда суҳбатлашишга розилик берганидан афсус қилаётган Дивангард худди биринчи бор кўраётган каби, Реддлга ҳаяжон-ла бақрайиб қолди

- Баҳсимиз, Том, фаразий мазмунга эга-ку, шундай эмасми? Илмий...

- Ҳа, албатта, сэр, - тез жавоб берди Реддль.

- Шундай бўлса-да, илтимос, Том, ушбу суҳбатимиз мавзуси ҳақида ҳеч кимга чурқ эта кўрма... руҳдонлар мавзусини муҳокама қилганимиз бирон-бир кишига манзур келишига шубҳа қиламан. «Хогварц»да, ушбу мавзу ман этилган. Дамблдор буни қатъий назоратга олган...

- Бировга миқ этмайман, сэр, - ваъда берди Реддль, хонани тарк этар экан.

Гарри Реддлнинг юзини мисли йўқ бахтиёрлик, худди сеҳргар эканлигини биринчи бор эшитган фурсатда ёритган каби ёритганини, лекин бу туйғу унинг юзига ўшанда касб этган каби дилкашлик эмас, аксинча, аллақандай ҳайвоний ҳирс қиёфасини касб этганини кўрди.

- Раҳмат сенга, Гарри, - деди Дамблдор паст овозда, - Кетдик энди...

Гарри хонада пайдо бўлганида, директор ўз креслосига ўтириб олишга улгурган эди. Гарри ҳам ўз жойига ўтириб, Дамблдор нима дейишини кутди.

- Ушбу шоҳидликни қўлга киритишни кўпдан буён ният қилган эдим, - гап бошлади ниҳоят Дамблдор, - У мен ҳақ эканлигимни тасдиқламоқда ва шу билан бирга, ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини кўрсатмоқда...

Гарри собиқ директорларнинг жамики портретлари уйғониб, ушбу суҳбатни диққат эшитаётганига эътибор берди. Бурни қизил семиз сеҳргар эса қулоғи оғир шекилли, қулоққа тутадиган эшитиш карнайини ушлаб олибди.

- Шундай қилиб, Гарри, - давом этди Дамблдор, - Эшитган суҳбатимизнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етдинг, албатта. Сенинг ёшингдаги Том Реддль ўз мангулигини таъминлаш мақсадида ақлга тўғри келадиган ва ақл бовар қилмайдиган ҳар қандай ишга қўл уришга тайёр бўлишга улгурган.

- Бунинг уддасидан чиқди, деб ўйлайсиз-ми, сэр? - сўради Гарри, - Рухдон ярата олдими? Шунинг учун ўлмаган экан-да, у, менинг жонимга қасд қилганда? Демак, қаердадир руҳдонини яшириб қўйган ва руҳининг ажратиб олган бир қисми омон сақланиб қолган, шундайми?

- Бир... ёки кўпроқ қисми, - жавоб берди Дамблдор, - Ўзинг ҳозиргина эшитдинг-ку, биттадан ортиқ руҳдон яратиш, ажалга чап бериш мақсадида кўплаб қотилликлар содир этиш, ўз руҳини бир неча қисмларга парчалаб ташлаб, алоҳида яшириб қўйилган ҳар хил руҳдонларга жойлаб

сақлашга тайёр бўлган сеҳргарлар қай аҳволга тушиб қолиши мумкинлигига катта қизиқиш билдирганини.

Дамблдор бироз ўй суриб, давом этди:

- Бундан тўрт йил муқаддам Вольдеморт ўз руҳини парчалаб юборганига оид ашёвий далилни қўлга киритган эдим.

- Қаерда? - ҳайратланди Гарри, - Қандай қилиб?

- Уни менга сен тақдим этдинг, - жавоб берди Дамблдор, - Ўша далил Реддлнинг, Махфий хона такрор очилишига сабаб бўлган кундалиги эди.

- Тушунмадим, сэр, - деди Гарри.

- Гарчи кундалик ичидан чиқиб келган ўша Реддлни ўз кўзим билан кўрмаган бўлсам-да, сенинг тавсифингни эшитиб шуни тушундим-ки, Махфий хонада илгари мен учратмаган фавқулодда ҳодиса рўй берган. Оддий хотира фикр юритиши, ўз хатти-ҳаракатини ўз билганча амалга ошириши, кундаликни олиб юрган ёш қизалоқнинг ҳаётини ўзига сўриб олиши мумкинми? Йўқ, албатта. Ўша кундаликда аллақандай ёвузлик ўзига макон топган бўлиб, парчаланган руҳнинг бир қисми бўлганига шубҳа қилмаганман. Кундалик нафақат руҳ сақлаш жойи, балки қурол сифатида ҳам яратилгани мени кўпроқ ташвишга солган.

- Бари-бир ҳеч нарсани тушунмадим, - деди Гарри.

- Кундалик ўз хатти-ҳаракатини руҳдон хос равишда амалга оширган. Бошқача қилиб айтганда, ўз соҳибининг бир парча руҳини ишончли сақлаб, шубҳа йўқ-ки, ўлим топишига тўсқинлик қилган. Айни вақтда, шу нарса аёнки, Реддль кундалик ўқиб чиқилиши, ичидаги руҳининг бир парчаси бошқа одамга эгалик қилиши, Слизерин махлуқи эса озодликка чиқишини ният қилган.

- Унинг иши беҳуда кетмаслигини истаган, - тахмин қилди Гарри, - Слизерин вориси эканлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлган. Ўша вақтда бу ишни бошқача бажара олармиди?

- Жуда тўғри, - бош ирғиди Дамблдор, - Наҳотки тушунмаган бўлсанг, Гарри? Вольдеморт ўз кундалигини атайин «Хогварц»нинг маълум бир ўқувчисига мўлжаллаган, бу эса ўз навбатида, руҳининг ўша дафтар ичига бекитилган бир қисмига лоқайд муносабатда бўлганини англатади. Ахир профессор Дивангард унга аниқ тушунтириб берди-ку: руҳдон киши руҳини хавфсиз жойда, одамларнинг кўзидан нарида сақлаш учун керак, деб. Йўқ қилиб юборилмаслиги учун, руҳдонни тўғри келган жойда ташлаб кетиш ярамайди. Сенинг шарофатинг ила Гарри, Вольдеморт руҳининг бир қисми энди йўқ. Унинг, ушбу руҳдонга нисбатан бепарво муносабати менга ёвуз ниятдай кўринди. Бундай муносабат эса Вольдеморт бир нечта руҳдон яратишни хоҳлагани ёки яратишга муваффақ бўлгани, улардан биттасининг йўқотилиши Вольдеморт учун ҳалокатли эмаслигидан далолат беради. Мен бунга ишонишни истамас эдим-у, илож қанча, мантиқ йўқолади. Орадан яна икки йил ўтгач, сен менга, Вольдеморт ўз танасини тиклаб олган тунда ўз малайларига

ниҳоятда даҳшатли ва жиддий аҳамиятга эга бўлган сўзларни, хусусан: «Мен, ҳаммадан қудратли, мангуликка қадам босган одам бўла туриб», - деганини айтдинг. Унинг сўзларини менга айнан шундай: «Ҳаммадан қудратли», - деб етказдинг ва мен, Ўлимдан мириқувчилардан фарқли ўлароқ, ушбу сўзлар маъзини чақиб олдим. Бу билан у, руҳдонларининг кўплигини назарда тутган. Яъни Гарри, билишимча, Вольдемоортга қадар яшаб ўтган бирон-бир сеҳргар бундай муваффақиятга эриша олгани билан мақтана олмаган. Ушбу ҳолат эса мен яратган назария мазмунига кирган. Негаки, йиллар ўтган сари Лорд Вольдемоорт ўзининг инсоний қиёфасини йўқота бошлаган. Бундай ўзгариш эса у ўз руҳини ҳаддан ортиқ, шартли равишда айтиладиган бўлса, ёвузликнинг белгиланган меъёридан ортиқ бузиб юборгани билан изоҳланади.

- Яъни бошқаларни ўлдириб, ўзи кули бўлиб борган, шундайми? - сўради Гарри, - Модомики, мангу ҳаёт сари интилган экан, нега у фалсафий тош яратмади ёки тайёрини ўғирламади?

- Айнан шу ишни беш йил муқаддам қилмоқчи бўлганини биламиз, - жавоб берди Дамблдор, - Бироқ тахминимча, бир қатор сабаблар туфайли, Лорд Вольдемоортга фалсафий тошга нисбатан руҳдонлар қизиқроқ кўринган. Негаки, оби-ҳаёт чиндан ҳам киши умрини узайтиради, лекин уни мунтазам, модомики гап боқийлик тўғрисида борар экан, умрбод ичиб бориш талаб этилади. Бундан чиқди. Лорд Вольдемоортнинг ҳаёти оби-ҳаётга бутунлай боғланиб қолар ва захираси тугаб қолса, захарланса ёки фалсафий тош ўғирланса, оддий одам сингари вафот этган бўлар эди. Ёдинг чиқмасин, у танҳо яшайдиган одам. Ўйлашимча, ҳар қандай боғлиқликка, айтайлик, ўша оби-ҳаётга боғлиқ бўлиб қолишга бардош бера олмайди. Табиийки, сени ўлдиришга уриниб, ўзини ўзи солиб қўйган ўта аянчли чала ҳаётдан чиқиб олиш мақсадида, ўз танасини тиклаб олиш учун ҳар қандай нарсани ичишга рози бўлган. Шундан сўнг, ишончим комилки, у ўз руҳдонларига катта умид боғлаган. Бунинг учун инсон қиёфасига кириб олса бас. У умуман инсон учун мумкин даражада боқийликка эришиб бўлган ёки шунга яқин қолган эди. Дамблдор яна бироз ўйланиб ўтиргач, давом этди:

- Аммо энди, сенинг саъй-ҳаракатинг шарофати ила, Гарри, жиддий аҳамиятга эга хотирани қўлга киритган эканмиз, Лорд Вольдемоорт қудратининг сирини фош этиш чегарасига, илгаригига нисбатан, анча яқин келиб қолдик. Вольдемоортнинг «Киши ўз руҳини фақат бир марта парчалай олади холос-ми? Уни бир неча қисмларга бўлиб чиққан маъқул, ишончлироқ эмасми? Масалан, етти қисмга? Етти – энг қудратли сеҳрли сон саналади. Руҳни етти қисмга бўлиш зиён қилмас, а?» - деганини ўзинг эшитдинг. Етти – энг қудратли сеҳрли сон. Тахминимча, етти қисмга парчалаб ташланган руҳ ҳақидаги ғоя Вольдемоортга жуда қизиқ кўринган. - Еттита руҳдон яратган, демоқчимисиз? - ҳайрат-ла сўради Гарри. Портретларнинг айримлари даҳшат ва қаҳр-ғазабдан оҳ уриб юборишди.

- Ахир уларнинг барини жаҳоннинг турли бурчакларида яшириши... кўмиб ташлаши... кўринмас ҳолатга келтирилиши мумкин-ку....
- Олдимизда турган вазифалар нақадар жиддий эканлигини англаб етганингдан бағоят мамнунман, - жавоб берди Дамблдор, - Рухдонларга келсак, уларнинг сони еттита эмас, олтита, Гарри. Вольдеморт руҳининг еттинчи парчаси мисли кўрилмаган даражада бузилиб кетган бўлса-да, ўзининг тикланган танасида яшамоқда. Бадарғаликда кечган ҳаёти даврида руҳининг айнан мана шу қисми унга жон бағишлаб турган. Рухининг ушбу парчаси бўлмаганда, у ўзини ўзи йўқотиб қўйган бўлар эди. Бу парча унинг сўнгги таянчи бўлиб, Лорд Вольдемортни ўлдирмоқчи бўлган киши, айнан шу парчани нишонга олиши даркор.
- Хўп, майли, руҳдонлар сони олтита дейлик, - деди Гарри, умидсизлиги биров сўниб, - Қаердан излаш керак уларни?
- Ёдингдан чиқариб қўйдинг, Гарри. Улардан бирини сен йўқ қилдинг. Мен эса иккинчисини.
- Рост биланми? - қувониб кетди Гарри.
- Ишонавер, - жавоб берди Дамблдор, қорайган қўлини кўтариб, - Узук, Гарри. Мерволоннинг узуги. Унга ниҳоятда даҳшатли қарғиш киритилган экан. Агар менинг, маъзур санайсан-у, буюк истеъдодим бўлмаганда ва «Хогварц»га ўта оғир жароҳат билан қайтган куним профессор Снегг ўз вақтида ёрдам кўрсатмаганида, ҳозир мен сен билан бундай суҳбатлашиб ўтирмаган бўлар эдим. Шундай бўлса-да, қўлимнинг қуриб қолгани, Вольдеморт руҳининг еттинчи парчаси учун фавқулодда катта мукофот тариқасида кўрмайман. Узук энди руҳдон эмас.
- Уни қандай қилиб топиб олдингиз?
- Вольдемортнинг ўтмиши ҳақида имкон қадар кўпроқ маълумотга эга бўлиш мақсадини кўпдан буён ўз олдимга қўйиб олганимни яхши биласан. Вольдеморт қачонлардир бўлган жойларга қатнаб юрдим. Узукни эса Монстерлар уйининг харобасидан топиб олдим. Вольдеморт ўз руҳининг бир парчасини узукка жойлашга муваффақ бўлгач, уни бармоғига тақиб юришни истамаган. Кўплаб кучли қарғишлар қўллаганча, қачонлардир ўз қариндошлари яшаган кулбага яшириб қўйишга аҳд қилган. Вайрона уйга бориб, сеҳрланган пана жойларни қидиришим мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган. Лекин ғалабани нишонлашга ҳали анча бор. Сен кундаликни йўқ қилдинг, мен эса узукни. Бироқ руҳдонлар сони еттита бўлишига оид назариямиз тўғри бўлса, яна тўртта руҳдон қоляпти.
- Ва улар ҳар қандай буюм бўлиши мумкин, - аниқлик киритди Гарри, - Эски консерва банкаси ёки билмадим, дамлама шишаси...
- Сен руҳдонларни портшлюслар билан адаштириб юборяпсан, Гарри. Айнан портшлюсларни оддий, бировнинг эътиборини ўзига жалб этмайдиган буюмлар воситасида ниқоблаш қабул қилинган. Лекин Том Реддль Лорд Вольдеморт бўла туриб, ўзининг қимматли руҳини эски

консерва банкасида сақламайди-ку. Мен сенга кўрсатган нарсаларни унутиб қўйибсан. Вольдеморт ўлжаларни ёқтириб, буюк сеҳрли ўтмишга эга буюмларни қадрлаган. Унинг калондимоғлиги, ҳаммадан устун бўлиб қолганига комил ишончи, сеҳргарлик тарихида энг машҳур сеҳргар номини чиқаришга қатъий қарор қилгани – руҳдон танлаш масаласига тиришқоқлик билан ёндашиш кераклигига, эҳтиром ва ортиқ даражада ҳурмат-икром туғдирадиган буюм танлашга ундаган.

- Унинг кундалигида бундай сифатлардан асар ҳам бўлмаган.

- Кундалик, ҳозир ўзинг айтганингдек, Вольдеморт Слизерин вориси эканлигини исбот қилувчи буюм сифатида хизмат қилган ва ишончим комилки, унга катта аҳамият қаратилган.

- Хўп, бошқа руҳдонлар-чи, сэр? - сўради Гарри, - Улар қандай буюмлар бўлиши мумкинлигини тасаввур қила оласизми?

- Тахмин қила олишим мумкин холос, - жавоб берди Дамблдор, - Юқорида зикр этилган сабабларга кўра, Лорд Вольдеморт, шундоқ ҳам буюк салобатга эга буюмларни афзал кўриши лозим бўлган, деб тахмин қиламан. Шу боис ҳам, мен, Вольдемортнинг ўтмишига қайтиш, санъат соҳасига оид буюмларнинг йўқолиши унинг номи билан боғлиқ ҳолатлар мавжудлигини топишга уриндим.

- Медальон! - баланд хитоб қилди Гарри, - Хельга Хуффльпуффнинг жомчаси!

- Худди шундай, - бош ирғиди кулиб қўйган Дамблдор, - Иккинчи қўлим... билан бўлмаса-да, унинг бир жуфт бармоғи билан гаров боғлашим мумкинки, ўша буюмлар учинчи ва тўртинчи сонли руҳдонларга айланган. Руҳдонлар жами олтита яратилган деган тахминдан келиб чиқадиган бўлсак, қолган иккита руҳдон масаласи сал мушкулроқ масаладир. Бироқ мен қуйидагича тахмин қилишга журъат этаман: модомики Вольдеморт Хуффльпуфф билан Слизеринга тегишли буюмларни қўлга киритган экан, Гриффиндор билан Равенклодан қолган буюмларни ҳам қидириб топишни, яъни мактаб асосчиларининг ҳар биридан қолган биттадан ёдгорликни руҳдонларга айлантиришни ният қилган. Ушбу ғоя, шубҳа йўқ-ки, Вольдеморт учун жазб қиладиган ғоя бўлган. Равенклога тегишли бирон-бир буюм топган-топмаганини билмайман-у, Гриффиндордан қолган ягона буюм бут-бутун сақланмоқда. Дамблдор ўзининг мажруҳ қўлини лаъл билан қадама нақшланган қилич сақланаётган нафис шиша сандиқча томон узатди.

- Фикрингиз-ча, сэр, «Хогварц»га у, айнан шу мақсадда, яъни мактаб асосчиларига тегишли бўлган бирон-бир буюм топиш мақсадида қайтмоқчи бўлганми? - сўради Гарри.

- Худди шундай, - тасдиқлади Дамблдор, - Аммо таассуфки, ушбу фикр бизни ҳеч қаерга етаклаб бормайди. Зеро, илтимоси рад этилган Вольдеморт мактабни тинтув қилиб чиқиш имкониятидан маҳрум бўлди. Ҳар қалай, мен шундай деб ўйлайман. Шу боис, Вольдеморт «Хогварц»

асосчиларининг ҳар биридан қолган биттадан ёдгорликни руҳдонга айлантиришдек, ўзининг шуҳратпараст орзусини рўёбга чиқара олмаган. У фақат иккита, кўпи билан учта ёдгорликни қўлга кирита олган холос. Мана шуларни ишонч-ла таъкидлаш мумкин.

- Равенкло ёки Гриффиндорга тегишли бирон-бир буюмни қўлга киритган тақдирда ҳам, бари-бир олтинчи руҳдон қоляпти, - деди, бармоқ букиб санаб ўтирган Гарри, - Ёки иккаласини ҳам қўлга киритганмикан?

- Эҳтимолдан йироқ, - жавоб берди Дамблдор, - Олтинчи руҳдон нима эканлигини, назаримда, фаҳмлагандек бўлиб турибман. Унинг Нагини лақабли илонига анчадан буён разм солиб юрибман, десам, нима дейсан?

- Илонига? - ҳайратланди Гарри, - Ҳайвон ҳам руҳдон бўлиши мумкинми?

- Мумкин, гарчи мақсадга мувофиқ бўлмаса ҳам, - Киши ўз руҳининг бир парчасини мустақил фикр юритиш ва ҳаракатланиш қобилиятига эга жонзодга ишониб топшириши, жуда хавфли ўйиндир. Лекин, агар менинг ҳисоб-китобларим тўғри бўлса, ота-онангнинг уйига сени ўлдиргани келган куни Вольдемортга кам деганда битта руҳдон етмаган. Афтидан, у, ҳар бир руҳдоннинг яратилишини тақдир ўзгартирувчи қотиллик билан боғлаб боришга ҳаракат қилган. Сенинг ўлиминг, шубҳа йўқ-ки, айнан шундай қотиллик бўлиши лозим эди. Негаки, Вольдеморт, сени ўлдиргач, башоратда айтилган хавфдан қутулиши ва бу билан ўзини ўзи енгилмас қила олишига ишонган эди. Ишончим комилки, ўзининг сўнгги руҳдонини сен жон берган фурсатда яратмоқчи бўлган. Маълумки, унинг ушбу режаси барбод бўлди. Бироқ орадан кўп йил ўтиб, қария мағлни Нагини ёрдамида ўлдиргач, унинг миясига илонни сўнгги руҳдонга айлантириш фикри келиб қолган. Бу эса Слизерин билан жигарчилик рамзи сифатида хизмат қилиб, Лорд Вольдеморт исмининг тасаввуфини кучайтириб юборган бўлар эди. Ўйлашимча у, илонга жуда кучли боғланиб қолган бўлиб, доимо ўз ёнида олиб юради ва уни, ҳатто илонзабон кишига хос бўлмаган даражада идора қилади.

- Демак, - деди Гарри, - Кундалик ҳам, узук ҳам йўқ қилинди. Жомча, медальон, илон ва сизнинг фикрингизга қараганда, Равенкло ёки Гриффиндорга тегишли бўлган яна битта буюм қолган, шундайми?

- Ҳайратли даражада қисқа ва кенг мазмунли хулоса, - бош ирғиди Дамблдор.

- Демак, сэр... сиз уларни қидиришни давом этяпсиз экан-да? Мактабни тарк этишингиз сабаби ҳам шу экан-да, а?

- Худди шундай, - тасдиқлади Дамблдор, - Кўпдан буён қидириб юрибман. Ҳозир эса... назаримда руҳдонларнинг бирини топгандайман. Умид қилса бўладиган аломатлар бор, ҳар қалай.

- Шундай экан, - шу заҳоти фикр билдирди Гарри, - Мумкин бўлса, мен ҳам сиз билан бораман, а? Уни йўқ қилишга ёрдамим тегармиди.

Дамблдор Гаррига диққат билан разм солиб ўтирди.

- Мумкин, - деди у, ниҳоят.

- Ростданми? - хаяжонланиб кетди Гарри.

- Албатта, - кулиб қўйди Дамблдор, - Бундай ҳуқуқни қўлга кирита олдинг, деб ўйлайман.

Гаррининг руҳи кўтарилиб кетди. Кўнгилга урмаслик учун, одатий танбеҳлар-у, панд-насихатлар ўрнига бамаъни гап эшитган яхши-да. Бироқ собиқ директорлар Дамблдорнинг ушбу қарорини маъқул топишмади, улардан қайсидир бири бошини сарак-сарак чайиб қўйди, Пиний Нигеллий эса пишқириб юборди.

- Сэр, Вольдеморт биладими, ҳис этадими, руҳдонлари йўқ қилинаётганини? - сўради Гарри, портретларга эътибор қаратмай.

- Чиндан ҳам қизиқ савол бўлди. Ўйлашимча, йўқ, сезмайди. Назаримда, ўз руҳининг ниҳоятда муҳим таркибий қисмларидан тониб юборганига анча бўлган Вольдеморт ёвузликка шу қадар ботиб кетганки, унинг ҳис-туйғулари бизнинг ҳис-туйғуларимиздан кучли фарқ қиладиган бўлиб қолган. Лекин, жони узилаётган фурсатда руҳини йўқотиб бўлганини идрок этиши мумкинлигини рад этиб бўлмайди... Ахир у, мисол учун, кундалиги йўқ қилинганини, токи Люциус Малфой бўйнига олишига эришгунга қадар билмаган эди-ку. Айтишларича, кундалигининг сеҳри барҳам топиб, йўқ қилинганидан хабар топган Вольдемортнинг ғазаби қайнаб, тасаввурга сиғдириб бўлмайдиган даражада қутуриб кетган экан.

- Кундаликни «Хогварц»га киритиб юборишни Люциус Малфой Люциус Малфойга ўзи буюрган, деб юрган эканман.

- Бошқа руҳдонлар ярата олишига ишончи комил бўлгач, чиндан ҳам буюрган. Лекин Люциус бу борада Вольдемортдан ишора келишини кутиши керак эди, бироқ кундаликни ташлаб кетган Ёвуз Лорд гум бўлди. Афтидан, ушбу руҳдонни Люциус кўз қорачиғидай асраши, унга зиён етказишга журъат эта олмаслигига Вольдеморт ишонган-у, Люциуснинг кўп йилларга йўқ бўлиб кетиб, ўлдига чиқарган ўз соҳиби олдидаги қўрқув ҳиссига ҳаддан ортиқ баҳо бериб юборган. Табиийки, ўша кундалик аслида нима эканлигини Люциус билмаган. Англашимча, Вольдеморт, кундаликка қўлланилган мураккаб сеҳр-жоду воситасида Махфий хонани яна очиш мумкинлигини Люциусга айтган. Агар Люциус қўлида ўз соҳибининг руҳини, хусусан, унинг бир парчасини ушлаб турганини билганда, шубҳа йўқ-ки, кундаликка катта эҳтиром-ла муносабат билдирган бўлар эди. Модомики у беҳабар экан, эски режа бўйича мустақил равишда иш тутишга аҳд қилган. Кундаликни ҳеч кимга билдирмай, Артур Уэслининг ихтиёрига ташлаб қўйган Люциус Малфой бир ўқ билан икки қуённи овлашга, жумладан, Артурни беобрў қилиб, менинг «Хогварц»дан қувиб солинишим ва хавфли буюмдан халос бўлишга умид боғлаган. Бахти қора Люциус... Вольдеморт ундан, ишониб топширилган кундаликни йўқотгани учун ҳам, ўтган йили вазирликда йўл қўйган муваффақиятсизлик учун ҳам ниҳоятда дарғазаб. Ҳозир Азкабанда тинчкина ўтиргани учун ич-ичдан хурсанд бўлса керак, бечора.

- Демак, руҳдонларнинг бари йўқ қилинса, Вольдемомртни ўлдириш мумкин экан-да? - сўради Гарри, биров ўйланиб ўтиргач.
- Ўйлашимча, шундай, - жавоб берди Дамблдор, - Руҳдонларсиз у, руҳи ниҳоятда кичрайиб кетган, ўлимга маҳкум бўлган оддий одамга айланиб қолади. Шундай бўлса-да, руҳига ҳаддан ортиқ путур етишига қарамай, унинг мияси ва сеҳргарлик қобилияти ўзгармас қолишини унутиш ярамайди. Руҳдонларидан маҳрум бўлган бўлса ҳам, Вольдемомртдай сеҳргарни ўлдириш учун киши фавқулодда истеъдод ва сеҳр қудрати соҳиби бўлиши талаб этилади.
- Менда униси ҳам, буниси ҳам йўқ, - баёнот қилди Гарри, ўйлаб-нетиб ўтирмай.
- Йўқ, бор, - қатъий эътироз билдирди Дамблдор, - Сенда Вольдемомртда ҳеч қачон бўлмаган қобилият бор. Сен...
- Биламан, биламан! - умидсиз хитоб қилди Гарри, - Мен яхши кўришни биламан! - деди у, «Шу ҳам қобилият бўлди-ю» - деб юборишдан ўзини базўр тийиб.
- Ҳа, сен яхши кўришни биласан, - деди Дамблдор, худди Гаррининг фикрини ўқиб олгандай бўлиб, - Бу эса, ҳаётига тарихини инобатга оладиган бўлсак, ниҳоятда ҳайратлидир. Сен жуда ёшсан ҳали, Гарри ва шу боис, нақадар ғайриоддий шахс эканлигини тушуна олмайсан.
- Яъни башоратда айтилгандек, менинг: «Ўвуз лордга маълум бўлмаган куч»им замирида... атиги муҳаббат назарда тутилган экан-да, а? - сўради Гарри, ўзини алданган боладай ҳис этиб.
- Ҳа, атиги муҳаббат назарда тутилган, - тасдиқлади Дамблдор, - Бироқ бир нарсани инобатга олишинг зарур: ўша башорат, Вольдемомрт унга ишонгани учун ҳам, муҳим аҳамиятга эгадир. Буни сенга ўтган йили айтган эдим. Вольдемомрт сени энг хавфли киши сифатида эътироф этиб, охир-оқибат сени ўзи учун шундай рақибга айлантириб қўйган!
- Фарқи йўқ-ку...
- Ундай эмас! - енгил эътироз оҳангида хитоб қилди Дамблдор, қорайиб кетган қўлини Гарри томон узатиб, - Башоратга сен, ҳаддан ортиқ катта аҳамият бериб юборяпсан!
- Лекин, - энтикиб кетди Гарри, - Ўзингиз айтдингиз-ку, башорат...
- Агар уни Вольдемомрт ҳеч қачон эшитмаган бўлса, рўёбга чиқар эдими? Бирон-бир маъно англатган бўлар эдими? Йўқ, албатта. Башоратлар залида сақланадиган башоратларнинг бари албатта рўёбга чиқади, деб ўйлайсан-ми?
- Бироқ сиз, - ҳайратланди Гарри, - Ўтган йили, ё Вольдемомрт мени, ё мен уни ўлдиришимиз керак, деган эдингиз...
- Негаки, Вольдемомрт профессор Треланининг башоратига кўра иш тутиб ниҳоятда катта хатога йўл қўйди, Гарри! Агар у отангни ўлдирмаганида, сенинг қалбингда бу қадар кучли қасос ўти аланга олган бўлар эдими? Йўқ! Агар ойинг сен учун ўз жонини фидо қилмаганида Вольдемомрт, энди

Ўзи буза олмаётган сеҳрли ҳимояни берган бўлар эдими сенга? Йўқ, албатта Гарри, йўқ! Наҳотки ўзинг кўрмаётган бўлсанг бунини? Вольдеморт, азалдан золим ҳукмдорлар йўл қўйиб келган каби катта бир хатога йўл қўйди, у ҳам бўлса, ўзига ўзи ашаддий душман яратиб олди. Ўша ҳукмдорлар ўзлари зулм ўтказганлардан қанчалик қўрқишини тасаввур қила оласанми? Улар кун ўтиб бир кун кўплаб мазлумлар орасида бош кўтариб, жавобан зарба берадиган одам топилишини идрок этишган! Вольдеморт бундан истисно эмас! Муносиб рақиб топилишидан хавфсираган Вольдеморт доимо сергак юрган. Башорат ҳақида эшитиб қолган Вольдеморт зудлик билан ишга киришиб, бемулоҳаза шошма-шошарлик оқибатида ўз қотилини танлабгина қолмай, ушбу рақибни ниҳоятда хавфли, ҳеч кимда бўлмаган қурол билан қуроллантириб қўйган!

- Бироқ...

- Бир нарсани тушуниб етишинг ниҳоятда муҳимдир! - деди Дамблдор ўрнидан туриб.

Хонанинг у бурчагидан бу бурчагига коржомасини хира милтиллаб шитирлатганча юрган Дамблдорни кузатиб ўтирган Гарри мактаб директорининг ҳали бундай ҳаяжонланганини кўрмаган.

- Сени ўлдиришга уринган Вольдеморт ўзига рақиб сифатида нафақат менинг рўпарамда ўтирган машҳур кишини танлаган, балки унинг қўлига кураш воситаларини ҳам тутқазиб қўйган! Унинг хаёлига сингиб кириб, кўзлаган ишини олдиндан кўра билишингда, у амр этадиган тилни тушуниб, илонзабон бўлишингда Вольдемортнинг ўзи айбдор! Шуниси ажабланарлики, Гарри, сен, ҳар қандай Ўлимдан мириқувчи эга бўлиш йўлида қотиллик содир этишдан тап тортмайдиган бундай имтиёзларга эга бўла туриб, ёвуз сеҳр-жодуга ҳеч қачон қизиқиш билдирмагансан, Вольдеморт сафига бориб қўшилиш борасида ҳеч қачон фикр билдирмагансан!

- Йўқ, албатта! - эътироз билдирди Гарри, - У менинг ота-онамни ўлдирган-ку!

- Бир сўз ила айтганда, сени айнан мен таъкидлаб келган, яъни Вольдемортнинг қудратига қаршилик кўрсатишга қодир бўлган яхши кўриш қобилиятинг ҳимоя қилмоқда! - деди Дамблдор баланд овозда, - Сени тўғри йўлдан оздириши мумкин бўлган ҳар хил васвасалар, бошингдан ўтган қанчадан-қанча азоб-уқубатларга қарамай, ўн бир ёшли боланинг соф юрагини сақлай билдинг. Кўнгилдаги орзулар кўзгусига қараб нимани кўрганинг эсингдами? Кўрганинг мангу ҳаёт ёки битмас-туганмас бойликлар эмас, фақат Вольдемортни йўқ қилишга интилиш бўлган. Ўхшаш нарсаларни ўша кўзгуда кўрган одамлар сони камдан-кам бўлганини биласанми, Гарри? Вольдеморт ўша фурсатнинг ўзида англаб етиши керак эди, қандай рақибга рўбару келиб қолганини, бироқ унинг ақли бунга етмади! Энди эса унга ҳаммаси аён бўлди. Сен унинг онгига ўзингга зиён етказмаган ҳолда сингиб кирар эдинг, у эса, вазирликда

маълум бўлишича, сенинг онгинга, фақат мисли кўрилмаган азоблар чеккан ҳолдагина сингиб кира олар экан. Ишончим комилки, Гарри, ушбу ҳолат сабабини унинг ўзи тушуниб етиши амри маҳол. Гап шундаки, у ўз руҳини парчалаб бузиб чиқишга шу қадар ошиқдики, инсоннинг яхлит, бузилмаган руҳининг қиёслаб бўлмас қудрати ҳақида ўйлаб кўришга улгурмади.

- Аммо, сэр, - оҳиста эътироз билдирди Гарри, директор баҳслашяпти деган хаёлга бормаслиги учун, - Нима қилган тақдирда ҳам, буларнинг оқибати бир нарса бўлиб чиқяпти шундай эмасми, яъни мен уни ўлдиришга уриниб кўришим керак, ё у мени?...

- Уриниб кўришим керак? - хитоб қилиб юборди Дамблдор, - Албатта уриниб кўришинг керак! Бироқ башоратда шундай дейилгани учун эмас! Токи шу ишга қўл уриб кўрмагунинга қадар тинчингни топа олмаслигинг учунгина уриниб кўришинг керак! Буни биз иккаламиз биламиз. Энди, Гарри, бир дақиқага ҳеч қандай башорат ҳақида эшитмаганингни фараз қилиб кўр! Ана ўшанда Вольдемортга нисбатан нимани ҳис этган бўлар эдинг? Яхшилаб ўйлаб кўр.!

Гарри хонанинг бу бурчагидан нариги бурчагига бориб қайтаётган Дамблдорга қараб ўтирар экан, ўйлай бошлади: ўлдирилган ота-онаси, Сириус, Седрик Диггори ҳақида, Вольдеморт томонидан амалга оширилган барча ёвузликлар ҳақида ўйлади. Кўкрак қафасида кучли куйдирадиган аланга юзага келиб, томоғига қадар етиб келди.

- Мен унинг жонини ўзим, ҳеч қандай башорат-машоратсиз, суғуриб олишни истаган бўлар эдим, - аста жавоб берди у.

- Тўппа-тўғри! - хитоб қилиб юборди Дамблдор, - Башоратда сен бирон нима қилишинг кераклиги айтилмаган! Бироқ ўша башорат туфайли Вольдеморт ўзига тенг кўрганидан далолат берувчи тамғани айнан сенга босган... Сен ҳеч қандай башорат ҳақида ўйламай, ўз йўлингдан боришинг мумкин, албатта! Бироқ Ёвуз Лорд башоратга мувофиқ иш тутуди ва хавф туғдирганинг, унга маълум бўлмаган қудратга эга бўлганинг боис, сени таъқиб қилиб, овлаб юради. Бу эса ўз навбатида...

- Биримиз, иккинчимизнинг қўлидан ажал топишини, иккаламиздан фақат биримиз жангдан омон чиқишимизни англатади, - башорат матни ила Дамблдорнинг фикрини якунлади Гарри.

Дамблдор нима демоқчи бўлганини Гарри ниҳоят тушуниб етди. Киши қонли жанг майдонига туртилиб, мажбур чиқарилгани бошқа, бошини мағрур кўтарганча, ўзи киргани бошқа. Эҳтимол кимдир буларнинг фарқи у қадар катта эмас деб айтар, хаёлдан ўтказди Гарри, лекин мен билан Дамблдор аниқ биламизки, қолаверса ота-онамнинг руҳлари ҳам билишадики, фарқи ниҳоятда катта!

XXIV БОБ. СЕКТУМСЕМПРА

Уйқуга тўймаган, лекин тун давомида амалга оширган зўр ишидан мамнун бўлган Гарри эрталаб, афсун ўқиш фанида, Рон билан Гермионага кеча бўлиб ўтган ишларни оқизмай-томизмай айтиб берди. Атрофда ўтирган одамлар унинг ҳикоясини эшита олмаслиги учун эса Маффлиато афсунини қўллади. Дивангарднинг хотирасини уддабуронлик-ла қўлга кирита олган Гаррига, табиийки, иккала ўртоғи тасанно айтиб, Вольдемортнинг руҳдонлари-ю, Дамблдорнинг, ўша буюмлардан бирортаси топилса, Гаррини ўзи билан олиб кетиш борасидаги ваъдасини эшитиб, ҳанг-манг бўлиб қолди.

- Йўғ-е, - ҳайратланиб кетди, сеҳрли таёқчасини шифтга ўқтаганча, тартибсиз ҳаракатлантираётган Рон, Гаррининг мароқли ҳикояси ниҳоясига етгач, - Демак, Дамблдор сени ҳам олиб борар эканда, а? Сен билан бирга йўқ қилиш учун-а!... Қара-я!...

- Рон, ҳамма ёққа қор бостириб юбординг, - деди Гермиона, Роннинг қўлидан ушлаганча, унинг сеҳрли таёқчасини оппоқ қор пағалари ёғаётган шифтдан олиб.

Сал нарида ўтирган Лаванда Браун йиғлаб қизарган кўзини Гермионага ўқрайтирди. Гермиона шу заҳоти Роннинг қўлини қўйиб юборди.

- Ие, ростдан ҳам, - ўзининг елкасига ҳайрон бўлиб қаради Рон, - Кечирасиз... худди ҳамманинг бошини қалин кепак босгандай бўлиб қолибди.

Рон Гермионанинг елкасини қоқиб сунъий қор учқунларидан тозалади. Буни кўрган Лаванда ҳўнграб юборди. Ўзини айбдор кишидай ҳис этган Рон эса қизга аста тескари ўгирилиб олди.

- Биз ажрашиб кетдик, - пичирлаб маълум қилди у Гаррига, - Кеча кечқурун, сен устингга кўринмас плашингни ташлаб олганинг боис, ётоқхонадан фақат Гермиона иккаламиз чиқаётганимизни кўрган ва табиийки, тегишли хулосага борган.

- Сен... Иш шу тарзда ниҳоясига етганидан хурсандсан-ку, шундай эмасми? - фикр билдирди Гарри.

- Ҳа, - жавоб берди Рон, - Иш эмас ишқ. Менга роса ўшқириб, ичини анча бўшатиб олди. Бир томондан, шуниси ҳам яхши бўлди. Алланималарни тушунтириб, ўзимни оқлашга мажбур бўлмадим.

- Қўрқоқ, - таъкидлаб ўтди Гермиона, мамнуниятсиз оҳангда, - Кечаги кун, назаримда, жамики севишганлар учун омадсиз кун бўлган кўринади, Гарри. Негаки, Жинна билан Дин ҳам кеча ажрашиб кетишди. Гаррига қараб қўйган Гермионанинг пурмаъно нигоҳидан: «Нима демоқчи бўлганимни тушунгандирсан?!», - деган фикрини уқиб олиш у қадар қийин бўлмади. Гаррининг ичидаги махлуқ хурсандлигидан рақсга туша кетди. Шундай бўлса-да, юзига имкон қадар бепарволик қиёфасини беришга уринган Гарри, ясама лоқайд оҳангда сўради:

- Тинчликми? Уларнинг орасидан қанақанги ола мушук ўтибди?
- Бир тутуриқсиз сабаб туфайли... - тушунтириш берди Гермiona, - Жиннанинг назарида Дин доимо уни, худди ногирон қиз билан муомала қилган каби, портрет ортидаги туйнукдан кўтариб ўтишга уринар эмиш. Умуман айтганда эса, бу жанжал Жиннанинг аллақачон тўлиб қолган сабр косасига етмай турган сўнгги томчи бўлди.
- Гарри синф хонасининг нариги бурчагида ўтирган Динга қараб қўйди. Йигитнинг башарасидан кўриниб турибдики, ҳозир ушбу ёруғ оламда ундан баттар бахтсиз одам йўқ.
- Энди эса оғир аҳволда тараддудланиб қолдинг, шундайми? - сўради Гермiona.
- Яъни? - шошиб қолди Гарри.
- Жамоани назарда тутяпман, - тушунтириш берди Гермiona, - Агар аразлашиб қолган Жинна билан Дин гаплашмай қолишса...
- А! Ҳа, - хаёлини йиғиб олди Гарри.
- Флитвик келяпти, - огоҳлантирди Рон.
- Болалар олдига афсун ўқиш фанининг пастак бўйли ўқитувчиси Флитвик қўйилган вазифа ижросини текширгани келди. Ош сиркасини винога фақат Гермionaгина айлантириб, шиша колбадаги суюқликка тўқ бинафша тус бера олган. Гарри билан Рон ихтиёридаги колбалар эса хира жигар ранг бўлганча қолган.
- Хўш, хўш, йигитлар, - таъна оҳангида чийиллади Флитвик, - Камроқ гапириб, кўпроқ ишлашни ўрганинглари. Қани кўрсатинг, ҳунарингизни... Сехрли таёқчаларини кўтарган Гарри билан Рон фикр-хаёлни йиғиб, ҳар бири ўз колбасига йўллади. Гаррининг сиркаси муз бўлагига айланиб қолган бўлса, Роннинг колбаси тарс портлаб кетди.
- Ҳ-а-а... шундай қилиб, уйга вазифа, - вайсади стол остидан чиқиб келган Флитвик, шиша парчаларини шляпа ичига йиғиб, - Машқ, машқ ва яна машқ.
- Камдан-кам бўлган каби, бўш вақтлари бир вақтга тўғри келиб қолган Гарри, Рон ва Гермiona афсун ўқиш фанидан сўнг умумий меҳмонхона томон йўл олишди. Лаванда билан жанжаллашиб, ажрашиб кетгани учун қайғуриш Роннинг хаёлига ҳам келгани йўқ. Гермiona ҳам қувноқ, гарчи нимадан бу қадар хурсанд эканлиги борасидаги саволга куннинг яхши ўтаётганини баҳона қилиб кўрсатган бўлса-да. Гаррининг ичидаги махлуқ билан қандай даҳанаки кураш кечаётганини йигитнинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди.
- У Роннинг синглиси.
- Дин билан ажрашиб кетибди-ку, ахир!
- Бироқ у Роннинг синглиси бўлганча қолади.
- Нима қилибди, мен унинг энг яқин дўстиман-ку!
- Бундай ҳолат вазиятни баттар чигаллаштириб юборади.
- Дастлаб Рон билан очиқчасига гаплашиб кўрсам-чи?...

- Бу ҳақда оғиз очишинг билан башарангга қўйиб юборади.
 - Менга фарқи йўқ.
 - Сен унинг энг қадрдон дўсти эдинг, шекилли...
- Қуёш ёритган умумий меҳмонхонага кирганини сезмай қолган Гарри, еттинчи синф ўқувчиларининг бир ерда ғуж тўпланиб олган гуруҳига ҳам эътибор қаратмади.
- Кэтти! Кэтти қайтибди! Салом, қалайсан! - кутилмаганда қичқириб юборди Гермиона.
- Ўқувчилар гуруҳи томон қараган Гарри чиндан ҳам завқ-ла қувонаётган дўстлари даврасида соппа-соғ турган Кэтти Беллни кўрди.
- Ҳа, соппа-соғман! - қувонч-ла жавоб берди қиз, - Душанба куни Муқаддас Резги касалхонасидан чиқиб, икки кун уйда, ота-онам билан бўлдим. Бугун эрталаб мактабга қайтдим... Лин сўнгги ўйин ва Маклагген ҳақида айтиб бераётган эди менга, Гарри...
 - Тушунарли, - бош ирғиди Гарри, - Модомики Рон иккалангиз соғ-саломат қайтган экансизлар, кубок учун курашни давом этиб, равенклочиларга кўрсатиб қўямиз, ўйин қанақа бўлишини. Қулоқ сол, Кэтти... - пичирлашга ўтди Гарри, Жиннани вақтинча унутиб, - Анави шода масаласида... ким берганини эсладинг-ми?
 - Йўқ, - бошини маъюс чайқади қиз, машғулотга йўл олган дугоналари ортидан қараб қўйиб, - Ҳамма мендан шуни сўрайди, мен эса ҳеч нарсани эслай олмайман. «Уч супурги»даги қизлар хонасига кирган фурсатимни эслай оламан.
 - Ичкарига кирган эдингми? - қизиқди Гермиона.
 - Бўлма эшигини очганим аниқ эсимда, - деди Кэтти, - Қарам қилиш қарғишини қўллаган киши афтидан, эшик ортида шай турган. Ундан кейин нима бўлганини эслай олмайман... Муқаддас Резги касалхонасида ўтган сўнгги икки ҳафтани эслайман холос... Бормасам бўлмайди... Макгонагалл бугун мактабга қайтганимнинг биринчи куни эканлигига қараб ўтирмайди... қандайдир бемаъни нарсани ёзишга мажбур қилади... Юк халтасини чангаллаган Кэтти синфдошларининг ортидан югуриб кетди. Дераза олдидаги стол атрофига ўтирган Гарри, Рон ва Гермиона эса Кэттининг сўзларини муҳокама қилишга киришишди.
 - Модомики, ўша ҳодиса қизлар хонасида рўй берган экан, демак шодани қиз бола ёки аёл киши ушлатиб қўйган, - деди Гермиона.
 - Ёки аёл қиёфасини касб этиб олган эркак киши, - аниқлик киритди Гарри, - Мактабда бир қозон ҳамма қиёфа сиркаси борлигидан хабардор бўлиб, озгинаси йўқолиб қолганини ҳам биламиз...
- Унинг хаёлий нигоҳи олдида турли-туман қизлар қиёфасини касб этаётган Краббе билан Гойлнинг узундан-узоқ навбати гижинглаб ўтди.
- Назаримда, бахт-у, толедан яна уриб олиб, Даркор хонага киришга боз уриниб кўришим керакка ўхшайди.
 - Дамламани увол қилган бўласан, - деди юк халтасидан чиқарган

«Толковиннинг сирли ёзувлари» дарслигини стол устига қўйган Гермиона, қатъий баёнот оҳангида, - Омад, Гарри, иш битганини англатмайди. Дивангард масаласи бошқа гап, зеро сен унга доимо таъсир ўтказиб кела олгансан ва шу боис, тақдирни бироз қистовга олиш кифоя бўлган. Бироқ кучли тилсимга қарши борар экансан, омаднинг ўзи камлик қилади. Шундай экан, дамламани беҳуда сарф этма! Модомики, - пичирлай кетди у, - Дамблдор сени ўзи билан олиб кетар экан, омад ўша ерда жуда асқатади...

- Яна тайёрласа бўлмасмикан, а? - сўради Гермионага эътибор қаратмаган Рон, - Захираси кўпроқ бўлса ёмон бўлмайди-ку. Қани... - қистади у Гаррини, - Қара-чи, дарслигинга...

Гарри «Олий дамламачилик»ни чиқариб варақлаганча, бахт-у, толе дамламасини тайёрлаш мавзусини қидириб топиб, тайёрлаш жараёни-ю, талаб этиладиган таркибий қисмлар рўйхатини ўрганиб чиқди.

- Жин урсин, - деди у ниҳоят, - Жуда мураккаб жараён... кам деганда ярим йил вақт керак бўлар экан... чунки... баъзи нарсалар узоқ ивителиди...

- Ўзи шунақа бўлади, - хўрсинди Рон, - Бизга келганда, афсуски, ариқдаги сув ҳам қуриб қолади...

Дарсликни халтага солаётган Гарри китобнинг бир неча ҳафта олдин ўзи букиб қўйган саҳифасига кўзи тушиб қолди. Саҳифани очиб «Душманга қарши» сўзлари устидан кишини қизиқтириб қўядиган тарзда тимдалаб ёзилган Сектумсемпра қарғишини кўрди. Қулай фурсат келганда, ушбу қарғишни Маклаггенда синаб кўрмоқчи, лекин Гермионадан чўчиб юрибди.

Квидиш жамоасида Кэтти Беллнинг ўрнини вақтинча эгаллаб турган Дин Томасгина қизнинг соғайиб кетганидан самимий севина олмас эди. Ўринни бўшатиб қўйиш борасидаги Гаррининг талабини мардонавор қабул қилган Дин, алланима деганча елка қисиб қўйди холос. Шундай бўлса-да, хонадан чиқиб кетаётган Гаррининг қулоғига Дин билан Симуснинг домангир шивирлашгани чалинди.

Гарри сардор бўлгандан буён жамоа бу қадар зўр учмаган. Жамоа аъзолари Маклаггендан ниҳоят қутулгани ва Кэттининг қайтганидан хурсанд бўлиб, сўнгги икки ҳафта давомида бор имконини ишга солиб учишмоқда.

Жинна Дин билан ажрашиб кетганидан мутлақо қайғурмади, аксинча, ҳаммани кулдиран экан, жамоанинг кайфиятини кўтариб, далда бериб борди. У дам Ронни мазах қилганча, кваффлни кўриб, халқалар олдида қармоқ пўкагидай сакраб қолар, дам Гаррининг Маклаггенга овози хириллаб қолгудай даражада бақириб, ерга ҳушсиз йиқилган ҳолатини тасвирлар эди. Ҳамма билан тенг кулиб, Жиннадан кўз уза олмай қувонаётган Гаррининг фикри-хаёли ўйиндан чалғигани боис, тажовузкор тўплардан бир неча маротаба жиддий зарба еди.

Унинг фикр-хаёлида ҳамон жанг кечмоқда: Жинна ёки Рон? Рон Лаванда билан базўр ажраша олгач, Жинна билан учрашиб юришимга қаттиқ қаршилиқ кўрсатмаса керак, хаёлдан ўтказди баъзан Гарри. Лекин Жинна билан Диннинг ўпишиб турганини кўрган Роннинг нигоҳини эсласа, Жиннага қўл теккизиши ҳамано, сотқин дея эълон қилинишини тасаввур қилиб кўрди...

Шундай бўлса-да, у ўзини ўзи Жинна билан гаплашмаслик, у билан бирга кулмаслик, машқдан кейин бирга қайтмасликка мажбур қила олмас эди. Виждон азоби қийнаётганига қарамай, қиз билан ёлғиз қолишни орзу қилмоқда. Қанийди Дивангард Рон таклиф қилинмайдиган оқшомини яна уюштирса. Аммо афсуски, афтидан, Дивангард бундай оқшомларга нуқта қўйган кўринади. Бу масалада Гаррининг миясига, ёрдам сўраб Гермионага мурожаат қилиш хаёли ҳам келди, лекин қизнинг ҳамма нарсани дарҳол фаҳмлаб оладиган нигоҳига бардош бера олмаслигини ўйлаб, шу заҳоти фикридан қайтди. Чунки Жиннанинг ҳазилларидан мириқиб кулаётгани, унга узоқ тикилиб қолаётганини Гермиона, афтидан, шундоқ ҳам сезиб юрган кўринади. Яна бир хаёл Гаррига тинчлик бермайди: Жиннани учрашувга бошқа биров таклиф қилиб қолса-чи? Жиннанинг ҳаддан ортиқ машҳурлиги яхшилиқка олиб келмаслиги – Гарри билан Рон иккаласининг умумий фикри бўлиб қолган.

Бахт-у, толе дамламасидан бир ҳўплагина ичиб олишга қизиқиш кундан кунга ошиб бормоқда. Гермионанинг таъбири ила айтганда: «Тақдирни бироз қистовга олиш» учун зарур бўлган ҳолат эмасми, бу? Май ойининг ёқимли илиқ кунлари тез ўтмоқда. Жинна кўринган жойда эса Рон ҳам бор. Замона зайли ила Рон ўз синглиси билан қадрдон дўстининг тақдирларини бирлаштиришни кутилмаганда истаб қолиши ва лоақал уч сонияга бўлса ҳам, уларни ҳоли қолдириши – Гаррининг сўнгги вақтдаги ушалмас орзусига айланиб қолди. Минг афсуски, квидиш мавсумининг финал ўйини яқинлашиб, Роннинг ягона истаги – Гарри билан ўйин тактикасини муҳокама қилиш бўлиб қолмоқда.

Қолаверса, бунинг ҳайрон бўладиган ери йўқ. Чунки бутун мактаб «Гриффиндор» билан «Равенкло» ўртасида ўтадиган бўлғуси учрашув ҳақида қизғин баҳслашмоқда. Зеро, чемпионлик масаласи ҳамон очиқ қолиб, ушбу учрашув узил-кесил ҳал этадиган учрашув бўлади.

«Гриффиндор» жамоаси кам деганда уч юз очко билан ғолиб чиқсагина, биринчи ўринни эгаллаши мумкин. Мураккаб вазифа, лекин Гаррининг жамоаси ҳали бу даражада зўр учмаган. Агар ғалаба, бундан кам очколар сони билан қўлга киритилмайдиган бўлса, «Гриффиндор» «Равенкло»дан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Агар юз очко фарқи билан ютқазса, «Гриффиндор» учинчи ўринни эгаллайди, яна «Равенкло»дан кейин ёки тўртинчи ўринга тушиб кетади. Ва ўшанда, «Гриффиндор» жамоаси сўнгги икки юз йил ичида илк бор бу қадар шармандали ютқазган йили жамоа сардори айнан мен бўлганимни ҳеч ким, ҳеч қаерда ва ҳеч қачон

унутмайди ва менга ҳам унутишга йўл қўймайди, хаёлдан ўтказди Гарри. Ўта муҳим ўйинга тайёргарлик жараёни одатдагидай кечмоқда, хусусан: қаср йўлаклариди рақиб-коллеж ўқувчилари бир-бирининг жиғига тегмоқда;

бўлажак ўйиннинг айрим иштирокчилари шарафига атайин тўқилган масхараомуз тўртликлардан, уларнинг баъзилари умумий эътибордан завқланганча, ғурур-ла юрса, бошқа бирлари асабийлашиб, ҳаяжондан кўнгли беҳузур бўлиб, ҳожатхонага югурмоқда.

Гарри ўзининг Жинна билан муносабатини бўлажак ғалаба ёки мағлубият ила чамбарчас боғлаган. Мабодо ғалаба, уч юз очко устунлик билан қўлга киритилса, оммавий хурсандчилик, зафар шарафига уюштирилган сершовқин кеча, ўша бахт-у, толе дамламасининг каттагина ҳўпламидан кам бўлмаган даражада ижобий таъсир қилишига Гарри чин юракдан ишонади.

Бироқ кўп ташвишлар бўлишига қарамай, Малфойни кузатиб юриш ишлари Гаррининг ёдидан бир дақиқа бўлсин, чиққани йўқ. У Кафандузд харитасини тез-тез очиб текширар ва модомики Малфой харитада кўринмай қолар экан, демак унинг Даркор хонадаги иши ҳалигача битмагани борасида хулосага келар эди. Гарри ўша хонага кириш умидини деярли йўқотиб бўлди. Лекин шундай бўлса-да, ҳар сафар ёнидан ўтар экан, навбатдаги уринишини канда қилмади. Аммо унинг илтимослари мазмунан минг ўзгармасин, Даркор хона ўз эшигини кўрсатмади.

«Равенкло» билан ўтадиган ўйинга бир неча кун қолганда, ўйин ҳақида ўйлаб, кўнгли боз беҳузур бўлиб кетган Рон яқин орадаги ҳожатхонага югура кетгани, Гермiona эса арифмантика бўйича сўнги ишда йўл қўйган хатосини муҳокама қилиш учун профессор Векторнинг ҳузурига равона бўлгани боис, Гарри кечки овқатга ёлғиз ўзи йўл олди. Хоҳиши у қадар кучли бўлмаса-да, Гарри, одатга кўра, еттинчи қаватнинг йўлаги томон бурилиб, йўл-йўлакай Кафандузд харитасига қараб қўйди.

Харитада Малфойни топгач, ҳозир у ҳар галгидай Даркор хонага кириб ғойиб бўлишини кутди. Бироқ бироздан сўнг, Малфой бир қават пастда, Краббе ва Гойл билан эмас, Дилгир Миртл билан бирга кўринди. Ушбу бир-бирига мутлақо тўғри келмайдиган жуфтликка ҳайрат-ла бақрайиб қолган Гарри рицарлар аслаҳасига тикка бориб урилиб, темир-терсак гумбураб қулаганидан сўнгина, хаёлини йиғиб олди. Ҳодиса жойига Филч етиб келмасдан олдин жуфтакни ростлаган Гарри мраммар зина бўйлаб бир қават пастга тушди-да, йўлак бўйлаб жадал одимлади. Ҳожатхонага етгач, қулоғини эшикка босди. Ичкаридан ҳеч нима эшитилмагач, эшикни аста очди.

Қўли билан ювиниш чаноғини маҳкам чангаллаб олган Драко Малфой оқ сариқ сочли бошини паст энгаштириб олганча, Гаррига тескари ўгирилиб турибди.

- Қўй энди, йиғлама... - эшитилди Дилгир Миртлнинг ғуруллаган овози бўлмалардан бирининг ичидан, - Менга айт... ёрдам бераман...
- Менга ҳеч ким ёрдам бера олмайди, - жавоб берди, бутун танаси титраётган Малфой, - Қўлимдан келмаяпти... уддалай олмаяпман... бўлмайдиган кўринади... бажармасам, бажара олмасам... тез орада мени ўлдиришни ваъда қилган...

Малфой йиғлаяпти, идрок этди Гарри, ҳаяжони оёғини ерга ёпиштириб қўйган даражада, Малфой ростакамига йиғлаяпти!

Кўз ёшлари рангпар лунжидан оқиб, ифлос чаноққа томчилаётган Малфой сесканганча чуқур нафас чиқариб, бошини дарз кетган кўзгуга кўтариши ҳамоно, ҳайрат тўла нигоҳини қадаб турган Гаррининг аксини кўрди. Қўлига сеҳрли таёқчасини олиб, кескин ортга ўгирилди.

Гарри ҳам шу заҳоти сеҳрли таёқча билан қуролланди. Малфой йўллаган қарғиш яшини Гаррининг ёнидан учиб ўтиб, деворга маҳкамланган фонусни уриб синдирди. Ён томон сакраб ўтган Гарри сеҳрли таёқчасини силтаганча ички овоз-ла «Левитана!» тилсимини қўллади. Гаррининг тилсимини қайтарган Малфой боз қарғиш қўллаш учун қўлини кўтарди...

- Йўқ! Йўқ! Бас қилинг! - ҳўнгради Миртл, - Бўлди! Бас! Бас!

Унинг дод-фарёди кошин билан қопланган хонада акс-садо бериб янграмоқда.

Алланима қулоқни қар қилар даражада гумбурлаб, ортда турган чиқинди челаги портлаб кетди. Гарри йўллаган кишан қарғишининг яшини Малфойнинг қулоғи ёнидан учиб ўтиб, девордан сапчиганча Дилгир Миртлнинг ортида турган сув бачогини пачақлади. Миртл овози борича чинқирди, ҳамма ёқни сув босиб, сирпаниб кетган Гарри ерга қулади. Юзи нафратдан буришиб кетган Малфой қичқириш учун оғиз жуфтлади:

- Круси...

- СЕКТУМСЕМПРА! - ўкириб юборди ерда ётган Гарри, қўлидаги сеҳрли таёқчани қутуриб кетгандай силтаб.

Малфойнинг юзи билан кўкрагидан худди кўринмас қилич-ла чопиб ташланган каби, қон сачради. Бироз гандираклаб тўхтагач, ортга бир қадам ташлади-да, полдаги кўлмакка шалоплаб қулади, сеҳрли таёқчаси эса бўшашган қўлидан чиқиб кетди.

- Йўқ... - паст овозда хириллади Гарри.

Бедармон оёғида базўр турган Гарри юзи қизариб ялтираётган, бўздай оқарган қўли қонаётган кўкрагини жонсиз тимдалаётган рақибининг олдига югурди.

- Йўқ... йўқ... йўқ... Мен бундай қилмоқчи эмас эдим...

Гарри нима деётганини ўзи билмайди. У қони кўлмагида тинимсиз титраб ётган Малфойнинг танаси ёнида тиз чўкиб йиқилди. Дилгир Миртл шу заҳоти чириллади:

- ҚОТИЛЛИК! ҚОТИЛЛИК! ҲОЖАТХОНАДА ҚОТИЛЛИК!

Эшик қарсиллаб очилди. Гарри бошини кўтариб, даҳшатдан оҳ уриб

юборгудай бўлди: ҳожатхонага ғазабдан қутуриб кетган Снегг югурганча кириб келди. У Гаррини қўпол туртиб, Малфойнинг ёнига тиз чўкди-да сеҳрли таёқчасини чиқариб, қарғиш яшини ҳосил қилган чуқур жароҳатлар устида юргизди ва айнаи вақтда, худди қўшиқ сингари эшитилган қарғишга қарши қарғиш ўқиди. Қон оқими тўхтади. Снегг ўз тилсимини такрорлаганча, Малфойнинг юзидаги қон қолдиқларини бартараф этди. Бироздан сўнг, жароҳат ўрни битди.

Эгнидаги кийими сув ва қон-ла шалаббо бўлган Гарри ўз қилмишидан ларзага келганча, иккаласига бақрайиб қолди. Дилгир Миртл ҳиқиллаганча шифт остида учиб юрибди. Снегг қарғишга қарши қарғишни ўқиб тугатгач, Малфойга оёққа туришга ёрдам берди.

- Зудлик билан касалхонага бориб, оқ шумтол дамламасини ичишинг керак. Акс ҳолда жароҳат ўрнида чандиқ қолиши мумкин... Юр, элтиб қўяман сени...

Малфойни чиқиш томон етаклаб, эшикка етган Снегг шартта ортга ўгирилди-да, муздай нафрат-ла Гаррига кўрсатма берди:

- Сен, Поттер... мени шу ерда кут.

Итоатсизлик мавриди эмас. Вужуди титраганча, оёққа турган Гарри, полдаги кўлмақда худди қизил гулга ўхшаб сузаётган қон доғларини кўрди. Ҳозир унинг баланд овозда берилиб ҳўнграётган Миртлдан жим бўлишни илтимос қилиш учун ҳам мадори йўқ.

Ўн дақиқа ўтар-ўтмас қайтиб келган Снегг ҳожатхонага кириб, эшикни ичкаридан ёпди.

- Йўқол, - буюрди у, Миртлга.

Арвоҳ шу заҳоти бамисоли балиқ каби унитазга шўнғиб, кўздан ғойиб бўлди. Ҳожатхонада жарангдор сукунат қарор топди.

- Ундай бўлишини хоҳлаганим йўқ. Умуман айтганда, ўша қарғиш тўғрисида ҳеч нима билмас эдим, - деди Гарри, овози сув босган совуқ хонада акс-садо ила янграб.

- Назаримда, Поттер, - паст овозда гап бошлади Снегг, Гаррининг сўзларига эътибор қаратмай, - Мен сенга муносиб баҳо бермаган кўринаман. Энг ёвуз сеҳр-жоду қарғишларини билишинг хаёлимга келибди-ми? Хўш, қаердан билдинг бундай қарғиш борлигини?

- Мен... қаердадир ўқиган эдим.

- Қаерда?

- Кутубхонадан олинган китоблардан аллақайси бирида, шекилли, - тез тўқий бошлади Гарри, - Номи эсимда йўқ...

- Каззоб, - гапни бўлди Снегг.

Томоғи шу заҳоти қуриб қолган Гарри, ўқитувчи нима қилмоқчи бўлганини билса ҳам, тўсқинлик қила олмади. Атроф хиралашди. Гарри ҳеч нарсани ўйламасликка уринди-ю, бироқ чала зот Шаҳзоданинг хаёлий, хира дарслиги ўзидан ўзи онг юзасига чиқиб қолди...

Яна сув босиб, вайронага айланган ҳожатхона. Гарри ташвиши ортиқча

эканлиги, ўқитувчи ўша манхус дарсликни кўрмаганига ишонган ҳолда, Снегнинг қоп-қора кўзига мантиққа хилоф равишда тик қараб турибди, бироқ...

- Юк халтангни олиб кел, - тилёғлама силлиқ оҳангда буюрди Снегг, - Дарсликларингни ҳам... ҳаммасини, биттасини ҳам қолдирмай. Шу ерга. Тез!

Гап талашишдан ҳозир маъни йўқ. Гарри тескари ўгирилиб, сув шалоплатганча ҳожатхонадан чиқди. Остонадан ҳатлаб чиқиши ҳамоно Гриффиндор минораси томон елдай учди. Рўпарадан келаётган ўқувчиларнинг аксарияти бошдан-оёқ ҳўл, қонга беланган Гаррига ҳайрат-ла бақрайиб, ортидан савол ёғдириб қолишди. Ҳеч кимга жавоб бермаган Гарри йўлини давом этганча югурди.

Ҳозир унинг ичи, худди уйда бир умр боқиб келган миттигина беозор ҳайвони кутилмаганда даҳшатли махлуққа айланиб қолгандек ағдар-тўнтар бўлиб кетган. Чала зот Шаҳзода ўша қарғишни ёзаётганда нималар ҳақида ўйлаган эди? Ахир бу масъулиятсизлик-ку! Снегг кўриб қолса нима дейди? Бор гапни Дивангардга айтиб берадими? Гаррининг дамламачилик борасида қўлга киритган ютуқлари аслида сирли найранг эканлиги шу тарзда фош бўлса-я?! Гаррининг ичаги оғриб кетди: наҳотки уни кўп нарсаларга ўргатган, ўзига хос дўст, устоз бўлиб қолган китоб энди мусодара этилиб, йўқ қилинса-я?! Бунга йўл қўйиб бўлмайди!...

- Қаёққа кетяпсан?... - сўради ётоқхона зинасининг тепасига етган Рон, - Нима бу?... Нега бошдан-оёқ ҳўл-шалаббо... Мана бу қон-ми?...

- Менга сенинг дарслигинг керак, - ҳансиради Гарри, - Дамламачилик бўйича.

Рон юк халтасидан ўзининг «Олий дамламачилик» дарслигини чиқариб, Гаррига узатди.

- Ҳа... шу... тезроқ бер бу ёққа...

- Ҳой, чала зот Шаҳзоданинг...

- Кейин... ҳаммасини кейин айтиб бераман...

Гарри дарсликни олиб, ётоқхонадан умумий меҳмонхонага шўнғиди ва кечки овқатдан эрта қайтганларнинг ҳайрон нигоҳларига эътибор қаратмай, юк халтасини чангаллаганча, портрет тўсган туйнукдан отилиб чиқиб, еттинчи қават йўлаги бўйлаб ўқдай учди.

Рақсга тушаётган троллар тасвирланган гобелен ёнидан ўтар экан, кескин тўхтаб, кўзини чирт юмди-да, ўзини секин юришга мажбур қилди:

- Дарслигимни яшириб қўядиган жой керак менга... Дарслигимни яшириб қўядиган жой керак менга... Дарслигимни яшириб қўядиган жой керак менга... - деди у, текис девор ёнидан уч бор ўтиб.

Гарри кўзини очди. Ниҳоят! Эшик! Гарри Даркор хонага кириб, эшикни ичкаридан бекитди-да, шу заҳоти серрайиб қолди.

Кўзга кўринган нарса Гаррини, гарчи ҳозир у шошаётган, Снегг билан ўтадиган суҳбатдан ҳайиқаётган ҳолатда бўлса ҳам, беихтиёр донг

қотирди. Гарри катталиги бош черков хонасидек келадиган хонага кириб қолган. Баланд деразалардан тушаётган ёруғлик устунлари «Хогварц» ўқувчиларининг кўпдан кўп авлоди томонидан яшириб келинган турлитуман буюмларнинг бутун бошли шахрини ёритмоқда. Ушбу шаҳарда синган мебелнинг лиқиллаб турган пирамидалари орасида ҳосил бўлган катта-кичик кўчалар мавжуд. Мебеллар, ё ношуд сеҳргарлар, ё қаср чиройини сақлаш борасида жон куйдираётган уй эльфлари томонидан киритилган кўринади. Бу ерда, афтидан, ман этилган, ё чизиб юборилган ёки ўғирланган минглаб китоблар, айримлари ҳалигача тирик, баъзилари учиб юрган вишиллайдиган «тук арилар», ичидаги дамламаси қотиб, сирти дарз кетган шиша идишлар, шляпалар, безаклар, ридолар, аждар тухумининг пўчоғи, тиқини маҳкам ёпилган бўлиб, ичидаги мудҳиш суюқлик ялтираб кўринаётган бошқа шиша идишлар, занг қоплаган шамширлар, тиғида қон доғи қолган каттагина вазмин болта ва шу каби минглаб буюмлар кўринди.

Гарри хазиналар орасида ҳосил бўлган «шаҳар кўчалари»дан бирига тез кириб, баҳайбат толль тулуми ортида ўнгга бурди-да, қисқа йўлак бўйлаб югурди. Ўтган йили Монтегью ичига кириб, йўқолиб қолган ғойиб қилиш жавонига етганда чапга бурилиб, афтидан, қачонлардир устига кислота тўкиб юборилганидан сиртида пуфакчалар ҳосил бўлган катта буфет ёнида тўхтади. Гарри буфетнинг ғичирлайдиган эшигини очди. Кимдир унинг ичига аллақандай қуш қамалган қафасни киритган. Қуш аллақачон ўлган бўлиб, скелетида бешта панжа борлиги кўринди. Гарри чала зот Шаҳзоданинг дарслигини ушбу қафас ортига жойлаб, буфет эшигини ёпгач, қутуриб кетгандай ураётган юрагини бироз тинчлантириш учун шошмай турди. Буюмлар уюми орасида ушбу буфетни топа олармикан? Гарри буфет яқинида турган сават қопқоғи устидаги бадбашара азайимхон бюстини чангаллаб олиб, буфет устига ўрнатди-да, кўринарлироқ бўлиши учун, ҳайкал бошига улама соч, соч устидан эса хиралашиб кетган тож кийдириб қўйди. Шундан сўнг, чиқиш эшиги томон югуриб, йўлакка чиқди. Йўлакка чиқиши ҳамона Даркор хона эшиги даф бўлди.

Гарри олтинчи қават томон елдай учиб, йўл-йўлакай Роннинг «Олий дамламачилик» дарслигини юк халтасига тиққанча, бир дақиқа ўтар-ўтмас Снегг қаршисида ҳозир бўлди.

Бир оғиз сўз айтмаган Снегг қўлини Гаррининг юк халтасига узатди. Халтани узатган Гарри кўкраги оғриб ҳансираганча қисмати нима билан ҳал бўлишини кутиб турди.

Снегг китобларни халтадан битта-битта чиқарар экан, ҳар бирини диққат билан кўздан кечирди. Навбат ниҳоят дамламачилик китобига етди.

Снегг уни бошидан охиригача диққат билан ўрганиб чиқиб, охири тилга кирди:

- Сенинг «Олий дамламачилик» дарслигинг-ми, бу, Поттер?

- Худди шундай, - жавоб берди нафасини ҳамон ростлай олмаган Гарри.
- Ишончинг комилми?
- Комил, - жавоб берди Гарри, бироз суллоҳлик оҳангида.
- Яъни «Жимжимадор ва сиёҳ доғи» китоб дўконидан харид қилган дарслигинг, шундайми?
- Шундай, - қатъий жавоб берди Гарри.
- Ундай бўлса, нега унинг биринчи саҳифасига «Рунил Уэзлиб» деб ёзилган?

Гаррининг юраги битта зарбани ўтказиб юборгандай бўлди.

- Бу менинг тахаллусим, - деди у.
- Тахаллусинг? - такрорлади Снегг.
- Ҳа... дўстларим шундай деб чақиради мени.
- Тахаллус нима эканлигини яхши биламан, - деди Снегг, қоп-қора кўзининг муздай нигоҳини Гаррининг кўзига қадаб.

Гарри кўзини четга олди. Фикр-хаёлингни ҳимоя қил... фикр-хаёлингни ҳимоя қил... Бироқ минг уринмасин, Гарри шунинг уддасидан ҳеч чиқа олмади...

- Биласанми, Поттер, нима деган хаёлга бордим мен? - деди Снегг паст овозда, - Фикримча сен уччига чиққан каззоб бўлиб, бошинг меҳнат жазосидан чиқмаслиги керак. Семестр якунига етгунга қадар ҳар шанба куни ҳузуримга келасан. Тушунарлими, Поттер?
- Мен... рози эмасман, сэр, - жавоб берди Гарри, Снеггнинг кўзига ҳамон қарамай.
- Биринчи жазодан кейин қандай сайрашингни кўрамиз, - деди Снегг, - Шанба куни эрталаб соат ўнда, менинг хизмат хонамга, Поттер.
- Бироқ сэр... - ғудуллади Гарри, бошини умидсиз кўтариб, - Квидиш... шанба куни мавсумнинг сўнгги ўйини...
- Шанба куни эрталаб соат ўнда, - пичирлади сариқ тишини кўрсатганча иржайган Снегг, - Оҳ, бахти қаро «Гриффиндор»... Бу йил унга тўртинчи ўрин насиб қиладиган кўринади...

Ортиқ сўз айтмаган ўқитувчи ҳожатхонани тарк этди. Дарз кетган кўзгуга маъюс қараб қолган Гаррининг кўнгли шу қадар кучли беҳузур бўлиб кетди-ки, бундай аҳвол Роннинг тушига ҳам кирмаган.

Бир соатдан сўнг, Гарри, гарчи эҳтиёж бўлмаса-да, Рон, Гермиона ва Жиннага бўлиб ўтган ҳодисани умумий меҳмонхонада айтиб берди. Афтидан Дилгир Миртл қасрнинг барча ҳожатхоналарини айланиб чиқиб, кўнгли тўлиб ғийбатлашган кўринади, янгилик мактаб ичида ниҳоятда тез тарқади.

- «Айтган эдим-а!», демай қўяверай, а? - деди Гермиона
- Тинч қўй уни, - жаҳл қилди Рон.

Иштаҳаси батамом бўғилган Гарри кечки овқатга бормади. Касалхонада ётган Малфойнинг ҳолидан хабар олиб келган Панси Паркинсон юрган йўлида Гаррини ҳақорат қилмоқда. Снегг ҳам барча ўқитувчиларни ҳодиса

тафсилотлари билан таништириб чиқишни унутмади. Профессор Макгонагалл эса Гаррини умумий меҳмонхонадан йўлакка чақириб олиб, нақ ўн беш нохуш дақиқа давомида панд-насихат ўқиб кетди. Меҳнат жазосига тортиш борасидаги Снеггнинг қарорини қўллаб-қувватлашини маълум қилиб кетган профессор Макгонагаллнинг айтишича, мактабдан ҳайдаб юборилмагани Гаррининг катта ютуғи экан.

- Айтган эдим-а, Шаҳзоданга ишониб бўлмайти, деб! - деди Гермiona, охири ўзини тия олмай, - Ҳақ эканлигимни тан ол энди.

- Йўқ, тан олмайман, - ўжарлик-ла рад этди Гарри.

Қизнинг гина-қудуратларисиз ҳам ҳозир Гаррининг кўнгли беҳузур.

Шанба кунги ўйинда иштирок эта олмаслигини маълум қилганида жамоа аъзоларининг юзлари касб этган қиёфалар энг ёмон жазо бўлди. Ўшанда у Жиннанинг нафрат ва аламга тўла нигоҳига рўбару бўлмаслик учун кўзини олиб қочган бўлса-да, унинг ёндириб юборгудай нигоҳини ўз танасида ҳозиргача ҳис этиб турибди. Икки дақиқа олдин у Жиннага шанба кунни майдонга Сайёд сифатида, Дин эса Овчи сифатида чиқишини тайинлади. «Гриффиндор» ғолиб чиқса, ўйиндан кейинги хурсандчиликда Жинна билан Дин ярашиб олиши муқаррар, хаёлдан ўтказди Гарри. Ушбу фикр унинг юрагини худди муздан ясалган пичоқ сингари тешиб ўтди...

- Гарри! - хитоб қилиб юборди Гермiona, - Ўша дарслигингни оқлашга қандай журъат эта оляпсан, аҳвол...

- Дарслик ҳақида минғир-минғир қилишни бас қилармиз, балки, а? - ўшқириб берди Гарри, - Шаҳзода ўша қарғишни қаердандир кўчириб олган холос! Уни қўллашни тавсия этмаган! Эҳтимол у ўзига қарши қўлланилган қарғишни ёзиб қўйгандир, биз қаердан биламиз!

- Нималар деяпсан? Наҳотки сен?...

- Йўқ, ўз қилмишимни оқлаётганим йўқ! - тез аниқлик киритди Гарри, - Қилмишимдан жуда афсусдаман. Ўша қарғиш бу қадар хавфлилигини билганимда, ҳатто Малфойга қарата бўлса ҳам, қўлламаган бўлар эдим ва буни сен жуда яхши биласан. Шаҳзоданинг ҳам айби йўқ бунда. У дарсликдаги ёзувларни бировга эмас, шахсан ўзи учун юритиб борган, яъни у фойдаланувчига: «Мана бу қарғишни қўллаб кўринг, роса зўр чиқади!» - дея ёзмаган.

- Яъни айтмоқчисан-ки, - деди Гермiona, - Дарслигингни бориб...

- Олиб чиқаман, ҳа, - деди Гарри, ўзини мажбур қилиб, - Шаҳзодасиз бахт-у, толе дамламасини қўлга киритмаган бўлар эдим, Ронни муқаррар ўлим чангалидан олиб қолмас эдим ва ҳеч қачон...

- Энг моҳир дамламачи мавқесини асоссиз қўлга кирита олмаган бўлар эдинг, - жирканч оҳанг-ла гапни охирига етказди Гермiona.

- Гермiona, эҳтимол тинч қўярсан уни, а? - кутилмаганда гапга аралашди Жинна, - Тўғри тушунган бўлсам, Малфой оқибати мудҳиш қарғишлардан бирини қўлламоқчи бўлган. Гарри муносиб жавоб бера олганидан

хурсанд бўлсанг-чи, ундан кўра.

Гарри Жиннага миннатдор нигоҳ-ла қараб қўйди.

- Гаррига зиён етмаганидан хурсандман, албатта! - жавоб берди баҳсда ютқизаётганини ҳис этгани билиниб қолган Гермиона, - Бироқ ўша Сектумсемпрада, Жинна, муносибликдан асар йўқ. Қара, Гаррини қай кўчага бошлаб, қай кўйга солиб қўйганини! Агар қилмишининг оқибати жамоа имкониятига бу қадар салбий таъсир ўтказган бўлса, ўйлашимча...
- Фақат ўзингни квидиш билимдони сифатида кўрсата кўрма, - лабини буриштирди Жинна, - Уялиб қолишдан нари бора олмайсан.

Гарри билан Рон қизларга ҳайрат-ла бақрайиб қолишди: муносабатлари доимо беназир бўлиб келган Гермиона билан Жинна ҳозир бир-бирининг рўпарасида, қўлни кўкрақда қовуштириб, қарама-қарши томон ўгирилиб олишганча, аразлаб ўтиришибди. Гарри томон қўрқа-писа қараб қўйган Рон, ёнидаги китоблардан қўлига кирган бирини олди-да, юзини бекитиб олди. Гарри эса, гарчи ўзини бундай қувончга муносиб деб топмаган ва бутун оқшом давомида бошқа ҳеч ким сўз айтмаган бўлса-да, ич-ичдан севиниб ўтирди.

Афсуски, унинг қувончи узоққа чўзилмади: эртаси куни слизеринчиларнинг таҳқирига ва ундан баттари, жамоа сардори ўз аҳмоқлиги туфайли мавсумнинг финал ўйинида иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум бўлгани туфайли ғазаби қайнаётган гриффиндорчиларнинг нафратига чидашга тўғри келди. Гаррининг ўзи эса Гермионага нималар деганидан қатъи назар, шанба куни эрталаб Рон, Жинна ва бошқа жамоадошлари билан бирга бўлиш учун дунёда борки бахт-у, толе дамламасини берган бўлар эди. Ҳамма ясаниб, байроқ ва шарфларини ҳилпиратиб, кўзни қамаштираётган қуёш нурларидан юзини тўсиб, ўйингоҳ томон борса-ю, ўзи на ўйин шарҳи, на қувончли ҳайқириқлар ва на инграб-увиллашлар эшитиладиган ерости хонасига тош зинадан тушиб кетса!

Гаррини нохуш хонанинг эшигини тақиллатиб, ичкарига кирди.

- А, Поттер.

Снегг бир неча қават юқоридаги синф хонасида дарс бераётган бўлса-да, ўзининг эски хизмат хонасидан воз кечмади. Бу ер, одатдагидай, хира ёритилган бўлиб, турли-туман шилимшиқ қабоҳатлар ранг-баранг дамламалар воситасида спиртланган ҳолатда деворга маҳкамланган токчалардаги шиша идишлар ичидан Гаррига қараб турмоқда.

Стол устига афтидан, Гарри учун мўлжалланган бўлиб, ўргимчак ини қоплаган ва кўринишидан узундан-узоқ, кишининг диққатини ошириб юборадиган, бефойда оғир меҳнатлиги билиниб турган эски қутилар тахланган.

- Мана бу эскириб кетган ҳужжат жилдларини кимдир тартибга солиб беришини мистер Филч кўпдан буён орзу қилар эди, - деди Снегг тилёғмалик оҳангида, - Ушбу қутиларга мактаб интизомини бузиб, жазога

тортилган ўқувчиларга оид қайдномалар жамланган. Сендан ранги ўнган ва кемирувчилар зарар етказган қайдномалар ўрнига янгиларини расмийлаштириш, сўнг, қайдномаларнинг барини алифбо тартибда тахлаб, қутиларга қайтадан батартиб жойлаб чиқиш талаб этилади. Сеҳр-жоду қўлламаган тарзда, албатта.

- Тушунарли, профессор, - жавоб берди Гарри, сўнгги сўз оҳангига имкон қадар кўпроқ нафрат қўшиб.

- Ишни эса, - хун олаётган киши каби иржайди Снегг, тиши орасидан вишиллаб, - Рақами бир минг ўн иккинчидан тортиб бир минг эллик олтинчигача бўлган қутилардан бошла. У ерда таниш исмларни топасан. Бу эса ўз навбатида, топшириқ ижросига қизиқарли мазмун бахш этади. Мана, қара...

У қўлини тепада турган қутига киритиб, қайдномалардан бирини шартта чиқарди-да, ўқиди:

- Хўш: «Жеймс Поттер ва Сириус Блэк. Бертрам Обрига нисбатан ман этилган суқи қўллагани учун қўлга олинди. Обрининг боши икки баробар шишиб кетган. Иккала бузғунчи меҳнат жазосига тортилди». Кишига хуш келар экан, - боз иржайди Снегг, - Ўзлари аллақачон йўқ бўлиб кетишган бўлса-да, буюк жасоратларига доир ёзувлар бутунича сақланиб қолган... Қони қайнаб кетган Гарри гап қайтармаслик учун тишини тишига босди-да, қутилардан бирини ўзига тортганча ўтирди.

Иш, худди Гарри фараз қилган каби, зерикарли ва фойдасиз эди. Айни вақтда, отаси билан Сириуснинг қилмишларига дуч келганда, ҳар гал қалбида оғриқ сезиб ўтирди. Афтидан Снегг, айнан шуни кўзлаган кўринади. Одатда, отаси билан Сириус иккаласи, баъзан эса Рем Люпин ёки Питер Петтигрю иштирокида ҳар хил майда безориликлар билан қўлга тушган. Турли-туман қилмишлар ва қўлланилган жазоларга оид маълумотларни қайта кўчириб ўтирар экан, кўчада нима бўлаётгани ҳақидаги хаёллар уни бирон дақиқа бўлсин, тарк этмади... ўйин бошланган... Жинна Сайёд сифатида Чуга қарши...

Гарри деворда осиклик катта соатга қараб-қараб қўймоқда. Баланд чиқиллаётган ушбу соат одатдагидан кўра икки баробар секин юраётгандай гўё. Балки Снегг атайин сеҳрлаб қўйгандир уни? Бўлиши мумкин эмас, бу ерга келганига энди ярим соат бўлди... бир соат... бир ярим соат...

Соат ўн икки яримда Гаррининг қорни қулдиради. Топшириқ берганидан буён бирон оғиз сўз айтмаган Снегг соат бирдан ўн дақиқа ўтганида бошини кўтарди.

- Бугунга етади, - деди у совуқ оҳангда, - Тўхтаган жойингни белгилаб қўй. Келаси шанба куни эрталаб соат ўнда давом эттирасан.

- Хўп бўлади, сэр.

Гарри букилган қайдномани қутиларнинг тўғри келган бирига шартта суқди-да, Снеггнинг феъли айнинамай туриб, хонани тарк этди. Зинадан

юқорига отилар экан атрофга диққат билан қулоқ солиб, ўйингоҳда нима бўлаётганини тушуниб етишга уриниб борди. Жимжитлик... демак, ҳаммаси тамом бўлган...

У Катта Зал олдида бироз ивирсиб турди-ю, мрамор зина бўйлаб юқорига югурди: гриффиндорчилар ўз ғалабасини ҳам, мағлубиятини ҳам, умумий меҳмонхонада қарши олишни афзал кўриб келишган.

- Quid agis? - тортиниб сўради у Семиз Холадан, ичкарида нима бўлаётганини фаҳмлашга уриниб.

- Ўзинг кўрасан, - жавоб берди, юзидаги қиёфа маъносини тушуниб бўлмайдиган Семиз Хола бироз олдинга тебраниб.

Портрет ортидаги туйнукдан қувончли ўкирик янгради. Одамлар оқими шиддат-ла келиб, ичкарига тортиб олар экан, Гарри оҳ уришга улгурди қолди холос.

- Биз ютдик! - ўкирди халойиқ орасидан отилиб чиққан Рон, кумуш кубокни силтаб, - Ғалаба қозондик! Тўрт юз эллиг-у, бир юз қирқ! Биз ютдик!

Кутилмаганда кўзида олов ёнаётган Жинна югуриб келиб, иккала қўли билан Гаррини маҳкам қучиб олди. Гарри эса иккиланмай, шубҳаланмай, эллик киши қараб турганини парвойига ҳам келтирмай қизни маҳкам қучиб, шартта ўпиб олди.

Узоқ чўзилган бир неча сония, эҳтимол ярим соат, балким икки қуёшли кун ўтгач, иккаласи бир-биридан ажралишди. Меҳмонхонада ўлик сукунат қарор топди. Шундан сўнг, паст хуштаклари-у, ҳиринг-ҳиринг эшитилди. Гарри бошини кўтариб Жиннанинг боши узра қўлидаги қадаҳни эзиб юборган Дин Томасни ва қўлига кирган нарсани улоқтиришга тайёр турган Ромильда Вейнни кўрди. Гермiona яшнаб кетган, лекин... Рон кўринмайди. Ҳа, мана у. Кубокни ҳамон боши узра баланд кўтариб олган Рон, худди биров сўйил билан унинг бошига қўйиб юборгандай гандираклаб қолган. Бир неча сония иккаласи бир-бирига қараб тургач, ниҳоят Рон, худди: «Бўлар иш бўлди, илож қанча...» дегандай, сезилар-сезилмас бош ирғиб қўйди.

Ичидаги махлуқ тантана қилган каби ўкириб юборган Гарри Жиннага кулиб боқиб, қўлидан ушлади-да, ссз айтмай, портрет томон тортиб кетди. Иккаласи бугун қаср атрофида узоқ сайр қилиши керак. Эҳтимол, бугунги ўйинни ҳам муҳокама қилишга улгуриб қолишар, агар вақт етса, албатта.

XXV БОБ. БАШОРАТИ ЭШИТИЛГАН СОҲИБКАРОМАТ

Гарри билан Жиннанинг муҳаббатига оид мавзу кўпчиликнинг, айниқса, қизларнинг қизгин баҳсига сабаб бўлди. Миш-миш гапларга

эйтибор қаратмай қўйганини фаҳмлаган Гарри ўзидан ўзи ҳайратланди. Аллақандай хунук ишлар учун эмас, айнан бахтли бўлиб қолгани учунгина ғийбат қилишлари Гаррига қайсидир маънода ёқимли кўринди. Болалар умумий меҳмонхонада йиғилган. «Башорат-у, каромат газетаси»ни ўқиб ўтирган Жинна Гаррининг оёғига бели билан суяниб олган.

- Муҳокама қилгани бошқа гап йўқмикан, уларга, а? - деди у, газета саҳифасини эринчоқлик-ла ағдариб, - Бир ҳафтанинг ўзида дементорлар томонидан содир этилган учта ҳамла, Ромильда Вейнни эса фақат бир нарса қизиқтиради, у ҳам бўлса, чиндан ҳам кўкрагингга гиппогриф тасвири туширилган-туширилмагани.

Рон билан Гермиона хандон отиб юборишди.

- Хўш, нима деб жавоб бердинг, унга?

- Гиппогриф эмас тиканак думли венгр аждари тасвирланганини айтдим,

- деди Жинна, - Худди ҳақиқий мачонинг кўкраги сингари.

- Раҳмат, - кулиб қўйди Гарри, - Роннинг танасига-чи, нима тасвирланган экан?

- Пигмей шарчалари, - жавоб берди қиз, - Лекин қаерига тасвирланганини уларга айтмадим.

Гермиона кулавериб қорнини ушлаб қолди. Рон эса қовоқ солиб олди.

- Қаранглар-да, - пўписа қилди у, Гарри билан Жиннага бармоқ ўқтаб, - Рухсатимни қайтариб олмай тағин...

- Рухсатим эмиш, - истехзо қилди Жинна, - Қачондан буён сенинг рухсатинг керак бўлиб қолибди экан менга? Эсингда бўлса, Дин ёки Майклдан кўра Гарри яхшироқ, деб ўзинг айтган эдинг.

- Ҳа, айтган эдим, - истар-истамас иқрор бўлди Рон, - Лекин ҳамманинг кўз ўнгида ўпиша бошлашингиздан олдин айтган эдим...

- Жирканч риёкор! Лаванда иккаланг-чи? - эътироз билдирди Жинна, - Бир жуфт илонбалиқ каби, тўғри келган жойда бир-бирларингга ёпишиб юрдиларинг-ку!

Июнь оyi кириб келиб, Роннинг сабр-тоқатини оғир синовлардан ўтказиш шарт бўлмади. Гарри билан Жинна илгаригига нисбатан вақтни бирга анча кам ўтказишмоқда. МОСДнинг зарурий савиясига эга бўлиш имтиҳонлари яқинлашаётгани боис, Жинна ярим кечагача дарс тайёрлашга мажбур бўлмоқда. Қиз оқшомни кутубхонада ўтказаётган кунлардан бирида Гарри гўё гербология бўйича уйга берилган вазифани бажариш билан банд бўлиб, аслида Жинна билан тушлик ўрнига кўл бўйида бахтиёр ўтган яна бир соатни эслаб ўтирди.

Кутилмаганда жиддий ва қатъий қиёфа касб этиб олган Гермиона келиб Гарри билан Роннинг ўртасига ўтириб олди.

- Гарри, сен билан гаплашиб олишим керак.

- Нима ҳақда? - дарҳол сергак бўлиб олди Гарри.

Жиннага имтиҳонга тайёргарлик кўриб олишига халал бераётгани учун

Гермиона Гаррини кечагина койиб берган эди.

- Анави чала зот Шаҳзоданг ҳақида.

- Оббо, яна ўша эски қўшиқ, - инграб юборди Гарри, - Унутсанг-чи, ўшани!

- Йўқ, - баёнот қилди Гермиона қатъий оҳангда, - Токи мен айтмоқчи бўлган гапни эшитмас экансан, унутмайман. Қисқаси, ёвуз сеҳр қарғишларини ихтиро қилишни ўзига касб этганлар кимлар бўлиши мумкинлигини ойдинлаштириб чиқишга уриниб кўрдим...

Гарри чала зот Шаҳзоданинг Даркор хонада қолдирилган дарслигини олиб чиқишга ошиқмаяпти, сеҳрли дамламалар тайёрлаш машғулотларида ҳам энди у кўзга ташланмай қўйди. Гаррининг назарида, Снегг ўша дарсликни қўлга киритиш пайида юрибди. Шунинг учун ҳам Гарри ҳозирча китобни бекитилган жойида қолдиришга аҳд қилган. Жиннани жуда ёқтирадиган беҳабар Дивангард ҳозирча: бечора куёв бола севги-муҳаббат дардига чалиниб, эс-ҳушини йўқотиб қўйган кўринади, - дея ҳазиллашмоқда холос.

- Ўша ўғил бола ёвуз қарғиш ихтиро қилишни ўзига касб этмаган...

- Ўғил бола? Ким айтди сенга уни ўғил бола деб?

- Ушбу масала ҳам муҳокама қилинган, Гермиона. Чала зот Шаҳзода ўғил бола, ишонавер!

Гермионанинг икки лунжи қизара бошлади.

- Ҳа, муҳокама қилинган! - овоз кўтарди у, кассасидан чиқарган эски газета бўлагини Гаррининг олдига ташлаб, - Мана, қара! Расмга қара! Гарри эзилган бўлакни қўлига олиб, ҳаракатчан тасвирга қаради. Рон ҳам қизиқиб, Гаррига яқинроқ сурилди. Йиллар ўтиб сарғайиб кетган газета бўлагига ёши тахминан ўн бешга етган қизалоқ расми тасвирланган. Хунук қизалоқнинг хўмрайган рангпар юзи чўзиқ бўлиб, қоши жуда қалин ўсган. Фотосурат остига ёзув битилган: «Шаҳзода Эйлин, «Хогварц»нинг шақилдоқ ўйини бўйича жамоаси сардори».

Гарри, мактабда ўтказилган мусобақага оид қисқагина, зерикарли мақолачани тез ўқиб чиқди.

- Хўш? - сўради у.

- Қизнинг исми Шаҳзода Эйлин бўлган Гарри! Эътибор бердинг-ми, Шаҳзода Эйлин!

Икковлон бир-бирига узоқ қараб қолди. Ниҳоят Гарри Гермиона нима демоқчи бўлганини фаҳмлади.

- Бўлиши мумкин эмас! - кулиб юборди у.

- Нега энди бўлиши мумкин эмас экан?

- Ўша қизни чала зот Шаҳзода демоқчисан, а? Қўйсанг-чи, Гермиона.

- Нега энди қўйишим керак? Сеҳргарлар элатида ҳақиқий шаҳзодалар бўлмайди, Гарри! Демак бу, ё тахаллус, ё кимдир ўзини ўзи тақдирлашга аҳд қилган тўқима наслий ном, ё ҳақиқий фамилия бўлган, тўғрими? Йўқ, сен қулоқ сол. Айтайлик, унинг отаси Шаҳзода фамилияли сеҳргар, онаси

эса магл аёл бўлган. Демак у, чалакам-чатти Шаҳзода бўлган, шундайми?

- Гап бўлиши мумкин эмас...

- Эҳтимол ўша қиз чиндан ҳам ўз фамилияси билан ғурурланиб юргандир!

- Қулоқ сол, Гермiona. Аниқ биламан-ки, чала зот Шаҳзода қиз бола бўлмаган. Биламан, вассалом.

- Ва бунинг сабаби аён: қизларни назаринг илмайди, - деди Гермiona заҳарли оҳангда.

- Ҳа, албатта. Беш йил сен билан муомала қилиб, қизлар фақат товуқ мия бўлади, деган фикрга келганман, - жавоб қайтарди Гарри, хафа бўлиб, - Йўқ, гап шундаки, у, ўғил болаларга хос тарзда ёзади, мен буни ҳис этаман! Анави Эйлин эса... қаердан топдинг уни ўзи?

- Кутубхонадан. У ерда «Башорат-у, каромат газетаси»нинг эски сонлари йиғилган... Яхши, ўша қиз тўғрисида кўпроқ нарсалар билиб олишга уриниб кўраман.

- Омад, - деди Гарри аччиқланиб.

- Раҳмат, - жавоб берди Гермiona, пинагини бузмай, - Биринчи навбатда, - деди у, портрет тўсиб турган туйнукка етгач, - Дамламачилик борасида эришилган муваффақиятлар учун тақдирланганлар ҳақидаги архив материалларини ўрганиб чиқаман!

Гарри қовоқ солганча қизнинг изидан қараб қўйди-да, қорайиб бораётган осмонни томоша қилишга киришди.

- Маълум бир фанни ўзлаштириш масаласида ундан ўзиб кетганинг учун ўзини ўзи ҳеч кечира олмаяпти, - ғудуллади Рон, «Мингта сеҳрли алаф ва қўзиқоринлар» китобини ўқишга боз киришиб.

- Умид қиламан-ки, лоақал сен, ўз дарслигимни олиб чиққим келгани учунгина мени аҳмоқ, деб ўйлайсан, а?

- Йўқ, албатта! - хитоб қилди Рон, қизишиб, - Авлиё одам бўлган, сенинг ўша чала зот Шаҳзоданг... агар безоар тўғрисида ёзмаганида... - деди у, кафтини томоғи олдидан маънили ўтказиб, - Сен билан бундай гаплашиб ўтирмаган бўлар эдим. Айтмоқчиман-ки, Малфойга қарши қўллаган қарғишинг яхши қарғиш эмас экан...

- Мен ҳам шуни айтаман, - тез қистириб ўтди Гарри.

- Муаммосиз тузалиб қолди-ку, у, а? Янгидай бўлиб?

- Ҳа, - бош ирғиди Гарри, - Хайриятки Снегг келиб қолди... раҳмат, ўшанга...

Виждон қийнаса-да, илож қанча, чиндан ҳам шундай бўлган.

- Келаси шанба куни яна меҳнат жазосими? - сўради Рон.

- Ундан кейин келадиган барча шанбаларда ҳам, - хўрсинди Гарри, - Яна шунга шама қиляпти-ки у, агар ўқув йили охиригача улгурмасам, жазо ўташни еттинчи синфда давом этаман экан.

Жинна билан ўтказиши мумкин бўлган қимматли вақтини эгаллагани боис, ушбу меҳнат жазолари Гаррининг аччиғини чиқармоқда. Унинг назарида Снегг буни жуда яхши тушуниб, яхши об-ҳаво-ю, бошқа

турдаги лаззатларни ўтказиб юборяпсан каби, пурмаъно луқмалар ташлаганча, узоқроқ ушлаб қолмоқда.

Қўлига пергамент ўрамини ушлаб келган Жимми Пикс Гаррини аламли мулоҳазалардан чалғитди.

- Раҳмат, Жимми... Ие, Дамблдордан-ку! - ҳаяжон-ла хитоб қилди Гарри, номани ёзиб, кўзи сатрлар бўйлаб югурар экан, - Хизмат хонасига имкон қадар тезроқ етиб боришимни сўрамоқда.

Рон иккаласи бир-бирига бақрайиб қолишди.

- Жин урсин, - пичирлади Рон, - Наҳотки у?... Наҳотки топган бўлса?

- Ҳозир югуриб бориб, билиб келаман, - креслодан ирғиб турди Гарри. У умумий меҳмонхонадан сакраб чиқиб, еттинчи қаватнинг йўлаги бўйлаб тез одимлай кетди. Йўлда Дрюзгдан ташқари ҳеч ким учрамади. Қарши йўналишда учиб кетаётган полтергейст ўз одатига кўра, Гаррининг устига бўр бўлакларини улоқтириб, баланд кулганча, суқи яшинига чап берди. Дрюзг кўздан ғойиб бўлиши ҳамоно, қаватда жимжитлик қарор топди. Уйқуга ётиш вақтига қадар ўн беш дақиқа қолгани боис, табиийки, ҳамма умумий меҳмонхоналар бўйича тарқаб кетган.

- Қандай... журъат... а-а-а-а-а!

Кутилмаганда айюҳаннос ва гумбурлаган товуши эшитилгач, Гарри тўхтаб, қулоқ тутди. Сеҳрли таёқчани қўлига олиб, овоз эшитилган томон югурди ва муюлиш ортига бурилиши ҳамоно, полда ётган профессор Треланини кўрди. Аёлнинг бошига шолрўмоли ўралиб қолган, ёнида сочилиб ётган херес виносининг шишаларидан бири синган.

- Профессор...

Гарри сон-саноқсиз майда маржонларнинг ялтираётган бир неча шодаси кўзойнагига илашиб қолган ўқитувчининг ёнига тез бориб, оёққа туришга ёрдамлашиб юборди. Ҳиқичоғи тутиб қолган профессор сочини тузатган бўлиб, Гаррининг узатган қўлини ушлаганча, ўрнидан турди.

- Тинчликми, профессор? Нима бўлди?

- Сўрашга журъат этияпсан-ми? - қулоқни тешиб юборгудай чийиллади Трелани, - Йўлакда тинчгина, ўзимга аён бўлган ёмонлик аломатлари ҳақида мулоҳаза юритиб кетаётган...

Қаерда турганини фаҳмлаган Гарри аёлнинг гапини эшитгани ҳам йўқ. Ўнг томонда рақсга тушаётган троллар тасвирланган гобелен осиглиқ бўлса, чап томонда сип-силлиқ тош девор чўзилган бўлиб, унинг ортида...

- Профессор, сиз Даркор хонага кирмоқчи эдингизми?

- ... аломатлардан эса менга аниқ кўрингани... Нима? - сўради аёл, кутилмаганда кўзи ўйнаб.

- Даркор хона ҳақида сўраяпман. У ерга кирмоқчи эдингизми?

- Мен... қаранг-а!... Ўқувчилар ҳам, ушбу хона борлигидан бохабарлигини билмаган эканман...

- Ҳаммаси ҳам билмайди, - деди Гарри, - Нима бўлганини гапириб бера

оласизми? Сиз қичқирдингиз... кимдир сизни хафа қилди-ми?

- Мени...

Профессор Трелани худди ўзини ўзи ҳимоя қилмоқчи бўлгандай, шолрўмолини зичроқ ўраб, кўзойнагининг линзаси жуда катталаштириб юборган кўзини Гаррига кўтарди.

- Мен... Мен... айрим шахсий буюмларимни яшириб қўймоқчи эдим...

Аёл аллақандай ёвуз кучларнинг «дарғазаб бўҳтонлари» ҳақида вайсай кетди.

- Тушунарли, - деди Гарри, херес шишаларига қараб, - Бироқ ичкарига кира олмадингиз, шундайми?

Буларнинг бари жуда ғалати. Ахир хона чала зот Шаҳзоданинг дарслигини яшириш керак бўлганда очилган эди-ку.

- Киришга-ку, кирдим, - деворга нафрат-ла қаради профессор Трелани, - Лекин ичкарига мендан олдин кимдир кириб олган экан...

- Кириб олган экан? Ким? - талаб оҳангида сўради Гарри, - Ким бор эди ичкарида?

- Билмайман, - деди профессор Трелани, Гаррининг қатъиятидан эсанкираб, - Ичкарига киришим ҳамоно овоз эшитдим, гарчи кўп йиллардан буён мен бу ерда... бу ердан фойдаланар эканман... ҳали бунақаси бўлмаган...

- Овоз эшитдим? Ким нима деди?

- Нима деди? У ҳеч нарса дегани йўқ... қутуриб кетгандай ҳайқирди, - жавоб берди профессор Трелани.

- Ҳайқирди?

- Қувончдан, - аниқлик киритди аёл.

Гарри профессорга бақрайиб қолди.

- Эркак кишининг овози эдими, ё аёл кишининг?

- Эркак кишининг овози эди дея тахмин қилишим мумкин холос.

- Демак, у нимадандир қувонган, шундайми?

- Қутургандай қувонган, - жавоб берди профессор жирканиб.

- Ниманидир нишонлаган каби, шундайми?

- Афтидан, шунга ўхшайди.

- Кейин-чи?...

- «Ким бор бу ерда?» - дея қичқирдим.

- Бақирмасдан билиб олишнинг иложи йўқми-ди, ким борлигини?

- Менинг ички кўзим, - деди профессор Трелани шолрўмоли ва маржон шодаларини ғурур-ла тузатиб олар экан, - Ерда юз бераётган ҳодисалардан анча узоқдаги мавзуларга йўналган эди.

- Тушунарли, - бош ирғиди Треланининг ички кўзи тўғрисида кўп эшитган Гарри, - Хўш, қичқириғингизга жавоб берди-ми? Кимлигини айтди-ми?

- Йўқ! - овоз кўтарди аёл, - Кўз олдим қоронғилашиб, хонадан бошим билан учиб чиқдим!

- Ие, бундай бўлишини олдиндан, ички кўзингиз ила кўра билмадингиз-

ми? - тилини тия олмади Гарри.

- Йўқ, айтдим-ку, кўз олдим қоронғилашиб кетди, деб.

Соҳибкаронат аёл жим бўлиб, Гаррига шубҳали қараб қолди.

- Фикримча, буларнинг барини профессор Дамблдорга айтиб беришингиз керак, - деди Гарри, - Малфой... яъни айтмоқчиман-ки, сизни йўлакка улоқтириб юборган кимса нимани нишонлаганини директор билиши керак.

- Директор мен билан мулоқот қилишга сарф этаётган вақтини қисқартирган, - совуқ оҳангда жавоб берди профессор Трелани Гаррини ҳайратга солган ҳолда қаддини ғоз тутиб олиб, - Мен эса қадримга етмайдиган одамларга суйкаладиганлар тоифасига кирмайман.

Модомики, Дамблдор, қарталарнинг оғоҳлантиришига эътибор қаратмасликни афзал топар экан...

Кутилмаганда аёлнинг қоқ суяк бармоқлари Гаррининг билагига ботди.

- Қартани қандай терма, такрор ва такрор...

Соҳибкаронат аёл шолрўмол қатидан қарта чиқариб, пичирлай кетди:

- ... минора, яшин урган минора. Ҳалокат. Бахтсизлик. Ҳар сафар муддати яқинлашмоқда...

- Тушунарли, - яна бош ирғиб қўйди Гарри, - Умуман айтганда...

Дамблдорга ичкарида эшитилган ўша овоз ва кўз олдингиз қоронғилашиб, Даркор хонадан улоқтириб чиқарилганингиз ҳақида айтганингиз маъқул, деб ўйлайман.

- Шундай қилай-ми? - ўйланиб қолди профессор Трелани.

. У ҳозиргина бўлиб ўтган ҳодисани кимгадир айтиб бергиси келаётганини Гарри фаҳмлади.

- Мен директорнинг қабулига кетяпман. Учрашув тайинланган менга, - маълум қилди Гарри, - Балким бирга борармиз?

- Ундай бўлса, майли, - кулиб боқди профессор Трелани.

Аёл энгашиб, шишаларни териб олди-да, бироз бўлса ҳам ачинмай, девор меҳробида турган кўк-оқ рангли чиқинди саватига ташлади.

- Дарсларимда йўқлигинг жуда билинади-да, Гарри, - гап бошлади ўқитувчи дилкаш оҳангда, - Тўғри, сен ҳеч қачон маънили Кўра билмагансан, лекин жуда ажойиб Кўриш объекти бўлгансан...

Бир вақтлар фожиаси чексиз кароматлар Обьекти бўлиш жонига теккан Гарри индамай қўя қолди.

- Анави қирчанғи от, - давом этди профессор Трелани, - Маъзур кўрасан, кентавр эса, қарта воситасида фол очиш масаласида ҳар қандай жонивордан мутлақо фарқ қилмайди. Яқинлашиб келаётган мусибатни ҳис этаётган-этмаётганини соҳибкаронат саҳибкаронатдан сўрагандай сўраган эдим ундан. От эса устим мириқиб кулди! Кулди-я!

Асабий бақира бораётган аёлнинг оғзидан хереснинг ҳиди гупиллаб бормоқда.

- Истеъдодимни энамнинг энасидан мерос олганимни ўша тўрт оёқли

аҳмоқ эшитган бўлиши керак. Ҳасадгўйлар, ўғлим, атроф ҳасадгўйларга тўлиб-тошган. Биласанми, уларга нима деб жавоб қайтараман, Гарри? Агар фойдали киши эканлигимни исбот қилиб бермаганимда, директор менга, ушбу ажойиб мактабимизда ишлашим учун, ўқитувчилик лавозимини берган бўлар эдими? Узоқ йиллар давомида менга ишонч билдирган бўлар эдими?

Гарри мубҳам ғулдираб қўйди.

- Дамблдор билан ўтган илк учрашувимизни яхши эслайман, - давом этди профессор Трелани, - У менинг истеъдодимдан шундай қойил қолган эдики, шундай қойил қолган эдики... Ўшанда мен «Ахта чўчка калласи» қовоқхонасида ижарага хона олган эдим. Тавсия этмайман, Гарри, бургаси кўп... лекин нархи мўътадил... ҳа... Дамблдор ҳурматимни бажо келтириб, камсуқум хонамга ташриф буюрди... бир олам савол ёғдирди... Тан олишим керакки, дастлаб менга у, башорат масаласига совуққон қарайдиган кишидай бўлиб кўринди... кутилмаганда... ўша куни камроқ овқат еганим боис, ўзимни яхши ҳис этмаганим эсимда... кейин... Ҳикоянинг шу еридан эътиборан Гарри диққат билан тинглай бошлади. Кейин нима бўлганини Гарри яхши билади: Трелани Вольдеморт иккаласи ҳақида шундай башорат қилган эдики, Гаррининг ҳаёти мутлақо ўзгариб кетди.

- ... беадаблик қилган Северус Снегг суҳбатимизга халал берди!

- Нима?

- Ҳа. Ортида шовқин кўтарилган эшик ланг очилиб, остонада тарбия кўрмаган қовоқхона бармени ва қандайдир бемаъни нарсаларни рўқач қилиб, зинани адаштириб юборганини айтган Снегг кўринди... Аммо гап нимада эканини, аслида Снегг Дамблдор иккаламизнинг суҳбатимизни пинҳон эшитиб олишни истаганини мен яхши билар эдим. Гап шундаки, ўша кунлари Снеггнинг ўзи иш қидириб юрган ва суҳбатни яширинча эшитиб, бирон-бир қимматли маълумотдан бохабар бўлишдан умид қилган! Ишонасанми, ўша фурсатдан кейин Дамблдорнинг фикри бирдан ўзгариб, мени ишга қабул қиладиган бўлди! Назаримда, Гарри, менинг камтаринлигим, сезилар-сезилмас истеъдодим билан эшик тирқишидан гап пойлашдек пасткашликдан қайтмайдиган йигитнинг беорлиги-ю, пашшаҳўрдалиги ўртасидаги фарқ шу қадар яққол кўзга ташланган-ки, Дамблдор... Гарри, ўғлим?

Аёл аланглаб, Гарри ёнида эмаслигини, ундан ўн футча нарига кетиб қолганини энди идрок этди.

- Гарри? - такрорлади профессор Трелани иккиланиб.

Турган жойида қотиб қолган Гарри бутун вужуди ила даҳшатли руҳий ларза тўлқинининг кетма-кет берилаётган зарбаларини ҳис этмоқда. Ундан буни узоқ, жуда узоқ яшириб келишган экан...

Башоратни пинҳон эшитиб олгач, соҳибининг ҳузурига югуриб бориб айтиб берган Вольдемортнинг аблаҳ малайи шу экан-да! Қотилни Лили,

Жеймс ва иккаласининг ягона ўғлига қарши Снегг билан Питер Петтигрю йўллаган экан-да...

Бошқа нарсаларнинг бари ўз маънисини йўқотди.

- Гарри? - боз чақирди профессор Трелани, - Гарри... профессор Дамблдорнинг қабулига кетаётган эдик шекилли.

- Шу ерда тулинг, - деди Гарри, увушиб қолган лабини базўр ҳаракатлантириб.

- Лекин азизим... мени хўрлашгани борасида арз қилмоқчи эдим-ку, ахир мен...

- Шу ерда қилт этмай тулинг, - ғазаб оҳангида такрорлади Гарри.

Қўрқиб кетган аёл қоқилган қозиқ сингари турган жойида қотиб қолди.

Гарри Треланининг ёнидан югуриб ўтиб, муюлиш ортига, аждар тусли тош илон танҳо ўзи қоровуллик қиладиган йўлакка бурилди. Паролни қичқирган Гарри айлана зинанинг учтадан поғонасини сакраб ўтиб, директорнинг эшигини даранғлатди. Хотиржам овоз: «Кириг» дегани ҳамона, хонага учиб кирди.

Қақнус Янгус ҳайрон бўлиб бошини эшик томон бурди. Қушнинг шафақ акс этган ёрқин қора кўзи тилла тусда ялтирамоқда. Қўлига қора рангли сафар ридосини ушлаб олган Дамблдор дераза олдида турганча, кўчани томоша қилмоқда.

- Хўш, Гарри, сени ўзим билан олиб кетишни ваъда қилган эдим.

Гарри дастлаб ҳеч нимани тушунмади. Треланининг ҳикояси сабаб, унинг миясида бўлган нарсаларнинг бари учиб чиққандай гўё.

- Ўзингиз билан?... Мен сиз билан?...

- Истасанг, албатта.

- Агар мен...

Шундагина у, Дамблдорнинг ҳузурига нима сабабдан ошиққанини эслади.

- Топдингиз-ми? Рухдонни топдингиз-ми?

- Ўйлашимча, шундай.

Ичида ғазаб-у, дилсиёҳлик билан ҳаяжон ва қизиқиш орасида кучли кураш кечаётган Гаррининг тили қийин айланмоқда.

- Бироз чўчиган кўринасан. Бу табиий ҳол, албатта, - деди Дамблдор.

- Йўқ, ҳеч ҳам чўчиганим йўқ! - овоз кўтарди Гарри.

У ҳақ гапирди. Ҳозир нимани ҳис этаётганини ўзи аниқ билмайди-ю, ҳар қалай қўрқув ҳиссини эмас.

- Рухдонлардан қайси бири? Қаерда у?

- Қайси бири эканлигини аниқ билмайман, лекин илон эмаслиги аниқ, ҳар қалай. Тахминимча, рухдон бу ердан кўплаб миля узоқда, денгиз соҳилидаги, мен кўпдан буён қидирган, бир вақтлар Том Реддль етимхонада бирга ўсган икки нафар болани қўрқитган ғорда. Ҳар йилги қишлоқ сайли эсингдами?

- Эсимда, - бош ирғиди Гарри, - Қандай ҳимоя чоралари қўлланилган экан?

- Билмадим. Тахминим бор-у, лекин у нотўғри бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Гарри, сени ўзим билан олиб боришга ваъда қилганман ва ўша ваъдам устидан чиқаман, бироқ огоҳлантириб қўйишим зарурки, саёҳатимиз ўта хавфли бўлади.

- Мен сиз билан бораман, - баёнот қилди Гарри, ҳали Дамблдор гапини тугатмай туриб.

Сўнгги бир неча дақиқа ичида Снегг Северусга нисбатан нафрат ҳисси Гаррининг ич-этини тилка-пора қилиб, қандайдир хавфли, тап-тортмас иш қилиш истагини ўнлаб баробар ошиб юборди. Афтидан, унинг аҳволи юзида акс этган кўринади, деразадан сал узоқлашган Дамблдор Гаррига диққат билан разм солиб, қошини чимирди.

- Сенга нима қилди?

- Ҳеч нима, - ўйлаб-нетиб ўтирмай ёлғон гапирди Гарри.

- Дилингни нима ранжитди?

- Ҳеч нима.

- Овора бўлма, Гарри, окклуменция масаласида деярли ҳеч қандай муваффақиятга эришмагансан.

Дамблдорнинг сўнгги сўзлари Гаррининг ғазабини ўтатиб юборган учкун бўлди.

- СНЕГГ - баланд бақириб юборди Гарри, орқасидаги Янгусни овоз чиқаришга мажбур қилиб, - Ўшандан бошқа ким ҳам ранжитиши мумкин мени! Башоратни ўша аблаҳ етказган Вольдемортга! Эшик ортида пинҳон эшитиб турган кас ўша бўлган! Трелани айтиб берди менга.

Ботаётган қуёшнинг қизғиш нури ёритган бўлса-да, Дамблдорнинг хотиржам қиёфаси ўзгармас қолиб, юзининг ранги, Гаррининг назарида, бироз ўчган бўлди.

- Қачон хабар топдинг бундан? - ниҳоят сўради Дамблдор, узоқ сукут сақлаб тургач.

- Ҳозиргина!

Гарри бақир-чақир қилиб юбормаслик учун ўзини идора қилишга уринди-ю, бўлмади:

**- ВА ШУНГА ҚАРАМАЙ, СИЗ УНИ ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМИГА ОЛДИНГИЗ!
ВОЛЬДЕМОРТНИ ОТА-ОНАМНИНГ УЙИГА ЮБОРГАН БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ-
Я?!**

У пинаги бузилмай, хона бўйлаб у ёқ, бу ёқ юра бошлаган Дамблдорга тескари ўгирилиб олди. Худди курашдан сўнг ҳансираётган каби оғир нафас олиб, кўзига кўринган нарсани пачақ қилишдан ўзини базўр тийганча, бармоқларини ўйнатмоқда. Ҳозир унинг ягона истаги ғазаб отига миниб олганча, Дамблдорга хуморидан чиқиб қичқирш-у, у билан бирга бориб руҳдонни олиб келиш истаги янада кучлилик қилмоқда. «Фақат миясини еб қўйган қари аҳмоққина шунча йилдан буён Снегг Северусга ишониб келиши мумкин», демоқчи бўлиб турибди-ю, ўзини идора қилиб олмайдиган бўлса, директор уни ўзи билан олиб кетиш

фикридан қайтиб қолишидан чўчиди...

- Гарри, - паст овозда гап бошлади Дамблдор, - Илтимос, гапимга қулоқ сол.

Юришдан тўхташ қичқириқни тийишдай қийин кечмоқда. Гарри лабини тишлаб, тўхтади-да, Дамблдорнинг ажин қоплаган юзига қаради.

- Профессор Снегг жуда мудҳиш...

- Фақат илтимос, сэр, хатога йўл қўйган деманг. У атайин эшик ортида яширинча қулоқ тутиб турган.

- Илтимос, гапимни охирига етказишга имкон бер, - деди Дамблдор, давом эттириш учун Гаррининг бош ирғиб қўйишини кутиб, - Профессор Снегг жуда мудҳиш хатога йўл қўйган. Башоратнинг биринчи ярмини эшитиб қолганида у ҳали Лорд Вольдемортнинг хизматида бўлган ва табиийки, соҳибининг ҳузурига ошиқиб, эшитганларини оқизмай-томизмай айтиб берган. Зеро, ўша гапларнинг бари бевосита соҳибига дахл қилган. Бироқ Вольдеморт чақалоқлардан қайси бирига ов бошлаши мумкинлигини профессор Снегг билмаган, аниқроқ айтиладиган бўлса, билиш имкони унда бўлмаган. Берилиб кетганидан гўдакнинг ота-онаси ўлдирилиши, у кишилар эса ўзининг эски танишлари, яъни сенинг ота-онанг бўлиб чиқишини у тасаввур ҳам қила олмаган...

Гарри қичқириқ каби эшитилган истехзоли кулиб юборди.

- У Сириусдан қандай нафратланган бўлса, менинг отамдан ҳам шундай кучли нафратланган! Снегг ёмон кўрган одамлар эса муқаррар ўлим топишига ўзингиз эътибор қаратмадингиз-ми, профессор?

- Лорд Вольдеморт ўша башоратни қандай талқин қилганидан хабар топган профессор Снеггнинг тавбаси, пушаймонлари қанчалик катта бўлганини тасаввур ҳам қила олмайсан, Гарри. Ўйлашимча, бу унинг ҳаётидаги энг катта гуноҳ бўлиб, айнан ўша гуноҳ сабабли сафимизга қайтган...

- Ахир у, окклуменцияни яхши тасарруф этиб олган эди-ку, шундай эмасми, сэр? - хотиржам гапиришга минг ҳаракат қилмасин, овози титраб сўради Гарри, - Вольдеморт эса Снегг ҳалигача унга хизмат қилишига комил ишонч билдиради. Профессор... Снегг ўзимизнинг одам эканлигини қаердан биласиз?

Дамблдор, худди ўзи учун ўзи ниманидир ҳал қилаётган каби, бироз индамай турди.

- Биламан. Мен Снегг Северусга тўлиқ ишонаман.

Бир неча бор чуқур-чуқур нафас олган Гарри ўзини идора қилмоқчи бўлди-ю, уддасидан чиқа олмади.

- Мен эса – йўқ! - овоз кўтарди у, - Драко Малфой иккаласи ҳозир ҳам ниманидир ният қилишган, сиз эса...

- Биз буни муҳокама қилганмиз, Гарри, - деди Дамблдор қатъий оҳангда, - Ўшанда мен ўз нуқтаи назаримни тушунтириб берган эдим.

- Мана бугун сиз яна мактабда бўлмайсиз ва гаров боғлашим мумкинки,

Снегг билан Малфой иккаласи...

- Хўш? - қошини кўтарди Дамблдор, - Аниқ бирон-бир нарсада гумон қиялсан-ми, сен уларни?

- Мен... уларни... улар ниманидир режалаштиришган, бу аниқ! - хитоб қилди Гарри, мушти беихтиёр тугилиб, - Профессор Трелани, херес виносини яшириб қўйиш мақсадида Даркор хонага кирган ва ниманидир нишонлаётган Малфойнинг қувончли қичқириғини эшитган! Иккаласи ўша хонада қандайдир хавфли буюмни таъмирдан чиқаришган ва ниҳоят тузатишга муваффақ бўлишган. Сиз эса мактабни...

- Бас, - деди Дамблдор хотиржам оҳангда.

Кўзга кўринмас чегарадан ўтиб кетганини идрок этган Гарри шу заҳоти жим бўлиб қолди.

- Мактабни тарк этган пайтингизда уни қаровсиз қолдириб кетасиз, демоқчи бўлсанг, янглишасан. Бугун ҳам қўшимча ҳимоя чораси ишга туширилади. Сендан илтимос, мактаб ўқувчиларининг хавфсизлигига масъулиятсиз ёндашишда айблама мени.

- Йўқ, мен ундай... - пўнғиллади чўчиб кетган Гарри.

- Ушбу мавзунини такрор муҳокама қилишни истамайман, - гапни бўлди Дамблдор.

Гарри ҳаддан ошиб кетгани, Дамблдорга ҳамроҳ бўлиш имконини қўлдан чиқарганини ўйлаб, тилини тишлади.

- Хўш, борасан-ми ўзи, бугун мен билан, ё йўқ-ми? - кутилмаганда сўраб қолди Дамблдор.

- Бораман, - жавоб берди Гарри, ўйлаб ўтирмай.

- Жуда соз! Ундай бўлса, сўзларимга қулоқ сол, - деди Дамблдор, қадини рост тутиб олиб, - Сени бир шарт билан, у ҳам бўлса, ҳар қандай буйруғимга сўзсиз, муҳокама қилмай бўйсуниб, ижросига шу заҳоти киришиш шартин билан олиб кетаман

- Албатта.

- Умид қиламан-ки, Гарри, мени тўлиқ тушундинг ва ҳатто «қоч», «бекиниб ол» ва «ортга қайт» каби буйруқларга ҳам сўзсиз бўйсунасан. Шунга сўз берасанми?

- Мен... ҳа, албатта.

- Бекиниб олишни буюрсам, бекинасанми?

- Ҳа.

- Қочишни буюрсам, бўйсунасанми?

- Ҳа.

- Агар мени ташлаб, жон сақлаб қолишни буюрсам, айтганимни қиласанми?

- Мен...

- Гарри?

Икковлон бир-бирига бироз қараб турди.

- Ҳа, сэр.

- Жуда соз. Ундай бўлса, сендан илтимос, бориб кўринмас плашингни олгин-да, беш дақиқадан сўнг, мени вестибюлда кут.

Дамблдор олов рангли дераза томон ўгирилди. Қуёшдан фақат уфқ узра хира ёришаётган лаъл-қирмизи чизиқ қолган. Мияси дафъатан тиниқлашиб, нима қилишни энди яхши билган Гарри хонани тез тарк этиб, айланма зина бўйлаб пастга тушди.

Рон билан Гермиона умумий меҳмонхонада ўтиришибди.

- Дамблдорга нима керак экан? - сўроқ бошлади Гермиона ва шу заҳоти ташвиш-ла бошқа савол берди: - Нима қилди сенга, Гарри?

- Ишлар жойида, - жавоб берди ҳаракатини тўхтатмаган Гарри.

У зинадан ётоқхонага учиб чиқиб, сандиғининг қопқоғини очди-да, Кафандузд харитаси билан бир жуфт тахланган пайпоқ чиқарди. Шундан сўнг пастга сакраб тушиб, ҳанг-манг бўлиб қолган Рон билан Гермионанинг ёнида кескин тўхтади.

- Вақтим тиғиз, - ҳансиради Гарри, - Дамблдор плашга жўнатган эди. Қулоқ солинг...

У Роннинг ортиқча саволлари-ю, Гермионанинг оҳ-воҳига эътибор қаратмай, қаерга ва нима мақсадда йўл олганини қисқача айтиб берди. Буларнинг барини муҳокама қилгани ҳали кўп вақт бўлади.

- ... қисқаси, бу нимани англатишини яхши биласиз, а? - энтикиб якунлади Гарри, - Дамблдор кечқурун мактабда бўлмайти, Малфой эса ўз қилмишини хотиржам давом этаверади. Йўқ, қулоқ солинг! - дарғазаб вишиллади у, Рон билан Гермиона оғиз жуфтлаганини кўриб, - Даркор хонада қувончдан айнан ўша ҳайқиргани аниқ. Мана, қара...

Гарри Гермионанинг қўлига Кафандузд харитасини тутқазди.

- Иккалангиз Малфой билан Снеггни кузатиб боришингиз лозим. ДАдан кимни топсангиз, ҳаммани жалб этинг. Алоқа боғлаш галлеонлари ҳали ишляпти-ми, Гермиона? Дамблдорнинг айтишича, қўшимча ҳимоя чораси ишга туширилади. Бироқ жинойтга Снегг аралашган экан... у ўша ҳимоя чорасини четлаб ўтади, лекин у, сизларнинг назоратингиз остида эканлигини билмайти, тўғрими?

- Гарри... - гап бошлади, даҳшатдан кўзи катта очилган Гермиона.

- Баҳслашишга вақт йўқ, - гапни кесди Гарри, - Мана буни ҳам олинг, - деди у, Ронга бир жуфт пайпоқ узатиб.

- Раҳмат, албатта, - миннатдорлик билдирди Рон, - Лекин... э-м-м... пайпоқни нима қиламан?

- Пайпоқ эмас, ичидаги нарсани беряпман: бахт-у, толе дамламаси. Бўлишиб оласиз. Жиннага ҳам беринг, у билан менинг номимдан хайрлашиб қўйинг. Бўлди, борай, Дамблдор кутяпти мени.

Рон тилла тусли дамламани эъзоз-ла ёруққа тутди.

- Йўқ! - хитоб қилди Гермиона, - Бизга эмас, кўпроқ сенга керак бўлади у. Ким билади, сени нималар кутади у ерда?

- Мен Дамблдор билан бўламан, - жавоб берди Гарри, - Сизларнинг

ишларингиз жойида бўлишини истайман... Менга ундай қарама,
Гермиона, биз ҳали яна кўришамиз...

Гарри портрет тўсган туйнукдан сакраб чиқиб, вестибюль томон елдай
учди.

Эман эшик олдида турган Дамблдор тош пиллапояга биқини санчиб
қолган ҳолатда сакраб чиққан Гарри томон юзланди.

- Илтимос, плашингни кийиб ол. Ана шундай, жуда соз. Хўш, кетдик-ми
энди?

Дамблдор тош пиллапоядан пастга тушди. Ёз оқшоми шу қадар сокин-ки,
унинг ридоси қилт этмаяпти. Терга ботиб, устига кўринмас плаш ташлаб
олган Гарри, директорнинг ортидан ҳамон ҳансираб бормоқда.

- Сиз мактабни тарк этиб кетаётганингизни кўрган одамлар нима деган
хаёлга боришлари мумкин, профессор? - сўради у, Снегг билан Малфой
ҳақидаги ўйни миясидан чиқара олмай.

- Бирон стакан уриб олишга Хогсмёдга чиқяпти, деб ўйлашади, - енгил
жавоб берди Дамблдор, - Чунки мен баъзан Росмерта хонимникига
ташриф буюриб бораман, баъзан эса «Ахта чўчка калласи» қовоқхонасига
кириб чиқаман. Ҳар қалай, ҳамма шундай деб ўйлайди. Шубҳа
қочиришнинг энг яхши усули шу.

Икковлон шохобча йўл бўйлаб одимлай кетди. Қош қорайиб, қизиган
алаф, кўл ва Хагриннинг кулбасида ёнаётган ғўла ҳиди ҳавога
уфурмоқда. Гаррининг хавф-хатарга тўлиб-тошган даҳшатли сафарга
чиқиб кетаётганига ишониши қийин кечмоқда.

- Профессор, ҳавода даф бўламизми? - аста сўради Гарри, дарвозани
кўриб.

- Ҳа, - бош ирғиди Дамблдор, - Бундай амални, ўйлашимча, ўзлаштириб
олгансан, а?

- Ўзлаштирдим, - тасдиқлади Гарри, - Аммо менга даф бўлиш ҳуқуқи
ҳозирча берилмаган.

Тўғриси айтган маъқул, хаёлдан ўтказди Гарри, керакли жойдан юзлаб
миля нарида пайдо бўлсам, ишнинг пачавасини чиқариб қўймайман-ми?

- Ҳеч қиси йўқ, - кўл силтади Дамблдор, - Мен сенга ёрдамлашиб
юбораман.

Икковлон мактаб ҳудуди дарвозасидан Хогсмёдга олиб борадиган, кеч
кирганда аранг кўринадиган кимсасиз йўлга чиқди. Зулмат тез
қалинлашиб, Дароз кўчага етиб боришганида қоронғи тушди. Дўконлар
устидаги деразаларда фонуслар милтилламоқда. «Уч супурги»
қаҳвахонасига яқин қолганда бўғиқ овоз эшитилди:

- ... қадам изи қила кўрма энди бу ерга! - зўриқиб бақирди Росмерта
хоним, ўз муассасасидан аллақандай ифлос сеҳргарни туртиб чиқариб, -
О, салом, Альбус... кеч чиқибсиз-ми, бугун?...

- Хайрли оқшом, Росмерта, хайрли оқшом... маъзур кўрасан, «Ахта чўчка
калласи» қовоқхонасига кириб чиқаман... хафа бўлмагин-у, кўнглим

негадир жимжитликни тусаб қолди бугун...

Бир дақиқа ўтиб, икковлон «Ахта чўчка калласи» қовоқхонаси томон олиб борадиган муюлиш ортига бурилди. Кириш эшиги устидаги ёрлик, гарчи шабада эсмаётган бўлса-да, ғичирламоқда. Ичкарида, «Уч супурги»дан фарқли ўлароқ, деярли ҳеч ким йўқ.

- Кириш шарт ҳам эмас, - ғудуллади Дамблдор, атрофга аланглаб, - Модомики, бизни ҳеч ким кўрмаётган экан... Кафтингни қўлимга қўй, Гарри. Маҳкам чангаллаб олишнинг ҳеч ҳам кераги йўқ. Мен сени йўналтириб бораман холос. Уч ҳисобида: бир... икки... уч...

Гарри турган жойида айланди-да, шу заҳоти, ўзини худди биров уни таранг тортилган резина қувур ичида тортиб кетаётгандай ҳис этди. Танаси ҳар томондан сиқилиб, нафас олиши тўхтаб қолди. Бироздан сўнг, ортиқ дош бера олмаслиги, ҳозир нафаси бўғилиб ўлишини ҳис этган фурсатда кўринмас ҳалқалар тарс ёрилиб, Гарри ўзини қоронғи жойда, муздай денгиз ҳавосида нафас олаётганини ҳис этди.

XXVI БОБ. ҲОҲ

Муздай шамол сочини тўзғитган Гарри туз ҳидини сезиб, денгиз шовқинини эшитди. Олдида ҳосил бўлган ой нури йўлагини, боши устида юлдузларга тўлиб-тошган тиниқ осмонни кўриб, ўзи баланд қояда турганини идрок этди. Пастдаги тўлқинлар тошга урилиб, сув билқиллаб кўпикланмоқда.

Гарри атрофга аланглади. Ортидаги қоп-қора тоғ денгиз қаъридан якка ўзи тик кўтарилган. Унинг атрофида сочилиб ётган улкан харсанглар афтидан, бир вақтлар ушбу тоғдан, шу жумладан, Гарри билан Дамблдор турган мана шу қоядан ҳам синиб ажраган кўринади. Манзара жуда қуруқ бўлиб, кўзни қувонтирадиган ҳеч нарса йўқ: денгиз ва тош, на бирор-бир дарахт, ўт-ўлан ва на қум бор.

- Хўш, фикринг?

Дамблдорнинг ушбу саволи шундай бир оҳангда эшитилдики, худди у, мазкур жой боғ сайри уюштиргани тўғри келиш-келмаслиги борасида қизиқиб сўраяпти.

- Реддль тарбияланган етимхона болалари шу ерга олиб келинган, демоқчисиз-да, а?

Гаррининг назарида етимхона маъмуриятига қишлоқ сайри учун тўғри келадиган бошқа жойни тасаввур этиши қийин кечган кўринади.

- Айнан шу ерга эмас, - тушунтириш берди Дамблдор, - Сал юқорида, тоғлар орасидаги кичик водийда қишлоқ бор. Менимча, етим болалар айнан ўша ерда туриб денгиз ҳавосидан тўйиб нафас олганча, тўлқин томоша қилишган. Бу ерга эса Том Реддль ва унинг кичик ёшли

қурбонлардан ташқари, ҳеч ким келмаган. Чунки ушбу қояга бирор-бир магл, агар у тажрибали альпинист бўлмаса, албатта, кела олмайди. Қайиқ воситасида ҳам яқинлашиб бўлмайди. Жуда хавфли. Назаримда Реддль тоғдан тушган. Зеро, арқондан кўра, сеҳр-жоду анча ишонарлироқ. Афтидан, иккала болани қўрқитиб завқланиш учун олиб келган бу ерга. Бунинг учун эса тоғдан таъсирли тушишнинг ўзи етарли бўлган. А, нима, деб ўйлайсан?

Тоққа разм солган Гаррининг бадани жунжикиб кетди.

- Лекин биз ва Реддль учун пировард саналган нишон сал нарида жойлашган. Юр, кетдик.

Дамблдор Гаррини жар томон етаклади. Қоянинг кўплаб чиқиқлари худди пастга тушиш зинаси каби, ярми сувдан чиқиб турган харсанглар томон олиб бормоқда. Нишаблик ниҳоятда тик бўлиб, қўли мажруҳ Дамблдор жуда секин ҳаракатланмоқда. Бўртиб турган жойнинг қуйи қисмидаги тошлар ҳўл ва сирпанчиқ. Гаррининг лунжига денгизнинг шўр ва ўткир қатралари урила бошлади.

Дамблдор жар яқинидаги харсанг тошга етиб, тиззасига ўтирди.

- Люмос! - деди у.

Денгизнинг қоп-қора юзасида минглаб тилла тусли нуқталар ярқираб, унинг орқасидаги қора қоя ҳам ёришди.

- Кўряпсан-ми? - паст овозда сўради Дамблдор, - Сеҳрли таёқчасини баландроқ кўтариб.

Гарри қоянинг сув қорайиб қайнаётган қуйи қисмида ёрилган жойини кўрди.

- Бироз ҳўл бўлишдан қўрқмайсан-ми?

- Йўқ, - жавоб берди Гарри.

- Ундай бўлса, кўринмас плашингни еч. Энди у керак эмас. Шўнғи!

Кекса кишига хос бўлмаган абжирлик билан харсанг тошдан сувга сакраган, ёришган сеҳрли таёқчани тишлаб олган Дамблдор ярқираб кўринган ёриқ томон сузди. Плашни ечиб, киссасига жойлаган Гарри Дамблдорнинг ортидан эргашди.

Сув муздай. Ҳўл кийим сузишга халал бериб, денгиз тубига тортмоқда.

Туз ва сув ўтининг ўткир ҳидидан бир маромда чуқур нафас олаётган Гарри қоя қаърига кириб кетганча, милтиллаб, кичик нуқтага айланаётган чироқ сари сузмоқда. Кўп ўтмай, қоя тирқиши денгиз сатҳи кўтарилганида сувга тўладиган, эни уч футдан ошмайдиган туннельга айланди. Унинг шилимшиқ қоплаган девори сеҳрли таёқчанинг ҳаракатланаётган нури остида худди ҳўл гудрон сингари ялтирамоқда. Туннель сал нарида чапга бурилиб, қоя ичига чуқурлашмоқда. Гарри Дамблдорнинг кетидан, увушиб бораётган бармоқ учларини тошнинг дағал сиртига уриб олганча, астойдил сузмоқда.

Ниҳоят қоронғида, сувдан чиққан Дамблдорнинг узун коржомаси ва кумуш тусли соч-соқоли ялтиради. Етиб келган Гаррига катта ғорга олиб

борадиган зина кўринди. Гарри зина поғоналарига базўр тирмашиб чиқар экан, эгнидаги кийимидан бир дунё сув оқиб тушди. Ғор ҳавоси тинч, совуқ бўлиб, Гаррини титроқ босди.

Ғор ўртасида таёқчасини баланд тутган Дамблдор девор ва шифтни кўздан кечирганча, аста айланди.

- Ҳа, шу ерда, - деди у.

- Қаердан биласиз? - пичирлади Гарри.

- Бу ерда бир вақтлар сеҳр-жоду қўлланилган, - тушунтирди Дамблдор. Гарри совуқдан ёки қўлланилган ўша сеҳр таъсиридан қалтираётганини тушунмай, Дамблдорнинг ҳаракатларини диққат билан кузатди.

Қария ўйчан ҳолатда, турган жойида айланиб, Гаррига мутлақо тушунарсиз нарсаларни ўрганиб чиқмоқда.

- Бу атиги ante-chamber, яъни вестибюль, - деди Дамблдор бироздан сўнг, - Энди ичкарига киришимиз ва табиат томонидан эмас, Лорд Вольдеморт томонидан яратилган тўсиқларни енгишимиз керак бўлади. Қорайган қўлининг бармоқлари билан девор силаётган Дамблдор, Гарри тушунмаган ғалати тилда нимадир ўқиб, қўлини тош деворга тез-тез теккизганча, ғорни икки марта айланиб чиқди, баъзан кескин тўхтаб, муайян жойни бармоғи билан силаб борди. Ниҳоят у, кафтини деворга маҳкам босганча, тўхтади.

- Мана шу ердан, - эълон қилди кекса сеҳргар, - Шу ердан ўтамыз. Кириш жойи сеҳр-ла, муҳрланган.

Дамблдор буни қаердан билганини Гарри сўраб ҳам ўтирмади. Сеҳр-жодунинг нигоҳ ва қўл воситасида мана бундай қўлланилишини ҳали у кўрмаган. Умуман айтганда эса, тутун чиқариш-у, шовқин кўтариш моҳир сеҳргарлик эмас, тажрибасизлик аломати эканлигини у кўпдан буён фаҳмлаб келган эди.

Дамблдор бироз ортга чекиниб, сеҳрли таёқчасини деворга ўқтади. Тош деворда арка шакли, худди ичкарида биров кучли прожектор ёққан каби, оқ олов тусида бир зум ярқираб кўринди.

- Т-т-о-о-опа о-лдингиз, ш-ш-шекилли, - деди Гарри, тиши-тишига тегмай.

Унинг гапи охирига етгунча, арка кўздан ғойиб бўлди.

- Кечир, Гарри, хаёлимдан кўтарилибди, - деди Дамблдор, Гаррига юзланганча, таёқчасини силтаб.

Гаррининг эгнидаги кийим, худди камин олови олдида бироз тутиб турилган каби, шу заҳоти қуриб, иссиққина бўлиб қолди.

- Раҳмат! - миннатдорлик билдирди Гарри, силлиқ девор томон ўгирилишга улгурган Дамблдорнинг белига қараб.

Нафасини ичига ютган Гарри, аллақандай қизиқ матн ўқиётган каби, сеҳр қўлламай, деворга диққат-ла қараётган Дамблдорга халал бермай, жим турди.

- Бўлиши мумкин эмас, - ниҳоят тилга кирди Дамблдор, икки дақиқа оғир

сукут сақлагач, - Жуда дағал иш.

- Нима, профессор?

- Иккиланмоқдаман-у, лекин назаримда... - деди Дамблдор, соғ қўлини киссасига солганча, кумуш пичоқча чиқариб, - Назаримда кириш учун ҳақ тўлашимиз керак бўлади.

Бундай пичоқча билан Гарри, одатда, сеҳрли дамламанинг таркибий қисмларини арчиб тўғрайди.

- Ҳақ тўлашимиз керак? - ҳайрон бўлди Гарри, - Эшикка бирон нима беришимиз керак-ми?

- Худди шундай, - тасдиқлади Дамблдор, - Қон, агар мен қаттиқ янглишмаган бўлсам.

- Қон?

- Айтдим-ку, жуда дағал иш, деб.

Афтидан, Вольдеморт ҳафсаласини пир этган кўринади, Дамблдорнинг овозида ихлоси қайтгани билиниб, нафрат оҳанги эшитилди.

- Фокусдан кўзланган мақсад шундан иборатки, душман ичкарига ўзини кучсизлантирмай кира олмайди. Лорд Вольдеморт, ўз одатига кўра, жисмоний жароҳатдан ҳам даҳшатлироқ нарсалар борлигини унутган кўринади.

Ёш бўлишига қарамай, оғриқларнинг ҳар хилини бошдан ўтказган Гарри, навбатдаги жароҳат олинишини истамади.

- Тўғри, - ғўлдиради у, - Лекин буни ҳам четлаб ўтишнинг имкони бўлса...

- Афсуски, изтиробни ҳар доим ҳам четлаб бўлмайди, - мажруҳ қўлининг енгини шимариб, пичоқ тортишга ҳозирланди Дамблдор.

- Профессор! - эътироз-ла қичқирди Гарри, қариянинг ёнига югуриб бориб, - Яхшиси, мен, ҳар қалай...

Дамблдор кулиб боқди. Гарри қандай важ келтиришни билмай қолди, ёшроқ-ми у, ё бақувватроқ? Кумуш тиф ярқ этгач, қизил фавворача отилиб, хира ярқираган қорамтир томчилар деворга зич сачради.

- Жуда меҳрибонсан, Гарри, - деди Дамблдор, сеҳрли таёқчасини чуқур кесилган жароҳат узра юритиб, - Лекин сенинг қонинг менинг қонимдан қимматлидир...

Дамблдорнинг қўлидаги жароҳат худди Снегг Малфойнинг жароҳатини тузатгандай, тез битди.

- Ана, иш берган кўринади....

Оқ олов тусидаги арка шакли боз ярқираб, энди ғойиб бўлмади. Қон қатралари сачраган тош эса йўқолиб, аркада зим-зиё зулматга йўл очган катта тешик ҳосил бўлди.

- Ўзим бошлаганим маъқул, - деди Дамблдор, арка остонасидан ичкарига ҳатлаб.

Сеҳрли таёқчасини ёритган Гарри, Дамблдордан қолишмай юрди.

Суви қоп-қора бепоён кўл. Охири йўқ ғор шу қадар баландки, шифти кўринмайди. Кўл марказида хира яшил тусда нимадир ярқираб, сувнинг

силлиқ юзасини ёритмоқда. Ушбу ғалати ёруғлик билан сеҳрли таёқчалар нури бахмалдай зулматни бироз кесгандай бўлди-ю, чуқур сингиб кирмади. Бу ердаги қоронғилик негадир оддий қоронғиликка нисбатан анча қалин.

- Кетдик, - деди Дамблдор хотиржам оҳангда, - Фақат эҳтиёт бўл, сувга тегма. Менга яқинроқ юр.

Дамблдор соҳил бўйлаб одимлай кетди. Гарри ундан қолишмади. Иккаласининг қадами сув билан оёқ ўртасидаги тўсиқ вазифасини ўтаётган тор тош йўлакдан баланд акс-садо ила янграмоқда. Улар узоқ юришига қарамай, Гаррининг кўнглига ваҳима солаётган манзара ўзгармас қолмоқда: атрофда ўлик жимжитлик ҳукм суриб, бир томонда ғорнинг дағал девори, иккинчи томонда кўлнинг, ўртаси яшил тусда ёришган қоп-қора чексиз юзаси.

- Профессор, фикрингиз-ча, руҳдон шу ердами? - сўради у ниҳоят, сабри чидамай.

- Ишончим комил! - жавоб берди Дамблдор, - Масала, унга яқин бора билишда холос.

- Буюм чақириш афсунидан фойдалансак-чи?... - сўради Гарри, саволи аҳмоқона эканлигини ўзи англаб турган бўлса-да, бу ердан тезроқ чиқиб кетишни истаб.

- Мумкин, албатта, - жавоб берди Дамблдор, кескин тўхтаб, - Уриниб кўрмайсан-ми? - деди у, ёнбошига тақалиб қолгудай тўхтаган Гаррига.

- Мен-ми? Э-э... яхши...

Бундай таклифни кутмаган Гарри томоғини қириб олди-да, сеҳрли таёқчасини кўтариб, қичқирди:

- Ассио руҳдон!

Соҳилдан йигирма футча нарида аллақандай улкан, туссиз нарса портлаш овозини эслатган тарзда қора сув устида пайдо бўлиб, Гарри уни дурустроқ кўриб олишга улгурмай, сувни шاپиллатганча, кўздан ғойиб бўлди. Сув сиртида тўлқин ҳалқалари ўтди. Қўрққанидан юраги қаттиқ ура бошлаган Гарри ортга чекиниб, деворга қапишиб олди-да, Дамблдорга юзланди:

- Нима эди у?

- Тахминимча, руҳдонни қўриқлаётган аллақандай ҳимоячи.

Гарри сувга боз назар солди. Тўлқин ҳалқалари ғайритабиий тарзда тез тинчиб, кўлнинг қоп-қора сирти яна ойнадай ярқироқ, сип-силлиқ тус олди. Гаррининг юраги ҳамон қутургандай урмоқда.

- Ўхшаш ҳодиса рўй беришини кутган эдингизми, сэр?

- Руҳдонга етиб олишга жавобан нимадир рўй беришини кутган эдим, ҳар қалай. Яхши иш бўлди, Гарри. Бизга нима таҳдид солишини оддий усул-ла аниқлаб олдик.

- Лекин, унинг нима эканлигини англаб олмадик-ку ҳали, - эътироз билдирди Гарри, сувнинг ваҳимали сокин юзасига қараб.

- Уларнинг нима эканлигини, демоқчи бўлдинг чоғи, Гарри, - тузатиш киритди Дамблдор, - Ўша нарса ёлғиз эканлигига шубҳа қиламан. Йўлни давом этамизми?

- Профессор...

- Ҳа, Гарри?

- Сувга шўнғишга тўғри келади, демоқчи эмасмисиз, ишқилиб?

- Сувга шўнғишга? Омадимиз чопмасагина, Гарри.

- Рухдон кўл тубида, денг?

- Йўқ, назаримда у... - кўл ўртасидаги яшил тусли хира ёғдуга имо қилди Дамблдор, - Кўлнинг қоқ ўртасида.

- Демак, сузишга тўғри келар экан-да, а?

- Ўйлашимча, шундай.

Миясини сув махлуқлари, улкан илонлар, иблислар ва бошқа турдаги қабоҳатлар ҳақидаги хаёллар бутунича қамраб олган Гарри жим бўлиб қолди.

- Хўш, - деди Дамблдор.

Бу сафар Гарри кутилмаганда тўхтаб қолган қарияга бориб урилганча тебраниб, қора сувга тушиб кетишига бир баҳя қолганида ўзини базўр тўхтата олди. Дамблдор соғлом қўли билан Гаррининг тирсагидан тутиб, ўзига тортди.

- Узр, Гарри, огоҳлантириб тўхташим керак эди. Девор тагида кутиб тур, илтимос. Афтидан, керакли жойни топган кўринаман.

Ҳамроҳи нима ҳақида гапираётганини Гарри тасаввур ҳам қила олмайди. Соҳилнинг ушбу қисми бошқа жойлардан ҳеч нимаси билан фарқ қилмайди. Лекин Дамблдор бу ерда нимадир топган кўринади. Энди у қўлини тош девор сиртида юритмай, зоҳиран кўзга кўринмас аллақандай буюмни чангалламоқчи бўлгандай, ҳавода айлантормоқда.

- Мана! - қувонч-ла хитоб қилди Дамблдор, бир-икки сония ўтиб.

Гаррининг кўзи илғамаётган алланима ушлаб олган кекса сеҳргар сувга яқинлашди. Гарри қариянинг тўқали бошмоғи кўлнинг сертош қирғоғида мувозанат сақлаётганини асабий ҳолатда кузатиб турибди. Дамблдор иккинчи қўлидаги сеҳрли таёқчасининг учини олдинга узатган муштига теккизди.

Шу заҳоти яшил тусли мис занжир сувдан чиқиб Дамблдорнинг қўлига қадар чўзилганча пайдо бўлди. Дамблдор сеҳрли таёқчаси билан уриб қўйган эди ҳам-ки, худди илон каби мушти орқали сирпаниб ўта бошлаган ушбу занжир, кўл тубидан ниманидир тортиб чиқариб, оёқ остида ҳалқа шаклида жаранглаганча ўрала кетди. Сув ичида занжир каби кўкариб кетган қайиқнинг тумшуғини кўрган Гарри оҳ уриб юборди. Юзага қалқиб чиққан қайиқ сувни деярли безовта қилмай Гарри билан Дамблдор томон яқинлаша бошлади.

- Кўл тубида қайиқ борлигини қаердан билдингиз? - ҳайрат-ла сўради Гарри.

- Сеҳр-жоду доимо из қолдиради, - жавоб берди Дамблдор, қайиқ соҳилга келиб урилар экан, - Баъзан эса ўша из мазмунан тушунарли бўлади. Том Реддлни ўзим ўқитган эканман, унинг иш тарзини ҳам яхши биламан.

- Қайиқ... хавfli эмасми?

- Йўқ, менимча йўқ. Рухдонидан хабар олиш ёки уни бошқа жойга олиб кетиш учун Лорд Вольдемортга сузиш воситаси керак бўлган.

- Демак, қайиқда сузиб кетадиган бўлсак, сув махлуқлари бизга тегмайди, шундайми?

- Фурсати етиб, биз Лорд Вольдеморт эмаслигимизни англаб етишади, ўшанда... Шундай бўлса-да, ҳозирча иш силлиқ кечяпти. Ҳар қалай улар бизга қайиқни беришди.

- Нега? - сўради Гарри.

Гарри соҳил кўринмай қолиши билан, сув ичидан аллақандай жирканч пайпаслагичлар чиқиб келишига оид тасаввурни фикр-хаёлидан қува олмаяпти.

- Қайиқни топа билишга, боз устига руҳдонга етиб олишга фақат қудратли сеҳргаргина қодирлигини Вольдеморт билган, - тушунтириш берди Дамблдор, - Шу боис, унинг нуқтаи назаридан қаралганда, оқибати зиёнсиз таваккалчиликка йўл қўйган. Бунинг устига, кейинги тўсиқни фақат ўзи енга олади, деб билган. Ҳозир кўрамиз, аслида ҳам шундай ёки ундай эмаслигини.

- Жуда кичкинагина экан, - деди Гарри, оёқ остидаги қайиқчага қараб, - Иккаламизни кўтара олармикан? Ё оғирлик қиламизми? Дамблдор хандон отиб қўйди.

- Ишончим комилки, Вольдеморт киши вазнини эмас, сеҳр қудратининг ҳажмини ҳисобга олган. Тахминимча, у, қайиққа нисбатан сеҳр-жодуни, унда фақат бир нафар сеҳргар бўлишини назарда тутиб қўллаган.

- Ундай бўлса?...

- Сени ҳисобга олмасак ҳам бўлаверади, Гарри. Чунки сен ҳали балоғат ёшига етмаган, дипломсиз сеҳргарсан. Бу ерга ўн олти ёшли сеҳргар кириб келиши Вольдемортнинг хаёлига ҳам келмагани аниқ. Менинг сеҳр қудратим олдида сенинг кучинг сезилмайди.

Гаррининг жанговар руҳи тетиклаштирмаганини кўрган Дамблдор қўшимча қилди:

- Вольдеморт янглишган, Гарри, янглишган... Катта ёшлилар ўзи шунақа аҳмоқ бўлади, ёшларнинг имкониятига етарлича баҳо бера билишмайди. Энди эса Гарри, ўзинг бошлаб берасан. Фақат эҳтиёт бўл, сувга тегиб кетма.

Қайиққа дастлаб Гарри, сўнг, занжирни ҳалқа шаклида қайиқ тубига жойлаган Дамблдор чиқди. Жой жуда тор бўлиб, Гарри тиззасини бортга тираганча, ғуж бўлиб олди. Сузиш воситаси қирғоқдан ажраб, кўл маркази томон мустақил равишда, гўё уни кўринмас арқон тортаётган каби суза кетди. Атроф жимжит, фақат қайиқ учи сув кесиб чиқарган

майин шовқингина эшитилмоқда. Бироздан сўнг ғор девори кўринмай, атрофни тўлқинсиз денгиз қамраб олгандай бўлди.

Пастга қараган Гарри сувнинг қора юзасида сеҳрли таёқчасидан чиқаётган тилла тусли ёруғлик аксини кўрди. Қайиқ учида ҳосил бўлаётган жўяклар сув бўйлаб қорамтир кўзгунинг тимдаланган жойини эслатган тарзда тарқамоқда...

Кутилмаганда Гарри кўл қаърида мрамардай оппоқ нарсани кўриб қолди.

- Профессор! - ҳаяжон-ла қичқирди у.

Унинг овози сокин кўл узра бўғиқ акс-садо каби янгради.

- Тинчликми, Гарри?

- Қўл! Сув ичида одам қўлини кўрдим!

- Бу табиий, - хотиржам жавоб қайтарди Дамблдор.

Кўнгли беҳузур бўлиб бораётган Гарри сувга бақрайиб, ғойиб бўлган қўлни қидира кетди.

- Сувдан сакраб чиққан анави нарса?...

Дамблдор оғиз жуфтлашга улгурмай, Гарри саволига жавоб топди: унинг сеҳрли таёқчаси зулмат ичида, юзи юқорига қараганча сув юзасидан бир неча дюйм пастда сузиб бораётган одам танасини ёритди. Жасаднинг очик кўзини парда қоплаган бўлиб, сочи билан кийим бўлаклари танасининг атрофида тутун каби чирмашиб бормоқда.

- Мурдалар! - ғайритабиий овозда чириллади Гарри.

- Тўғри, - беташвиш оҳангда тасдиқлади Дамблдор, - Ҳозирча, улардан хавфсирамаса ҳам бўлаверади.

- Ҳозирча? - такрорлади Гарри, нигоҳини сувдан Дамблдорга олиб ўтиб.

- Улар сув остида ҳозирча беозор сузиб юришибди, - тушунтириш берди Дамблдор, - Мурда билан зулматдан қўрқиш бемаънилиқдан ўзга нарса эмас. Унисидан ҳам, бунисидан ҳам бировга билдирмай қўрқадиган Лорд Вольдеморт эса фикримга қўшилмайди, албатта. Сабаби оддий, унда ақл-фаросатнинг танқислиги. Зеро, ўлим билан қоронғилиқда мавжуд мубҳамлик чўчитиши мумкин холос.

Баҳслашишни истамаган Гарри индамай қўя қолди, бироқ кўп сонли мурдалар орасида сузиб юриш ҳолати уни даҳшатга солиб, уларнинг беозор эканлиги борасида бироз иккиланишга мажбур қилди.

- Улардан бири сувдан сакраб чиқди-ку, - деди у, хотиржамлигини сақлашга уриниб, - Рухдонни чақирганимда кўлдан ўлик сакраб чиқди.

- Тўғри, - деди Дамблдор, - Рухдонни олиб кетишга уринадиган бўлсак, уларнинг хатти-ҳаракати нисбатан жанговар тус олишига шубҳа қилмайман. Лекин, уларнинг совуқ зулматда макон топгани яхши бўлибди. Демак, улар ёруғлик ва ҳароратдан қўрқади. Бу эса ўз навбатида, иккаламиз, агар эҳтиёж туғилса, айнан ёруғлик ва ҳароратдан фойдаланишимиз керак бўлишини англатади.

Гаррининг юзидаги ҳайратланиш қиёфасини кўрган Дамблдор табассум-ла тушунтириш берди:

- Оловни назарда тутяпман, Гарри.

- Ҳа... албатта... - деди Гарри, бошини қайиқ сузиб бораётган яшил ёғду томон буриб.

Мурдага тўлиб тошган чексиз кўлда сохта довуракликни ясаб бўлмади. Профессор Треланига дуч келиб, бахт-у, толе дамламасини Рон билан Гермионага берган фурсатдан жуда кўп вақт ўтиб кетгандай бўлди... Нега улар билан дурустроқ хайрлашиб олмади... нега Жинна билан учрашмади...

- Деярли етиб келдик, - қувноқ оҳанг-ла маълум қилди Дамблдор.

Дарҳақиқат, яшил тусли ёғду яқинлашиб, яна бир неча дақиқа ўтгач, қайиқ қандайдир юшоқ нарсага урилиб тўхтади. Гарри ёришаётган сеҳрли таёқчасини баланд кўтариб, кўл марказидаги ясси тош майдон кўринишидаги оролчага етиб келишганини кўрди.

- Эҳтиёт бўл, сувга тегиб кетма, - эслатиб ўтди Дамблдор, қайиқдан тушишга ҳаракат қилаётган Гаррига.

Оролнинг умумий майдони Дамблдорнинг хизмат хонасидан у қадар катта ҳам эмас. Силлиқ қорамтир тош устида яшил ёғду манбасидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Яқин масофада нисбатан ёруғ ёришаётган ушбу манбага кўзини қисиб қараган Гарри дастлаб уни фонус сифатида қабул қилди, сўнг, аслида супа устига ўрнатилган ва нимаси биландир дамблхотирани эслатган тош жом эканлигини идрок этди.

Гарри жом томон одимлаган Дамблдор кетидан эргашди. Икковлон ёнма-ён турганча тош жом ичига қараб, флюоресцент нур таратаётган зумрад рангли суюқликни кўрди.

- Нима бу? - паст овозда сўради Гарри.

- Аниқ билмайман, - жавоб берди Дамблдор, - Аммо қон билан мурдаларга нисбатан анча хавфли эканлиги аниқ.

Дамблдор боз мажруҳ кўлининг енгини шимариб, кўмирдек қоп-қора бармоғини суюқликка тикди.

- Тегманг, сэр, хавфли!

- Тега олмайман ҳам, - кулиб боқди Дамблдор, - Кўряпсан-ми, бўлмаяпти. Ўзинг уриниб кўр.

Гарри зумрад рангли дамламага қараб, кўл теккизишга даҳшат-ла уриниб кўрди-ю, бир дюймдан яқин боришга тўсқинлик қилаётган кўзга кўринмас ғовга рўбару бўлди. Ғовни кучлироқ, янада кучлироқ туртиб кўрди-ю, бармоғи ниҳоятда зич, ҳеч нарса ўтказмас ҳаводан бошқа нарсани ҳис этмади.

- Қани, нари қоч-чи, Гарри, - деди, сеҳрли таёқчасини кўлига олган Дамблдор.

Кекса сеҳргар деярли овоз чиқармай ғудуллаганча, тош жом устида аллақандай ғалати ҳаракатлар бажарди. Агар дамлама янада ёрқинроқ ёришиб кетгани ҳисобга олинмаса, ҳеч нима рўй бермади.

- Рухдон шунинг ичида деб ўйлайсиз-ми, сэр? - сўради индамай турган

Гарри, Дамблдор сеҳрли таёқчасини тушириши ҳамоно.

- Рухдон-ку, шунинг ичида эканлиги аниқ, лекин уни чиқариб олиш... - деди Дамблдор, яшил суюқликнинг силлиқ юзасига диққат-ла назар солиб, - Қандай уддаласа бўлар экан, а? Дамлама ичига қўл тиқиб бўлмади, уни буғлантириш, четга чекинишга мажбур қилиш, таёқча ичига сингдириб юбориш, сеҳрини бекор қилиш, шакли ёки табиатини ўзгартиришнинг иложи бўлмади.

Дамблдор сеҳрли таёқчасини кескин айлантириб, ҳавода биллур қадаҳ пайдо қилди.

- Тахминимча, дамламани ичиб битириш керак.

- Нима? - хитоб қилди Гарри, - Йўқ!

- Афтидан шунга ўхшайди: дамламани ичиб, тош жомни бўшатгач, тубида нима борлигини кўриш мумкин.

- Аммо... агар у ўлдириб қўйса-чи, сизни?

- Лорд Вольдеморт шу ергача етиб кела билган одамни ўлдиришига шубҳа қиламан, - хотиржам эътироз билдирди Дамблдор.

Гарри эшитганига бовар қила олмади. Нима бу? Дамблдорнинг ҳамма ва ҳамма ёқда фақат яхшилик кўра билишга бўлган ақлдан ташқари интилишининг навбатдаги мисолими?

- Сэр, - тушунтириш оҳангида гап бошлади Гарри, - Ҳозир гап Ёвуз Лорд тўғрисида боряпти...

- Маъзур санайсан, Гарри, шу заҳоти ўлдиришига шубҳа қиламан, дейишим керак эди, - гапига тузатиш киритди Дамблдор, - Қўйилган тўсиқларни қандай енгиб ўтгани-ю ва энг муҳими, тош чаноқни нима мақсадда бўшатмоқчи бўлганини билгунча, ўлдирмаган бўлар эди. Шунинг унутмагин-ки, Лорд Вольдеморт ўз руҳдонлари ҳақида ўзидан бошқа ҳеч ким билмаслигига ишончи комил.

Гарри нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган эди ҳам-ки, Дамблдор қўлини кўтариб, жим бўлишга имо қилди ва қошини бироз чимириб олганча, қўлидаги биллур қадаҳга қараб қолди.

- Шубҳа йўқ-ки, - деди у, бироз сукут сақлаб тургач, - Дамлама таъсири руҳдонни олишимга тўсқинлик қилади, мени ҳаракатсиз ҳолатга солиши, бу ерга нима мақсадда келганимни унутишга мажбур қилиши, жонимни кучли оғритиб, тош жом билан ишим бўлмай қолиши ёки кўзланган мақсадга етишишга бошқа бир усулда халал бериши мумкин. Агар аҳвол ҳақиқатан ҳам ўша даражага бориб етадиган бўлса, Гарри, олдинда турган вазифа дамламани охиригача ичиб тугатишимни назорат қилиш, керак бўлса, мени мажбур қилишдир. Тушундинг-ми?

Иккаласининг нигоҳи тош жом устида тўқнаш келди. Ранги оқарган юзлар яшил тусда ёришмоқда. Гарри сукут сақлаб турибди. Бу ерга нима учун олиб келинганини, керак бўлса, чидаб бўлмас оғриқ бериши мумкин бўлган мана бу дамламани Дамблдорнинг оғзига мажбуран қуйиши кераклигини энди тушунди.

- Сени бу ерга қандай шарт билан олиб келганим эсингдами?
 Гарри кекса сеҳргарнинг жом ёғдусида яшил тус олган мовий кўзига яна бир бор журъатсиз қараб қўйди.

- Агар?...

- Амримга итоат этишга онт ичган эдингми?

- Ҳа, бироқ...

- Саёҳатимиз машаққатли кечиши ҳақида сени огоҳлантирган эдим, шундайми?

- Ҳа, аммо...

- Шундай экан, - деди Дамблдор, боз енгини шимарганча, бўш қадахни кўтариб, - Амримни эшитдинг.

- Мен ичсам нима қилади шу дамламани? - умидсиз сўрди Гарри.

- Чунки менинг ёшим улуғ, нисбатан ақллиман ва айни вақтда, сенчалик кадрли эмасман, - жавоб берди Дамблдор, - Сўнгги бор сўраяпман сендан Гарри, дамламани охиригача ичиб тугатишим учун қўлдан келганча ҳаракат қилишга сўз берасанми?

- Сал бошқача йўл тутсак...

- Сўз берасанми?

- Лекин...

- Сўз бер, Гарри.

- Мен... яхши, лекин...

Гарри эътироз сўзини айтиш учун оғиз жуфтлашга улгурмай туриб, Дамблдор биллур қадахни тош жомдаги дамламага ботиришга улгурди. Ушбу биллур қадах ҳам дамламага ета олмаслиги борасидаги Гаррининг сўнгги умиди пучга чиқди. Идиш дамламага осонгина тўлди.

- Соғлигинг учун, Гарри, - деди Дамблдор, дамламага тўлдириб олган қадахини оғзига келтириб.

Тош жомнинг қиррасини бармоқлари оқариб кетган даражада маҳкам чангаллаб олган Гарри даҳшат-ла Дамблдорга бақрайди.

- Профессор! - ташвиш-ла чақирди у, Дамблдор қадахни тушириши ҳамоно, - Ўзингизни яхши ҳис этяпсиз-ми?

Кўзини чирт юмган Дамблдор бош силтади. «Шу қадар қаттиқ оғрияпти-ми?» чўчиб кетди Гарри. Дамблдор қадахни боз жомга ботириб тўлдирди-да, яна симириб юборди.

Сўз айтмаган кекса сеҳргар учта қадахни ўзи ичгач, тўртинчисининг ярмига келганида олдинга, жомга йиқилди. У ҳамон кўзини очмай, оғир нафас олмоқда.

- Профессор Дамблдор! - хавотир-ла қичқирди Гарри, - Мени эшитяпсиз-ми?

Дамблдор жавоб бермади. У худди қаттиқ уйқуга кетган бўлиб, юзи кўрқинчли туш кўраётган каби титрамоқда. Дамлама тутган қўли бўшаб, суюқлик тўкилиб кетишига сал қолди. Гарри қўлини узатиб, биллур қадахни тўғрилади.

- Профессор мени эшитяпсиз-ми? - баланд овозда такрорлади у. Унинг сўзлари ғорда акс-садо бўлиб эшитилди. Тез-тез, оғир нафас олиб, илгари ҳеч қачон қўрқув аломатини билдирмаган Дамблдор бироздан сўнг тилга кирди. Гарри унинг овозини танимади.

- Йўқ, истамайман... мажбур қилма мени...

Гарри Дамблдорнинг ярим ой шаклидаги кўзойнагига қараб, таниш юзидан қон қочганини кўриб, нима қилишни билмай қолди.

- Йўқ, менга ёқмаяпти... хоҳламайман... - ингради Дамблдор.

- Шундай қилиш керак, профессор... керак, - деди Гарри, қатъий оҳангда,

- Ҳаммасини ичиб тугатишингиз керак, эсингиздами? Мажбур қилишни тайинлаган эдингиз. Мана...

Гарри ўзидан ўзи нафратланганча, қадаҳни Дамблдорнинг оғзига яқин келтириб, оғдирди. Кекса сеҳргар Гаррига итоат қилиб, дамламанинг қолганини ичди.

- Йўқ... - пўнғиллади Дамблдор, Гарри қадаҳни қайтадан тўлдиргач, - Истамайман... хоҳламайман... қўйиб юбор мени...

- Ҳеч қиси йўқ, профессор, - деди Гарри, қўли титраб, - Ҳеч қиси йўқ, мен сиз биланман...

- Тўхтасин... буларнинг бари тугасин... - йиғлади Дамблдор.

- Албатта... мана буни ичиб олсангиз, бари тўхтайтиди, - алдади Гарри, Дамблдорнинг очиқ оғзига дамлама қўйиб.

- Йўқ, йўқ, йўқ, йўқ... бўлди... бас қил... мажбур қилма мени...

Кекса сеҳргарнинг қичқириғи ғор ичида, кўлнинг ўлик суви устида акс-садо бўлиб янгради.

- Ҳаммаси яхши бўлади, профессор, ҳаммаси яхши бўлади! - хитоб қилди Гарри.

Унинг қўли кучли титраб, қадаҳни олтинчи бор базўр тўлдира олди. Тош жомдаги суюқлик ярмига етди.

- Сизга ҳеч нарса қилмайди. Буларнинг бари хавфсиз, рostaкамига эмас, чин сўзим... рostaкамига эмас... ичинг, ичинг...

Дамблдор худди зидди-заҳар қабул қилгандай итоат-ла ичди-ю, қадаҳ бўшаши билан тиззасига ўтириб олди.

- Мени кечиринглар, - ҳўнгради у, титрай-титрай, - Бошқа ундай қилмайман! Илтимос, тўхтатинг, буларнинг бари тўхтасин. Мен бошқа ҳеч қачон, ҳеч қачон...

- Мана буни ичиб олсангиз, ҳаммаси тўхтайтиди, профессор, - ваъда қилди Гарри, Дамблдорнинг оғзига еттинчи қадаҳни изтироб-ла қуяр экан. Худди кўзга кўринмас жаллодлардан бекинаётган каби ғужанак бўлиб олган бечора қария қўлини силтаб, Гаррининг қўлидаги навбатдаги қадаҳни онтариб юборишига сал қолди.

- Қийнаманг уларни, илтимос, қийнаманг, ҳаммасига ўзим айбдорман, мени олинглар...

- Ичинг, мана буни ичиб олинг, анча енгил тортасиз, - ўтинди Гарри. Кўзини очмай, бошдан-оёқ қалтираётган Дамблдор боз итоат қилиб, оғзини очди. Шундан сўнг у ерга йиқилиб, ҳўнграганча ер муштлади. Гарри яна қадаҳ тўлдирди.

- Илтимос, илтимос, ўтинаман, илтимос... ундай қилманг... мен ўзим... ҳаммасини сиз айтгандек қилиб бераман...

- Ичиб олсангиз бўлди, профессор...

Дамблдор дамламани худди ташналикдан қийналиб кетган боладай симириб олди-да, ичига ўт кетгандай ўкириб юборди.

- Бўлди, ортиқ чидай олмайман, бўлди...

Гарри қадаҳни жом ичига ўнинчи бор ботириб, биллур тошга текканини ҳис этди.

- Деярли бўлди профессор, ичинг, мана буни ичиб олинг...

Гарри Дамблдорни елкасидан тутиб, қадаҳни симириб бўшатишга ёрдам берди. Гарри дамлама олиб келиш учун яна турар экан, қария ўлим дарди ила қичқириб юборди.

- Ўлгим келяпти! Ўлишни хоҳлайман! Бас қил, ўлгим келяпти!

- Ичинг, профессор, ичинг...

Дамблдор итоат қилди-ю, охиригача ичиб тугатмай ёлворди:

- ЎЛДИР МЕНИ!

- Мана шуни ичсангиз, ўласиз! - аянчли оҳангда ишонтирди Гарри, - Охиригача ичиб қўйсангиз бўлди... ҳаммаси тамом бўлади!

Дамблдор дамламани сўнгги томчисига қадар ичиб тугатди-да, узўқ-юлўқ инграганча, юзи билан ерга қўлади.

- Йўқ! - қичқириб юборди, яна дамлама олиб келишга турган Гарри. У қўлидаги қадаҳни тош жом ичига ташлаб, Дамблдорнинг ёнига югуриб келди-да, белига базўр ағдара олди. Кекса сеҳргарнинг юмўқ кўзидаги кўзойнаги четга оғиб, оғзи катта очилиб қолган.

- Йўқ! - қичқирди Гарри, Дамблдорни силтаб, - Ўлишингиз мумкин эмас, ўзингиз айтдингиз-ку, заҳар эмас бу, деб. Очинг, кўзингизни очинг, сэр...

Гарри сеҳрли таёқчасини Дамблдорнинг кўкрагига тутиб қичқирди:

- Реннервейт!

Қизил яшин ярақлади-ю, ҳеч нарса рўй бермади.

- Реннервейт... ўтинаман сиздан... сэр...

Дамблдорнинг киприги титрагач, Гаррининг юраги умид-ла сакраб кетди.

- Сэр, сиз?...

- Сув, - ингради Дамблдор.

- Сув, - хўрсинди Гарри ҳам, - Ҳа, ҳозир...

У ўрнидан сакраб туриб, тош жом ичидаги қадаҳни, унинг тагида қолган олтин медальонга деярли эътибор бермай чангаллади.

- Агуamenti! - қичқирди у, сеҳрли таёқчасини қадаҳга ўқтаб.

Қадаҳ тоза сувга тўлди. Гарри Дамблдорнинг ёнига чўккалаб, қадаҳни

оғзига тутди, бироқ... қадаҳ бўм-бўш. Инграётган Дамблдорнинг нафаси қайта бошлади.

- Ҳозиргина бор эди-ю... ҳозир... Агуаменти! - буюрди Гарри.

Қадаҳ ичида сув пайдо бўлди-ю, Дамблдорнинг оғзига яқин келтирилиши ҳамоно, боз йўқолди.

- Ҳаракат қияпман сэр, ҳаракат қияпман! - умидсиз ингради Гарри.

Ёнбошлаб олганча, худди жон талашаётган каби, узук-юлуқ нафас олаётган Дамблдор уни эшитгани ҳам йўқ.

- Агуаменти... агуаменти... АГУАМЕНТИ!

Қадаҳ учинчи бор сувга тўлиб, яна бўшади. Дамблдорнинг нафаси тўхтамоқда. Гаррининг шоша-пиша ишлаётган мияси Вольдемортнинг режасига кўра, сув қаердан олиниши кераклигини тушуниб етди...

Гарри тош майдон четига югуриб, биллур қадаҳни кўлга ботирганча сувга тўлдирди. Қадаҳдаги сув йўқолмади.

- Мана сув, сэр! - қичқирди Гарри.

У Дамблдор томон нобоп сакраб, сувни қариянинг юзига тўкиб юборди.

Гарри бошқа ҳеч нимага улгурмади. Унинг бўш қўли совуқ нарсани ҳис этди, лекин бу ҳарорат кўлнинг муздай сувига ўхшамади. Кимнингдир сирпанчиқ оқ қўли Гаррининг биллагидан ушлаганча, ортга, кўлга торта бошлади. Кўл юзаси энди ойнадай силлиқ эмас. Сув тўлқинланиб, қаёққа қарама, ҳамма жойдан эркак, аёл ва болаларнинг оёқ-қўллари кўрина бошлади. Зулмат ичидан чиқаётган сўқир мурдалар армияси оролча томон қатъий яқинлашиб келмоқда.

- Петрификус Тоталус! - қичқирди силлиқ нам тошни чангаллаб олишга уринган Гарри, сеҳрли таёқчасини қўлидан тутиб олган инфернийга ўқтаган тарзда.

Мурда чангалини бўшатиб, шалпиллаганча, орқага, кўлга ағанади. Гарри бир амаллаб оёққа туриб олди. Тош оролга қоқ суяк бармоқлари билан тирмашганча бошқа инферниялар чиқиб келмоқда. Уларнинг парда тортилган бўш нигоҳлари Гаррига қаратилган, жулдур кийим увадасидан сув оқиб тушмоқда, ириб бузилган башаралар гўштсираганча яқинлашмоқда.

- Петрификус Тоталус! - қичқирди ортга чекинган Гарри, сеҳрли таёқчасини ҳар томон силтаб.

Беш-олтита мурда йиқилди, лекин уларнинг ўрнига бошқалари бостириб келмоқда.

- Импедимента! Инкарсерус!

Инфернияларнинг баъзилари қоқилиб тушди, бир-икктасини арқон боғлади, аммо уларнинг ортидан келаётганлар олдинда ётган жасадларни тепалаганча, олға одимлаб келмоқда. Сеҳрли таёқча силташни қўймаган Гарри қичқиришни давом этмоқда:

- Сектумсемпра! СЕКТУМСЕМПРА!

Ҳўл увада-ю, муздай таналарда ҳосил бўлган чуқур жароҳатлардан бирон

томчи қон чиқмади. Мурдалар емирилган қўлларини Гарри томон узатганча, ҳеч нарса бўлмагандай яқинлашмоқда. Ортга чекинган Гаррини ингичка, ажалдай совуқ қўллар орқадан чангаллаб олди. Гаррини ердан узган мурдалар аста-секин сув томон ҳаракат бошлади. Уларнинг чангалидан қутула олмаслигини англаган Гарри ҳозир сувга ғарқ бўлиши ва у ҳам Вольдеморт руҳининг бузилган бир қисмини қўриқлайдиган қоровулга айланишини идрок этди.

Кутилмаганда, ҳамма ёқ ёришиб, зулматни ёриб ўтган бинафша-тилла тусли олов тош орол атрофида ҳалқа ҳосил қилди. Гаррини маҳкам ушлаб олган инфернийлар сесканиб, гандираклашди. Уларнинг бирортаси оловли ҳалқадан ҳатлаб, сув томон ўтишга журъат эта олмади. Ерга йиқилиб, тошга қаттиқ урилган Гарри оёққа турмоқчи бўлди-ю, сирпаниб яна ерга тушганча, қўлини қонатиб тимдалаб олди. Бир амаллаб оёққа тургач, сеҳрли таёқчасини шай тутганча, атрофга аланглади.

Ранги оқариб, анави инфернийлардан кўп фарқ қилмай қолган, лекин кўзида олов акс этаётган Дамблдор хушига келиб, ҳаммадан дароз турганча, сеҳрли таёқчасини худди машъал каби баланд кўтариб олган. Таёқчасидан отилиб чиқаётган олов фаввораси орол айланасига ташланган лассони эслатмоқда. Сўқир инферниялар эса яқин келаётган оловдан қочиб, бир-бирига урилмоқда.

Дамблдор тош чаноқ ичидаги медальонни олиб, ички киссасига яширди-да, имо ила Гаррини ёнига чақирди. Саросимага тушиб қолган инферниялар афтидан, ўлжани қўлдан чиқариб юборишганини пайқашмади ҳам. Дамблдор Гаррини қайиқ томон етаклади. Оловли ҳалқа улар билан тенг ҳаракатланмоқда. Серрайган инферниялар кўл четига етиб олишди-да, енгил тортиб қора сувга шўнғишди.

Бошдан оёқ титраётган Гарри қайиққа ўтиб олиш учун Дамблдорнинг кучи етиш-етмаслиги ҳақида ташвиш тортди. Дарҳақиқат, гандираклаётган қария бор кучини оловли ҳалқани сақлаб туришга сарфламоқда. Гарри Дамблдорни қўлтиғидан тутиб, қайиққа ўтиб олишига ёрдам берди.

Икковлон жойлашиб олгач, қайиқ ҳамон оловли ҳалқа ила қамраб олинган оролни тарк этди. Сув остида кўринган кўплаб инфернийлардан бирортаси ташқарида кўриниш беришга журъат эта олмади.

- Сэр, - бемадор овоз чиқарди Гарри, - Сэр, унутиб юборибман... олов ҳақида.... ҳамла қилиб қолишди... саросимага тушиб қолдим...

- Ҳайрон бўладиган жойи йўқ, - ғудуллади Дамблдор.

Қариянинг овози бўғиқ чиққанини эшитган Гарри бироз чўчиди. Қайиқ қирғоққа енгил урилди. Сакраб тушган Гарри Дамблдорга ёрдамлашиш учун дарҳол ўгирилди. Оёғи ерга тегиши ҳамоно, ниҳоятда толиққан Дамблдор қўлини тушириб, сеҳрли таёқчасини бармоқлари орасидан чиқариб юборди. Оловли ҳалқа ғойиб бўлди, лекин инферниялар қайта кўриниш беришмади. Қайиқ сувга ғарқ бўлиб, занжир ҳам жаранглаганча сувга кириб кетди. Дамблдор чуқур нафас чиқариб, ғор деворига суянди.

- Чарчадим, ниҳоятда чарчадим... - шикоят қилди у.
 - Ташвиш тортманг, сэр, - деди Дамблдорнинг юзи бўздай оқариб кетганидан чўчиган Гарри, - Мен ўзим олиб чиқаман сизни бу ердан... Қани, суяниб олинг-чи, менга.
- Дамблдорнинг қўлтиғига кирган Гарри оғир юкдан эгилганча, қарияни кўл бўйлаб судради.
- Умуман айтганда, ҳимоя жуда устомонлик-ла яратилган экан. – деди Дамблдор, зириллаб эшитилган овози билан.
 - Ҳозир кўп гапирмаганингиз маъқул, - деди Гарри, Дамблдорнинг овози ва юришидан хавотирланиб, - Кучингизни тежанг сэр... ҳадемай бу ердан чиқиб кетамиз...
 - Арка ёпиқ бўлади... пичоғим...
 - Керак бўлмайди, - қатъий овоз-ла рад этди Гарри, - Қаерга қон сачратиш кераклигини кўрсатсангиз бас.
 - Мана бу ерга...
- Гарри қонаган қўлини ёр деворига суртди. Қонли ҳақ олган арка шу заҳоти очилди. Икковлон ташқи ёрдан ўтгач, Гарри қарияга муздай сувга тушишга кўмаклашди.
- Ҳаммаси яхши бўлади, сэр, - қайта ва қайта такрорлади Гарри, Дамблдорнинг сукутидан баттар ташвишга тушиб, - Биз деярли етиб келдик... ҳавода даф бўлиб, ортга қайтишингизга ўзим ёрдам бераман... кўркманг, сэр...
 - Ёнимда сен бор экансан ҳеч ҳам кўркмайман, Гарри, - сув муздай бўлишига қарамай, ишончли овоз-ла жавоб берди Дамблдор.

XXVII БОБ. ЯШИН УРГАН МИНОРА

Бош устида ниҳоят яна юлдузли осмон кўринди. Дамблдорни яқин ўртадаги харсанг тош устига тортиб чиқарган Гарри, қариянинг оёққа туриб олишига ёрдам берди. Совуқдан тишлари тақиллаб қалтираётган, эгнидаги кийими жиққа хўл, Дамблдорнинг вазнидан эгилиб қолган бўлишига қарамай, сўнгги кучини йиғиб олган Гарри фикр-хаёлини ҳаракат йўналиши – Хогсмёдга жамлади. Киприкларини зич қисиб, ҳамроҳининг тирсагини маҳкам ушлаган Гарри ҳар томонлама эзадиган таниш бўшлиққа қараб олға қадам ташлади.

Гарри ҳавода даф бўлиб, пайдо бўлиш жараёни муваффақиятли ўтганини ҳали кўзини очмай туриб, туз ҳиди билан енгил денгиз шамоли барҳам топганидан англади. Дамблдор иккаласи эгнидан сув оқаётган, бошдан оёқ дағ-дағ қалтираган ҳолатда қоронғи Дароз кўчада турибди. Тинкаси қуриган Гаррига дастлаб атрофдан инфернийлар чиқиб келаётгандай туюлди, кўзини бир-икки бор юмиб-очгач, айрим дўконларнинг иккинчи қаватида ёришиб турган деразалар инобатга олинмаса, қоронғи

жимжитликда турганини идрок этди.

- Уддаладик, профессор! - пичирлаб хитоб қилди Гарри, кўкрак соҳасида қаттиқ санчиқ сезиб, - Уддаладик! Рухдонни қўлга киритдик!

Юзи тер босган Дамблдор тебраниб, оёғида базўр турибди. Буни кўрган Гарри, ҳаводаги ҳаракат жараёни эпсиз ўтиб, профессорнинг боши айланган бўлса керак, деган хаёлга борди, лекин қариянинг юзидан ранги қочганини кўриб чўчиб кетди.

- Аҳволингиз яхшими, профессор?

- Илгари нисбатан яхшироқ эди, - паст овозда ҳазиллашган бўлди Дамблдор, кулиб боқишга уриниб, - Дарҳақиқат, анави дамламани дармон киритиш воситаси деб бўлмайди...

Мадори қуриган қария ерга ўтириб олди.

- Сэр... ташвиш тортманг, ҳозир ўзингизни яхши ҳис эта бошлайсиз, кўрқманг, сэр...

Саросимага тушган Гарри ёрдам топиш илинжида атрофга аланглади. Кўчада ҳеч зоғ йўқ. Қандай бўлмасин, Дамблдорни зудлик билан касалхонага етказиш керак.

- Сизни мактабга, сэр, Помфри хоним қабулига... олиб боришим керак.

- Йўқ, - эътироз билдирди Дамблдор, - Профессор Снеггнинг қабулига... ўзим етиб олишим...

- Ҳа, албатта... қулоқ солинг сэр, ҳозир мундоқ қиламиз: дастлаб мен, қишлоқ эшикларини бир четдан тақиллатиб чиқиб, сиз дам олиб турадиган жой топаман... ўзим эса югуриб бориб, мактабнинг фельдшер аёлини...

- Северусни, - қатъий оҳангда тайинлади Дамблдор, - Северусни. Тушундинг-ми?

- Хўп, айтайлик, ўша... Аммо бари-бир ёлғиз қолдириб кетишга тўғри келади сизни...

Гарри ҳали ўрнидан турмай, кимдир югуриб келаётганини эшитди.

Сезишди шекилли, хурсанд бўлиб кетди Гарри, юраги сапчиб, ёрдам кераклигини фаҳмлашган кўринади! Атрофга аланглаб, оёғига пошнаси баланд момикли шиппак, эгнига эса аждарлар тасвирланган шойи халат кийган Росмерта хоним шошиб келаётганини кўрди.

- Ховгоҳимнинг пардасини ёпмоқчи эдим, кутилмаганда иккалангиз! Фалакка санолар бўлсин, санолар бўлсин, билганим йўқ эди... Ие, Альбусга нима қилди?

Тез-тез нафас олаётган аёл кескин тўхтаб, катта очилган кўзи билан Дамблдорга бақрайиб қолди.

- Яраланган, - тушунтириш берди Гарри, - Росмерта хоним, профессор Дамблдор «Уч супурги»да бўлиб турса майлими? Мен мактабга ёрдам чақиришга бориб қайтаман.

- Ёлғиз ўзинг боришинг мумкин эмас у ерга, тушунмаяпсан-ми?...

Кўрмадинг-ми?

- Агар уни кўтаришга ёрдам бериб юборсангиз, - давом этди Гарри, аёлнинг сўзларига эътибор қаратмай, - Уни ичкарига...

- Тинчликми, Росмерта? - сўради Дамблдор, - Нима бўлди?

- Ажал... Ажал белгиси, Альбус.

Қўли билан «Хогварц» устидаги осмонни кўрсатаётган аёлнинг сўзлари вужудида кучли қўрқув уйғотиб юборган Гарри орқага ўгирилиб, мактаб устида оғзидан тил ўрнига илон чиққан калла суяги – Ўлимдан мириқувчиларнинг ёришиб турган, одатда, қотиллик содир этилган бино устида қолдириладиган белгисини кўрди.

Оёғига базўр тураётган Дамблдорнинг бармоқлари Гаррининг елкасига ботиб, жонини оғритди.

- Кўп бўлди-ми, пайдо бўлганига? - сўради у.

- Тахминан икки дақиқа ўтди. Мушукни ташқарига чиқариб юбораётганимда йўқ эди, юқорига кўтарилаётганимда эса...

- Қасрга... Зудлик билан... Росмерта, транспорт керак бўлади бизга... супурги... - деди Дамблдор, тебранаётган бўлса ҳам, қатъий оҳангда.

- Пештоқ ортида бир жуфти ётибди. Югуриб бориб, олиб чиқай-ми? - деди чўчиган аёл.

- Йўқ, Гаррининг ўзи уддалайди.

Гарри шу заҳоти таёқчасини қўлига олиб, қичқирди:

- Ассио Росмерта хоним супургилари!

Қаҳвахона ичида нимадир гумбурлади. У ердан отилиб чиққан иккита супурги ўқдай учганча, Гаррининг ёнида, бели баробар баландликда сезилар-сезилмас титраб тўхтади.

- Росмерта, сендан илтимос, вазирликка хабар юбор, - деди Дамблдор, супургилардан бирини эгарлаб, - Афтидан, нима бўлганини «Хогварц»да ҳали тушуниб етишгани йўқ... Гарри, кўринмас плашингни ташлаб ол. Гарри киссасидан плашини чиқариб, устига ташлади-да, супурги эгарлади. Росмерта хоним баланд пошнасини тақиллатганча, қаҳвахона томон югурди. Ердан итарилган Гарри билан Дамблдор эса ҳавога кўтарилиб, қаср томон учишди. Гарри зарур бўлса ушлаб қолишга улгуриш мақсадида ҳамроҳига қараб-қараб бормоқда. Бироқ Ажал белгисининг мактаб устида муаллақ осилиб турган тасвири, кучли таъсир ўтказган кўринади, Дамблдор супургига ётиб олганча, кўзини белгидан узмай учмоқда. Унинг кумуш тусли узун соч-соқоли қора осмон тусида яққол ажраб ҳилпирамоқда. Гарри ҳам нигоҳини Ажал белгисидан узгани йўқ, вужудига тарқаган қўрқув ҳисси эркин нафас олгани қўймай, бошқа нохушликларни унутиб юборишга мажбур қилган...

Мактабни тарк этишган фурсатдан қанча вақт ўтди? Рон, Гермиона ва Жинна ичган бахт-у, толе дамламаси ўз кучини йўқотишга улгурмади-ми? Наҳотки улардан бирортаси ҳалок бўлган бўлса? Невилль, Луна? Ёки ДА аъзоларидан бирортаси? Дарҳақиқат, агар кимдир ҳалок бўлса... ахир Гарри дўстларига хавфсиз ётоқхонани қўйиб, қаср йўлакларидан

патруллик хизматини уюштиришни буюриб кетган эди-ку... Наҳотки, у яна ўз дўстининг ўлимида айбдор бўлса?

Пастда илонизи йўлак кўринди. Шамол қулоғига ҳуштак чалаётган бўлса ҳам, Гарри Дамблдорнинг ғудуллаганча, яна аллақандай тушунарсиз тилсим ўқиб бораётганини эшитди. Бироздан сўнг, қаср девори устига етган Гаррининг супургиси кучли титрай бошлади. Шундагина у, Дамблдор ўзи қўйган ҳимоя тўсиқларини, мактаб ҳудудига тезликни пасайтирмаган ҳолда кириб бориш мақсадида бекор қилаётганини тушунди. Ажал белгиси мактабнинг энг баланд минораси саналадиган астрономия минораси устида ярқирамоқда. Қотиллик айнан ўша ерда содир этилганини англатиши мумкинми бу?

Дамблдор миноранинг данданали тўсиғидан ўтиб, супургисидан тушди. Гарри унинг ёнига қўниб, атрофга назар солди. Ҳеч ким ва ҳеч нарса кўринмади. Қасрга олиб борадиган айлана зинага чиқиш эшиги ёпиқ. Атрофда кураш аломатлари ҳам, яраланган ёки ҳалок бўлган одамлар ҳам йўқ.

- Буни қандай тушуниш керак? - сўради Гарри, илон тусли тилини чиқарганча, ваҳимали ярқираётган бош суюк тасвирига қараб, - Ҳақиқий белгими, ўзи бу? Чиндан ҳам, кимнидир... профессор?

Дамблдор мажруҳ қўли билан кўкрагини маҳкам чангаллаб олди.

- Северуснинг олдига бор, - заиф, лекин қатъий овоз билан буйруқ берди Дамблдор, - Бор гапни айтиб, ҳузуримга олиб кел. Бошқа ҳеч қандай чора кўрма, ҳеч ким билан гаплашма, плашингни ечма. Мен шу ерда кутаман.

- Бироқ...

- Буйруғимга сўзсиз итоат қилишга сўз бергансан, Гарри! Бор!

Гарри эшик томон ошиқиб, унинг ҳалқасига қўл узатган фурсатда, кимдир зинадан тез юриб чиқаётганини эшитди. Дамблдор эшикдан нари қочишга имо қилди. Сеҳрли таёқчасини чиқарган Гарри четга ўтди.

Эшик ланг очилиб, кимдир қичқирганча минора майдончасига сакраб чиқди:

- Экспеллиармус!

Гарри серрайиб, танаси тахтадай қотиб қолди. Деворга худди ҳайкал каби қия тиралиб, шу аҳволда турганча қолди. На қилт эта олади, на сўз айта олади. Қай тарзда бундай ҳолатга тушиб қолди, ўзи билмайди. Ахир Экспеллиармус одамни муз бўлагига айлантириш тилсими эмас-ку...

Дамблдорнинг сеҳрли таёқчаси минора тўсиғи ортига учиб тушаётганини кўришга улгурган Гарри гап нимада эканлигини тушуниб етди:

Дамблдор, ўзини ҳимоя қилиш ўрнига, қимматли сонияларни сарф этиб ички овоз-ла Гаррини ҳаракатсизлантириб қўйган.

Юзи бўздай оқариб кетган бўлса-да, девор олдида хотиржам турган Дамблдор қуролсизлантирган одамга боадаб салом берди:

- Хайрли кеч, Драко.

Малфой ортга чекиниб, Дамблдорнинг ҳимоячиларини излаганча,

атрофга аланглади.

- Яна ким бор бу ерда? - сўради у, иккинчи супургини кўриб.

- Худди шу саволни сенга бермоқчи эдим. Ёки сен якка ўзинг иш тутяпсан-ми?

- Йўқ, - деди Малфой, Дамблдорга қараб, - Мадад кучлари бор. Бугун мактабингизга менга ёрдам бериш учун Ўлимдан мириқувчилар ташриф буюрган.

- Хўш, хўш, - деди Дамблдор, худди Малфой уйга берилган вазифани аъло баҳога бажарганини кўрсата билган каби, - Демак сен, уларни мактабга киритиш усулини топдинг, шундайми?

- Ҳа, бурнингиз остида, - жавоб берди Малфой кучли ҳансираб, - Сиз эса буни сезмадингиз ҳам!

- Ажойиб! - завқ олди Дамблдор, - Шундай бўлса-да, сўрашга мажбурман, узр. Қани ўзи улар, кўринмайди-ку.

- Қўриқлаш хизматингиз халал беряпти. Пастда кураш кетяпти. Узоқ давом этмайди... мен бу томон югурдим. Менга... мен буйруқни бажаришим керак.

- Яхши, ўғлим. Бошла бўлмаса, бажар буйруқни, - деди Дамблдор мулойим овозда.

Орага сукунат чўкди. Мутлақо ҳаракатсиз турган Гарри иккала суҳбатдошни кузатиб, узоқда кечаётган кураш аломатини эшитиш умидида қулоғига зўр берди. Драко Малфой эса кулиб боқаётган Альбус Дамблдорга бақрайганча, ҳеч нима қилмай турибди.

- Драко, табиатан қотил эмассан сен.

- Нега экан? - ўдағайлади Малфой.

Жавоби ёш боланинг жавобидай эшитилганини афтидан, Малфойнинг ўзи ҳам яхши тушунган кўринади. Зеро, Ажал белгисининг яшил тусли хира нурида Малфойнинг иккала лунжи қизариб кетгани яққол кўринди.

- Нималарга қодир эканлигимни билмайсиз, - баёнот қилди у, ғайратини кўрсатмоқчи бўлиб, - Нима ишларни қилиб улгурганимни ҳам тасаввур эта олмайсиз!

- Нега энди, биламан, - юмшоқ оҳангда эътироз билдирди Дамблдор, - Кэтти Белл билан Рональд Уэслини ҳалок қилишингга сал қолди. Йил давомида мени ер тишлатишга роса уриндинг. Мени кечирасан-у, Драко, уринишларининг заиф, ишончсиз бўлиб, чиндан ҳам мени ўлдиришга аҳд қилганинг, шу иш сенга кераклигига шубҳа ила қарай бошладим...

- Керак! Жуда керак! - жазаваси тутиб қичқири Малфой, - Мен йил давомида ишладим, ҳаракат қилдим ва ниҳоят бугун...

Қаср ичидан бўғиқ бақирӣқ эшитилиб, Малфой елка узра ортга асабий қараб қўйди.

- Кимдир мардларча қаршилиқ кўрсатмоқда, - таъкидлаб қўйди Дамблдор,

- Сўзларингга қараганда... Ҳа-я, Ўлимдан мириқувчиларни мактабга киритдинг-ку, а? Тан оламан, бунинг иложи йўқ, деб ўйлаган эдим...

Қандай уддаладинг?

Малфой индамади, пастда эшитилаётган шовқинга қулоқ тутиб, у ҳам ҳаракатсизланиб қолган кўринади.

- Эҳтимол, ишни ўзинг эпларсан? - таклиф киритди Дамблдор, - Ёрдамчиларинг қўриқчиларим томонидан қўлга олинган бўлса-чи? Қақнус ордени аъзолари ҳам бугун шу ерда эканлигини тушуниб етдинг шекилли, а? Умуман айтганда эса, ёрдамчи керак эмас сенга... кўриб турибсан-ку, сеҳрли таёқчам йўқ, ўзимни ҳимоя қила олмайман...

Малфой Дамблдорга индамай қараб қолди.

- Тушунарли, - хайрихоҳ кулиб боқди Дамблдор, Малфойнинг жавобини кутмай, - Ёлғиз ўзинг иш тутишга қўрқасан.

- Қўрқмайман! - боз ўшқирди Малфой, ҳанузгача бирон чора кўрмай, - Аксинча, сиз қўрқингиз керак!

- Нимадан? Мени ўлдира олишингга ишонмай қўйган бўлсам, Драко. Қотиллик, бегуноҳ одамлар тахмин қилган даражада осон иш эмас... Хўп майли, дўстларингни кутар эканмиз, улар келгунга қадар айт-чи менга Драко, уларни қасрга қандай кирита олдинг? Анча вақт керак бўлгандир, ахир сенга?

Афтидан Малфой бақириб ёки қайт этиб юборишдан ўзини базўр тийиб турибди. Дамблдорга ўқрайиб, сеҳрли таёқчасини тик юрагига ўқтар экан, титраб сўлак ютиб, бир неча бор чуқур нафас олди-да, хоҳишига зид равишда жавоб берди:

- Кўпдан буён биров фойдаланмаган, ўтган йили Монтегью гум қилинган ғойиб қилиш жавонини тузатдим.

- А-а-а.

Кўзини юмиб олган Дамблдорнинг ушбу жавоби инграб юборгандай эшитилди.

- Доно фикр... Жуфти ҳам бор-да, унинг, а?

- Албатта, «Боржин ва Д'Авилло» дўконида, - тасдиқлади Малфой, - Иккаласининг орасида эса йўлакка ўхшаш алоқа бор. Монтегьюнинг гапига қараганда, «Хогварц»да турган ўша жавон ичида ўтирар экан, ҳушсиз бўлишига қарамай, баъзан мактабдаги, баъзан дўкондаги гап-сўзларни, худди жавон улар орасида ҳаракатланган каби, эшитиб ўтирган... Лекин ўзининг овозини биров эшитишига эриша олмаган... охири, гувоҳномаси бўлмаса-да, даф бўлиб, ташқарида, унитаз ичида пайдо бўла олган. Ўлиб қолишига сал қолган. Унинг ҳикоясини ҳамма оғзини ланг очганча эшитиб ўтирди. Фақат мен фаҳмладим гап нимада эканлигини. Боржиннинг ўзи ҳам беҳабар экан! Мана шу иккала жавон воситасида, агар бузуқ жуфти таъмирдан чиқарилса, «Хогварц»га сингиб кириш мумкинлигига ёлғиз менинг ақлим етди.

- Ажойиб, - пўнғиллади Дамблдор, - Демак, Ўлимдан мириқувчилар сенга ёрдам бериш мақсадида мактабга «Боржин ва Д'Авилло» дўкони орқали сингиб киришган... уддабуро... уддабуро... ўзинг айтгандай, бурним

остида-я....

- Ҳа, ниҳоятда уддабуро! - бош ирғиди, Дамблдорнинг мақтовидан руҳи ақлга зид равишда кўтарилган Малфой.

- Бироқ сенга, вақти-вақти билан, ғойиб қилиш жавонини тузатишнинг иложи йўқдай туйилган, шундайми? Ана ўшанда сен дағал, пухта ўйланмаган саъй-ҳаракатларга қўл ургансан. Масалан, менга ёвуз сеҳр қўлланилган маржон шодасини, бировнинг қўлига тушиши муқаррар бўлса ҳам, йўллагансан... фақат фавқулодда тасодиф-ла ичишим мумкин бўлган асал ичимлигини юборгансан...

- Тўғри, лекин бирортангиз тушуниб етмагансиз, буларнинг барини ким уюштираётганини, - тишининг оқини кўрсатди Малфой.

Дамблдор, афтидан, оёғида мадори қолмаган кўринади, девор бўйлаб пастга сирпана бошлади. Тилдан қолган Гарри оёқ-қўлини қотириб қўйган тилсимга қарши беҳуда курашмоқда.

- Буларнинг бари айнан сенинг қилмишинг эканлиги аллақачон маълум бўлган, - деди Дамблдор.

- Нега унда тўхтатиб қолмадингиз мени? - таҳдидли оҳангда сўради Малфой.

- Ҳаракат қилдим, Драко. Профессор Снегг менинг буйруғимга биноан кузатиб юрган сени...

- Сизнинг буйруғингизга эмас, менинг ойимга берган ваъдасига биноан кузатиб юрган...

- Сенга шундай деган, аслида эса...

- Шу қадар миясини еган қари аҳмоқ бўлади-ми, одам деган, а? Аслида икки ёққа ишлайдиган жосус у! Сиз менинг манфаатимга ишлайди, деб ўйлагансиз, аслида эса ундай бўлмаган!

- Мана шу ерга келганда, Драко, фикрларимиз бир-бирига зид келиб қолади ва буни тан олишингдан бошқа чоранг қолмайди. Мен Северусга тўла-тўқис ишонаман...

- Демак, ишбилармонлик қобилятингизни йўқотгансиз! - заҳарханда қилди Малфой, - У доимо менга ёрдам қўлини узатишга ошиққан... шон-шавкатни бутунича ўзига олмоқчи бўлган... «Бу нима қилганинг? Маржон шодаси сенинг қилмишинг-ми? Ғирт аҳмоқлик бу, ишни расво қилган бўлар эдинг» ва ҳоказо... Лекин Даркор хонада нима иш қилганимни унга айтмадим... Эртага уйғониб қараса-ки, иш битган. Бироқ Ёвуз Лорднинг хуш кўрган дўсти энди у эмас... Менинг хизматларим олдида унинг иши сариқ чақага арзимай қолади!

- Муносиб мукофот, - деди Дамблдор юмшоқ оҳангда, - Меҳнатига яраша рағбатлантирилишини ҳамма ҳам хуш кўради, албатта... шундай бўлса-да, ёрдамчисиз иш тутмагансан... ва афтидан, ёрдамчинг Хогсмедда яшайди. Ахир Кэттига...

Дамблдор худди ухлаб қолаётган каби, кўзини боз юмиб, бош ирғиди.

- Росмерта, албатта... Қарам қилиш қарғиши таъсирида кўпдан буён

юрибди-ми у?

- Энди етиб борди-ми? - масхараомуз кулди Малфой.

Пастда янада баланд қичқириқлар эшитилди. Малфой орқага асабий қараб қўйиб, яна Дамблдорга юзланди.

- Демак, захарланган маржон шодасини бериб юбориш учун бечора Росмерта ўз ҳожатхонасида «Хогварц»нинг бирорта ўқувчи қизи якка ўзи киришини кутиб ўтиришга мажбур бўлган экан-да, а,? Ичимликни-чи? Росмерта сенинг амринг ила шишага захар солиб, Рождествога менга тухфа қилмоқчи бўлган Дивангардга йўллаган... ҳа, уддабуро иш... мистер Филч эса, табиийки, Росмертанинг шахсан ўзи юборган винони текшириб чиқишни ҳаёлига ҳам келтирмаган... Ўша аёл билан қандай боғлангансан, шуни айт? Мавжуд йўлларнинг бари назоратимиз остида деб ҳисоблаган эдим.

- Сеҳрланган тангалар, - истар-истамас тушунтириш берди Малфой, сеҳрли таёқча ушлаган қўли қалтираб, - Бири менда, иккинчиси ўша аёлда бўлган. Шу тариқа, бир-биримизга хабар йўллаб борган эдик...

- Ўзини Дамблдор армияси деб номлаган гуруҳ томонидан қўлланилган усулдан фойдаланинг-ми? - қизиқди Дамблдор, деворга суюнган ҳолда яна бир дюймга сирпаниб.

- Ҳа, алоқа боғлаш ғоясини ўшалардан, мусалласни захарлаш ғоясини эса магловачча Грэнжердан олганман, - иржайди Малфой, - Филч бир суюқликни иккинчисидан фарқлай олмаслиги ҳақида айтган фикрини кутубхонада пинҳон эшитиб қолган эдим.

- Менинг ҳузуримда ундай ҳақоратли сўзларни айтишдан ўзингни тийиб тур, илтимос.

Малфой асабий хандон отиб юборди.

- Мен уни ўлдирмоқчи бўлиб турсам-у, бу аҳмоқ ҳақоратли сўз айтишдан ўзимни тийишни илтимос қиляпти.

- Тўғри, илтимос қиляпман, - деди Дамблдор қатъий оҳангда.

Гарри Дамблдорнинг мувозанатни сақлаб қолиш учун оёқларини ерга базўр тираб турганини кўриб турди.

- Қотиллик масаласига келсак, Драко, вақтинг етарлидан ортиқ эди. Иккаламиз ёлғиз турибмиз. Мен мутлақо ҳимоясиз. Бундай ҳолатда бўлишимни хаёлингга ҳам келтирмаганинг аниқ...

Малфой башарасини, худди аччиқ нарса чайнаб олган каби буриштириб юборди.

- Бугунги оқшом масаласида, - давом этди Дамблдор, - Мен мактабдан чиқиб кетганимни қаердан билдинг? Ҳа, айтгандай, - жавоб берди у, ўз саволига, - Мени Росмерта кўриб қолган эди-ку, ўша хабар берган-да, а, анави тангаларинг воситасида?...

- Худди шундай, - тасдиқлади Малфой, - Фақат у, қиттай уриб олиш учун бошқа қаҳвахонага кетганингизни, тез орада қайтишингизни айтган эди...

- Тўғри, бугун мен роса тўйиб ичдим... лекин қандай ҳолатда бўлмай...

қайтдим, - ғудуллади Дамблдор, - Менга тузоқ тайёрлаш ғояси ўзингга тегишлими?

- Ким ўлдирилганини билиш учун тез қайтишингизни уюштириш мақсадида минора устига Ажал белгисини осиб қўйишга аҳд қилдик, - Ғоя панд бермади!

- Бу сал баҳсли масала, - деди Дамблдор, - Лекин сўзларинг маъносига қараганда, қотиллик содир этилмаган, шундайми?

- Қўриқчиларингиздан кимдир ўлди, - деди Малфой овозини бутун бир октавага кўтариб, - Қоронғи эди, кимлигини аниқ билмайман... жасади устидан ҳатлаб ўтдим... менга юқорига чиқиб, сизни кутиш буюрилган... анави Орденлик қақнусларингиз эса оёқ тагида ўралашиб юришди...

- Ҳа, уларга хос фазилат бу, - жавоб берди Дамблдор.

Пастдаги гумбур-гумбур ва қичқириқлар янада баланд эшитилди.

Афтдан, кураш яқин орада, айланма зинанинг ўзида кечмоқда. Кимдир ҳалок бўлган... Гаррининг юраги кўринмас кўкрак қафасида қарсиллаб урмоқда... Малфой жасад устидан ҳатлаб ўтган, кимнинг?...

- Нима қилган тақдирда ҳам, вақтинг тиғиз, Драко, - деди Дамблдор, - Шундай экан, келгуси ҳаракатинг вариантларини кўриб чиқайлик.

- Келгуси ҳаракатим вариантлари? - хитоб қилди Малфой, - Қўлимда сеҳрли таёқча... менинг вариантим сизни ўлдириш...

- Ўғлим, сохтакорликни четга йиғиштириш вақти етди. Ниятинг мени ўлдириш бўлганида, мен билан бу ерда гап сотиб ўтирмай, бошида, мени қуролсизлантирганинг ҳамоно, ўлдирган бўлар эдинг.

- Бошқа вариантим йўқ! - бақирди Малфой, ранги худди Дамблдор каби оқариб, - Мен шу ишни қилишим керак, акс ҳолда у мени, бутун оиламни ўлдиради!

- Аҳволинг ниҳоятда мураккаб эканлигини кўриб турибман, - бош ирғиди Дамблдор, - Нима деб ўйлайсан, нима сабабдан мен сенинг қилмишларингга бошида барҳам бермадим? Чунки мен бир нарсани аниқ билар эдим: агар Лорд Вольдеморт менинг шубҳаларимни фаҳмлаб қолса, сени ўлдириши муқаррар эди.

Даҳшатли исмни эшитган Малфой сесканиб кетди.

- Зиммангга юкланган юксак вазифадан хабарим бор, - давом этди Дамблдор, - Бироқ Лорд Вольдеморт легалименциядан фойдаланиши мумкинлигидан хавфсираб, сенга бу ҳақда оғиз очишга журъат этмадим. Мана ниҳоят, энди очиқ-ойдин гаплашишимиз мумкин... Шу кунга қадар, Драко, сен бирорта жиноий ишга қўл урмадинг, ҳеч кимга зиён етказмадинг, тасодифий қурбонларинг омон қолиб, омадинг чопди... ва мен сенга ёрдам беришим мумкин.

- Йўқ, ёрдам бера олмайсиз, - деди Малфой, сеҳрли таёқчасини ҳар томон силтаб, - Ҳеч ким ёрдам бера олмайди менга. Бу иш ижроси ёлғиз ўзимнинг зиммамга юклаган, бажармасам мени ўлдиради у. Бошқа йўлим йўқ.

- Биз томонга ўт, Драко. Биз сени шундай яшириб қўямиз-ки, ҳеч ким топа олмайди. Боз устига, мен ҳозироқ Орден аъзоларини онангинг ҳузурига жўнатаман, уни ҳам ишончли жойга яшириб қўйишади. Отанг ҳозир хавфсиз жойда, Азкабанда... фурсати келганда уни ҳам ҳимоя қила оламиз... Биз томонга ўт, Драко... сен қотил эмассан...

Малфой кўзини катта очганча, Дамблдорга бақрайиб қолди.

- Мен ҳаддан ортиқ чуқурлашиб бўлдим, - аста гап бошлади у, - Кўпчилик, ушбу вазифа ижроси йўлида ўлиб кетишимни кутган, мен эса тирикман... сиз менинг ихтиёримдасиз... таёқча фақат менда бор... менинг шафқатимга умид қилишингиз мумкин холос...

- Йўқ, Драко, - паст овозда эътироз билдирди Дамблдор, - Ҳозир гап сенинг эмас, менинг шафқат қилишим тўғрисида кетяпти.

Гарри индамай қолган Малфойни оғзи ланг очилган, қўлидаги, афтидан, бироз пастга туширилган сеҳрли таёқчаси тинимсиз титраётган ҳолатда кўриб турибди.

Зинада кимнинг қаттиқ босилаётган қадам товуши эшитилди. Бир неча сония ичида эшикдан минора майдончасига қора коржома кийиб олган тўрт киши отилиб кириб, Малфойни четга суриб юборишди. Кўринмас плаш остида ҳаракатсиз ҳолатга келтирилган Гарри Ўлимдан мириқувчиларга даҳшат-ла қараб турибди: улар ғалаба қозонган шекилли.

Бесўнақай катта гавдали сеҳргар ҳансираганча, ғалати қийшиқ оғзи билан ҳиринглади.

- Дамблдорча турибди деворчага тиралганча! Дамблдорчада йўқ сеҳрли таёқча, турибди ўзи, ёлғиз қолганча! - минғирлади у, опаси бўлса керак, тишининг оқини кўрсатиб турган пакана аёлга қараб, - Яша, Драко, яша!

- Хайрли кеч, Амикус, - хотиржам саломлашди Дамблдор, худди бир пиёла чой ичиб кетгани келган меҳмонни қарши олган каби, - Алекто ҳам келибди-да... жуда соз...

- Ўлимнинг олдидан аҳмоқона ҳазилларинг ёрдам беради, деб ўйлайсанми? - деди аёл жаҳлдор оҳангда кулиб.

Дамблдор койиб берди:

- Аҳмоқона ҳазиллар? Нималар деяпсиз, ахир бу оддий хушмуомалалик-ку...

Дамблдорнинг гапини Гаррига яқин турган новча бўйли, мўйловли, сув кўрмаган кул ранг пахмоқ сочи ҳар томон осилиб тушган, лой, тер ва қон ҳиди анқиётган озғин танасига эгнидаги қора коржомаси торлик қилаётган, қўли ниҳоятда кир, сариқ тирноқлари ҳаддан ортиқ ўсган қотма киши қандайдир ғалати, Гарри илгари эшитмаган, хириллаган акиллашни эслатадиган овозда бўлди:

- Бўлинглар, чўзманглар.

- Сенмисан, Фенрир? - сўради Дамблдор.

- Ҳа, мен, - хириллади Фенрир, - Мени кўрганингдан хурсандмисан,

Дамблдор?

- Агар тўғрисини билмоқчи бўлсанг, йўқ...

Фенрир Уолк ўткир тишининг оқини кўрсатиб кулган бўлди-да, жағидан оқиб тушаётган қонни шошилмай ялаб олди.

- Ёш болаларни ёқтиришимни биласан-ку.

- Наҳотки энди сен одамларга Ой тўлмаган кечаларда ҳам ҳамла қилаётган бўлсанг? Ғайриоддий ҳол... одам ғажиш ҳавосини шу қадар олгансан-ки, бир ойда битта ҳамла энди камлик қиляптими?

- Ҳа, Дамблдор, шундай. Сени ҳайратга солиб, қўрқитиб юбордим шекилли, а?

- Сендан жирканаётганимни яширишга ҳожат бўлмаса керак, - жавоб берди Дамблдор, - Дарҳақиқат, мени ҳайратга солган ери, Драко сени ўз дўстлари яшайдиган мактабга таклиф қилгани бўлди... Наҳотки бошқа одам қуриб кетгандай...

- Таклиф қилганим йўқ уни. У ҳам қўшилиб келишини билганим йўқ... - эътироз билдирди, овози базўр эшитилган, Уолкдан қўрқиб, унга қарашга ҳам юраги бетламаётган Малфой.

- Қайси аҳмоқ «Хогварц»га ташриф буюришдан бош тартади, - акиллади Уолк, - Қанчадан қанча мулойим, мазали бўғизчалар, у-у-м... маза... У тишини яланғочлатиб кулган бўлди-да, сариқ тирноғи билан тиш орасини тозалади.

- Сени эса Дамблдор, газак сифатида еганим бўлсин...

- Йўқ, - кескин эътироз билдирди юз қиёфаси жиддий тўртинчи Ўлимдан мириқувчи, - Буйруқ бор. Уни Драко бажариши керак. Бўл, Драко, ишга кириш.

Бироқ Малфойда журъат деган нарсанинг ўзи қолмаган. У деворга суюнганча пастлаб кетган Дамблдорнинг оппоқ юзига қўрқув-ла қараб қолди.

- Кўрмаяпсизлар-ми, шундоқ ҳам жони чиқадиган ҳолатда ётибди! - хитоб қилди оғзи қийшиқ сеҳргар, опасининг ҳиринглашига жўр бўлиб, - Аҳволига қаранг буни... Ҳой, Дамби, нима қилди сенга ўзи?

- Қўрқинчли жойи йўқ, Амикус: инсон организмда қаршилиқ кўрсатиш қобилятининг пасайган даражаси, секинлашган таъсирчанликнинг намоён бўлиши, бир сўз билан айтганда, қарилиқ, - жавоб берди Дамблдор, - Сен ҳам вақти келиб шу ҳолатга тушасан, омадинг чопса, албатта...

- Нималар деяпсан, нималар деб алжираяпсан? - кутилмаганда аччиқланди Ўлимдан мириқувчи, - Ҳар доимгидек, сафсата-ю, вати-кути. Бирон бир фойдали натижа йўқ. Ёвуз Лордга ортиқча куч сарфлаб, овора бўлиб сени ўлдириш нимага керак бўлиб қолди, билмайман, шундоқ ҳам ҳаром ўлиб кетадиган ҳолатда ётибсан. Бўл, Драко, суғур жонини тезроқ. Пастда яна югур-югур бошланиб, кимнингдир қичқириғи эшитилди:

- Улар зинани тўсишди... Редукто! РЕДУКТО!

Гаррининг юраги қувончдан сакрай бошлади: демак кўрсатилган қаршилиқни мана бу тўрталаси тўла-тўқис енга билгани йўқ, йўлга тўсиқ ўрнатиб минора майдонига ёриб ўта олишган холос...

- Бўл тез, Драко! - аччиқланди юз қиёфаси жиддий киши.

Бироқ Малфойнинг қўли шу қадар кучли қалтирамоқда-ки, нишонга олиши қийин кечяпти.

- Менга қўйиб беринглар уни, - ириллади тишини яланғочлатган Уолк, иккала қўлини узатганча, Дамблдор томон одимлаб.

- Йўқ дедим! - қичқирди юз қиёфаси жиддий киши, сеҳрли таёқчасини қўлига олиб.

Яшин чақнади. Махлуқ тусига кирадиган одам четга учиб, деворга урилди, жони оғриб тебрланди, кўзи ярқираб, турган жойида тек қолди. Гаррининг юраги қаттиқ урмоқда: нега атрофдагилар буни эшитмаяпти, унинг шу ерда эканини пайқамаяпти? Қани энди у қилт эта олса, кўринмас плаши остидан қарғиш кетидан қарғиш йўлласа...

- Драко, бўл тез, ё бизга қўйиб бер уни... - чинқириб юборди аёл.

Эшик айнан шу фурсатда ланг очилиб, остонада қўлига сеҳрли таёқча тутган Снегг кутилмаганда пайдо бўлиб, атрофни тез кўздан кечириб чиқди. Девор остида бемадор ётган Дамблдорни, уч нафар Ўлимдан мириқувчини, махлуқ тусига кирадиган дарғазаб одам ва Малфойни кўрган Снегг, минорада юзага келган вазиятни тўлиқ идрок этди.

- Нохуш аҳволдамиз, Снегг, - деди солқи юзли Амикус, кўзини сеҳрли таёқча билан Дамблдордан уза олмай, - Болакай, қўрқоқлик қиляпти...

Шу пайт яна кимдир Снеггни жуда паст овозда исми билан чақирди:

- Северус...

Бугунги оқшом давомида Гарри ҳали бу қадар қаттиқ кўрқмаган эди. У умрида биринчи марта Дамблдорнинг ўтинаятганини кўрди.

Чақириққа жавоб бермаган, юзида нафрат ва жирканиш қиёфаси касб этган Снегг Малфойни беандиша итариб юборганча олға одимлади. Уччала Ўлимдан мириқувчи индамай ортга чекинди, ҳатто махлуқ тусига кирадиган одам ҳам тинчланиб қолди.

Снегг шафқатсиз нигоҳини Дамблдорга қаратди.

- Северус... илтимос...

Снегг сеҳрли таёқчасини кўтарди-да, Дамблдорга ўқтади.

- Авада Кедавра!

Яшил олов Дамблдорнинг кўкрагига урилди.

Тилдан айрилган, кўзини рўй бераётган ушбу даҳшатли ҳодисадан уза олмаган Гарри бор кучи ила унсиз қичқирмоқда.

Танаси ҳавога сапчиган Дамблдор минора устида ярқираётган бош суяк тасвири устида бироз муаллақ осилиб турди-да, латтадан қилинган қўғирчоқ сингари ағанаб, кўздан ғойиб бўлди.

XXVIII БОБ. ШАҲЗОДАНИНГ ҚОЧИШИ

Гаррининг назарида, у ҳам аллақандай бўшлиққа тушиб кетди... Йўқ, буларнинг бари ёлғон.... булар ҳаётда бўлмаган....

- Кетдик бу ердан, тез, - буюрди Снегг.

У Малфойнинг ёқасидан чангаллади-да, эшикка итариб юборди. Уолк ва чорпахил ука билан завқ-ла пишиллаган опа Снеггнинг ортидан эргашди. Қотиллар эшик ортида ғойиб бўлиши ҳамоно, Гарри ўзининг ҳаракатсиз ҳолати барҳам топгани, ҳозиргина кўрган даҳшатдан донг қотгани боис, ҳанузгача ноқулай ҳолатда турганини идрок этди. Охирида бораётган юз қиёфаси жиддий киши эшик олдига етиши билан, хаёлини йиғиб олган Гарри устидаги кўринмас плашни ечиб, қичқирди:

- Петрификус тоталус!

Белига қаттиқ зарба еган Ўлимдан мириқувчи орқага энгашиб, худди мумдан тайёрланган қўғирчоқ каби ерга қулади. Гарри шу заҳоти унинг устидан ҳатлаб, қоронғи зина бўйлаб пастга югурди.

Вужудини даҳшат қамраб олган Гаррининг хаёлида ҳозир ягона хаёл: Снеггни тутиб Дамблдорнинг ёнига олиб бориш... Негадир бу бир-бирига боғлиқ... агар уларни бир ерга жамласа, бўлиб ўтган ишларни тузатса бўлади... Дамблдор ўлиши мумкин эмас...

Айлана зинанинг сўнгги ўнта поғонасидан сакраб тушган Гарри сеҳрли таёқчасини олдинга ўқтаганча, тек қотди. Қасрнинг хира ёритилган йўлагида қақшатқич жанг кечмоқда, шифтнинг ярми кўчиб тушган бўлиб, йўлакни чанг қоплаган. Ким ким билан жанг қиляпти, тушуниб бўлмайди.

- Иш битди, чекинамиз! - эшитилди Снеггнинг манфур овози.

Жанг майдонидан монесиз ўтиб, йўлакнинг нариги томонида кўринган Снегг билан Малфой иккаласи муюлиш ортида кўздан ғойиб бўлди. Гарри иккаласининг ортидан югурди. Олишаётган оломон ичидан кимдир кутилмаганда ажраб чиқиб, унга отилди: махлуқ тусига кирадиган Уолк. Гарри ҳатто таёқчасини кўтаришга улгурмай, Уолк уни тагига босиб олди. Гаррининг юзига ифлос соч тутамлари тушиб, оғиз-бурни қон ва тер ҳидига, бўғзи эса қайноқ нафасга тўлди...

- Петрификус тоталус!

Вазни оғир Уолк Гаррининг устида қотиб қолди. Унинг танасини бир амаллаб ағдарганча, остидан базўр чиқиб олган Гарри ирғиб турди-да, яшил яшинга чап бериб, ўзини жанг ўртасига урди. Аммо кимнингдир танасига қоқилиб, йиқилишига бир баҳя қолди. Ерда икки киши юзи пастга қараб қон кўлмагида ётибди. Уларнинг кимлигини аниқлашга ҳозир вақт йўқ. Гаррининг қаршисида олов тусли малла соч тутами ўйноқлади. Жинна солқи юзли, қарғиш кетидан қарғиш йўллаётган Амикус билан жанг қилмоқда. Қиз қарғиш яшинларига чаққонлик-ла чап бермоқда, гирдиғум Ўлимдан мириқувчи эса бундай қизиқ мусобақадан завқланганча, ҳирингламоқда.

- Крусио... крусио... бир умр рақсга туша олмайсан-ку, гўзал қиз...

- Импедимента! - қичқириб юборди Гарри.

Гарри йўллаган қарғиш яшини Амикуснинг кўкрагига бориб урилди. Чўчқадай чинқириб юборган Амикус ҳавога кўтарилиб, нариги томондаги деворга бориб урилганча, ҳар бири ўзи танлаган Ўлимдан мириқувчи билан жанг қилаётган Рон, профессор Макгонагалл ва Люпин ортида ғойиб бўлди. Улардан сал нарида Бомс ҳар томон қарғиш йўллаётган, деворни ёриб, дераза ойнасини чилпарчин қилган оқ сариқ сочли улкан рақиб билан жанг қилмоқда.

- Қаердан келиб қолдинг, Гарри? - қичқирди Жинна.

Савол-жавобга вақт йўқ. Эгилишга улгурган Гарри устида портлаб, ҳамманинг бошига тош парчаларини ёғдирган қарғишга чап берганча, олдинга ташланди. Снеггни қочириб юбориш мумкин эмас, уни қўлга олиш шарт...

- Мана сенга, ярамас! - эшитилди профессор Макгонагаллнинг қичқириғи.

Гарри кўзининг қири билан бошини ушлаб олганча, йўлак бўйлаб қочаётган Алектони ва опадан қолиб кетмасликка уринган укани кўрди. Уларнинг кетидан югурган Гаррининг пойафзали нимагадир қисилиб, фурсат ўтмай, кимнингдир оёғи устига кўндаланг тушди. Бошини бурган Гарри Невиллнинг полга ёпишиб қолган кулча юзини кўрди.

- Невилль, аҳволинг?...

- Яхши, - ғудуллади қорнини ушлаб олган Невилль, - Гарри, улар...

Малфой билан Снегг иккаласи... анави томон...

- Биламан, уларни таъқиб қилиб кетяпман, - жавоб берди Гарри.

У ерда ётганча, душманлар орасидаги сира тинчимас ва хавфли оқ сариқ сочли улкан рақибга қарата қарғиш йўллади. Қарғиш яшини юзига теккан Ўлимдан мириқувчи оғриқдан дод солиб, кескин бурилди-да, пакана бўйли опа-ука ортидан югурди.

Гарри бир амаллаб ўрнидан турди-да, орқасида эшитилган гумбур-гумбурга ҳам, ортга қайтиш чақириқларига ҳам, қисмати номаълум, ҳаракатсиз қолган таналарнинг унсиз чақириғига ҳам эътибор қаратмай, йўлак бўйлаб югурди....

Муюлиш ортига шиддат-ла ўтган Гаррининг пойафзали қонда сирпаниб кетди. Снегг катта имкониятга эга бўлди. Наҳотки у Даркор хонага кирган бўлса? Ё Орден хонани ёпиб қўйишга улгуриб, Ўлимдан мириқувчиларнинг ушбу чекиниш йўлини тўсдимикан? Гарри ўз қадами ва юрагининг гумбурлаб уришидан ташқари, бошқа ҳеч нарса эшитмади. Полда қон излари. Демак, Ўлимдан мириқувчилардан кам деганда бир нафари асосий чиқиш эшиги томон йўл олган... афтидан, Даркор хона чиндан ҳам тўсиб қўйилган...

Тезлигини пасайтирмаган Гарри навбатдаги муюлиш ортига ўтди. Унга қарши қўлланилган қарғиш яшинларига тез чап бериб, рицарлар аслаҳаси ортига бекинди. Мармар зина бўйлаб югуриб тушаётган Амикус билан

Алектони абжағи чиққан аслаҳалар ортидан кўрган Гарри, иккаласига қарата қарғиш йўллади-ю, зина майдони деворида осиглиқ турган портретдаги ясама сочли афсунгар аёлларни чўчитиб, чийиллатганча қўшни расмларга қочириб юборгани қолди холос. Аслаҳа парчалари устидан сакраб ўтган Гаррининг қулоғига ҳаяжонли қичқириқлар эшитилди. Афтидан, қаср аҳолиси уйғона бошлаган кўринади... Ҳовлига чиқишга улгурган Снег билан Малфойга опа-укадан олдин етиб олишни ният қилган Гарри қисқа йўлдан югурар экан, яширин зина ўртасидаги йўқолиб қоладиган поғонадан сакраб ўтишни унутмади, ушбу зина яқинидаги гобелен орқали ўтиб, йўлакка учиб чиқди. У ерда ҳеч нарсадан хабари йўқ, эгнидаги пижамаси билан чиққан хуффльпуффчиларга дуч келди.

- Гарри! Биз шовқин эшитиб чиқдик, - гап бошлади Эрни Макмиллан, - Айтишлари-ча, ҳовлида Ажал белгиси...

- Йўлимдан қочинг! - ўқирди Гарри.

Икки нафар ёш болани четга туртган Гарри, зина майдонига сакраб ўтди-да, мрамр зинадан вестибюль томон югурди.

Эман эшик ланг очиқ. Тош ётқизилган полда қон изи кўринди. Қаттиқ қўрқиб кетган бир нечта ўқувчи деворга қапишиб олган бўлиб, улардан айримлари юзини ҳамон бекитиб турибди. «Гриффиндор»нинг катта қум соати синиб, ёқутлари тақиллаганча, полга тўкилмоқда...

Вестибюлдан ўқдай учиб ўтган Гарри зим-зиё ҳовлига сакраб чиқиб, майсазор бўйлаб дарвоза томон уч киши йўл олганини кўрди. Улар мактаб ҳудудидан чиқса, ҳавода даф бўлади. Улардан бири оқ сариқ сочли гавдаси йирик Ўлимдан мириқувчи бўлса, сал олдинда Снег билан Малфой...

Туннинг совуқ ҳавоси ўпкасини оғритганига қарамай, Гарри, турган жойидан тезлик олганча югурди. Узоқда нимадир ёришиб, таъқиб қилинаётганларни бир муддат ёритди. Нима бўлганини Гарри билмайди, у югурмоқда, югурмоқда-ю, дурустроқ нишонга олиб, қарғиш қўллаш масофасига ҳеч яқинлаша олмаяпти.

Яна нимадир ёришди, бақириқ эшитилиб, жавобан қўлланилган олов ярқиради. Гарри гап нимада эканлигини, хусусан, кулбасидан сакраб чиққан Хагрид Ўлимдан мириқувчиларни қўлга олмоқчи бўлаётганини англади. Ҳар бир олган нафаси ўпкасини ёриб юборгудай оғритиб, кўкрагининг ўртасига оловли қозиқ қоқилгандай бўлса-да, югуришни давом этди. Миясида нохуш овоз янгради: наҳотки Хагрид ҳам... наҳотки Хагрид...

Белига нимадир урилган Гарри юзи билан ерга қулади. Бурнидан қон келиб, сеҳрли таёқчасини шай тутганча, жойини ўзгартириш учун нари юмалади. Яширин йўл билан қувиб ўтилган опа-ука Гаррининг орқасидан етиб келди. Гарри, яна бир ағанаб, майсага қапишиб олди-да, қичқирди: - Импедимента!

Қарғиш опа-уканинг қайсидир бирига тегиб, гандираклатганча, шеригини ўзи билан тортиб, ерга қулатди. Сакраб турган Гарри боз Снегг кетидан қува кетди.

Ярим ой ёруғлигида, худди булутлар орасидан пайдо бўлган каби, кутилмаганда Хагринднинг улкан қиёфаси ўсиб чиқди. Оқ сариқ сочли Ўлимдан мириқувчи Хагриндга қарата қарғиш кетидан қарғиш йўлламоқда, аммо Хагринднинг фавқулодда кучи ва давангир онасидан мерос олган дағал тери қопламаси уни қарғиш таъсиридан асрамоқда. Снегг билан Малфой эса бу пайтда қўлдан чиқиб кетмоқда. Иккаласи дарвозадан ташқарига чиқиб олса бўлди, ҳавода даф бўлади...

Хагринд билан унинг рақиби ёнидан тез югуриб ўтган Гарри Снеггнинг орқасини нишонга олиб, қичқирди:

- Ступефай!

Хато кетди. Қизил яшин Снеггнинг боши яқинидан учиб ўтди.

- Қоч, Драко! - қичқирди Снегг, Гарри томон ўгирилиб.

Иккаласининг орасида тахминан йигирма фут масофа бор. Иккаласи бир-бирига ўқрайиб, сеҳрли таёқчасини бир вақтда ўқтади.

- Крус...

Зарбанинг олдини олган Снегг, қарғишни охиригача талаффуз этишига йўл қўймай, Гаррини ерга қулатди. Бели билан йиқилган Гарри бир ағанаб, боз оёққа туриб олди. Унинг орқасида қолган оқ сариқ сочли улкан киши бу пайтда бақириб юборди:

- Инсендио!

Қаттиқ портлаш янграб, атроф милтираётган тўқ сариқ тусда ёришиб кетди. Хагринднинг кулбасига ўт кетди.

- Сўйлоқтиш кулбада қолган-ку, ҳой сен, дарғазаб ҳайвон! - ўкирди Хагринд.

Гарри ёнғин ёруғида кўринаётган Снеггни боз нишонга олиб, бақирди

- Крус...

Снегг Гарри йўллаган яшинни осонликча қайтарди.

- Оқибати мудҳиш қарғишлар ижроси сенга эмас, Поттер! - жирканиб бақирди у, ёнғин наъраси, Хагринднинг ўкириши ва кулбага қамалган Сўйлоқтишнинг ангиллашидан ҳам баланд овозда, - Бундай қарғишлар учун сенда на журъат, на маҳорат етади...

- Инкарс ...

Снегг сеҳрли таёқчасини эринчоқлик-ла силтаб, қарғиш яшинини боз қайтарди.

- Жанг қил мен билан! - бақирди Гарри, - Жанг қил, қўрқоқ...

- Мени қўрқоқ дединг-ми, Поттер? - жавоб берди Снегг, - Отанг мен билан яккама-якка жанг қилишга журъат этмай, тўрт кишилашиб чиқар эди...

Қизиқ, уни нима деб атаган бўлар эдинг, а?

- Ступе...

- Токи тилингни тийиб, фикрингни ичингда сақлаб юришни ўрганиб

олмас экансан, сени тўхтатиб боравераман, Поттер! - тишининг оқини кўрсатди Снегг, навбатдаги қарғиш яшинини қайтарар экан, - Кетамиз! - қичқирди у, йирик кишига, - Вазирлик ходимлари етиб келишади ҳозир... - Импеди...

Вужудини даҳшатли оғриқ қамраб, майсага қулаган Гаррининг гапи оғзида қолди. Кимдир дод соляпти. Тушунарли, энди у ўлади, Снегг уни жони чиққунча, ё ақлдан озгунча қийнаб ташлайди...

- Йўқ! - эшитилди Снеггнинг қичқириғи.

Оғриқ қандай бошланган бўлса, шундай тўхтади. Гарри майса устида ғужанак бўлиб, сеҳрли таёқчасини маҳкам ушлаб олганча, ҳансираб ётибди. Юқорида Снеггнинг қичқириғи эшитилди:

- Эсингиздан чиқди-ми? Поттернинг ҳаёти Ёвуз Лордга тегишли. Уни шу ерда ташлаб кетишимиз керак! Бўлди бас, кетдик! Кетдик!

Гарри лунжи билан ернинг зириллаганини ҳис этди. Амикус, Алекто ва анави йирик киши итоат этиб, дарвоза томон югуришди. Гарри ғазабдан инграб юборди. Ҳозир унга на ҳаётнинг, на мамотнинг фарқи йўқ. У базўр оёққа туриб, гандираклаб тебранганча, Вольдемортдан қандай нафратланса, шу даражада нафратланадиган Снегг томон одимлади...

- Сектум ...

Снегг таёқчасини силтаб, қарғиш яшинини қайтарди. Гарри энди унга шу қадар яқин-ки, юзини аниқ кўриб турибди. Заҳарханда энди йўқ, ёнғин нафратдан буришиб, қутуриб кетар даражага келган қиёфани ёритмоқда. Жамики иродасини бир ерга жамлаган Гарри ички овоз-ла:

- Леви...

- Йўқ, Поттер! - бақирди Снегг.

Нимадир гумбурлади. Гарри орқага тисарилиб учганча, бели билан ерга қаттиқ тушиб, сеҳрли таёқчаси қўлидан чиқиб кетди. У худди яқинда минора майдонида ётган Дамблдорга ўхшаб, ҳимоясиз ётибди. Қулоғида Хагрид билан Сўйлоқтишнинг ҳайқириғи-ю, увиллаши янграмоқда. Бироздан сўнг устида Снеггнинг иссиқ ёнғин ёғдусида нафратдан ловуллаётган рангпар башараси пайдо бўлди.

- Сен, Поттер, менинг қарғишларимни ўзимга қарши қўллашга журъат этияпсан-ми? Уларни мен ихтиро қилганман, эшитяпсан-ми, мен, чала зот Шаҳзода! Жирканч отанг каби, менинг ихтироларимни ўзимга қарши қўлламоқчимисан? Йўқ... қўлингдан келмайди!

Гарри сеҳрли таёқча томон отилди. Снегг қўллаган тилсим таёқчани узоққа улоқтириб юборди.

- Энди ўлдир мени, - хириллади нафратланиб, жирканиб кетган Гарри, қўрқув ҳиссини йўқотиб, - Уни ўлдирган каби, ўлдир мени ифлос қўрқоқ...

- БАС ҚИЛ, - кутилмаганда ақлдан озган киши каби чинқириб юборди, юзи худди олов қамраб олган кулбада инграётган итдай қаттиқ қийналаётган қиёфа касб этган Снегг, - МЕНИ ҚЎРҚОҚ ДЕЙИШГА ЖУРЪАТ ЭТМА!

У сеҳрли таёқчасини қаттиқ силтади. Гарри юзига кучли қизиган қамчи зарбасини егандай ағанаб, яна бели билан ерга урилди, кўзидан ўт, ўпкасидан борки ҳаво чиқиб кетди.

Кутилмаганда, йирик қанот шовқини эшитилиб, аллақандай баҳайбат нарса осмондаги юлдузларни тўсиб қўйди: Отбургут Снеггни таъқиб қилиб, ҳамла қилмоқда. Снегг тиғ мисоли ўткир панжалардан нари қочмоқда.

Ётган ўрнига базўр ўтира олган, кўзига ҳамма нарса сузиб кўринаётган Гарри Снеггнинг даҳшатли қичқираётган гиппогрифдан қочаётган кўрди. У базўр оёққа туриб, хира нигоҳи ила атрофга, таёқчасини топиш ва таъқибни давом эттириш мақсадида аланглади. Қўли билан майсани пайпаслаб, аллақандай шохларни четга улоқтирар экан, кўп вақт йўқотди. Дарҳақиқат, сеҳрли таёқчасини топиб, Снегг қочган томон ўгирилганда дарвоза устида гир айланиб учаётган Отбургутни кўрди: Снегг ҳавода даф бўлишга улгурган.

- Хагрид, - чақирди, қулоғи битган Гарри, бошини силтаб, - ХАГРИД! Гарри гандираклаганча, ёнаётган кулба томон одимлади. Ёнғин орасидан Сўйлоқтишни елкасига ташлаб олган улкан тана чиқиб келди. Бошдан оёқ дағ-дағ титраётган, бутун вужуди қақшаб, узук-юлуқ нафаси кўкрак қафасини оғритаётган Гарри уларни кўргач, бироз енгил тортиб бақирганча тиззасига чўккалади.

- Аҳволинг қалай, Гарри? Гарри? Бирон нима десанг-чи...

Пахмоқ сочли улкан тана осмонни тўсганча, Гаррининг устида сузиб юрибди. Ҳаво куйган тери ва ёнган ёғоч ҳидига тўлган. Қўлини узатган Гарри Сўйлоқтишнинг умид бағишловчи илик танасини ҳис этди.

- Яхшиман, - чуқур нафас чиқарди Гарри, - Ўзинг-чи?

- Жоним омон, албатта. Ундай бемаънилик мени ўлдириш учун камлик қилади.

Хагрид кафтини Гаррининг қўлтиғига солиб сал силтади. Гарри юқорига кўтарилиб, оёғи ердан узилди. Оёққа тургач, Хагриднинг шишиб бораётган кўзи остидаги чуқур жароҳатланган лунжидан қон оқаётганини кўрди.

- Уйингни ўчириш керак, - деди Гарри, - Агуаменти тилсими...

- Шунга ўхшаш нимадир эсимда бор эди-я, - деди Хагрид, тутаётган пушти соябонини кўтариб, - Агуаменти! - қичқирди у.

Соябон учидан сув отилиб чиқди. Гарри ҳам, назарида қўрғошин каби оғирлашиб кетган сеҳрли таёқчасини кўтариб, базўр шивирлади:

- Агуаменти!

Хагрид иккаласи ёнғиннинг сўнги чўғигача ўчирди.

- Ишлар у қадар ваҳимали эмас, - қувонч-ла хулоса чиқарди Хагрид, тутаётган вайронани айланиб чиққач, - Дамблдор буларнинг барини ўз ҳолига шу қадар тез қайтарадики, иккигача санашга улгурмайсан.

Буни эшитган Гарри қорин соҳасидаги қаттиқ оғриқдан сесканиб кетди.

Ҳозир, атрофда мутлақ жимжитлик қарор топганда бошига қандай оғир мусибат тушганини мана энди ҳис этди.

- Хагрид...

- Фараз қиялсан-ми, дарахт алвастисининг оёғини даволаб, боғлаб ўтирар эканман, анавиларнинг югуриб келишаётганини эшитиб қолдим. Хагрид бошини маъюс силтаб, ёниб кетган кулба томон имо қилди:

- Битта қолмай куйиб кетишган бўлса керак, бечоралар...

- Хагрид...

- Қасрда нима бўлди ўзи, Гарри? Ит қувган соқовдай қочиб чиқишганини кўрдим. Нима учун Снегг ҳам чиқиб кетди, уларга қўшилиб? Қаёққа кетди у ўзи?... Анавиларни тутиб келишгами?

Гаррининг томоғи тутун ва даҳшатдан қуриб қолган.

- У... - томоқ қирди Гарри, - Хагрид, у ўлдирди...

- Ўлдирди? - баланд овозда сўради Хагрид пастга, Гаррига қараб, - Снегг ўлдирди-ми? Кимни? Нималар деяпсан ўзи?

- Дамблдорни, - гапини тугата олди Гарри, - Снегг... Дамблдорни ўлдирди.

Хагриднинг кўзлари жовдираб, юзининг тук босмаган қисми англамаслик қиёфасини касб этди.

- Дамблдорнинг нимасини ўлдирди? А, Гарри?

- Дамблдор ўлди, Хагрид. Снегг уни ўлдириб қочди.

- Ундай дема, - гапни бўлди Хагрид қўпол оҳангда, - Снегг Дамблдорни ўлдирди эмиш-а!.. Бўлмағур гапни йиғиштир, Гарри. Нимага керак бундай гаплар, а?

- Кўз ўнгимда содир бўлди.

Хагрид бовар қилмай, бошини силтади. Афтидан у, Гарри қарғиш таъсиридан ёки бошига еган зарбадан ўзини бироз ёмон ҳис этипти, деган хаёлга борган кўринади.

- Ҳодиса назаримда, мундоқ бўлган, - тахмин қилди Хагрид, - Дамблдор унга Ўлимдан мириқувчилар билан бирга кетишни буюрган. Буни ҳамма кўриши учун, тушуняпсан-ми, Гарри? Менимча, айнан шундай бўлган, ҳа. Қани, юр, яхшиси сени мактабга элтиб қўяй. Юр кетдик, ҳа, юр, кетдик... Гарри мубоҳаса қилишга уринмади ҳам. Унинг вужуди ҳамон титрамоқда. Хагрид кўп ўтмай, бор гапни ўзи билиб олади.

Икковлон қаср томон йўл олди. Аксарият деразаларда чироқ ёнган.

Ичкарида ҳозир кўпчилик хонама хона югуриб, бир-бирига Ўлимдан мириқувчилар, Ажал белгиси, - кимдир ўлдирилгани ҳақида айтиб бераётганини Гарри аниқ тасаввур қилди.

Катта очилган эман эшик қасрга олиб келадиган йўлак ва майсазорга ёруғлик туширган. Пижама ва халат кийган одамлар аста секин соябонли пиллапояга чиқишмоқда. Улар пиллапоядан тушиб, зулмат қаърига кириб кетган Ўлимдан мириқувчиларни кўриш мақсадида бўлса керак, аста мўралашмоқда. Лекин Гаррининг нигоҳи энг баланд минора бўсағасига

йўналган. Унинг кўзига дастлаб, гарчи ушбу масофадан аниқ кўриш мумкин бўлмаса-да, кичик қора дўнглик кўринди. Тахминича, Дамблдорнинг жасади ётиши керак бўлган жойга қараб борар экан, минора яқинида одам тўплана бошланди.

- Қаёққа мўралашяпти улар? - сўради Хагрид, иккаласи қасрга яқин келганда, - Майсада нима ётибди? - овоз кўтарди у, халойиқдан кўзини узмай, - Кўрдинг-ми, Гарри? Девор тагига қара? Белги остида... жин урсин... бирортасини итариб юборишди-ми а?...

Хагрид, афтидан, миясига келган даҳшатли мулоҳазасини айтиб юборишдан чўчиди шекилли, жим бўлиб қолди. Юзи ва сўнгги ярим соат ичида сон мингта яшин теккан оёғи кучли ловуллаётган Гарри, унинг ёнида бормоқда. Онгини қандайдир ғалати бефарқлик қамраб олган Гарри танаси бор-йўқлигини сезмаяпти. Кўкрак қафасини ёриб юбораётган оғриқдангина халос бўла олмапти.

Хагрид иккаласи худди тушда бўлаётган каби, паст овозда ғудуллаётган халойиқ орасидан ўтиб, ўқувчи ва ўқитувчилар кесиб ўтишга журъат этмаётган чегарага келишди.

Хагрид қайғу ва ларзадан инграб тўхтади. Гарри тўхтамади, у аста олға одимлаб, Дамблдорнинг ёнига келди-да, ерга ўтириб олди.

Умид йўқлигини Дамблдор томонидан қўлланилган, киши вужудини суякдай қотирадиган Тўлиқ Тана-бинт тилсими ўз таъсирини йўқотганда тушуниб етган эди. Зеро, бундай ҳолат, ушбу Петрификус Тоталус тилсимини қўллаган киши ҳалок бўлгандагина рўй бериши мумкин.

Шундай бўлса ҳам, Гарри, бундай даҳшатли манзарага тайёр эмас эди: ўз даврининг буюк сеҳргари... жонсиз тана, ҳар томон узатилган қўл-оёқлар. Агар оёқ-қўли ғалати эгилган бўлмаганида, кўзи юмуқ Дамблдор ухлапти деган хаёлга бориш мумкин. Гарри қўлини узатиб, ярим ой шаклидаги кўзойнагини тузатди, оғиз бурчагидан оқиб чиққан қонни енги билан артди ва қариянинг доно чеҳрасига диққат-ла қараб, бўлиши мумкин бўлмаган даҳшатли ҳақиқатни идрок этишга уринди. Дамблдор энди ҳеч қачон Гарри билан гаплашмайди, ҳеч қачон ёрдам қўлини узатмайди. Орқасида паст овозда ғўнғир-ғўнғир эшитган Гаррига тиззаси аллақандай қаттиқ нарсага қадалаётганини сезиб, пастга қараши учун анча вақт керак бўлди.

Иккаласи бугун қўлга киритган медальон Дамблдорнинг чўнтагидан тушиб, афтидан, зарба кучидан бўлса керак, қопқоғи очилибди. Гарчи Гарри ҳозир ҳар қандай ҳис-ҳаяжон чегарасидан ўтиб кетган ҳолатда бўлса ҳам, бунда нимадир нотўғри эканлиги ҳақида ўйланиб қолди. Гарри қимматбаҳо буюмни қўлида айлантириб кўрди. Медальон хотирадаги медальондан кичик бўлиб, унда на нақш ва на Слизериннинг белгисини англатган оҳанжамадор «S» ҳарфи бор. Ичида ҳам, портрет ўрнига солиб қўйилган пергамент бўлагидан ташқари, ҳеч нарса йўқ. Ўз ҳаракатини идора қилмаган Гарри қоғоз бўлагини чиқарди-да,

орқасидаги кўплаб таёқчалар таратаётган ёруғликка тутиб ўқиди:

Ёвуз Лордга

Ушбу хатимни ўқийдиган кунинг келгунга қадар ажалим етишини яхши биламан, лекин сен ҳам бир нарсани билиб қўйишингни истайман: сенинг сирингни очган мен бўламан.

Ҳақиқий руҳдонни ўғирладим. Қўлимдан келган куни уни йўқ қилишни ният қилганман. Қудрати бўйича сенга бас кела оладиган рақибингни учратиб, яна ўлимга маҳкум бўлиб қолган оддий инсонга айланишингга умид боғлаганча, ўз ажалимни қарши олмоқдаман.

Р. А. Б.

Нима бу? Нима эканлигини Гарри тушунмади, тушунишни ҳам истамди. Муҳими, бу руҳдон эмас. Дамблдор даҳшатли дамламани ичиб, ўз кучини беҳуда йўқотибди. Пергамент бўлагини ғижимлаган Гарри қайноқ кўз ёш тўкди. Сўйлоқтиш ҳам унга жўр бўлиб, увиллаб юборди.

XXIX БОБ. ҚАҚНУС ФИҒОНИ

- Юр, Гарри.
- Йўқ.
- Умрбод қола олмайсан бу ерда... тур, кетдик.
- Йўқ.

Елкасида Хагриднинг қўли қалтираётган Гарри Дамблдорнинг жасаидан нари кетишни, умуман қилт этишни хоҳламаяпти.

- Тур, Гарри, кетдик, - эшитилди бошқа овоз.

Кимнингдир кичкинагина, илиқ кафти Гаррининг қўлини сиқиб юқорига тортди. Беихтиёр итоат этган Гарри халойиқ орасидан сўқирдай ўтди. Бироздан сўнггина у, Жиннани хушбўй гул ҳидидан таниб, қасрга кираётганини англаб етди. Атрофда кимлардир хўнграб, ҳиқиллаб, гапириб йиғламоқда, тун тинчини баланд овозлар бузмоқда... лекин Гаррининг қулоғига ҳозир ҳеч нима чалингани йўқ. Жинна билан бирга индамай одимлаганча дастлаб қаср пиллапоясига кўтарилди, у ердан вестибюлга кирди. Унинг кўзига ҳамма нарса хира кўриниб, сузмоқда, одамларнинг ҳайрон нигоҳлари-ю, ҳаяжонли пичир-пичирларини деярли сезмаяпти. Жинна уни мармар зина томон етаклади. Полда сочилиб ётган «Гриффиндор» ёқутлари, худди қон доғи каби ялтирамоқда.

- Касалхонага борамиз, - деди Жинна.
- Яраланганим йўқ, - эътироз билдирди Гарри.
- Макгонагаллнинг буйруғи бу, - тушунтириш берди Жинна, - Ҳозир ҳамма: Рон, Гермиона, Люпин ўша ерда.

Гарри сесканиб кетди: полда ҳаракатсиз ётган таналар ёдидан

кўтарилибди.

- Жинна, яна ким ҳалок бўлди?

- Ташвиш тортма, бизга қарашлилардан ҳеч ким.

- Бироқ Ажал белгиси... Малфой кимнингдир танаси устидан ҳатлаб ўтганини айтган эди.

- Биллинг устидан. У тирик.

- Ростданми? - сўради Гарри, қизнинг оҳангидан бироз хавотирланиб.

- Рост. Тўғри, Уолк уни бироз жароҳатлаган... Помфри хонимнинг айтишича, ташқи кўриниши ўзгариб, энди илгаригидай бўлмайди, - жавоб берди Жинна, овози бироз титраб, - Оқибати нима билан якунлаши ҳали номаълум. Айтмоқчиман-ки, ўша Уолк махлуқ тусига кирадиган одам, албатта, лекин ҳозир Ой тўлган эмас.

- Бошқалар-чи. Жанг вақтида яна кимдир ерда ётган эди шекилли.

- Невилль. Лекин Помфри хоним унинг батамом тузалиб кетишига комил ишонч билдирди. Профессор Флитвик хушини йўқотган эди. Ҳозир у ўзига келиб, бироз ланж бўлишига қарамай, равенклочиларни назорат қилмоқда. Ўлимдан мириқувчилардан бири ўлдириш қарғишини ўнг-у, сўлга қўллаган анави оқ сариқ сочли тентак шеригининг дастидан ўлди. Агар бахт-у, толе дамламасини ташлаб кетмаганинда, Гарри, ҳаммамиз ҳалок бўлар эдик. Ўша қарғиш яшинлари бизга тегмай, ёнимиздан учиб ўтаверди.

Икковлон касалхонага етди. Кираверишдаги каравотда Невилль ухлаяпти. Нариги бурчакдаги каравот атрофида Рон, Гермиона, Луна, Бомс ва Люпин тўпланган. Хонага кимдир кирганини эшитиб, ҳаммаси ўгирилиб қарашди. Гермиона Гарри томон ташланиб, уни қучиб олди. Люпин ҳам олға қадам ташлади.

- Аҳволинг қалай, Гарри? - ташвиш-ла сўради у.

- Яхшиман... Билл қалай?

Ҳеч ким жавоб бермади. Гарри Гермионанинг елкаси узра бурчакка қаради. Каравотда таниб бўлмайдиган даражада жароҳатланган киши ётибди. Юзининг тери қопламаси шу қадар йиртилганки, бўрттириб тасвирланган ниқобни эслатади. Помфри хоним бармоқ дўмбоқчилари билан жароҳатга ўткир ҳидли яшил малҳам суртмоқда.

- Бирон-бир тилсим воситасида тузатиб бўлмайди-ми? - сўради Гарри фельдшер аёлдан, Малфойнинг жароҳатини Снегг осонликча тузатганини эслаб.

- Бундай жароҳатга тилсим йўқ, - жавоб берди аёл, - Жуда кўп нарсаларни синаб кўрганман, лекин... махлуқ тусига кирадиган одам етказган жароҳатга дори йўқ.

- Уни ойдин кечада тишламади-ку, - деди Рон, акасига, худди нигоҳи ила тузатиб юборгудай даражада термилиб, - Уолк махлуқ тусига кирмади, демак Билл ҳам ҳақиқий бўлиб қолмайди, шундайми?

Рон умид-ла, Люпинга қаради.

- Ҳақиқий махлуққа айланмайди, албатта, - жавоб берди Люпин, - Бироқ захар қонга сингиб кирган. Лаънат ўқилган жароҳат бу, Рон. Тўла-тўқис битиб кетиши қийин. Биллинг табиатида бўрининг табиатига хос сифатлар пайдо бўлишини ҳам инкор этиб бўлмайди.

- Ҳеч қиси йўқ. Дамблдор бирон нима ўйлаб топади, - баёнот қилди Рон, - Қани ўзи у? Билл айнан Дамблдорнинг буйруғига биноан жанг қилди анави ифлосларга қарши. Шундай экан, унга ёрдам беришга мажбур. Шу ҳолатда ташлаб қўймайди-ку, ахир...

- Рон... Дамблдор ҳалок бўлди, - аста маълум қилди Жинна.

- Йўқ! - хитоб қилди Люпин.

У нигоҳини Жиннадан Гаррига олиб ўтиб, афтидан, қизнинг хабарини рад этишига умид қилди. Рад жавобини эшитмаган Люпин ўзини каравот ёнидаги курсига ташлаб, қўлини юзига босди. Люпинни бундай очиқ ҳиссиёт намоён этишини ҳали ҳеч кўрмаган Гарри ўзини, худди бировнинг шахсий ҳаётига беҳосдан аралашган кишидай ҳис этиб тескари ўгирилди ва Роннинг нигоҳига рўбару келиб, хабар рост эканлигини нигоҳи ила тасдиқлади.

- Қандай ҳалок бўлди, у? - пичирлаб сўради Бомс, - Нима бўлди?

- Уни Снегг ўлдирди. Менинг кўз олдимда, - деди Гарри, - Дамблдор иккаламиз Белги осилган минорага келиб қўндик... Унинг аҳволи жуда ёмон бўлиб, ниҳоятда заиф эди, лекин Белги тузоқ эканлигини дарҳол фаҳмлади... Зина бўйлаб кимдир югуриб чиқаётганини эшитиб, устимга кўринмас плаш ташланган ҳолатимда ҳаракатсизлантириб қўйди... ҳеч нарса қила олмадим... минора майдонига Малфой чиқиб, мени ҳаракатсиз ҳолатга келтираётган Дамблдорни қуролсизлантирди...

Гермиона оғзини кафти билан ёпди, Рон инграб юборди, Лунанинг лаби титради.

- ... Ўлимдан мириқувчилар тўпланди... сўнг Снегг келиб... Авада Кедаврани қўллади.

Помфри хоним ҳўнграб юборди. Жиннадан ташқари, ҳеч ким унинг йиғисига эътибор қилмади.

- Жим! Эшитяпсиз-ми?

Йиғисини ичига ютган фельдшер аёл бармоғини лабига маҳкам босиб, кўзини катта очганча, тек қотди. Узоқда қақнус сайраяпти. Гарри бундай хонишни ҳали ҳеч қачон эшитмаган – дард-алам ифода этилган тенги йўқ чиройли куй. Ҳар доим бўлгандек, мўъжизали қуш товушини эшитган Гаррига, ушбу куй унинг ичидан чиқаётган, чеккан азоблари сирли равишда қўшиққа айланиб, қаср узра учаётган, деразаларга кириб бораётгандай туюлди.

Қақнус овозини эшитиб қанча вақт туришганини Гарри билмайди, бундай чиройли қайғули товушлар нима учун бироз ички оғриқни енгиллаштиришини ҳам билмайди.

Эшик боз очилиб, касалхонага профессор Макгонагалл кириб келди.

Юзининг тимдалангани ва эгнидаги кийимининг йиртилганидан, яқинда, бошқалар билан биргаликда, жанг қилгани кўриниб турибди.

- Молли билан Артур ҳозир етиб келишади, - маълум қилди у.

Сеҳрли куй тинди, ҳамма хаёлини йиғиштириб олиб, кўз ёшини артганча, яна Билл томон бурилди.

- Гарри, минорада бўлди? Хагриднинг айтишича, ҳодиса жойида бўлган экансан ва профессор Дамблдор... уни... бу ишда профессор Снегг аралашган...

- Снегг Дамблдорни ўлдирди, - қисқа қилди Гарри.

Профессор Макгонагалл қаттиқ тебраниб кетишдан олдин Гаррига маълум вақт бақрайиб қолди. Ўзини қўлга олган Помфри хоним профессор томон ташланиб, ҳавода курси яратганча, Макгонагаллни ўтқизди.

- Снегг, - курсига қулади Макгонагалл, - Снегг... Ҳаммамиз таажжубланар эдик... Дамблдор эса унга ишонар эди... доимо... Снегг... бовар қила олмайсан киши...

- Снегг окклуменциянинг ҳавосини олган, - таъкидлади Люпин, ўзига хос бўлмаган кескин оҳангда, - Буни ҳаммамиз жуда яхши билар эдик.

- Бироқ Дамблдор Снегг биз томонда дея онт ичган! - пичирлади Бомс, - Дамблдор Снегг ҳақида биз билмайдиган нарсани билади, деб юрар эдим.

- Садоқатини исбот қиладиган метиндек мустаҳкам далиллари борлигини айтган, - пўнғиллади Макгонагалл, катак гулли дастрўмоли билан кўзини артиб, - Снеггнинг таржимаи ҳоли инobatга олинадиган бўлса, ҳайратланишга ҳожат ҳам йўқ эди... аммо Снегг ҳақида бирон-бир ёмон гап эшитишни истамаган Дамблдор, унинг тавбаси самимий бўлганини қатъий таъкидлар эди!...

- Нима билан Дамблдорнинг бошини айлантириб қўйган экан, а, у мараз?! - вишиллади Бомс.

- Мен биламан нима билан айлантирганини! - хитоб қилди Гарри, ҳаммани ўзига қаратиб, - Снегг айрим маълумотларни Вольдемортга етказган. Натижада, Вольдеморт ота-онамни таъқиб қилган. Бундай бўлишини кутмаган Снегг Дамблдорнинг ҳузурига келиб, пушаймон егани, уларнинг ўлимидан ачинаётганини айтган.

- Ва Дамблдор лаққа тушган, дегин? - кўзи косасидан чиқиб кетар даражада бақрайди Люпин, - Снегг ачинибди? Жеймсга-я? Ўларча нафратланиш билан бир вақтда-я?!...

- Онамдан ҳам нафратланган у, - қўшимча қилди Гарри, - Маглар оиласида дунёга келгани учун маглвачча дер эди...

Гарри буни қаердан билишини ҳеч ким сўрамади. Даҳшатли ҳодисадан ҳамма кучли руҳий ларзада.

- Ҳамма айб менда, - кутилмаганда баёнот қилди профессор Макгонагалл, қўлидаги дастрўмолини ғамгин ғижимлаб, - Мададга етиб келиши учун Филиусни мен юборган эдим Снеггнинг хонасига! Агар Ўлимдан мириқувчилар ҳақида беҳабар қолганда, уларга қўшилиб

кетмаган бўлар эди. Қасрга сингиб киришганини Филиус айтмаганда, билмас эди ҳам... уларнинг режасидан бохабар бўлганига ишонмайман.

- Сен айбдор эмассан, Минерва, - деди Люпин қатъий ишонч билан, - Бизга чиндан ҳам ёрдам керак эди. Снегг етиб келишидан қувонган эдик.

- У етиб келиши билан Ўлимдан мириқувчилар томон ўтиб кетди-ми? - сўради Гарри.

Снеггдан янада кучли нафратланиб, қасос олиш учун, унинг иккиюзламачилиги, аблаҳлигига оид янгидан янги тафсилотлар, исбот, далил ва шохидликларга Гарри ҳозир ташна бўлиб турибди!

- Ўша ҳолат қандай рўй берганини ҳозир аниқ эслай олмайман, - деди паришонхотир профессор Макгонагалл, - Миямда ҳаммаси аралашиб кетди... Дамблдор мактабни бир неча соатга тарк этишини айтиб, менга, ҳар эҳтимолга қарши, қаср йўлакларидида патруллик хизматини уюштиришни тайинлаб кетди... Рэм, Билл ва Нимфадора етиб келишди... Қаср йўлакларидида бироз юрдик. Ҳамма ёқ жим. Яширин йўллар ёпиқ, эшиклар кучли тилсим воситасидида қулфланган. Ичкарига ҳеч ким учиб кира олмайди. Ўлимдан мириқувчилар қаср ичига қандай сингиб киришганини ҳалигача тасаввур қила олмайман...

- Мен биламан, қандай сингиб киришганини, - деди Гарри.

У Малфой ҳақида ва ғойиб қилиш жавонлари-ю, улар орасидидаги йўл ҳақида қисқача сўзлаб берди.

- Хуллас, Ўлимдан мириқувчилар қаср ичига ғойиб қилиш жавонлари воситасидида Даркор хона орқали киришган, - маълум қилди Гарри, Рон билан Гермiona томон беихтиёр қараб қўйиб.

Иккаласи ер ёрилса-ю, кириб кетса ҳолатига келиб қолган.

- Лапашанглик қилиб қўйдим, Гарри, - маъюс оҳангда иқрор бўлди Рон, - Сен айтгандек иш тутдик: Кафандузди харитасини текшириб, Малфойни топа олмадик. Шундан сўнг, Даркор хонанинг эшигини пойлагани мен, Жинна ва Невилль... шунга қарамай, Малфой ёнимиздан ўтиб кетишга муваффақ бўлди.

- Тахминан бир соатча турдик, ўша ерда, - деди Жинна, - Сўнг топилиб чиқди у, ўзининг анави даҳшатли қўлини ушлаб...

- Нурафшон қўл, - деди Рон, - Фақат ушлаб турган одамгагина йўл ёритади, эсингдами?

- Эҳтимол, ўша бўлса керак, ҳа, - давом этди Жинна, - Ўлимдан мириқувчиларни чиқариш мумкин ёки мумкин эмаслигини текширди, бизни кўриб, ҳавога аллақандай қабоҳат сепди, йўлак қоп-қоронғи бўлиб қолди...

- Перунинг бир онда зулмат қоплаш кукуни, - алам-ла хўрсинди Рон, - Фред билан Жоржнинг дўконидан. У иккаласи кимга нима сотаётганини биладими, ўзи?

- Биз Люмосни ҳам, Инсендиони ҳам қўллаб кўрдик, наф бўлмади! - арз қилди Жинна, - Девор пайпаслаб юришга тўғри келди. Ёнимиздан эса

кимлардир югуриб ўтди. Эҳтимол Малфой ўша қўл нурида йўл кўриб, жиноий шерикларини етаклаб боргандир, лекин биз бир-биримизга зарар етказмаслик учун қарғиш қўлламадик. Ёруққа чиққанимизда эса уларнинг бирортаси кўринмади.

- Хайриятки, Рон, Жинна ва Невилль бизга рўбару келиб қолиб, бор гапни айтиб беришди, - деди Люпин хириллаган овозда, - Биз уларни бир неча дақиқа ичида, астрономия минораси яқинида қувиб етдик. Афтидан, Малфой патруль хизматига рўбару келиб қолишни хаёлига ҳам келтирмаган. Шу боис, зулмат қоплаш кукунининг етарли захирасини олмаган. Жанг бошланиб, улар ҳар томон қочишди. Биз рақибни тақиб қилдик. Уларнинг орасида одамсимон маймунга ўхшаган, исми жисмига мос келадиган Гиббон лақаблиги бор эди. У қолганлардан ажраб, минорага олиб чиқадиган зина томон югурди...

- Минора устида Ажал белгисини пайдо қилиш учунми? - сўради Гарри.
- Шундай бўлса керак, - жавоб берди Люпин, - Назаримда улар бу ҳақда Даркор хонада келишиб олишган, лекин Дамблдорни ёлғиз ўзи кутиб олишга Гиббоннинг юраги бетламаган шекилли, тез ортга қайтиб, шерикларига ёрдам бермоқчи бўлди-ю, шу заҳоти менга тегишига сал қолган Ўлдириш қарғишининг яшинига рўбару бўлди.

- Демак, Рон, Жинна, Невилль даркор хона эшигини пойлаган, сен-чи Гермiona?...

- Луна билан бирга Снегг кириб ўтирган хона эшигини пойладим, - пичирлади Гермiona, кўзидан ёш келиб, - Ким билсин, қанча ўралашиб юрдик ўша ерда... беҳуда. Кафандузл харитаси Ронда, юқори қаватда нима бўлаётганидан хабаримиз йўқ... Тун ярмида қасрга кириб олган Ўлимдан мириқувчилар ҳақида бақир-чақир қилганча профессор Флитвик югуриб келди. Луна иккаламизни сезмади ҳам шекилли, хонага учиб кириб, Снеггни ёрдамга чақиргани, бироздан сўнг эса нимадир гумбурлаганини эшитдик. Снегг хонасидан югуриб чиқиб бизни кўрди...

- Хўш? - бетоқат бўлди Гарри.

- Аҳмоқ эканман, Гарри! - ҳаяжон-ла пичирлади Гермiona, - Профессор Флитвик ҳушдан кетиб қолганини маълум қилган Снегг, кириб унга ёрдам беришни буюрди, ўзи эса, мактабга Ўлимдан мириқувчилар кириб олишгани боис, ёрдамга югуриши кераклигини айтди.

Қиз қўлини юзига босиб, бармоқ орасидан бўғиқ овозда гапира кетди:

- Биз хонага кириб профессор Флитвик чиндан ҳам полда ҳушсиз ётганини кўрдик... энди ҳаммаси тушунарли: Снегг профессорга қарата Уриб йиқитиш қарғишини қўллаган, биз эса ҳеч нарсани тушунмадик, Гарри, оқибатда Снеггни қўлдан чиқардик!

- Сизларда айб йўқ, Гермiona, - деди Люпин қатъий оҳангда, - Агар сизлар Снеггнинг айтганини қилмай, йўлидан қочмаганингизда, иккалангизни ҳам ўлдирган бўлар эди.

Гарри хаёлан қора коржомаси ҳилпираган Снеггнинг ортидан бориб,

мармар зинадан кўтарилганини тасаввур қилди.

- Демак у, юқорига кўтарилиб, сизларни учратган, шундайми?...

- Вазият ёмон бўлиб, биз ютқазаётган эдик, - гап бошлади Бомс, - Гиббон ўлди, лекин қолган Ўлимдан мириқувчилар охиригача курашишга аҳд қилишган кўринади. Невилль жароҳатланди, Биллни Уолк ғажиб ташлади... йўлак қоронғи, атрофда қарғиш яшинлари учиб ўтмоқда...

Малфой қаёққадир йўқолди, афтидан, писибгина минорага чиқиб олган...

Ўлимдан мириқувчилар унинг ортидан югурди... улардан бири зинага чиқиш жойини қарғиш воситасида тўсиб қўйди... Ўлимдан мириқувчиларнинг ортидан югурган Невилль ортга учиб қулади...

- Биз олға силжий олмадик, - давом этди Рон, - Анави йирик Ўлимдан мириқувчи қарғиш яшинларини ҳар томон улоқтирди, хайриятки яшинлар бизга тегмай девордан сапчиди...

- Айнан мана шу фурсатда Снегг пайдо бўлди-ю, тез орада яна йўқолиб қолди... - эслади Бомс.

- Мен ҳам уни биз томон югуриб келаётганини кўрдим-у, яшинга чап бериб чалғидим, - деди Жинна.

- Зинанинг сеҳрли тўсиғи орқали осон ўтиб кетганини кўриб, ортидан эргашдим, - қўшимча қилди Люпин, - Бироқ худди Невилль каби, мен ҳам ортга учиб тушдим.

- Афтидан, қарғишга қарши қарғишдан бохабар бўлган, - пичирлади Макгонагалл, - Ҳар қалай у, ёвуз кучлардан ҳимоя фани ўқитувчиси-ку... мен уни минорани забт этишга муваффақ бўлган Ўлимдан мириқувчилар ортидан чиққан, деган хаёлга борибман-а.

- Шундай бўлди ҳам, - деди дарғазаб бўлган Гарри, - Фақат уларга қарши жанг қилгани эмас, аксинча, амалий ёрдам бериш учун чиқди. Бошимни кундага қўйиб онт ичаман-ки, ўша тўсиқдан ўтиш учун қўлида Ажал белгисининг тасвири бўлиши керак... Минорадан тушгач нима қилди?

- Йирик танали Ўлимдан мириқувчи ўз қарғиши билан шифтнинг ярмини ўпириб, зинани тўсган сеҳрни бартараф этиб юборди, - жавоб берди Люпин, - Биз, яъни ҳали оёқда турганлар юқорига отилдик.

Кутилмаганда, чанг орасида Снегг билан Малфой кўринди. Табиийки, биз уларга тегмадик.

- Ўлимдан мириқувчилардан қочишяпти, деган хаёлга бориб, уларни ўтказиб юбордик, - деди Бомс оғир хўрсиниб, - Чиндан ҳам, тўрталаси, уларнинг ортидан Уолк билан бирга тушиб келди. Биз яна жангга киришдик. Снегг нимадир деб бақирди-ю, мен англамадим.

- У ўзининг асосий вазифасини бажарганини шерикларига маълум қилиб: «Иш битди, чекинамиз!» - деди, - эслади Гарри.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Деразадан яна Янгуснинг хониши эшитилиб, Гарри даҳшатли нарсалар ҳақида ўйлади: Дамблдорни ётган жойидан олиб кетишди-ми? Энди уни нима қилишади? Қаерга дафн этишади?

Чўнтагидаги қўлини мушт қилиб туккан Гарри совуқ буюмни, хусусан,

кичкинагина сохта руҳдонни ҳис этди. Эшик кутилмаганда ланг очилиб, ҳамма сесканиб кетди. Хонага мистер ва миссис Уэслилар ёпирилиб киришди. Иккаласининг ортидан юзи даҳшатдан буришган Флёр шошиб кирди.

Профессор Макгонагалл курсидан сапчиб туриб, Уэслиларни қарши олди:

- Молли... Артур... Минг афсус...

- Билл, - пичирлади Макгонагаллга эътибор қаратмаган миссис Уэсли, ўғлининг дабдаласи чиққан юзига қараб, - Билл, ўғлим!

Люпин билан Бомс каравот олдидан тез нари кетиб, мистер ва миссис Уэслиларга жой бўшатишди. Мисс Уэсли энгашиб, лабини ўғлининг қонли пешанасига босди.

- Уолк жароҳат етказди дедингиз-ми? - сўради бошқа нарса ҳақида ўйлаётган, фикри тарқоқ мистер Уэсли профессор Макгонагаллдан, - Ой тўлмаган маҳалда... Нима дегани бу? Биллга нима қилади энди?

- Биз ҳозирча билмаймиз, - деди Макгонагалл, Люпинга ночор қараб.

- Артур, фикримча, унинг қони бироз заҳарланган, - деди Люпин, - Бугунги ҳолат ғайриоддий, ягона бўлиб... хушига келган Биллнинг хулқи қандай кечиши ҳозирча номаълум.

Миссис Уэсли Помфри хонимнинг қўлидан сассиқ малҳам-дорини олиб, Биллнинг жароҳатларига ўзи сурта бошлади.

- Дамблдор-чи... - деди мистер Уэсли, - Эшитганимиз ростми, Минерва? У чиндан ҳам?...

Профессор Макгонагалл бош ирғиди.

Гарри ёнидаги Жиннага эътибор қаратди. Бироз қўзғалиб қўйган қиз, кўзини қисиб олганча, Биллга бақрайиб қолган Флёрни диққат билан кузатиб турибди.

- Бизга фарқи йўқ, муҳим эмас... ташқи кўриниши қандай бўлиши... вассалом... - йиғлади миссис Уэсли, - Ўғлим бирам барно, чиройли... уйланмоқчи эди-я!...

- Нима?! - кутилмаганда бақирди Флёр, - «Эди», деганингиз нимаси? Кўз ёши дув-дув оқаётган миссис Уэсли чўчиб, Флёрга қаради.

- Мен... шунчаки...

- Фикрингизча, Билл менга уйланишдан бош тоғтади, шундайми? - сўради Флёр дарғазаб оҳангда, - Юзидаги аллақандай тиш излағи дастидан энди мени севмай қўяди-да, а?

- Йўқ, мен... ундай демоқчи...

- Уйланмай қаёққа боғади! - ўшқирди Флёр, қаддини ростлаганча, кумуш тусли чиройли сочини белига ташлаб, - Биғ яғамас, ифлос, ағзимас махлуқ тусига кирадиган ит бизни айиға олмайди!

- Ҳа, ҳа, албатта, - ўзини йўқотди миссис Уэсли, - Менга... мен... юзага келган вазият.... ўйлабман-ки... энди у....

- Балким сиз мен ҳақимда шундай фикрга боғғандиғиз, а?! Ё шунга умид боғлагансиз, шундайми? - баттар жаҳл қилди Флёр, бурун катаклари

шишиб, - Менга нима фағқи боғ, унинг қиёфаси қандай бўлиши? Менинг хусним эғим иккаламизга бемалол етиб оғтади! Чандиқ эса эғкак зийнатидиғ! Эғимнинг чандиқлари унинг ҳақиқий қаҳғамонлигини кўғсатади! Ва... Бу ёққа беғинг-е, ўзим!

Флёр миссис Уэслининг қўлидаги малҳам дорини тортиб олиб, ўзини сал нари туртди. Эрига бориб урилган миссис Уэсли Биллга дори суртаётган Флёрга паришонлик-ла қараб қолди.

Аёлнинг юзи ниҳоятда ғайриоддий қиёфа касб этганидан ҳамма жим бўлди. Қилт этишга журъат эта олмаган Гарри ҳам, бошқалар каби, миссис Уэслининг ғазабдан портлашини кутди.

- Холамиз Мюриэлда сочга тақиладиган ниҳоятда чиройли соч тожи бор, - ниҳоят тилга кирди миссис Уэсли узоқ сукут сақлагач, - Гоблинлар тайёрлаган жуда ноёб заргарлик буюми! Ўйлайман-ки, тўйга тақиб чиқшинг учун вақтинча бериб турса керак... У Биллни ҳаммадан ортиқ кўради... ишончим комилки, ўша тож сенга жуда ярашади.

- Миннатдоғман, - қуруққина жавоб қайтарди Флёр, - Чиғойли кўғинишига шубҳа қилмайман.

Қандай рўй берганини Гарри илғаб олишга улгурмади-ю, лекин сония ўтар-ўтмас, иккала аёл бир-бирини маҳкам қучоқлаганча, ҳўнграб юборди.

Жамики жаҳон эсини еб қўймаганига ишонч ҳосил қилиш учун Гарри Ронга қаради. Рон ҳам қаттиқ таажжубда. Жинна билан Гермиона бир-бирига ҳайрат-ла қараб турибди.

- Ана кўрдинг-ми! - кутилмаганда хитоб қилди Бомс, Люпинга дарғазаб қараб, - Қизга фарқи йўқ! Йигити ғажиб ташланган бўлишига қарамай, унга эрга тегмоқчи!

- Бу бошқа ҳолат, - жавоб берди кучли зўриққан Люпин, қимтиб олган лабини секин қимирлатиб, - Билл ҳақиқий махлуққа айланмайди. Ҳолат мутлақо бошқача...

- Менга фарқи йўқ! - эзилди Бомс, Люпиннинг ёқасини маҳкам ушлаганча силтаб, - Бунини сенга миллион марта айтганман.

Мана энди тушунарли, хаёлдан ўтказди Гарри: қизнинг янги Ҳимоячиси, сочининг кул ранги, Уолк кимни ғажиганини билиш учун, Дамблдорнинг ҳузурига югуриб келгани... Бомс Сириусни эмас Люпинни севиб қолган экан-у!

- Мен эса сенга миллион марта такрорлаганман, - деди нигоҳини олиб қочган Люпин полга қараб, - Сен учун кексаман... камбағал одам ва... ниҳоятда хавфлиман...

- Мен эса, ушбу баҳоналаринг жиддий эмас, кулгили деб чарчадим, Рэм, - деди Флёрнинг елкасини қоқиб ўтирган миссис Уэсли.

- Ҳеч ҳам кулгили эмас, - эътироз билдирди Люпин, - Бомс нисбатан ёш, соғлом йигитга турмушга чиқishi керак.

- Лекин унга айнан сен кераксан, - аста кулиб қўйди мистер Уэсли, -

Ёшлик, саломатлик эса, Рэм, барҳам топадиган сифатлардан биридир, - деди у, боши билан каравотда ётган ўғли томон маънос имо қилиб.

- Ушбу мавзунини муҳокама қилиш мавриди эмас ҳозир, - пўнғиллади атрофга аланглаган, лекин ҳеч кимга қарамаган Люпин, - Дамблдор ҳалок бўлган...

- Дунёда севги-муҳаббат оз бўлса ҳам кўпайганидан Дамблдор хурсанд бўлар эди холос, - деди Макгонагалл узук-юлуқ чиққан овози билан. Эшик боз очилиб, юзининг соч-соқолдан ҳоли қисми шишиб, кўз ёшдан йилтиллаётган Хагрид кириб келди. Ҳўнграб силтанаётган давангир нўхат гулли, ўта катта дастрўмолини ғижимламоқда.

- Мен... ҳаммасини бажардим, профессор, - билдирув берди давангир, гапи бўғзига тикилиб, - Ол... олиб ўтдим уни. Профессор Сарсабил хоним болаларни ўз ётоқхоналарига тарқатди. Профессор Флитвик тез тузалишни ваъда қилганча ётибди, профессор Дивангард эса вазирликка хабар бергани ҳақида айтиб қўйишни илтимос қилди.

- Раҳмат, Хагрид, - миннатдорлик билдирди профессор Макгонагалл, ўрнидан турганча, Биллнинг каравоти атрофида тўпланганларга қараб, - Мен вазирлик вакиллари билан учрашишим керак. Хагрид, коллеж мудирларига, уларни ўз хонамда кутаётганим ҳақида хабар бер, Дивангард айт, у «Слизерин» номидан чиқиши мумкин. Ўзинг ҳам кел. Хагрид бош ирғиб ортга бурилди-да, оёғини базўр судраб, чиқиш эшиги томон одимлади.

- Улар билан учрашишдан олдин, Гарри, сен билан гаплашиб олмоқчи эдим, - деди профессор Макгонагалл Гаррига юзланиб, - Илтимос, юр мен билан.

Гарри, ўрнидан турар экан, Рон, Гермiona ва Жиннага қараб пичирлади:

- Кўришгунча.

Қасрнинг бўм-бўш йўлакларига сукунат қарор топган. Профессор Макгонагалл билан бирга кетаётган Гарри қақнуснинг сайраётганини эшитди. Унинг профессор Макгонагаллнинг хонаси эмас, Дамблдорнинг хизмат хонаси томон йўл олганини Гарри энди фаҳмлади. Модомики, профессор Макгонагалл директор ўринбосари бўлган экан, хулоса қилди Гарри, демак энди у... янги директор... аждар тусли тош илон ҳимоясидаги хона энди профессор Макгонагаллга тегишли.

Икковлон ҳаракатчан айлана зина бўйлаб юқорига кўтарилиб, думалоқ хонага кирди. Бу ерда энди нимани кўриши мумкинлигини, хусусан: хона аза тутилган ҳолатга келтирилиб, қора мато билан қопланганини-ми, ё Дамблдорнинг жасадиними, Гарри тасаввур ҳам қила олмади. Ичкарига киргач, Дамблдор иккаласи бир неча соат олдин қандай тарк этишган бўлса, хона ўша ҳолатда қолганини кўрди. Ингичка оёқли столчалар устида буғ чиқараётган кумуш асбоблар айланмоқда, ой нури акс этаётган шиша жавонда Гриффиндор шамшири ярқирамоқда, ёзув столи ортидаги токчада сараловчи шляпа турибди. Янгуснинг тилла қўноғи бўш

холос. Қақнус қаср атрофида сайраб хониш қилмоқда. «Хогварц»нинг собиқ директорлари қаторида эса янги портрет пайдо бўлибди... Дамблдор ўзининг олтин ҳошияли портретида хотиржам мизғиб ўтирибди, ярим ой шаклидаги кўзойнаги илмоқсимон бурнида текис турибди. Профессор Макгонагалл ушбу портретга қараб, руҳан тетик бўлиб олиш учун бўлса керак, ғалати силкиниб олди-да, ёзув столини айланиб ўтиб, Гаррига юзланди. Аёлнинг юзи қатъийлашиб, ажинлари кескин ифодаланди.

- Гарри, - гап бошлади у, - Дамблдор иккалангиз бугун қаерга бориб, нима иш қилганингизни билмоқчиман.

- Буни айта олмайман, профессор, - жавоб берди Гарри.

Бундай савол берилишини кутган Гарри, жавобни ҳам олдиндан тайёрлаб қўйган. Зеро, Дамблдор яқка тартибдаги машғулотлар ҳақида Рон билан Гермионадан ташқари ҳеч ким билмаслиги кераклигини айнан шу ерда, ушбу хонада тайинлаган.

- Гарри, бу жуда муҳим масала бўлиши мумкин.

- Бу ўта муҳим масала, профессор, - маъқуллади Гарри, - Лекин Дамблдор бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмасликни тайинлаган.

Профессор Макгонагалл домангир нигоҳ-ла бақрайди.

- Поттер, профессор Дамблдор ҳалок бўлгач, вазият кескин ўзгарганини...

- Мен эса вазият ўзгармас қолган, деб биламан, - елка қисди Гарри, - Профессор Дамблдор, ҳалок бўлса, унинг ҳар қандай буйруғи ўз кучини йўқотишини менга ҳеч қачон айтмаган.

- Бироқ...

- Лекин вазирлик ходимлари етиб келгунга қадар бир нарсани билиб қўйишингиз керак. Росмерта хоним Қарам қилиш қарғишининг таъсири остида юрибди. Малфой билан Ўлимдан мириқувчиларга ўша аёл ёрдам берган. Заҳарланган маржон шодаси билан асал мусалласи...

- Росмерта-я? - бовар қилмай сўради профессор Макгонагалл.

Аёл ортиқ сўз айта олмади. Эшик тақиллаб, хонага маъюс юзли Сарсабил хоним, Флитвик, Дивангард ва бутун танаси силкиниб, тасалли топмай ҳўнграётган Хагрид кириб келди.

- Снегг! - деди ранги ўчган Дивангард дарғазаб оҳангда, - Уни ўзим ўқитганман-а! Табиатини яхши биламан деб юрган эканман-а!

Ҳеч ким жавоб қайтаришга улгурмади. Кимсасиз портрет матосида қора сочи қисқа олинган сеҳргар тасвири пайдо бўлиб, кескин овоз билан маълум қилди:

- Минерва, вазир бир неча сониядан сўнг етиб келади. У ҳозиргина вазирликда ҳавода даф бўлди.

- Миннатдорман, Эверард, - бош ирғиди Макгонагалл, - Вазир бу ерга етиб келгунга қадар, - шошилинич гап бошлади у, хонада турганларга мурожаат қилиб, - Сизлар билан «Хогварц» қисматини муҳокама

қилмоқчиман. Янаги ўқув йилида мактаб ўз фаолиятини давом эттира олишига ишончим комил эмас. Директор ўз қўл остидаги ҳамкасбининг қўлидан ўлим топиши иснодимизга туширилган мисли йўқ доғдир. Даҳшат.

- Мактаб ёпилишини Дамблдор истамаган бўлар эди, - баёнот қилди Сарсабил хоним комил ишонч оҳангида, - Бир нафар ўқувчи қолган тақдирда ҳам, мактаб тўлақонли ишлаши шарт.

- Бир нафар бўлса ҳам бўлармикан ўша ўқувчи, шунча ишдан кейин? - деди Дивангард, ялтироқ пешонасини шойи дастрўмоли билан артиб, - Ота-оналар ўз фарзандларини ўзидан узоқлаштирамай қўяди ва мен уларни тўғри тушунаман. Шахсан менинг фикримча, «Хогварц» ҳар қандай бошқа жойга нисбатан хавфли эмас, бироқ ҳар қандай она ушбу фикримни маъқулламайди. Бола уйда, ота-она бағрида бўлгани хавфсизроқ деган хаёлга боришади улар ва бу табиий, албатта.

- Тўғри, - хўрсинди профессор Макгонагалл, - Дамблдор бундай вазият юзага келиши мумкинлигини олдиндан кўра билмаган деб ҳам бўлмайди. Махфий хона боз очилганда, мактабни ёпиш масаласи ҳақида жиддий ўйланиб қолган эди. Директорнинг ўлдирилиши эса қаср ертўласида яшайдиган аллақандай махлуқ муаммосидан анча жиддийроқ масаладир.

- Ушбу масалани васийлар кенгаши ҳукмига қўйиш бериш лозим, - деди профессор Флитвик овози ғижирлаб, - Ўйламай-нетмай қарор чиқариш эмас, белгиланган тартибга амал қилиш даркор.

Унинг пешонасида катта кўкариқ ялтираётгани инobatга олинмаса, хушдан кетган бошқа аломатлари кўринмайди.

- Хагрид, сен нега индамаяпсан? - сўради профессор Макгонагалл, - Нима деб ўйлайсан, «Хогварц»ни ёпиш керакми, йўқми?

Йирик дастрўмолига кўз ёшини унсиз тўкиб ўтирган Хагрид, шишиб кетган кўзини кўтариб, ҳиқиллади:

- Билмадим, профессор... Бу коллеж мудирлари ва янги директорнинг ваколлатига кирадиган масала...

- Профессор Дамблдор сенинг фикрингни доимо қадрлаб келган, - деди профессор Макгонагалл мулойим овозда, - Мен ҳам қадрлайман.

- Шахсан ўзим-у, шу ерда қоламан, албатта, - жавоб берди кўз ёшлари соқоли орасига кириб кетаётган Хагрид, - Бу ер ўн уч ёшимдан буён уйим бўлиб қолган. Агар менинг дарсимни олиш ихтиёрини билдирган болачалар топилса, бажонидил. Фақат «Хогварц» Дамблдорсиз... қанақанги «Хогварц» бўлар экан, билмадим...

Хўнграб юборган Хагрид юзига дастрўмолини маҳкам босиб олди. Орага жимлик чўқди.

- Яхши, - деди профессор Макгонагалл деразага қараб, - Ундай бўлса, Филиуснинг таклифини маъқуллашга мажбурман. Васийлар кенгашига мурожаат қиламиз. Якуний қарорни кенгаш қабул қилсин. Энди болаларни уй-уйига жўнатиш масаласига келсак... фикримча, ушбу ишни

тезроқ амалга оширган маъқул. «Хогварц-экспресс»ни эрта тонгга чақиртиришимиз ҳам мумкин.

- Дафн маросими нима бўлади? - гапга аралашди Гарри.

- Дафн маросими... - бўшашди профессор Макгонагалл, - Мен...

Дамблдор шу ерда, «Хогварц»да ётишни орзу қилганини биламан холос...

- Демак, айнан шундай бўлади ҳам, тўғрими? - талаб оҳангида сўради Гарри.

- Агар вазирлик лозим топса, - жавоб берди Макгонагалл, - Собик директорлардан бирортаси ҳали...

- Собик директорлардан бирортаси ўз ҳаётини мактабимизга Дамблдорчалик фидо этмаган, - фикр билдирди Гарри, дағ-дағали оҳангда.

- Дамблдорнинг абадий ухлаш жойи «Хогварц» бўлиши лозим, - баёнот қилди Флитвик.

- Тўғри, - маъқуллади Сарсабил хоним.

- Ундай бўлса, ўқувчиларни дафн маросими ўтмай, уйга жўнатиб бўлмайди, - давом этди Гарри, бўғзига нимадир тикилиб, - Улар профессор Дамблдор билан вид...

- Видолашишни иштади, - Гаррининг фикрини яқунлади Сарсабил хоним.

- Жуда тўғри! - чийиллади Флитвик, - Ўқувчилар видолашиб олишлари керак, тўғри! Шундан сўнг, биз уларни уй-уйига тарқатамиз.

- Маъқул, - қисқа қилди Сарсабил хоним.

- Шундай қилиш керак, - ҳаяжонланди Дивангард.

Хагрид ҳам бўғиқ овоз чиқариб, розилик билдирди.

- Келяпти, - кутилмаганда маълум қилди профессор Макгонагалл, пастга, мактаб ҳовлисига қараб, - Вазир ва унга эргашган вакиллар галаси...

Гарри Руфус Скримж билан учрашиш, унинг саволларига жавоб беришни истамади.

- Кетсам майлими, профессор?

- Майли, - ижозат берди профессор Макгонагалл, - Ва имкон қадар тезроқ, - қўшимча қилди у.

Профессор шиддат-ла одимлаб, чиқиш эшигини очди. Гарри айланма зинадан тез тушиб, нари кетди. Кўринмас плашнинг астрономия минораси майдонида қолгани аҳамиятсиз экан. Зеро, йўлакларда ҳеч зоғ йўқ. На Филч, ўзининг мушуги миссис Норрис билан, на Дрюзг кўринади. Ҳеч кимни учратмаган Гарри еттинчи қаватга, «Гриффиндор»нинг умумий меҳмонхонасига олиб борадиган йўлакка бурилди.

- Шу гап ростми? Дамблдорнинг ўлгани ростми? - пичирлади Семиз Хола.

- Рост, - деди Гарри.

Оҳ урган портрет пароль айтилишини кутмай, олдинга тебранганча, Гаррини ичкарига ўтказиб юборди. Гарри тахмин қилгандай, умумий меҳмонхона одамга тўла. У кириб келиши билан жимжитлик қарор топди.

Дин билан Симус ҳам шу ерда ўтиришибди. Демак, ётоқхонада ҳеч ким йўқ, ё деярли ҳеч ким йўқ. Бирон оғиз сўз айтмаган Гарри ҳеч кимга қиё боқмай, хонадан ўтиб, ётоқхонага кириб, эшикни ичкаридан ёпиб қўйди. Билгандай, Рон ечинмай, уни кутиб ўтирибди. Гарри ўз каравотига ўтирди. Икковлон маълум вақт сукут сақлаганча, бир-бирига қараб қолди.

- Мактабни ёпишмоқчи, - маълум қилди Гарри.

- Люпин тахмин қилган эди, шундай бўлишини.

Яна жим бўлишди.

- Хўш? - ниҳоятда паст овозда сўради Рон, худди каравотлар эшитиб қоладиган каби, - Топдингиз-ми? Олиб келишга муваффақ бўлдингиз-ми? Анави... руҳдонни-чи?

Гарри бош силтади. Қора кўлда бўлиб ўтган ҳодиса ҳозир унга унутилган даҳшатдай кўринди. Наҳотки бўлиб ўтди?!

- Йўқ? - ҳафсаласи пир бўлди Рон, - Йўқ эканми у ерда?

- Бошқа одам олиб кетибди. Ўрнига сохтасини қолдирибди, - тушунтирди Гарри.

- Олиб кетибди?...

Гарри киссасидан сохта медальонни индамай чиқариб очди-да, Ронга узатди. Тафсилотлар ҳозир муҳим эмас, кейин айтиб берса ҳам бўлаверади... кўлга беҳуда бориб-қайтиш якунидан, Дамблдорнинг ҳаёти поёнига етганидан ташқари, ҳозир ҳеч нарса муҳим эмас...

- Р.А.Б., - деди Рон паст овозда, - Ким у?

- Тасаввур ҳам қила олмайман.

Гарри ўзини каравотга ташлаб, шифтга тикилди. Уни ҳеч қандай Р.А.Б. қизиқтирмайди ҳозир. Бирор нарса қизиқ бўлиши ҳам даргумон. Ташқари жимжит бўлиб қолди, Янгус куйини бас қилди.

Нима учун ва қандайлигини билмайди-ю, худди Дамблдор бу дунёни тарк этган каби... Гаррини ташлаб кетган каби, қақнус ҳам «Хогварц»ни умрбод тарк этганини англаб етди.

XXX БОБ. ОҚ МАҚБАРА

Барча машғулотлар бекор қилинди, имтиҳонлар кечга қолдирилди. Дамблдор ҳалок бўлган куннинг эртасига эрталаб баъзи ўқувчиларни, масалан эгизак опа-сингил Парваттиларни ота-онаси олиб кетди. Заккерайес Смитнинг калондимоғ отаси ҳам ўғлини мактабда қолдирмади. Симус Финниган эса онасига қўшилиб кетишдан мутлақо бош тортди. Иккаласи вестибюлда бир-бирига бақирганча узоқ баҳслашиб, ниҳоят дафн маросими ўтгунча шу ерда қолишга келишиб олишди. Симуснинг гапига қараганда, тунагани базўр жой топа олибди. Хогсмедда Дамблдор билан видолашиш истагини билдирган сеҳргарлар эркаклар-у, афсунгар аёллар тўлиб-тошиб кетибди.

Дафн маросими арафасида Ман этилган ўрмон четига аста қўнган хира мовий рангли, ўлчами уйдаи келадиган, ўта йирик ўн иккита учар отга қўшилган от арава бошланғич синф ўқувчилари орасида катта шов-шув кўтарилишига сабаб бўлди. Деразадан қараб ўтирган Гарри эшик очилиб, нарвончадан ниҳоятда йирик, танасининг ранги оч жигар ранг, қора сочли гўзал аёл тушиб, Хагриднинг қучоғига отилганини кўрди. Сеҳргарлик вазири ва унинг вакиллари қасрга жойлаштирилди. Дамблдор сўнгги бор қаёққа борганига доир савол-жавобларда қочган Гарри уларни четлаб юрди.

Гарри, Рон, Гермиона ва Жинна доимо бирга бўлишди. Ҳаво ажойиб. Гарри беихтиёр агар Дамблдор ўлмаганида нима бўлишини тасаввур қилиб кўрди: таътилдан олдинги сўнгги кунлар, ҳаво яхши, уйга берилган бирон-бир вазифа йўқ, Жиннанинг имтиҳони тугаган. Кунига икки маҳал касалхонага қатнашди. Невиллга жавоб берилди, лекин Билл ҳали Помфри хонимнинг кузатуви остида ётибди. Ташқи қиёфаси ила энди у Ўйноқкўз Хмурига ўхшаб қолгани ва кутилмаганда чала пишган бифштексни хуш кўриб қолгани ҳисобга олмаганда, ҳеч ҳам ўзгаргани йўқ.

- Менга уйланиб тўғғи қияпти, - бахтиёр чуғурлади Флёр, Биллнинг ёстиғини ўтган оқшом қоқиб қаппайтирар экан, - Сиз инглизлағ гўштни ҳаддан оғтиқ қизағтириб деяҳли куйдиғиб қовуғасиз экан деб келган эдим доим.

Ҳозир Гарри, Жинна, Рон ва Гермиона умумий меҳмонхонада, дераза ёнида ўтириб, қоронғи тушишини томоша қилишмоқда.

- Уларнинг тўйи муқаррар эканлигини тан олмай илож йўқ шекилли, - хўрсинди Жинна.

- Флёр ёмон қизга ўхшамайди, - деди Гарри ва Жиннанинг қоши кўтарилиб кетганини кўриб, тез аниқлик киритди: - Сал хунуқроқ, лекин.

- Ойим уларга тоқат қилар экан, мен ҳам бардош бераман, - деди Жинна беихтиёр ҳиринглаб.

- Танишлар орасидан ҳеч ким ўлмабдими? - сўради Рон, «Башорат-у, каромат газетаси»ни варақлаб ўтирган Гермионадан.

Роннинг ясама бағри тошлигидан юзини буриштирган Гермиона газетани тахлаб, гина ила жавоб берди:

- Йўқ, ўлмабди. Снеггни қидиришяпти, фақат натижасиз...

- Албатта, - гап қистирди Гарри, ушбу мавзу очилиши ҳамоно, ҳар сафаргидай қизишиб, - Вольдемортни топишсагина Снеггни топа олишлари мумкин, улар эса шунча вақтдан буён...

- Бориб ётай, - эснади Жинна, - Анави куни ётоқхонадан чиққандан буён... м-м-м... ухлаб олсак ёмон бўлмайди.

Жинна Гаррини ўпиб қўйди-да, қолганларга қўл силтаб, ётоқхонасига кириб кетди. Шу заҳоти юзи ҳақиқий гермионача қиёфа касб Гермиона Гаррига энгашди:

- Эрталаб кутубхонага кириб, бир нарса топдим...

- Р.А.Б. ҳақидами?

Табиатига хос бўлган қизиқувчанлик, синчковлик, муайян сирни фош этиб, тагига етиш каби сифатларидан ҳозир асар ҳам қолмаган. Медальон ҳақидаги ҳақиқатни билиши кераклигини тушуниб турибди холос.

Шундагина у, Дамблдор иккаласи кирган, энди ёлғиз ўзи юриши лозим бўлган зулмат ичидаги илонизи йўлдан бироз бўлса ҳам, олға юра олади.

Вольдемортни ўлдиришга оз бўлса ҳам имкон пайдо бўлиши учун, афтидан, тўртта руҳдонни топиб, йўқ қилишга тўғри келади. Гаррининг хаёлида эртадан кечгача: «медальон... жомча... илон... Гриффиндор ёки Равенклонинг бирон нимаси... медальон... жомча... илон... Гриффиндор ёки Равенклонинг бирон нимаси...» сўзлари айланади. Гўё бу билан у, ўша руҳдонларни ўзига яқинлаштира олишга умид қилгандай.

Ушбу мисра Гаррининг миясида бутун оқшом айланиб, тушида уни медальонлар, жомчалар, аллақандай бошқа сирли, етишишнинг имкони бўлмаган буюмлар таъқиб қилди. Дамблдор ёрдам тариқасида туширган арқон нарвон эса, Гарри оёғини қўйиши ҳамона, илонларга айланди... Дамблдор ҳалок бўлган куннинг эртасига эрталаб Гарри Гермионага медальондан топилган хатни кўрсатган эди. Таассуфки, хат муаллифи қолдирган сирли исм-шарифнинг бош ҳарфларида Гермиона муқаддам ўқиган китобларида учраган бирон-бир қадимий сеҳргарни танимади, лекин ўша фурсатдан бошлаб кутубхонага, уй вазибаларидан холи одам учун ғайриоддий суръатдан тез тарзда қатнаб қолди.

- Йўқ, - маънос бош силтади Гермиона, - Қидиряпман, Гарри, аммо ҳозирча ҳеч нарса учрамаяпти. Тўғри, бош ҳарфлари шундай бошланган Розалинда Антигона Бретель, Руперт «Алебарда» Брукстэнтон исмли сеҳргар бўлган экан-у, лекин улар мутлақо тўғри келишмайди. Хат мазмунига қараганда, руҳдонни ўғирлаган шахс Вольдеморт билан шахсан таниш бўлган. Бретель ва Алебарда эса Вольдеморт билан ошқатиқ бўлишмаган. Ҳар қалай, бунинг аксини тасдиқлайдиган маълумотларга дуч келмадим ҳали... умуман мен, э-э.. Снегг ҳақида айтмоқчи эдим.

Ушбу исимни талаффуз этган қиз шу заҳоти асабийлаша бошлади.

- Хўш? - қошини чимирди Гарри, ўзини кресло суюнчиғига ташлаб.

- Чала зот Шаҳзода масаласида ҳақ эканлигимни айтмоқчиман, - аста ғудуллади Гермиона.

- Ва сен энди бир умр пешанамга тақиллатиб юрасан, а? Ўзимнинг кўнглим беҳузур бўлиб кетаётгани ҳақида ўйлаб кўрмадинг-ми?

- Йўқ... йўқ... Гарри, мен бошқа нарса ҳақида айтмоқчиман! - овоз кўтариб юборди Гермиона, биров эшитмаганига ишонч ҳосил қилиш учун атрофга аланглаб, - Дарслик чиндан ҳам бир вақтлар Шаҳзода Эйлинга, яъни Снеггнинг онасига тегишли бўлган экан.

- Унинг башараси билан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, - гап

қистириб ўтди Рон.

- "Башорат-у, каромат газетаси"нинг кўп йиллардан буён йиғилган тўпламини варақлаб чиқдим, - деди Гермiona, Роннинг гапига эътибор қаратмай, - Ва кичик бир эълонни топишга муваффақ бўлдим. Унда Шаҳзода Эйлин аллақандай Тобиас Снегг исмли кишига турмушга чиққани ва кўзи ёриб...

- Қотил туққани ҳақида ёзилган, - деди Гарри, дарғазаб оҳангда.

- Ҳа, шундай, - бош ирғиди Гермiona, - Бир сўз билан айтганда мен ҳақ бўлиб, чиндан ҳам Снегг чала зот Шаҳзода бўлганидан ғурурланиб юрган. Негаки, эълон мазмунига қараганда, Тобиас Снегг магл бўлган.

- Бари тўғри келяпти, - хулоса чиқарди Гарри, - Снегг Люциус Малфой ва шунга ўхшаш ҳар хил қабоҳатлар олдидагина ўзини асилзот қилиб кўрсатишга уринган. Аслида эса Вольдемортдан фарқ қилмайди: онаси асилзот афсунгар аёл, отаси ғирт магл... иккаласи ҳам ўз насл-насаби, келиб чиқишидан ор қилган ва шу боис, ҳаммани даҳшатга солиш мақсадида ёвуз сеҳр-жодуга муккасидан кетган, ўзига ўзи жарангдор ном қўйишган: Лорд Вольдеморт ва чала зот Шаҳзода. Нега буни Дамблдор тушуниб етмаганига ҳайронман?...

Гарри деразага қарар экан, Дамблдорнинг кечирилмас ишонувчанлиги ҳақида виждони қийналиб ўй сурди... Қолаверса, бу масалада ўзи ҳам қолишмаслигини ҳозиргина Гермiona беихтиёр таъкидлаб ўтди.

Дарсликнинг бўш жойларида битилган ўша тилсим-у, қарғишлар тобора жирканч кўриниб, Гаррининг ўзи эса ўша тилсим ва қарғишларни ихтиро қилган ёш бола ҳақида ёмон хаёлга боришдан бош тортмоқда... ахир у бола жуда ақлли бўлиб, Гаррига ҳазилакам ёрдами тегди-ми.

Ёрдами тегди.... ҳазир, ушбу фикрга бардош бериш жуда қийин кечяпти.

- Бир нарсани тушунмаяпман, - деди Рон, - Нега у дарслик билан боғлиқ сирингни фош этиб ташламади? Нимани қаердан олаётганингни фаҳмлаган бўлса керак, ахир.

- Албатта фаҳмлаган! - алам-ла хитоб қилди Гарри, Сектумсемпрадан билиб бўлган. Ҳатто легалименция ҳам керак бўлмади. Эҳтимол сал илгарироқ фаҳмлагандир, Дивангард менинг дафъатан намоён бўлган истеъдодимни кўкка кўтарганда... нима мақсадда қолдирди экан жавонда, ўша эски дарслигини...

- Ҳар қалай, нега Снегг дарслик билан боғлиқ сирингни фош этмади?

- Китоб уники эканлигини тан олишни истамаган, - тахмин қилди Гермiona, - Дамблдорга ёқмаган бўлар эди бу. Снегг дарслиқдан юз ўгирган тақдирда ҳам, Дивангард дастхатдан таниб олар эди. Боз устига, китоб Снеггнинг эски хонасидан топилган, Дамблдор эса онасининг фамилияси Шаҳзода бўлганини яхши билган.

- Дарсликни Дамблдорга кўрсатишим керак эди, - деди Гарри, - Вольдемортнинг мактабда босган ҳар бир қадами ёвузлик сари йўналганини кўрсатиб келган эди у, менга ҳар доим. Мен эса Снегг ҳам

Вольдемортдан қолишмаслигини исбот қилиб берган бўлар эдим.

- «Ёвузлик», дейилса ҳаддан ортиқ бўлар эди, - аста таъкидлаб қўйди Гермиона.

- Ўзинг қулоқ-миямни еб битирдинг-ку, ўша китобдан халос бўлишимни талаб қилавериб!

- Ўзингни ўзинг ҳаддан ортиқ койиб юборяпсан, демоқчиман. Ўша чала зот Шаҳзоданг ҳазил масаласида ғалати одам бўлганини чиндан ҳам кўп айтганман, лекин қотилликка қодир деб билмаган эдим.

- Снегг бундай иш қилишини ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмаган, - пўнғиллади Рон.

Учаласи жим бўлиб, ҳар бири ўз хаёлига берилди. Дўстлари худди ўзи каби эртанги кун, Дамблдорни дафн қилиш маросими ҳақида ўйлашаётганини Гарри билади. Гарри ҳали ҳеч қачон дафн маросимида бўлмаган. Сириус ўлганида дафн этиладиган жасаднинг ўзи бўлмаган. Нима бўлиши мумкинлигини тасаввур эта олмай, ўз ҳис-ҳаяжонидан ҳайиқмоқда. Қизиқ, маросим ўтганидан кейин, Дамблдорнинг ҳалок бўлганига ниҳоят бовар қилармикан? Гарри баъзан бўлиб ўтган ҳодисани тўлиқ идрок этиб, вужудини даҳшат қамраб олади, қолган вақтда эса ғалати серрайиб юради ва гарчи қасрда ҳамма фақат бир мавзунини муҳокама қилаётган бўлса-да, Дамблдор энди йўқлигига ҳеч бовар қилгиси келмайди. Сириус ўлганда, унинг қайтиб келишига комил ишонч билдирган каби, Дамблдорнинг қайтишига ишонмайди, албатта... Гарри киссасидаги сохта руҳдоннинг совуқ занжирини ҳис этди. Ушбу буюмни у доимо ёнида, тумор сифатида эмас-у, ниманинг эвазига қўлга киритилгани, олдинда қандай синовлар кутаётганини ёддан чиқармаслик мақсадида олиб юрадиган бўлиб қолди.

Эрталаб Гарри эртароқ туриб, нарсаларини тахлади. «Хогварц-экспресс» дафн маросимидан бир соат ўтгач, ҳаракат бошлайди. Катта Залда жимжитлик ҳукм сурмоқда. Ҳамма парад коржомасида тамадди қилиб ўтирибди. Профессор Макгонагалл Мўътабар стол ўртасидаги тахтни эслатадиган нуфузли кресло бўш қолишини амр этди. Хагриднинг ўрни ҳам бўш. Снеггнинг ўрнида Руфус Скримж ўтириб, сарғиш кўзи билан Катта Зални кузатиб ўтирибди. Вазирнинг кўзига кўринмаслик учун Гарри нигоҳини ундан яширмоқда. Вазирнинг ҳамроҳлари орасида малла сочли, мугуз ҳошияли кўзойнак таққан Перси Уэсли алоҳида ажраб турибди. Ўзини акаси Персини кўрмаган қўйга солиб олган Рон санчқисини ликопдаги балиққа ғазаб-ла санчмоқда.

Слизеринчилар дастурхони ортида ўтирган Краббе билан Гойл пичирлашиб ўтиришибди. Иккаласи минг салобатли бўлмасин, рангпар юзли етакчисисиз нима қиларини билмай юрган, иложсиз қолган ғалати саргардонларга ўхшаб қолган. Жамики нафратини Снегг эгаллаб олгани боис, Гарри Малфойни камдан кам эсга олмоқда. Бироқ Малфойнинг овозидаги қўрқув оҳанги, Ўлимдан мириқувчилар етиб келишидан бир

неча сония олдин Дамблдорга ўқталган сеҳрли таёқчасини деярли туширганини ёдидан чиқаргани йўқ. Малфойнинг қотилликка қўл ура олишига ишонмаган Гарри, ёвуз сеҳрга сажда қилгани боис нафратланиши билан бир қаторда, оз бўлса ҳам, унга нисбатан шафқат ҳис этади. Қизиқ, қаерда экан ҳозир ўша бахти қора? Ота-онасининг ҳаёти ила товлаётган Вольдеморт нима ишлар қилишга мажбур қияпти экан уни?

Жинна Гаррининг биқинига тирсаги билан туртиб, фикрини бўлди. Профессор Макгонагалл ўрнидан тургач, Катта Залда эшитилган маъюс ғўнғир-ғўнғир шу заҳоти тинди.

- Вақт бўлди, - эълон қилди у, - Марҳамат қилиб, ўзи мудирингиз ортидан боринг. Гриффиндорчилар ортидан.

Ҳамма сукут сақлаганча, курсилар ёнида саф тортиб, чиқиш эшиги томон йўл олди. Слизеринчилар сафини эгнига кумуш билан безатилган зумрад рангли чиройли ридо кийиб олган Дивангард, хуффльпуффчилар сафини бугун бошига бирорта бўлсин ямоқ солинмаган шляпа, эгнига батартиб кийим кийган Сарсабил хоним бошқариб кетишмоқда. Вестибюлда тиззасигача тушган қора тўр ташлаган Шипц хоним билан нафталин ҳиди анқиб турган қора костюм кийиб, галстук таққан Филч ёнма ён туришибди.

Пиллапояга чиққач, қуёшнинг илиқ нури юзини силаган Гарри, қўл томон йўл олиш кераклигини англади. Эл қатори у ҳам профессор Макгонагаллнинг ортидан индамай одимламоқда. Кўл соҳилида сон саноксиз курсилар терилган бўлиб, ўртада оқ мрамор стол томон олиб борадиган йўлак қолдирилган. Кун ажойиб, чиндан ҳам ёз ҳавоси. Жойларнинг ярми ёш-у, қари, бой-ю, камбағал одамлар томонидан аллақачон эгалланган. Гарри бу ердаги одамларнинг жуда озчилигини танийди холос. Мисол учун, Қақнус орденидан Кинсли Кандальер, Ўйноққўз Хмури, сочи яна ёрқин пушти тус олган Бомс, Рэм Люпин (иккаласи қўл ушлашиб турибди шекилли), мистер ва миссис Уэсли, Билл ва уни суяб турган Флёр, аждар терисидан тайёрланган қора костюм кийиб келишган Фред билан Жоржни кўрди. Шунингдек, бу ерда деярли учта курсини эгаллаган Бэльстэк сеҳр-жоду академиясининг директори Максим хоним, Лондоннинг Чарингкросс-роудидаги «Тешик қозон» майхонасининг соҳиби Том, Дурслларнинг қўшнисини швах аёл миссис Арабелла Дорин Фигг, «Шайтоннинг сингиллари» мусиқа гуруҳининг бас-гитарачиси, «Тунги рицарь» автобусининг ҳайдовчиси Эрни Ҳалокатфель, Диагон хиёбонидаги «Хоним Малкин – ҳаётнинг ҳар хил ҳолатлари учун кийимлар!» дўкони сотувчиси Малкин хоним, «Ахта чўчка калласи» қовоқхонасининг бармени, «Хогварц-экспресс»да егулик ташувчи аёл кўринди. Қуёш нурида деярли кўзга кўринмайдиган, ҳаракатланганда арвоҳлар ҳам шу ерда.

Гарри, Рон, Гермиона ва Жинна бевосита кўл соҳилидаги курсиларга

жойлашди. Одамлар, худди қуриган майса узра енгил эсган шабада каби одамлар паст овозда шивирлашмоқда. Қушлар эса хуморидан чиқаётган каби роса сайрашмоқда. Одамларнинг келиши тингани йўқ. Гарри Лунанинг меҳрибонлик-ла Невиллни ўтқазиб қўяётганига илиқ эътибор қаратди. Дамблдор ҳалок бўлган тунда жамики ДА таркибидан фақат шу иккаласи Гермионанинг чақирувига лаббай дея жавоб беришган экан. Бунинг сабабини Гарри яхши билади. Айнан шу иккаласи гуруҳ машғулотларини соғинишган ва янгитдан йиғилишга умид қилган тарзда ўз галлеон тангаларини вақти-вақти билан текшириб боришган. Гаррининг ёнидан ўзининг сарғиш яшил қозон шляпасини қўлида одатдагидай айлантираётган бахти қора собиқ вазир Корнелиус Фуж, унинг кетидан Рита Вритер ўтди. Гарри аёлнинг қилидаги пат-қаламга жирканиб қаради, Долорес Амбрижни кўриб эса нафаси қайтишига оз қолди. Пўлат тусидаги гажаклари устидан қора духоба бант тақиб олган аёл бақа башарасида сохта андўх ясаб олган. Соҳилда ҳаракатсиз соқчидай турган кентавр Фиренцени кўрган Амбриж сесканиб, имкон қадар ундан узоққа бориб ўтирди.

Маросимга ҳозир бўлганлар ниҳоят ўз жойини эгаллади. Гарри профессор Макгонагаллнинг ёнида мағрур ўтирган Скримжга қараб, вазир ва бошқа одамлар чиндан ҳам Дамблдорнинг вафоти муносабати билан қайғуряптимики, деган хаёлга борди. Сирли, қандайдир самовий мусиқа янграб, Гарри, ушбу нохуш одамлар ҳақидаги фикридан чалғиди. Мусиқа қаердан янграётганини тушунмай, атрофга аланглади. Мусиқа манбасини топа олмай, лол аҳволга тушган ёлғиз у эмас.

- Ҳў анави ерда, - пичирлади Жинна Гаррининг қулоғига.

Қуёш нури сингиб қирган, яшил тусли шаффоф сув остига кўзи тушган Гарри инфернияларни эслаб, кўрқувдан сесканиб кетди. Сув париларининг хори тушунарсиз тилда куйламоқда. Мурдадек оппоқ, сув юзасига яқин чуқурликда қалқиб кўринаётган башаралар яқинида нафармон рангли соч турмаклари билангламоқда. Уларнинг ғалати эшитилаётган овози Гаррининг энсасидаги сочини кўзғатди. Нима қилган тақдирда ҳам, сув парилари Дамблдорнинг ўлими муносабати билан самимий таъзия тутган. Жинна Гаррининг биқинига боз туртиб қўйди. Гарри Жинна имо қилган томон ўгирилиб, курсилар орасида қолдирилган йўлак бўйлаб юзи кўз ёшдан ялтираётган Хагридни кўрди. Унсиз хўнграётган Хагрид зарҳал юлдузлар тикилган бинафша ранг бахмалга ўралган нимадир кўтариб келмоқда. Бу Дамблдор эканлигини англаган Гаррининг бўғзига нимадир келиб тиқилди. Ёзнинг жазирама иссиқ кунида кутилмаганда совқотди. Роннинг юзидан қон қочди. Жинна билан Гермионанинг кўзларидан йирик ёш томчилари томди.

Олдинда нима бўлаётганини болалар дуруст кўришмади. Хагрид Дамблдорнинг танасини мрамор стол устига аста қўйиб, ўтирганлардан айримларни, шу жумладан, Долорес Амбрижни қаттиқ бурун қоқиши ила

чўчитган тарзда ортга қайтди. Хагриднинг ушбу қилиғидан Дамблдор хафа бўлмаслиги, аксинча, иложи бўлса ортидан қўл силтаб қўйишини Гарри яхши билади. У фақат Хагрид бу қадар кучли шишиб кетган кўзи қандай кўраётганига ҳайрон бўлди холос. Гарри ортга бурилиб, Хагрид қаёққа кетаётганини дарҳол тушунди. Орқа қаторда эгнига костюм кийган, ўлчами харсанг тошдай келадиган бошини ҳам қилиб олган, деярли инсон қиёфасини касб этган Гурп ўтирибди. Хагрид ёнига ўтиргач, Гурп ўгай акасини юпатган бўлиб, елкасига енгил уриб қўйди. Мехр намоён этилган ушбу зарбадан Хагрид ўтирган курсилар тўртала оёғи ярмигача ерга кириб кетди. Манзара Гаррига ҳам кулгили кўринди. Шу пайтда сув париларининг қўшиғи тиниб, Гарри боз мрамор стол томон юзланди. Дамблдорнинг танаси ёнига паст бўйли, эгнига қора рангли оддий коржомо кийган, сочи тўп-тўп киши чиқди. У нима деётганини Гарри эшитаётгани йўқ, қулоғига: «кўнгил поклиги», «маънавий ҳисса», «улуғвор қалб» каби, айрим сўзлар чалинмоқда холос. Буларнинг бари Гарри таниган Дамблдорга аҳамиятсиз бўлиб, деярли дахл қилмас эди. Кутилмаганда унинг эсига Дамблдорнинг нутқи тушиб қолди: «- Хуш келибсиз! - хитоб қилди ўшанда Дамблдор, - «Хогварц»нинг янги ўқув йилига келганингиз билан барчангизни қутлайман! Зиёфат бошлашдан олдин бир оғиз сўз айтмоқчиман сизга. У ҳам бўлса: Тютя! Рева! Рвакля! Цап! Раҳмат!»

Гарри ўзини базўр кулгидан тийиб олди.

Чап томонда сувнинг аста шалоплагани эшитилди: сув парилари нутқ эшитиш учун бошларини сувдан чиқариб олишди. Икки йил муқаддам Дамблдор айни мана шу ерда қўл устида энгашиб олганча, сув париларининг қабила бошлиғи билан, уларнинг тилида суҳбатлашган эди. Қизиқ, қаерда ўзлаштириб олган экан, сув париларининг тилини? Гарри жавобсиз қолган бир олам саволи борлиги, ўзи ҳам кекса дўстига кўп нарсаларни айтиб бермагани ҳақида ўйланиб, юраги қаттиқ эзилди. Кутилмаганда, Гаррининг вужудини даҳшатли ҳақиқат қамраб олди: Дамблдор энди йўқ, у ўлди... Гаррининг кўзи қайноқ ёшга тўлди. Киссасидаги медальонни шу қадар кучли эздики, қўли оғриди. Шундай бўлса-да, ўзини тия олмади, Жиннага, қолганларга тескари ўгирилиб олди. Қора кийим кийган кишининг гапи ҳеч тугамади, гапиргани гапирган. Узоққа, кўлга, ўрмонга қараб ўтирган Гарри кутилмаганда дарахтлар орасида қандайдир ҳаракат сизди: ўрмонда борки кентавр Дамблдор билан хайрлашгани чиқибди. Улар ўрмондан ташқарига чиқмай, сеҳргарларни диққат билан кузатганча, камонларини пастга тушириб турибди. Гарри Ман этилган ўрмонга илк бор киргани, ўша даврда Вольдеморт касб этган қўрқинчли махлуқ билан юзма юз келганини, шундан сўнг, Дамблдор иккаласи мағлубият курашни бас қилишга сабаб бўла олмаслигини узоқ муҳокама қилишганини эслади. Энг муҳими Дамблдор доимо курашишга даъват этган, фақат кураш билангина

ёвузликни, батамом йўқ қилиб юборишнинг иложи бўлмаган тақдирда ҳам, тўхтатиш мумкинлигини таъкидлаган.

Кўл соҳилида, офтобнинг куйдираётган нурлари остида ўтирар экан, Гаррининг кўз олдида, уни яхши кўрган, навбат билан ҳимоя қилиш учун келишган одамлар: онаси, отаси, чўқинтирган отаси, Дамблдор пайдо бўлишди. Бунга чек қўйиш кераклигини, энди у, ўзи билан Вольдеморт ўртасига биров туришига йўл қўймаслигини, ота-онаси ҳар нарсага, ҳар қандай офатдан қутқариб қолишга қодир эмаслигини аллақачон идрок этиши кераклигини, уйқудан уйғониб, буларнинг бари даҳшатли бўлиб чиқишига, ҳамма нарса яхши-ю, ёмони тушда қолганига умид боғлаш мумкин эмаслигини тўлиқ тушуниб етди. Гаррининг сўнгги, буюк ва қудратли ҳимоячиси ўлди, энди у ёлғиз ўзи қолди.

Сўзга чиққан киши ниҳоят гапини тугатиб, жойига қайтди. Гарри яна кимдир ўрnidан туриши, эҳтимол сеҳргарлик вазири сўзга чиқишини кутди. Лекин ҳеч ким ўрnidан қўзғалмади, ҳамма жим ўтирди.

Кутилмаганда қўрқув аралаш садолар эшитилди. Оппоқ ёрқин олов жасад ва у ётган оқ мрамор столи қамраб олди. Кўп ўтмай, олов тили орасида Дамблдор кўринмай қолди. Оқ тутун спираль шаклида ҳавога кўтарилиб, ғалати шакллар касб этди. Аллақандай фурсат ичида юраги тўхтаб қолгандай бўлган Гаррининг кўзига мовий осмонга қувонч-ла кўтарилган қақнус кўрингандай бўлди-ю, олов шу заҳоти ўчди. Одамларнинг кўз ўнгида Дамблдорнинг танаси ётган оқ мрамор столи ўраб олган оқ мақбара пайдо бўлди.

Яна қўрқув аралаш садолар эшитилди. Ҳавога юзлаб камон ўқлари кўтарилиб, одамлар ўтирган жойга етмай, ерга тушиб санчилди.

Кентаврлар тескари ўгирилиб, ўрмон қаърига кириб кетганини кўрган Гарри бу уларнинг сўнгги салюти бўлганини тушунди. Сув парилари ҳам аста сувга шўнғиб, кўздан ғойиб бўлишди.

Гарри дўстларига қаради. Рон кўзи қуёш нуридан қамашгандай, кўзини қисиб олган. Гермионанинг юзи кўз ёшдан ярқирамоқда, лекин Жинна йиғламай қўйибди. У Гаррининг нигоҳини худди квидиш ўйинида ғалаба қозониб, бир-бирини маҳкам қучоқлаб олган оқшомда қарагандай қатъий қарши олди. Бир-бирининг фикрини ўқиб олишаётганини Гарри ҳис этди, режасини айтса: «қўй, керак эмас» ёки «эҳтиёт бўлгин-да» каби жавоб эшитмаслигини, Жинна унинг режасини тўғри қабул қилишини тушунди. Шундан сўнг у, аслида Дамблдор ҳалок бўлган кечада айтиши керак бўлган гапни айтишга журъат этди.

- Қулоқ сол, Жинна... - паст овозда гап бошлади у, - Энди сен билан ортиқ учраша олмайман. Бас қилишимиз керак. Иккаламиз бирга бўлмаслигимиз лозим.

Одамлар ўрnidан туриб, аста суҳбат қура бошлашди.

- Қанақанги аҳмоқона олижаноб сабаб экан, у? - сўради Жинна заҳарли кулиб.

- Сен билан ўтган сўнги бир неча ҳафта... улар худди бошқа, ниҳоятда чиройли ҳаётда ўтгандай кечди... - деди Гарри, - Бироқ мен энди... биз энди... у ёғига ёлғиз ўзим кетишим керак.

Жинна кўзига ёш олмади, шунчаки, Гаррига қараб турибди.

- Вольдеморт ўз рақибларига қадрли бўлган одамлардан фойдаланади. Бир вақтлар у сендан, қадрдон дўстимнинг синглиси эканлигини билиб, қопқонга қўйилган хўрак сифатида фойдаланди. Агар учрашишни давом этадиган бўлсак, олдинда сени қандай хавф-хатарлар кутишини тасаввур қилиб кўр. Учрашиб юрганимизни эса у албатта билиб олади ва сен орқали менга етишга уринади.

- Менга фарқи бўлмаса-чи? - жаҳл қилди Жинна.

- Менга фарқи бор, - жавоб берди Гарри, - Нима деб ўйлайсан, мен ўзимни қандай ҳис этган бўлар эдим, агар бугун Дамблдорнинг эмас сенинг дафн маросиминг бўлса... ва сен, айнан менинг айбим билан ҳалок бўлган бўлсанг?

Жинна кўзини олиб қочиб, кўлга қаради.

- Сен ҳақингдаги орзуларимдан мен ҳеч қачон ростакамига воз кечмаганман, - деди қиз, - Доимо умид қилиб юрганман. Ўз ҳаётинг билан яшашинг, эркинроқ бўлиш учун бошқалар билан учрашишинг керак, деган эди менга Гермiona. Сен бор жойда унимни ҳам чиқара олмас эдим, эсингдами? Гермionанинг фикрига қараганда эса, агар мен ўзимни сал эркинроқ тутсам, менга эътибор қаратасан экан...

- Гермiona жа ақлли қиз-да, - кулиб боқишга уринди Гарри, - Кеч эътибор қаратибман. Кўпроқ бирга бўлар эдик.

- Йўқ, сен жуда банд эдинг. Доимо сеҳргарлар оламини қутқариб юрдинг, - маъюс хандон отиб қўйди Жинна, - Қисқаси, мени лол қолдирдинг дея олмайман. Кун ўтиб бир кун шундай бўлишини, токи Вольдемортни ўлдирмас экансан, бахтли бўла олмаслигини билар эдим. Эҳтимол шунинг учун ҳам ёқарсан менга.

Гарри ортиқ бардош бера олмади. Жиннанинг ёнидан туриб кетмаса, қатъиятига путур етишидан чўчиди. Гарри Рон томон қараб қўйди. Дўсти тинмай йиғлаётган, узун бурнининг учидан кўз ёши томаётган Гермionанинг қўлини ушлаб, сочини силаб ўтирибди. Шартта ўрнидан турган Гарри кўл силтаб, Жинна билан Дамблдорнинг қабрига тескари ўгирилди-да, кўл бўйлаб нари кетди. Одимлаб борар экан, ҳаракатдан оз бўлса ҳам, қандайдир енгил тортди. Ниманидир кутиб ўтирмай, руҳдонларни қидиришга тезроқ киришиш, Вольдеморт билан ҳаёт-мамот жангига узоққа чўзмаган маъқул...

- Гарри!

Руфус Скримж ҳассасига таянганча тез каловланиб келмоқда.

- Сен билан суҳбатлашишга умид қилган эдим... бироз бирга сайр қилсак деган эдим, эътирозинг йўқми?

- Йўқ.

Елкасини бефарқ қисиб қўйган Гарри йўлини давом этди.

- Даҳшатли фожа, Гарри, - самимий оҳангда гап бошлади Скримж, - Шахсан менга нақадар қаттиқ таъсир ўтказганини ифодалаб бера олмайман. Дамблдор давримизнинг буюк сеҳргари эди. Орамизда, ўзингга маълум, айрим ихтилофлар бор эди, албатта... лекин мендай яхши биладиган одам йўқ...

- Мендан нима истайсиз? - вазмин оҳангда сўради Гарри.

Скримжнинг юзида кўринган жаҳл қиёфаси тез ҳамдард тушуниш қиёфасига алмашди.

- Бошингга тушган мусибат сени адо қилган, албатта, - деди у, - Дамблдор иккалангиз жуда яқин одам бўлгансиз. Сен унинг энг хуш кўрган ўқувчиси бўлгансан. Сизларни бирлаштирган нарса...

- Мендан нима истайсиз? - такрор сўради Гарри, кескин тўхтаб.

Скримж ҳам тўхтаб, ҳассага таянганча, Гаррига диққат билан очиқдан очиқ назар солиб тикилди.

- Айтишларича, ўлаётганида ёнида бўлган экансан?

- Кимнинг айтишича? - қизиқди Гарри.

- Дамблдорнинг жони чиққач, кимдир Ўлимдан мириқувчини Уриб йиқитиш қарғиши билан йиқитган. Минора майдонида эса иккита супурги топилган. Вазирлик иккига иккини қўшишга қодир, Гарри.

- Мана шу гапингизни эшитганимдан ниҳоятда хурсандман, - жавоб қилди Гарри, - Фақат Дамблдор иккаламиз қаерда, нима мақсадда бўлганимиз, менинг ишим. Буни биров билишини у ҳеч қачон хоҳламаган.

- Бундай садоқат, табиийки, сенга обрў келтиради, - деди жаҳлини базўр тийиб турган Скримж, - Бироқ Дамблдор ўлди, Гарри, энди у йўқ.

- Дамблдор ушбу мактабни, бирорта ҳам унга содиқ одам қолмагандагина тарк этади, - беихтиёр кулиб юборди Гарри.

- Болакай, ҳатто Дамблдор ҳам қайтиб кела олмайди...

- Мен уни қайтади деётганим йўқ... ҳа, майли, сиз бундай нарсаларни тушунмайсиз. Қисқаси, сизга айтадиган ортиқ гапим йўқ.

Бироз иккиланиб турган Скримж, афтидан, ўзининг нуқтаи назарига кўра, хушмуомала оҳангда гап бошлади:

- Гарри, вазирлик сени мисли кўрилмаган муҳофаза билан таъминлайди. Ихтиёрингга икки-уч нафар аврорни ҳавола этаман...

- Менинг пайимга шахсан Вольдемортнинг ўзи тушган, - кулиб юборди Гарри, - Ҳеч қандай аврорингиз уни тўхтатиб қола олмайди. Таклиф учун раҳмат, албатта, лекин жавобим – йўқ.

- Бошқача қилиб айтганда, - деди Скримж, оҳанги ўзгариб, - Рождество куни киритган таклифим...

- Қайси? А, ҳа-я... сизлар зўр ва Вольдемортга қарши олиб бораётган жангда устун келаётганингизга ҳаммани ва ҳар бир кишини алоҳида ишонтириш. Натижада...

- Жамиятда хотиржамлик ҳукм суради! - ириллади Скримж.

Гарри бироз сукут сақлаб, вазирга қараб турди.

- Қўриқчи Стэнни озод этдингиз-ми? - сўради у, кутилмаганда.

Скримж қизариб, Вернон амакига ўхшаб қолди.

- Сен... сен...

- Суюгининг илигига қадар Дамблдорнинг одами, - гапни бўлди Гарри, -
Ҳа, шундай.

Вазир дарғазаб ўқрайиб турди-да, ортиқ сўз айтмай, шартта тескари ўгирилиб, нари каловланиб кетди. Перси ва унинг бошқа ҳамроҳлари, ҳалигача ўрнидан қўзғалмай, ҳўнграб ўтирган Хагрид билан Гурпга асабий қараб-қараб туришибди. Скримж уларнинг ёнидан индамай ўтиб кетди. Гарри ҳам тескари ўгирилиб, йўлини давом этди. Дўстлари уни нисбатан бахтли кунлар ўтган қора қайин остида қувиб етишди.

- Скримжга нима керак экан? - пичирлаб сўради Гермiona.

- Рождествода керак бўлган нарса, - елка қисиб қўйди Гарри, -
Дамблдорнинг сирларини билиб олиб, мени плакатларда кўрсатиладиган болага айлантормоқчи.

Ўзи билан ўзи ички кураш олиб бораётган Рон ниҳоят Гермionaга ёрилди:

- Майлими, мен югуриб бориб, анави Персининг пўстагини қоқиб келсам?

- Йўқ, - жиддий оҳангда ман этди Гермiona, Роннинг қўлидан маҳкам ушлаб олиб.

- Афсус, сал енгил тортган бўлар эдим, дейман-да!

Гарри кулиб юборди. Ҳатто Гермiona ҳам бироз кулимсираган бўлди-ю, қасрга қараб, жиддий қиёфа касб этди.

- Бу ерга қайтиб келмаслигимизни ҳеч тасаввур эта олмайман, - деди у, деярли пичирлаб, - Наҳотки "Хогварц"ни ёпиб қўйишса?

- Балки ёпишмас, - жавоб берди Рон, - Бу ер уйга нисбатан хавфли эмас. Энди ҳамма жой бир хил хавфли. "Хогварц" эса бошқа жойларга нисбатан хавфсизроқ, деган бўлар эдим мен. Ҳар қалай, сеҳргарлар кўпроқ бу ерда. Сен нима деб ўйлайсан, Гарри?

- Ҳар қандай ҳолатда ҳам мен бу ерга энди қайтмайман, - жавоб берди Гарри.

Роннинг кўзи катта очилиб кетди. Гермiona эса маъюс хўрсиниб қўйди.

- Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим. Нима қилмоқчисан?

- Дастлаб Дурслларнинг уйига қайтаман. Дамблдор шуни истаган эди.

Кўп бўлмайман у ерда. Сўнг уларни умрбод тарк этаман.

- Хўп, мактабга келмас экансан, қаёққа борасан?

Гарри Дамблдор ўлган кечада миясига келган фикрни эслади.

- Годрик жарлигига, - пўнғиллади у, - Саргузаштларим айнан ўша ердан бошланган. Негадир, ўша ерда бўлишим кераклигини биламан. Ота-онамнинг мазорини зиёрат қилишни кўпдан буён ният қилиб келган эдим.

- Хўп, кейин-чи? - сўради Рон.

- Кейин руҳдон қидиришга киришаман, - деди Гарри, кўлнинг нариги томонида қолган оқ мақбаранинг сувдаги аксига қараб, - У шуни истаган ва шу боис, менга бунинг ҳақида айтиб берган. Агар у ҳақ бўлиб чиқса, унинг ҳақлигига мен зиғирдай бўлсин, шубҳа қилмайман, яна тўртта руҳдон қолган. Мен уларни топиб, йўқ қилишим керак ва шундан сўнггина, Вольдеморт руҳининг, танасида яшаётган еттинчи қисми билан шуғулланаман. Чунки айнан мен ўлдиришим керак уни. Йўл йўлакай Северус Снегг рўбару келиб қолса, - қўшимча қилди Гарри, - Менга яхши-ю, унга ёмон бўлади.

Учовлон жим бўлиб қолди. Халойиқ деярли тарқади. Ушланиб қолганлар ҳалигача ҳўнграши кўл узра янграётган Хагрини қучиб ўтирган Гурпдан анча нари юриб, айланиб ўтишмоқда.

- Биз сен билан бўламиз, Гарри, - деди Рон.

- Тушунмадим, нима дединг?

- Холанг билан амакингнинг уйига бирга борамиз, - тушунтириш берди Рон, - Кейин ҳам, қаерга боришни истасанг, ўша ерга бирга борамиз.

- Йўқ, - шу заҳоти рад этди Гарри.

Бундай бўлишини у кутмаган ва ушбу хавфли сафарга ёлғиз ўзи чиқиши кераклигини дўстлари тўғри тушунишини истаган.

- Эсингдами, бир вақтлар «Қайтишни истасангиз, қарорингизни айбга буюрмайман» деган эдинг, - эслатди Гермiona паст овозда, - Ўша куни биз қайтмадик, тўғрими?

- Нима бўлмасин, биз доимо сен билан бирга бўламиз, - ишонтирди Рон,

- Бироқ қадрдон дўстим, ҳар қанақанги Годрик жарлигидан олдин бизнинг уйимизга калла тикиб чиқишингга тўғри келади.

- Сабаб?

- Билл билан Флёрнинг тўйига, унутдингми?

Гарри ҳайрат-ла дўстига бақрайиб қолди. Дунёда бундай оддий, тўй каби одамий нарсалар борлиги ҳам ақлга сиғмайди, ҳам ҳаётга гўзаллик бағишлайди.

- Ҳа, тўйни қолиб бўлмайди, - деди у, ниҳоят.

У қўлидаги сохт руҳдонни одатдагидай, маҳкам сиқди. Олдинда уни қоронғи, илонизи йўл, Вольдеморт билан бир ойдан кейин-ми, бир ёки ўн йил ўтиб-ми, муқаррар ўтадиган сўнгги учрашув кутмоқда. Шундай бўлса-да, Рон ва Гермiona билан бирга ўтказадиган зўр кун борлигидан анча енгил тортди.

2015 йил 26 июль соат 22.17